





И. С.

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

БЕШ ТОМЛИК



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЕТИ
Тошкент — 1967

ТУРГЕНЕВ

I ТОМ ТАҢЛАНГАН
АСАРЛАР

ОВЧИННИНГ
ХОТИРАЛАРИ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ БАДИИИ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ
Тошкент—1967

Русчадан
МАДАМИН ИБРОҲИМОВ
таржимаси

Тургенев И. С.

Танланган асарлар 5 томлик. Т. I.
Т., Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт
нашриёти, 1967.

Т. I. Овчининг хотиралари. 448 бет.
Тиражи 10000

Тургенев И. С. Избранные произведения Т. I.

Индекс 7—3—1

PI

Тургенев — энг уста сўз санъаткоридир. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин унинг номини тили «буюк ва қудратли»¹ ёзувчилар қаторида зикр қилиб ўтади.

И. С. ТУРГЕНЕВ

И. С. Тургенев — рус танқидий реализмининг кўзга кўринган намояндаларидандир. Унинг асарлари кенг китобхонлар оммаси ўртасида катта шухрат қозонган эди: китобхонлар унинг асарлари майдонга чиқишини сабрсизлик билан кутар, ҳар бир янги чиққан романини, ҳикоя ва повестини қизғин муҳокама қилар эдилар.

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 20 том. 55 бет

Ёзувчининг замондошларини ҳаяжонга солган энг муҳим масалаларга баст-жавоб қила билиш қобилиятига эга эканлиги китобхонларда унинг асарларига зўр қизиқиш туғдирган.

«Тургеневни,— деб ёзган эди Добролюбов,— сўнги йигирма беш йил мобайнида бизнинг ўқимишли жамиятимиз ўртасида ҳукм сурган ахлоқ ва фалсафанинг гўзаллик куйчиси ва фасоҳат наққоши деб айтиш мумкин...»

Тургеневнинг асарлари жонажон ўлкага зўр меҳр-муҳаббат руҳи билан суғорилган ва порлоқ келажакка ишонч билан тўлган эди.

Тургенев асарларининг китобхонлар оммасида узоқ ва чуқур таъсир қолдириши ёзувчининг ижодиётидаги ватанпарварлик руҳи, юксак ахлоқийлик ва санъаткорликдир.

Тургенев ҳаётлик вақтида унинг асарлари ижтимоий онгининг уйғонишига ёрдам қилди, кенг омманинг диққатини ўз даврининг муҳим масалаларига торта билди.

М. Е. Салтиков-Шчедрин шундай деб ёзган эди:

«Тургеневнинг адабий фаолияти Некрасов, Белинский ва Добролюбовларнинг фаолияти билан бир қаторда бизнинг жамиятимиз учун раҳнамолик аҳамиятини касб этган эди».

* * *

Иван Сергеевич Тургеневнинг ижоди XIX асрнинг 40—70-йилларида ривож топади, чунки бу вақтда барча асосий ижтимоий масалалар крепостнойлик ҳуқуқига ва унинг қолдиқларига қарши курашга қаратилган эди. Ёзувчи шу курашда актив қатнашади. Чунки ёзувчи крепостнойлик даврининг экономика, турмуш ва руҳий хусусиятлари билан яхши ошна эди.

Тургенев 1818 йилнинг 28 октябри (9 ноябри)да Орёл шаҳрида бой дворян оиласида дунёга келади. Унинг болалик йиллари Орёл губернасининг Мценск уездидаги Спасское-Лутовиново қишлоғида онасининг мулкида, хўжайинлар билан деҳқонлар олами ўртасида доимий фарқ мавжуд бўлган боёнлар қўраси шароитида ўтади. «Мен,— деб эслайди ёзувчи,— гарданга тушириш, ўйин-чимчилаш, калтаклаш, шапалоқлаш ва шу сингарилар ҳукм сурган бир шароитда туғилиб ўсдим... Ўша вақтлардаёқ менда крепостнойлик ҳуқуқига нафрат туғилган эди».

Тургенев болалигида деҳқонларнинг инсонлик қадр-қиммати беҳад ҳўрланиб келинганининг шохидигина бўлиб қолмай, балки

хўжайинлар назаридан эрксиз равишда пинҳон тугилган бой ички дунёни кўра билишни ҳам ўрганди.

Онасининг крепостной хизматкори, қадимий поэзиянинг муҳиб, рус табиатининг нозик ҳассоси ва унинг қадр-қимматини тушунувчи бу киши бўлғуси ёзувчининг илк муаллими бўлган эди. У вояга етган Тургенев учун ҳам характерли бўлган барча жонажон нарсаларга қизгин меҳр-муҳаббат ҳисларини бу ёш болада ҳам ҳосил қила олди.

Тургеневнинг мактабда ўқиган йиллари унинг таржиман ҳолида муҳим даврни ташкил этади. У мунтазам равишда яхши маълумот олди. У 1833—1837 йилларда Москва ва Петербург университетларида таҳсил кўрди, 1838—1841 йиллари Берлин университетига Гегел фалсафасини ва тарихни ўрганди, қадимги замон тили ва адабиётини ўрганиш билан шуғулланди. Унинг ўқув йиллари Николай реакцияси авж олган шаронгда ва шу билан бирга студентлар тўғараклари пайдо бўла бошлаган даврларда кечади. Россиянинг илгор ёшлари 30-йилларда тараққиёт тарихи йўллари ҳақида қизгин мунозара қилишар ва исмиц идеалист фалсафасига эргашишган эди. Тургенев ҳам бундан мустасно қолмаган эди. Бўлажак ёзувчи Берлинда Москва студентлари тўғаракларининг актив қатнашчилари ва рус ёшларининг кўзга кўринган намояндалари — Николай Станкевич, ёш Белинскийнинг энг яқин дўсти, кейинчалик машҳур сиёсий арбоб — анархистга айланган Михаил Бакунин билан, машҳур либерал тарихчи ва маърифатпарвар Тимофей Грановский билан яқиндан танишади.

Тургенев профессор бўлишга ҳозирланади. Аммо Николай I ҳукумати ёшларнинг фалсафа проблемаларига қизиқишларига шубҳа билан қарайди, чунки Николай I ҳукумати Герцен мисолида студентлар тўғаракларидаги «мавҳум» мунозаралар баъзан батамом конкрет прогрессив ғояларни тарғиб қилишга олиб келганини кўрган эди. 1841 йили Тургенев ўз ўқишини тамомлаб ватанига қайтганида фалсафа кафедралари беркитилиб қўйилган эди. Шу сабабдан онасининг зўри билан у 1843 йили ички ишлар министрлиги маҳкамасига хизматга киради. Ўзининг тап олишича, «жуда ёмон ва палапартиш ишлаб», 1845 йили «Коллежский секретарь» деган оддий мансабдан истёфого чиқиб кетган экан. Тургенев мансабдорликка сира қизиқмади. Унинг бутун фикри хаёли адабиёт соҳасида ишлаш эди. Шу сабабдан ўша йиллари адабиёт машғулотига жуда берилиб кетди.

Тургеневнинг дастлабки адабий фаолияти XIX асрнинг 30-йиллари ўрталарига оиддир. Бу ишлар романтизмнинг таъсири остида ўтади. Севги ва ўлим, одамларнинг беҳуда умр кечиришлари, ҳаётнинг мафҳуми ҳақидаги фалсафий-романтик шов-шувлар

Тургеневнинг ёшлик даврида ёзган шеърлари учун характерли томонлардир. Романтизмга тан берган Тургенев шу билан бир вақтда рус реализмига асос солган Пушкинга ҳам зўр ҳурмат билан қарайди.

1843 йили унинг помещиклар ҳаётидан олиб ёзилган «Параша» поэмаси чиқади. Бу асар ёш ёзувчининг ижодида реалистик тенденциялар ривожланишида муҳим даврни ташкил этади. Белинский бу поэмани авторнинг замонавий мавзуга нисбатан сезгирлиги учун маъқуллаган эди.

«Параша» чиққанидан кейин кўп ўтмай Тургенев Белинский билан танишади ва унинг қудратли заковотининг олижаноб таъсирига берилади.

Тургенев Гоголь ва Некрасов, Достоевский ва Григорович, Герцен ва Белинскийлар билан бирга 40-йиллардаги адабий-ижтимоий ҳаракатнинг актив иштирокчиларидан бири бўлиб қолади.

Уша йиллари авж олган помещиклар эксплуатацияси исканжа-сида хонавайрон бўлган крепостной деҳқонлар мавжуд тузумга қарши борган сари қаттиқ норозилик билдирмоқда эди. Стихияли равишда кўтарилган ғалаён ва исёнларнинг сони 1845—1849 йилларда икки юздан ошиб кетган эди.

Деҳқон қўзғолонлари илгор зиёлилар ўртасида крепостнойликка қарши кайфиятларнинг ўсишига таъсир этди, революцион-демократик маслакнинг туғилишига катта ёрдам қилди. Бу даврда Белинский билан Герценнинг революцион маърифатчилик фаолияти ривожланди, петрошевчиларнинг социал-утопик тўғараклари ишлай бошлади, Чернишевскийнинг революцион-демократик дунёқараш таркиб топди.

40-йиллар рус озодлик ҳаракатининг биринчи дворянлик босқичидан иккинчи, разночинецлар, буржуа демократик босқичга ўтиш даври бўлди. Бу даврда озодлик кураши қатнашчиларининг состави сезиларли даражада ўзгаради. Дворян зиёлилар билан бир қаторда разночинецлар ҳам кураш олиб боради, мамлакатда озодлик ҳаракати борган сари демократлашади.

40-йилларда асосий ғоявий курашлар бир томондан крепостной деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи Белинский, Герцен ва уларнинг мухлислари, иккинчи томондан эса, дворянлар ва буржуазия манфаатларини ҳимоя қилувчилар ўртасида давом этади.

Белинскийнинг таъсири остида Тургенев мустаҳкам равишда реализм йўлига тушиб олади ва 40-йилларда бир қанча очерк ва ҳикоялар ёзади. Кейинчалик бу асарлар «Овчининг хотиралари» деган умумий ном билан нашр этилади. Бу тўпламнинг асосий ғояси

крепостной деҳқон билан помещикнинг ҳақиқий қиёфасини кўрасатишдан иборат эди.

«Овчининг хотиралари» авторининг катта хизмати шундан иборат бўлганки, у «натурал» ёзувчилар, Гоголь мактаби деб аталган ёзувчилар Некрасов, Григорович, Герцен ва шу қабила билан бирликда дворянлар образи орқали крепостной тузумнинг кризисга учираганини тасвирлайди. Тургенев ҳоким синф намоёндаларининг маънавий жиҳатдан қашшоқлигини, уларнинг ҳўжалик жиҳатдан аянчли бир ҳолда эканини тасвирлайди, халқнинг ибтидоий инсофлик ҳуқуқларини поймол қилган «маданий» крепостникларнинг юзидан ниқобини сидириб ташлайди.

Тургенев революционер эмасди. Аммо у халқ орасида крепостной зулмга қарши пишиб етилиб келаётган норозиликни ҳис қилди.

Тургеневнинг «Овчининг хотиралари» асари крепостной ҳуқуқин бекор қилиш тўғрисида борган сари жиддийроқ фикр изҳор қилган илгор ижтимоий фикр тараққиётида катта роль ўйнади.

Бу асарларнинг бадий қадр-қиммати жуда юксакдир. Машҳур француз аёл ёзувчи Жорж Санд «Овчининг хотиралари»ни ўқиб чиқиб: «Нақадар моҳирона тасвир-а! Шимол деҳқонини нақадар яхши кўрасан, овозига қулоқ соласан ва таниб оласан, киши» деган экан.

Белинскийнинг санъатни замонасининг энг муҳим проблемасига айлантириш ҳақидаги васиятига амал қилиб, Тургенев турли жанрларда ёза бошлайди, жумладан, драматургияга қўл уради. 40—50-йилларда бир неча пьесалар ёзади.

Тургеневнинг ҳикоя ва повестларидаги сингари пьесаларида ҳам чалкаш масала ва мураккаб интригалар йўқ. Ҳаммаси жуда содда, лекин шу билан бирга ҳаётнинг ўзи сингари мураккабдир. Бу — синфий антагонистик жамиятдаги одамларнинг муносабатлари мураккабдир.

Тургенев кўп ҳикоя ва повестлардан ташқари олти роман ҳам ёзган. Унинг романида славянофилларнинг гарб мухлислари билан мунозаралари, «ортиқча киши» проблемаси, революцион-демократларнинг либераллар билан кураши, дворянлар синфининг емирилиш жараёни ва янги тарихий кучларнинг туғилиши, 50—70-йилларда рус жамиятидаги иқтисодий аҳвол ва ақлий ҳаракат, хотипқизлар озодлиги масаласи, зиёлилар ва халқ проблемаси, замондошларини қаттиқ ҳаяжонлантирган кўпгина бошқа масалалар акс этган эди.

Тургенев асарларининг марказида дворянлар синфининг намоёндалари турди. Бу образлар, маълумки, «Овчининг хотиралари»

да ҳам катта ўрин эгаллайди. Аммо бу асарда деҳқонлар билан муносабат аксари очиб кўрсатилади, помешчикларга нисбатан деҳқонларнинг ички дунёсини кўрсатишга анча кўпроқ эътибор берилади.

В. И. Ленин Тургеневни «муътадил монархия ва дворянлик конституцияси ўзига тортади», «Добролюбов билан Чернышевскийнинг деҳқонлар демократизми унинг меъдасига теккан эди»¹ деб ёзган эди.

Тургенев жуда уста сўз санъаткори эди. Шу сабабдан ҳам В. И. Ленин унинг номини тили «буюк ва қудратли» бўлган ёзувчилар орасида биринчи қилиб тилга олгани бежиз эмас эди. Тургенев ижодининг бошқалардан фарқ қиладиган хусусияти шундан иборатки, у бадий воситаларни тежаш, сўзларни ишлатишга ҳассос, образларни индивидуаллаштириш, композициянинг аниқлигига риоя қилишда, персонажларнинг ички дунёсини очиб ташлашда, уларнинг характеридаги чуқур лиризмни таърифлашда, асарнинг бадий тўқимасини ташкил этадиган табиат манзараларини тасвирлашга жуда моҳир санъаткор эди.

Тургенев доим асар қаҳрамонларининг сўз ва ҳаракатлари уларнинг характерида мос келишига, бу нарсаларнинг автор томонидан «ташқари»дан «зўрлаб» тиқиштирилмаслигига интилар эди.

Тургенев, ёзувчи ўз замонасининг воқелигини диққат билан ўрганиши натижасида китобхонлар хотирида сақланиб қоладиган персонажлар яратинида омик ҳисобланди, деб таъкидлаган эди.

Аниқлик, равшанлик ва ҳамма нарсада асослаш — Тургенев ижодининг шиори эди. У Пушкиндан бошланган рус классикларининг энг яхши традицияларини тўғри ривожлантирди.

Пушкиндан сўнг Тургенев кундалик ҳаётни тасвирлашни ўзига асосий касб қилиб олди ва шундан ўзи учун теран шоирона негиз топа билди. «Овчининг хотиралари»даги деҳқонлар образлари шоирона, повесть ва ҳикоялардаги қаҳрамонлар соддадил ва олижаноб ҳаёлпарастлар, Базаров билан Инсаров жамиятини қайта қуриш тарафдорлари бўлган курашчилардир.

Хусусан, аёллар образи шоирона. Тургенев аёллар образи орқали рус кишисига хос юксак ахлоқли, олижаноб орзу-умидли, қалб ҳарорати ўткир ва доно, характер жиҳатдан қудратли ва ҳақиқий инсонпарвар образларни талқин этади.

Тургеневнинг асарлари ҳажм жиҳатидан катта бўлмаса-да, лекин ёзувчи бу асарларга қўл нарсани сигдира олган. Тургенев рус классик романчилигининг юксак намуналарини ярата олди.

¹ В. И. Ленин, Асарлар, т. 27, 244-бет.

Унинг ҳамма асарларида деярли рус табиати жуда гўзал тасвирини топган. Бу нарсa ёзувчининг ўз ватанига бўлган меҳр-оқибатининг зуҳуридир.

Воқеликни шоирона тасвир этиш санъатини, тил ширинлигини, атроф муҳитни кузатиш маҳоратини бутун дунё адабиётчилари Тургеневдан ўрганганлар ва ҳамон ўрганиб келмоқдалар. Ёзувчи барҳаётлигида сўз санъатининг атоқли усталари ҳам унинг фикрларига қулоқ солиб келган эдилар.

Тургенев чет эл адабиётининг энг яхши асарларини Россияда тарғиб қилиш билан бирга, рус ёзувчиларининг асарларини ажнабий тилларга таржима қилиш ишларига ҳам эър эътибор берди. Тургеневнинг хизматлари соясида чет эл китобхонлари Пушкин, Гоголь, Салтиков-Шчедрин ва Л. Толстой каби буюк рус ёзувчиларининг асарларини ўқишга муяссар бўлганлар. Тургенев ажнабийлар билан қилган суҳбатларида ва матбуотда Европа реакциясининг Россия ҳақидаги бўҳтонларини фoш этди ва ўз ватанининг содиқ дўсти ва ҳимоячиси, оташин ватанпарвар сифатида майдонга чиқди.

Гарчи, Тургенев кўпинча чет элларда яшаган ва кўп чет тилларни мукамал билган бўлса-да, лекин у доим рус тилида ёзган эди. Шу сабабдан рус тилининг тараққиёти ва такомилида Тургеневнинг хизмати катта бўлган.

Тургенев доим ватани ҳақида ўйлар, унинг барча китоблари ватанга хизмат қилиш каби ягона мақсад йўлида ёзилган эди.

Тургеневнинг сўнгги ижоди учун характерли бўлган идеалистик кайфиятлар кучайишига қарамасдан, унинг кейинги йиллардаги асосий асарлари ёзувчига хос ижтимоий проблемаларга сезгирлик, ёшларга хайрихоҳлик, реакционерларга нафрат руҳини акс эттирди. Тургенев узоқ вақт оғир бетоб бўлиб ётганидан кейин, 1883 йил 22 август (3 сентябрь)да Францияда вафот этди. Ёзувчининг васиятига мувофиқ унинг жасади Петербургга келтирилиб, Волков қабристонига, Белинскийнинг қабри яқинига қўмилган.

Жамиятда инсоннинг қора кучлар устидан ғалаба қилишини тарғиб қилувчи, воқеликни санъаткорона тасвирловчи мислсиз асарлар яратган Тургенев доим ҳаммамизнинг севиқли ёзувчимиз бўлиб қолажак.

Тургенев ўзбек китобхонлари учун ҳам қадрли ва азиздир. Унинг баъзи бир дурдона асарлари: «Муму» номли ҳикояси, «Арафа», «Дворянлар уяси», «Оталар ва болалар» романлари, «Илк севги», «Баҳор тошқинлари» каби повестлари, «Овчининг хотиралари» ўзбек тилида турли даврларда нашр этилган ва ўзбек китобхонларининг сеvimли китобларидан бўлиб қолган.

Ғафур Ғулом номдаги бадий адабиёт нашриёти шу асарларни тўплаб ва янгиларини қўшиб «Тургеневнинг беш томлик асарлари» ни нашр этишни муъаллаған.

Нашриёт бу беш томликни тайёрлашда И. С. Тургеневнинг 1953 йили Москва Давлат бадий адабиёт нашриёти чиқарган ўн икки томлик асарлари ва 1958 йили Ленинград нашриёти чиқарган икки томлик асаридан фойдаланди.

Кимда ким тасодифан Болхов уездидан Жиздра уездига ўтган бўлса, у Орёл губернасидаги одамлар тоифаси билан Калуга губернасидаги одамлар тоифаси ўртасида ғоят катта тафовут борлигини кўриб ҳайратда қолган бўлса керак. Орёл мужиги паканароқ, қадди букчайганроқ, бадқовоқ бўлади, одамга ер тагидан қарайди, тоғ теракдан қилинган, путури кетган кулбаларда туради, баршчинага қатнайди; олди-сотди билан шугулланмайди; тирикчилиги ёмон, чипта кавуш кийиб юради; оброк тўловчи калугалик мужик эса, қарағайдан солинган кенг уйларда яшайди, у баланд бўйли, юзлари тоза ва оппоқ, кишига қувноқ ва дадил қарайди, ёр ҳамда арава мойи олиб сотади, байрам кунлари этик кийиб юради. Орёл губернасининг қишлоқлари (биз Орёл губернасининг шарқий қисми ҳақида гапиряпмиз) одатда экинзор далалар ўртасига, бир амаллаб ифлос кўлга айлантирилган жар ёқаларига жойлашган. Эҳтиётга ярайдиган бир неча шумтол ва икки-уч тул нимжон қайин дарахтидан бўлак теварак-атрофда дов-дарахт кўзга чалинмайди: уйлар бир-бирига маташиб кетган, томлари чирик похол билан ёпилган... Аксинча, Калуга қишлоқларининг кўп қисми ўрмон билан қуршалган; уйлар бирмунча кенг ва тўғри қилиб қурилган, томлари тахтадан; дарвозалари зич бекилади, ҳовли орқасидаги четан девор тўзиб ёнбошлаб қолган эмас, дайдиб юрган чўчқалар ҳовлига киролмайди... Калуга губернаси овчилар учун ҳам яхши. Орёл губернасида қолган сўнги

Ўрмонлар ва майдонлар¹ яна беш йиллардан кейин йўқолиб кетади, ҳозир у ерда ботқоқликлардан асар ҳам йўқ; Калуга губернасида эса, бунинг аксини кўрамиз: дарахти кесилган ўрмонлар, юзлаб ботқоқ жойлар ўнлаб чақиримга чўзилиб кетган, шунинг учун қушларнинг асили — қурлар бу ерда ҳали қирилиб битмаган, ювош лойхўрақлар ҳам бор, жонсарак каклик тўсатдан пирр этиб учиб, овчини ва итни хурсанд ҳам қилади, чўчитиб ҳам юборади.

Мен Жиздра уездига ов қилгани борганимда калугалик майда помешчик, ишқибоз овчи, бинобарин, жуда ажойиб одам Полутикин билан далада танишиб қолдим. Зотан, унинг табиатида баъзи бир заиф томонлар ҳам бор эди: чунончи, у губернадаги ҳамма бой қизларга бирма-бир совчи қўйиб кўрган, бироқ, қизлардан, уларнинг ота-оналаридан рад жавоби олгач, юрагидаги дардини ёру дўстларига, таниш-билишларига айтиб ҳасрат қилиб юарди, қизларнинг ота-оналарига эса ўз боғида етишган нордон шафтолидан ва бошқа хом-хата-ла мевалардан совға қилиб юборишини қўймасди; доим битта латифани такрорлайверишни яхши кўрарди, аммо жаноб Полутикин бу латифани жуда ўткир деб ўйлаб ҳар қанча тилга олмасин, у ҳеч қачон ҳеч кимни кулди-ролмасди; жаноб Полутикин Аким Нахимовичнинг асарини ва *Пинна* повестини мақтарди; дудуқланиб гапирарди; итини Астроном деб атарди: *лекин* дейиш ўрнига *локин* деярга ва ўз уйида французча овқатлар пиширишни расм қилган эди, ошпазнинг фикрича, бу пазандаликнинг сири шунда эдики, ҳар бир таом ўзининг табиий мазасини бутунлай ўзгартириб юборарди: бу моҳир ошпаз пиширган овқатдаги гўштдан балиқ ҳиди, балиқдан қўзиқорин ҳиди, макарондан порох ҳиди келарди; шундай бўлса ҳам шўрвага солинадиган сабзи, албатта, ромб ва трапеция шаклида тўғралиши шарт эди. Аммо мана шу озгина ва арзимас нуқсонларига қарамай, жаноб Полутикин, юқорида айтилганидек, жуда ажойиб одам эди.

Жаноб Полутикин билан танишган кунимизоқ, у мени тунаш учун уйга таклиф қилди.

¹ Катта-катта яхлит бутазорлар Орёл губернасида «майдон» деб аталади; Орёл шеваси умуман ўзига хос, баъзан жуда ўткир, баъзан анчагина бемаъни сўз ва ибораларнинг кўплиги билан аж-ралиб туради. (*Автор изоҳи.*)

— Уйим беш чақиримча келади,— деб қўшиб қўйди у,— пиёда боришга анча узоқ; келинг, аввал Хорнинг олдига кириб чиқайлик. (Китобхоннинг ижозати билан мен жаноб Полутикиннинг дудуқланиб гапиришини тас-вирламоқчи эмасман.)

— Хорь деганингиз ким ўзи?

— Менинг мужигим... Шу ерга яқин туради.

Биз Хорникига жўнадик. Ўрмон ўртасида, дарахтла-ри кесиб тозаланган текис ялангликда Хорнинг ёлғиз қўрғончаси қад кўтариб турарди. Қўрғонча девор билан ўралган бўлиб, бир неча қарағай уйчадан иборат эди; катта уй олдида бир неча ингичка устунли узун пешай-вон бор эди. Биз қўрғончага кирдик. Йигирма ёшларда-ги барваста ва чиройли бир йигитча бизни кутиб олди.

— Ҳа. Федя! Хорь уйдами?— деб сўради ундан жа-ноб Полутикин.

— Йўқ, Хорь шаҳарга кетган,— деди йигит кулим-сираб, садафдек оппоқ тишлариши кўрсатиб.

— Тележкани қўшайми?

Ҳа, иним, тележкани қўш. Бизга квас ҳам келтир.

Биз уйга кирдик. Харилардан ясалган тоза де-ворларга биронта ҳам суздалча сурат ёништирилмаган эди; бурчакда кумуш жилдли оғир икона олдида шамчироқ милтиллаб турарди; арғувон дарахти ёғочи-дан қилинган стол яқиндагина яхшилаб қириб, ювиб қўйилган эди; харилар ва дераза кесакилари орасида жонсарақ қизил сувараклар изғиман, ўйчан қора су-вараклар бекиниб турмас эди. Кўп ўтмай ёш йигит мазали квас тўлдирилган катта оқ кружка, катта-гина бир бўлак бугдой нон ва ичига ўнтача шўр бод-ринг солинган заранг коса кўтариб кириб келди. У бу овқатларни столга қўйди-да, эшикка суяниб, бизга жилмайиб қараб турди. Овқатимизни еб бўлмаган ҳам эдикки, ташқаридан тележканинг тарақ-туруғи эшнтил-ди. Биз ташқарига чиқдик. Ун беш ёшлардаги, жинга-лак сочли ва қизил юзли бир бола кучер ўрнида ўтирар ва бақувват чавқар айғирни тезгинидан тортиб зўрға тутиб турар эди. Тележка атрофида бир-бирига ва Федя-га ўхшаган олтитача ёш, барваста йигитча турарди. «Ҳаммаси Хорнинг болалари!» деди Полутикин. «Ҳам-маси Хорваччалар,— деди, орқамиздан зинага чиққан Федя,— яна бошқалари ҳам бор: Потап ўрмонда, Сидор эса, чол Хорь билан бирга шаҳарга кетган... Вася, билиб қўйгин-а,— деб давом этди у, кучерга қараб,— учириб олиб бор: баринни олиб кетяпсан. Лекин ўйдим-чуқур

жойларга эҳтиёт бўл, секинроқ ҳайда: бўлмаса тележкани ҳам ишдан чиқарасан, бариннинг кўнглини ҳам беҳузур қиласан!» Хорнинг бошқа болалари Федянинг гапига кулиб қўйишди. «Астрономни тележкага сол!» деб тантанали хитоб қилди жаноб Полутикин. Федя зўрма-зўраки иржайиб турган итни хурсандлик билан баланд кўтарди-да, тележкага солди. Вася от тизгинини қўйиб юборди. Биз жўнаб кетдик. «Ана бу менинг конторам,— деди бирдан жаноб Полутикин, пастаккина бир уйчани кўрсатиб,— кириб чиқишни хоҳлайсизми?» «Майли». «Бу контора ҳозир ёпилган,— деди у, тележкадан тушаётиб,— лекин ҳар ҳолда кириб кўришга арзийди». Контора икки бўш хонадан иборат эди. Ҳовли орқасидан ғилай қоровул чол югуриб чиқди. «Салом, Миняич,— деди жаноб Полутикин,— сув қани, сув?» Ғилай чол кўздан ғойиб бўлди-да, дарров бир шиша сув ва иккита стакан олиб қайтиб келди. «Татиб кўринг,— деди менга Полутикин,— бу яхши, булоқ суви». Биз бир станқадан ичдик, бу вақтда чол бизга икки букилиб таъзим қилиб турди. «Хўш, энди жўнаб кетсак ҳам бўлар, деди янги ошнам.— Мен бу конторада тўрт десятина ўрмонини савдогар Аллилуевга боплаб пуллаганман» Биз тележкага тушиб жўнадик, ярим соатдан кейин помешчининг ҳовлисига кириб бордик.

— Марҳамат қилиб айтинг-чи,— деб савол бердим Полутикинга кечки овқат вақтида,— нима сабабдан Хорь бошқа мужикларингиздан алоҳида туради?

— Сабаби шуки, у ақлли мужик. Бундан йигирма беш йилча илгари уйига ўт тушиб кетган эди; ана шунда у марҳум отамнинг олдига келиб, Николай Кузьмич ўрмонингиздаги ботқоқликка кўчиб боришимга ижозат берсангиз. «Мен сизга яхшигина оброк тўлаб тураман», депти. «Ботқоқликда нима қиласан?» «Шунчаки ўзим; отахон, Николай Кузьмич, сиз менинг зиммамга бирор иш юклашни ихтиёр қилманг, аммо хоҳлаганингизча оброк олаверинг». «Йилига эллик сўм!» «Бўлти». «Нақд тўлайсан-да, билиб қўй!» «Турган гап, нақд...» Шундай қилиб, у ботқоқликка кўчиб келиб, шу ерда туриб қолди. Ўшандан буён унга Хорь¹ деб лақаб қўйишган.

¹ Хорь — савсарлар оиласига мансуб бўлган сассиқ кузан. Одатда дала ва ўрмонларда, юмронқозиқ сингари, ер тагига уя қилиб яшайди.

— Хўш, кейин бойиб кетдимиз? — сўрадим мен.

— Бойиб кетди. У ҳозир юз сўлкавойдан оброк тўлайди, тўловни яна оширсам керак. Мен унга неча қайталаб: «Пул тўлаб озод бўлиб ол, Хоръ, озод бўлиб олсанг-чи!..» дедим. У муғамбир эса, тўлагудек ҳеч нарсам йўқ, деб мени алдаб келяпти, пули йўқ эмиш... Бўлмаган гап!..

Эртаси куни биз чойни ичиб бўлиб, дарров яна овга жўнадик. Қишлоқ ўртасидан ўтаётганимизда жаноб Полутикин кучерга пастаккина бир уй олдида тўхташни буюрди ва: «Қалинич!» деб чақирди. «Ҳозир, отахон, ҳозир чиқаман, чипта кавушимни боғлаяпман», деган овоз эшитилди ҳовлидан. Биз тележкада секин кетавердик; қишлоқдан чиққанимизда орқамиздан ёши қирқларга бориб қолган, кичкина бошини ғоз кўтариб юришга одатланган, баланд бўйли, қотма бир киши етиб олди. Бу Калинич эди. Унинг чўғирроқ қорача мулойим башараси биринчи қарашдаёқ менга ёқиб қолди. Калинич (кейинча билсам) ҳар куни барин билан овга чиқар, унинг сумкасини, баъзан милтигини кўтарар, қушларнинг қаерга қўнишини билиб айтиб берар, сув олиб келар, земляника терар, чайла қурар, барин аравасининг орқасидан чоққиллаб юрар экан; жаноб Полутикин усиз ҳеч иш қила олмас экан. Калинич жуда хушчақчақ, беозор одам эди. У ҳамма вақт хиргойи қилиб юрар, атрофига бепарво назар ташлар, бир оз мингиллаб гапирар, кулимсираб туриб тиниқ мовий кўзларини қисар, ҳадеб сийрак чўққи соқолини ушлаб қўяр эди. У тез юрмаса ҳам, лекин ингичка, узун таёғига салгина таяниб, катта-катта қадам ташларди. У кун бўйи мен билан бир неча бор гаплашди, менга ялтоқланмай хизмат қилди; аммо баринни худди ёш болани авайлагандек авайлади. Чидаб бўлмас тушки жазирама иссиқдан ўзимизни панага олмоқчи бўлган эдик, у бизни ўзининг асаларизорига, ўрмоннинг энг ичкарасига олиб борди. Калинич бизни даста-даста хушбўй қуруқ кўкатлар осифлиқ уйчага олиб кирди, тагинизга янги ўрилган пичан солди-да, ўзи бошига тўрга ўхшаш қоп кийиб, пичоқ, хурмача ва тутатқи косов олиб, бизга асал муми келтиргани асалари қутилари қўйилган жойга кетди. Биз тиниққина илиқ асални булоқ суви билан ичдик-да, асалариларнинг бир маромдаги ғув-ғуви ва япроқларнинг тинимсиз шитирлаши остида уйқуга кетдик. Енгил-

гина эсган шабада мени уйғотиб юборди... Кўзимни очиб, Калининни кўрдим: у қия очиқ эшик остонасида ўтириб, пичоқ билан ёғочни ўйиб қошиқ ясамоқда эди. Мен унинг кечки осмон сингари мулойим ва тиниқ юзларини узоқ томоша қилиб ётдим. Жаноб Полутикин ҳам уйғонди. Биз ўрнимиздан дарҳол тура қолмадик. Узоқ йўл юриб, мириқиб ухлаб олгандан кейин пичан устида қимирламай ётиш маза бўлади: аъзойи бадан ҳузуру қилиб яйрайди, енгил ҳароратдан юзлар яшнаб туради, кўзлар эринчоқлик билан сузилиб кетади. Ниҳоят, ўрнимиздан туриб, яна кечгача дайдиб юрдик. Кечки овқат вақтида мен яна Хорь билан Калинин тўғрисида гап очдим. «Калининч яхши мужик,— деди менга жаноб Полутикин,— тиришчоқ, илтифотли одам, хўжалиги жойида-ю, локин уни бошқаришни билмайди: доимо у мен билан банд. Ҳар куни мен билан овга чиқади... Бас шундай экан, хўжалигининг аҳволи нима бўларди, ўзингиз ўйлаб кўринг». Мен унинг фикрига қўшилдим, биз уйқуга ётдик.

Эртаси куни жаноб Полутикин қўшниси Пичуков билан жанжалли инн юзасидан шаҳарга боришга мажбур бўлди. Пичуков унинг ерини қўш солиб ҳайдаттириб юборибди, яна бунинг устига унинг хизматкор аёлларидан бирини ўша ерда қаттиқ савалабди. Овга бир ўзим жўнадим, кеч кириши олдидан Хорнинг уйига бурилдим. Уй эшиги олдида мени сочи тўкилиб кетган, кенг елкали, пакана, миқти бир чол, яъни Хорнинг ўзи кутиб олди. Мен Хорга мароқланиб қарадим. Унинг юз тузилиши Сукротни эслатарди: бу ҳам худди Сукрот сингари дўнг пешона, бит кўз, пучуқ эди. Иккаламиз бирга уйга кирдик. Ўша, ўзимизга таниш Федя менга сут билан қора нон келтирди. Хорь скамейкага ўтирди-да, жингалак соқолини аста-секин силаб туриб, мен билан гапга киришди. У, афтидан, ўз қадр-қимматини билар, секин сўзлар ва секин қимирлар, ҳар замонда узун мўйловлари остидан аста кулиб қўярди.

У билан экин-тикин, ҳосил ҳақида, деҳқонларнинг турмуши тўғрисида гаплашдик... Бошда ҳамма гапларимни маъқуллаётгандай кўринди; аммо кейин хижолат бўла бошладим, гапларимнинг ноўринлигини сезиб қолдим... Хуллас, негадир гапларимиз қовушмади. Хорь эҳтиёткорликдан бўлса керак, баъзан пардали сўзларди. Мана суҳбатимиздан кичик бир намуна:

— Менга қара, Хорь, дедим унга,— нима учун сен пул тўлаб ўзингни баринингдан озод қилиб олмайсан?

— Пул тўлаб ўзимни озод қилишимнинг нима кераги бор? Мен энди баринимни яхши биламан, қанча оброк тўлашимни ҳам... баринимиз яхши одам.

— Ҳар ҳолда эркин юриш яхшироқ-да,— дедим.

Хорь менга кўз қири билан қараб қўйди:

— Албатта,— деди у.

— Шундай бўлгандан кейин нима учун пул тўлаб ўзингни озод қилмайсан?

Хорь бош чайқади.

— Эҳ, отахон, бунга пулни қаёқдан оламан?

— Оббо чол-э... қўйсанг-чи бу гапларингни...

— Хорь ҳам эркин бўлиб қолган,— деб давом этди у ўзича гапираётгандек пичирлаб,— аммо ким соқолини қирдириб юрса, Хорнинг хўжайини бўлаверади.

— Сен ҳам соқолингни қириб юравер-да.

— Соқолними? Соқол бамисоли бир майса: ўриб ташласа бўлади.

— Нега шундай қилмайсан?

— Балки Хорь бориб-бориб савдогар бўлиб кетар: ахир савдогарлар чакана яшамайдилар, лекин улар ҳам соқол қўйиб юришади.

— Нима, сен ҳам савдо билан шуғулланасанми?— деб сўрадим ундан.

— Оз-моз ёғ ва арава мойи олиб-сотиб турамиз... Нима дейсиз, отахон, тележкани қўшаверайми?

«Сир бой бермайдиган, ақлли одам кўринасан», деб ўйладим мен.

— Йўқ,— дедим эшитдириб,— тележка керак эмас, мен эртага шу атрофда ов қилмоқчиман, агар йўқ демасанг пичанхонангга тунаб қоламан.

— Бош устига. Лекин пичанхона сизга ноқулайлик қилмасмикин? Мен хотинларга тайинлайман, чойшаб ёзиб, ёстиқ қўйиб беришади. Ҳой, хотинлар!— деб бақирди у, ўрнидан тураётиб,— бу ёққа келинлар, хотинлар... Сен, Федя, улар билан бирга бор. Чунки хотинларнинг сочи узун, ақли калта бўлади.

Чорак соатдан кейин Федя мени фонарь билан пичанхонага бошлаб борди. Мен ўзимни хушбўй пичан устига отдим, итим оёқ томонимда ғужанак бўлиб олди; Федя менга, яхши ухлаб туринг, деб чиқиб кетди, эшик ғийч этиб ёпилди. Мен анча вақтгача ухлаёлмадим. Си-

гир эшик олдиға келиб, бир-икки марта пишқирди; ит улугсифатлик билан унга ириллик қўйди; бир чўчка ўйчанлик билан хириллаб ўтиб кетди; яқин бир жойда от пичан қавшаб, пишқира бошлади... Ниҳоят, мени мудроқ босди.

Эрта тонгда Федя мени уйғотди. Бу қувноқ, чаққон йипит менга жуда ёқиб қолди; назаримда, у қари Хорнинг эркатойи эди. Улар бир-бирлари билан самимий ҳазил қилишарди. Чол чиқиб мени қарши олди. Уйда тунаб қолганим учунми, ёки бошқа бирор сабабданми, ҳар ҳолда, Хорь мен билан кечагидан кўра анча яхшироқ муомалада бўлди.

— Сиз учун самовар қўйдирувдим, қайнади,— деди у жилмайиб,— қани юриш, чой ичайлик.

Биз стол атрофига ўтирдик. Хорнинг келинларидан бири — йўғон хотин кўвачада сут келтириб қўйди. Хорнинг ҳамма ўғиллари бирин-кетин уйга кириб келишди.

— Болаларингнинг ҳаммаси ҳам бўйчан-а!— дедим чолга.

— Ҳа,— деди у, чақмоқ қанднинг четидан «кирт» этиб тишлаб олиб,— мен билан кампиримдан порози жойлари бўлмаса керак.

Ҳаммаси ҳам сен билан бирга турадимми?

— Ҳаммаси. Ўзлари шунн хоҳлашади.

— Ҳаммаси уйланганми?

— Анави зумраша уйланмаяпти, холос,— деб жавоб қилди у, ҳамон эшикка суяниб турган Федяни кўрсатиб.— Васька, ҳали ёш, шошилмаса ҳам бўлади.

— Уйланиб нима қиламан?— деб эътироз билдирди Федя,— шундай юганим ҳам ёмон эмас. Менга хотиннинг нима кераги бор? У билан ғиди-биди қилиб юриш учун уйланайми?

— Яширмай қўя қол... мен сени биламан! Кумуш узуклар тақиб юрибсан... Сенга ҳадеб чўри қизлар билан огиз-бурун ўпишиб юриш бўлса... «Бас, уятсизлар!»— деб сўзида давом этди чол, хизматкор хотинларни масхаралаб.— Мен сени биламан, қўлингни совуқ сувга уришни ҳам истамайсан!

— Ахир хотиндан нима фойда?

— Хотин — хизматкор, хотин — эрнинг чўриси,— деди Хорь жиддий оҳангда.

— Менга хизматкорнинг нима кераги бор?

— Гап ана шунда-да, сеп бошқаларнинг тайёр ошига баковул бўлишни яхши кўрасан. Биз сандақаларни яхши биламиз.

— Майли, ундай бўлса, мени уйлантириб қўя қолинг. Нима дейсиз? Хўш! Нега индамайсиз?

— Хайр, бас қил энди, масхарабоз. Қара, баринни анча безовта қилиб қўйдик. Уйлантириб қўярман ҳам... Сиз, отахон хафа бўлманг: кўриб турибсиз, бола ёш, ақлини йиғиб олганича йўқ.

Федя бош чайқади...

— Хорь уйдами?— деган таниш овоз эшитилди ташқаридан; уйга дўсти Хорь учун узган бир боғлам земляникани кўтарганича Калинин кириб келди. Чол уни кўриб суюниб саломлашди. Мен Калининга ажабланиб қараб қолдим: эътироф қилишим керакки, мужикнинг бунчалик «назокатли» бўлишини кутмаган эдим.

Шу куни овга одатдагидан тўрт соатча кеч чиқдим ва кейинги уч кунни Хорникида ўтказдим. Янги танийшларим диққатимни ўзига тортган эди. Нимам билан уларда ишонч қозонганимни билмайман, ҳар ҳолда, улар мен билан тортинмай гаплашардилар. Уларнинг гапларини жон-дилим билан тинглар, ўзларини диққат билан кузатар эдим. Бу икки оғайни бир-бирига сира ўхшамасди. Хорь, ишбилармон, тадбирли, бошқарувчилик қобилияти зўр, мулоҳазали киши эди; Калинин эса, аксинча, идеалист, романтик, таралабедод қилиб юрувчи хаёлпараст кишилардан эди. Хорь ҳаётни тушунарди, яъни уй-рўзгор қилган, пул тўплаган, барин ва бошқа амалдорлар билан алоқа ўрнатган эди; Калинин чипта кавуш кийиб юрар ва тирикчилигини зўрға ўтказарди. Хорь бола-чақа кўриб, катта оила эгаси бўлди, оила аъзолари унинг сўзидан чиқмас аҳил яшардилар, Калининнинг бир вақтларда хотини бўлиб, ундан қўрқарди ва умрида битта ҳам бола кўрмаган эди. Хорь жаноб Полутикинни ҳар жиҳатдан жуда яхши биларди; Калинин ўз хўжайинига ҳаддан ташқари тавозе қиларди. Хорь Калининни яхши кўрар, унга ҳомийлик қилар эди; Калинин ҳам Хорни яхши кўрар ва уни ҳурмат қилар эди. Хорь кам гапирар, ҳар замонда хиёл кулиб қўйиб гапнинг мағизини чақиб ўтирарди; Калинин абжир фабрика ишчисидек сўзамол бўлмаса ҳам, суҳбат пайтида қизишиб кетарди... Лекин Калининнинг бир қанча афзалликларни бўлиб, буни Хорнинг ўзи эътироф

қиларди; чунончи, Калинин сехр билан иссиқ-совуқ қилар, қўрқиб ҳушини йўқотганларга, қутурганларга дам солар, хафақонликни ҳайдар эди; асарилар унга осонлик билан ўрганарди, у қўли енгил одам эди. Хорь янги сотиб олинган отни отхонага олиб кириб қўйишни менинг олдимда ундан илтимос қилди, Калинин қари скептикнинг бу илтимосини сидқидилдан бажарди. Калинин кўпроқ табиат қучоғида юарди; Хорь эса одамларга, жамиятга яқин киши эди; Калинин муҳокама юритишни севмас, ҳамма нарсага кўр-кўрона ишонаверарди. Хорь бўлса, ҳаёт тўғрисида, ҳатто, кинояли фикрлар ҳам баён қиларди. У кўпни кўрган, оқ-қорани таниган одам эди, шунинг учун мен ундан анча нарсаларни ўргандим; масалан: унинг гапларидан ҳар йили ёзда ғалла ўрими олдидан қишлоқларда ғалати бир тележка пайдо бўлишини билиб олдим. Бу тележкада чакмон кийган бир киши чалғи сотиб юар экан. У ҳар бир чалғини нақд пулга бир сўм йигирма беш тийин — бир ярим сўмга, сотар, насияга эса уч сўм ва бир сўлкавойга сотар экан. Албатта, ҳамма мужиклар чалғини насияга оларканлар. У икки-уч ҳафтадан кейин қишлоққа яна келиб, қарздорлардан пулини қистар экан. Мужик сулисини эндигина ўриб олган — қарзини уза олади; у савдогар билан қовоқхонага боради-да, қарзини ўша ерда тўлайди. Баъзи помешчиклар чалғиларни ўзлари нақд пулга сотиб олиб, бояги баҳода мужикларга насияга улашмоқчи бўлибдилар. Аммо мужиклар бунга норози бўлишибди, ҳатто хафа бўла бошлабдилар; чунки бир нарс уларни чалғини чертиб, унинг жаранглашига қулоқ солиш ва у ёқ-бу ёғини айлантириб туриб шаҳарлик муғамбир савдогардан: «Чалғи унчалик яхши эмасга ўхшайдими, йигит?» деб йигирма марталаб сўраш ҳаловатидан маҳрум қилар экан. Худди шундай машмаша ўроқ сотиб олишда ҳам бўлар экан, лекин бу ишга хотинлар аралашар ва чуғиллашиб сотувчини баъзан шундай хит қилиб юборишар эканки, натижада у хотинларни, эсларини киритиш учун савалашга мажбур бўлар экан. Айниқса, мана бундай ҳолларда хотинларнинг шўри қурир экан. Қоғоз фабрикаларига материал етказиб берувчилар эски-туски латта сотиб олиш ишини баъзи уездларда «бургут» деб аталадиган махсус кишиларга топширадилар. «Бургут» савдогардан икки юз сўмча қоғоз пул кўтариб, ўлжа учун сафарга жўнайди. Аммо у

жасурлик билан очикдан-очик ҳужум қилмайди; ўзига номни нисбат берилган мард қушнинг аксича, ҳийла ва найранг ишлатади. У тележкасини қишлоқ яқинидаги чангалзор орасига қўйиб, ўзи ўткинчи ёки саёқ бир кишидек ҳовлилар атрофида айланиб юради. Хотинлар унинг келаётганини пайқаб, секин олдига чиқадилар. Шошиб-пишиб савдо қилинади. Хотин бир неча дон мис чақа эвасига «бургут»га ҳар хил кераксиз латта-путталар билан бирга кўпинча, ҳатто эрининг кўйлагини ва ўзининг юбкасини ҳам бериб юборади. Кейинги вақтларда хотинлар ўз уйларида канопполаси, айниқса, хонаки бўз ўғирлаб сотишни фойдали деб топдилар— бу нарса «бургут»лар касб-корининг кенг ёйилиши ва такомилланишига имкон берди! Аммо мужиклар ҳам қараб турмадилар, улар ҳушёр бўлиб, «бургут»нинг қишлоққа келгани тўғрисида хиёлгина шубҳа туғилса, салгина овоза тарқалса, тезлик билан бунинг олдини олиш чораларини кўрадиган бўлдилар. Рост-да, кишига алам қилмайдими? Канопполасини сотиш мужикларнинг иши, уни албатта улар сотадилар, лекин шаҳарда эмас, бунинг учун шаҳарга уларнинг ўзлари судралиб боришлари керак бўлади, шу сабабли улар келгинди савдогарларга сотадилар, келгинди савдогарлар эса тарози йўқлигидан, бир пудни қирқ ҳовуч деб ҳисоблайдилар— рус кишининг бир ҳовучи ва кафти, айниқса, у «ғайратга кирган вақтда» қанақа бўлиши ўзингизга маълум! Тажрибасиз ва қишлоқда (бизнинг орёлликлар тили билан айтганда) «турамаган» мендай бир киши бу хилдаги ҳикояларни жуда кўп эшитдим. Аммо Хорь ҳамма нарсани гапиравермади, унинг ўзи мендан кўпгина нарсаларни сўраб билиб олди. Менинг чет мамлакатларда бўлганимни эшитиб, ҳар тўғрида саволлар бера бошладди... Калинин ҳам ундан қолишмасди: лекин Калининга табиат, тоғлар, шалолалар, ҳашаматли бинолар, катта шаҳарларнинг таъриф ва тавсифи кўпроқ ёқарди; Хорь эса маъмурий ва давлат қурилиши масалаларига қизиқарди. У ҳамма масалалар тўғрисида тартиб билан бирма-бир савол берарди: «Нима, бу нарса уларда ҳам биздагидекми, ёки бошқачами, а?.. Хўш, айтсангиз-чи, отахон, қанақа?..» «А! Эй худойим-эй, қудратингдан ўргилай!» деб луқма ташларди Калинин гапириб бераётган вақтимда; Хорь жим ўтирар, қуюқ қошларини чимираб ва ҳар замонда сўз қотиб: «Бу нарса бизга тўғри

келмаган бўлур эди, мана буниси эса яхши — буниси жойида» деяр эди. Мен унинг ҳамма саволларини сизга батафсил айтиб бера олмайман, бунинг ҳождати ҳам йўқ; аммо бу суҳбатдан менда қаттиқ бир ишонч туғилдики, китобхонлар буни асло кутмаган бўлсалар керак. Бу ишонч шундан иборат: Буюк Пётр ҳақиқий рус кишиси эди, унинг руслиги қилган ислоҳотларида яққол кўринарди. Рус кишиси ўз кучи ва иродасига қаттиқ ишонгани учун ҳеч қандай қийинчиликдан қайтмайди: ўтмиши билан унинг унчалик иши йўқ, келажакка дадил қарайди. Нимаики яхши бўлса, унга ёқаверади, нимаики оқилона бўлса, уни қабул қилаверади, аммо бу нарсаларнинг қаердан чиқиб келаётганини суриштириб ўтирмайди. Унинг соғлом ақли немиснинг саёз ақлини баҳузур шошириб қўя олади; лекин немислар, Хорнинг айтишича, синчков халқ, шунинг учун улардан ўрганишга тайёр. Ўзининг алоҳида мавқедалиги, амалий жиҳатдан мустақиллиги сабабли Хорь менга бошқа мужиклар огзидан ҳеч бир эшитиб бўлмайдиган, мужиклар таъбири билан айтганда, устида тегирмон тоши юргизганда ҳам сира айтмайдиган анчагина нарсаларни гапириб берди. У ҳақиқатан ҳам ўз мавқеини яхши биларди. Мен Хорь билан суҳбатлашиб ўтириб биринчи марта рус мужигининг содда, оқилона гапларини эшитдим. Унинг савияси ўзига яраша анча кенг бўлса ҳам, лекин у саводсиз эди, Калинин ўқишни биларди. «Бу бедавога саводхонлик насиб бўлган,—деди Хорь,—унинг асаларилари ҳам сира ўлмаган». «Сен болаларингнинг саводини чиқарганмисан?» «Федянинг саводи бор», деди Хорь бир оз сукутдан кейин. «Бошқаларники-чи?» «Бошқаларники йўқ!» «Нима учун?» Чол жавоб бермай, гапни бошқа томонга бурди. Лекин ҳар қанча ақлли бўлишига қарамай, у ҳам кўпгина бидъатларга ишонар ва нотўғри фикрлар юритарди. Масалан, у хотинларни ниҳоятда ёмон кўрарди, кайфи чоғ маҳалларида уларни мазах қилар ва ғашларига тегар эди. Унинг қари шаллақи хотини уззукун печка устидан тушмай, жаврагани-жавраган, койнгани-койнгаи эди; ўғиллари кампирни писанд қилмаса ҳам, аммо кампир келинларини жуда қўрқитиб олган эди. Ахир рус қўшиқларидан бирида қайнананинг: «Йигит бўлиб сўкмасанг, хотинингни урмасанг сен менга ўғил эмассан, рўзгорли кишимассан...» деб кўйлаши бежиз эмас. Бир сафар мен келин-

ларнинг тарафини олмоқчи бўлиб, уларга шафқат қилиш ҳақида Хорга оғиз очган эдим, у осойишталик билан менга эътироз билдириб: «Бунақанги... икир-чикирларга аралашиб нима қиласиз, қўяверинг, хотинлар жанжал қилса қилаверсин... Уларни ажратиб қўйсанг, баттар авжига чиқишади, орага тушганингга арзимайди», деди. Шаллақи кампир баъзан печка устидан тушиб, даҳлизда ётган пойлоқчи итни: «Маҳ-маҳ!» деб чақириб олар ва унинг ориқ белига темир косов билан урар ёки айвонда туриб олиб, ўтган-кетганга тинчлик бермай (Хорнинг таъбирича) «акиллагани-акиллаган» эди. Лекин кампир эридан қўрқар, унинг овозини эшитган заҳоти печка устига чиқиб олар эди. Аммо Калининнинг жаноб Полутикин тўғрисида Хорь билан қилган баҳсини эшитиш, айниқса мароқли эди. «Хорь, сен унга тил теккизаверма», деярдн Калинин. «Нимага у сенга этик тиктириб бермайди?» деб эътироз билдирарди униси. «Этик ҳам гап бўлибдими!.. Менга этикнинг нима кераги бор? Мен мужикман...» «Мен ҳам мужикман, лекин мана...» Хорь шу сўзларни айтиб, оёғини кўтарарди ва Калининга этигини кўз-кўз қиларди. (Этик афтидан, мамонт терисидан тикилган эди). «Э, сен ахир бизнинг тоифадан эмассан-да!» деб жавоб берарди Калинин. «Ҳеч бўлмаса чипта кавушга етарли пул берсин-да: ахир сен у билан ҳар куни овга чиқасан-ку; овда кунига биттадан чипта кавуш тўзиса керак». «Ў чипта кавуш олишимга пул бериб туради». «Ҳа, ўтган йили ярим танга берган эди». Калинин диққат бўлиб юзини четга бурар, Хорь эса қотиб-қотиб куларди — кулганида кичкина кўзлари бутунлай кўринмай кетарди.

Калинич ашулани хийла яхши айтар ва бир оз балалайка чалар эди. Хорь унинг ашуласини анча вақт тинглаб ўтирарди-да, кейин бирдан бошини қийшайтириб, мунгли овоз билан унга жўр бўла бошларди. У айниқса, «Толеим, шўрлик толеим», деган қўшиқни яхши кўрарди. Федя отасига тегажаклик қилиш учун ҳар бир фурсатдан фойдаланар эди. «Ҳа, ота, нега нолиб қолдингиз?» деярдн. Хорь жавоб қайтармай, қўлини бетига қўйиб, кўзини юмиб, ўз толеи тўғрисидаги ҳазин қўшигини куйлашда давом этарди... Бошқа пайтларда бўлса, Хордай ишчан, серғайрат киши топилмасди; у доим бир иш билан машғул бўлар — тележка тузатар, деворга тиговичлар қўяр, эгар-жабдуқларни кўздан кечирар

эди. Лекин у озодагарчиликка унча аҳамият бермасди ва бир кун и шу тўғрида қилган танбеҳимга: «Уйдан турар жойнинг ҳиди келиб турсин-да», деб жавоб берди.

— Қалиничнинг асарларизорини кўргин, қандай озода-я,— деб эътироз билдирдим унга.

— Ифлос бўлса асарларилар турмайди, отахон,— деди у уҳ тортиб.

— Сизнинг ўз ота мерос ерингиз борми?— деб сўраб қолди мендан у бошқа бир кун и. «Бор». «Бу ердан узоқми?» «Юз чақиримча келади». «Сиз, отахон, ўз мулкингизда турасизми?» «Ҳа, ўз мулкимда тураман». «Тирикчилигингизни кўпроқ ов билан ўтказсангиз керак?» «Ростини айтсам, шундай». «Отахон, дуруст иш қиласиз; тустовуқларни отиб, кўнглингизни очиб юраверинг, иннайкейин, оқсоқолингизни тез-тез алмаштириб туринг».

Тўртинчи кун и кечқурун жаноб Полутикин мени олиб кетгани одам юборди. Чол билан хайрлашаётганимга ачиндим. Қалинич билан тележкага ўтирдим. «Хайр энди, Хорь, яхши қол,— дедим мен...— Хайр Федя». «Хайр, отахон, хайр, бизни эсдан чиқарманг». Биз жўнаб кетдик; кечки шафақ эндигина қизариб келмоқда эди. «Эртага кун жуда яхши бўлади», дедим тиниқ осмонга қараб. «Йўқ, ёмғир ёғади,— деб эътироз билдирди менга Қалинич:— ана ўрдаклар сувни шалоплатиб сузиб юрибди, қолаверса, ўт-ўланнинг ҳиди ҳам бурунга гупиллаб уряпти». Биз буталар ичига кириб бордик. Қалинич ўтирган жойида сакраб-сакраб, секингина ашула айтар, шафақдан кўзини ҳеч уза олмас эди.

Мен эртаси кун и жаноб Полутикиннинг меҳмондўст уйидан жўнаб кетдим.

Кечқурун овчи Ермолай билан «қушлар парвоз қиладиган жой»га жўнадим... Қушлар парвози нималигини баъзи китобхонларим билмасалар керак. Мана, қулоқ солинг, жаноблар.

Баҳорда, кун ботишига чорак соат қолганда, итингизни уйда қолдириб, милтиқ билан ўрмонга кирган бўлинг. Сиз ўрмон ичидаги биронта ялангликка яқин ердан ўзингизга қулайроқ жой топиб, атрофингизга назар ташлайсиз, пистонларни кўздан кечирасиз, ўртоғингиз билан кўз қисишиб оласиз. Чорак соат ҳам ўтиб кетади. Қуёш ботади, лекин ҳали ҳам ўрмон ёруғ; ҳаво мусаффо ва тиниқ; қушлар тинмай чирқиллашади; ёш, барра, кўкатлар зумраддай ялтираб туради... сиз кутиб ўтирасиз. Ўрмон ичи аста-секин қоронғилашади; кечки шафақнинг қизил ёғдуси дарахтларнинг илдиз ва таналаридан аста ўрмалаб тобора юқорига чиқади, ҳали деярли барг чиқармаган пастки шохларидан ўтиб, унинг уйқуга чўмаётган сокин учларига кўтарилади... Ана, дарахтларнинг энг устки шохлари ҳам қоронғилашди; қизғиш осмон кўкиш тусга кира бошлади. Ўрмоннинг хушбўй ҳиди димоққа гупиллаб урилмоқда; ёқимли, салқин шабада елиб ўтди; ғув этиб учиб келган шамол ёнингизда астагина тинади. Қушлар уйқуга кетади — ҳаммаси бирданига эмас, балки, жинсига қараб, биринкетин ухлай бошлайди; аввал қизилтўшлар, бир неча лаҳзадан кейин ўрмон-тоғ чумчуғи, ундан сўнг сариқ чумчуқлар сайрашдан тўхтайди. Ўрмон тобора қоронғилашади. Дарахтларни бир-биридан ажратиб бўлмай қо-

лади, улар қоп-қора яхлит бир нарсага ўхшаб кўринади; мовий осмонда биринчи юлдузлар милтиллаб кўрина бошлайди. Ҳамма қушлар уйқуда. Ҳозир фақат қизил дум чумчуқлар, кичкина қизилиштонларгина уйқу аралаш сайраб қўймоқда... Ниҳоят, бу қушчаларнинг ҳам овози тинди. Тепангизда кичкина қушча-пеночка яна бир марта қаттиқ сайраб қўйди; аллақадан зарғалдоқнинг мунгли овози эшитилди, биринчи марта бўлбул сайраб юборди. Кутавериб юрагингиз сиқилиб кетган пайтда бирдан,— менинг нима демоқчи бўлаётганимни овчиларгина тушунади,— бирдан чуқур сукут ичида қағиллаган ва вишиллаган ғалати овозлар, енгил қанотларнинг бир маромда силкингани эшитилади — ўрмон лойхўраги узун тумшугини чиройли энгаштириб, қорайиб турган қайин дарахти орқасидан сизнинг ўқ узадиган томонингизга салмоқлаб учиб келади.

«Қушлар парвозини пойлаб туриш» — ана шу.

Шундай қилиб, Ермолай иккаламиз қушлар парвоз қиладиган жойга овга жўнадик; лекин, жаноблар, кечирасиз, мен сизни аввал Ермолай билан таништиришим лозим.

У қирқ беш ёшларга кирган, ингичка ва узун бурунли, тор пешонали, кичкина қўй кўзли, сочи ҳурнайган ва кулгини қистатадиган қалин лабли, баланд бўйли, қотма бир киши эди. Бу одам қишин-ёзин бир хилда, немис бичигида тикилган сариқ чакмон кийиб, устидан белбоғ боғлаб юради; кўк чолвор ва барра телпак кияди, бу телпакни унга қашшоқланиб қолган помешчик кайфи чоғ вақтида ҳадя қилган. Белбоғнинг орқа ва олди томонига биттадан иккита халта осиглиқ, усталик билан икки хонали қилиб боғланган олдинги халта порох ва сочма ўқ солишга, орқадагиси эса, отиб олинган паррандаларни солиб юришга мўлжалланган; Ермолай патрон учун пахтани қалпоғининг астари орасидан олади, афтидан, қалпоғининг пахтаси сира тугамас эди. У отиб олинган паррандаларини сотиб, пулига бемалол ўқдон ва сумка сотиб олиши мумкин бўлса-да, буни бирор марта ҳам хаёлига келтирмасди ва ўқни ҳамда порохни тўкиб ёки бир-бирига аралаштириб юбормаслик учун ғоят моҳирона ҳаракат қилиши билан кишиларни ҳайратда қолдириб, милтиғини аввалги усулда ўқлаб юраверарди... Ермолайнинг милтиғи якка тиг, чақмоқ милтиқ бўлиб, қаттиқ «тепар» эди, бунинг оқибатида

Ермолайнинг ўнг юзи чап юзига нисбатан доимо лўппа-йиброқ кўринади. Унинг бу милтиқ билан қандай қилиб нишонга тегизишига ҳеч кимнинг ақли етмасди, лекин у нишонга тегизарди. Унинг Валетка деган исковуч ити ҳам бор эди, жуда ажойиб махлуқ эди. Ермолай уни сира боқмас эди. «Итни боқиб нима қиламан, иннайкейин ит деган нарсa — ақлли ҳайвон, овқатини ўзи топиб еяверади», дейрди у. Дарҳақиқат, Валетка ўзининг ниҳоят ориқлиги билан, ҳатто бепарво йўловчини ҳам ҳайратда қолдирса-да, ўлмас — кўп вақтдан бери яшаб келмоқда эди; у бу қадар аянч аҳволда қолганлигига қарамай, бирор марта йўқолмади, бирор марта бўлсин ўз эгасини ташлаб кетишни истамасди. Умрида бир марта, ёшлик йилларида ишқ-муҳаббат савдоси билан боши айланиб, икки кун кўздан ғойиб бўлди-ю, лекин тезда бу тентаклигини ташлади. Валетканинг энг ажойиб хусусияти, дунёдаги ҳамма нарсага ниҳоят даражада бефарқ қараши эди... Агарда гап ит тўғрисида кетмаганда эди, мен бунинг умидсизлик деб атаган бўлур эдим. Одатда, у ўзининг калта думини тагига олиб чўққайиб ўтирар, хўмрайиб қарар, вақт-вақти билан бир жунжикиб қўяр, сира жилмаймас эди. (Маълумки, итларда жилмайиш, ҳатто жуда ёқимли табассум қилиш қобилияти бор.) У ниҳоятда хунук эди, шунинг учун қўрадаги ҳар бир такасалтанг хизматкор, кези келганда, унинг афт-ангорини аччиқ сўзлар билан масхаралаб куларди, лекин Валетка бу таҳқирларга ва ҳатто, калтаклашларга гоят вазминлик билан бардош берарди. Валетка айниқса, ошпазларни хурсанд қиларди: у барча ҳайвонларга хос очкўзлик билан тумшугини маҳали овқатларнинг ҳиди чиқиб турган лиссиқ ошхонанинг қия очиқ эшигига суққанда ошпазлар дарров ишларини йиғиштириб қўйиб, уни шовқин-сурон ва сўкишлар билан олдиларига солиб қувлардилар. Овда у ҳеч чарчамасди ва анчагина сезгир эди, лекин у биронта яраланган қуёқни қувлаб тутиб олгудек бўлса, Ермолайнинг кўзидан ўзоқроқ бир пана салқин ерни топиб олиб, қуёқни маза қилиб пок-покиза туширарди, суякларигача қолдирмасди, Ермолай эса Валеткани болохонадор сўзлар билан сўқар эди.

Ермолай эскича удумдаги помешчиклардан бўлган бир қўшнимнинг крепостной деҳқони эди. Бу тоифадаги помешчиклар «лойхўраклар»ни ёмон кўрадилар, уй паррандалари гўштини тановул қиладилар. Эскича удумда-

ги помешчикларнинг ошпазлари узун тумшук паррандаларнинг гўштини фақат одатдан ташқари вақтларда, чунончи: туғилган кун, именина байрамларида, сайлов кунларидагина пиширадилар ва рус кишисига хос зўр қизиқиш билан ишга тушиб, ўзларининг нима қилаётганларини пайқамай, таомларга шундай ажойиб масалликлар соладиларки, кўп меҳмонлар қўйилган овқатларни завқ билан томоша қиладилару, лекин татиб кўришга асло ботинолмайдилар. Ермолайга хўжайин ошхонасига ойда бир марта тўрт-бешта тустовуқ ва каклик келтириш буюрилган эди, лекин у қаерни хоҳласа ўша жойда яшаши, ўз билганича кунини кўриши мумкин эди. Ҳамма уни ишга ярамайдиган — бизнинг орёлликлар таъбирича, «лапашанг» одам деб ундан юз ўтирган эди. Порох ва сочма ўқни, албатта, унга ҳеч ким бермасди, у ҳам худди шу қоидага амал қилиб итини боқмасди. Ермолай жуда ғалати одам бўлиб, қушдай беғам, хийла сергап, паришонхаёл ва бесўнақай эди: ичкиликни кўп яхши кўрарди; бир жойда тиниб ўтира олмасди, оёғини судраб босиб, лапанглаб юрарди, лекин шу юришида суткасига эллик чақиримча йўл босиб кўярди. Бошидан жуда кўп воқеаларни кечирган эди: у ботқоқларда, дарахтлар тепасида, томларда, кўприклар остида тунаган, неча марталаб чердакларда, ертўлаларда ва пичанхоналарда қамалиб ўтирган, милтигини, итини, энг зарур кийим-кечакларини элдириб қўйган, қаттиқ калтакланган ҳам эди — шундай бўлса-да, бирмунча вақтдан кейин уйига кийим кийган ҳолда милтиқ ва ити билан қайтиб келарди. Ҳамиша деярли кайфи жуда чоғ кўринса ҳам, уни қувноқ киши деб бўлмасди; хуллас, у тентакнамо одам эди. Ермолай яхши одам билан чақчақлашишни, айниқса, ичиб ўтириб отамлашишни ёқтирарди, лекин бу ҳам узоққа бормасди; баъзан, дик этиб ўрнидан турарди-да, қаёққадир кета бошларди. «Ҳа, шайтон, қаёққа кетяпсан? Ташқари қоп-қоронғи-ку». «Чаплинога». «Бемаҳалда ўн чақирим босиб Чаплинога бориш шунчалик зарурми сенга?» «У ерда мужик Софронникида тунайман». «Шу ерда ётиб қола қолгин-да». «Йў-қ, бўлмайди». Шундай қилиб Ермолай ўз Валеткаси билан қоронғи кечада бутазорлардан ўтиб, кўлмаклардан кечиб, жўнаб кетарди, мужик Софрон эса, уни ҳовлисига ҳам киргизмас, ҳатто, орномусли кишиларни нега безовта қиласан, деб унинг бошлаб таъ-

зирини ҳам берар. Шунга қарамай, баҳорда, тошқин сувида балиқ овлаш, қўл билан қисқичбақа тутиш, ил-васинларнинг қаердалигини ҳидидан билиш, беданаларни алдаб чақириш, қарчиғайларни ўргатиш, булбулларни уларнинг сайрашидаги мақомда сайраб тутиб олиш¹ санъатида ҳеч ким Ермолайга тенг кела олмас эди... Ҳитта нарсага нўноқ эди итларни ўргатишни билмасди — бу ишга тоқати йўқ эди. Унинг хотини ҳам бор эди. Хотинининг олдига ҳафтада бир марта борарди. Хотини эски, хароба кулбада турар, йўқчилик билан аранг кун кўрар, бугун бир бурда нон топиб еса, эртага ҳоли нима кечишини билмас, умуман, жуда шўрпешона аёл эди. Беғам ва гўл Ермолай хотинига ўдағайлаб, қўрс муомала қилар, уйда ўзини қаттиққўл киши қилиб кўрсатар эди — шунинг учун бечора хотини унга қандай қилиб ёқишни билмасди, унинг ҳар бир қарашидан қўрқиб-титраб турарди, эрига энг охирги тийинни қоқиштириб вино олиб берарди, сўнг Ермолай печка устига чиқиб чўзилиб ухлаб қолганида, унинг устига чўри хотиндек итоаткорлик билан ўз пўстинини ёпиб қўяр эди. Ермолайда ғайри ихтиёрий равишда аллақандай ёвузлик аломатлари намоён бўлиш ҳолларини ўзим ҳам бир неча марта кўрганман: унинг отиб туширилган қушни тишлаб ўлдирган вақтидаги башараси менга асло ёқмасди. Лекин Ермолай уйда сира ҳам бир кундан ортиқ турмасди; бошқа жойларга борганида эса, яна «Ермолка»лигига тушиб қоларди. (Юз чақиримча теварак-атрофидаги одамлар уни шу ном билан атардилар.) Унинг ўзи ҳам кўпинча ўзини шундай таништиради. Помешчик қўрасидаги энг ношуд хизматкор ҳам ўзининг бу дайидан устунлигини сезар, шунинг учун бўлса керак, унга хайрихоҳлик билан муомала қилар эди; мужиклар эса уни аввалига, худди далада юрган ёввойи қуёнга ўхшатиб, иштиёқ билан орқасидан қувлаб ушлаб олардилар, аммо кейин худога ҳавола қилиб қўйиб юборар ва ғалати одамлигини бир марта билиб олгач, янаги сафар унга тегмас, ош-нон берар, уни, ҳатто гапга ҳам солар эдилар. Мен ана шу одамни ёнимга овчи қилиб олдимда, у билан Иста соҳилидаги катта қайинзорга қушлар парвозига жўнадим.

¹ Булбул ишқибозларига булбулларнинг сайрашидаги мақомлар маълум: булбулнинг сайрашидаги энг яхши мақомлар «лешевая дудка», «кукушкин перелёт» деб аталади. (Автор изоҳи.)

Волга сингарн, кўпчилнк рус дарёларининг бир соҳили тепалик, иккинчи соҳили ўтлоқ бўлади; Иста соҳиллари ҳам шундай. Бу дарёча ниҳоятда эгри-бугри, илондай буралиб оқади, ярим чақиримча ҳам тўғри оққан ери йўқ, шунинг учун Иста соҳилидаги баъзи бир баланд тепаликда атрофга қаралса, дарё оқиб ўтадиган ўн чақиримлаб жойни, ундаги тўғонларни, қўлларни, тегирмонларни, толзорлар ва кўпгина боглар билан қуршалган полизларни кўриш мумкин. Иста дарёсида турли балиқлар, хусусан, зогора балиқлар гиж-биж (мужиклар бу балиқларни куннинг жазирама пайтида буталар тагидан қўл билан тутиб олаверадилар). Муздек совуқ ва тиниқ булоқ суви остида жимирлаб ётган тошлоқ соҳиллар бўйлаб кичкина лойхўраклар чинқириб учиб ўтади; ёввойи ўрдаклар қўл ўртасига сузиб чиқиб, те-варакка эҳтиёткорона назар солади; соя жойларда, кўрфазларда, жарлар тагида қарқаралар қаққайиб туришади... Биз қушлар парвоз қиладиган жойда бир соатча туриб, икки жуфт ўрмон лойхўрагини отиб олдик, қуёш чиқини олдиан бахтимизни яна синаб кўриш учун (қушлар парвозига саҳар пайтида ҳам бориш мумкин), шу яқин ўртадаги тегирмонда тунаб қоладиган бўлдик. Биз дарахтзордан чиқдик, тепаликдан нагга тушдик. Дарёда мовий тўлқинлар ўйнади; тунги намликдан оғирланган ҳаво қуюқлашмоқда эди. Тегирмончининг дарвозасини тақиллатдик. Ҳовлида итлар вовуллаш бошлади. «Қим у?»—деб хириллаган бўғиқ овоз эшитилди. «Овчилар, тунашга ижозат бер». Жавоб бўлмади. «Ҳақини тўлаймиз». «Қириб хўжайинга айтиб кўрай-чи... Жим, лаънатилар!.. Қирилиб кетгурлар!» Хизматкорнинг уйга кирганини эшитдик; у ҳадемай яна дарвоза олдиға қайтиб чиқди. «Бўлмайди,—деди у,—хўжайин ижозат бермаяпти». «Нима учун ижозат бермаяпти?» «Қўрқяпти, овчи экансизлар: балки тегирмонни ўт олдириб юборарсиз; қўлларингиздаги ўқ-дориларни қаранг». «Бу қандай бемаънилик!» «Бултурги йили ҳам тегирмонимиз ёниб кетувди: ўшанда жаллоблар тулаб қолишган эди, ўшалар ўт чиқариб юборган бўлса керак» «Бу қандай бўлди, биродар, ахир биз ташқарида ёта олмаймиз-ку!» «Билганингизни қиласиз-да...» У, этигини дўқиллатиб кириб кетди.

Ермолай унинг адабини бериб қўяжagini айтиб унга пўппса қилди. «Юринг, қишлоққа борамиз» деди у,

ниҳоят, хўрсиниб. Аммо қишлоқ икки чақиримча келар эди... «Шу ерда, ташқарида тунаймиз,— дедим мен,— кеча илиқ; пул берсак тегирмончи бизга похол бериб юборади». Ермолай сўзсиз рози бўлди. Биз дарвозани яна тақиллата бошладик. «Ҳа, пима дейсизлар?— яна хизматкорнинг овози келди,— мумкин эмас, дедик, бўлди-да». Биз унга мақсадни тушунтирдик. Хизматкор хўжайини билан маслаҳатлашгани кетиб, у билан бирга қайтиб келди. Эшик гичиллаб очилди. Олдимизга баланд бўйли, ялтироқ юзли, бўйни йўғон, кажава қорин тегирмончи чиқиб келди. У таклифимга кўнди. Тегирмондан юз қадамча нарида ҳамма томони очиқ кичик бир бостирма бор эди. Биз учун ўша бостирмага похол, пичан келтирдилар; хизматкор дарё ёқасидаги кўкат устида самовар қўйди ва чўққайиб ўтириб, самовар карнайини зўр бериб пуфлай бошлади... Самоварнинг кўмири ўт олиб хизматкорнинг ёш юзини ёритди. Тегирмончи чопганича хотинини уйғотгани кетди, ниҳоят, ўзи менга уйга кириб ётишни таклиф қилди, аммо мен очиқ ҳавода ётишни афзал кўрдим. Тегирмончининг хотини бизга сут, тухум, картошка, нон келтирди. Кўп ўтмай самовар қайнади, биз чой ича бошладик. Дарёдан буғ чиқиб турарди, шамол йўқ эди; теварак-атрофда қизил-оёқлар сайраб турарди; тегирмон парраклари ёнидан чипиллаган товуш келарди; бу — кураклардан томиб ётган, тўғон танбалари орасидан сирқиб оқаётган сувнинг товуши эди. Биз кичкина гулхан ёқдик. Ермолай кўрга картошка кўмиб пишираётганида кўзим уйқуга кетибди... Оҳиста пичирлашаётган товушдан уйғониб кетдим. Бошимни кўтариб қарадим: гулхан олдида, тўн-тариғлиқ ёғоч пақир устида тегирмончининг хотини ўтириб, Ермолай билан гаплашмоқда эди. Мен кийган кийими, юриш-туриши ва талаффузидан унинг деҳқон хотин ёки мешчанка эмас, балки хизматкор хотинлардан эканини илгариеқ билган эдим; лекин унинг башарасига энди яхшилаб қарадим. Афтидан ўттиз ёшларда кўринарди; илгари ниҳоятда гўзал бўлгани озгин ва қонсиз юзларидан ҳали ҳам билиниб турарди; унинг ғамгин шаҳло кўзлари менга айниқса манзур бўлди. У тирсагини тиззасига тираб, қўлига юзини қўйиб ўтирарди. Ермолай эса менга орқасини ўгириб ўтириб, оловга шохшабба ташлар эди.

Желтухинада ҳайвонларга яна ўлат келди,— дегарди тегирмончининг хотини,—поп Иваннинг иккала си- гири ҳам ётиб қолибди... Худоё ўзинг сақлагин.

— Сизларнинг чўчқаларинг қалай?— деб сўради Ер- молай бир оз ўйланиб.

— Юришибди.

— Менга ҳеч бўлмаса биттагина боласини ҳадя қил- саларинг бўларди.

Тегирмончининг хотини бир оз жим ўтирди-да, кейин «уҳ» тортиб қўйди.

— Сиз билан келган киши ким?— деб сўради у.

— Барин — костомаровкалик.

Ермолай оловга бир неча оқ қарағай повдасини таш- лади; новдалар дарров чирсиллаб ёна бошлади, қуюқ оқ тутун буруқсиб унинг юзига урилди.

— Эринг нега бизни уйга киритмади?

— Қўрқяпти.

— Оббо кажава қорип-эй... Жоним, Арина Тимофе- евна, менга бир стакангина вино олиб чиқ.

Тегирмончининг хотини ўрнидан туриб, ичкарига ки- риб кетди. Ермолай хиргойи қилиб ашула айта бош- лади:

Ер олдига қатнайвериб

Ўзиб кетди эгиним...¹

Арина кичкина графинча билан стакан кўтариб қай- тиб келди. Ермолай қаддини сал ростлаб чўқиниб ол- ди-да, винони бир кўтаришда шимириб ичиб юборди. «Яхши кўраман-да!» деб қўшиб қўйди у.

Тегирмончининг хотини яна ёгоч пақир устига ўтирди.

— Арина Тимофеевна, ҳали ҳам тобинг йўқми дейман?

— Тобим йўқ.

— Қанақа касалсан?

— Кечалари йўтал тутиб сира ухлатмайди.

— Барин ухлаб қолганга ўхшайди,— деди Ермолай салгина жимликдан кейин.— Арина, сен табибга борма: баттар бўласан.

¹ Китобдаги шеърларни А. Абдураззоқ таржима қилган.

— Ўзим ҳам бораётганим йўқ.

— Сен меникига меҳмон бўлиб боргин.

Арина бошини қуйи солди.

— Сен борсанг, хотинимни бир ёққа ҳайдаб юбораман,— деб давом этди Ермолай...— Рост айтяпман.

— Баринни уйғотсангиз бўлар эди, Ермолай Петрович, қаранг, картошка ҳам пишибди.

— Э, ухлайвермайдими,— деди бепарволик билан садоқатли хизматкорим,— кун бўйи югуриб-елиб, ўлгулай чарчаган, ухлайверсин.

Мен пичан устида у ёнбошимдан бу ёнбошимга ағдарилдим. Ермолай туриб, яқинимга келди.

— Картошка пишди, марҳамат қилинг.

Мен бостирма тагидан чиқдим, тегирмончининг хотини ўтирган еридан турди-да, кетмоқчи бўлди. Мен уни гапга солдим.

— Бу тегирмонни олганларингизга анча бўлдимиз?

— Троица кунида бир йил бўлган эди.

— Эринг қаерлик?

Арина саволимни эшитмади.

— Эринг қағлик?— деб баландроқ овоз билан такрорлади Ермолай.

— Белеволик. У белеволик мешчан.

— Ўзинг ҳам белеволикмисан?

— Йўқ, мен хизматкор хотинлардан... Хизматкор хотинлардан эдим.

— Кимнинг уйида хизмат қилардинг?

— Жаноб Зверковнинг уйида. Энди эркинман.

— Қайси Зверковникида?

— Александр Силичникида.

— Сен унинг хотинига оқсочлик қилмаганмисан?

— Сиз бунга қайсидан биласиз? Ҳа, оқсоч эдим.

Аринага яна ҳам кўпроқ қизиқиш ва ачиниш билан қарадим.

— Сенинг баринингни биламан,— деб сўзимда давом этдим.

— Биламан дейсизми?— деди у секин ва ерга қаради.

Аринага бунчалик ачиниш қараганлигим сабабини китобхонга айтишим лозим. Мен Петербургда истиқомат қилганимда жаноб Зверков билан тасодифан танишиб қолган эдим. У анчагина катта амалдор эди, ишбилармон ва корчалон бир одам сифатида шуҳрат қо-

зонганди. Унинг бақалоқ, тажанг, йиғлоқи ва баджаҳл хотини бўлиб, ўрта миёна қўпол, серхархаша бир зот эди; ўлгудек тантиқ, аҳмоқ бойвачча ўғилчаси ҳам бор эди. Жаноб Зверковнинг ташқи қиёфаси унча ёқимли эмас эди: кенг, ялпоқ башарасидан кичкина бит кўзлари маккорона қараб турарди, катта, узун, каррак бурни қаққайиб кўринарди; қайчиланган қаттиқ оқ сочлари ажин босган пешонаси устида ҳурпайиб ётарди, юпқа лаблари тўхтовсиз қимирлар ва хунук илжаяр эди. Жаноб Зверков одатда оёқларини кериб, йўғон қўлларини чўнтагига солиб турарди. Нима бўлди-ю, бир куни у билан битта каретада шаҳар ташқарисига сайр қилишимга тўғри келди. Биз гапга тушиб кетдик. Жаноб Зверков тажрибали, ишбилармон одам сифатида панду насихатлар қилиб, мени «тўғри йўл»га сола бошлади.

— Сизга шуни айтмоғим лозимки,— деди у ниҳоят чийилдоқ овоз билан,— сиз ёшлар, ҳаммангиз ҳар бир нарсга тўғрисида ўйламасдан, таваккалига фикр юритасиз: сизлар ўз ватанингизни кам биласиз; жаноблар, сиз Россияни яхши ўрганмагансиз, гапнинг пўскаллasi ана шу!.. Ҳаммангиз ҳам фақат немисча китоблар ўқийсиз, холос. Мана, масалан, сиз ҳозир менга ановилар тўғрисида, яъни, қайсики, ҳалиги, ҳа, чунончи, уй хизматкорлари тўғрисида гапиряпсиз... Яхши, баҳслашиб ўтирмайман, ҳамма гапларингиз дуруст, аммо сиз уларни билмайсиз, уларнинг қанақа одамлигидан хабарингиз йўқ. (Жаноб Зверков бурнини қаттиқ қоқиб, бурнакисини ҳидлаб олди.) Сизга, масалан, кичкина латифача айтиб беришимга ижозат этинг: бу латифа сизни қизиқтириб қолса ажаб эмас. (Жаноб Зверков йўталиб олди.) Сиз қандай ажойиб хотиним борлигини албатта биласиз: менинг хотинимдан кўра меҳрибон бир хотин топилмаса керак, десам, ўзингиз ҳам тасдиқларсиз. Унинг оқсоч қизлари бамисоли жаннатда яшайдилар. Лекин хотиним эрли хотинлардан оқсоч сақламасликка аҳд қилиб қўйган. Дарвоқе тўғри-да, эрли хотин оқсочликка ярармиди: оқсоч эрга тегдими, ҳаш-паш дегунча болачақалари кўпайиб кетади, шундай бўлгандан кейин беканинг кўнглига қарашга, унинг расм-русумларини жойига қўйишга оқсочнинг қўли тегмайди-да, бола кўрганидан кейин қулогига гап кирармиди, бутун хаёли бошқа нарсада бўлади. Инсоф билан гапириш керак. Сизга айтсам, биз бир куни қишлоғимиздан ўтиб кетаётган

эдик, агар янглишмасам, бунга ўн беш йилча бўлди. Шунда қишлоқ оқсоқолининг қизига кўзимиз тушиб қолди денг, ўзи ҳам бинойидек экан: юриш-туришларида, ҳатто, аллақандай мулойимлик, назокат бор, билсангиз. Хотиним менга: «Коко,— яъни, қаранг-а, хотиним мени эркалаб шундай дейди, бу қизни Петербургга олиб кетайлик; у менга ёқпти, Коко...» деб қолди. Мен: «Хўп, бажону дил», дедим. Ўз-ўзидан маълумки, қишлоқ оқсоқоли тиз чўкиб оёғимизга йиқилди; биласизми, бундай бахтни у тушида ҳам кўрмаган эди... Қизча, албатта, тентаклик қилиб бир оз йиғлаб олди. Туғилиб ўсган уйни ташлаб кетиш аввалига ҳақиқатан ҳам жуда қийин... умуман... бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ. Аммо орадан сал вақт ўтар-ўтмас қиз бизга кўнгикиб қолди; аввалига, биз уни чўри қизларга қўшиб қўйдик; билмаган нарсаларини ўргатдик, албатта. Нима бўлди денг? Қиз бизни манзур қилди; хотиним унга жуда меҳрини қўйиб қолди, унга илтифотлар кўрсатди, ниҳоят, уни бошқалардан ортиқ кўриб, ўзига оқсоч қилиб олди... фаҳмлаясизми, шахсан ўзига!.. Тўғриси айтиш керак, ҳақиқатан ҳам унга қойил қолса бўлар эди: бунақа оқсоч хотиним қўлида ҳали сира бўлмаган эди, асло бўлмаган эди; ҳар бир ишда «лаббай» деб турадиган, камтар, итоаткор қиз эди, хуллас, унда кўнглингизга ёқадиған фазилатларнинг ҳаммасини топардингиз. Лекин иқрор бўлиш керакки, хотиним ҳам уни ортиқча эркалатиб юборарди; уни яхши кийинтирар, ўз дастурхонидан овқатлантирар, чойга чақирар эди... хуллас, ундан ҳеч нарсани аямасди! У ана шу зайлда хотинимга ўн йилча хизмат қилди. Бир куни эрталаб денг, тўсатдан кабинетимга, ишонасизми, ижозат сўрамай-нетмай Арина кириб келди-да, (унинг оти Арина эди) ўзини оёғим остига ташлаб ялина бошлади... Ростини айтсам, мен бундай қилиқни ниҳоятда ёмон кўраман. Одам ҳеч вақт ўз қадрини ерга урмаслиги керак, шундай эмасми? «Хўш, нима дейсан?» «Отахоним, Александр Силич, менга марҳамат қилинг». «Қандай марҳамат?» «Эрга тегшимга рухсат берсангиз». Ростини айтсам, мен бу гапни эшитиб ҳайратда қолдим. «Тентак қизей, сен бекангнинг бошқа оқсочи йўқлигини билмайсанми?» «Эрга тегсам ҳам бекамга илгаригидек хизмат қилавераман». «Бўлмаган гап! Бўлмаган гап! Беканг эрли оқсочларни сақламайди». «Ўрнимга Маланья хизматга кирса бўлади».

«Гап қайтармасликин илтимос қиламан!» «Ихтиёр ўзингизда...» Ростини айтсам, гангиб қолдим... Сизга айтсам, мен шундай одамманки, ҳеч бир нарса, янада очикроқ қилиб гапирсам, дунёда ҳеч бир нарса менга ношукурчиликдан кўра қаттиқ ҳақорат бўлиб туюлмайди... Сизга айтиб ўтиришимнинг ҳожати йўқ — хотинимнинг қандайлигини ўзингиз биласиз: у бамисоли фаришта, унинг меҳрибонлиги таърифга сиғмайди... Менимча, Аринанинг ўрнида ҳар қандай ёвуз бўлганда ҳам, хотинимга ачинган бўлур эди. Мен Аринани уришиб, чиқариб юбордим. Эсини йиғиб олар, деб ўйладим; биласизми, одамнинг бунчалик ёмон, ношукур бўлишига ишонгим келмайди. Оқибат нима бўлди денг? Ярим йилдан кейин у яна ўша илтимоси билан олдимга кириб келди. Ростини айтсам, бу сафар мен уни жаҳл билан пўлписа қилиб чиқариб юбордим, бу гапни хотинимга етказажагимни билдирдим. Аччигим чиқиб кетган эди... Лекин бир нарса мени ҳайратда қолдирди: бирмунча вақтдан кейин ҳўзуримга ҳовлиққанича кўзлари жиққа ёш хотиним кириб келди, унинг аҳволини кўриб жуда қўрқиб кетдим. «Нима бўлди?» «Аринани...» Тушунапсизми... айтмишга уялиман» «Йў э... Қим экан у?» Малайим Петрушка». Фигоним фалакка чиқиб кетди. Мен ярим-ёрти чора кўриш билан кифояланишни ёмон кўрадиган кишиман!.. Петрушка... унда айб йўқ! Уни жазолаш мумкинку-я, аммо, менимча, у айбдор эмас. Арина... Айб Аринада... Ҳа, ҳа, бу ойнадек равшан кўриниб турибди, шундай бўлгандан кейин яна нима дейиш мумкин? Мен, албатта, шу ондаёқ Аринанинг сочини қирқтиришни, эгнига қалами кўйлак кийгизиб, қишлоққа жўнатиб юборишни буюрдим. Хотиним жуда яхши оқсочидан айрилди, лекин бошқа илож йўқ эди: уйда тартибсизликка йўл қўйиб бўлмайди, албатта. Ёмон яраш шартта кесиб ташлаган яхши... Ана энди ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир сиз менинг хотинимни биласиз, ахир у, у... фариштанинг ўзгинаси!.. Ахир у Аринага суяниб қолган эди. Буни Арина ҳам биларди, аммо андиша қилмади... Шундайми? Шундай эмасми, а? Йўқ, айтинг... шундай эмасми, а? Дарвоқе, буни гапириб ўтиришнинг нима кераги бор! Ҳар ҳолда бошқа илож қолмаган эди. Мен эса, шахсан ўзим бу қизнинг ношукурлигига кўп вақтлар аччиқланиб, хафа бўлиб юрдим. Нима десангиз ҳам... бу одамларда на қалб, на ҳиссиёт деган нарса бор! Паст

пастлигини қилади-да Бу унга ибрат бўлсин! Мен сизга исбот қилмоқчи бўлиб...

Шу ўринда жаноб Зверков сўзини тугатмай, бошини четга бурди-да, қайнаб-тошган ғазабини мардлик билан босиб, плашчига яхшироқ ўраниб олди.

Аринага ачиниш билан қараганимнинг боисини китобхон энди англаган бўлса керак.

— Тегирмончига эрга текканингга кўп бўлдимиз?— деб сўрадим Аринадан ниҳоят.

— Икки йил бўлди.

— Нечук, хўжайиннинг сенга рухсат бердимиз?

Мени сотиб олишди.

— Қим?

— Савелий Алексеевич.

— У ким.

— Эрим. (Ермолай ичида кулиб қўйди.) Барики сизга менинг тўғримда гапирганимиз?— деб қўшиб қўйди Арина бир оз жим ўтирганидан кейин.

Унинг саволига нима деб жавоб беришни билмай қолдим. «Арина!» деб узоқдан бақирди тегирмончи. Арина ўрнидан туриб кетди.

— Аринанинг эри тузук одамми?— деб сўрадим Ермолайдан.

— Ёмон эмас.

— Уларнинг боласи борми?

— Битта бор эди — ўлди.

— Хўш, у тегирмончига ёқиб қолганимиз ўзи?.. Тегирмончи Арина учун қанча тўлов пули берган экан?

— Билмайман. Аринанинг саводи бор; уларнинг ишида бу... ҳалиги.. қўл келади. Бундан чиқадики, ёқиб қолган-да.

— Сен Аринани кўпдан танийсанми?

— Кўпдан. Мен илгари унинг хўжайинлариникига бориб юардим. Хўжайинларининг қўрғони бу ердан олис эмас.

— Петрушка деган малайни ҳам биласанми?

— Пётр Васильевичними? Ҳа, албатта, билар эдим.

— Ҳозир қаерда у?

— Солдатликка кетган.

Биз жим бўлдик.

— Нима, Арина касал кўринадими?— деб сўрадим, ниҳоят, Ермолайдан.

— Соғлиқ нима қилсин унда!.. Айтгандай, эртага қушлар парвози яхши бўлса керак. Сиз ҳозир ётиб ухласангиз ёмон бўлмасди.

Бир гала ёввойи ўрдаклар тепамиздан ғақ-ғақлаб тез учиб ўтди, уларнинг яқинимиздаги дарёга тушганини эшитдик. Тун жуда қоронғилашиб, ҳаво совий бошлади; дарахтзорда булбул баланд овоз билан сайрарди. Биз пичан орасига кириб, уйқуга кетдик.

Август бошларида ҳаво кўпинча ниҳоятда исиб кетади. Бу вақтда, соат ўн икки билан уч орасида, энг жасур ва ишқибоз кишининг ҳам ов қилишга мажоли қолмайди, бу пайтда энг вафодор ит ҳам «овчининг шпорини тозалашга» тушади, яъни кўзларини қисиб, тилини бир қарич осилтириб, овчи орқасидан судралиб боради, эгасининг таъналарига ғамгинлик билан думини ликиллатиб, хижолат чекиб мўлтираб туради-ю, олдинга босмайди. Худди шундай кунлардан бирида овга чиққан эдим. Бирор соя-салқин жой топиб салгина чўзилиб олгим келса-да, анчагача ўзимни тутинишга ҳаракат қилдим; чарчамас итм буталар орасида хийла вақт изғиб юрди, лекин бу зўр беришларидан ҳеч қандай фойда чиқмаслигини ўзи билгандек кўринарди. Ниҳоят, нафасни бўғувчи иссиқ мени энг сўнгги куч ва қобилиятимизни эҳтиёт қилиш ҳақида ўйлашга мажбур этди. Муҳтарам китобхонларга юқорида маълум бўлган Иста дарёси бўйига аранг етиб олдим, тик жарликдан тушиб, сариқ ва ҳўл қум устидан булоқ томонга юрдим. Бу булоқ шу атрофда «Малина суви» номи билан машҳурдир. Булоқ дарё қирғоғининг бора-бора кичик, лекин чуқур жарга айланган ёриқ жойидан қайнаб чиқиб туради, унинг суви йигирма қадамча нарида, сойга шовиллаб қуйилади. Жар ён бағирларида эман буталари ўсиб ётарди; булоқ бўйлари майин барра кўкатлар билан қопланган: булоқнинг кумушдек оппоқ совуқ сатҳига тангадек ҳам офтоб тушмайди деса бўлади. Мен булоқ бошига бордим, кўкат устида ўткинчи бир деҳқон

томонидан умум фойдаси учун ташлаб кетилган, дарахт пўстлоғидан ясалган чўмич ётар эди. Қониб сув ичдим, сояроқ ерни топиб ётдим-да, атрофга назар ташладим. Булоқнинг дарёга қуйилишидан ҳосил бўлган ва шунинг учун суви доим салгина жимирлаб турадиган кўрфаз олдида икки чол менга орқа ўгириб ўтирарди. Хийлагина семиз ва баланд бўйли, эгнига мош ранг озода чакмон, бошига картуз кийган бириси қармоқ билан балиқ овларди; қадимий матодан тикилган серямоқ спортукча кийган, бош яланг, ориққина, жиккаккина иккинчи чол тиззасида чувалчанглар солинган кўвача олиб ўтирар ва оқ соч бошини офтобдан сақламоқчи бўлгандек ҳар замон-ҳар замонда силаб қўяр эди. Тикилиброқ қараб, унинг шумихинолик Стёпушка эканлигини билдим. Бу кишини тапштишимга китобхонлардан ижозат сўрайман.

Менинг қишлоғимдан бир неча чақирим нарида Шу миҳино номли катта бир қишлоқ бўлиб, унда авлиё кўзма ва Ҳамнаплар ҳурмати учун бино қилинган гишттин черков бор. Бир вақтлар шу черков рўпарасида бойларнинг чиройли, данғиллама иморатлари қад кўтариб турарди, бу уйлар атрофида ҳар хил ёрдамчи бинолар, омборхоналар, ишхоналар, отхоналар, мева дарахтлари ўстириладиган иссиқхоналар, карета турадиган бостирмалар, ҳаммомлар, муваққат ошхоналар, меҳмонлар ва уй бошқарувчилари турадиган флигеллар, гулхоналар, кишилар учун аргимчоқлар ва матлум даражада фойдали бўлган бошқа бинолар бор эди. Бу уйларда бой помешчиклар турарди, уларнинг турмуши ўз маромида борарди, лекин тўсатдан бир кун эрта билан бу ҳашаматли биноларга ўт кетиб бошдан-оёқ куйиб кул бўлди. Хўжайинлар бошқа уйга кўчдилар; қўрғон ҳувиллаб қолди. Ёниб кул бўлган бинолар ўрнидаги кенг майдон полизга айлантирилди, полизнинг у ер-бу ерида уйиб қўйилган гиштлар, куйган иморат пойдеворларининг қолдиқлари уйилиб ётарди. Қуймай бутун қолган харилардан омонатгина бир уйча ясалди, уйчанинг томи готик услубда шийпон қуриш учун бундан ўн йилча аввал сотиб олинган кема тахтаси билан ёпилди-да, бу уйчага боғбон Митрофан, унинг хотини Аксинья ва етита боласи кўчириб ўтқазилди. Митрофанга хўжайинларнинг овқати учун бир юз эллик чақирим жойга кўкат ва сабзавот етказиб туриш буюрилди; Ак-

синьянининг зиммасига Тироль зотидан бўлган сугирин боқиш юкланди, бу сугир Москвада катта пулга олинган бўлса-да, афсуски, қисир эди ва бинобарин, сотиб олинганидан бери сут бермасди; «хўжайиннинг» ягона паррандаси бўлмиш кўкимтир тусдаги пахмоқ эркак ўрдак ҳам Аксиньянининг қўлига топширилди; болаларига ёш бўлганларини сабабдан ҳеч қандай вазифа тайин қилинмади, лекин бу ҳол уларнинг тамоман ялқовланиб кетишларига сира халақит бермади. Мен бир вақтлар бу боғбонникида бир-икки марта тунаб қолган эдим, йўл-йўлакай ундан бодрини олардим, унинг бодринглари, ҳатто, Ёзда ҳам негадир жуда катта, сан-сарик қалин пўстли ва бемаза бўлар эди. Стёпушкани биринчи марта ана шу боғбонникида кўрган эдим. Хўжайиннинг Шумихинода Митрофан, унинг онласи ва солдат беваси ёйлай хотин кулбасида савоблик учун турувчи кекса, қар черков оқсоқоли Герасимдан бошқа бирорта ҳам хизматкори қолмаган эди. Китобхонага ташиштирмоқчи бўлганим Стёпушкани эса, умуман одам деб ҳам, хусусан, бой эшигида юрган хизматкор деб ҳам бўлмасди.

Ҳар қандай одамнинг жамиятда, кичкинагина бўлса ҳам, маълум бир ўрни, бошқалар билан қандайдир алоқаси бўлади; ҳар қандай хизматкорга ойлик бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, лоақал «капсан»га ўхшаш бирор нарса берилади: Стёпушкага эса, ҳеч қандай нафақа берилмасди, унинг ҳеч ким билан қариндошлиги йўқ эди, Стёпушканинг дунёда бор-йўқлигини ҳеч ким билмасди. Бу кишининг ўтмиши ҳам номаълум эди; у тилга олинмасди; аҳоли рўйхатига ҳам аранг кирган эди. Стёпушканинг бир вақтлар аллакимга камердинер бўлгани ҳақида мавҳум гаплар юрса ҳам, лекин унинг ўзи кимлигини, қаерда туғилганини, отаси кимлигини, шумихиноликлар орасига қайдан келиб қолганини, алмисоқдан қолган серямоқ кафтанини қаёқдан топганини, қайда туршини ва нима билан кун кўришини билмас, тўғриси айтганда, билишга қизиқмас ҳам эди. Ҳамма чўри ва хизматкорларнинг насл-насабини етти пуштигача яхши билган Трофимич бобо ҳам, ҳатто шу чол ҳам, фақат бир мартагина: баланд мартабалик марҳум барин, бригадир Алексей Романич урушдан бир турк аёлини аравага ўтқазиб олиб келган экан, Стёпанинг ана ўша аёлга қариндошлиги борлигини эшитганман, деган эди. Ҳатто, баъзан байрам кунларида, русларнинг қадимги

урф-одатича ҳаммага инъом-эҳсон берилиб, ошу нонлар улашилганда, гречка унидан пиширилган пироглар ва яшил винолар билан ҳамма меҳмон қилинадиган кунларда ҳам, ҳаттоки, ана шундай кунларда ҳам Стёпушка ноз-неъмат билан ясашиб қўйилган столлар ва вино бўчкалари олдиға яқинлашмас, баринга икки букилиб таъзим қилмас, югуриб бориб унинг қўлини ўпмас, вино тўла стаканни, приказчик семиз қўли билан тўлдириб қўйган стаканни барин кўзи олдида унинг соғлиғи учун шимирмас эди; фақат биронта сахий одам бояқишнинг ёнидан ўтиб кетаётиб бир бурда-ярим бурда тишланган пирог бериб кетарди, холос. Табаррук якшанба байрами куни Стёпушка билан ўпишишар эди,¹ лекин у яғири чиқиб кетган енгини шимармас, хурсандлик билан кўзларини пирпиратиб бойвуччаларға ёки, ҳатто беканинг ўзига орқа чўнтагидан қизил тухум чиқариб бермас эди. У ёзда товукхона орқасидаги ҳужрачада, қишда эса ҳаммомининг ечишиш хонасида ётиб юрарди, қаттиқ совуқларда кечаси пичанхонада тунарди. Одамлар уни кўришға рғаниб қолмишган эди, баъзан уни тегиб ҳам юборишарди, лекин у билан ҳеч ким гаплашмасди, ўзи ҳам умр бўйи бировға бирор оғиз сўз демаган бўлса керак. Ҳамманинг назаридан тушиб қолган бу ташландиқ одам ёнғидан кейин боғбон Митрофанникидан бошпана топди, ёки орёлликлар тили билан айтганда, Митрофанникиға «жойлашиб олди». Боғбон унга индамади, «меникида тургин» ҳам демади, ҳайдаб ҳам юбормади. Стёпушкани боғбонникида яшайди деб ҳам бўлмасди: чунки у ҳали у ерда, ҳали бу ерда, бир қарасангиз, полиз ичида истиқомат қиларди. Унинг юргани ва ҳатто қимирлагани ҳам сира сезилмасди: акса урса ёки йўталса, қўрқиб оғиз-бурнини қўли билан беркитарди; доим чумоли каби жимгина ҳаракат қилар, ивирсиб юрар эди; бу уринишларнинг ҳаммаси бир илож қилиб кун кечириш учунгина эди. Стёпушка эртадан кечгача ўз қорнининг ғамини емаганида, албатта очидан ўлиб кетган бўлар эди. Эрталаб турганида кечқурун нима овқат ейишини билмаган кишининг аҳволи қийин. Стёпушка гоҳ девор тагида турп ёки сабзи ғажиб, ёки бир бош ифлос карамни тўғраб ўтирарди, гоҳ бир челақ

¹ Илгариги христианларда пасха байрами муносабати билан табриклаб уч марта ўпишиш одати бор эди.

сувни аллақаерга инқиллаб кўтариб кетаётганини кўриб қолишарди; гоҳ чўян декча тагига ўт ёқаётган, қўйнидан аллақандай бурда-сурда нарсаларни олиб декчага ташлаётган бўларди; гоҳо ҳужрасида тақир-туқур овоз чиқариб мих қоқар, нон қўйиш учун токча ясар эди. У бу ишларнинг ҳаммасини бировдан яширгандай, ими-жимнида қиларди; бир қарасангиз, тўсатдан ғойиб бўларди қоларди. Баъзан, кутилмаганда, бир-икки кун бир ёққа кетиб қоларди; албатта, унинг йўқлигини ҳеч ким сезмасди... Бир қарасангиз, у яна шу ерда пайдо бўлиб қоларди, яна бирон девор тагида ўчоқчасига қўрқа-пуса ўт қалаб ўтирарди. У кичик юзли, кичкина сариқ кўзли, қирра бурунли, кўршапалак сингари шалпанг қулоқ чол бўлиб, ўсиқ сочлари қошигача тушиб турарди, соқоли икки ҳафта илгари олингандек кўринарди ва доим шу алфозда турарди — ўсмасди ҳам, қисқармасди ҳам. Иста дарёси бўйида бошқа бир чол ёнида ўтирган киши ана шу Стёпушка эди.

Мен уларнинг олдида бордим, сўрашиб, ёнларига ўтирдим. Стёпушканинг ўртоғини ҳам танидим; бу киши граф Петр Ильичнинг крепостнойликдан озод қилган хизматкори Михайло Савельич экан, унинг лақаби Туман эди. Туман карвон саройи бўлган болховлик бир сил мешчанникида ишларди, мен бу карвон саройда тез-тез қўниб қолардим. Орёлга бориладиган катта йўлдан қатновчи ёш амалдорлар ва бошқа бекорчи кишилар (йўл-йўл пар кўрпаларга бурканган савдогарларнинг бунга ҳафсалалари йўқ) Троицкий номли катта қишлоқ яқинида томи ўпирилиб тушган, деразаларига зич қилиб тахта қоқиб ташланган, йўл ёқасига туртиб чиқиб турган икки қаватли ташландиқ улкан ёғоч уйни ҳанузгача кўришлари мумкин. Ҳаво очиқ кунлари туш маҳалида бу вайрона уй жуда ҳам шумшук кўринади. Бир вақтлар бу жойда эски замоннинг бадавлат амалдорларидан бири, маълум ва машҳур меҳмондўст граф Петр Ильич яшарди. Баъзан уникига губернанинг ҳамма томонидан меҳмонлар келиб, қулоқни кар қилгудек дағал музика садолари, мушакларнинг тасир-тусури ва Рим шамларининг чарсиллаган овози остида ўйинга тушишар, мириқиб вақтичоғлик қилишарди; шунинг учун ҳам, кўпгина кампирлар энди боярнинг ҳувиллаб ётган уйи ёнидан ўтаётиб, ўша вақтларни ва ўтиб кетган ёшликларини эслаб, бир хўрсиниб

қўйсалар керак. Граф умрининг кўпини айш-ишратда, хушомадгўй меҳмонлар ўртасида мулойим табассум билан айланиб юриб ўтказди; лекин, бахтга қарши, унинг мол-мулки бутун умрига етмади. У ҳамма молдавлатини қўлдан бой бериб, ўзига мансаб топиш учун Петербургга борди ва бирор мансабга тайинланиш масаласи бир ёқлик бўлмасданоқ меҳмонхона номерида ўлиб қолди. Туман графникида хизматкорбоши бўлиб ишлаган ва графнинг тириклигидаёқ крепостнойликдан озод бўлгани ҳақида гувоҳнома олган эди. У етмиш ёшларга бориб қолган, истараси иссиқ одам эди. У деярли ҳамма вақт гўё Екатерина замонасига мансуб бўлган ҳозирги зодагонлар сингари улуғвор, мулойим табассум қилиб турарди; лабларини аста чўччайтириб ва қимтиб, кўзларини чиройли қилиб қисиб гапирар, сўзларини сал пўнгиллаб талаффуз қилар эди. У бурнини қоқшда ҳам, бурнаки ҳидлашда ҳам худди муҳим бир иш билан шугулланаётгандай салмоқ билан ҳаракат қиларди.

— Хўш, Михайло Савельич, балиқ тундингми?— деб гап бошладим мен.

— Марҳамат қилиб, манави саватчага қаранг: иккита олабуга, яна бештача головлик балигини илинтирдим... Стёпка, кўрсат.

Стёпушка саватчани менга узатди.

— Қалайсан, Степан?— деб сўрадим ундан.

— И... и... и... ё... ёмон эмас, отахон, юрибман,— деб жавоб берди Степан, томоғига бир пудлик тош осиб қўйилгандек дудуқланиб.

— Митрофан соғ-саломатми?

— Б... бўлмаса-чи, албатта соғ-саломат, отахон.

Бечора юзини четга бурди.

— Негадир илинмаяпти,— деди Туман,— кун жуда иссиқ; ҳамма балиқ ҳозир камарга кириб мудраб ётибди... Степан, қани қармоққа чувалчанг илгин-чи.— (Стёпушка кафтига чувалчанг олиб уни бир-икки марта уриб ялпоқлаб, қармоққа илди, кейин унга туфлаб Туманга узатди).— Раҳмат, Стёпа... Отахон,— деб сўзини давом эттирди у менга қараб.— Сиз ҳам ов қилиб юрибсизми, дейман?

— Ҳа.

— Ҳимм.. Бу итингиз англис итими ёки фарангими?

Чол, кези келганда, биз ҳам дунё таниган одаммиз, деб кеккайишни яхши кўрарди.

— Зотини билмайман, аммо яхши ит.

— Ҳимм... овга олиб чиқадиغان итларингиз ҳам борми?

— Икки гала итим бор.

Туман жилмайиб, бош тебратди.

— Ҳақиқатан ҳам ўзи шунақа: баъзилар итга ишқибоз бўлади, баъзилар эса уни текинга берсанг ҳам олмайдди. Мен оддий кишиман, фаҳмимча, бундай бўлса керак: ит сақлаш кўпроқ савлат учун зарур деса бўлади. Ҳамма нарса: отлар ҳам, итбоқарлар ҳам, хуллас, ҳамма нарса саранжому саришта бўлиши керак. Худо раҳмат қилгур марҳум граф, ростини айтганда, ҳеч овга қизиқмас эди, шундай бўлса ҳам итлари бор эди, ҳар йили бир-икки марта овга чиқиб кўярди. Ҳовлида зар жияк чакмонли итбоқарлар тўпланишиб, ов карнайчаларини чалардилар: жаноби олийлари ҳовлига чиқиб отга минар, шикор беги эса жанобнинг оёқларини узангига киргизиб кўяр, бошидан шапкасини олиб, от жоловини унга солиб узатар эди. Жаноб олийлари қамчинни қарсиллатиб бир-икки силкиб юборардилар, итбоқарлар қаҳ-қаҳ уриб кулардилар-да, ҳовлидан чиқиб йўлга тушардилар. Отбоқар эса граф орқасидан отда кетарди, графнинг ўзи эса яхши кўрган иккита итчасини бўйнидаги ипак богичидан стаклаб, атрофга гердайиб назар солиб борарди-я, қаранг. Юзлари қип-қизил отбоқар казакча баланд эгарга миниб олиб, катта кўзларини ўйнатиб атрофга қарарди. Бу пайтда, албатта, меҳмонлар ҳам бўларди. Эрмак ҳам, иззат-иқром ҳам жойинга қўйиларди... Оббо, шум-ей, қармоқни узиб қочди-я,— деб тўсатдан қўшиб қўйди у, қармоқни сувдан тортаркан.

— Ҳар ҳолда граф умрини кайф-сафо билан ўтказди, дейишади, ростми?— деб сўрадим.

Чол чувалчангга туфлаб, қармоқни сувга отди.

— Бадавлат одам эди, бу ҳаммага аён. Унинг олдига, баъзан петербурглик энг катта зотлар келишарди. Стол атрофида ҳаво ранг лентали кийимларда ўтириб овқат ейишарди. Меҳмон кутишни ҳам жуда жойига кўяр эди-да ўзиям. Гоҳо мени чақириб: «Туман, эртага тирик стерляд балиқлари керак: айт, топиб келишин, эшитдингми?» деярдди. «Хўп бўлади, тақсир», деярддим. Тайёр кафтан, парик, ҳасса, атирлар, биринчи нав одеклопларни, мапа бундай келадиган каттакон

суратларни Парижнинг ўзгинасидан ёздириб оларди. Зиёфат берса борми, ё парвардигор ўзинг сақла, оғзинг очилиб қоларди. Мушакбозликлар, сайр-томошалар бўларди. Ҳатто, замбарак ҳам отишарди. Биргина музикантларнинг ўзидан қирқта эди. Кампирмейстри¹ немис эди, кейин у немиснинг жуда димоғи шишиб кетди; хўжайинлар билан ёнма-ён ўтириб овқат еишни хоҳлаб қолди, шунинг учун жаноб олийлари уни даргоҳларидан ҳайдашни буюрдилар: музикантларим усиз ҳам ўз ишини яхши билади, дедилар. Албатта, хўжайин айтгандан кейин гап қайтариб бўлмайди. Агар ўйинга тушиб кетишса борми — тонг отгунча тинишмайди денг, ҳаммадан кўпроқ лакосез-матрадурага ўйин тушишарди... Э...э...э... қўлга тушдинг-ку, оғайни! — Чол кичкина бир окунь балиғини сувдан тортиб чиқарди: — Стёпа, мана ол-чи. Бариннинг ўзи ҳам жуда яхши барин эдида, — деб сўзини давом эттирди чол, қармоқни яна сувга ташлаб, — кўнгли ҳам юмшоқ эди. Баъзан, кишини савалаб қоларди, бир маҳал қарасанг, бирпасда эсидан ҳам чиқариб юборган бўларди. Унинг битта нуқсони бор эди: уйда ўйнаш хотинлар сақларди. Оҳ, бу касофатлар нималар қилишмади, худоё ўзинг кечир! Барини шулар хонавайрон қилишди. Тагин келиб-келиб кўпроқ зоти паст хотинларин топиб келарди, денг. У кўрнамаклар бориға шукур қилишмасди. Йўқ, жамини Европийда энг қимматбаҳо нарса нима бўлса, шуни талаб қилишарди. Рост-да, нега энди жаноб граф айш-ишрат сурмасин — ўзи хон, қўланкаси майдон... Лекин хонавайрон бўлиш даражасига етмаслик керак-да. Айниқса, битта Акулина дегани бор эди; ҳозир у ўлган, худо раҳмат қилсин! Акулина оддий бир қиз эди, у Ситово қишлоқ миршабининг қизи бўлса ҳам, ўлгудай заҳар эди! Баъзан графнинг юзига шапалоқ қўйиб юборишдан ҳам тоймасди. Жодугарлик билан уни ўзига ром қилиб олган эди. У менинг жиянимни солдатликка жўнаттирди, нега десангиз, жияним унинг янги кўйлагига шакалот тушириб юборган экан... Акулина яна кўпларни солдатликка юбортирган. Ҳа, шунақа... Аммо нима бўлса ҳам, ишқилиб, яхши замон эди-да! — деб қўшиб қўйди чол чуқур нафас олиб ва бошини қуйи солиб жим қолди.

¹ Кампирмейстр — капельмейстр сўзининг бузиб айтилгани.



«Ермолай ва тегирмончининг хотини».



П. Соколов расми.

— Бундан чиқадики, баринларинг қаттиққўл одам экан-да?— деб гап бошладим бир оз жимликдан кейин.

— У вақтларда одат шунақа эди, отахон,— деди чол, бош иргатиб.

— Ҳозир унақа эмас,— дедим мен, ундан кўзимни олмай.

У менга кўз қирини ташлади.

— Ҳа, ҳозир анча дуруст,— деб ғудиллади у ва қармоқни анча нарига отди.

Биз сояда ўтирардик, лекин бу ер ҳам дим эди. Оғир, иссиқ ҳаво ҳаракатсиз туриб қолгандай эди: қизиб кетган юзлар зориқиб шабада истарди, аммо шабада йўқ эди. Қуёш мовий қорамтир осмондан иссиқ нурларини сочиб турарди: олдигинамизда, дарёнинг нариги бўйида баъзи жойларини шувоқ ўсимлиги қоплаган сули экилган дала сарғайиб кўринарди, аммо кўнгил учун битта ҳам сули бошоғи қимир этмасди. Ундан берироқда, дарёда бир деҳқоннинг оти тиззасигача сув кечиб, ҳўл думини ялқовлик билан силкирди: эгилиб турган бута остидан гоҳо катта балиқ сув юзига сузиб чиқар, оғзидан пуфакчалар чиқарар, сув юзини аста жимириллатиб, яна шўнғиб кириб кетар эди. Қовжираган ўтлар орасида чигирткалар чирилларди, беданалар истар-истамас сайрардилар; далалар устида қирғийлар аста парвоз қилар ва баъзан тез-тез қанот қоқиб, думларини елпиғичдай ёзарди-да, бир жойда муаллақ қотиб қоларди. Биз иссиқдан бўғилиб, қимир этмай ўтирардик. Тўсатдан орқа томонимиздаги сойликдан аллакимнинг оёқ товуши эшитилди: биров тепаликдан булоқ бошига тушиб келмоқда эди. Мен ўгирилиб қараб, ҳамма ёғини чанг босган, эғнига кўйлак, оёғига чипта кавуш кийган, елкасига тўр халта ва чакмонча ташлаб олган эллик ёшлардаги деҳқонни кўрдим. У булоқ бошига келиб, тўйиб-тўйиб сув ичди-да, аста ўрнидан турди.

— Э, Власмисан?— деб бақириб юборди Туман, унга тикилиб туриб.

— Салом, биродар. Қаёқдан келяпсан?

— Саломат бўлинг, Михайло Савельич,— деди деҳқон олдимизга келиб,— узоқдан келяпман.

Қаёққа гойиб бўлиб кетдинг?— деб сўради ундан Туман.

— Москвага, барин олдига борган эдим.

— Нимага?

— Арз қилгани борувдим.

— Қанақа арз?

— Оброкни камайтирармикин ёки баршчинага ўтказиб, бошқа жойга кўчирармикин деб ўйловдим... Ўғлим ўлиб қолди, энди оброкни тўлашга ёлғиз ўзимнинг қурбим етмайди.

— Ўғлинг ўлдими?

— Улди. Раҳматли,— деб илова қилди деҳқон, бир оз жим тургач,— Москвада извош ҳайдарди; ростини айтсам, у мен учун ҳам оброк тўларди.

— Ҳали сизлар ҳозир оброк тўлайсизларми?

— Оброк тўлаяпмиз.

— Хўш, барининг нима деди?

— Барин нима дерди? Ҳайдаб юборди! Нега тўғридан-тўғри менинг олдимга келдинг: бунақа гаплар учун приказчик бор-ку, деди; сен, деди, аввал саркорга арз қилишинг керак... Ундан кейин, сени қаерга кўчираман? Сен аввал зиммангдаги боқимондани тўлагин, деди. Жуда жаҳли чиқиб кетди.

— Хўш, кейин нима бўлди, икки қўлингни бурнингга тикиб қайтиб келавердингми?

Қайтиб келавердим. Раҳматли ўғлимдан бирор бисот қолган-қолмаганини билмоқчи бўлиб суриштирдим, аммо нин чикмади. Мен ўғлимнинг хўжайинига «Филиппнинг отасиман», дедим: у эса менга: «Буни мен қаёқдан биламан?» деди. «Ўғлингнинг ўзидан ҳам,— деди,— ҳеч нарса қолгани йўқ, ҳали унинг менадан қарли бор». Шундай дегандан кейин қайтиб келавердим.

Деҳқон бу воқеаларнинг ҳаммасини, худди бегона одам тўғрисида сўзлаётгандай, кулимсираб туриб киноя билан гапирса ҳам, лекин унинг кичкина, қисик кўзлари жиққа ёшга тўлди, лаблари титради.

— Нима, энди уйингга кетяпсанми?

— Бўлмаса қаёққа борай? Албатта, уйимга-да. Хотиним тишининг кирини сўриб ўтиргандир.

— Сен... ҳалиги, нима...— деб Стёпушка тўсатдан тилга кирган эди, яна гапини йўқотиб қўйиб жим қолди ва кўвачани ковлай бошлади.

— Нима, приказчикнинг олдига борасанми?— деб сўради Туман, таажжуб билан Стёпага қараб қўяркан.

— Унинг олдида нима қиламан?... Шундоқ ҳам гарданимда боқимонда бор. Ўғлим ўлмасдан илгари бир йилча касал бўлиб ётди, шунда ўзи учун ҳам оброк тў-

лаёлмаган бўлса керак... Мен-ку, майли-я: нимамни ҳам олишарди... Эҳ, ошна, ҳар қанча муғамбирлик қилмасин мендан ҳеч нарса чиқмайди.—(Мужик қаҳ-қаҳ уриб кулди.)—Кинтильян Семенич, бекорга овора бўлади...

Влас яна кулиб юборди.

Нима ҳам деймиз? Бу ишинг яхши эмас, иним Влас,—деди салмоқлаб Туман.

— Нимаси ёмон? Йў...—(Власнинг овози бўғилиб қолди.)— Ҳавонинг иссиқлигини қаранглар-а,— деб давом этди у, юзини қўли билан артиб.

— Баринларинг ким? деб сўрадим мен.

— Граф, Валериан Петрович.

— Петр Ильичнинг ўглими?

— Петр Ильичнинг ўғли,— деб жавоб берди Туман.— Марҳум Петр Ильич тириклигида ўз мулкидан унга Власларнинг қишлоғини ажратиб берган эди.

Барин соғ-саломатми ўзи?

— Худога шукур, соғ-саломат,— деди Влас.— Мош еган хўроздек қип-қизил.

— Мана, отахон,— деб давом этди Туман, менга қараб,— Москва яқинида яшаса қандай яхши бўларди, бу ерда эса оброкка дучор бўлиб ўтирибди.

— Ҳар бир хонадондан қанча оброк олинади?

— Ҳар хонадондан тўқсон беш сўм,— деди ғўлдираб Влас.

— ...Мана кўрдингизми, ана шунақа гаплар: ер, хўжайинининг ўрмонини ҳисобга олмаганда, жуда оз.

— Уни ҳам сотиб юборишган дейишади,—деб қўшиб қўйди мужик.

— Мана, кўрдингизми, ана шунақа гаплар... Стёпа, қани, чувалчангдан бер... Стёпа, эшитяпсанми? Нима бало, ухлаб қолдингми?

Стёпушка сесканиб кетди. Мужик ёнимизга келиб ўтирди. Биз яна жим бўлдик. Сойнинг нариги қирғоғида аллаким жуда ҳазин бир қўшиқ бошлади... Бечора Власни ғамгинлик босди...

Ярим соатдан кейин тарқалдик.

Куз кунларидан бирида ов қилиб даладан келаётганимда шамоллаб, тобим қочиб қолди. Хайриятки, уезд шаҳридаги меҳмонхонага етиб келганимдагина иситма тутди: доктор чақиртирдим. Ярим соатдан сўнг уезд врачлари келди: у паст бўйли, қора сочли, ориққина киши эди. Врач менга терлатадиган оддий дорни ёзиб берди, баданимга горчица малҳами қўйишни буюрди, мен узатган беш сўмлик қогоз пулни жуда эңичлик билан енгининг қайтармасига тик қаркан, қуруққина йўталиб четга қаради ва кетишга отланган эди ҳамки, нима бўлди-ю, гапга тушиб, яна ўтириб қолди. Иситма тинкамни қуритарди: кечаси уйқум келмаслигини билардим, шунинг учун шинаванда одам билан суҳбатлашиб ўтиришга муштоқ эдим. Бизга чой келтиришди. Доктор гапга тушиб кетди. У анчагина фаросатли йигит бўлиб, гапга чечан, топиб гапирарди. Дунёда жуда ғалати ишлар бўлади-да: баъзи одам билан узоқ вақт бирга турсанг ҳам, ҳатто у билан қалин дўст бўлсанг ҳам, сира очилиб гаплаша олмайсан, сирдош бўлолмайсан: бошқа бир одам билан эса салгина танишиб қолсанг бас: ё у сенга, ё сен унга гўё тавба-тазарру вақтидагидек бутун сирри асрорингни миридан-сиригача айтиб қўя қоласан. Мен нима билан бу янги ошнамнинг ишончига сазовор бўлганимни айтолмайман, у ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, одамлар таъбирича, «томдан тараша тушгандай» қилиб, жуда ажойиб бир воқеани айтиб берди; ҳозир унинг ҳикоясини муҳтарам китебхонга баён қиламан. Мен воқеани врачнинг сўзлари билан ифода этишга уриниб кўраман.

Сиз бу ернинг судьясини, яъни Павел Лукич Миловни танимайсизми?— деб гап бошлади у заиф ва титроқ овоз билан (Березовнинг аралашмасиз, аччиқ тамакиси ана шунақа таъсир қилади),— танимайсизми?.. Танимасангиз таниманг Зарари йўқ.— (У йўталиб, кўзларини артди).— Мана, марҳамат қилиб эшитинг, воқеа бундай бўлган эди, хўш, нима десам экан, ростини айтсам, бу воқеа улуг айём рўза кунлари, қорлар айни эрий бошлаган вақтда бўлган эди. Мен уникида, судьямизнинг уйида преферанс ўйнаб ўтирган эдим. Судьямиз яхши одам, преферанс ўйнашга ишқибоз. Бирдан (врач «бирдан» деган сўзни тез-тез ишлатарди) менга: сизни бир одам чақиряпти, дейишди. Мен, «унга нима керак экан?» дедим. Хат олиб келибди, бемор юборган бўлса керак, дейишди. Хатни бу ёққа бер-чи, дедим. Ҳақиқатан ҳам хат бемордан экан... Хўп, яхши, дедим, биласизми, бу бизнинг ризқимиз... Ҳа айтгандай: менга бу хатни бева помещик хотин ёзибди; қизим ўлим тўшагида, улуг тангримиз ҳаққи, келинг, сизни олиб келиш учун от-улов ҳам юборилди, дебди. Бу-ку ёмон эмас-а, лекин унинг уйи шаҳардан йигирма чақирим нарида экан, зим-зиё қоронги денг, йўлнинг ёмонлигини айтмайсизми. Бунинг устига, унинг ўзи ҳам қашшоқлашиб қолган экан денг, берадигани нари борса, икки сўлкавойдан ошмас, шуни ҳам бериши ҳали гумон, меҳнатим эвазига озгина бўз-мўз, бир сиқим-ярим сиқим дондун берадими ҳали. Аммо, мен сизга айтсам, биринчи галда бурчни ўташ керак, ахир бутун бошлиқ бир одам ўлим тўшагида ётибди-я. Бирдан картани даврамизнинг доимий аъзоси Қаллиопинга бердим, уйимга жўнадим. Қарасам, зинапоям олдида бир тележка турибди: унга мужикларнинг қорни қаппайган, юнглари кигизга ўхшаган отлари қўшиғлиқ эди, кучер ҳурмат юзасидан шапкасиз ўтирибди. Э, биродар, хўжайинларининг аҳволи анча танг кўринади-ку, деб ўйладим ичимда... Сиз куляпсиз, лекин мен сизга айтсам, бизлар камбағал одамлармиз, ҳамма нарсани мулоҳаза қилиб кўрамиз... Агар кучер таъзим қилмай, бамисоли княздек гердаийб, боз устига мийиғида кулиб ва яна қамчинини ўйнатиб ўтирса, бемалол икки червонни умид қилавер! Мени чақиртирган помещик хотиндан эса, буни умид қилиб бўлмаслиги кўриниб турарди. Аммо начора, биринчи галда бурчни ўташ керак, деб ўйладим.

Энг зарур дорн-дармонларни олиб жўнаб кетдим. Ишонасизми, зўрга етиб олдим. Гўл кони азоб бўлди: сойлардан, қор ва лойлардан, ўпқонлардан ўтдик, бир жойда тўғонни бирдан сув олиб кетибди. Хуллас, не-не азоб билан етиб бордим. Кичкинагина уйнинг томи по-хол билан ёпилган экан. Деразалардан ёруғ тушиб турибди, демак, кутишяпти. Уйдан бошига чепец кийган улўғсифат бир кампир чиқди. «Қутқаринг, ҳоли танг», деди у. Мен унга: «Ташвишланманг! Бемор қаерда?» дедим. «Мана бу ёққа марҳамат қилинг». Бундоқ кириб қарасам: озодагина бир хона, бурчакда чироқ турибди, йиғирма ёшлар чамасидаги бир қиз ўрнида беҳуш ётибди. Ҳарорати жуда баланд, нафас олиши оғир — пентма бўлибди. Уйчада яна иккита қиз — унинг сингиллари ҳам бор эди, улар ниҳоятда қўрқиб кетишган, кўзлари жиққа ёш. «Кеча сонна-соғ эди, нштаҳа билан овқат сган эди; бугун эрталаб боши оғриганини айтиб солиди, кеч-қурун эса бирдан мана шў аҳволга тушиб қолди...» дейишди. Мен уларга яна: «Ташвиш тортманглар», дедим. Бунақа дейиш, билсангиз докторларнинг вазифаси, шундай дедим-да, ишга киришдим. Қон олдим, беморга горчица малҳами қўйишни буюрдим, суяқ дори ёзиб бердим. Бу орада мен унга, билсангиз, ҳеч кўзимни уза олмай тикилиб қарайвердим, лекин очигини айтсам, бунақанги чиройли чеҳрани, азбаройи худо, ҳалигача кўрган эмасман! Хуллас, гўзал қиз эди! Унга жуда раҳминм келиб кетди. Юзлари бир ёқимлики, кўзларини айтмайсизми... Ана, тангрига шукур, тинчланди, терлади, ўзига келгандай бўлди-ю, кўзини очиб атрофга қаради, кулимсиради, юзини силади... Сингиллари энгашиб, ундан: «Сенга нима бўлди?» деб сўрашди. У эса «Ҳеч нарса», деди-да, юзини ўгириб олди... Қарасам — ухлаб қолибди. «Энди касални тинч қўйиш керак», дедим. Ҳаммамиз оёқ учида юриб уйдан чиқдик; ҳар эҳтимолга қарши оқсоч хотин бемор ёнида қолди. Меҳмонхонада столга аллақачон самовар келтириб қўйилибди, столда Ямай майи ҳам бор, чунки бизнинг ишимиз майсиз бўлмайди-да. Менга чой беришди, ётиб қолишимни илтимос қилишди... Рози бўлдим: бемаҳалда қаёққа ҳам борар эдим! Кампир ҳануз оҳ-воҳ қилади. «Нега мунча қайғурасиз?» — дедим, — соғайиб кетади, ташвиш тортманг, ётиб дам олинг: соат бирдан ошди». «Бирор қорҳол бўлиб қолса, мени уйғоттирасизми?» «Албатта, ал-

батта». Камшир кетди, қизлар ҳам ўз хоналарига кириб кетишди; мен учун меҳмонхонага жой солиб беришди. Ётдим, лекин сира уйқум келмади, қизиқ! Ҳолбуки, жуда чарчаган эдим. Касал қиз хаёлимдан сира нари кетмади. Ахийри сабрим чидамади, бирдан ўрнимдан турдим: касалнинг аҳволидан хабар олайин деб ўйладим. Унинг ётоғи, билсангиз, меҳмонхона билан ёнма-ён эди. Хуллас, ўрнимдан турдим-да, касал ётган уйнинг эшигини астагина очдим, юрагим эса дукиллаб урарди. Қарасам: оқсоч хотин огзини очиб ухлаб ўтирибди, боз устига хуррак ҳам отяпти, алвасти! Бечора касал эса юзини мен томонга ўгириб, қўлларини ёзиб ётибди! Мен ёнига яқинлашдим. У бирдан кўзларини очиб, менга тикилди!.. «Бу ким?» деди. Мен хижолат тортиб, уялиб кетдим. «Ойим қиз,— дедим,— қўрқманг: мен докторман, аҳволингиздан хабар олгани кирувдим». «Доктор-мисиз?» «Доктор, доктор, онангиз мени шаҳардан олдириб келдилар: сиздан қон олди; энди марҳамат қилиб ухланг, худо хоҳласа, сизни икки кунларда оёққа турғизиб юборамиз». «Оҳ, ҳа, ҳа, доктор, мени ўлимдан асраб қолинг... ўтинаман, жон доктор». «Сиз нималар деяпсиз, худо сақласин!» Яна иситма тутяпти шекилли, деб ўйладим ичимда. Томирини ушлаб кўрдим: ҳақиқатан иссиғи баланд. У менга қаради-да, бирдан қўлимни ушлаб олди. «Нима учун ўлгим келмаётганини сизга айтиб бераман, айтиб бераман... Энди бу ерда иккаламиз ёлғизмиз ҳолда, аммо сиз, жон доктор, ҳеч кимга айтмай-сиз, ҳеч кимга... мана инитинг. Мен янгандим: у лабларини қулоғимга жуда яқинлаштириб, сўчлари билан юзимни қитиқлаб (иқрор бўлишим керакки, менинг ўзим ҳам нима қилишимни билолмай, довдираб қолдим), пичирлай бошлади... Нима дейётганини асло тушунмадим. Ҳа-я, у алаҳсираётган эди... У лаби лабига тегмай, русчага ўхшамаган галати гапларин тақрорлай бошлади, кейин гапини тугатиб, бир сесканди-да, бошини ёстиққа ташлаб, менга бармоғи билан пўниса қилди. «Доктор эсингиздан чиқмасин тагин, ҳеч кимга айта кўрманг, ҳеч кимга...» Мен уни бир илож қилиб юпатдим, сув ичирдим, оқсоч хотинни уйғотиб, чиқиб кетдим.

Гап шу ерга келганида врач яна шиддат билан бурнакисини ҳидлаб, бир лаҳза жим турди.

— Аммо,— деб давом этди у,— эртаси кунни касал-

нинг аҳволи кутганимча бўлмади, енгиллашмади. Мен, бошқа касаллар кутиб ётган бўлса ҳам, ўйлаб-ўйлаб бирдан яна шу ерда қоладиган бўлдим... Ўзингиз биласиз, касалга бепарволик қилиб бўлмайди, бепарволикдан амалиёт зарар кўради. Лекин, биринчидан, касал қизнинг аҳволи ҳақиқатан оғир эди; иккинчидан эса, ростини айтганда, унга жуда ҳам меҳрим тушиб қолганини ўзим сезиб турардим. Боз устига, бу оиладаги кишиларнинг ҳаммаси ҳам менга ёқиб қолди. Улар бадавлат одамлар бўлмасалар ҳам, айтиш мумкинки, камданкам учрайдиган маърифатли кишилар эди... Буларнинг отаси олим, адиб экан; у, албатта, қашшоқликда ўлган бўлса ҳам, тириклигида қизларига яхши тарбия бера олган; анча-мунча китоб ҳам қолдириб кетган экан. Касалнинг ёнида парвона бўлиб турганимданми ёки бошқа сабабларданми уйдагилар мени худди ўз кишиларидай севиб қолишди, десам ёлғон бўлмайди... Бу орада шунақанги лойгарчилик бошланиб кетдики, асти кўяверасиз: йўл юришининг ҳеч бир иложи қолмади десам янглишмасман, шаҳардан, ҳатто, дорн-дармонни ҳам зўрга олиб келинарди... Қиз тузалмади... Бу орада кунлар бир-бирини қувалаб ўтаверди, ўтаверди... Аммо қарангки... шунда...— врач жим қолди.— Ростини, сизга қай тарзда баён қилишни билмаяпман...— у яна бурнакисини ҳидлаб олди, томоқ қириб, бир ҳўплам чой ичди.— Гапнинг лўндаси шуки, бемор... ҳалигидай... нима десам экан, борингки, мени яхши кўриб қолди шекилли... ёки, йўқ, яхши кўриб қолди деб бўлмайди... аммо, ҳар ҳолда... ростини айтсам, ҳалигидай-да...— Врач ерга қаради ва қизариб кетди.

— Йўқ,— деб давом этди у тезгина,— қиз менинг нимамни яхши кўриб қолсин. У киму, мен ким? У кўп китоблар ўқиган, илмли, ақлли қиз, мен эса ўзим билган лотинчани ҳам буткул эсдан чиқариб қўйганман. Қаддиқомат жиҳатидан ҳам (врач кулимсираб ўз бўй-бастига қаради) ҳеч бир мақтанадиган ерим бўлмаса керак. Лекин парвардигор мени аҳмоқ қилиб ҳам яратмаган: оқни қора демайман; баъзи нарсаларга менинг ҳам ақлим етади. Чунончи, Александра Андреевнанинг — уни Александра Андреевна деб аташарди — менга муҳаббат ҳислари билан эмас, балки, янглишмасам, дўстона хайрихоҳлик, ҳурмат билан қарашини жуда яхши тушунардим. Гарчи унинг ўзи бу масалада, эҳтимол, янг-

лишгандир, лекин унинг қандай аҳволда бўлганини ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Шундай бўлса ҳам,— деб қўшиб қўйди врач, у юқоридаги пала-партиш гапларни ҳовлиқиб, жуда ўнғайсизлик билан гапирган эди,— афтидан, мен гапимдан чалғиб кетдим шекилли... Бу йўсинда сиз ҳеч нарсага тушунмай қоласиз... Рухсат этинг, мен сизга ҳамма нарсани бир бошдан айтиб берайин.

У стакандаги чойни охиригача ичиб, бирмунча оёқ-иштароқ оҳангда гапира бошлади.

— Гап шундай. Беморимнинг аҳволи тобора ёмонлашаверди. Муҳтарам жаноб, сиз табиб эмассиз, агар биздақа одамлар касални тузатишга ожизлик қилаётганини сезса, дарҳол кўнгли бузилади, сиз буни англай олмайсиз. Бундай вақтда одам довдираб қолади! Бирдан шундай қўрқув босадикки, буни тасвирлашга тил ожиз. Ҳамма билган нарсаларингни унутиб қўйгундай бўласан, назарингда сенга касалнинг пшончи қолмагандай, довдираб қолганингни бошқалар пайқаб олгандай туюлади, атрофингда турган кишилар беморнинг ҳолатини истар-истамас сенга баён қилади, ўқрайиб қарашади, пичир-пичирга тушишади... Э, нимасини айтасиз! Ахир бу касалга даво бўлувчи дори бор-ку, унинг қайси дори эканлигини билиш керак холос, деб ўйлайсан. У дори манови эмасми? Касалга бериб кўрасан — йўқ, у эмас! Бир дори ўз таъсирини кўрсатиб бўлмасдан, дам у дориға, дам бу дориға ёпишасан. Баъзан дори-дармон китобини оласан-да, қидирган дорим шунда, ана шу ерда, деб ўйлайсан! Ростини айтганда, баъзан китобнинг тўғри келган бир бетини очасан: бахтим ёр бўлиб қолар... деб ўйлайсан. Бу орада касал ўсал бўла бошлайди, бошқа врач бўлганида уни ўлимдан қутқазиб қолган бўларди. Консилиум чақириш керак, мен жавобгарликни зиммамга ололмайман, дейсан. Бундай пайтларда киши шунчалик телба бўлиб қоладики! Аммо кейинчалик бундай аҳволга кўникиб ҳам қоласан — ўзингга тасалли берадиган бўласан. Касалнинг ўлимига мен сабабчи эмасман, чунки, уни қонун-қоида билан даволадим, деб ўйлайсан. Баъзан жонингни қийновчи мана шундай аҳволлар ҳам бўлади: одамлар сенга бутунлай ишонади, лекин сен уларга ёрдам беролмаслигингни сезиб турасан. Александра Андреевна оиласидаги кишилар менга худди ана шундай ишонч билан қарадилар:

беморнинг хавф остида эканлигини хаёлларига ҳам келтирмадилар. Мен ҳам: ҳечқиси йўқ, тузалиб қолади, деб уларга тасалли берардим, ўзим ичимда жуда қўрқардим. Бу бахтсизлик устига, яна шундай қаттиқ лойгарчилик бўлиб кетдики, баъзан кучер дори олиб келиш учун куни билан ғойиб бўлиб кетарди. Мен эса касалнинг ётоқхонасидан нари жилмас, ундан кўзимни уза олмас эдим, унга ажойиб ва ғаройиб кулгили латифалар айтиб берар, у билан карта ўйнаб ўтирар эдим. Кечалари ёнида ўтириб чиқардим. Кампир кўзларига ёш олиб менга миннатдорлик билдирарди; мен эса ичимда: «Миннатдорлик қилишингга арзимайман», дейардим. Сизга очигиши айтсам,— энди сир тутишнинг ҳожати йўқ,— мен ўз беморимни севиб қолдим. Александра Андреевна ҳам менга кўнгил қўйди: ётоқхонасига, баъзан, мендан бошқа ҳеч бир кишини киритмасди. Мен билан гапга тушиб кетар, қасрда ўқиганимни, аҳвол-тирикчилигимни, ота-онамнинг кимлигини, кимлар билан борди-қолди қилишимни суриштирарди. Унинг гапирмаслиги лозимлигини севиб турсам ҳам гапирганини унга қатъиян тақиқлан олмасдим, билсангиз. Баъзан бошимни чангаллаб ўзимга ўзим. «Эй хумпар, нималар қиялпсан? дейман. Баъзан у қўлимни ушлаб, менга узоқ тикилиб қоларди, кейин юзини четга ўгириб чуқур хўрсинарди-да: «Мунча яхшисиз!» дерди. Қўллари чўгдек иссиқ, кўзлари шахло, хумор кўзлар, денг. «Ҳа,— дейди,— сиз меҳрибон, яхши кишисиз, бизнинг қўшнилари-мизга ўхшамайсиз... Йўқ, сиз унақа эмассиз... Эсизки, сизни шу вақтгача билмаган эканман!» «Александра Андреевна, тинчланинг,— дейман...— мен, ишонинг, сезиб турибман, бу яхши сўзларингизга арзигулик бир хизмат қилганимни билмайман... лекин, азбаройи худо, сиз тинчланинг... Хотиржам бўлинг, соғайиб кетасиз». Аммо мен сизга айтсам,— деб қўшиб қўйди врач хиёл олдинга эгилиб ва қошларини чимириб,— улар қўшниларидан бирмунча ажралиб қолган эканлар, нега десангиз, камбағаллар билан алоқа қилишга ор қилишар экан, бадавлат кишилар билан таниш-билиш бўлишга эса ғурурлари йўл қўймас экан. Мен сизга боя айтдим-ку, жуда ўқимишли оила эди у, билсангиз, улар менга жуда манзур бўлган эди: Александра Андреевна менинг қўлимдангина дори ичарди... Бояқиш менинг ёрдамим билан бошимни сал кўтариб дорини ичарди-да,

менга мўлтираб қарарди... шундай пайтларда юрак-бағрим эзилиб кетарди. Аммо кун сайин аҳволи ёмонлашарди, ўлиб қолади, албатта ўладди, деб ўйладим. Ишонасизми, ўрнига ўзим гўрга киришга ҳам тайёр эдим; бунинг устига унинг онаси, сингиллари менга разм солиб туришарди, кўзимга қарашарди... хуллас, ишонч йўқола бошлади. «Нима гап? Аҳволи қандай?» «Дуруст, дуруст!» дейману, аммо ўзимнинг ҳушим бошимдан учган. Мана бир куни кечаси беморнинг ёнида яна ёлғиз ўзим ўтирган эдим. Шу ерда донг қотиб ухлаб ўтирган оқсоч хотин уйни бошига кўтариб хуррак отарди... Бечора оқсочни айбсیتیб бўлмасди, албатта: у ҳам жуда ҳолдан тойган эди. Александра Андреевна эса бутун кеч ўзини ниҳоятда ёмон сезди; иситмаси ошиб, аланган оташ бўлиб ёнди. Ярим кечагача тўлганиб ётди; охири ухлаб қолгандай бўлди. Ҳар ҳолда қимир этмай қолди. Бурчакда икона олдида исчиरोқ ёниб турарди. Билсангиз, бошимни қўйи солиб мен ҳам мудраб ўтирибман. Бирдан биқинимга биров тurtгандай бўлди, қайрилиб қарадим... Во ажабо! Александра Андреевна кўзларини катта очиб, менга қараб турарди... лаблари очиқ, ёноқлари ҳароратининг баландлигидан ловиллаб ёняпти «Сизга нима бўлди?» «Доктор, мен ўламан-а?» «Худо сақласин!» «Йўқ, доктор, йўқ, ўлмайсан, деб менга тасалли берманг... ундай деманг агар сиз билсангиз эди... менга қаранг, худо ҳаққи, аҳволимнинг огирлигини мендан яширманг!» У гапираркан, ўзи калта-калта нафас оларди. «Агар ўлишим аниқлигини билсам... Сизга юрагимдаги бор гапнинг ҳаммасини айтиб бераман!» «Александра Андреевна, сизга нима бўлди?» «Менга қаранг, ахир мен мижжа қоққанам йўқ, аллақачондан бери сизга қараб ётибман... худо ҳаққи... мен сизга ишонаман, сиз яхши одамсиз, сиз виждонли кишисиз, дунёдаги ҳамма азиз-авлиёлар ҳурмати, сиздан ўтиниб сўрайман — менга тўғрисиини айтинг! Бу нарса мен учун нақадар муҳим эканлигини билсангиз эди... Доктор, худо ҳаққи, айтинг, мен ўламанми?» «Мен сизга нима ҳам деярдим, Александра Андреевна, раҳм қилинг!» «Худо ҳаққи, айтинг, сиздан ўтиниб сўрайман!» «Александра Андреевна, сирни сиздан яшира олмайман, чиндан ҳам касалингиз хавфли, аммо парвардигор эгам ўз паноҳида асрайди...» «Мен ўларканман, мен ўламан...» У шу сўзларни айтаркан, севиниб кетгандай бўл-

ди, чеҳраси қувончдан гулдай яшнади, мен қўрқиб кетдим. «Қўрқманг ахир, қўрқманг, мен ўлимдан асло қўрқмайман». У бирдан бошини сал кўтариб, тирсагига суянди. «Энди... ҳа энди мен сизга шуни айта оламанки, мен сиздан чин қўнгилдан миннатдорман, сиз меҳрибон одам-сиз, яхши кишисиз, мен сизни севаман...» Мен унга бақрайиб қараб турардим: ваҳимага тушиб қолдим, билсангиз... «Эшитяпсизми, мен сизни севаман...» «Александра Андреевна, бу марҳаматингизга лойиқ нима хизмат қилдим?» «Йўқ, йўқ, сиз гапимни тушунмаяпсиз... гапимни тушунмаяпсан...» У шу гапларни айтди-да, бирдан қўлларини узатиб, бошимни ушлаб, мени ўпди... Ишонасизми, сал бўлмаса ҳўнграб йиғлаб юбораёздим... тиз чўкиб бошимни ёстиққа буркадим. У сукутга чўмган эди; бармоқлари сочларим орасида титрарди; пиқиллаб йиғлаганини эшитдим. Мен уни юпата ва ишонтира бошладим... ростини айтсам, унга нималар деганимни ҳозир ўзим ҳам билмайман. «Александра Андреевна, — дедим, — оқсоч хотинни уйғотиб юборасиз... ғоят миннатдорман... раҳмат... ишонинг тинчланинг». «Э бўлганча бўлди, — деди у. — Улар билан ишим нима, уйғонишса уйғонишар, кириб қолишса, нима бўлибди барибир ўлиб кетаман-ку. Сен нега ҳадиксираяпсан, нега қўрқаяпсан? Бошингни кўтар... Ёки сиз, балки мени яхши кўрмассиз, эҳтимол, мен янглишгандирман... агар шундай бўлса мени кечирасиз». «Александра Андреевна, сиз нималар деяпсиз?.. Мен сизни севаман. Александра Андреевна». У кўзларимга тик қараб туриб, қучоғини очди. «Қани бўлмаса мени қучоқла...» Сизга очиғини айтсам, ўша кечаси жинни бўлиб қолмаганимга ҳайронман. Мен унинг ўзини ўзи ҳалок қилаётганини сезиб турардим; эси ҳам жойида эмас эди; агар у ўзини ўлим тўшагида деб ҳисобламаганида, менинг тўғримда ўйламаслигини ҳам билар эдим; ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, йигирма беш ёшга кириб, ҳеч кимни севмасдан ўлиб кетиш жуда ҳам даҳшат-да, ахир: уни қийнаган нарса ана шу эди, армон билан ўлиб кетмаслик учун ноилож менга ёпишиб олган эди, энди тушунгандирсиз? У мени ҳеч қўйиб юбормай ушлаб олган эди. «Александра Андреевна, менга шафқат қилинг, ўзингизга ҳам раҳм қилинг», дейман. «Нима ҳожати бор, нимани ҳам аяб ўтиришим керак? Ахир, барибир ўлиб кетаман-ку...» дейди. У шу гапини тўхтовсиз такрорларди. «Агар ўлмай қолишимни, яна

рисоладаги боадаб қизлар қаторига қўшилишимни билганимда, номус қилсам бўларди, ор қилсам бўларди... ҳозир-чи?» «Ахир ким сизни ўлади деб айтди?» «Э, қўй-э, бўлди, сен мени алдай олмайсан, сен ёлгон гапиришни эплай олмайсан, кўзларинг айтиб турибди». «Сиз ўлмайсиз, Александра Андреевна, мен сизни даволаб тузатаман; кейин онангиздан фотиҳа оламиз... бир ёстиққа бош қўямиз, биз бахтли бўламиз», «Йўқ, йўқ, сиз менга сўз бердингиз, мен ўлишим керак... сен менга ваъда бердинг... сен менга айтдинг...» Юрагим ўртаниб кетди, бу ўртанишнинг сабаблари кўп эди. Буни қаранг-а, баъзан шундай воқеалар бўладики, ўзи аҳамиятсиз кўринса ҳам, лекин кишини қаттиқ дардга солади. Отимни сўраш, яъни фамилиямни эмас, балки отимни сўраш ҳаёлига келиб қолди. Пешонамнинг шўрлигини қарангки, менга Трифон деб от қўйишган. Ҳа шунақа, отим Трифон, Трифон Иванич. Уйдагиларнинг ҳаммаси мени доктор деб аташар эди. Мен чорасиз ҳолда унга: «Хоним, отим Трифон», дедим. У кўзларини қисди, бош чайқаб, французчасига алланарса деб пичирлади,—сҳ, бу қандайдир хунук сўзлар эди,—кейин у кулиб юборди, кулиши ҳам хунук эди. Мен бутун кечани деярли у билан ана шундай ўтказдим. Тонг отиши билан кўнглим бузилиб уйдан чиқиб кетдим; нонуштадан кейин яна қизнинг ётоғига кирдим. Ё раббий, ё раббий! Уни таниб бўлмасди: у бамисоли мурда эди. Сизга онт ичиб айтаманки, бу қийноққа қандай чидаш берганимга ҳозир ақлим бовар қилмайди. Бемор яна уч кечаю, уч кундуз рамагда жон бўлиб ётди... Бу уч кеча шундай азоб билан ўтдики! У менга нималарни гапирмади!.. Энг охирги кеча эди денг, қаранг-а, мен унинг ёнида ўтириб: эй парвардигор, оладиган бўлсанг, унинг омонат жонини тезроқ ол, шу билан бирга мени ҳам тирик қолдирма деб, худога ёлборар эдим... Бирдан шу заҳоти унинг кампир онаси ётоққа лоп этиб кириб келди... Мен унга, онасига бир кун илгарийёқ: соғайишидан умид кам, аҳволи огир, попга хабар қилиб қўйилса ёмон бўлмасди, деган эдим. Бемор онасини кўриши биланоқ бундай деди: «Ана, келганингиз яхши бўлди... бизга яхшилаб қаранг-чи, биз бир-биримизни севамиз, биз аҳду паймон қилдик». «Доктор, нималар деяпти у, нималар деяпти?» Мен ўликдек қотиб қолдим. «Иситмаси баланд, алаҳсираяпти...» дедим. Қиз эса: «Бас етар, сен

ҳозир менга бутунлай бошқа нарса гапирган эдинг, сенга узук бердим — узугимни олдинг... Нега муғамбирлик қиялсан? Онам яхши хотин, мени кечиради, у тушунади, мен эса ўлиб кетаётган кишиман, ёлғон гапдан на фойда; бер қўлингни менга...» Мен ўрнимдан сапчиб турдим-да, ётоқдан чопиб чиқиб кетдим. Кампир, албатта, воқеага тушунган эди.

— Сизни шунчалик толиқтирганим етар, ростини айтганда, бу воқеаларни эсласам, ўзим ҳам жуда қийналиб кетаман. Менинг беморим эртаси кунёқ вафот этди. Жойи жаннатда бўлсин (тезгина қўшиб қўйди врач хўрсиниб). Қиз, ўлими олдида бизни холи қўйинглар, деб яқинларидан илтимос қилди. «Мени кечиринг, эҳтимол сизнинг олдингизда уятлидирман... касаллик... лекин ишонинг, мен ҳеч кимни сизни севганимдек севган эмасман... мени унутманг... узугимни эҳтиёт қилинг...»

Врач юзини четга бурди; мен қўлидан ушладим.

— Эй!— деди у,— келинг-э, бошқа нарса тўғрисида гаплашайлик ёки оз-оз пул тикиб преферанс ўйнайлик, хоҳлайсизми? Биласизми, биз врачлар бундай юксак тўйгуларга берилмаслигимиз керак. Болаларимиз нон деб йиғламаса, хотинларимиз қаргамаса бўлгани. Мен ўшандан кейин, ҳалиги, қонуний суратда уйланиб ҳам олганман... Албатта-да... савдогар қизига уйланганман. етти минг сўм сени билан тегди. Оти Ақулина; Трифон исмимга боп. Сизга айтсам, ўлгидек заҳар, аммо шуниси яхшики, кунн билан донг қотиб ухлайди. Хўш, преферанс ўйнайсизми?

Биз бир тийипдан тикиб преферанс ўйнай бошладик. Трифон Иванич мендан икки ярим сўм ютиб олди, севинганидан оғзи қулоғига етиб, алламаҳалда уйига кетди.

Кузда лойхўраклар, кўпинча, кўҳна липазор боғларда бўлади. Бизнинг Орёл губернамизда бундай боғлар анчагина бор. Ота-боболаримиз туришга жой таплаганларида, албатта, бир-икки десятина яхши ерни мевадори боғ учун ажратишар ва у ерда икки четига липа дарахти экилган хилбоғлар қилишар эди. Эллик, кўпи билан етмиш йилчадан кейин бу қўрғонлар — «дворян уйлари» аста-секин йўқолиб кетарди; уйлар чириб вайрон бўларди ёки бузиб ташланиб, ёғочлари сотиларди, гиштдан қурилган хўжалик бинолари қулаб тушарди, олма дарахтлари қуриб, саржин қилинар, тахта ва четан деворлар ёқиб юборилар эди. Фақат липа дарахтларигина аввалгича баҳузур барқ уриб ўсиб ётар ва атрофи экинзорга айлантирилган бу дарахтлар ҳозирги енгил табиат авлодимизга: «Ўлиб кетган ота-боболаримиз ва оға-иниларимизни» эслатиб турарди. Бундай кекса липа дарахти ғоят чиройли бўлади... Ҳатто, рус музигининг шафқатсиз болтаси ҳам уни аяйди. Унинг барглари майда, бақувват йўгон шохлари ҳар томонга тарвақайлаб кетган, таги ҳаминша соя-салқин.

Бир кун, Ермолай билан бирга далада каклик овлаб юриб, чеккадаги ташландиқ бир боғни кўриб қолдимда, ўша томонга юрдим. Дарахтзорга киришим билан бир лойхўрак буталар орасидан патирлаб осмонга қўтарилди; ўқ уздим, шу заҳоти бир неча қадам наридан бировнинг чинқириб юборгани эшитилди: дарахт орасидан қўрқиб, ранги оқариб кетган бир ёш қиз кўринди-ю, дарров ғойиб бўлди. Ермолай ёнимга югуриб келиб:

«Нега бу ерда отасиз: бу ерда помешчик туради», деди.

Мен унга жавоб бериб улгурмасимданоқ, ҳали итим отилган қушни олиҳимматлик билан менга келтириб бермасданоқ, тўсатдан жадал қадам товушлари эшитилди ва дарахтзор ичидан баланд бўйли, мўйловли бир киши чиқиб, норози қиёфада яқинимга келиб тўхтади. Мен бир илож қилиб кечирим сўрадим, ўзимни танитдим ва унинг ерида отилган қушни унга таклиф қилдим.

— Майли,— деди у кулимсираб,— қушингизни оламан, аммо бир шартим бор: овқатни бизникида қиласиз.

Ростини айтсам, унинг бу таклифи менга маъқул тушмади, аммо кўнмасдан илож йўқ эди.

— Мен шу ерлик помешчикман, сизнинг қушингиз Радилов бўламан, балки эшитган бўлсангиз керак,— деб давом этди янги танишим.— Бугун якшанба, бинобарин, меникида тузукроқ овқат тайёрланаётган бўлиши керак, йўқса, сизни тиклиф қилмаган бўлур эдим.

Мен унга шундай пайтларда бериладиган жавобни бериб орқасидан жўнадим. Биз яқиндагина тозалаб қўйилган йўлқадан юриб, тезда липазордан чиқдик; полизга кирдик. Қари олма дарахтлари ва қалин крижовник туллари ўртасида оч-яшил рангли юмалоқ қарам бошлари кўринарди, хмель узун ходалчаларга ўралиб ўсганди, қуриган нўхат дуккаклари чирмашган қорамтир поялар жўякларда зич тизилиб турарди; катта, япалоқ ошқовоқлар ерда сочилиб ётганга ўхшарди; бодринглар чанг босган қиррали барглари остидан саргайиб кўринарди; четан девор бўйлаб баланд ўсган қичитқи ўтлар тебранарди; икки-уч жойда илгариги «гулзор»нинг қолдиғи — татар йилвиси, маржон дарахти, наъма-так тўда-тўда бўлиб ўсиб ётарди. Қизғиш шилимшиқ сув билан тўла ҳовузча ёнида қудуқ, қудуқнинг атрофида кўлмак сувлар бор эди. Бу кўлмак сувларда ўрдаклар сувни шапиллатиб, чайқалиб сузиб юрарди; бир ит кўкат устида бутун вужуди билан қалтираб, кўзларини қисиб суяк ғажир эди; шу ўтлоқда бир ола сигир ориқ танасини гоҳ-гоҳ думи билан елпиб, аста ўтлаб юрарди. Йўлка бир томонга бурилди; йўғон шум тол ва қайин дарахтлари орқасидан тахта томли, қийшиқ пиллапояли эски, кўримсиз уйча кўринди. Радилов тўхтади.

— Айтгандек,— деди у, очиқ чеҳра билан юзимга тўппа-тўғри қараб туриб,— мен ҳозир ўйлаб қолдим.

балки сиз меникига киришни сира ҳам хоҳламассиз, ундай бўлса...

Мен унинг сўзини бўлиб, сизникида овқатланишдан жуда хурсандман, дедим.

— Хайр, ўзингиз биласиз,— деди у.

Биз ҳовлига кирдик. Уйга кираверишда бизни қалин кўк мовутдан тикилган узун чакмонли ёш йигит кутиб олди. Радилов шу ондаёқ унга Ермолайга ароқ келтиришни буюрди; Ермолай орқасини ўгириб турган олиҳиммат Радиловга ҳурмат билан таъзим қилди. Биз ҳар хил ранг-баранг суратлар ёпиштирилган, қуш қафаслари осиб қўйилган олдинги уйдан кичик бир хонага кирдик — бу, Радиловнинг кабинети экан. Мен овчилик аслаҳаларимни ечдим, милтиқни бурчакка қўйдим; узун чакмонли ёш йигит кийим-бошимни апил-тапил тозалади.

— Қани, энди меҳмонхонага ўтайлик,— деди Радилов мулойимлик билан,— сизни онам билан таништираман.

Мен унинг орқасидан кирдим. Меҳмонхонада ўртадаги диванда тўқ жигар ранг кўйлак ва оқ чепец кийган паст бўйликкина, меҳрибон, ориқ юзли ва журъатсиз, гамгин кўзли кампир ўтирарди.

— Онажон, танишинг: бизнинг қўшнимиз.

Кампир тўрвага ўхшаш қалин юнг сумкасини озгин қўлларида қўймай сал ўрнидан турди-да, менга таъзим қилди.

— Бизнинг томонларга келганингизга кўп бўлди-ми?— сўради у паст овоз билан, кўзларини пирпиратиб.

— Йўқ, яқинда келдим.

— Бу ерда кўп турмоқчимисиз?

— Қишгача турсам керак.

Кампир жим бўлди.

— Мана бу,— деб гапни илиб кетди Радилов, баланд бўйли, ориқ бир кишини кўрсатиб, мен уни меҳмонхонага кираётганимда пайқамаган эканман,— бу Федор Михеич... Қани Федя, санъатингни меҳмонга кўрсатиб юбор. Бурчакка нега бунчалик тиқилиб олдинг?— Федор Михеич дарҳол стулдан турди, деразадан сўлоғи чиққан бир скрипкани олди, камончани одатдагидай даста томонидан эмас, балки ўртасидан ушлади, скрипкани кўкрагига ётқизиб, кўзини юмди-да, қўшиқ айтиб ва торларни ғиж-ғижлатиб чалиб, ўйинга туша бошла-

ди. У кўринишдан етмиш ёшларда эди. Узун бўз чакмони озғин, қоқ суяк баданида шалвираб ётарди. У ўйинга тушарди; кичкина тепакал бошини чаққонлик билан гоҳ силкитар, гоҳо жим туриб муқом қилар, томирлари ирғиб чиққан бўйинини чўзар, бир жойда туриб ер тепинар, гоҳо эса анча машаққат билан тиззаларини букар эди. Тишсиз оғзидан чиққан паст овози зўрға эшитиларди... Чамаси Радилов Федяннинг «санъати» менга унчалик манзур бўлмаганини афтимдан пайқаб қолди шекилли:

— Хўп, бўлади чол, бас қил, энди бориб ўзингни хурсанд қил,— деди.

Федор Михеич скрипкани шу заҳотиёқ деразага қўйди-да, меҳмонлигим ҳурмати учун аввал менга, кейин кампирга, сўнгра Радиловга таъзим қилиб, ташқарига чиқди.

— Бу ҳам помешчик эди,— деб давом этди янги танишим,— жуда ҳам бадавлат эди, лекин хонавайрон бўлиб қолган — мана ҳозир меникида кун кўриб юрибди... Бир вақтлари бутун губернада энг зўр, уддабуро киши ҳисобланарди; иккита хотинни эридан ажратиб олиб кетган, ҳовлисида ашулачилари бўларди, ўзи ҳам қойил қилиб ашула айтарди, уста ўйинчи ҳам эди... Дарвоқе, овқат тайёр, ароққа майлингиз қандай?

Шу пайт хонага боя богда бир лип этиб кўринган ёш қиз кирди.

— Мана, Оля ҳам келиб қолди!— деди Радилов, бошини сал ўгириб,— илтифот ва марҳамат қилинг... Қани, юринглар овқатланайлик.— Биз емакхона томон йўл олдик. Ўзини «хурсанд қилиб» олганидан кейин кўзлари ялтираб, бурнига қизил югуриб қолган Федор Михеич меҳмонхонадан емакхонага бориб ўтиргуниميزча «Янграсин зафарнинг кучли садоси!»ни куйлаб турди. Емакхонанинг бир бурчагида кичкина столчага унинг ўзига сочиқсиз махсус идиш, товоқ-қошиқ қўйишди. Бечора чол иркит эди, шунинг учун уни ҳамиша одамлардан хиёл нарига ўтқазишарди. У чўқиниб олди, нафасини ростлаб, овқатни аждаҳодай ямламай юта кетди. Овқат ҳақиқатан ҳам чакки бўлмади: якшанбалик бўлганидан, сўлқиллама желе¹ ва испан пирожноеси ҳам муҳайё эди. Армия пиёда аскарлар полкида ўн йилча хизмат қилган ва Туркияга қилинган юришда ишти-

¹ Холодецга ўхшаш бир нав ширин овқат.

рок этган Радилов дастурхон тепасида гапга тушиб кетди; мен унинг гапларига диққат билан қулоқ солдим ва зимдан Ольгани кузатиб ўтирдим. У бориб турган гўзаллардан эмас эди, аммо дадил, осойишта юз ҳаракатлари, оппоқ, кенг пешанаси, қуюқ сочлари ва хусусан, кичкина, лекин ақлли, тиниқ, шўҳ қора кўзлари ҳар қандай кишини ҳам ўзига мафтун қила олар эди. Ольга Радиловнинг ҳар бир сўзига разм солиб ўтиргандай кўринарди; унинг чеҳрасида хайрихоҳлик эмас, балки зўр илтифот аломатлари акс этиб турарди. Ёш жиҳатидан Радилов қизнинг отаси тенги келарди; у Ольгага «сен-сираб» гапирарди, лекин Ольга унинг қизи эмаслигини шу ондаёқ англадим. Гап орасида Радилов ўзининг ўлган хотинини эслади — «хотинимнинг синглиси», деб қўшиб қўйди у, Ольгани кўрсатиб, Ольга қизариб кетиб, ерга қаради. Радилов бир оз жим туриб, гапни бошқа томонга бурди. Кампир овқат вақтида бир оғиз ҳам гапирмади, қарийб ҳеч нарсга емади, овқат ейишга мени ҳам қис-тамади. Унинг қиёфасида умидсизлик билан алланарсани қўрқа-пуса кутиш аломати, одамнинг юрагини сиқиб юборадиган қариллик маъюслиги акс этар эди. Овқат ейилиб бўлингач, Федор Михеич уй эгаларини ва меҳмонни «улуғламоқ» учун қўшиқ бошлаган эди, бироқ Радилов менга қараб олганидан кейин ундан жим ўтиришни сўради; чол лабини силади, кўзларини пирпиратди, таъзим қилиб яна ўз жойига, лекин энди стулнинг бир чеккасига бориб ўтирди. Овқатдан кейин Радилов иккаламиз Радиловнинг кабинетига чиқдик.

Мияси ҳамма вақт бир фикр билан жуда банд бўлган ёки бирор нарсга ҳавас қўйиб, ҳамиша ўша тўғрида бош қотириб юрадиган кишиларнинг хислатлари, қобилиятлари, жамиятдаги мавқелари ва олган тарбиялари бир-биридан қанча фарқ қилса ҳам, лекин уларда қандайдир муштараклик, муомалаларида аллақандай бир ўхшашлик борлиги сезилиб туради. Радиловни қанча кўп синчиклаб кузатганим сайин, у менга шунча кўп мазкур кишилардан бири бўлиб туюларди. У ҳўжалик ишлари тўғрисида, ўрим-йғим ва уруш тўғрисида, уезддаги фишқ-фасодлар ва яқинда бўладиган сайловлар тўғрисида гапирди, самимийлик билан, ҳатто жонкуярлик билан гапирарди, аммо бирдан оғир иш қилиб ҳориган одамдай юзини силарди-да, чуқур ҳўрсиниб креслога чўқарди. Унинг меҳрибон ва самимий қалбини бир туйғу та-

момила чулғаб олгандай кўринарди. Мени шу нарса ҳайратда қолдирдики, у овқатга ҳам, винога ҳам, овга ҳам, Курск булбулларига ҳам, тутқаноқ касали билан оғрувчи каптарларга ҳам, рус адабиётига ҳам, йўрга отларга ҳам, гусарлик либосига ҳам, карта ва биллиард ўйинларига ҳам, рақс кечаларига ҳам, губерна ва пойтахт шаҳарларига сафар қилишга ҳам, қоғоз фабрикалари ва қанд заводларига ҳам, чиройли қилиб бўялган шийпончаларга ҳам, чойхўрликларга ҳам, гижинг шатакчи отларга ҳам, ҳатто белбоғини нақ қўлтиғи остидан боғлаб олган ҳўппасемиз кучерларга, яъни бўйнининг ҳар бир ҳаракати вақтида, ким билади, негадир кўзи шохсоққадек ирғиб чиқадиған савлатли кучерларга ҳам сира қизиқмас эди... «Ажабо, бу қанақа помешчик ўзи!» деб ўйладим. Айни вақтда у қайғули ва тақдирдан норози одамга сира ўхшамасди; аксинча, унда қандайдир илтифот, очиқ юзлилик хислатлари ва ўтган-кетган ҳар бир киши билан иноқлашиб кетишга тайёрлик аломатлари яққол кўриниб турарди. Тўғри, шу билан бирга, сиз унинг ҳеч ким билан тўстлашиб, чинакамига иноқлашиб кета олмаслигини, бунга Радиловнинг бошқалар билан яқинлашишга умуман эҳтиёжи йўқлиги эмас, балки ўз ички ўйлари билан вақтинча бутунлай бандлиги сабаб бўлганлигини сезасиз. Мен Радиловга тикилиб қараб, уни ҳозир ҳам, илгари ҳам бирор вақт шод-хуррам бўлганини тасаввур қила олмадим. У айтарли чиройли ҳам эмас эди, лекин қарашларида, табассумида, бутун вужудида ғоят жозибали бир нарса яшириниб ётарди, ҳа, рост, яшириниб ётарди. Уни яна яхшироқ билиб олгинг, севгинг келиб кетарди. Албатта, унинг помешчиқлиги ва саҳройи одамлиги баъзан кўзга ташланиб қоларди; шундай бўлса-да, у ҳар ҳолда яхши одам эди.

Уезднинг янги бошлиғи ҳақида суҳбат бошлаган эдикки, бирдан эшик олдида Ольганинг: «Чой тайёр!» деган овози эшитилди. Биз меҳмонхонага чиқдик. Федор Михеич аввалгича, бурчакдаги жойида, дераза билан эшик ўртасида оёқларини йиғиб камсуқумлик билан мўлтираб ўтирарди. Радиловнинг онаси пайпоқ тўқиш билан машғул эди. Боғнинг кузги салқин ҳавоси ва олмаларнинг ҳиди очиқ деразалар орқали уйга гупиллаб уриб турарди. Ольга жонсараклик билан чой қуярди. Мен унга энди овқат вақтидагидан ҳам кўпроқ эътибор била қарадим. У, умуман, барча қишлоқ қизларидай, жуда оз

гапирарди, лекин ўзидаги ожизлик ва нотовонликка қарамай бирор яхши гап айтишга ҳаракат қилувчи ҳалиги қизларга ўхшамасди: у мавҳум ҳис-туйғулар билан тўлиб-тошган кишилардай хўрсинмас, кўзини сузиб бир нуқтага тикилиб бақрайиб қолмас, хаёл суриб ноаниқ кулимсирамас эди. У катта бахт ёки зўр ташвишдан кейин дам олаётган кишидай осойишта ва бепарво кўринарди. Унинг юриш-туришлари, хатти-ҳаракатлари шахдам ва дадил эди. У менга жуда ёқиб қолди.

Радилов иккаламиз яна гапга тушиб жетдик. Энг кичкина, арзимаган нарсалар одамларда энг муҳим нарсаларга қараганда аксари кўпроқ таассурот қолдиради, деган фикрга биз қандай келиб қолганимизни эслай олмайман.

— Тўғри,— деди Радилов,— бу нарсани мен ўз бошимдан кечирганман. Билсангиз, менинг хотиним бор эди. Хотиним билан кўп эмас... уч йилгина турдим; хотиним туғолмай ўлган. Мен бу жудоликка бардош беролмасман деб ўйладим; қайғу ва алам юрагимни эзарди, лекин ҳеч йиғлай олмас эдим — жинни одамдай довдираб қолдим. Уни яхшилаб кийинтиришди, манави уйда стол устига қўйишди. Поп келди, дьячоклар келишди, марсиялар, дуолар ўқишди, исириқ тутатишди; мен тиз чўкиб қанча сажда қилмай, кўзимга бир қатра ҳам ёш келмади. Юрагим бамисоли тошдай қотиб қолган, миям ғовлаб, бутун вужудим зил-замбил бўлиб кетган эди. Биринчи кун ана шундай ўтди. Ишонасизми? Кечаси, ҳатто ухлаб ҳам қолдим. Эртаси куни эрталаб хотиним ётган уйга кирдим — ёз вақти эди, хотинимнинг жасади қуёш нурига кўмилиб ётарди. Бирдан қарасам... (Шу гапни айта туриб Радилов ихтиёрсиз сесканиб кетди.) Нима бўлди денг? Унинг кўзи сал очиқ қолган экан, ана шу кўзида пашша юрганини кўриб қолдим... ҳушим кетиб йиқилдим, кейин ўзимга келиб, йиғлай бошладим, шундай ўқсиб-ўқсиб йиғладимки, ўзимни ҳеч йиғидан тўхтата олмадим...

Радилов жим қолди. Мен аввал унга, сўнгра Ольгага қарадим... Ольганинг юз ифодаси умрбод хотиримдан ўчмайди. Кампир пайпоғини тиззасига қўйди, сумкасидан рўмолча олиб, сездирмай кўз ёшини артди. Федор Михеич тўсатдан ўрнидан туриб, скрипкасини олди, хирқироқ ва бесўнақай овози билан қўшиқ айта бошлади. Афтидан, у бизнинг кўнглимизни кўтармоқчи бўлган

бўлса керак, лекин унинг товуши эшитилиши биланоқ, ҳаммамиз чўчиб тушдик. Шунинг учун Радилов ундан жим бўлишни сўради.

— Ҳар ҳолда,— деб давом этди у,— бўлар иш бўлди; ўтган ишга салават; ундан кейин... бу дунёнинг ҳамма ишлари яхшиликка қараб кетади, деган экан, агар янглишмасам, Волтер,— деб тезгина қўшиб қўйди у.

— Ҳа, албатта,— дедим мен.— Ҳар қандай бахтсизликка бардош бериш мумкин, нажотсиз мушкул аҳвол бўлмайди.

— Сиз шундай ўйлайсизми?— деди Радилов.— Эҳтимол, ҳақлидирсиз ҳам. Туркиядаги бир госпиталда чалажон ётганим эсимда; қаттиқ иситма хуруж қилган эди. Ётган еримиз унча мақтарли эмасди, ўзингиз биласиз, уруш вақти, шуниси топилганига ҳам шукур! Шунда тўсатдан олдимизга яна бирмунча касалларни олиб келиб қолишди — ҳўш, уларни қаерга ётқизиш керак эди? Доктор у ёққа югурди, бу ёққа югурди, жой топилмади. Бир вақт ёнимга келди-да, фельдшердан: «Тирикми?» деб сўради. Фельдшер унга: «Эрталаб тирик эди», деб жавоб қилди. Доктор энгашиб, қулоқ солди, қарасаки, нафас оляпман. У тоқати тоқ бўлиб: «Тоза ҳам ғалати одам экан-да, ўлишига бир баҳя қолибди-ю, жони чиқмаяпти, жойни банд қилиб бошқаларга халақит бериб ётибди-я», деди. «Оббо, ишинг чатоқ-ку, Михайло Михайлич...» деб ўйладим ичимда. Мана, энди кўриб турибсизки, тузалиб ҳам кетдим, ҳозиргача тирикман. Демак, сиз ҳақлисиз.

— Ҳар қанақасига ҳам мен ҳақлиман,— деб жавоб қайтардим.— Ҳатто ўлиб кетган тақдирингизда ҳам, сиз мушкул аҳволингиздан қутулган бўлар эдингиз.

— Албатта, албатта,— деб қўшиб қўйди у, қўлини столга қаттиқ уриб...— гап ҳаракат қилишда қолган... Мушкул аҳволга кўникишдан нима фойда? Сусткашлик қилишга, пайсалга солишга ҳожат йўқ...

Ольга тезгина туриб, боққа чиқиб кетди.

— Қани, Федя, рақс ашуласидан ол!— деб қичқирди Радилов.

Федя ирғиб ўрнидан турди, ўргатилган айиқ ёнида ўйинга тушадиган машҳур «эчки» каби уйда олифталик билан битта-битта қадам ташлаб айланиб: «Эшигимиз олдида» қўшиғини куйлай бошлади.

Кўча эшиги олдида тўрт гилдиракли пойга арава келиб тўхтагани эшитилди, хиёл вақт ўтмай уйга баланд бўйли, кенг елкали семиз бир чол, ҳамқўра¹ Овсяников кириб келди. Овсяников шундай яхши, ажойиб кишики, унинг тўғрисида китобхоннинг ижозати билан алоҳида ҳикоя қиламиз. Энди мен ўзимдан фақат шу нарсани илова қиламан: эртаси куниёқ биз Ермолай билан барвақт туриб овга жўнадик, овдан уйга қайтиб келдик, бир ҳафтадан кейин Радиловникига яна кирдим, аммо у ерда на Радиловни, на Ольгани учратдим. Икки ҳафтадан сўнг маълум бўлишича, Радилов тўсатдан ғойиб бўлибди, онасини ташлаб қайинсинглиси билан аллақаяерга жўнаб қолибди. Губернадаги ҳамма одамлар ҳайратда қолди, бу воқеа ҳамманинг оғзида дув-дув гап бўлди. Ольганинг Радилов сўзлаб ўтирган вақтдаги юз ифодасини ана шундагина англадим. Ўша пайтда унинг юзида раҳмдиллик, ачиниш аломатлари бўлиши билан бирга, рашк ўти ҳам алангаланиб турганди.

Қишлоқдан жўнаб кетишим олдидан Радиловнинг онасини кўриб чиқдим. У меҳмонхонада экан; у Федор Михаилч билан карта ўйнаб ўтирарди.

— Ўғлингиздан хат-хабар борми?— деб сўрадим ундан.

Кампир йиғлаб юборди. Шундан кейин кампирдан Радилов тўғрисида бошқа ҳеч нима сўрамадим.

¹ Ҳ а м қ ў р а — крепостной ҳуқуқ даврида Россияда пасти ки табақадан келиб чиққан, унча катта бўлмаган ерга, одатда битта қўрага эга бўлган ҳамда ўз қўли остида деҳқонлар асраш ҳуқуқига эга бўлган, давлат хизматидаги кишилар ҳамқўра (одиндворец) деб аталарди.

Муҳтарам китобхон, сиз юз тузилиши билан Крилов-га бирмунча ўхшаган, ўсиқ қошлари остидан тиниқ ва ақлли кўзлари қараб турган, шошмай, бир маромда гапирадиган, салмоқ билан юрадиган етмиш ёшлардаги тўла, барваста, басавлат бир кишини кўз олдингизга келтиринг: Овсяников худди шундай одам. У эгнига енглари узун, юқорисигача тугма қадалган кенг кўк сюртук, оёғига яхшилаб тозаланган ярқиллама попукли этик кийиб, бўйнига бинафша ранг ипак рўмолча ташлаб юрар ва умуман, бадавлат савдогарга ўхшаб кўринар эди. Қўллари чиройли, юмшоқ ва оппоқ эди, биров билан сўзлашган вақтда кўпинча сюртугининг тугмасини ўйнарди. Овсяниковнинг басавлатлиги ва вазминлиги, фаросатлилиги ва ялқовлиги, кўнгли очиқлиги ва саркашлиги менга Петр замонасидан илгариги рус боярларини эслатарди... У ферязь¹ кийса жуда ярашган бўлур эди. Овсяников ўтган асрнинг сўнгги кишиларидан бири эди. Уни ҳамма қўшнилари ниҳоятда ҳурмат қилишар ва у билан борди-келди қилишни шараф деб билишар эди. Унинг ҳамқўра инилари узоқдан эгилиб салом беришар, ундан ғоятда фахрланишар эди, фақат сажда қилишмасди, холос. Умуман айтганда, бизнинг ёқларда ҳозиргача ҳам ҳамқўраларни мужикдан фарқ қилиш қийин: унинг хўжалигини мужикникидан дуруст деб ҳам бўлмайдди, бузоқлари гречиха ичида ўтлаб юргани-юрган, отлари ўлар

¹ Ферязь — қадимги русларнинг узун енгли, ёқасиз ва белбоғсиз кийими.

ҳолатда, от абзаллари арқондан ясалган. Овсяников бадавлат деб ном чиқарган бўлмаса ҳам, ўз хешлари ичида ажралиб турарди. У хотини билан шинам, озода уйда турарди, бир неча хизматкори бор эди, хизматкорларини русча кийинтирар, уларни ходимлар деб атар эди. Улар Овсяниковнинг ерини ҳам ҳайдар эдилар. У ўзини дворян деб ҳам атамасди, помещчик қилиб ҳам кўрсатмасди, одамлар айтгандай, доимо «одоб сақларди», биринчи таклиф биланоқ ўтириб олмасди, янги меҳмон кириб келганида шундай иззат-икром ва шундай улуғворлик билан ўрнидан туриб қарши олардики, натижада меҳмон унга яна ҳам пастроқ эгилиб салом берганини билмай қоларди. Овсяников эски расм-русумларга хурофотчиликдан эмас, балки одатга кўра амал қиларди (унинг қалби хурофотлардан анча холи эди). У, масалан, рессорли араваларни нотинч деб, ёқтирмасди, шунинг учун ё тўрт гилдиракли пойга аравасига, ёки кўн ўриндиқли кичкина чиройли аравага тушиб юрар ва ювош йўртоқи тўриқ отини ўзи ҳайдарди. (Унда фақатгина тўриқ отлар бўлар эди.) Сочи гир айлантириб текис олдирилган, кўкиш чакмон ва қўй терисидан саёз қалпоқ кийган, белига камар боғлаган қизил юз, ёш кучер йигит одоб билан унинг ёнида ўтирарди. Овсяников ҳамма вақт тушки овқатдан кейин ухлаб олар, шанба кунлари ҳаммомга тушиб турар, диний китобларнигина ўқир (китоб ўқиганида гурур билан юмалоқ кумуш кўзойнагини тақиб оларди), барвақт туриб, барвақт ётар эди. Лекин соқолини қирдириб, сочини немисча қилиб қўйиб юрарди. Уйига келган меҳмонларни гоят меҳрибонлик билан самимий кутиб олса ҳам, лекин уларга эгилиб салом бермас, елиб-югурмас, уларни турли хил қуруқ мевалар ва тузланган таомлар билан сийлаб ўтирмас эди. «Хотин!— деярди у секингина ўтирган ерида хотини томонга бошини сал буриб.— Жаноб меҳмонларга егулик бирор нарса олиб чиқ». У ғаллани худонинг неъматидеб, пулга сотишни гуноҳ ҳисобларди, шунинг учун 40-йилда ҳамманинг бошига очарчилик ва қаттиқ қимматчилик балоси тушган вақтда, у бор ғалласини теварак-атрофдаги помещчикларга ва мужикларга улашиб берди, кейинги йили улар қарзларини яна ғалла билан узиб, унга миннатдорлик билдирдилар. Овсяников олдига кўпинча қўшнилари келиб, ўз ўрталаридаги жанжални ҳал қилиб беришни, яраштириб қўйишни

илтимос қилардилар ва ҳамма вақт деярли унинг фикрига рози бўлар, маслаҳатига кўнар эдилар. Кўп кишилар унинг шарофати билан ерларининг чегараларини аниқлаб, жанжалларини бутунлай бартараф қилиб олган эдилар... Аммо помешчик аёлларнинг ишига аралашиб икки-уч марта жанжалга дучор бўлганидан кейин минбаъд хотинлар ўртасида сира ҳам воситачилик қилмасликка аҳд қилди. У шошқалоқликни, ҳовлиқишни, хотинларнинг ғийбатини ва «бесаранжомлик»ни жуда ёмон кўрарди. Бир куни унинг уйига ўт кетди. Ходим: «Ёнғин, ёнғин!» деб бақириб, чопганича унинг олдига ҳовлиқиб келди. «Хўш, нимага бақирасан?— деди Овсяников осойишталик билан,— қалпоғим билан ҳассамни олиб бер...» У асов отларни ўзи миниб ўргатишни яхши кўрарди. Бир куни битюк¹ наслидан бир асов от у ўтирган аравани тепаликдан жарга олиб қочди. Овсяников эса мулойимлик билан: «Кўй тойчам, бас энди, бас, ўзингни майиб қилиб қўясан», деб танбеҳ қилди отга, лекин хиёл ўтмай у тўрт гилдиракли пойга арава, орқасида ўтирган бола ва от-поти билан жарга учиб тушди. Хайриятки, жарда қум тўп-тўп бўлиб ётган экан. Ҳеч ким шикаст емади, фақат битюккича оёғини чиқариб қўйди. «Мана, кўрдингми, айтганим келди-ку», деб сўзини осойишталик билан давом эттирди Овсяников, ердан тураётиб. У хотиннинг ҳам ўзига муносибини топган эди. Татьяна Ильинична Овсяникова ҳамиша жигар ранг ипак рўмол ўраб юрадиган, баланд бўйли, улусифат ва камгап хотин эди. Татьяна Ильинична инжиқ аёл эди, шунга қарамай ҳеч ким ундан қаттиққўл деб зорланмас, зорланиш у ёқда турсин, ҳатто кўпгина камбағал бечоралар уни меҳрибон ва саховатли хотин деб атарди. Унинг келишган юзи, катта қора кўзлари, юпқа лаблари бир вақтлар ниҳоятда гўзал бўлганидан ҳамон далолат бериб турарди. Овсяников фарзанд кўрмаган эди.

Китобхонга юқорида маълум бўлганидек, мен Овсяников билан Радиловникида танишиб қолдим ва орадан икки кун ўтгач, уйига бордим. У уйда экан. У катта кўн креслода Четьи Минейни² ўқиб ўтирарди. Кул ранг бир

¹ Воронеж губернасида, машҳур «Хреновое» (графиня Орлованинг собиқ от заводи) ёнида етиштирилган махсус наслдаги отлар битюк ёки битюк насли деб аталади. (Автор изоҳи.)

² Ч е т ь и М и н е й а — авлиёнома.

мушук елкасида хуррак отарди. Овсянников менн ўз одатича очик юз ва улугворлик билан кутиб олди. Биз гапга тушиб кетдик.

— Ростини айтиб беринг-чи, Лука Петрович,— дедим сўз орасида,— илгари сизнинг замонангизда турмуш яхшироқ эди-а, шундайми?

— Ҳа, рост, гоҳо дуруст бўларди, мен сизга айтсам,— деб жавоб берди Овсянников,— хотиржамроқ яшардик; ҳозиргидан кўра анча маъмурчилик эди, рост... Шундай бўлса ҳам, ҳар ҳолда ҳозир яхшироқ; худо хоҳласа сизнинг болаларингиз яна ҳам яхшироқ яшайди.

— Лука Петрович, сиз эски замонни мақтарсиз деб ўйлаган эдим.

— Мен учун эски замоннинг мақтайдиган жойи йўқ. Мана, мисол учун айтсак, сиз ҳозир помешчиксиз, худди марҳум бобонгизга ўхшаган помешчиксиз, лекин энди сизга унақа ихтиёр бериб қўйилмайди! Кейин, ўзингиз ҳам унақа одам эмассиз. Бизни бошқа жаноблар ҳозир ҳам сиқиштиришяпти; аммо, чамаси, бусиз кун кўриб, бўлмайди. Эҳтимол, оқибати бахайр бўлиб кетар. Йўқ, ёшлигимда кўрганларимни энди сира кўрмайман.

— Масалан, нималарни?

— Чунончи, яна сизнинг бобонгизни олайлик. Бағоят қаттиққўл одам эди. Бизнинг тоифадагиларни кўп хафа қилар эди. Сиз Чеплигиндан то Малинингача борадиган экинзор ерни, балки, биларсиз, ҳа-а, ўз ерингиз бўлади-ю, билмайсизми?.. Ҳозир у ерга сули эктиргансиз... Ана шу ер асли бизники, аслида бус-бутун бизга қарашли эди. Бобонгиз у ерни биздан зўрлик билан олиб қўйган: ернинг тепасига от миниб чиқиб борган-да, қўли билан ишора қилиб, «Бу менинг ерим», дегану, олган қўйган. Марҳум отам (жойи жаннатда бўлсин!) адолатли одам эди, қизиққон ҳам эди денг, ҳақсизликка чидаёлмади-ю, судга арз қилди — ахир ўз мулкидан кимнинг айрилгиси келарди? Ариза беришга берди-ю, лекин ёлғизлик қилиб қолди, бошқаларнинг юраги дов бермади. Ана шунда баъзи одамлар бобонгизга бориб, Петр Овсянников устингиздан шикоят қиляпти, ерини тортиб олганмишсиз, деб чақимчилик қилишибди... Бобонгиз шу замониёқ ўз шикорбеги Баушни бир тўда йигитлари билан бизникига юборди... Отамни олдиларига солиб, сизларникига олиб кетишди. Мен у вақтда кичкина бола эдим, орқаларидан оёқ яланг чопиб кетдим. Кейин нима

бўлди денг? Отамни ҳовлиларингга олиб кириб, дераза тагида тоза калтаклашди. Бобонгиз болохонада томоша қилиб турди, бувингиз ҳам дераза ёнида қараб ўтирди. Отам унга: «Бека ойим, Марья Васильевна, мени қутқазинг, ҳеч бўлмаса сиз раҳм қилинг!» деб ёлвориб қичқирди. Бувингиз эса ҳар замонда ўрнидан туриб, қараб-қараб қўярди, холос. Отамдан ернинг баҳридан кечишга сўз олишди, кейин, тирик қолганинг учун худога шукур қилгин, деб чиқариб юборишди. Ана шундай қилиб ер сизларники бўлиб қолди. Сиз бориб мужикларингиздан: «Бу ер нима деб аталади?» деб бир сўраб кўринг. Уни Таёқ ер деб аташади, чунки таёқ билан уриб олинган. Биз фақирларнинг эски тартибларни ёқтирмаслигимизнинг сабаби ана шу.

Мен Овсяниковга қандай жавоб қилишимни билмай қолдим, башарасига қарашга журъат ҳам қила олмадим.

— Ўша вақтларда бизнинг Степан Никтополионич Комов деган яна бир қўшнимиз бор эди. У ҳам отамнинг бошига не-не азобларни солиб қийнамади. У пияниста эди ўзи, яна боз устига меҳмондўстликни жуда яхши кўрарди, шунинг учун, агар сал кайфи ошиб қолиб, французчасига: «Се бон»¹, деб лабларини яласа борми, иш тамом вассалом — қуюшқондан ташқари чиқиб кетарди! Ҳамма қўни-қўшнилари уйига чақиртириб келарди. Уч от қўшиғлиқ аравалар доим тайёр турарди: келмасанг, олдингга шу заҳоти ўзи югуриб борарди. У ана шунақа жуда ғалати одам эди. «Ҳушёр» вақтида ёлгон гапирмасди; аммо ичиб олса ёлгонни ямламай ютар эди: Питердаги фонтанкада бир мўрилик битта қизил уйим, сўнгра икки мўрилик сариқ уйим ҳамда мўриси йўқ кўк уйим бор, дерди, кейин учта ўғлим бор деб айтарди (аслида у уйланмаган эди): ўғилларининг бири пиёда қўшинда, иккинчиси отлиқ қўшинда хизмат қилармиш, учинчиси ўзича кун кўрармиш... Кейин, у ҳар қайси уйда биттадан ўғлим туради, каттамнинг ҳузурига адмираллар, ўртанчамникига генераллар, кенжамнинг олдида эса нуқул инглизлар келиб туришади, деб айтарди. Бир вақт қарасангиз, ўрнидан турарди-да: «Катта ўғлим жуда боодоб, ўшанинг саломатлиги учун ичайлик», деб йиғлаб юборарди. Шунда биргалашиб қадаҳ

¹ C'est bon — бу яхши (франц.).

кўтармай кўринг-чи, шўрингиз қурийди. «Отиб ташлайман, ўлигингни итларга ғажитаман!» дерди. Еки бўлма-са, ўтирган еридан бирданига «дик» этиб туриб: «Ҳой тентаклар, ўйинга тушинглар, ўзларингни хурсанд қилиб, мени юпатинглар!» деб бақирарди. Ўйинга тушмай иложинг йўқ, ўлсанг ҳам майлигаки, лекин ўйинга тушиб берасан. У ўз қўли остидаги чўри қизларнинг тоза ҳам тинкасини қуритарди. Баъзан уларга то саҳаргача тинимсиз жўр бўлиб ашула айтдирар, овози энг ўтқирига мукофот берар эди. Агар қизлар чарчай бошлашса, у икки қўлини пешонасига қўйиб: «Оҳ, кимсасиз ғариб бошим! Мен шўрликни тарк этишяпти!» деб ҳасрат ва нола қиларди. Отбоқарлар қизларни шу замонийёқ хипчин билан яна гайратга киргизар эдилар. Бир куни отам унга ёқиб қолибди, денг, нима ҳам қила оларди? Отамни гўрга тиқишига сал қолди, гўрга тиққан ҳам бўлур эдику-я, аммо хайриятки, ўзи ўлиб қолди: маст-аласт ҳолида каптархонадан йиқилиб тушди. Бизнинг ана шунақа қўшниларимиз бор эди!

— Замонлар жуда ўзгариб кетди-да!— дедим мен.

— Ҳа, ўзгариб кетди,— деб тасдиқлади Овсяников.— Ҳақиқатан ҳам, илгариги вақтларда дворянлар ҳозиргидан кўра дабдабалироқ яшаган эдилар. Катта амалдорлар тўғрисида гапириб ҳам ўтирмайман: мен Москвада уларни кўп кўрганман. Эшитишимга қараганда, ҳозир Москвада ҳам унақангилар қолмаган эмиш.

— Сиз Москвага борганмисиз?

— Борганман, бунга жуда кўп вақт бўлди. Мана ҳозир етмиш учга кирдим, Москвага борганимда ўн бешга тўлиб, ўн олтига қадам қўйган эдим.

Овсяников хўрсиниб қўйди.

— Сиз у ерда кимларни кўргансиз?

— Анчагина катта амалдорларни кўрганман, кўрганда ҳам ҳар қанақа тоифасини кўрганман, улар шон-шухрат билан ҳаммани ҳайратда қолдириб, зиёфатлар, базмлар қуриб, дабдаба билан яшардилар. Аммо фақат марҳум граф Алексей Григорьевич Орлов — Чесменскийга ҳеч ким тенг келолмас эди. Алексей Григорьевични кўп кўрганман; тоғам уникида эшик оғаси бўлиб хизмат қилган. Граф Калужские ворота яқинида, Шаболовқада турарди. Амалдорларнинг манамен дегани шу эди. Бунчалик басавлат, бунчалик хушфёъл одамни асло топиб ҳам бўлмайди, таърифлашга тил ҳам

ожишлик қилади. Бўй-бастипинг ўзи бебаҳо эди, забардастлигини, кўз қарашларини айтмайсизми! Уни билмаган, унинг ҳузурига кирмаган киши чўчиб, тортиниб турарди, ҳузурига кириб гаплашган одам эса қулф-дили очилиб жуда яйраб кетарди. У олдига келган ҳар бир одамни албатта қабул қилар, ўзи ҳар нарсага ишқибоз эди. Пойгада отни ўзи ҳайдарди, кейин ҳар ким билан пойга қилишаверарди; пойгада рақибидан ҳеч қачон бирданига ўзиб кетмас, уни хафа қилмас, сўкинмас эди, лекин маррага етай деб қолгандагипа ўзиб кетарди: жуда мулойим одам эди, пойга қилишган рақибига тасалли берар, унинг отини мақтаб қўяр эди. Ўзи ҳам ўйинчи каптарларнинг энг сарасини сақлар эди. Гоҳо ҳовлига чиқиб, креслога ўтириб оларди-да, каптарларни учирини буюрар эди; теварак-атрофдаги томларда эса милтиқли одамлар каптарларни қирғийлардан қўриқлаб туришарди. Графнинг оёғи олдига сув солинган катта кумуш жом қўйиларди; граф каптарларнинг учиб юрганини шу жомга қараб томоша қиларди. Юзларча қашшоқ ва ожиз нотовон кишилар унинг нони билан тирик эди... қанчадан-қанча пулни сийлов қилиб бериб юборарди! Аммо жаҳли чиқиб қолса, бамисоли момақалди роқдай даҳшат билан шовқин соларди. Қўрқитишга қўрқитарди-ю, лекин ранжитмасди: дам ўтмай яна кулимсираб турарди. Зиёфат берса, бутун Москвани тўйдиарди!.. Ўзи ҳам жуда ақлли одам эди-да! Ахир туркларнинг бошлаб абжағини чиқарган-ку. Кураш тушишни ҳам яхши кўрарди: унинг олдига Туладан, Харьковдан, Тамбовдан, ҳамма томондан паҳлавонларни бошлаб келишарди. Ўзидан йиқилган полвонларни мукофотлар, уни йиқитганга эса кўп инъом ва эҳсонлар қилар ва ҳатто унинг лабидан ўпиб ҳам оларди... Мен Москвадалик чоғимда, бир куни овчи итлар мусобақасини ўтказди, мусобақанинг бунақангиси Россияда ҳеч қачон бўлган эмас: жамики подшоликдаги овчиларнинг ҳаммасини битта қўймай меҳмонга чақирди, мусобақа кунини тайинлаб, уч ой муҳлат берди. Ниҳоят, чақирилганлар ҳам тўпланиб бўлишди. Итларни, овчиларни олиб келишди — гўё бир қўшин келди дейсиз, қўшиннинг худди ўзи! Аввалига роса айш-ишрат қилишди, кейин шаҳардан чиқиб кетишди. Ҳар ёқдан тумонат одам йиғилди!.. Нима бўлди денг?.. Бобонгизнинг ити ҳамма итлардан ўзиб кетди.

— Миловидка эмасмиди?— деб сўрадим.

— Ҳа, Миловидка эди, Миловидка... Шундан кейин граф: «Итингни менга сот: сўраганингни бераман»,— деб бобонгизга ялина бошлади. «Йўқ, граф,— деди бобонгиз,— мен кераксиз латта-путталар сотувчи савдогар эмасман, аммо ҳурматингиз учун хотинимдан кечсам кечаманки, Миловидкани бермайман... Бундан кўра ўзимни асир қилиб бера қоламан». Алексей Григорьевич эса уни мақтаб: «Асл одамсан», деди. Бобонгиз Миловидкани уйига каретага ўтқазиб олиб кетди; Миловидка ўлганида бобонгиз уни музика билан боғига дафн қилдирди, кейин итнинг гўри устига хат ёзиғлиқ тош ҳам қўйдирди.

— Ана, Алексей Григорьевич ҳеч кимни хафа қилмаган экан-ку, ахир,— дедим мен.

— Ўзи шунақа бўлади: қўлидан ҳеч иш келмайдиган одам ҳамиша керилаверади.

— Бауш деганингиз ким эди ўзи?— деб сўрадим бир оз сукутдан кейин.

— Ие, Миловидкани эшитган экансиз-у, қандай қилиб Баушни билмайсиз?.. Бауш бобонгизнинг шикорбеги ва бош итбоқари эди. Бобонгиз Миловидкани қанчалик яхши кўрса, уни ҳам шунчалик яхши кўрарди. Бауш довюррак одам эди, бобонгизнинг ҳар қандай буйруғини, ўлар-тириларига қарамай, дарҳол бажо келтирарди.. У шовқин-сурон билан итларни олқишлаб. ёввойи ҳайвонлар орқасидан қўйиб юборса борми — овозидан ўрмон жаранглаб кетарди. Баъзан қайсарлиги тутиб, отдан тушарди-да, ерга ётиб оларди... Итлар унинг овозини эшитмаса, иш расво бўларди! Улар ҳайвоннинг орқасидан изма-из кетаётган бўлса ҳам, из қувишни йиғиштириб қўяр, ҳар қанча алдаган билан овга киришмасди. Ўҳў, ана шунда бобонгиз чунонам дарғазаб бўлиб кетиб: «Бу такасалтангни дорга осиб ўлдирмагунимча кўнглим тинчимайди! Астар-аврасини ағдариб ташлайман лаънатини! Бу ҳаромининг кекирдагини суғуриб оламан!» деярди. Аммо бобонгиз Баушнинг мақсадини билиш, нега итларни олқишламаётганини аниқлаб келиш учун унинг олдига одам юборарди-ю, ҳовуридан тушарди. Бундай вақтларда Бауш, одатда вино сўраб ичиб оларди-да, кейин ўрнидан туриб, яна бутун ўрмонни янгротиб ҳайқирарди.

— Лука Петрович, чамамда, сиз ҳам овга ишқибоз бўлсангиз керак.

— Ҳа... Яхши кўрар эдим, лекин ҳозир эмас: энди мен ёшимни яшаб бўлганман, ёшлигимда эса... гапнинг ростини айтсам, уялар эдим, мансабим тўғри келмасди. Бизлар, албатта, дворянларга тенг желолмасдик. Рост: бизнинг табақамизга мансуб бирор ароқхўр, лаёқатсиз одам ҳам амалдор ва зодагонларнинг улфатчилигига қўшилиб қоларди... лекин нима маза топарди!.. Ўзини уятга қолдирарди холос. Унга биронта қирчанғи, чўлоқ от беришар эди; ҳадеб шапкасини бошидан юлқиб олиб ерга отишарди; отга қамчи урган бўлиб уни савалашарди; у эса доимо кулиши, бошқаларни ҳам кулдириши керак эди. Йўқ, мен сизга айтсам, кишининг мансаби қанча паст бўлса, у ўзини шунча камтар тутиши керак, йўқса, ўзини бадном қилиб қўяди.

— Ҳа,— деб сўзини давом эттирди Овсяников хўрсиниб,— мен дунёга келганимдан бери қанча-қанча сувлар оқиб, замона ўзгариб кетди. Айниқса, дворян табақасида ўзгариш катта. Ери кам дворянларнинг ҳаммаси ё давлат хизматини ўтаб келган, ёки ҳеч бир ерда муқим турмайди; бадавлатроқ дворянларни эса таниб ҳам бўлмайди. Ерларга марза олиш вақтида ана шу бадавлат дворянларни яхшилаб таниб олганман. Сизга айтсам, уларнинг мулоимлигини, хушмуомалалигини кўриб хурсанд бўлиб кетасан киши. Аммо мен бир нарсага ҳайронман: улар ҳамма илмларни билишади-ю, одамни эритиб юборадиган қилиб силлиқ гапиришади-ю, ишга келганда фаросатлари ҳеч нимага етмайди, ҳатто ўз фойдаларини билишмайди: чунончи, приказчик ҳам ўзи крепостной бўла туриб уларни ногорасига ўйнатади. Сиз, балки Королевни — Александр Владимировични биларсиз, унинг нимаси дворяндан кам? Ўзи ўктам, бадавлат, «ниверситетлар»да ўқиган, чет мамлакатларга ҳам бориб келган шекилли, одоб билан равон гапирарди, ҳаммамиз билан қўл бериб кўришади. Сиз уни танийсизми?.. Хўп, бўлмаса, мана эшитинг. Ўтган ҳафта посредник¹ Никифор Ильичнинг таклифи билан ҳаммамиз Березовкага йиғилдик. Посредник Никифор Ильич бизга: «Жаноблар, ерларимизнинг чегарасини белгилаб

¹ Посредник — 1861 йилда крепостной ҳуқуқ бекор қилинганидан кейин деҳқонлар билан помещиклар ўртасида юз берган жанжалларни ҳал қилиш учун дворянлардан тайинланган маҳаллий вакил — воситачи.

олишимиз лозим: бизнинг участкамиз бошқа ҳамма участкалардан орқада қолиб кетибди, бу уят: қани, ишга киришайлик», деди.

Ана шундай қилиб, ишга ҳам киришдик... Одатдагича, ҳар хил гап-сўзлар, баҳс-жанжаллар қизиб кетди: бизнинг ишончли вакилимиз инжиқлик қила бошлади. Лекин дастлаб Овчинников Порфирий ғалва кўтарди... Ҳўш, у нимага ғалва кўтарди денг-а? Ўзининг бир қарич ҳам ери йўқ, акасининг топшириғи билан келган, денг. «Йўқ, сизлар мени алдаёлмайсизлар! Сиз ўйлаганлардан эмасман мен! Планларни бу ёққа беринг! Танобчи қани! Менга рўбарў қилинглар у диёнатсизни!» деб бақирса бўладими? «Ахир, талабингиз нима ўзи, айтсангиз-чи?» «Зап гўсхўрни топиб олибсиз-да! Уни қаранглари! Сизлар мени, нима, талабини осонгина айтиб қўя қолади, деб ўйлаяпсизларми?.. Чучварани хом санабсизлар, планларни бу ёққа чўзиб қўйинглар, гапнинг пўскаллasi шу!» Порфирий бақириб, планларга қўлини тақиллатиб урди. Марфа Дмитриевнани қаттиқ хафа қилди. Марфа Дмитриевна: «Менинг обрўимни тўкишга қандай ҳаддингиз сиғди?» деб қичқирди. У эса: «Мен обрўингизни сариқ чақага ҳам олмайман», деди. Унга мадера виноси ичиришиб, зўрға тинчитишди. У тинчиганидан кейин бошқалар ғалаён кўтарди. Корольев, яъни Александр Владимирич эса бурчакда ҳассасининг юмалоқ тутқасини тишлаб, бош чайқаб ўтирар эди. Уялиб кетдим, ўзимни қаёққа қўйишимни билмай қолдим. Бу киши бизнинг тўғримизда энди нималар деб ўйларикин?— деган фикр ўтди хаёлимдан. Қарасам, Александр Владимирич бирдан ўрнидан турди, афтидан, сўзламоқчи бўлгани кўриниб турарди. Посредник ҳовлиқиб қолди: «Жаноблар, жаноблар, Александр Владимирич гапирмоқчилар», деди. Дворянларга қойил қолиш керак: шу онда ҳаммаси жим бўлди. Александр Владимирич гапини бошлаб юборди: «биз бу ерга нима учун йиғилганимизни эсдан чиқариб қўйдик шекилли. Ерларни чегаралаш, шубҳасиз, ер эгаларига фойдали бўлса-да, аслаша бу иш нима учун жорий қилинган?— деҳқоннинг ишини осон қилиш учун, мажбуриятларни қулайроқ шароитда бажариш учун жорий қилинган; ҳозир эса деҳқон ўзининг ери қаердан қаергача боришини ҳам билмайди, кўпинча ер ҳайдаш учун беш чақирим жойга боради — уни айбсйтиб ҳам бўлмайди»,— деди. Ундап ке-

йин Александр Владимирич яна: «Дехқонларнинг моддий аҳволи ҳақида ғамхўрлик қилмаслик помешчик учун гуноҳ бўлади, тўғриси айтганда, дехқонларнинг фойдаси бизнинг ҳам фойдамиз: уларнинг аҳволи яхши бўлса бизга ҳам яхши, уларнинг аҳволи ёмон бўлса бизга ҳам ёмон бўлгани... бинобарин, арзимаган нарсалар учун низолашиб ўтириш гуноҳ ва ноўрин», деди. Ана шу зайлда гапираверди, гапираверди... Жуда боплаб гапирди-да! Юракка «жаз» этиб тегадиган гаплар қилди... Дворянларнинг ҳаммаси бошини қуйи солиб, хомуш бўлиб қолишди; азбаройи худо, ўзим ҳам йиғлаб юбора-ёздим. Ростини айтсам, бунақа гаплар қадимий китобларда ҳам учрамайди... Аммо гапни нима билан тамом қилди, денг. Ўзи йўсин босиб ётган тўрт десятина ботқоқ ерини қўлидан чиқаргиси келмади, сотишни хоҳламади. «Мен,— деб айтди у,— ўз одамларим кучи билан бу ботқоқни қуришиб, ўрнига янги ускуналар билан жиҳозланган мовут фабрикаси қураман. Модомики, мен бу жойни танлаган эканман, бунинг ўзимга маълум сабаблари бор...» Қошки эди унинг бу гапи рост бўлса — рост эмас-да, бунга сабаб Александр Владимиричнинг қўшнис Карасиков Антон Королевнинг приказчигига юз сўмлик қоғозни қистиришга хассислик қилган экан. Шундай қилиб, гапимиз бир жойдан чиқмай, уй-уйимизга тарқалишдик, Александр Владимирич эса ҳали ҳам ўзини ҳақли ҳисоблаб мовут фабрикаси тўғрисида гап сотиб юрибди-ю, лекин ботқоқликни қуриштишга ҳанузгача киришгани йўқ.

— У ўз ер-мулкини қандай бошқаряпти?

— Янги тартиблар жорий қилгани қилган. Дехқонларга ёқмаяпти, ёқмаса садқан сар. Александр Владимирич яхши иш қияпти.

— Бу қандай бўлди, Лука Петрович? Мен сизни эски фикрдаги одам деб ўйлаган эдим.

— Менинг йўригим бошқа. Мен дворян ҳам эмасман, помешчик ҳам. Хўжалигимни ҳам мазаси йўқ... Бошқача қилиб юритиш қўлимдан келмайди. Адолат ва қонун билан иш тутишга ҳаракат қиламан — шунисига ҳам шукур! Ёш бойваччалар илгариги тартибларни ёмон кўришади: баракалла уларга... Эс-ҳушни йиғиб оладиган пайт келди. Аммо шуниси ёмонки, ёш бойваччалар ўзларини жуда ақлли қилиб кўрсатишяпти. Дехқонни худди қўғирчоқдек ўйнатадилар: уни у ёққа бурадилар, бунни

бу ёққа бурадилар, кейин белниги синдирадилар-да, яроқсиз қилиб бир чеккага ташлайдилар. Крепостной ҳисобланган приказчик ёки немислар наслидан бўлган бошқарувчи яна тагин деҳқонни ўз чангалига олади. Қани энди ёш дворянлардан лоақал биттагинаси ўрناк бўлиб, хўжаликни бошқариш мана бунақа бўлади, кўриб қўйинглар! — деб айтса... Бунинг оқибати нима бўларикин? Мен янги тартибларни кўрмасдан бекорга ўлиб кетаверармикапман-а? Бу қандай гап бўлди? Эскилик битиб кетди-ю, янгилик пайдо бўлмаяпти!

Овсяниковга қандай жавоб беришни билолмай қолдим. У атрофга қараб олди, креслосини менга яқинроқ суриб, паст овоз билан сўзини давом этдирди.

— Василь Николаич Любозвоновни эшитганмисиз?

— Йўқ, эшитмаганман.

— Бемалол бўлса, менга тушунтириб берсангиз, бу қандай ажойибот ўзи? Ақлим етмай қолди. Бу воқеани унинг ўз мужиклари айтиб беришувди, лекин уларнинг гапига тушунмайман. Мен сизга айтсам, у ўзи ҳали ёш йигит, онасининг вафотидан сўнг яқинда мерос эгаси бўлган. Мана, у бир кун ота мерос мулкига желибди, денг. Деҳқонлар ўз баринларини томоша қилгани тўпланишибди. Василий Николаич уларнинг олдида чиқибди. Мужиклар уни кўриб, бақрайиб қолишибди — барин худди кучерга ўхшаб ип бахмал шим, гулчин этик кийиб олган эмиш: эғнида қизил қўйлақмиш, кийган кафтани ҳам кучерча кафтан эмиш; соқолини қўйиб юбориб, бошига ғалати телпак кийиб олганмиш, афт-башараси ҳам ғалати эмиш — маст бўлиб маст эмас, лекин эси ҳам жойида эмасдек эмиш. «Салом, йигитлар! Худо сизга мададкор бўлсин», дебди у. Деҳқонлар қўрққанларидан жимгина эгилиб таъзим қилишибди, билсангиз. Унинг ўзи ҳам худди қўрққандек кўринибди. Василий Николаич деҳқонларга қараб, мана бундай нутқ сўзлай бошлабди: «Мен русман, сизлар ҳам русларсиз, — дебди, — мен русларга хос ҳамма нарсани севаман... менинг қалбим рус қалби, қоним ҳам рус қони...» Шу гапларни айтиб туриб тўсатдан: «Қани, бўталарим, рус халқ қўшиғини куйлаб юборинглар-чи!» деб буйруқ берибди. Мужиклар қўрққанларидан дағ-дағ титрашибди: жуда довдираб қолишибди. Битта довюракроғи қўшиқ бошлабди-ю, аммо у ҳам дарҳол чўққайиб бошқаларнинг орқасига бекиниб-

ди... Сиз мана бунисини эшитиб ажабланинг, бизда шўх, маишатпараст помешчиклар, хўжайинлар ҳам бор эди; улар худди кучерга ўхшаб кийинишарди, ўзлари ўйинга тушиб, гитара чалишар, хизматкорлари билан бирга ўтириб ашула айтишар ва ичишар эди, деҳқонлар билан бирга базм қуришарди; аммо манави Василий Николаич эса қиз боладай жуда ҳам уятчан эди: нуқул китоб ўқирди, ёки бир нималарни ёзиб ўтирарди, ё бўлмаса овозини чиқариб мадҳиялар ўқирди-ю, лекин ҳеч ким билан гаплашмасди, қачон қарасанг, бир нарсадан диққат ёки хафа бўлган одамга ўхшаб, ўз боғида ёлғиз айланиб юрарди. Йлгариги приказчик дастлабки вақтларда ундан жуда ҳайиқиб қалтираб юрган эди; Василий Николаичнинг келиши олдидан у физиллаганича ҳар бир деҳқоннинг уйига бир-бир кириб хушомадгўйлик билан ҳаммага салом бериб чиққан эди, унинг бунақа юмшоқ супурги бўлишига сабаб бор эди! Шундай пайтларда мужиклар умид билан ўз кўнгилларида: «Муғамбирлигингни биламиз, огайни! Энди сени жавобгарликка тортишади, азизим, ана ўшанда оёғи куйган товۇқдай типирчилашингни кўрамиз сен қурумсоқнинг!..» дейишар эди. Аммо оқибат нима бўлди денг — сизга қандай қилиб айтсам экан? Нима бўлганини парвардигорнинг ўзи ҳам билмайди! Василий Николаич приказчикни ўз олдига чақириб олиб, билсангиз, уялганидан қип-қизариб, калта-калта нафас олиб туриб, нима депти денг унга: «Сен одил киши бўл, ҳеч кимга жабр қилма, эшитдингми?» депти. Ана шундан кейин уни ўз ҳузурига бир марта ҳам чақиртирмабди! Ўзининг ота мерос мулкида худди бегонадай яшайди. Приказчик яна нафасини ростлаб олди, мужиклар эса Василь Николаичнинг олдига киришга ботинолмайдилар: қўрқадилар. Яна шуниси кишини ҳайрон қолдиради: барин мужикларга салом беради, уларга очиқ чехра билан қарайди-ю, лекин улар қўрққанларидан жонларини ҳовучлаб туришади. Айтинг-чи, отахон, бу қандай гап ўзи?.. Ёки мен қариб, миямни еб қўйдиммикин — тушунолмай қолдим.

Мен Овсяниковга, жаноб Любозвонов эҳтимол касал бўлса керак, деб жавоб бердим.

— Қасал-пасал эмас! Хўппасемиз, бетлари ҳам товоқдек, ёш-да. Майли, ҳаволаси худога! (Овсяников чуқур хўрсиниб қўйди.)

— Хўп, энди дворянларни бир ёққа қўйиб турай-

лик,— деб сўз бошладим мен,— хўш, ҳамқўралар тўғри-
сида нима дейсиз. Лука Петрович?

— Қўйинг, мени шундан халос қилинг,— деди у шо-
шиб-пишиб,— рост.. сизга айтиб берган бўлур эдим..
Лекин нимани ҳам айтаман! (Овсяников қўл силкиди.)
Бундан кўра чой ичайлик... Мужик мужиклигини қилади-
да, лекин тўғриси айтганда, бошқа нима иложимиз
ҳам бор?

У жим бўлди. Чой келтирилди. Татьяна Ильинична
бизга яқинроқ келиб ўтирди. Бутун кеч давомида у оҳис-
та юриб бир неча марта ташқарига чиқиб келди. Уйга
сукунат чўмди. Овсяников савлат билан ўтириб, аста-
секин чашка кетидан чашкани бўшатиб чой ичарди.

— Бугун уйга Митя келган эди,— деди паст овоз
билан Татьяна Ильинична.

Овсяников қовоғини солди.

— Нимага келибди?

— Кечирим сўрагани.

Овсяников бош тебратди.

— Ана, кўрдингизми,— деб давом этди у менга қа-
раб,— бу қариндош-уруғларга нима даво топса бўлар
экан-а? Улардан юз ўғиришнинг ҳам иложи йўқ... Худо
менга ҳам битта жиянча берган. Шубҳасиз ақлли, фаро-
сатли бола: яхши ўқиган, аммо ундан ҳеч қандай манфа-
ат чиқмайдиганга ўхшайди. Давлат хизматида эди—
хизматни ташлаб келди: чиқиштиришмаганмиш
зумрашани... Нима, у дворянмиди? Дворянларни ҳам
ҳозир генералликка кўтаришмайди. Ана энди бекор
юрибди... Буниси ҳам баҳарнави эди-я, аммо у закунчи-
лик кўчасига ҳам кириб олибди! Деҳқонларга илтимос-
номалар, аризалар ёзиб бериб юради, юзбошиларни ишга
солади, танобчиларнинг сирини фош қилади, қовоқхона-
ларда санқиб юради, истеъфога чиққанлар, шаҳар меш-
чанлари билан, карвон саройларнинг қоровуллари билан
ошначилик қилади. Бу кетишда бошига бир бало ортти-
риши турган гап! Исправниклар ҳам, становойлар ҳам
бир неча марта пўписа қилишди. Яхшиямки, ҳазилкаш
ўзи: уларни аввалига тоза кулдиради, кейин эса яна таш-
вишга солиб қўяди... Хайр майли, ҳозир у сенинг хонанг-
да ўтирган бўлса керак?— деб илова қилди Овсяников
хотинига қараб.— Ахир мен сени яхши биламан, раҳм-
дил хотинсан, унга ҳомийлик қиляпсан.

Татьяна Ильинична ерга қараб жилмайди-да, қизариб
кетди.

— Ҳа, худди айтганимдай,— деб давом этди Овсянников.— Оббо тантиге! Хўп, айт бўлмаса, кирсин, майли, азиз меҳмоннинг ҳурмати учун тентакни кечираман... Қани, чақир, чақир...

Татьяна Ильинична эшик олдига борди ва: «Митя!» деб чақирди.

Йигирма саккиз ёшларга кирган, қадди-қомати келишган, баланд бўйли, жингалак сочли йигит уйга кирди ва мени кўриб, остона олдида тўхтади. У немисча кийимда эди, лекин елкасидаги гоят катта бурмаларидан бу кийимни фақатгина рус кишиси, яъни Россия тikuвчиси бичмагани яққол кўриниб турарди.

— Қани, яқинроқ кел, келавер,— деди чол,— нега тортинасан? Келипойишга раҳмат дегин: гуноҳингдан кечдим... отахон, мана таниб қўйинг,— деб сўзини давом эттирди у, Митяни кўрсатиб,— ўз туғишган жияниму, лекин сира йўлга сололмаяпман. Охир замона бўлди шекилли! (Митя билан мен бир-биримизга таъзим қилиб саломлашдик). Хўш, гапирчи, қандай чатоқ иш қилиб қўйдинг? Нима учун сендан шикоят қилиб юришибди, айтиб бер.

Афтидан менинг олдимда Митянинг гапиргиси, ўзини оқлагиси келмади.

— Тоға, кейин айтаман,— деди секингина.

— Йўқ, кейин эмас, ҳозир айтасан,— деб давом этди чол...— Жаноб помещчик олдида гапиришга уялаётганингни билиб турибман: уялганинг қайтага яхши — сенга танбех бўлади. Қани, ҳа, гапира қол... Қулоғимиз сенда.

— Уяладиган иш қилганим йўқ,— деб чаққонлик билан гап бошлади Митя ва бошини бир силкиб қўйди.— Тоға, ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Менинг олдимга решетиловлик ҳамқўралар келиб: «Бизни ҳимоя қил, биродар», дейишди. «Нима гап ўзи?» дедим. «Гап мана бундай: бизнинг ғалла омборларимиз батартиб, ундан яхши бўлиши мумкин эмас: лекин тўсатдан бир амалдор келиб, омборларингни текшириб чиқиш буюрилди, дедида кўриб чиқиб: «Омборларингизда тартиб йўқ, муҳим камчиликлар бор, бошлиқларга маълум қилишга мажбурман», деб хулоса чиқарди. «Хўш, нима камчилик бор экан?» дедик. «Бунисини ўзим биламан», деди... Биз йиғилишиб, амалдорни рози қилмоқчи бўлган эдик, чол

Прохорич ўртага тушиб: «Бунақа қилсаларинг, улар ма-захўрак бўлиб қолишади. Бу қандай бедодлик ўзи? Еки бизнинг арзимизга қулоқ соладиган ҳеч қандай жой йўқми?..» деб айтди. Биз чолнинг гапига кирдик, амалдор эса бундан аччиқланиб устимиздан шикоятнома ёзибди, чақув қилибди. Мана энди бизни жавобгарликка тортаптилар», дейишди. «Омборларингиз рости билан ҳам нуқсонсизми, ахир?» деб сўрадим мен. «Парвардигорнинг ўзи кўриб турибди, нуқсон йўқ, омбордаги ғаланинг миқдори ҳам меъёрдагича...» дейишди. «Ундай бўлса, қўрқиб ўтирманглар — ҳечқиси йўқ», дедим ва уларга ариза ёзиб бердим... Иш кимнинг фойдасига ҳал бўлиши ҳали номаълум. Нима учун бу ҳақда менинг устимдан сизга шикоят қилганларининг сабаби маълум: ҳар кимники ўзига — ой кўринар кўзига.

— Ҳар кимники ўзигаку-я, лекин сенга эмас,— деди чол секингина...— Шутоломово деҳқонлари билан қанақа чатоқ ишлар қилиб юрибсан?

— Буни сиз қаёқдан биласиз?

— Биламан-да.

— Бу ишда ҳам мен ҳақли, тагин ўзингиз ўйлаб кўринг. Шутоломово деҳқонларининг тўрт десятина экин экилган ерини Беспандин деган қўшнилари ҳайдатиб юборибди. Менинг ерим, деб айтибди. Ўзингиз биласизки, шутоломоволиклар оброк тўлашади, уларнинг помешчиги чет элга кетган — ўйлаб кўринг, уларнинг тарафини оладиган ким бор? Ер бўлса шубҳасиз уларники, азалдан крепостной ери. Шунинг учун улар олдимга, ариза ёзиб беришимни сўраб келишибди. Мен ҳам ёзиб бера қолдим. Беспандин буни эшитиб, дўқ қила бошлабди: «Мен у Митьканинг қулоғи тагида шовла қайнатиб қўяман, еки бўлмаса бошини танасидан жудо қиламан...» дебди. Ҳозиргача каллам жойида турибди, қани, калламни қанақа қилиб оларкин, бир кўриб қўйай.

— Қўй, мақтанаверма: бошингни балога қўясан, ахир сен ғирт тентак боласан-ку!— деди чол.

— Тоғажон, ахир ўзингиз айтмаганмидингиз...

— Бўлди, бўлди, нима демоқчи бўлаётганингни биламан,— деб унинг сўзини бўлди Овсяников,— ҳа рост: киши ҳалол яшаши керак, яқин одамларга ҳам кўмаклашиш керак. Баъзан киши ўз жонини ҳам аямаслиги лозим бўлади... Хўш, сен шундай қилипсанми? Сени қовқонага бошлаб киришмаяптими? Сенга ичиришмаяпти-

ми? «Дмитрий Алексеич, отахон, ёрдам беринг, мана бу сизга бизнинг назримиз», деб ялиниб, ёлвориб енг учидан сенга оқ сўлковой ёки беш сўмлик қоғоз пулни аста узатишмаяптими? А? Булардан тонасаним? Қани, гапир, бунақа иш бўлмайтими?

— Рост, шу айбим бор,— деб жавоб берди Митя, бошини қуйи солиб,— лекин мен камбағал одамлардан ҳақ олмайман, виждонсизлик қилмайман.

— Энди олмайсан, аммо олсанг ўзингга ёмон бўлади. Виждонсизлик қилмас эмишсан-а... Сени қара-ю! Бегуноҳ одамларга ҳомийлик қилиб юрар эмиш!.. Борька Переходов эсингдан чиқдимиди?.. Ким уни оқламоқчи бўлиб юрди? Ким унга ҳомийлик кўрсатди? Ким?

— Переходов ўзига ўзи қилди, ҳақиқатан ҳам...

— Давлат пулларини сарф қилиб юборди... Бу ҳазил гап эмас!

— Тоғажон, ахир ўзингиз ўйлаб кўринг-да: камбағал, аёлманд одам бўлгандан кейин...

— Камбағал, аёлманд одам эмиш-а... У пияниста, чапани бир одам, билдингми!

— У алаmidан ича бошлади,— деди Митя, товушини пасайтириб.

— Алаmidан дейди-я! Агар шунақа раҳмдил экансан, пияниста билан қовоқхоналарда бирга ичиб ўтирмай, унга ёрдам бера қолгин эди. Унақанги сўзамолларнинг уруғи сероб.

— У жуда яхши одам...

— Сенга ҳамма яхши кўринаверади... Дарвоқе,— деб сўзида давом этди Овсяников хотинига юзини ўгириб,— ҳалиги, ўзинг билганга... юборишдим...

Татьяна Ильинична «ҳа» деган маънода бош қимирлатди.

— Кейинги кунларда қаерларга йўқолиб кетдинг?— деб яна гап бошлади чол.

— Шаҳарда эдим.

— Эҳтимол, биллиард ўйнаб, чойхўрлик қилиб, гитара тинғиллатиб, у маҳкамадан бу маҳкамага кириб, хилват уйларда аризалар ёзиб, савдогарларнинг тантиқ ўғиллари билан олифтагарчилик қилиб юргандирсанда?.. Шундайми ахир?.. Гапир.

— Бу-ку тўғри-я,— деди Митя жилмайиб...— Ҳа, айтгандай! Сал бўлмаса эсимдан чиқаёзбди: Фунтиков

Антоп Парфенич сизип якшанба куни уйига меҳмонга таклиф қилди.

— Мен у мешқоринникига бормайман. Олдингга қимматбаҳо балиқ қўяди-ю, устига қуядиган мойи ҳидланган бўлади. Тоқатим борми унга?

— Ундан кейин, мен Федосья Михайловнани кўриб қолдим.

— Қайси Федосьяни?

— Ким ошди савдосида Микулинони сотиб олган помешчик Гарпенченконинг Федосьяси-чи, ўшани. Федосья асли микулинолик бўлади. У помешчикка оброк тўлаб, Москвада машиначилик қилиб турарди, оброкни вақтида тўлаб турарди, йилига бир юз саксон икки ярим сўмдан тўларди... У ўз ишини яхши билади: Москвада одамлардан кўп заказ тушиб тураркан. Энди Гарпенченко уни қайтариб олдириб келибди, ҳеч қандай ишга тайинламай, ипсиз боғлаб қўйибди. Федосья пул тўлаб озод бўлишга тайёр, буни баринга ҳам айтган, аммо барин ҳеч бир қарорга келмаяпти-да. Тоғажон, Гарпенченко билан танишлигингиз бор, унга шу тўғрида салгина шипшитиб қўя олмайсизми?.. Федосья ўзини озод қилиш учун дурустгина пул тўлайди.

— Хўш, сенинг пулинг билан озод бўладими? А? Хўп, хўп бўлади, яхши, айтаман, унга айтаман. Аммо билмайман нима бўларкин,— деб давом этди чол норози қиёфада,— худоё ўзинг кечир, бу Гарпенченко ўлгудек қурумсоқ одам: векселлар сотиб олиб юради, пулини фойдага қўяди, ким ошди савдосида именъелар сотиб олади... Қанақа қилиб бизнинг томонларга келиб қолган экан? Бу келгиндилар тоза ҳам жонга тегди-да! Ундан бир иш чиқариш қийин; лекин, майли, уриниб кўраман.

— Бир ҳаракат қилиб кўринг, тоғажон.

— Хўп, ҳаракат қиламан. Аммо сен қадамингни билиб бос, ўйлаб иш қил! Бўлди, бўлди, ўзингни оқлай-верма... Худо ёр бўлсин сенга, худо ёр бўлсин!.. Митя, кўзингга қараб юр, бўлмаса, азбаройи худо, ҳолингга маймунлар йиғлайди, азбаройи худо хор бўласан. Токайгача менга орқа қиласан?... Менинг ўзим ҳам унақанги гапи ўтадиган одам эмасман. Хайр, соғ бўл, бора қол энди.

Митя чиқиб кетди. Татьяна Ильинична унинг орқасидан кетди.

— Чой ичир унга, эркам,— деб қичқирди Овсяников

хотини орқасидан...— Ўзи ақлли бола,— деб давом этди чол,— кўнгли ҳам юмшоқ, лекин унга бирор шикаст етмасин деб хавотирдаман. Дарвоқе, беҳуда гаплар билан анчагина вақтингизни банд қилганим учун кечирасиз.

Даҳлиз эшиги очилди. Бахмал сюртук кийган, сочлари оппоқ, паканагина киши ичкарига кирди.

— А, Франц Иванич!— деб бақириб юборди Овсяников.— Салом! Нечук худо ёрлақади?

Азиз китобхон, сизни бу жаноб билан ҳам таништиришимга ижозат бергайсиз.

Менинг қўшним ва Орёл помешчиги бўлмиш Франц Иванич Лежён (*Lejeune*) рус дворяни деган фахрий унвонга ғоятда ғайри табиий йўл билан эришган. У Орлеанда туғилган, ота-онаси француз бўлган Лежён Россияни истило қилиш учун дўмбирачи сифатида, Наполеон билан сафарга чиққан. Аввалига ҳамма иши худди хамирдан қил суғургандай осонлик билан борган, бу французимиз Москвага жуда кеккайиб кириб келган. Аммо орқасига қайтиб қочиб кетаётганида йўлда бечора *m-r Lejeune* совуққа қотиб, бедўмбира Смоленск деҳқонларининг қўлига тушиб қолади. Смоленск мужиклари кечаси уни мовут қилинадиган ишхонага қамаб қўядилар, эртаси куни эрталаб тўғон ёнидаги муз тешиги олдига олиб борадилар-да, «*de la grande агтее*»¹нинг бу дўмбирачасидан ўзларини хушнуд қилишни, яъни ундан муз остига шўнғиб киришни илтимос қиладилар. М-г *Lejeune* мужикларнинг бу таклифига кўна олмасди, албатта, у Орлеанга қайтиб кетишига рухсат беришларини сўраб, Смоленск мужикларига француз шевасида гап уқтира бошлайди. «У ерда *messieurs* онам бор, *une tendre mere*»,² деяри у. Лекин мужиклар Орлеан шаҳрининг қаердалигини билмаганларидан бўлса керак, унга илон изидай буралиб оқувчи Гнилотерка дарёсининг қуйи оқими томонига сув остида саёҳат қилиб боришни таклиф қилаверадилар ҳамда гарданига ва орқасига бирин-кетин ниқтай бошлайдилар, бироқ шу пайтда тўсатдан қўнғироқ товуши эшитилади-ю, Лежён ниҳоятда севиниб кетади, тўғон бошига баланд суянчигига гулдор гилам тўшалган, Вятка зотли учта саман от қўшилган каттакон чана келиб тўх-

¹ Улуғ армия (*франц.*).

² Меҳрибон онам (*франц.*).

тайди. Чанада бўри терисидан пўстин кийган йўғонгина, юзлари қип-қизил бир помешчик ўтирарди.

— Нима қилиясизлар?— деб сўрайди у мужиклардан.

— Мана бу парансузни сувга чўктиряпмиз, отахон. Помешчик эса:

— Ҳа!— дейди-ю, бепарволик билан юзини четга буради.

— Monsieur! Monsieur!— деб бақириб юборади бечора Лежёнъ.

— Ҳа, ҳа!— деб таъна билан гап бошлайди бўри терисидан пўстин кийган киши,— сен лаънати, ўн икки халқни орқангдан эргаштириб Россияга бостириб келдинг, Москвани ёндирдинг, Иван Великийнинг бўйнидаги бутни ўғирладинг, энди эса мусьё, мусьё дейсанми? Энди думингни қисиб қолибсан-ку! Ўғри қилмишига яраша жазосини ҳам кўради-да... Чу де филька-а!

Отлар қўзғалди.

— Айтгандай тўхта!— деб қўшиб қўяди помешчик...— Ҳой мусьё, музика чалишни биласанми?

— Sauvez moi, sauvez moi, mon bon monsieur!— деб такрорлайди Лежёнъ.

— Хўп ғалати одамлар-а! Биттаси ҳам русча билмайди; Мюзик, мюзик савэ мозик ву? Савэ? Қани гапир! Компренэ? Савэ мюзик ву? Фортопьянода жуэ савэ?

Ниҳоят, Лежёнъ помешчикнинг нима демоқчи бўлганини англади-да, тасдиқлаб бош силкий бошлади.

— Oui, monsieur, oui, je suis musicien; je joue tous les instruments possibles! Oui, monsieur... Sauvez moi, monsieur!²

— Омадинг бор экан,— дейди помешчик...— Йигитлар, уни қўйворинглар; эвазига мана сизга биттанга — арақ олиб ичасизлар.

— Раҳмат, отахон, раҳмат. Майли, олиб кета қолинг уни.

Лежённи чанага ўтқазишади. У севинганидан энтикар, йиғлар, қалтирар, қуллуқ қилар, помешчикка, кучерга, деҳқонларга тинмай миннатдорлик билдирар эди.

¹ Мени халос қилинг, мени халос қилинг, марҳаматли афандим! (Франц.)

² Ҳа, афандим, ҳа, ҳа, мен музикантман; мен ҳамма, ҳамма музика асбобларида ҳам чала оламан! Рост, афандим... Мени халос қилинг, афандим! (Франц.)

Қаттиқ совуқ бўлишига қарамай, у эгнига фақат пушти лентали кўк фуфайка кийган эди. Помешчик индамай унинг совуқдан кўкариб кетган қўл-оёқларига қараб, бечорани ўз пўстинига ўраб уйига олиб келади. Хизматкорлар уни кўргани югуриб чиқишади. Французни дарҳол исинтиришиб, кийинтиришади. Шундан кейин помещчик уни ўз қизлари олдига олиб киради.

— Мана, қизларим, сизга муаллим ҳам топилиб қолди. Бизни музыка чалишга, французча гапиришга ўргат, деб хархаша қилганларинг қилган эди: мана сизга керак бўлса француз, ўзи фортепьяно ҳам чалади... Қани мусьё,— деб давом этади у, атир ва упа сотувчи бир жуҳуддан бундан беш йил аввал сотиб олинган, шалоғи чиққан фортепьянони кўрсатиб,— қани, бизга ҳунарингни кўрсат энди: жуэ!

Лежёнъ юраги така-пука бўлиб стулга ўтиради: у умрида фортепьянога яқин йўламаган экан.

— Жуэ ахир, жуэ ахир!— деб такрорлайди помещчик.

Шунда бечора Лежёнъ клавишаларга дўмбира чалаётгандек қилиб қаттиқ-қаттиқ уриб, фортепьянони палапартиш динғиллата бошлайди... «Ҳозир халоскорим ёқамдан маҳкам ўшлаб, уйидан итариб чиқариб таштасан керак, деган фикр кўнглимдан ўтганди», деб ҳикоя қилган эди Лежёнъ кейинча. Лекин помещчик бир оз эшитиб туриб уни мақтаб, слкасига қоқади. «Жойида, дуруст, кўриб турибман — чалишни билар экансан: энди бориб дам ол». Бу ҳол гайри ихтиёрий суратда музикачи бўлиб олган Лежённи ниҳоятда ҳайрон қолдиради.

Икки ҳафталардан кейин Лежёнъ бу помещчикнинг қўлидан бадавлат ва ўқимишли бошқа бир кишининг қўлига ўтади, унинг хушчақчақлиги ва беозорлиги бу помещчикнинг табиатига ёқиб қолади, Лежёнъ унинг асранди қизига уйланади, хизматга киради: дворян бўлиб олади, қизини истеъфодаги драгун ва шоир Орёл помещчиги Лобизаньевга эрга беради, ўзи Орёлга кўчиб келиб, шу ерда истиқомат қила бошлайди.

Қозир Франц Иванич деб юритилган ана шу Лежёнъ менинг ҳузуримда Овсяниковнинг уйига кириб келди, у Овсяников билан қалин дўст экан...

Ҳамқўра Овсяниковникида мен билан бирга ўтиравериш китобхонни зериктирган бўлса керак, шунинг учун яхшиси гапимни тугата қолай.

— Юринг, Лъговга борамиз,— деди бир куни Ермолай (китобхон уни танийди)— у ердан хоҳлаганча ўрдак отиб келамиз.

Ҳақиқий овчининг ёввойи ўрдакка у қадар иштиёқи бўлмаса ҳам, ов қилиш учун ҳозирча бошқа ёввойи қушлар йўқлигидан (бу воқеа сентябрь ойининг бошларида бўлган эди: ўрмон лойхўраклари ҳали учиб келганича йўқ, далама-дала каклик қувлаб юриш эса жонга теккан эди), мен ўз овчимнинг гапига кириб, Лъговга жўнадим.

Лъгов — катта бир дашт қишлоқ бўлиб, унинг тошдан бино қилинган бир қуббали қадимги черкови, Росота номли ботқоқ анҳори бўйида иккита тегирмони бор эди. Бу анҳор Лъговдан беш чақиримча нарига бориб чеккалари, баъзан ўрта жойлари қалин қамишзор бўлган кенг, катта қўлга айланарди. Орёлликлар қамишни майер дейишади. Анҳорнинг ана шу кенг жойида, қамишлар орасидаги хилват кўрфазларда турли-туман сон-саноқсиз ўрдаклар бола очган эди. Ўрдакларнинг кичик-кичик галалари дам-бадам сув устида учиб ўйнаб юрарди, милтиқ товуши чиқиши билан ўрдаклар қора булут тўдасидай галалашиб осмонга кўтарилар ва бу ҳолни кўрган овчи эса беихтиёр: вой бўй-й!— деб, бир қўли билан шапкасини ушларди. Ермолай иккаламиз қўл ёқалаб юра бошладик, аммо биринчидан, эҳтиёткор ўрдаклар қирғоққа яқин жойга қўнмайди; иккинчидан, агар шерикларидан ажраб қолган бирор тажрибасиз ўрдакни отиб туширганимизда ҳам, итларимиз уни қалин қамишзор ичидан олиб чиқа олмаган бўлар эди: ҳар қанча фи-

докорлик кўрсатсалар ҳам, улар на суза олади, на бир қадам олға боса олади, ҳид сезувчи қимматли тумшуқларини бекордан-бекорга тирнатиб қонатишдан бошқа ҳеч нарса қила олмайди.

— Йўқ,— деди ниҳоят, Ермолай,— бу иш бўлмайди: қайиқ топиш керак... Юринг, Льговга қайтиб кетамиз.

Биз йўлга тушдик. Бир неча қадам юрмасимиздан рўпарадаги толзор орқасидан қари, хунук искович ит чопиб чиқиб қолди, унинг кетидан эса, эгнига титилиб кетган кўк камзул, сарғиш нимча, кул ранг мовий шим кийган ва шимини йиртиқ этигига апил-тапил тиқиб, бўйинини қизил рўмол билан боғлаган, елкасига якка тиг милтиқ осиб олган ўрта бўйли бир киши пайдо бўлди. Бизнинг итларимиз ўз жинсларига хос бўлган одатдаги ноз-истигно ва такаллуфлар ичида бегона ит билан ҳидлашиб кўрдилар, бегона ит кўрқди шекилли, думини қисди, қулоғини диққайтирди, тиззасини букмаган ҳолда тишининг оқини кўрсатиб туриб, бутун гавдаси билан тезгина айланиб олди, шу пайт ҳалиги нотаниш киши олдимизга келиб, иззат-икром билан салом берди. Афтига қараганда у йигирма беш ёшларда эди; кvas суртилган узун малла сочлари ҳаракатсиз ҳолда тартибсиз эшилиб ётарди, кичкина қора кўзлари ёқимли пирпирарди, тиши оғриган одамга ўхшаб қора рўмол билан боғлаб олган юзида ширин табассум ўйнардди.

— Ижозат беринг, ўзимни сизга танитай,— деб гап бошлади у майин овоз ва қувлик билан,— мен шу ерлик овчимаң, исмим Владимир... Сизнинг ташриф буюрганингизни эшитиб ҳамда кўлимиз қирғоқларига келишни ихтиёр қилганингизни билиб, сизга хизматда бўлишни изҳор қилмоққа журъат этдим, агар сизга малол келмаса...

Овчи Владимир худди биринчи ошиқлар ролида ўйновчи провинциал ёш актёрга ўхшаб гапирарди. Мен унинг таклифига рози бўлдим ва Льговга етмасданоқ ҳол-аҳволини билиб олдим. У крепостнойликдан озод қилинган кўра хизматкори экан; жуда ёш маҳалида музика ўрганибди, кейин камердинерлик қилибди, савод чиқарибди, гапларидан пайқашимча, баъзи бир китобларни ўқиб чиқибди ҳам, ҳозир эса, Русь мамлакатигади кўп кишилар сингари, чўнтагида нақд сариқ чақасиз,

бирон доимий касб билан шуғулланмай, тирикчилигини зўрға ўтказиб юрар экан. У ғоят чиройли гапирарди ва ўзининг гапириш услуби билан мақтанмоқчи бўлгандек кўринарди; афтидан, ўлгидай шилқим, хотинбоз бўлган бўлса ҳам керак ва бу борада тузуккина муваффақият қозонган бўлса ҳам ажаб эмас: рус қизлари шакарғуфторларни севишади. Гап орасида у менга баъзан қўшни помещикларнинг уйига бориб туришини, меҳмон бўлиб шаҳарга ҳам боришини, преферанс ўйнашини, пойтахтда истиқомат қилувчи одамлар билан танишлиги борлигини маълум қилиб ўтди. У юз мақомда жуда чиройли табасум қиларди; бировнинг гапини тинглаганида камтарлик билан мийиғида кулиб туриши унга айниқса ярашар эди. У сўзларингизни диққат билан эшитса ҳам, гапларингизни тамомила тасдиқласа ҳам, лекин ҳар ҳолда сипоҳгарчиликни қўлдан бермас ва кези келганда ўз фикрини баён қилишга қодир ҳам экапелигини сизга сездириб қўйишни хоҳлагандек кўринар эди. Унчалик маданий киши бўлмаган ва «пазокатни» асло билмаган Ермолай Владимирни «сенсирай» бошлаган эди, Владимир унга шу қадар истеҳзоли илжайиш билан «сиз»лаб гапирдики, асти қўйинг.

— Нега жағингизни рўмол билан боғлаб олдингиз?— деб сўрадим ундан.— Тишингиз оғрияп-тими?

— Йўқ,— деди у,— бу нарса эҳтиётсизликнинг энг ёмон оқибатларидан бири. Бир дўстим бор эди, тақсир, ўзи яхши одам, аммо, лекин овчи эмас эди, одатда шундай ҳам бўлади. Уни қарангки, бир куни у менга: «Азиз дўстим, мени ҳам овга олиб бор, бу эрмакнинг нималигини билгим келади», деди. Албатта, ўртоғимнинг сўзини ерда қолдиришни хоҳламадим, унга милтиқ топиб бериб, ўзим билан овга олиб кетдим. Яхши ов қилдик, тақсир, ниҳоят, дам олмоқчи бўлдик. Мен дарахт тагига бориб ўтирдим; у эса дам олиш ўрнига, рўпарамга ўтириб олиб, милтиқни ўйнаб ҳазиллаша бошлади, шу орада мени нишонга олиб қолди денг. Мен ундан милтиқ билан ўйнашмаслигини илтимос қилдим, аммо у, тажрибасизлигидан, гапимга қулоқ солмади. Милтиқ гумбирлаб кетди, ана шунда иягимдан ва ўнг қўлимнинг кўрсаткич бармоғидан ажраб қолдим.

Биз Львовга етиб бордик. Владимир ҳам, Ермолай ҳам қайиқсиз ов қилиб бўлмаслигини айтди.

— Сучокда дошчаник¹ бор,— деди Владимир,— лекин қаерга беркитиб қўйганини билмайман. Унинг олдига бориб келиш керак.

— Кимнинг олдига?— деб сўрадим.

— Бу ерда бир одам туради, лақаби Сучок.

Владимир Ермолай билан бирга Сучокнинг олдига кетди. Мен уларга, черков олдига кутиб тураман, деб айтдим... Қабристондаги гўрларни айланиб қараб юриб, бир марҳумнинг хоки солинган тўрт бурчак бир кўрачани кўриб қолдим, қорайиб кетган бу кўрачанинг бир томонига французча ҳарфлар билан: «*Ci git theophili Henri, Vicomte de Blanguy*»², деб ёзиб қўйилган эди; иккинчи томонига: «Ушбу қабр тоши остига француз табааси граф Бланжининг жасади дафн қилинган; 1737 йилда туғилди, 1799 йилда вафот этди, жами 62 йил умр кўрди», деб, учинчи томонига: «Жойи жаннатда бўлсин», деб ёзилган эди, тўртинчи томонида эса қуйидаги мисралар бор эди:

Қўмилмиш ажнабий фараиғ бу ерга;
Асл зот, талантга у эди эга.
Оила, ёр-дўстан мангуға жуто.
Ватанин тарк хўрлик, зулм аро:
Россия ерига етгани замон,
Қариган чоғида тоғимини ошиён;
Фарзандлар таълимин келтирмиш бажо...
Охири шу ерда топмишдир қазо.

Ермолайнинг, Владимирнинг ва Сучок деб ғалати лақаб қўйилган кишининг келиши билан ўйларим тарқалди.

Яланг оёқ, жулдур кийимли Сучок олтмиш ёшлар чамасида бўлиб, ишдан бўшаган крепостной хизматкорга ўхшарди.

— Қайиғинг борми?— деб сўрадим.

— Қайиқ-ку бор-а,— жавоб қилди у бўғиқ ва ғўлдироқ товуш билан,— лекин жуда эскириб кетган-да.

— Нимаси эскирган?

— Тахталари кўчиб тоб ташлаб қолган, иннайкейин, ямоқлари кўчиб, тешиклари очилиб қолган.

¹ Дошчаник — эски баржа тахталаридан ясалган туби яссин қайиқ. (Автор изоҳи.)

² Бу ерда Теофиль Анри граф Бланжи дафн қилинган (франц.).

— Ҳечқиси йўқ!— деб қўйди Ермолай.— Тешиклари-га каноп лоси тиқиб қўйса бўлади.

— Ҳа, бўлади,— деб тасдиқлади Сучок.

— Сен ўзинг кимсан?

— Хўжайиннинг балиқчиси.

— Қайиғининг шалағи чиқиб кетибди-ку, балиқчи ҳам шунақа бўладими?

— Бизнинг анҳорда балиқ йўқ-да ўзи.

— Балиқ бақатўни босган сассиқ ботқоқ сувни ёқ-тирмайди,— деди ўзини билагон кўрсатиб менинг овчим.

— Қани бўлмаса,— дедим Ермолайга,— каноп лоси топиб қайиқни тузат, тезроқ бўл.

Ермолай кетди.

— Бу ҳолда биз сувга чўкиб ҳам кетсак керак?— дедим Владимирга.

— Худо сақласин,— деб жавоб қайтарди у,— ҳар ҳолда кўл чуқур эмасдир.

— Ҳа, чуқур эмас,— деди Сучок уйқусираган одам сингари ғалати қилиб,— иннайкейин, тагини балчиқ, ўт босган: ҳамма ёғини ўт қоплаб кетган. Айтгандай, чуқур жойлари ҳам бор.

— Жуда ҳам ўт босиб кетган бўлса,— деди Владимир,— қайиқни эшкак билан ҳайдаб бўлмаса керак.

— Дошчаникда ким эшкак эшиб сузади? Уни хода билан итариб бориш керак. Мен сиз билан бораман; у ерда менинг ходачам бор, ўшани оламин, у бўлмаса курак билан сузсак ҳам бўлаверади.

— Курак ўнғайсиз, кўлнинг баъзи жойларида курак сув тагига етмайди,— деди Владимир.

— Рост, курак ўнғайсиз.

Мен Ермолайни кутиб, бир қабр устига омонатгина ўтирдим. Владимир одоб сақлаб мендан бир неча қадам нарига бориб ўтирди. Сучок эса бошини қуйи солиб, ўзининг эски одатича қўлини орқасига қилиб, турган ерида бояғи алфозда тикка тураверди.

— Қани айт-чи, биродар,— деб гап бошладим мен,— бу ерда сен қанча вақтдан бери балиқчилик қиласан?

— Еттинчи йилга қадам қўйди,— деди у, бир чўчиб тушиб.

— Илгари нима иш қилардинг?

— Илгари кучерлик қилардим.

— Кучерликдан сени ким бўшатди?

— Янги бекамин.

— Қайси бека у?

— Бизни сотиб олган бой хотин бор-ку, ўша-да. Сиз уни танимайсиз: у Алёна Тимофеевна, ўзи семиз... ёши ҳам ўтиб қолган.

— Нима сабабдан у сени балиқчи қилиб қўйди?

— Ким билади дейсиз. У Тамбовдаги ота мулкидан қишлоғимизга келиб, ҳамма хизматкорларни йиғдирди, кейин олдимишга чиқди. Биз дарҳол унинг қўлларини ўпдик, аччиғланмади... Кейин ҳар биримизни яккама-якка чақириб; «Илгари нима иш қилар эдинг? Қандай хизматда бўлгансан?» деб савол бера бошлади. Навбат менга келди: «Сен нима иш қилардинг?» деб сўради. «Кучерлик», дедим. «Кучерлик дейсанми? Ҳеч кучерга ўхшайман-ку, афтингга бир қара: ниманг кучер сенинг? Бундан кейин кучерлик қилмайсан, мен сени балиқ оловчи қилиб тайинлайман, аммо соқолингни қирдириб юр. Мен бу ерга келган вақтларда бизни балиқ билан таъминлаб турасан, билдингми?..» деди. Ана ўша кундан бошлаб мен балиқчиман. «Ҳа айтгандай, кўлимни тоза тутишга ҳаракат қил...» — деди. Тавба, кўлни қандай қилиб тоза тутиб бўларикин?

— Илгари кимнинг одамлари эдиларинг?

— Сергей Сергеич Пехтеревнинг одамлари эдик. Унга ҳам мерос бўлиб ўтганмиз. Ўзиям бизга унча кўп эгалик қилмади, бор-йўғи олти йил эгалик қилди. Мен ана ўшанинг қўлида кучерлик қилганман... шаҳарда унинг бошқа кучерлари бор эди...

— Шунақами, сен ҳали ёшлигингдан бери фақат кучермисан?

— Қаёқда дейсиз! Сергей Сергеичнинг вақтида кучерликка кирганман, илгари ошпаз эдим, аммо ошпазликни ҳам шаҳарда эмас, қишлоқда қилганман.

— Кимникида ошпаз бўлгансан?

— Илгариги хўжайинникида, Афанасий Нефёдичникида. У киши Сергей Сергеичнинг тоғаси бўладилар. Львовни ўша Афанасий Нефёдич сотиб олган-да, Сергей Сергеичга эса бу ер-мулк мерос бўлиб теккан.

— Кимдан сотиб олган?

— Татьяна Васильевнадан.

— Қайси Татьяна Васильевнадан?

— Бурноғи йили Болхов яқинида... йўге, Қарачёво ёнида қазо қилган эди-ку — ўша Татьяна Васильевна... Ўзиям, бояқиш, ҳур кетди-да... Эрга ҳам тегмай ўлиб

кетди. Танимасангиз керак? Биз бу аёлнинг қўлига отаси Василий Семёничдан ўтганмиз. Татьяна Васильевна бизга анчагина... Йигирма йилча эгалик қилди.

— Хўш, сен унинг қўлида ҳам ошпазлик қилганмисан?

— Аввалига ошпаз эдим, аммо кейин кофишенклик¹ ҳам қилганман.

— Нима дединг?

— Кофишенклик.

— Бу қандай хизмат экан ўзи?

— Билмайман, отахон. Буфетда хизмат қилардим, мени Кузьма демай, Антон деб чақиришарди. Бека шундай деб буюрган эди.

— Сенинг асли отинг Кузьмами?

— Кузьма.

— Сен ҳамма вақт кофишенклик қилганмисан?

— Йўқ, ҳамма вақт эмас, ахтёр ҳам бўлганман.

— Ростданми?

— Ҳа, бўлмаса-чи... Тиятирда ўйнаганман. Бекамиз уйида тиятир очган эди.

— Сен қандай ролларни бажарар эдинг?

— Нимани сўраяпсиз, тақсир?

— Театрда нима қилар эдинг?

— Сиз ҳали билмайсизми? Мени оборишиб ясантириб қўйишарди; тўғри келишига қараб мен ана шу ясантусаним билан юрардим, ё тик турардим, ёки ўтирардим. Улар: мана бундай дегин, дейишарди, мен ҳам ўшандай деб айтардим. Бир марта кўр киши бўлиб ўйнадим... Ҳар бир қовоғимга биттадан нўхат қистиришди... Ҳа шунақа.

— Кейин яна қандай хизматда бўлдинг?..

— Ундан кейин яна ошпазликка ўтдим.

— Сени нега яна ошпазликка тушириб қўйишди?

— Укам қочиб кетган эди.

— Хўш, олдинги бекангнинг отасиникида ким бўлиб хизмат қилардинг?

— Ҳар хил хизматда бўлганман: аввал дастёрлик қилдим, фалетор² бўлдим, боғбонлик қилдим; қолаверса, итбоқар ҳам бўлдим.

¹ Кофишенклик — кофе ташувчи хизматкор.

² Фалетор — (немисча *vorritor* (форрейтор) сўзининг бузиб талаффуз қилинган шакли) — файтонга олдинма-кейин қўшилган отларнинг энг олдингисига миниб боровчи одам.

— Итбоқар бўлдим дейсанми?.. Итлар билан овга ҳам борганмисан?

— Итлар билан овга ҳам борганман, майиб ҳам бўлиб қолганман: от билан бирга йиқилдим, от ҳам майиб бўлди. Кекса хўжайинимиз жуда жоҳил одам эди: у мени аввал калтаклашни, кейин Москвадаги бир этикдўзга шогирд қилиб юборишни буюрди.

— Шогирд дейсанми? Ахир сен, итбоқарликка чақалоқлигингда кирмагандирсан?

— Ёшим, чамаси йигирмалардан сал ошган эди.

— Йигирма ёшда шогирдлик қилиб нима бўлар эди киши?

— Хўжайин юборгандан кейин, демак, бўлар эканда, Хайриятки, у тезда ўлиб кетди, шундан кейин мени қишлоққа қайтариб олиб келишди.

— Сен ошпазлик ҳунарини қачон ўрганган эдинг?

Сучок озғин ва заъфарон юзини сал юқорига кўтариб, илжайиб қўйди.

— Шунини ҳам ўрганарканми киши?.. Хотинлар пиширишади-ку!

— Демак, сен, Кузьма,— дедим мен, — жуда кўпни кўрган одам экансан! Модомики, кўлларингда балиқ йўқ экан, энди нима иш қиляпсан?

— Тақсир, мен ўз аҳволимдан зорланмайман. Шу балиқчи қилиб қўйишганига ҳам шукур. Менга ўхшаган бошқа бир чолни Андрей Пупирни эса бека қоғоз фабрикасига, оғир ишга қўйдирди. Текин томоқлик гуноҳ бўлади, деди... Пупирь эса бекадан марҳамат кутган эди: жияни хўжайиннинг маҳкамасида хизмат қиларди, у Пупирни шу ерда қолдиришликни бекадан илтимос қилмоқчи бўлган эди. Оқибат мана қандоқ бўлиб чиқди!.. Пупирь бечора эса жиянига роса хушомад қилган эди.

— Оиланг борми? Уйланганмисан?

— Йўқ, тақсир, уйланган эмасман. Марҳума Татьяна Васильевна — жойи жаннатда бўлсин! — ҳеч қайси мизни ўйланишга қўймаган эди. Худоё ўзинг сақла! Баъзи вақтларда у: ахир мана мен ҳам эрга тегмай шундай юрибман-ку. Қанақа тантиқлик бу? Нима қилишмоқчи ўзи, булар? — деярди.

— Ҳозир нима билан кун кўряпсан? Маош оласанми?

— Маош қайда дейсиз, отахон!.. Озиқ-овқат бериб турилибди, шунга ҳам шукур қиламан! Жуда розиман, илоҳим бекамизнинг умрлари узоқ бўлсин!

Ермолай қайтиб келди.

— Қайиқ тузатилди,— деди у жаҳл билан.— Ходачани энди сен олиб кел!..

Сучок ходача келтиргани югуриб кетди. Қамбағал чол билан суҳбатлашиб ўтирганимизда овчи Владимир ҳамма вақт чолга нафрат билан қараб, тиржайиб ўтирди.

— Тентак одам,— деди у, чол кетгандан кейин,— илм кўчасидан ўтмаган бир қишлоқи... мужик, холос, тақсир... Уни уй хизматкори деб айтиб бўлмайди... аммо мақтанишини қаранг-а, тақсир... Актёрликни унга ким қўйибди, ўзингиз бир ўйлаб кўринг! Ўзингизни ташвишга солиб, у билан сўзлашишни ихтиёр қилиб чакки қилдингиз, тақсир!

Чорак соатдан кейин биз Сучокнинг қайиқчасига ўтирдик. (Итларимизни кучер Иегудиилнинг назорати остида кулбада қолдирдик.) Қайиқча жуда ноқулай эди, лекин биз овчилар бу томонини суриштириб ўтирмаймиз. Қайиқчанинг думида Сучок тикка туриб, ходаси билан «итариб» борарди; мен билан Владимир қайиқ ўртасидаги қўндаланг тахтага ўтириб олдик; Ермолай эса қайиқнинг уч томонига ўтирди. Тахталар орасидаги ёриқларга каноп лоси тикилганлигига қарамай, қайиғимизга сув кирди. Бахтимизга, шамол йўқ эди, кўл уй-қуда ётгандек сокин эди.

Қайиғимиз ниҳоятда секин сузиб борарди. Чол турли-туман сув ости ўтлари ўралиб қолган узун ходасини зўрға суғуриб оларди; қайиғимизнинг юришига сув юзидаги нилуфарларнинг катта юмалоқ барглари ҳам ҳалақит берарди. Ниҳоят, биз қамишзорга етиб олдиғу, эрмак бошланди. Ўрдақлар ўз масканларида бизнинг тўсатдан пайдо бўлиб қолганимиздан ҳуркиб, патир-путир қилиб юқорига парвоз қиларди, шундан кейин бир неча милтиқдан бараварига узилган ўқлар гумбурлаб кетди: бу калтадум қушларнинг ҳавода дўмбалоқ ошишлари, сувга шалоплаб ағанаб тушишлари мароқли эди. Биз, албатта, отган ўрдақларимизнинг ҳаммасини йиғиб ололмасдик: енгил яраланган ўрдақлар шўнғиб қамишлар орасига бекинарди: ўқ тегиб ўлганлари қамишзорнинг шундай қалин жойига тушар эдики, улар-

ни Ермолайнинг ўткир кўзи ҳам топа олмади; лекин ҳар ҳолда тушгача қайиғимиз ўрдакка лиқ тўлди.

Владимир яхши ота олмас ва ҳар сафар ўқи мўлжалга тегмаганда ҳайрон бўлиб, милтигини текширар, пуфлаб кўрар, эсанкирар ва ниҳоят, бизга муваффақиятсизлигининг сабабини баён қилар эди. Унинг бу аҳволидан Ермолай ҳузур қиларди. Ермолай ҳамishaгидек жуда яхши отар, мен эса одатдагича анча ёмон отар эдим. Сучок бизга ёшлигидан бошлаб хўжайинларнинг хизматини қилиб келган кишига ўхшаб қараб қўяр ва баъзан: «Ана, тагин битта ўрдак!» деб бақириб елкаларини қимирлатиб, орқасини қашигандай бўларди. Ҳаво жуда ажойиб эди: оппоқ, юмалоқ булутлар устимизда — баланд осмонда аста сузиб ўтмоқда ва бу манзара сувда равшан акс этмоқда эди; атрофдаги қамишлар шилдираб турарди; кўлнинг баъзи жойлари қуёш нури остида худди пўлатдай ярқилларди. Эндигина қишлоққа қайтмоқчи бўлиб турганимизда тўсатдан, катта бир кўнгилсиз воқеага дуч келдик.

Қайиғимизга аста-секин сув сирқиб кираётганини биз аллақачон пайқашимиз мумкин эди. Менинг тажрибали овчим гафлатда қолган бир хотиннинг чўмичини ҳар ҳолда уни бериб қолар деб, ўғирлаб келган эди; ана шу чўмич билан қайиқ ичига кирган сувни тўкиб туриш вазифаси Владимирга юкланган эди. Владимир ўз вазифасини унутмагунча овимиз яхши кетиб турди. Лекин ов охирига етганда ўрдаклар худди биз билан хайрлашаётгандек гала-гала бўлиб осмонга парвоз қила бошлади, биз шошганимиздан милтиқларимизни ўқлашга зўрға улгурардик. Отишга қизиқиб кетиб, қайиғимиздан хабар олмай қўйибмиз—шу пайт Ермолайнинг силкиниб қилган кучли ҳаракати билан (у, қайиқ четига гавдасининг бутун оғирлигини ташлаб, отиб туширилган ўрдакни сувдан тортиб олмоқчи бўлган эди) эски қайиғимиз бирдан қийшайиб, ичига сув тўлди-ю, аста-секин чўка бошлади, хайриятки, қайиғимиз чўккан жой чуқур эмас экан. Биз қичқириб юбордик, аммо фурсат ўтган эди; бир дамда кекирдагимизгача сувга ботиб қолдик, теварагимизда қайиқ ичидан сув юзига қалқиб чиққан ўлик ўрдакларнинг жасади сузиб юрар эди. Ҳамроҳларимнинг қўрқувдан бўздай оқариб кетган башараларини эсласам, ҳали-ҳали қотиб-қотиб куламан, (эҳтимол ўша вақтда менинг ҳам рангим уларникидек

ўчиб кетгандир) аммо очигини айтсам, ўша дақиқада кулиш деган нарса ҳаёлимга ҳам келмаган эди. Ҳар қайсимиз милтиғимизни бошимиз устида кўтариб турардик, Сучок ҳам ҳўжайинларга тақлид қилгандек ўз ходасини юқорига кўтариб турар эди. Орадаги жимликни бузиб, биринчи сўз бошлаган киши Ермолай бўлди.

— Падарига лаънат бунақанги ишини!— деди у дўнгиллаб ва сувга туфлади. Бу жуда ишқал бўлди-ку! Бу аҳволнинг сабабчиси сан, қари шайтон,— деб Сучокка қараб жаҳл билан қўниб қўйди.— Шу ҳам қайнқ бўлдимиди?

— Узр,— деди чол ғўлдираб.

— Сенда ҳам айб бор,—деб давом этди овчим, юзини Владимир томонга ўгириб,— нимага анграйдинг? Нега сувни тўкмадинг? Сенга айтяпман, сенга...

Владимирнинг эътироз билдиргудек ҳоли қолмаган эди: у теракнинг баргидай титрар, тишлари такиллаб маъносиз илжайиб турарди. Унинг аввалги гапдонлигидан, одоб ва назокатидан, ор-номусидан асар ҳам қолмаган эди!

Лаънати қайиқча оёғимиз остида секингина тебраниб қўярди... Қайиғимиз ҳалокатга учраб, кекирдагимизгача сувга ботган пайтимизда, сув жуда совуқ туюлган эди, аммо хиёл фурсатдан кейин, сувнинг совуғига кўникиб қолдик. Дабдурустдан пайдо бўлган қўрқув сал тарқалганидан кейин мен ўзимга келиб, ён-веримга қарадим: биздан ўн қадамча нарида,— чор атрофда қамишлар ўсиб ётарди; қамишлар устидан узоқдаги қирғоқ кўриниб турарди. «Иш чатоқ!» деб ўйладим.

— Энди нима қиламиз?— деб сўрадим Ермолайдан.

— Қўрамыз-да: ахир бу ерда тунаб қололмаймизку,— деди ва Владимирга қараб:— Ма, милтиқни ушлаб тур,— деди.

Владимир ғиринг демай, унга итоат қилди.

— Кечув ерини топиб келаман,— деб ишонч билан сўзини давом эттирди Ермолай, гўё ҳар қандай кўлда ҳам кечув ер албатта бўлиши шартдек, кейин Сучокнинг ходасини қўлига олиб, кўлнинг чуқур ва саёз жойларини хода билан аста пайпаслаб қирғоқ томонга юра бошлади.

— Айтгандай, сен сузишни биласанми?— деб сўрадим ундан.

— Йўқ, билмайман,— деган овози келди унинг қамишлар орқасидан.

— Ундай бўлса, чўкиб кетади,— деди совуққонлик билан Сучок. У бошда хавф-хатардан эмас, балки бизнинг ғазабимиздан қўрққан эди, энди ўзини хотиржам тутар, ҳар замонда хижолат аралаш уҳ тортиб қўяр ва ўз туришини ўзгартишга ҳеч қандай зарурат сезмагандек кўринарди.

— Бекорга нобуд бўлади-да, тақсир,— деб қайғули ҳолда қўшиб қўйди Владимир.

Ермолай кетганига бир соатдан кўпроқ вақт ўтди. Бу бир соат бизга худди йилдек туюлди. Аввалига у билан тез-тез бақириб-чақириб турдик; аммо кейинроқ, у бизнинг чақиришларимизга аҳён-аҳёнда жавоб қайтара бошлади, охири овоз мутлақо ўчди. Қишлоқда кечки ибодатга қўнғироқ чалинди. Биз бир-биримиз билан гаплашмай, жим турардик, ҳатто, бир-биримизга қарамасликка уринардик. Тепамиздан ўрдаклар учиб ўтарди; уларнинг баъзилари ёнимизга келиб қўнмоқчи бўларди-ю, яна бирдан юқорига «ўқдай» кўтарилиб, чинқиришиб учиб кетарди. Биз совуқдан дилдирай бошладик. Сучок уйқусирагандай бўлиб кўзларини пирпиратарди.

Ниҳоят, Ермолай қайтиб келиб, бизни ғоят ҳурсанд қилди.

— Хўш, нима гап?

— Қирғоққа чиқиб келдим; кечув ерини топдим... Юринглар.

Биз дарҳол жўнамоқчи бўлдик; лекин Ермолай аввал сув ичидаги чўнтагидан чилвирча олди, отиб ўлдирилган ўрдакларнинг оёғидан боғлаб, чилвирчанинг икки учини қўшиб тишлаб олди-да, аста-секин олға томон юра бошлади: Владимир унинг кетидан, мен Владимирнинг орқасидан бордим. Энг орқада Сучок борарди. Қирғоққа икки юз қадамча келарди, Ермолай дадиллик билан тўхтовсиз олға борарди (келган йўлини яхши таниб олган экан) ва гоҳ-гоҳ: «Чапроқдан юринглар, ўнг томон чуқурлик!» ёки: «Бир оз ўнгдан юринглар, чап томон сербалчиқ, ботиб қоласизлар» деб бақирарди... Баъзан сув томоғимизгача чиқарди, ана шундай пайтларда бўйи ҳаммамизникидан паст бўлган бечора Сучокнинг оғзига сув кириб гарғара қиларди. «Ҳой, бўшашма, тезроқ!» деб унга ўшқирарди Ермолай. Шунда Сучок оёқларини шалолатиб сакраб ва не машаққат билан саёзроқ жой-

га бир амаллаб чиқиб оларди, аммо у энг қийин пайтларда ҳам камзулининг этагидан ушлашга ботина олмас эди. Биз қийналиб-қийналиб, балчиқларга беланиб, бошдан-оёқ ҳўл бўлиб, охири қирғоққа етиб олдик.

Икки соатлардан кейин ҳаммамиз кийим-кечакларимизни иложи борича қуришиб, кечки овқатни ейиш тараддудида катта пичан саройда ўтирар эдик. Ҳаддан ташқари имиллаб иш қиладиган, огиркарвон, доим уй-қусираб юрадиган ва лекин фаросатли киши бўлган кучер Йегудиил дарвоза олдида туриб, Сучокни зўр бериб бурнаки билан меҳмон қилмоқда эди. (Мен Россиядаги кучерларнинг одамлар билан жуда тез иноқлашиб кетишларини пайқаганман.) Сучок бурнакини кўнгли айниш даражасида зўр бериб ҳидларди: туфларди, йўталарди, афтидан, бу нарса унга жуда хуш ёққанга ўхшарди. Владимир ҳорғин кўринар, бошини ёнига қийшайтириб ўтирар ва жуда оз гапирар эди. Ермолай милтиқларимизни артарди. Итлар сули бўтқасини кутиб, думларини одатдагидан кўра тез-тез ликиллашиб турарди; отлар бостирма тагида депсиниб кишнар эди... Қуёш ботмоқда эди; унинг сўнгги нурлари кенг қизил ленталар сингари ҳар томонга ўқдай отилиб ғойиб бўларди: осмонни худди тоза ювилиб титилган момиқ сингари майда олтин булут парчалари қоплади... Қишлоқда ашула овози янграрди.

Июль ойининг ажойиб кунларидан бири, яъни об-ҳаво узоқ вақт бир қиёмда тургандагина рўй берадиган чиройли кунларнинг бири эди. Эрта тонгдан бошлаб кўк юзи очиқ: эрталабки шафақ оловдай товланмай, оч-қизғиш тусда атрофга ёйилмоқда. Қуёш иссиқ қурғоқчилик вақтларидагидай қизғин ва ҳароратли эмас, бўрон олдидагидай хира-қизил тусда ҳам эмас, лекин у ёруғ ва ёқимли чарақлаб, камбар ва узун қора булут парчаси остидан астагина қалқиб чиқмоқда, майин ярқираб унинг бинафша рангли тумани қўйнига яширинмоқда. Узун булут парчасининг устки нозик чети жимирилаб кўринади, кумушдек ялтирайди. Жилвагар, ўйноқи, шўх нурлар яна бирдан оламга таралади,— қудратли қуёш худди юқорига парвоз қилгандек, ҳашамат ва дабдаба билан осмонга кўтарилади. Тушга яқин, одатда, баланд осмонда нафис оқ қиррали жуда кўп заррин — кул ранг юмалоқ булутлар пайдо бўлади. Улар бепоён далаларга тошиб кетган, атрофини мусаффо, тиниқ мовий осмон ўраб олган дарё ўртасидаги сон-саноксиз чочов оролчаларга ўхшаб, жойларида деярли ҳеч қўзғалмаётгандай кўринади; нарироқда, осмоннинг уфққа яқин ерида улар бир-бирларига ёндошади, зичлашади, ораларидаги мовий ранг ғойиб бўлади; лекин бу булутлар осмон сингари оч зангор тусда: уларнинг ҳаммаси илиқ нур эмиб, шишадай тиниқ кўринади. Осмоннинг оқиш зангори туси кун бўйи ўзгармай, ҳамма ерда бир хил туради; ҳеч қаерда булутлар қуюқлашмайди ва ҳеч қаерда момақалдироқ кучаймайди: фақат баъзи жойларда юқоридан пастга қараб оч-кўк йўл-йўл излар пайдо бўлади, сезилар-сезилмас ёмғир сепалаб туради. Кечга яқин бу

булутлар кўздан гойиб бўлади: уларнинг тутушга ўхшаш қорамтир ва ноаниқ шаклда бўлган энг сўнггилари ботаётган қуёш рўпарасига ўтиб пушти ранда бурқирайди; қуёш осмонга қандай осойишта кўтарилган бўлса, худди ана шундай осойишталик билан ботади, қуёш ботиб қоронғилашган ер тепасида бир оз қизил шуъла кўриниб туради, шу пайт бу шуъла устида кечки юлдуз, эҳтиёт билан олиб борилаётган шам сингарип, астагина милтиллайди. Бундай кунларда ҳамма ранглар тиниқ, назик ва равшан бўлади, аммо кўз қамаштирадиган даражада ўткир бўлмайди; ҳамма нарсада кўнгилга ором берувчи қандайдир бир мулойимлик бор. Бундай кунларда ҳаво баъзан жуда исиб кетади, баъзан эса, дала-лар қўйнидан ҳатто «буг» чиқиб туради: лекин шамол бу жазирама иссиқни ҳайдаб, тарқатиб юборади, об-ҳавонинг доимийлигини кўрсатувчи белги бўлган гирватларнинг баланд оқ устунлари дала йўлларида ва экинзорлар устида сайр этиб юради. Қуруқ ва тоза ҳаводан ўрмон ўтининг, ўрилган жавдар ва гречиханинг ҳиди келади: тун бошланишига бир соат қолганида ҳам сиз ҳавода намлик сезмайсиз. Деҳқон ғаллани ўриб-йиғиб олиш вақтида об-ҳаво ана шундай бўлишини хоҳлайди...

Худди шундай кунларнинг бирини Тула губернасининг Чернь уездида қур овлаб юрардим. Мен қурларнинг сероб жойини топиб, анчагинасини отиб олдим; халтам тўлиб кетиб, огирлигидан банди елкамни қаттиқ қияр эди; лекин шафақ сўниб борарди ва уфқ орқасига ботган қуёш ўткир ёғдуларини сочмаса-да, ҳамон ёришиб турган осмон қоронғилашиб борди, ҳаво совий бошлади, шу вақтда мен уйимга қайтмоқчи бўлдим. Тез-тез юриб, узундан-узоқ бутазордан ўтдим, тепаликка чиқдим, қарасам, ўнг томони эман дарахтзори ва нарироқда пастак оқ черкови бўлган ўзимга таниш яйлов деб ўйлаган жойимга эмас, балки мен сира кўрмаган бутунлай бошқа жойларга келиб қолибман. Олдимда — пастда тор водий чўзилиб ётарди; рўпарамда қуюқ ўсган тераклар девордек қад кўтариб турарди. Нима қилишимни билмай тўхтадим-да, атрофга назар ташладим... «Эҳа! Жуда ҳам бошқа ёқдан чиқиб қолибман-ку, ўнг томонга кетиб қолибман-ку»,— деб ўйладим ва йўлдан адашганимга таажжубланиб, тепаликдан дарров пастга тушдим. Шу он аъзойи баданим бўшашиб, жунжикиб кетди, ўзимни гўё бир зах ертўлага кириб қолгандек ҳис

қилдим: баланд ва қалин ўсган кўкатлар шабнам еб во-
дий қўйнида оқ дастурхон каби ёйилиб ётарди, бу кў-
катлар устидан юриш ваҳимали кўринарди. Мен қийин-
лик билан йўлимни тезгина бошқа томонга буриб, чап
томондан теракзор ёқалаб кетдим. Кўршапалаклар уйқу-
га кетган дарахтлар тепасида айланиб, гира-шира очик
осмонда сирли равишда пирпираб учиб юрарди; овдан
кеч қайтган қарчиғай ўз уясига тезроқ етиб олиш учун
баланддан ўқдай учиб ўтди. «Мана энди анови бурчакка
етиб олсам,— деб ўйладим ичимда,— дарров йўлни то-
паман; бир чақирим йўлни ортиқча юриб қўйиб-
ман-а!».

Ниҳоят, ўрмон бурчагига етиб олдим, аммо у ерда
ҳеч қандай йўл йўқ эди: қаршимда ўроқ тегмаган ал-
лақандай пакана бутазор узоқ-узоқларга ёйилиб кет-
ганди, унинг нари ёғида эса кимсасиз дала кўринарди.
Яна тўхтадим. «Бу қандай гап?..— Қаёқларга келиб қол-
дим?» Мен кун бўйи қай йўл билан қаерга борганимни
эслай бошладим... «Э! Ҳа, бу, Парахин бутазори-ку!—
деб юбордим ажабланиб:— Ўзгинаси! Ҳув анови кўрин-
ган Синдеево дарахтзори бўлса керак... Қандай қилиб
бунчалик узоқ жойга келиб қолдим-а? Галати-я! Энди
яна ўнгга юриним керак».

Мен буталар орасидан ўнг томонга қараб кетдим. Бу
орада тун момақалдиरोқли булут сингари ёпирилиб кела
бошлади; қоронғилик ернинг кечки ҳоври билан бирга
ҳамма ёқдан юқорига кўтарилаётгандай ва ҳатто юқо-
ридан пастга қуйилаётгандай туюларди. Мен ўт босиб
кетган аллақандай сўқмоққа чиқиб қолдим ва шу йўл-
дан рўпарамга диққат билан қараб боравердим. Ҳаде-
май атрофни қоронғилик қоплади, ҳамма ёқни жимлик
босди — баъзи-баъзи вақтда беданаларгина сайраб қў-
ярди. Майин қанотларини қоқиб жимгина ер бағирлаб
ўқдай учиб келаётган кичкина тунги қушча ўзини менга
уриб олишига сал қолди, лекин у чўчиб кетиб дарров
бошқа томонга бурилди. Мен бутазор чеккасига чиқдим
ва дала ўртасидаги уватлар устидан секин юриб кетдим.
Узоқдаги нарсалар зўрға кўринарди: атрофимда дала
гира-шира оқариб турарди; унинг орқасидан қуюқ тутун
сингари бурқираб, ҳар дақиқа сайин осмонга ҳайбатли
бир қоронғилик кўтариларди. Сукутга чўма бошлаган
ҳавода оёқ товушларим дўпиллаб эшитиларди. Оқара
бошлаган осмон яна мовий рангга кира борди, аммо бу

энди тунги мовийлик эди. Унинг қўйнида юлдузлар мил-
тиллаб кўринди.

Дарахтзор деб ўйлаган нарсам қора, дўмбайган бир
тепалик экан. «Тавба, мен қаерга келиб қолдим ўзим?»—
дедим яна овозимни чиқариб ва учинчи марта тўхтаб,
тўрт оёқли махлуқларнинг энг ақллиси бўлган ва инг-
лиз итлари зотидан тарқалган малла човқар итим Диан-
кага савол назари билан қарадим. Аммо тўрт оёқли мах-
луқларнинг энг ақллиси менга дурустгина маслаҳат
бермади, думчасини ликиллашиб, ҳорғин кўзларини
маъюслик билан пирпиратиб қўя қолди. Мен ун-
дан уялиб кетдим ва қайси томонга юриш кераклиги тў-
сатдан миямга келиб қолгандек, жадаллик билан олға
босдим, тепаликни айланиб ўтиб, унча ҳам пастқам бўл-
маган ва бошдан-оёқ ҳайдаб қўйилган ялангликка чиқиб
олдим. Шу он ғалати бир кайфиятда қолдим. Бу яланг-
лик ёнлари қия текис қозонга ўхшарди; унинг ўртасида
бир неча катта оқ тош тиккайиб турарди,— тошлар гўё
махфий кенгаш ўтказмоқ учун у ерга сурилиб келгандек
туюларди,— бу жой шу қадар кўнгилсиз, хилват ва
кимсасиз эдики, унинг осмони шундай мунгли ва маъюс
кўринардики, юрагим сиқилиб кетди. Тошлар орасидан
кичкина бир жониворнинг заиф ва мунгли овози эши-
тилди. Бу ердан орқамга қайтиб, тепаликка чиқиб олиш-
га шошилдим. Мен ҳанузгача, йўлни топиб уйимга бо-
риб оларман, деган умидда эдим; аммо энди қаёққа
бораримни билмай, бутунлай адашиб қолганимга қатъий
ишондиму қоронғилик қўйнида кўздан ғойиб бўлаётган
теварак-атрофимдаги жойларнинг қаер эканлигини би-
лишга тамомила қизиқмай қўйдим ва юлдузларни мўл-
жал қилиб, таваккал билан тўғрига қараб кетавердим...
Оёғимни зўрға судраб босиб, ярим соатча шундай бор-
дим. Умрим бино бўлиб бундай кимсасиз, хилват жой-
ларни кўрмаган бўлсам керак: ҳеч қаерда милт этган
чироқ кўринмас ва ҳеч қандай товуш эшитилмас эди.
Кетма-кет қия тепаликларга дуч келдим, кетма-кет чек-
сиз далалардан ўтиб бордим, баъзи жойларда тўсатдан
бўйим баравар баланд буталар олдидан чиқиб қолар-
дим. Шу ҳолда кетаётганимда, эрталабгача бирор жойда
тунаб қўя қолай, деган фикр миямга келган ҳам эдики,
тўсатдан жуда чуқур жар лабига бориб қолганимни
пайқадим.

Жар лабига узатган оёғимни дарров тортиб олдим ва

кечанинг гира-шира қоронғисида остпмдаги чуқур пастликда катта яланглик борлигини кўрдим. Менинг ёним дан ярим доира шаклида оқаётган кенг дарё яланглик теварагидан айланиб ўтарди; сувнинг гоҳ-гоҳ ойнадек ялтираб жилва қилиши дарёнинг оқимини кўрсатарди. Мен деярли тик жар ёқасида турардим; унинг ҳайбатли қора чизиқлари мовий осмон бўшлиғида ажралиб турарди. Менинг таггипамда, ҳалиги тик жар билан яланглик ўртасида ҳосил бўлган бурчакда, дарёнинг хира ойпа сингари ҳаракатсиз турган жойидаги қирғоқ бўйида, тепаликнинг пастга тик тушган жойида — пастликда, бир-бирига ёнма-ён иккита гулхан қизил аланга ва тутун чиқариб ёниб ётарди. Гулханлар атрофида одамлар ивирсиб юрар, соялар тебранар, гулхан ёруғида баъзан жингалак сочли кичкина калланинг олдинги ярим қисми аниқ кўринарди...

Ниҳоят, қаерга келиб қолганимни билдим. Бу ўтлоқ бизнинг жойларда «Беж ўтлоғи» деб донг чиқарган... Лекин уйга қайтиб кетишнинг, хусусан кечаси кетишнинг ҳеч бир иложи йўқ эди: чарчашдан тиззаларим букилиб-букилиб кетмоқда эди. Гулхан ёнига бориб, тонг отгунча ўша ердаги кишилар билан гурунглашиб ўтирмақчи бўлдим (бу кишиларни йилқи боқувчилар бўлса керак, деб ўйладим). Мен пастга эҳтиётлик билан бешикаст туша бошладим, лекин осилиб тушаётганим энг сўнгги шохни элдигина қўлимдан қўйиб юбормоқчи эдим, бирдан икки катта оқ бароқ ит қаттиқ вовиллаб менга ташланди. Гулханлар атрофида болаларнинг қий-чув товушлари кўтарилди: икки-уч бола ирғиб ўрнидан турди. Мен уларнинг «ким у» деб савол тариқасида қичқиришларига жавоб қайтардим. Улар мен томонга югуриб келишди ва дарҳол ўз итларини чақириб олишди. Уларнинг итлари Дианкамнинг бу ерда пайдо бўлганига жуда ҳайрон қолган эди, чамаси. Шундан кейин болалар ёнига бордим.

Мен гулхан атрофида ўтирганларни йилқи боқувчилар деб янглишган эканман. Улар қўшни қишлоқдан келган деҳқон болалари бўлиб, ўтлаб юрган йилқиларни қўриқлаб ўтиришган экан. Иссиқ ёз вақтларида бизда кечалари отларни ўтлатиш учун далага чиқариб юборадилар: кундуз куни пашша ва сўналар отларни талай-вериб тинч қўймайди. Йилқини кечқурун ўтлоққа ҳайдаб кетиш ва эрта саҳарлаб яна қайтариб келиш — деҳқон

болаларни учун катта бир байрам эди. Улар эски калта пўстинларини кийиб, бош яланг ҳолда катта шўх отларга миниб оладилар-да, оёқ-қўлларини силкитиб шовқин-сурон ва қий-чув кўтариб от чоптириб кетадилар, салт от устида баланд сакраб, севинганларидан хахолаб кулишадилар. Уларнинг орқасидан кўчада юмшоқ сариқчанг кўтарилади: от туёқларининг товуши узоқларга кетади, отлар қўлоқларини чимириб чопади: энг олдинда думини диккайтириб ва оёқларини тўхтовсиз равишда бирин-кетин ташлаб, чигал ёлига тиканак ўтлар илашган аллақандай малла от чопиб боради.

Мен болаларга йўлдан адашиб қолганимни айтиб, ёнларига ўтирдим. Улар менинг қаерлик эканимни сўрашди, кейин жим бўлиб индамай қўя қолишди. Мен улар билан бир оз гаплашиб ўтирганимдан сўнг, барг ва шохлари ғажилган дарахтча тагига чўзилиб теварак-атрофни томоша қила бошладим. Манзара ажойиб эди: гулханлар атрофида ҳосил бўлган юмалоқ қизғиш ёруғлик зулмат қўйнида жимирлаб турар ва гўё ҳаракатсиздек кўринарди: аланга кучайиб, гоҳо шу ёруғликнинг гардишидан ташқарига тез-тез шуъла сочади: аланга ўзининг ингичка тили билан пўстлоғи арчилган тол шохларини яларди-да, бирдан ғойиб бўларди; ёниб турган гулханлар олдига бир лаҳзада узун кўланкалар ёпирилиб келарди: зулмат ёруғлик билан курашмоқда эди. Баъзан, аланга сал пасайиб, ёруғи камайганда, атрофни чулғаб олган зулмат қўйнидан пешонаси қашқа ёки бутунлай оқ бўлган тўриқ отнинг калласи кўриниб қоларди, у узун ўтни тез-тез чайнаб бизга диққат билан ва лекин маъносиз қараб турарди-да, кейин яна пастга энгашиб, кўздан ғойиб бўларди. Шунда унинг киртиллатиб ўт чайнаши ва пишқириб қўйишигина эшитиларди. Қоронғиликда нима бўлаётганини ёруғ жойда туриб кўриш қийин, шунинг учун теварак-атрофимизга қора парда тўсиб қўйилганга ўхшарди, аммо йироқда, уфққа яқин ерларда ўрмон ва тепаликларнинг узун, қора кўланкаси билинар-билинмас кўриниб қоларди. Қоронғи, тиниқ осмон бутун гўзаллиги ва малоҳатини чексиз баландликлардан улугворлик билан бизга намоён қилиб турарди. Бошқа ҳидларга ўхшамаган ёқимли ҳиддан — рус юртининг ёз кечаларидаги ҳаётбахш ҳиддан нафас олиб, кўкрак ҳузур қиларди. Ҳамма ёқ деярли жимжит эди... Фақат аҳён-аҳёнда яқинимиздаги дарёда катта балиқ-

нинг сувни шاپиллатиб ўйнагани ва қирғоқдаги қамишнинг сув тўлқинидан хиёл тебраниб аста шитирлаб қўйгани эшитиларди... Гулхангина чирсиллаб секин овоз чиқарарди.

Болалар ўт атрофида ўтиришарди; мени ғажиб ташламоқчи бўлган иккита ит ҳам шу ерда эди. Бу итлар анча вақт мендан ётсираб турди ва уйқули кўзларини қисган ҳолда оловга бепарво қараб, гоҳ-гоҳ ириллаб қўйишди. Улар бошда ириллади, кейин эса ниятларига ета олмаганларига афсуслангандек секин ғингший бошлади. Болалар ҳаммаси бўлиб бешта эди: Федя, Павлуша, Илюша, Костя ва Ваня. (Уларнинг исмини мен ўзаро гапларидан билиб олдим, энди эса китобхонларни шу болалар билан таништирамоқчиман).

Болаларнинг энг каттаси Федяни кўрсангиз, ўн тўрт яшар, деб ўйлайсиз. Бу — чиройли, нозик ва кичик юзли, жингалак малла сочли, қувноқ кўзли, қадди-қомати келишган бола бўлиб, табассумида ярим хурсандлик, ярим паришонлик аломати бор эди. Унинг бой оилага мансублиги, далага бирор иш билан эмас, шунчаки бир эрмак учун чиққани очик кўриниб турарди. У сариқ жиякли олачит кўйлак кийган эди: елкасига ташлаб олган янги чакмончаси кичкина, тор кифтида зўрга иланиб турарди: кўк камарига тароқ осиб олган эди, оёғидаги қўнжи калта этиги отасиники эмас, ўзиники эди. Болаларнинг иккинчиси — Павлуша пахмоқ, қора сочли, қўй кўзли, кенг ёноқли, қонсиз-оқ юзли, катта ва лекин чиройли оғизли, қўпол гавдали, хумкалла, паканагина, чўтир бола эди. Гапнинг очиғи, бола хунук эди, аммо менга ёқди: у жуда маъноли ва тик боқарди, товушида ҳам қатъият сезилиб турарди. Кийими мақтанарли эмас эди: эғнидаги кийими ғадир-будир, қўпол каноп кўйлак ва ямоқ иштондан иборат эди. Учинчи боланинг, яъни Илюшанинг қирғий бурунли, хира кўзли, чўзинчоқ юзли маъносиз чеҳрасида касал кишиларга хос қандайдир ташвиш аломатлари бор эди: унинг қисилган лаблари сира қимирламас, чимирилган қошлари ёзилмас эди, у гулхан шуъласидан кўзларини пирпиратаётганга ўхшарди. У ўзининг кигиз шапкасини тез-тез икки қўли билан қулоқларигача бостириб тортиб қўярди; ўта даражада оқсариқ сочлари шапкаси остидан кокил сингари туртиб чиқиб турарди. Оёғида янги тўқилган чипта кавуши ва



Красивая Мечлик Касьян.

И. С. Тургенев рисми.

янги пайтаваси бор эди; белига уч марта айлантриб боғлаб олган арқони озода қора чакмонини тортиб, ихчам қилиб турарди. Бу ҳам, Павлуша ҳам ўн икки ёшлар чамасидаги бола эди. Ўн ёшларда бўлган тўртинчи бола — Костя ўйчан ва хомуш боқишлари билан диққатимни ўзига жалб қилди. Унинг олмахонникига ўхшаб ияк томони ўткирлашган, сепкил босган чўзинчоқ юзи кичкина ва озғин эди; лаблари юпқалигидан зўрға кўринарди; аммо хиёл жавдираб турган катта қора кўзлари кишида ғалати бир таассурот қолдирарди; унинг кўзлари алланарса демоқчи бўлгандай кўринса ҳам, аммо айтмоқчи бўлган нарсасини ифодалаш учун тилида — албатта, унинг тилида — биронта ҳам сўз йўқ эди. У паст бўйли, нимжон бола бўлиб, кийимлари ғоят оддий ва эски эди. Болаларнинг энг кичигини, яъни Ванияни мен аввал пайқамабман: у учбурчак бир чиптани ёпиниб, ерда ғужанак бўлиб тинчгина ётар ва жингалак, малла сочли бошини чипта тагидан ахён-ахёнда чиқариб қўярди. Бу бола етти ёшларда эди.

Шундай қилиб, мен бир четдаги бута тагида болаларга қараб ётардим. Гулханлардан бири тепасида декча осиглиқ турар, унда картошка пишмоқда эди. Павлуша чўккалаб ўтириб, декчадаги биқир-биқир қайнаётган сувга чўп тикарди. Федя тирсакларига таяниб ва чакмонининг этаklarини ёйиб, чўзилиб ётарди. Илюша Костянинг ёнида ўтирар ва ҳамон кўзларини боягидай пирпиратарди. Костя бошини сал энгаштириб узоққа, аллақандай бир нуқтага қараб ўтирар эди. Вания чипта тагида қимир этмай, тинч ётарди. Ўзимни ухлаганга солдим. Болалар аста-секин яна гаплаша кетдилар.

Улар дастлаб ҳар тўғрида, эртаги ишлар ҳақида, отлар тўғрисида сўзлашдилар, лекин шу пайт Федя тўсатдан Илюшага ўгирилиб, чала қолган гапни яна бошлаётгандай, ундан:

— Рости билан сен алвастини кўрганмисан?— деб сўради.

— Йўқ, кўрмаганман, иннайкейин, алвасти ўзи кўзга кўринмайди-да,— деб жавоб қайтарди Илюша бўғиқ ва заиф товуш билан, унинг товуши юз ифодасига жуда ҳам мос эди.— Мен овозини эшитганман... Бошқалар ҳам эшитган.

— Уяси қаерда экан?— сўради Павлуша.

— Эски рольняда.¹

— Ие, сизлар фабрикада ишлайсизларми?

— Ҳа, фабрикада ишлаймиз. Мен акам Авдюшка билан бирга қоғоз текисловчи бўлиб ишлайман.

— Ҳали-я, фабрика ишчисиман, дегин!

— Қани, айтиб бер-чи, сен алвастининг шарпасини қанақа қилиб билдинг?— деб сўради Федя.

— Мана бундай бўлувди. Акам Авдюшка билан мен, иннайкейин Фёдор Михеевский, иннайкейин ғилай Ивашка, тагин қизилтепалик Ивашка, яна Ивашка Сухоруков, иннайкейин яна бошқа анча болалар ҳам бор эди; ўнтача келардик — хуллас сменадагиларнинг ҳаммаси бор эди; Рольняда тунаб қолишга тўғри келди. Тўғри келмасдияму, назоратчи Назаров шу ерда тунайсанлар деб туриб олди: «Уйга бориб овора бўлиб нима қиласанлар, эртага иш кўп, шунинг учун болалар, уйлариңгга борманглар»,— деди. Биз ҳам тунаб қолдик, ҳаммамиз бирга ётдик. Бир вақт Авдюшка гап бошлаб: болалар, агар алвасти келса нима қиламиз?— деб қолди... Авдей шу гапни айтиб бўлар-бўлмас, тўсатдан тепамизда нимадир юра бошлади, биз пастда ётувдик, у бўлса тепада, паррак олдида юрибди. Бир вақт унинг гурс-гурс юргани, оёғи остидаги тахталарнинг эгилгани, қасир-қусир қилиб сингани эшитилди, кейин у бошимиз устидан ошиб ўтди; шу пайт бирдан сув шовиллаб, шалдираб парракка урилди; паррак тақир-туқир қилиб айланиб кетди; аммо новнинг оғзи ёпиқ эди, шундай бўлса ҳам сув новдан пастга қараб оқиб кетаверди. Новни ким очиб юборди экан, деб, ҳайрон бўлдик: паррак эса айланиб-айланиб, охири тўхтаб қолди. Ҳалиги нарса яна тепадаги эшик олдида борди, кейин нарвондан пастга туша бошлади, шошмасдан, битта-битта қадам қўйиб секин тушарди; ҳар қадамида нарвон поғоналарининг ғичиллаган товуши инграгандай бўлиб эшитиларди... Кейин у бизнинг эшигимиз олдида келиб, анча кутиб турди,— бир вақт эшик бирдан тарақлаб очилиб кетди. Қўрқиб кетдик, аммо лекин қарасак, ҳеч нарса йўқ... Бир замон қозонлардан бирининг сим човлиси бирдан ўзи-

¹ Қоғоз фабрикаларида катта қозонлардаги суюқ қоғоз массаси човли билан сузиб олинадиган бино рольня ёки човлихона деб аталади. Бундай бино тўғоннинг олдида, паррак тагида бўлади. (Автор изоҳи.)

дан-ўзи қимирлаб қолди, секин ердан кўтарилиб, худди биров у билан бир нима шопираётгандай ҳавода лапанглаб айланиб юрди, анча юрди-ю, кейин яна жойига келиб тўхтади. Кейин бошқа қозоннинг ҳалқаси миҳидан чиқиб кетди, сал баландга кўтарилди-ю, яна қайтиб жойига тушди; иннайкейин бир нарса эшик томонга юрди-да, худди қўйга ўхшаб хириллаб қаттиқ йўталди. Ҳаммамиз бирдан ерга йиқилдик-да, бир-биримизнинг пинжимизга суқулдик... Уша пайтда қўрққанимиздан юрагимиз тарс ёрила ёзди!

— Уни қара-я!— деди Павел.— Уни нега йўтал тутибди?

— Билмадим: рольня захлик қилган бўлса керак.

Ҳамма болалар жим бўлиб қолишди.

— Картошка пишдимми?— деб сўради Федя.

Павлуша декчадаги картошкага чўп суқиб кўрди.

— Йўқ, ҳали хом... Балиқнинг сакраб сувни шапиллатиб ўйнашини қара,— деб қўшиб қўйди у, дарё томонга юзини ўгириб,— чўртан балиқ бўлса керак... Ана, юлдуз учди.

— Болалар, мен сизларга бир нарса айтиб бераман,— деди Костя ингичка овоз билан:— қулоқ солинглар, буни яқинда отамдан эшитдим.

— Хўп, айтавер, эшитамиз,— деди Федя ҳомийлик қилувчи оҳангда.

— Сизлар слободка дурадгори Гаврилани биласизлар-а?

— Ҳа, биламиз.

— Унинг нима учун доим хафа бўлиб, индамай юришини ҳам биласизларми? Бунинг сабаби бундоқ: дадам айтиб берди, бир кун у ёнғоқ тергани ўрмонга борибди. Боришга борибди-ю, адашиб алланучук бир жойга кириб қолибди, қанақа жойлигини худо билади. Юраверибди, юраверибди, аммо йўлни сира тополмабди, ҳеч тополмабди! Йўл йўқмиш, кеч кириб қоронғи туша бошлабди. Шунда у дарахт остига ўтириб, тонг отишини кутмоқчи бўлибди, ўтирибди-ю, кўзи уйқуга кетибди. Кейин уйқусида биров уни чақиргандай бўлибди. Уйғониб қараса — ҳеч ким йўқ эмиш. У яна мудрай бошлабди, уни яна биров чақирибди. Кўзини очиб атрофга қараса: рўпарасидаги дарахт шоҳида сув париси арғимчоқ учиб ўтирган эмиш, пари уни,— бери кел,— деб имлаб чақирармишу. ўзи қотиб-қотиб кулар эмиш... Сутдек ойдин экан, огай-

нилар, ҳамма парса кундуз кунгидай кўриниб тураркан. Сув париси уни чақирибди-да, ўзи дарахт шохидаги ар-гимчоқда оппоқ бўлиб, яшнаб ўтираверибди, худди кичкина чавақ балиқ ёки тошбош балиқчага ўхшар эмиш,—товонбалиқ бор-ку, у ҳам ана шундақанги оқиш, кумуш рангда бўлади... Дурадгор Гаврила эсини йўқотиб, анқайиб қотиб қолибди, сув париси эса хаҳолаб кулиб, уни қўли билан имлаб чақирар эмиш. Гаврила сув парисининг олдига бориш учун ўрнидан турмоқчи ҳам бўлган экан, худо унинг ақлини киргизиб қўйибди-ю, у чўқинибди... Оғайнилар, чўқинаман деб ўзиям жуда қийналибди-да, қўлим тошдай қотиб, асти қовушмай қолди,—дебди дадамга... Бунга қара-я!.. У мана бундай қилиб чўқинибди, шу замон сув париси кулгидан тўхтаб, юм-юм йиғлай бошлабди... Йиғлаб-йиғлаб кўз ёшларини сочи билан артар эмиш, унинг сочлари худди каноп толасидай ям-яшил эмиш. Гаврила унга қараб туриб-туриб: «Нега йиғлаяпсан, ўрмоннинг сеҳргар гўзали?»—деб сўрабди. Сув париси бирдан фигон қилиб гапира бошлабди: «Чўқинмасанг бўлар эди. Эй одамзод, умрингнинг охиригача мен билан айш-ишратда яшаган бўлардинг: шу чўқиниб қўйганинг учун йиғлаяпман, нола чекапман; энди мен билан бирга, сенинг ҳам то ўлгунигча қайгу аламлардан бошинг чиқмасин»,—дебди. Сув париси шу гапларни айтибди-ю, оғайнилар, дарров йўқолиб қолибди. Гаврила эса шу замониёқ ўрмондан қай йўл билан чиқиб кетишини билиб олибди... Ана ўшандан бери у ҳамма вақт хафаҳол юраркан.

— Уни қара-я!—деб юборди Федя салгина жимликдан кейин, қандай қилиб бунақанги жин хрестиян одамга зиён-захмат етказа олар экан, ахир. Гаврила унинг гапига кирмабди-ку?

— Ишонмайди-я,—деди Костя.—Гавриланинг ўзи гапириб берибди: сув парисининг овози чўл қурбақаникига ўхшаб ингичка, майин бўларкан.

— Бунга отангининг ўзи айтдими?—деди Федя.

— Ўзи. Мен сўрида ётиб, ҳамма гапни эшитиб олдим.

— Жуда галати-я! Нега энди Гаврила хафа бўларкан?.. Сув париси уни яхши кўриб қолгандир-да, шунинг учун уни имлаб чақирган.

— Ҳа, яхши кўриб қолган!—деб тасдиқлади Илюша.—Бўлмаса-чи! Сув париси уни қитиқламоқчи бўлган, билдингми? Ўша сув парилари шунақа бўлишади ўзи.

— Сув парилари бу ерда ҳам бўлиши керак,— деди Федя.

— Йўқ,— деди Костя.— бу ер тоза жой, очиқ, яланглик жой. Фақат шуниси борки, дарё яқин-да.

Ҳамма жим бўлди. Шу пайт бирданига аллақердан жаранглаб, бамисоли инграгандай чўзиқ бир товуш эшитилди. Бу товуш — баъзан сокин кечаларда пайдо бўлиб, салмоқ билан кучайиб, осмонни янгратадиган, кейин секин-секин пасайиб эшитилмай қоладиган сирли товушлардан бири эди. Қулоқ солсанг, ҳамма ёқ жим-житдек туюлади-ю, лекин аллақандай товуш осмонни янгратиб туради. Гўё уфқда аллаким узоқ бақиргандай, бошқаси ўрмон ичида чийилдоқ овоз билан қаҳқаҳа уриб жавоб қайтаргандай бўлди, дарё юзидан ингровчи хуштак овози келди. Болалар чўчиб тушиб, бир-бирларига қараб олишди.

— Э, худо, ўзинг асра!— деб пичирлаб қўйди Илья.

— Вой, қарғалар-э!— деб қичқирди Павел.— Нега эсанкирайсанлар? Буни кўринглар, картошка пишибди! Болаларнинг ҳаммалари декчага яқинроқ ўтириб, ҳовури чиқиб турган картошкани ейишга киришдилар; фақат Ваня ўз жойида қимир этмай ётарди.

— Келмайсанми?— деди унга Павел.

Аммо у чиптаси тагидан чиқмади. Хаш-паш дегунча декча бўшади.

— Болалар,— деб гап бошлади Илюша,— бизнинг Варнавицада яқинда бўлиб ўтган гапдан хабарларинг борми?

— Тўғондаги воқеами?— деб сўради Федя.

— Ҳа, худди шундай, сув уриб кетган тўғондаги воқеа. Ана ўша жой жудаям нопок, бефайз, пастқам жойда. Қаёққа қарама, дарахтлар қўпорилган жойлару, жарлар, жарларда илонлар гиж-гиж.

— Қани, нима бўпти ўша ерда? Айт...

— Мана, эшитинглар, Федя, сен билмасанг керак, у ерда сувга чўккан бир киши кўмилган: у одамнинг чўкканига жуда кўп йил бўлган экан, у вақтда қўл ҳали чуқур экан: у ерда ҳозир фақат ўша одамнинг гўри қолган, у ҳам кичрайиб, билинар-билинемас дўнг бўлиб қолган... Яқинда приказчик итбоқар Ермилни чақириб: «Ермил, поштага бориб кел»,— дебди. Бизда поштага доим Ермил боради: унинг итлари нуқул ўлиб қолаверади:

нимагадир унинг боққан итлари ҳеч турмайдн, ишқилиб, қирилгани-қирилган. аммо Ермилнинг ўзи бинойи итбоқар. Ана шу Ермил поштага бориб, шаҳарда узоқроқ ушланиб қолибди, кейин қишлоққа маст қайтибди. Ойдин кеча, ҳамма ёқ чароғон экан... Ермил тўғондан ўтибди: йўли шу ёққа тушиб қолибди. У бепарвойи фалак келаётиб, бирдан ҳалиги сувга чўккан одамнинг гўри устида ошпоққина, чиройлигина бир барра қўзичоқ юрганини кўрибди. Ермил ичида: «Қўзичоқни олиб кетай. олмасам барибир нобуд бўлади»,— деб ўйлабди, кейин отдан тушиб, қўзичоқни кўтариб олибди... Қўзичоқ эса ювошгина эмиш. Ермил отининг олдига борса, оти кўзларини чақчайтириб орқага тисарилибди, кишнаб, бош силкитибди; лекин Ермил отни «так-так...» деб тинчлантирибди-да, миниб олибди, қўзичоқни олдига қўйиб, яна йўлга тушибди. Қўзичоққа бундай бир қараса, қўзичоқ ҳам унинг кўзига бақрайиб қараб турганмиш. Итбоқар Ермил кўрқиб, бадани жимирлаб кетибди: қўйларнинг одам кўзига бундай тикилиб қараганини сира кўрмовдим, деб ўйлабди. йўқ, кейин Ермил «барра қўзи, барра қўзи!» деб ювгларини силаган экан, қўй ҳам бирдан тишининг оқини кўрсатиб, «барра қўзи, барра қўзи...» дебди.

Ҳикоячининг сўзи шу жойга етар-етмас тўсатдан иккала ит бараварига ўридан турди. қаттиқ вовиллаб гулхан олдидан чопиб кетди-да, қоронғилик ичида кўздан ғойиб бўлди. Болалар кўрқиб кетишди. Ваня ёпиниб ётган чиптаси тагидан сакраб чиқди. Павлуша қичқирганича итлар орқасидан чопди. Итларнинг вовиллаган товуши тезда йироқлашди... Уюрдаги ҳурккан отларнинг безовталаниб ҳар томонга тартибсиз қоча бошлагани эшитилди. Павлуша: «Серий! Жучка!» деб қаттиқ бақирди. Бир оздан кейин итларнинг вовиллаши тинди, Павелнинг овози жуда узоқдан эшитилди... Яна бир оз вақт ўтди; болалар нима бўларкин деб, ҳайронлик билан бир-бирларига қарардилар... Бирдан чопиб келаётган отнинг дупури эшитилди; у шахт билан чопиб келиб, гулхан тепасида тақа-тақ тўхтади-ю, Павлуша отнинг ёлидан ушлаб унинг устидан чаққонлик билан сакраб тушди. Иккала ит ҳам гулхан ёнига чопиб келди-да, ҳаллослаганча, қизил тилини осилтириб ўтириб олди.

— Нима гап? Нима бўлибди?— деб сўрашди болалар.

— Ҳеч ган йўқ,— деди Павел, отга қўл силтаб,— итлар бир нарсанинг шарпасини сезганга ўхшайди. Мен бўри бўлса керак, деб ўйлаган эдим,— деб қўшиб қўйди у хотиржамлик билан, энтикиб нафас оларкан. Мен Павлушага беихтиёр завқланиб қарадим. Шу дамда у жуда ёқимли кўринди. Отни тез чоптириб келганлиги учун жонланиб, қизариб кетган хунук юзида мардлик ва зўр қатъият акс этарди. Шундай қоронғи кечада қўлига ҳатто чўп ҳам олмай, ҳеч бир иккиланмай якка ўзи бўрини қувлаб кетди... «Қандай мард бола-я!» деб ўйладим унга қараб туриб.

— Бўрини ҳеч кўрганмисизлар?— деб сўради қўрқоқ Костя.

— Бўри бу ерда ҳамма вақт кўп бўлади,— деб жавоб қайтарди Павел.— Лекин улар қишдагина безовта қилади.

У яна гулхан олдига келиб ёнбошлади. Ерга ўтираётиб, итлардан бирининг пахмоқ юнгли елкасига қўлини қўйди, бундан хурсанд бўлган ит мағрурона эркаланиб Павлушага кўз қири билан қараб, тек ўтирди.

Ваня яна чипта тагига кириб, ётиб олди.

— Илюша, сен бизга жуда қўрқинчли нарсаларни айтдинг-да,— деди бей деҳқоннинг ўгли бўлганлиги учун гапни биринчи бўлиб бошлаб берадиган Федя (ўзи эса орият қилгандай жуда кам гапирарди).— Ундан кейин, итлар ҳам бир ёмон нарсани сезиб вовиллаб юборишди... Ҳа, ўша жойда ажиналар борлигини мен эшитганман.

— Варнавицадами?... Албатта бор! Жудаям кўп! У ерда ўлиб кетган қари бариннинг арвоҳини одамлар бир неча марта кўрган эмишлар. У пуқул узун чакмон кийиб юрармиш, уҳ тортиб, ердан алланарсаларни қидирармиш. Бир куни уни Трофимич ота кўриб қолибди: «Бой бобо, Иван Иванович, нималарни излаб юрибсиз?»— деб сўрабди.

— Трофимич ота ундап савол сўрабдими?— деди Федя ажабланиб.

Ҳа, савол сўрабди.

— Унақа бўлса Трофимич ота мард экан... Хўш, арвоҳ нима депти?

— Очқич-гиёҳ¹ излаяпман — депти. Овози шунақаям

¹ Очқич-гиёҳ — халқ афсоналарида — қулф ва тамбаларни очиб юборадиган ўсимлик.

бўғиқмишки, очқич-гиёҳ,— деб зўрға гапирибди.— Бой бобо, Иван Иванович, очқич-гиёҳни нима қиласиз?— Қабрим мени жуда қисиб юборяпти, Трофимич, сиртга чиқмоқчиман, сиртга...

— Уни қара-я!— деди Федя.— Афтидан, дунёда кам яшаган экан-да.

— Вой тавба-ей!— деди Қостя.— Мен ўлган кишилар арвоҳларга чироқ ёқиладиган шанба кунларигина кўринади, деб ўйлаб юардим.

— Ўлганларнинг арвоҳларини ҳар вақт кўриш мумкин,— деди ишонч билан Илюша (болаларнинг суҳбатларидан пайқашимча, Илюша қишлоқдаги хурофот ва афсоналарни бошқалардан кўра яхшироқ биларди),— аммо, арвоҳга чироқ ёқиладиган шанба кунлари тирикларни, ҳалиги шу йили ўлиш навбати келган кишиларни ҳам кўра оласан. Кечаси бутхона остонасида кўчага қараб ўтирсанг бўлгани, кўраверасан. Шу йили ўладиган одамлар ёнингдан битта-битта ўтиб кетаверади. Мана, ўтган йили Ульяна буви бутхона остонасига бориб ўтирган экан.

— Нима, у ҳеч кимни кўрибдими?— деб сўради қизиқиб кетган Қостя.

— Бўлмасам-чи! Аввалига у ҳеч нарса кўрмабди, ҳеч нарсанинг шарпасини сезмабди ҳам... Фақат аллақадан ҳадеб итнинг акиллагани эшитилармиш, холос... бирдан қараса: йўлдан бир бола келаётганмиш. Тикилиб қараса: келаётган бола Ивашка Федосеев эмиш...

— Баҳорда ўлиб кетган Ивашками?— деб сўзни бўлди Федя.

— Ушанинг ўзгинаси. Юриб келаётган эмишу, яланг ерга тикилармиш... Лекин Ульяна уни танибди... Кейин яна қараса, бир хотин келаётганмиш... Унга яхши тикилиб қараса,— худоё тавба қилдим!— келаётган хотин Ульянанинг ўзи эмиш.

— Рост билан-а?— сўради Федя.

— Азбаройи худо, ўзи.

— Ҳа, лекин у ҳали ўлгани йўқ-ку?

— Ҳали бир йил ўтгани йўқ-да. Унинг ранги-рўйига бир қара, ўлай деб қопти.

Болалар яна жим бўлиб қолишди. Павел бир тутам

куруқ майда шохни ўтга ташлади. Ўт бирдап аланга олди, унга ташланган шох ўтин қоп-қорайиб, чирсиллаб, тутаб ёна бошлади ва ўтда ёниб бўлган учлари гажжак бўлиб юқорига кўтарилди. Гулхандаги ўтнинг шуъласи ҳар томонга, айниқса, юқорига липиллаб уриб турарди. Шу пайт аллақадан бир оқ каптар гулхан ёруғига учиб келди ва чиройли ял-ял ёниб, турган жойида чўчиб гир айланди-да, қанотларини патиллатиб, кўздан ғойиб бўлди.

— Уясини тополмай адашиб қолганга ўхшайди,— деди Павел,— энди қўноқ топмагунча учиб юраверади; қўноққа дуч келиб қолса, эрталабгача ўша ерда ухлайди...

— Павлуша,— деди Костя,— бу каптар бирор азиз кишининг арвоғи эмасмикин-а?

Павел оловга яна шох ташлади ва бирмунча вақт жим тургандан кейин:— Балки шундайдир,— деб қўйди.

— Павлуша, сизнинг Шаломовода ҳам осмон каромати¹ бўлганми? Айтиб берсанг-чи,— деди Федя.

— Қуёш кўринмай қолганини айтяпсанми? Ҳа, бўлган.

— Сизлар ҳам жуда қўрққандирсизлар-а?

— Қўрққан фақат биз эмас. Бизнинг баринимиз, каромат кўрасизлар, деб юрган бўлса ҳам, кейин ўзи шунақаям қўрқиб кетибдики, асти қўяверасан. Бариннинг қўрасида ишлайдиган ошпаз хотин эса қуёш қорая бошлаганда темир косов билан печкадаги кўза ва хурмачаларни уриб синдириб ташлабди: «Қиёмат бўлди, энди ҳеч ким овқат емайди»,— дебди. Шундай қилиб, карам шўрвалар тўкилиб кетибди. Бизнинг қишлоқда, энди ер юзига оқ бўрилар тўлиб кетиб, ҳамма одамларни еб қўяр эмиш, каттакон йиртқич қуш пайдо бўлар эмиш, ҳатто Тришканинг² ўзи ҳам кўринар эмиш,— деган миш-миш гаплар тарқалди.

— Тришка деганинг ким ўзи?— деб сўради Костя.

— Сен ҳали билмайсанми?— деб қизишиб гапга киришиб кетди Илюша.— Э, оғайни, Тришкани билмасанг

¹ Бизда деҳқонлар қуёш тутилишини шундай деб аташади. (Автор изоҳи.)

² «Тришка» ҳақидаги эътиқод дажжол тўғрисидаги афсонага асосланган бўлса керак. (Автор изоҳи.)

шима қилиб юрибсан? Қишлоқларининг одамлари уйдан эшикка чиқмай, тухум босиб ўтиришаркан-да? Тришка шундай бир ғалати одамки, бу одам шундай ғалати бўлиб келадики, уни ушлаб ҳам бўлмайди, ҳеч нарса қилиб ҳам бўлмайди: у мана шунақа ғалати одам бўлади... Агар борди-ю уни, масалан, хрестиянлар ушлаб олмоқчи бўлиб, таёқ кўтариб чиқиб, теварагини ўраб олсалар, у уларнинг кўзини шундай шамғалат қилиб, алдаб қўядики, бир маҳал қарасанг одамларнинг ўзлари бир-бирларини дўппослашга тушиб кетади. Агар уни, масалан, турмага қамаб қўйишса, ичгани чўмичда сув келтиришни сўрайди: унга чўмичда сув келтириб беришади, у эса чўмичга шўнгиб киради-да, гойиб бўлади қолади. Уни кишанлаб қўйишса, қўлларини бир силкиб занжирларни узиб ташлайди. Шундай қилиб, бу Тришка қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар хрестиянларни васвасага солиб кезиб юради: аммо уни ҳеч нарса қилиб бўлмайди... Ана шунақанги ғалати, ҳийлагар одам у.

— Ҳай шундай,— деб давом этди Павел салмоқдор товуши билан.— Шунақа. Қишлоғимизда одамлар ана шу Тришканинг пайдо бўлишини кутишарди. Кексалар, осмон каромати бошланган заҳотиёқ Тришка пайдо бўлар эмиш дейишарди. Бирдан қуёш тўтила бошлади. Ҳамма одамлар кўчага, далага чиқиб, нима бўлишини кутиб туришди. Ўзларинг биласизлар, қишлоғимиз яланглик жойда, теварак-атрофи очиқ. Бир вақт қарашса, слободака тарафдаги тепаликдан аллақандай ғалати бир киши келаётганмиш, боши жудаям ажойибмиш: шунда ҳамма бирдан. «Вой, Тришка келяпти! Вой, ана Тришка келяпти!» деб бақириб, ҳар томонга тумтарақай қоча бошлади. Қишлоқ оқсоқолимиз ўзини зовурга ташлади; унинг хотини бўлса дарвоза тагидаги туйнукка қисилиб, тозаям чинқирди, ундан чўчиган ит кайфи учиб, занжирини узиб, четандан сакраб ўтди-да, ўрмонга қочди; Кузьканинг отаси Дорофенч эса югурганича сули ичига кириб ўтириб олиб: «Бу бераҳм жаллод лоақал паррандага раҳм қилар, ахир», деб бедана бўлиб сайрай бошлади. Ҳамма ана шунақа қий-чув солиб, қишлоқни бошига кўтарди!.. Қарасак, бу келаётган киши ўзимизнинг бочкачи уста Вавила экан: у, янги ёғоч челақ сотиб олиб, бошига кийиб келаётган экан.

Ҳамма болалар бирдан кулиб юборишди-ю, кейин бир лаҳза жим қолишди. Ялангликда гурунглашиб ўтир-

ган одамлар орасида кўпинча шундай бўлади. Мен те-варак-атрофга назар ташладим: ҳашаматли ва улуғвор бир кеча: кечки оқшомдаги салқин ҳавонинг ўрнини ярим кечанинг намсиз илиқ ҳавоси олганди, у ҳали со-кин далаларнинг устини узоқ вақт юмшоқ парда синга-ри қоплаб туриши керак эди; дарахтларнинг эрталабки биринчи шитирлашига, шалдир-шулдир ва ғир-ғир этиб эшитиладиган биринчи майин товушларга, эрта тонгнинг биринчи шабнамларига ҳали анча бор эди. Осмонда ой йўқ — ўша маҳалда ой кеч чиқар эди. Сон-саноқсиз олтин юлдузлар милтиллаб Сомон йўли тарафга аста силжиб бораётгандай кўринарди; уларга қараб турсангиз, ер-нинг ҳам тўхтамай ўқдай учиб югуриб кетаётганини ҳис қилгандай бўласиз... Тўсатдан дарё тепасидан икки мар-та ғалати, кескин қийқириқ эшитилди, бир неча секунд-дан кейин бу товуш яна нарироқда такрорланди...

Костя сесканиб кетди... «Бу нима?»— деди.

— Бу қарқаранинг овози,— деди Павел хотиржам-лик билан.

— Қарқара,— деб такрорлади Костя...— Мен кеча бир товуш эшитдим,— деб давом этди у бир оз жим тур-ганидан сўнг,— балки сен, Павлуша, ниманинг товуши эканини биларсан...

— Қандай товуш эшитдинг?

— Мана эшит. Мен Каменная Грядадан Шашкинога бораётган эдим; олдин ёнғоқзор оралаб бордим, кейин ўтлоқ билан жарнинг тик бурилган жойидан юриб кет-дим, кўргансан-ку, ўша ерда сел суви йиғилиб кўлмак бўлиб қолган чуқурлик бор, биласанми. Бу жой ҳали ҳам қалин қамишзор бўлиб ётибди; ана шу кўлмак ёни-дан ўтиб кетаётган эдим, бирдан аллакимнинг у-у... у... у-у!— деб қаттиқ инграб йиғлаган товушини эшитдим. Оғайнилар, қўрққанимдан юрагим «шув!» этиб кетди, нега десанглар, кеч бўлиб қолган эди, тагин у товуш жу-даям мунгли эди. Шунақа мунгли эдики, ўзим ҳам йиғ-лаб юбораёздим... Шу нима экан-а?

— Бурноғи йили ўғрилар ўрмон қоровули Акимни шу чуқурга чўктириб юборган эди,— деди Павлуша,— эҳтимол, ўшанинг арвоғи йиғлаётгандир...

— Шундайми ҳали, оғайнилар,— деди Костя, ўзи-нинг катта кўзларини яна ҳам каттароқ очиб...— Акимни ўша чуқурга чўктириб юборишганини билмагандим: агар билсам, баттарроқ қўрққан бўлар эдим.

— Яна,— деб сўзида давом этди Павел, — ана шундай мунгли товуш билан қуриллайдиган майда қурбақачалар ҳам бўлади, дейишади.

— Қурбақачалар? Йўғ-ей, бу қурбақа эмас... Қандай қилиб... (Яна дарё томондан қарқаранинг қичқиргани эшитилди.) — Уни қара-я! — деб юборди Костя беихтиёр. — Худди алвастига ўхшаб қичқиради-я.

— Алвасти қичқирмайди: у соқов,— деди Илюша,— у қарсиллатиб чапак чалади, холос...

— Сен алвастини кўрганмисан, ўзинг? — масхара қилгандек унинг сўзини бўлди Федя.

— Йўқ, кўрган эмасман, худо кўргулик қилмасин: лекин бошқалар кўрган. Мана, алвасти яқинда бир мужигимизни тоза довдиратибди: уни ўрмоннинг бир яланглик ўтлоқ жойида гир айлантириб олиб юраверибди, олиб юраверибди... Дехқон уйига тонг отганда зўрға етиб келибди.

— Нима, алвастини кўрибдими у?

— Кўрибди. «Жуда ҳам катта, қоп-қорамиш. Худди дарахт орқасида тургандай, ойдиндан яширингандай бўлармиш, катта-катта чақчайган кўзларини ҳадеб пирпиратармиш...»

Вой, бў-ўй! — деди Федя сал сесканиб ва елкаларини учуриб,— башараси қурсин!..

— Нимага дунёга келган ўзи бу ярамас махлуқ? А? — деди Павел.

— Унақа дема: эшитиб қолмасин тагин,— деди Илья. Орага яна жимлик чўкди.

Шу пайт Ванянинг ингичка овози эшитилди:

— Болалар, уни қаранглар, уни қаранглар. Осмондаги юлдузчаларга қаранглар, асалари галасига ўхшайди.

У ёқимли башарасини чипта остидан чиқариб, муштчасига тиради-да, йирик ва сокин кўзлари билан аста юқорига қаради. Ҳамма болалар осмонга қарашди ва узоқ тикилиб қолишди.

— Айтгандай, Ваня,— деди меҳрибон овоз билан Федя,— опанг Анютка соғ-саломатми, яхшими?

— Яхши,— деди Ваня чучук тил билан.

— Сен ундан сўрагин, нима учун бизникига келма-яптийкин?..

— Билмайман.

— Айтгин, келиб-келиб турсин.

— Айтаман.

— Федя сенга қанд берармиш, деб айт.

— Менга ҳам берасанми?

— Сенга ҳам бераман.

Ваня бир хўрсиниб қўйди.

— Йўқ, менга керак эмас. Анюткага бера қол: опам жуда яхши, меҳрибон.

Шу сўзларни айтиб, Ваня яна бошини ерга қўйиб ётди. Павел ўрнидан туриб, бўш декчани қўлига олди.

— Қаёққа?— деб сўради Федя.

— Дарёдан сув олиб келаман: чанқадим.

Итлар ўринларидан туриб, унинг орқасидан кетишди.

— Эҳтиёт бўл, дарёга йиқилиб кетмагин!— қичқирди Илюша унинг орқасидан.

— Нега йиқилиб кетсин?— деди Федя.— У эҳтиёт бўлади.

— Ҳа, эҳтиёт бўлади, дейсан-да. Ҳар нима бўлиши мумкин: у сув оламан деб энгашганида, дарёдан сув алвастиси чиқиб уни сувга тортиб кетиши мумкин. Ундан кейин кишилар: бола бояқиш сувга чўкиб ўлди,— деб юришади.... Лекин аслида... Ана-ана, қамиш ичига кириб кетди,— деб қўшиб қўйди Илюша қулоқ солиб туриб.

Қамишлар ораси очилиб шитирлай бошлади.

— Тентак Акулина сувга тушиб чиққандан бери жинни бўлиб қолган дейишади, шу ростми?— деб сўради Костя.

— Сувга тушиб чиққандан бери... Ҳозир бир ҳолат-да-я! Аммо илгари жуда чиройли бўлган экан. Сув алвастиси уни бузган, дейишади. Афтидан, алвасти қизни ҳали-бери сувдан қутқариб олишмайди деб ўйлаган бўлса керак. Ана шунақа қилиб, алвасти уни сув тагида бузиб қўйибди.

(Акулинани ўзим ҳам бир неча марта кўрган эдим. Жулдир кийимли, эти бориб устихонига ёпишган, кўмирдай қоп-қора юзли бу хотин доим тишларини иржайтириб, атрофга маъносиз қараб, чиллакдек ингичка қўлларини кўкрагига маҳкам босганича, оғирлигини дам у оёғига, дам бу оёғига солиб, темир қафасдаги ваҳший ҳайвон сингари лапанглаб йўл устида соатлаб тураверарди. У ҳеч нарсага тушунмасди, баъзан титраб-қақшаб, хохолаб куларди, холос.)

— Акулина,— деб сўзини давом эттирди Костя,—

яхши кўрган йигити алдагани учун ўзини сувга ташлаган эмиш.

— Худди шунинг учун.

— Вася эсингдами?— деб ғамгинлик билан сўради Костя.

— Қайси Вася! — деди Федя.

— Мана шу дарёга чўкиб кетган Вася-чи, ўша-да,— деб жавоб берди Костя.— Қандай яхши бола эди-я. Эсизгина, қандай аломат бола эди-я. Онаси Феклиста уни жудаям яхши кўрарди. Феклиста ўғлининг сувга чўкиб ўлишини олдиндан сезган эканми дейман. Ёз пайтларида Вася биз билан дарёга чўмилгани борса у бояқиш типирчилаб қоларди. Бошқа хотинлар ҳеч нарса демай, киртоғораларини кўтариб ёнимиздан ўтиб кетишаверарди. Феклиста эса тоғорасини ерга қўйиб: «Қайт бу ёққа, қайт, борма қўзичоғим! Ҳой, қайтсангчи, болагинам!» деб уни чақира бошларди... Васянинг дарёга қандай чўкиб кетганини ҳеч ким билмайди. У дарё бўйида ўйнаб юрган экан, онаси ёнгинасида ўрилган пичанни гарам қилаётган экан, шу вақт бирдан онасининг қулоғига аллакимнинг сувни шалоплатиб, фаргара қилаётгани эшитилиб қолибди, қараса — сув юзида Васянинг шапкаси оқиб кетаётган эмиш. Ана ўшандан бери Феклиста ҳам ақлдан озиб қолган: қачон қарасанг, у Вася сувга чўккан жойга бориб кўкрагини ерга бериб ётади-да, нуқул ашула айтади, эсларингдами, Вася айтадиган ашула бор эди-ку, Феклиста ўша ашулани айтиб ўқсиб-ўқсиб йиғлайди.

— Ана, Павлуша келяпти,— деди Федя.

Павел декчада лик тўла сув кўтариб, гулхан олдига келди.

— Болалар, биласизларми,— деб сўз бошлади у, бир оз жим тургандан кейин,— иш чатоқ.

— Ҳа, нима бўлди?— шошиб сўради Костя.

— Мен Васянинг овозини эшитдим.

Болаларнинг ҳаммаси титраб кетди.

— Нима дединг, нима дединг? Рост билан-а?— деди Костя довдираб.

— Худо урсин, рост. Сувга энди энгашган эдимки, бирдан Васянинг овозига ўхшаган бир овоз: «Павлуша, ҳой Павлушажон, бу ёққа кел»,— деб мени чақирди, овоз худди дарёнинг тагидан эшитилгандай бўлди. Мен шоша-пиша сув олдим у ра қочдим.

— Эй худо-ей, эй худо-ей! деб юборишди болалар, чўқиниб туриб.

— Павел, ундай бўлса сени сув алвастиси чақирибди,— деди Федя.— Ҳозиргина биз ўша Вася тўғрисида гаплашиб ўтирган эдик...

— Оббо... бу ёмон нарсанинг аломати-ку,— деди Илюша салмоқ билан.

— Хайр, қўявер, ҳечқиси йўқ!— деди Павел қатъий қилиб, сўнг ўтирди.— Пеншопада бориши кўрмай илож йўқ.

Болалар чурқ этмай қолдилар. Павелнинг сўзидан қаттиқ таъсирланганлари кўриниб турарди. Улар ухломоқчи бўлгандек гулхан ёнига жойлаша бошладилар.

— Бу ниманинг овози?— деб сўради тўсатдан Костя, бошини сал кўтариб,

Павел қулоқ солди.

— Бу, лойхўракларнинг овози, улар учганда шунақа чийиллайди.

— Улар қаёққа учиб кетяпти?

— Ҳеч қиш бўлмайдиган жойлар бўларкан — ўша ёққа.

— Қиш бўлмайдиган жойлар ҳам борми?

— Бор.

— Узоқми?

— Жуда узоқда, иссиқ денгизларнинг нарёғида.

Костя чуқур нафас олди-да, кўзларини юмди.

Болаларнинг ёнига келганимга уч соатлардан ортиқ бўлган эди. Ниҳоят, ой ҳам чиқди; мен унинг чиққанини дарров пайқамадим, чунки жуда кичкина ва ўроқдек ингичка эди. Бу ойсиз тун ҳам худди аввалгидек ҳашаматли кўринарди... Аммо бундан бир оз вақт илгари баланд осмонда чарақлаб турган кўпгина юлдузлар энди ернинг осмон билан туташган четларига энган эди; ҳамма нарса одатда тонготар пайтдагина сукутга киргандек, теварак-атроф жимжит эди; бутун коинот тонгги маст уйқуда ором олмоқда эди. Ҳавонинг ҳиди энди унча ўткир эмасди,— унга рутубат қўнгандай бўлди... Ёз кечалари калта!.. Гулхан сўнган сари болаларнинг товушлари ҳам аста-секин тинна бошлади... Ҳатто итлар ҳам мудраб кетди: юлдузларнинг зўрға милтиллаб турган сарғиш кучсиз ёдулари остида отларнинг бошларини солинтириб ётганлари аранг кўринарди. Мени ҳам уйқу элитди-ю, мудраб кетдим.

Салқин шабада юзимни силаб ўтди. Қўзимни очсам, тонг ота бошлаган экан. Ҳали тонгги шафақ кўринмаса ҳам, шарқ томонда уфқ хиёл оқара бошлаган, хирароқ бўлсаям, ҳар ҳолда ҳамма ёқ кўзга ташлана бошлади. Оқиш кул ранг осмон тобора ёришиб, оқариб, мовий тусга кирмоқда эди: юлдузлар гоҳ милтиллаб кўриниб, гоҳ сўниб турарди, ерга шабнам тушди, барглар шудринг доналари билан қопланди: унда-бунда шўх товушлар, овозлар эшитила бошлади, эрталабки майин шабада ер ўстида кезиб, парвоз қилмоқда эди. Баданим шу шабадага жавобан ҳузур билан енгилгина жунжикиб қўйди. Мен тезгина ўрнимдан туриб, болалар олдига бордим. Улар тутаб ётган гулхан теварагида маст уйқуда ётардилар. Фақатгина Павел уйғонди ва бир оз кўтарилиб, менга тикилиб қолди.

Мен бош силкиб у билан хайрлашдим ва ҳовури чиқиб турган дарё бўйлаб, ўз йўлимга жўнадим. Икки чақиримча юрмасимданоқ теварагимдаги кенг нам ўтлоққа, рўпарадаги бир ўрмондан иккинчи ўрмонгача чўзилган яшил тепаликларга, орқа тарафимдаги узун чанг йўлга, йилтиллаб турган қип-қизил буталарга, сийраклашаётган туман остидан уялиб мўралай бошлаган дарёга энди чиқиб келаётган қуёшнинг аввал оч-қизил, кейин қизил заррин шуълалари қуйила бошлади... Бутун табиат ҳаракатга келди, бирдан уйғонди, куйлаб юборди, янграб кетди, тилга кирди. Ҳамма ёқда йирик шудринг доналари олмосдай товланиб турарди; рўпарамдан бутхона қўнғироғининг товуши келди, бу товуш худди эрталабки салқин ва соф ҳаво орасини ёриб ўтгандай, мусаффо ва равон янграб эшитилди, шу пайт менга таниш бояги болалар дам олган йилқиларини ҳайдаб, ёнимдан от чоптириб ўтиб кетишди...

Афсуски, Павелнинг ўша йили ўлганини ҳикоя охирида айтиб ўтмоғим лозим. У сувга чўкиб эмас, отдан йиқилиб ўлди. Эсизгина, кўп яхши бола эди!

Мен тўрт ғилдиракли шалоқ аравада овдан келмоқда эдим, ёзги булутли куннинг диққинафас иссиқ ҳавосида беҳол мудрардим (маълумки, бундай кунларда, айниқса, шамолсиз пайтларда, иссиқ баъзан ҳаво очиқ кунлардагидан ҳам бадтар бўлади) ва ўзимни ғичирловчи ғилдираклар остидаги ўнқир-чўнқир йўлдан кўтарилаётган оқ чанг ихтиёрига топшириб, тебраниб ўтирар эдим, бироқ шу пайт кучеримнинг жуда безовталаниб, ташвишли ҳаракатлар қилаётганини пайқаб қолдим, ҳолбуки, у мендан ҳам қаттиқроқ мудраб келмоқда эди. У тизгинни тортқилар, ўтирган жойида безовта бўлиб типирчилар ва ҳадеб аллақаёққа қараб олиб отларга чух-чухлаб бақирар эди. Мен атрофга қарадим. Биз ҳайдаб қўйилган кенг сайхонликдаги йўлдан бормоқда эдик; ҳайдалган паст тепаликлар тўлқинлар оқими сингари сайхонлик томон ёйилиб тушган эди. Бу кимсасиз далада киши бор-йўғи беш чақиримча масофани кўра оларди: узоқдаги кичик-кичик қайинзорларнинг юмалоқ кунгираддор учларигина уфқнинг деярли теп-текис чизигини бузиб турарди. Далаларда чўзилиб ётган тор сўқмоқлар водийлар ичида кўздан ғойиб бўлар, тепалар ёнидан илон изидай буралиб борар эди, сўқмоқлардан бири йўлимизни беш юз қадамча нарида кесиб ўтар эди, шу сўқмоқда мен қандайдир енгил арава билан унинг орқасидан бир неча одам келаётганини кўрдим. Кучерим ҳадеб ана ўша томонга тикилаётган экан.

¹ Красивая Мечь — Орёл областининг шарқий қисмидаги бир дарё (Дон дарёсининг ирмоғи).

Бу дафн маросими эди. Олдинда, секин-секин юриб келаётган бир отлиқ аравада поп ўтирарди: отни унинг ёнидаги дьячок ҳайдарди: тўртта бош яланг мужик оқ сурпга ўралган тобутни арава орқасидан кўтариб келарди: тобут кетидан эса икки хотин келмоқда эди. Бирдан бу хотинлардан бирининг ишгичка полали ово-зи эшитилди: қулоқ солдим: у ули тортиб йиғларди. Бир хил мақомдаги умидсиз ва қайғули оҳангда тўлқинланиб эшитилаётган бу йиғи товуши кенг ва бефайз дала-лар қўйнида мунгли эшитиларди. Кучер улардан илгарироқ ўтиб олиш учун отларни чоптириб кетди. Йўлда ўликка дуч келиш — ёмон аломат дейдилар. Мотам маросими йўлга етиб олмасданоқ кучер ҳақиқатан ҳам отларни чоптириб олдинга ўтиб кетишга муваффақ бўлди; лекин юз қадамча нарига бормасимиздан арава-миз тўсатдан қаттиқ силкинди, бир томонга қийшайиб тўхтаб қолди, агнаб кетишига сал қолди. Кучер чопиб бораётган отларни тўхтатди, қўл силкиб зарда билан ерга туфлади.

— Нима бўлди? деб сўрадим.

Кучерим индамай жойидан секин тушди.

— Нима бўлди ахир?

Ўқ сипиб кетди... қўйиб кетибди,— деди у хафаланиб ва шатакчи отнинг абзалини шу қадар газаб билан тузатдики, от бир томонга агнаб кетай деди-ю, яна зўрға туриб қолди, пишқириб, гавдасини силкитди, сўнг олдинги оёғининг тиззасидан пастини тиши билан бамайлихотир қаший бошлади.

Мен аравадан тушиб, дилғашлик билан йўл устида бирмунча вақт туриб қолдим. Ўнг томондаги гилдирак араванинг тагига деярли қийшайиб кириб кетган эди ва гўё хафа бўлгандай гупчагини жимгина юқорига кўтариб турарди.

— Энди нима қиламиз?— деб сўрадим.

— Бунинг сабабчиси анави!— деди кучерим, энди-гина йўлга чиқиб олиб биз томонга келаётган аравани қамчиси билан кўрсатиб,— мен буни кўпдан сезиб юрдим,— деб давом этди у,— йўлда ўлик кўриш ҳақиқатан ёмон нарсанинг аломати. Ҳа.

Кучер шатак отни яна нуқа бошлади, от эса унинг бадфёллигини ва жаҳли чиққанини кўриб, қимирламай турар, ора-сира думини секингина силкитиб қўярди. Мен бир оз нари-бери юриб, яна гилдирак олдида тўхтадим.

Бу орада, ўлик кўтарганлар бизга етиб олди. Кўмиш маросимининг ғамгин қатнашчилари йўлдан ўтлоқ устига жимгина бурилиб, бирин-кетин аравамиз ёнидан ўтишди. Кучер иккаламиз бошимиздан шапкамизни олиб, попга салом бердик, тобут кўтариб кетаётганлар билан кўз уриштириб олдик. Улар қийналиб қадам ташлардилар: қаттиқ ҳансираб нафас олишларидан кенг кўкраклари кўпчиб чиқарди. Тобут орқасидан бораётган икки хотиннинг бири жуда қари, ранги бўздай оқариб кетган эди; унинг оғир кулфат туфайли бир ҳолатга тушиб қотиб қолган юзларида жиддий тантанали бир улуғворлик акс этиб турарди. У индамас, аҳён-аҳёнда чўпдек ориқ қўлини оғзига ботиб кетган юпка лабларига олиб борарди. Йигирма беш ёшлардаги иккинчи ёш хотиннинг кўзлари жиққа ёш ва қип-қизил юзлари йиғидан шишиб кетганди: у бизга яқинлашганида овози тинди, юзини енги билан бекитди... Лекин ўликни ёнимиздан олиб ўтиб кетиб, яна йўлга чиқиб олишгандан кейин, бу хотиннинг юракни эзадиган мунгли йиғиси яна эшитила бошлади. Кучерим бир мисрда лапанглаб бораётган тобут орқасидан жимгина қараб туриб, менга:

— Рябоволик дурадгор Мартинни кўмгани олиб кетишяпти,— деди.

— Қаёқдан билдинг?

— Хотинлардан танидим. Қариси онаси, ёши хотини.

— У касалмиди?

— Ҳа... иситма эди... бошқарувчи бундан уч кун илгари дўхтирга одам юборган эди, дўхтир уйда йўқ экан... Мартин яхши дурадгор эди: оз-моз ичиб турарди-ю, аммо яхши дурадгор эди. Хотини бояқишнинг куйиб йиғлаётганини қаранг-а... Ҳа, айтгандай, хотинлар йиғини пулга олишармиди, хотин кишининг кўз ёшиси нима-ю, ариқда оққан сув нима, барибир... Шундай.

Кучер шу гапларни айтиб туриб энгашиди, шатак отининг тизгини остига кирди-да, икки қўли билан дўғани маҳкам ушлади.

— Хўш, энди нима қиламиз?— дедим.

Кучерим тиззасини ўртадаги отнинг елкасига тираб туриб, дўғани бир-икки марта силкиди, эгарчани тўғрилади, кейин яна шатак отнинг тизгини остидан ўтаётиб, тумшугига бир туртиб, филдирак олдига келди-да, филдиракдан кўзини узмай, чакмони этаги тагидан астагина

тамакидонини олди, тамакидон қопқоғини тасмасидан ушлаб шошилмасдан очди, икки йўғон бармоғини тамакидонга суқди (ҳатто шу икки бармоғи ҳам тамакидонга зўрға сиғди), идишдаги бурнакини ҳафсала билан эзди, кейин бурнини қийшайтириб, бурнакини бир неча марта ҳузур қилиб ҳидлади ва узоқ инқиллаб, ёшланган кўзларини касал кишидек қисиб, пирпиратиб чуқур ўйга ботди.

— Хўш, энди нима қилмоқчисан?— дедим ниҳоят.

Кучерим тамакидонини эҳтиёт билан чўнтагига солди, бошини бир силкиш билан шляпасини қўл теккизмай қоши устига қўндирди-да, хаёл суриб аравадаги жойига чиқиб ўтирди.

— Нима қилмоқчисан?— деб сўрадим ундан ҳайрон бўлиб.

— Тақсир, аравага чиқинг,— деди у хотиржамлик билан ва тизгинни қўлига олди.

— Ахир қандай қилиб кетамиз?

— Кетаверамиз.

— Ўқ синган-ку

— Тақсир, аравага чиқинг...

— Ўқ синган-ку ахир...

Синишга-ку синган-а, лекин битта-битта юриб виселкига¹ етиб оламиз... Анови дарахтзор орқасида виселки бор; Юдин виселкиси деб аталади.

— Ўша ерга етиб оламиз деб ўйлайсанми?

Кучер саволимни жавобсиз қолдирди.

— Яхшиси мен пиёда бора қолай,— дедим.

— Ихтиёрингиз...

У шундай деди-да, қамчинни силкитди. Отлар юриб кетди.

Араванинг олдинги ўнг ғилдираги зўрға илиниб турганига ва жуда ғайри табиий вазиятда айланишига қарамай, биз ҳақиқатан ҳам виселкига етиб олдик. Бир тепалик жойда ғилдиракнинг учиб кетишига сал қолди: лекин кучерим жаҳл билан бир бақирди: шундан кейин биз тепаликдан эсон-омон тушиб олдик.

Юдин виселкиси олтита пастак ёғоч уйчадан иборат бўлиб, бу уйчалар яқинда қурилганга ўхшаса ҳам ҳо-

¹ Виселки — помешчикнинг буйруғи билан ўз қишлоқларидан бошқа жойга кўчирилган деҳқонлар томонидан қурилган кичкина қишлоқ.

зирданоқ бир томонга қийшайиб қолганди: ҳовлиларнинг баъзиларигина четан девор билан ўралган эди. Виселкига кириб борганимизда битта ҳам тирик жон учратмадик; кўчада ҳатто товуқ ҳам, ит ҳам кўринмас эди; бор-йўғи биттагина калта дум қора ит қоқ қуруқ ёғоч охур ичидан (чанқаганидан схурга тушган бўлса керак) шошганича сакраб чиқди-да, вовилламасдан зин-филлаганича қочиб дарвоза тагига кириб кетди. Мен биринчи уйга кирдим ва даҳлиз эшигини очиб, уй эгаларини чақирдим — ҳеч ким жавоб бермади. Яна чақирдим: ичкаридан оч мушукнинг миевлани эшитилди. Эшикни оёғим билан итариб очдим: ориқ бир мушук қоронғида яшил кўзларини чақнатиб ёнимдан лип этиб ўтиб кетди. Уй ичига бошимни тикиб қарадим: уй қоронғи, тутунга тўлган эди, у ерда ҳам ҳеч ким йўқ эди. Мен ҳовлига чиқдим. ҳовлида ҳам ҳеч ким кўринмади... Четан девор ёнида бузоқ маъради: кул ранг чўлоқ бир гоз қилтанглаб нарироққа кетди. Мен иккинчи уйга ўтдим — иккинчи уйда ҳам ҳеч бир жон кўринмади. Ҳовлига чиқдим...

Офтоб тушиб турган ҳовлининг қоқ ўртасида, жазирамада бир ўғил бола (менга шундай кўринди) бошини чакмон билан ёпиб, мукка тушиб ётар эди. Ундан бир неча қадам нарида сўлоғи чиқиб қолган арава ёнида, похол бостирма тагида абзаллари узук ориқ бир от турарди. Қуёш ёруғи эски похол бостирманинг майда тирқишлари орасидан ўтиб, отнинг қизғиш-малла рангли пахмоқ юнгига танга-танга бўлиб түшиб турарди. Худди шу ерда, юқоридаги қафасда майналар чуғурлашар, беҳадик қизиқиш билан баланд уйчаларидан пастга қараб-қараб қўяр эдилар. Мен ухлаб ётган бола олдига бориб, уни уйғота бошладим...

У бошини кўтарди, мени кўди-да, сапчиб ўрнидан турди... «Нима, нима дейсиз? Нима гап ўзи?» — деди у уйқусираб.

Мен унинг ташқи қиёфасига тикилиб хангу манг бўлиб колганимдан, саволига дарҳол жавоб қайтаролмадим. Сиз қорачадан келган, бир бурдагина юзи бурушган, қирра бурун, кичкинагина қора кўзли ва жингалак қалин қора сочлари олмадск митти бошчаси устида қўзиқорин қалпоғи сингари ёйилиб ётган эллик ёшлар чамасидаги пакана бир кишини тасаввур қилинг. Қаршимда шундай одам турарди. У ниҳоятда нимжон, ориқ

эди, унинг қараши шу қадар ғайри табиий ва ғалатки эдики, буни асло сўз билан тасвирлаб бўлмайди.

— Нима дейсиз?— деб сўради у яна мендан.

Мен унга воқеани тушунтирдим: у кўзларини пирпиратиб, менга тикилганча гапимни тинглади.

— Янги ўқ топа олмасмикинмиз?— дедим ниҳоят,— пулини бажонидил тўлаган бўлур эдим.

— Ўзларинг ким бўласизлар? Овчимиз?— деб сўради у менга бошдан-оёқ разм солиб чиқиб.

— Овчилармиз.

— Қиладиган ишингиз худонинг паррандаларини отиш, ўрмондаги ҳайвонларни қириш бўлса керак-да, а?.. Худонинг беозор қушчаларини отиб ўлдириш, бегуноҳ жониворларнинг қонини тўкиш гуноҳ эмасми ахир?

Бу ғалати чол сўзларни чўзиб-чўзиб гапирарди. Унинг овози ҳам мени ҳайратда қолдирди. Унинг овозида заифлик, кексаликдан асар йўқ эди, овози ниҳоятда ширали, тетик ва хотинлар овозидай майин эди.

— Менда тележка ўқи йўқ,— деб қўшиб қўйди у ва бир оз жим турганидан кейин,— мановиники тўғри келмайди,— деди тележканини кўрсатиб,— сизларнинг тележкангиз катта бўлса керак.

— Қишлоқдан топилмасмикин?

— Шу ҳам қишлоқ бўптими!.. Бу ерда ҳеч кимдан топиб бўлмайди... Ундан кейин, ҳозир ҳеч ким уйда йўқ: ҳамма ишда. Кетаверинг,— деди у тўсатдан ва яна жойига ётиб олди.

Мен гапнинг бундай тугашини сира кутмаган эдим.

— Менга қара чол,— дедим унинг елкасига қўлимни қўйиб,— бир ҳожатимизни чиқар, ёрдам бер.

— Йўлларингдан қолманглар! Мен чарчаганман: шаҳарга бориб келдим,— деди у ва чакмонини тортиб бошини буркаб олди.

— Ҳожат чиқарсанг-чи, ахир,— деб давом этдим,— мен... мен ҳақ тўлайман.

— Менга пулинг керак эмас.

— Кел энди, сендан илтимос қиламан...

У туриб, ингичка оёқларини чордана қилиб ўтирди.

— Мен сени ссечкага¹ олиб борсам ҳам бўлади. У ерда савдогарлар ўрмон сотиб олишган, дарахтларни қийратиб ётишибди, ҳаволалари худога, контора ҳам

¹ С с е ч к а—ўрмоннинг дарахтлари кесилган жойи. (Автор изоҳи.)

қуриб олинган, ҳаволатари худога. Сен ўша ерда ара-
вангга ўқ буюртирсанг ҳам, тайёрини сотиб олсанг ҳам
бўлади.

— Жуда соз!— дедим севиниб кетиб.— Жуда соз!..
Бўпти, борамиз.

— Эмандан қилинган, бақувват ўқ топишинг мум-
кин,— деб давом этди у, жойидан турмасдан.

— Ссечка узоқми?

— Уч чақирим.

— Хўп, бўпти! Биз сенинг, тележкангда бориб кела
қоламиз.

Ўўқ, бўлмайди...

— Хўп дей қол энди чол! Кучер бизни кўчада кутиб
турибди,— дедим.

Чол истар-истамас ўрнидан туриб, орқамдан кўчага
чиқди. Кучерим отларни суғормоқчи бўлибди-ю, лекин
қудуқнинг суви жуда камлигини ва бемазалигини кўриб
жиги-бийрони чиқиб турган экан, чулки кучерлар учун
энг муҳим нарсаси — сув... Аммо чолни кўриши биланоқ
кучерим илжайди, бошини қимирлатиб:

— Ҳа, Қасьянушка! Салом!— деди.

— Салом, одил Ерофей!— деб жавоб берди Қасьян
мунгли овоз билан.

Мен шу замониёқ кучерга чолнинг таклифини айтдим:
Ерофей розилик билдирди ва тележкани ҳовлига олиб
кирди. Ерофей отларни чаққонлик билан тележкадан
чиқариб бўлгунча чол дарвозага елкаси билан суяниб
гоҳ унга, гоҳ менга гамгин қараб турди. У ҳайрон бўл-
гандай кўринарди: чамамда, бизнинг тўсатдан келиб қо-
лишимиздан унча хурсанд эмас эди.

— Сени ҳам кўчириб келтиришдими?— деб сўради
Ерофей, отнинг бўйнидан дўғани олаётиб.

— Ҳа, мени ҳам.

— Эҳ!— деди кучерим ўкинч билан.— Биласанми,
дурадгор Мартин... Сен рябоволик Мартинни таний-
сан-а?

— Танийман.

— Ўлди у. Ҳозир тобутини олиб ўтишди.

Қасьян сесканиб кетди.

— Ўлди дейсанми?— деди у ва бошини қуйи солди.

— Ҳа, ўлди. Нега сен унинг касалини тузатма-
динг-а? Сени табиб, одамларни тузатади, деб айтиша-
ди-ку!

Афтидан, кучерим чолни мазах қилмоқда эди.

— Манови тележка сеникими?— деб қўшиб қўйди у, елкаси билан тележкага ишора қилиб.

— Меники.

— Бай-бай, заб тележка экан-да!— деди Ерофей ва тележкани шотисидан ушлаб туриб тўнтариб юбораёзди...— Шу ҳам тележка эмиш-а!.. Сизлар ссечкага нимада борасизлар?... Бу тележканинг шотисига бизнинг отлар сиғмайди: бизнинг отларимиз катта, шу ҳам шоти бўлибдими?

— Сизларнинг нимада боришларингни мен қаёқдан билай,— деб жавоб қайтарди Касьян ва,— балки манови жониворни қўшиб борарсизлар,— деб илова қилди хўрсиниб.

— Мана бунни айтаяпсанми?— деб сўради унинг сўзини бўлиб Ерофей ва Касьяннинг қирчанғи оти ёнига бориб, ўнг қўлининг ўрта бармоғи билан унинг бўйнига ижирганиб туртди.— Уни қара-я, ҳаром ўлгур ухлаб қолибди!— деб таъна аралаш қўшиб қўйди.

Мен Ерофейдан отни тезроқ тележкага қўшишни илтимос қилдим. Ссечкага Касьян билан ўзим бормоқчи бўлдим, чунки у ерда кўпинча қурлар бўлади. Тележка қўшиб бўлинди, мен тоби тоб ташлаган иўстлоқ тахталик тележкага итим билан бир амаллаб жойлашиб олдим, Касьян ҳам тележканинг бир четига гужанак бўлиб аввалгича маъюс ҳолда ўтирди, шу пайт Ерофей ёнимга келиб, сирли овоз билан менга пичирлади:

— Касьянни бирга олиб бориб яхши иш қияпсиз, отахон. У ғалати девонасифат одам, лақаби ҳам Бурга. Билмадим, сиз унинг гапларини қандай қилиб тушуна олдингиз экан...

Ҳозиргача Касьянни тамомила ақлли-ҳушли бир киши деб ўйлаганимни Ерофейга айтмоқ учун оғзимни энди жуфтлаганимда, кучерим менга навбат бермай гапини бояғи оҳангда давом эттирди:

— Лекин сиз эҳтиёт бўлинг, ҳалиги, тағин у сизни бошқа жойга олиб бориб қўймасин. Тележканинг ўқини ўзингиз танланг: каттароғини олинг... Менга қара Бурга,—деб қўшиб қўйди у баланд овоз билан,— сизларда нон топиладими?

— Ахтар, топилиб қолар,—деб жавоб берди Касьян, сўнгра тизгинни тортиб силкиди, биз жўнаб кетдик.

Унинг кичкина оти хийлагина яхши чолиб борди, бу ҳол мени ҳақиқатан ҳам ажаблантирди. Қасьян бутун йўл давомида чурқ этмай жимгина борди, саволларимга истар-истамас қисқа-қисқа жавоб берди. Кўп ўтмай, биз ссечкага етдик, конторага кирдик. Контора апил-тапил тўғон қуриб қўлга айлантирилган кичик бир жар тепасида ёлғиз қаққайиб турган баланд уй эди. Мен бу конторада савдогарнинг тишлари садафдай оқ, кўзлари ялтоқланиб боқадиган, ширин сўз, мулойим табассум қилиб турадиган иккита ёш приказчигини учратдим, улардан тележка ўқи сотиб олиб, ссечкага жўнадим. Қасьян от олдида қолиб мени кутиб турар, деб ўйлаган эдим, лекин у ёнимга келиб:

— Нима, қушчаларни отгани кетяпсанми, а?— деб сўраб қолди.

— Ҳа, учратсам отаман.

— Мен ҳам сен билан бораман... Майлими?

— Майли, майли.

Шундай қилиб, биз кетдик. Ўрмоннинг дарахтлар кесилган жойи бор-йўғи бир чақиримча келар экан. Ростини айтсам, мен итимдан кўра Қасьянга кўпроқ қарардим. Уни Бурга деб бежиз аташмаган экан. Унинг кичкинагина, қоп-қора яланг боши (шуниси ҳам борки, унинг сочи ҳар қандай шапканинг ўрнини боса оларди) буталар орасида лип-лип кўриниб қоларди. У жуда чаққон юрар, юриб кета туриб сакрагандай бўлар, тез-тез энгашар, аллақандай кўкатларни юлиб олиб қўйнига тикар, алланарсалар деб ғурунглар, менга ва итимга ҳадеб сарасоп солиб, галати қилиб қараб қўяр эди. Пастақ «майда-чуйда» буталар ва тўнкалар орасида кўпинча кичкина кул ранг қушчалар бўлади, улар тинмай дарахтдан дарахтга дикир-дикир сакрайди, учиб туриб хуштак чалгандай сайрайди-да, бирдан пастга шўнғийди. Қасьян уларнинг сайрашига ўхшатиб товуш чиқарарди: бир жўжа бедана унинг оёғи остида вит-витлаб учиб кетди,— Қасьян беданага ўхшаб вавақлаб сайради; бир тўрғай Қасьяннинг боши устида қанотларини пирпиратиб, янгроқ овоз билан сайраб пастлана бошлади,—Қасьян унинг сайрашига жўр бўлди. Мен билан эса у ҳамон сўзлашмасди...

Ҳаво жуда яхши, ҳатто аввалгидан ҳам яхшироқ эди; аммо иссиқ ҳамон пасаймасди. Тиниқ баланд осмонда баҳордаги кечки қор сингари, сарғиш-оқ рангли,

паства туширилган елканлар сингари ясси ва узунчоқ булутлар астагина сузиб юради. Уларнинг момикдай майин ва енгил нақшдор четлари ҳар лаҳзада секин, сезиларли даражада ўзгариб турарди: бу булутлар кичрайиб борар ва сояси тушмас эди. Касьян иккаламиз ссечкада анча вақт юрдик. Қора бақалоқ тўнгаларни уларнинг ёнида ўсиб чиққан ва ҳали бўйи бир газдан ошмаган ингичка, силлиқ ёш новдалар ўраб турарди; тўнгаларга кул ранг ҳошияли думалоқ жигарсимон қовуқлар, яъни қайнатиб сариқ бўёқ олинадиган замбуруғлар ёпишиб олганди: замбуруғлар устида ер тутининг пушти поячалари ёйилиб ётарди; шу ернинг ўзида қўзиқоринлар тўп-тўп бўлиб турарди. Қуёшда қизиган узун кўкатлар ҳадеб оёққа ўралишарди; ҳамма ерда ниҳолларнинг қизғиш ёш япроқлари тангасимон йилтиллаб, кўзни қамаштирар эди; ҳамма ерда турна нўхатнинг ҳаво ранг шодалари, айиқтовоннинг олтин косачалари, ярми бинафша ранг, ярми сап-сариқ Иванда-Марья гуллари кўринарди; кўпдан бери ҳеч ким қатнамагани учун арава изларини майда қизил ўт босиб кетган йўл ёқасида шамол ва ёмғирдан қорайган, саржини қилиб қўйилган ўтин ғарамлари ётарди; уларнинг хира сояси ерга тўрт бурчак шаклда тушиб турарди, бошқа ҳеч бир жойда соя кўринмасди. Енгил шабада гоҳ эсиб, гоҳ яна тинарди; у бирдан кучайгандай юзга келиб уриларди, ҳамма нарса шитирлаб кетар, атрофдаги буталар, ниҳоллар ҳаракатга келар, отқулоқларнинг нозик учлари чиройли тебранади, шунда кўнглинг гўлдай очилиб кетарди... лекин шу пайт шабада яна тўхтар ва ҳамма ёқ яна жимжит бўлиб қоларди. Фақат чигирткаларгина аччиқлари чиққандай тўхтовсиз чирилларди — тўхтовсиз эшитилган, кўнглини беҳузур қиладиган бу хунук товуш кишини жуда чарчатарди. Бу товуш тушки жазирама иссиқ қўйнига кириб борарди: у худди шу жазирама иссиқдан пайдо бўлгандай, уни чўгдек қизиган ер бағридан худди ана шу жазирама иссиқ олиб чиқаётгандай туюларди.

Бирон жойда учирма бўлаётган қушчаларни кўрмай, ахийри янги ссечкага етиб келдик. У ерда яқиндагина кесилган тоғ тераклар ўт-ўланни ва майда буталарни босиб пайхон қилиб, аянчли чўзилиб ётарди, баъзи теракларнинг барглари ҳали яшил бўлса-да, лекин сўлиган, ҳаракатсиз шохчаларда шалпайиб осилиб турарди; бош-

қаларининг япроқлари эса қуриб, қовжираб қолганди. Ёрқин нам тўнгалар ёпида уйилиб ётган заррин-оқ тусдаги янги пайраҳалардан ажойиб, ниҳоятда ёқимли, нордон ҳид келарди. Узоқдан, дарахтзор яқинидан болталарнинг тақиллагани эшитилар ва дам-бадам жингалак шохли дарахт қулочлани ёзиб салом бераётгандай салмоқ билан аста-секин ерга ағанарди...

Узоқ вақтгача ҳеч қандай паррандани учратмадим; ниҳоят, бошдан-оёқ эрман қоплаб ётган қалин эманзордан қизилюёқ учиб чиқди. Мен отдим; у осмонда бир думалоқ ошиб ерга тушди. Қасьян миллиқ овозини эшитган ҳамона юзини бир қўли билан бекитди ва миллиқни ўқлаб қизилюёқни ердап кўтариб олгушимча жойидан қимирламай тураверди. Мен нарироқ кетганимда Қасьян қуш тушган жойга келди, қушнинг бир неча томчи қони сачраган кўкат устига энгашиб бош чайқади-да, менга қўрқибгина қаради. Мен унинг «Гу-ноҳ! Аттанг, бу гуноҳ иш бўлди!»—деб пичирлаганини эшитдим.

Ниҳоят, жазирама иссиқ бизни дарахтзор ичига киришга мажбур этди. Мен енгил, чиройли шохлар ёйилиб ётган, тикка ўсган ёш заранг дарахти остидаги бир туп баланд ўрмон ёнгоғи тагига ётдим. Қасьян кесилган қайиннинг йўғон учига бориб ўтирди. Мен унга қарадим. Юқорида дарахт япроқлари аста тебраниб турар, уларнинг олачалоқ хира соялари Қасьяннинг қора чакмони зўрға бекитиб турган нимжон гавдаси устида, кичкина юзида оҳистагина нари-бери бориб, қалқиб турарди. У бошини кўтармас эди. Қасьяннинг хомушлигидан зерикиб, чалқанча тушиб ётдим ва баланд осмон қўйнидаги бир-бирига чирмашиб кетган япроқларнинг беозор ўйинларини томоша қила бошладим. Ўрмонда чалқанча тушиб, осмонга қараб ётишнинг жуда ҳам гашти бор-да! Сиз ўзингизни тубсиз денгизга қараб ётгандай ҳис қиласиз, сизга бу денгиз гўё остингизда кенг ёйилиб тургандай, дарахтлар ердан баландга кўтарилмай, балки, азамат ўсимликларнинг илдизлари сингари, ўша ойнадек тиниқ тўлқинларга юқоридан тик тушиб келаётгандай туюлади; дарахт япроқларининг ораси очилиб гоҳ зумрад осмон кўриниб қолар, гоҳ бу япроқлар қалинлашиб, олтинсимон қорамтир яшил тусга кирар эди. Узоқ-узоқда, ингичка шохчанинг учгинасида тиниқ ос-

моннинг бир парча мовий қисмида биттагина япроқча ҳаракатсиз турибди, унинг ёнида худди сувда шапирлаётган балиққа ўхшаб бошқа бир япроқча товланиб типирчилайди, гўё у шамолдан эмас, балки ўз-ўзидан тебранаётгандай кўринади. Оқ юмалоқ булут парчалари сеҳрли сув ости ороллари сингари секин сузиб келиб, тепадан астагина ўтиб кетмоқда — шу пайт бирдан мана шу денгиз, шу нурафшон ҳаво, офтобда ярқираган ана шу шох ва япроқларнинг ҳаммаси порлаб кетади, ялтиллаб жилва қилади, тўсатдан ёпирилиб келган тўлқинларнинг тинмай чилпиллаган товуши сингари ёқимли дирилловчи садо пайдо бўлади. Сиз қимирламай томоша қилиб ётасиз: шунда кўнглингиз нақадар шодланиб кетишини, нақадар ором олиши ва ҳузур қилишини таърифлашга тил ожиз. Ана шу ҳолда қараб турсангиз, бу чуқур ва тоза осмон дудоқларингизда худди ўзи сингари, осмондаги оқ булутлар каби пок, маъсум бир табасум уйғотади, шу вақтда хаёлингиздан шу оқ булутлар билан бирга энг порлоқ хотиралар бирин-кетин тизилиб ўтгандай бўлади, сиз тобора узоқларни кўраётгандай ва ўзингизни бутун вужудингиз билан ўша тинч, порлаб турган бепоён бўшлиқ ичига кириб бораётгандай ҳис қиласиз, бу чексиз осмон гумбазидан, бу тагсиз чуқурликдан кўзингизни ололмайсиз...

— Тўра, ҳой тўра!— деди Қасьян беҳосдап ўзининг жарангловчи овози билан.

Мен ажабланиб туриб ўтирдим: саволларимга ҳозиргача зўрға жавоб бериб келаётган Қасьян энди бирдан тилга кирган эди.

— Нима дейсан?— деб сўрадим.

— Сен шу қушчани нимага ўлдирдинг-а?— деб сўз бошлади у, кўзимга тик қараб.

— Нимага бўларди?.. Қизилоёқ — парранда: унинг гўштини еса бўлади.

— Йўқ, тўра, сен уни гўштини ейиш учун ўлдирганинг йўқ! Уни эрмакка ўлдирдинг.

— Ўзинг ҳам ахир, масалан, ўрдак ёки товуқ гўштини есанг керак?

— Ўрдак билан товуқни худо одамлар есин деб яратган, қизилоёқ эса — ҳур қуш, ўрмонда учиб юрадиган эркин қуш. Фақат угина эмас: ўрмонда бундай паррандалар жуда кўп, бир хили далада, бир хили дарёда, бир хили ботқоқда, бир хили ўтлоқда яшайди. Баланд-

да яшайдигани ҳам, пастда яшайдигани ҳам бор, уни ўлдириш гуноҳ, уни ўз ҳолига қўйиб бериш керак, токи у ризқ-рўзиси битгунча дунёда юрсин... Одамзод учун бошқа таом буюрилган: унинг ейиши ҳам, ичиши ҳам бошқа: худонинг инояти бўлмиш нон билан обирахмат, кейин, қадимги ота-боболаримиздан қолган хонаки жониворлар.

Мен Қасьянга ажабланиб қарадим. Унинг гаплари равон қўйилиб чиқмоқда эди; у сўз қидирмасди, гоҳ кўзларини юмиб баланд руҳ ва камтарона ғурур билан гапирарди.

— Демак, сенинг фикрингча, балиқ овлаш ҳам гуноҳ бўлар экан-да?— деб сўрадим.

— Балиқнинг қони совуқ,—деб ишонч билан эътироз билдирди у,— балиқ гунг махлуқ. У қўрқишни ҳам, вақтичоғлик қилишни ҳам билмайди; балиқ тилсиз махлуқ. Балиқ ҳеч нарсани сезмайди, қони ҳам ўлик... Қон,—деб давом этди у, бир оз жим тургандан кейин,— қон муқаддас нарса! Қон офтоб юзини кўрмайди, қон ёруғдан қочади... қонни ёруғ дунёга кўрсатиш гуноҳи азим бўлади, ҳам гуноҳи азим, ҳам даҳшат... Оҳ, гуноҳи азим!

У уҳ тортиб, бошини қуйи солди. Иқроор бўлишим керакки, мен бу ғалати чолга ғоят таажжуб билан қараб қолдим. Унинг гаплари оддий деҳқоннинг гапига ўхшамасди: авом халқ бунақа гапирмайди, маҳмаданалар ҳам бунақа гапиришмайди. Бу гаплар пухта ўйлаб айтилган дабдабали ва ажиб гаплар... Мен бундай гапларни ҳеч эшитмаган эдим.

— Айт-чи, Қасьян,—деб сўз бошладим, унинг салгина қизарган юзларидан кўзимни олмай,— касби-коринг нима?

У саволимга дарров жавоб қайтармади. Кўзларини бир зум жовдиратиб турди-да:

— Худонинг даргоҳида ғимирлаб юрибман-да,—деди,— касби-коримни сўрасангиз, ҳеч нарса билан шуғулланмайман. Жуда бефаросатман, ёшлигимдан шунақа; кучим етганча ишлайман, лекин ўзим нопуд одамман... Менга йўл бўлсин! Соғлиғимнинг мазаси йўқ, қўлимда ҳунарим ҳам йўқ. Қиладиган ишим баҳорда булбул овлаш.

— Булбул овлайсанми? Бўлмаса нима учун сен ҳар турли ўрмон, дала махлуқларига ва ҳоказоларга озор бериш яхши эмас, деб айтдинг?

— Уларни ўлдирмаслик керак, бу тўғри; вақт-соати келганда ажал сенсиз ҳам олиб кетади. Мана, лоақал дурадгор Мартинни мисолга олайлик; дурадгор Мартин соппа-соғ юрган эди, аммо унча кўп яшамади, ўлди кетди, энди хотини эри деб, ёш болалари деб қайғуриб адою тамом бўляпти... Ажални ҳеч бир одам ҳам, ҳеч бир махлуқ ҳам алдай олмайди. Ажал қувлаб келмайди, аммо ундан қочиб қутулиб ҳам бўлмайди, лекин ажалга кўмаклашиш керак эмас... Мен булбулларни ўлдирмайман, худо сақласин! Уларни азоблаш, қийнаш учун эмас, уларни жопидан жудо қилиш учун эмас, балки одамларнинг кўнгил очиши, хурсандчилик қилиб юганиши учун овлайман.

— Сен булбул овлаш учун Курск томонларга ҳам бориб турасанми?

— Кези келганда Курск томонларга ҳам, ундан на-рига ҳам бораман. Ботқоқликларда, ўрмонда тунайман, далада, хилват жойларда якка ўзим ётиб қоламан; бир томондан лойхўракларнинг сайрагани, бошқа ёқдан ёввойи қуёнларнинг овози, яна бошқа бир томондан эркак ўрдакларнинг ғақ-ғақлагани эшитилади... Кечқурун-лари қаердалигини билиб оламан, саҳарда қулоқ соламан, тонг пайтларида эса дарахтларга, буталарга тўр ёйман... Баъзи булбуллар шу қадар зорланиб, ёқимли сайрайдики... ҳатто юракни эзиб юборади.

— Кейин булбуллариингни сотасанми?

— Яхши одамларга бераман.

— Сен яна нима иш қиласан?

— Яъни нима?

— Қандай иш билан шуғулланасан демоқчиман.

Чол бир оз жим қолди.

— Мен ҳеч нарса билан шуғулланмайман... Мен пошуд одамман. Аммо бир оз саводим бор:

— Саводлимисан?

— Хат-саводим бор. Аввало худо ва қолаверса яхши кишилар савод чиқаришимга ёрдам беришди.

— Бола-чақанг борми?

— Шу йўқ-да.

— Нега? Ўлиб кетишганми?

— Йўқ, ўзи шундай: омадим юрмади. Бу ишларнинг ҳаммаси худодан, ҳаммамиз худонинг бандаларимиз, лекин одам ҳаққоний, тўғри бўлиши керак — гап шунда! Тўғрилиқ худога хуш келади.

— Қариндош-уруғларинг ҳам йўқми?

— Бор... лекин... ҳалиги...

Чол нима дейишини билмай қолди.

— Қани, айт-чи,— деб бошладим мен,—кучеримнинг сендан нима учун Мартинни даволамадинг деб сўраганини эшитгандай бўлувдим. Сен одамларни даволашни ҳам биласанми?

— Кучеринг адолатли одам,— деб жавоб берди Касьян ўйчанлик билан,— аммо у ҳам гуноҳдан холи эмас. Мени табиб деб аташади-я. Нима табиб бўлибди... дардга ким даво топа оларди? Ҳаммаси худодан. Ҳа, айтгандай... касални тузатишга ёрдам берадиган гиёҳлар, чечаклар бор, чиндан ҳам фойда беради. Чунончи, череда¹ни мисолга олайлик, унинг одамга нафъи бор; баргизуб ҳам шунақа, бу гиёҳлар тўғрисида гапириб айб эмас: улар покиза, шифобахш ўтлар. Бошқалари эса бунақа эмас: шифо берса ҳам, лекин истеъмол қилиш гуноҳ бўлади; уларни тилга олиш ҳам гуноҳ. Уларни дуо ўқиб тилга олса, балки... Ҳа, албатта... шундай дуо сўзлари бор... Хуллас, худога ишонган киши нажот топади,— деб қўшиб қўйди у секингина.

— Сен Мартинга ҳеч қандай дори бермаганмидинг?— деб сўрадим.

— Кеч билиб қолдим,— деб жавоб берди чол.— Берганимда нима бўларди. Ҳар ким пешонасидагини кўради. Дурадгор Мартиннинг жойи бу дунё эмас эди. Ҳа, бу дунё эмас эди: ҳақ гап. Қазоси яқин кишини қуёш бошқаларини иситгандай иситмайди, овқати ҳазм бўлмайди, худди уни биров чақираётгандай бўлади. Ҳа, ишқилиб, илоё, жойи жаннатда бўлсин!

— Сизларни биз томонга кўчиришганига кўп бўлди-ми?— деб сўрадим бир оз жимликдан кейин.

Касьян бир сесканиб кетди.

— Йўқ, яқинда: тўрт йилча бўлди. Қари барин тириклигида ҳаммамиз азалги жойимизда яшардик, васий бўлган хўжайинимиз кейин бизни кўчириб юборди. Аввалги баринимиз раҳмдил, ювош одам эди, илоҳи жойи жаннатда бўлсин! Лекин, албатта, янги хўжайин тўғри иш қилди: афтидан, шу нарса маъқул топилган бўлса керак.

— Сизлар илгари қаерда яшардиларинг?

¹ Ботқоқликда ўсадиган сариқ гулли ўт.

— Биз Красивая Мечликмиз.
— Красивая Мечь бу ердан узоқми?
— Юз чақиримча келади.
— Хўш, у ер яхшимиди?
— Яхши... яхши... Бизнинг у маконимиз бағри кенг, дарёлик жойлар; бу ер эса тор, қуруқлик... Бу ерда бамисоли етим бўлиб қолдик. Бизнинг жойларда, Красивая Мечда тепаликка чиқиб, атрофга қарасанг, ё худо, тушимми-ўнгимми бу?— деб гўзаллигига ҳайрон қоласан... Дарёси ҳам, ўтлоқлари ҳам, ўрмони ҳам кафтдек кўриниб туради; бир томонда черков, ундан нарида яна ўтлоқ бошланади. Узоқ-узоқлар кўринади. Қарайвериб-қарайвериб сира тўймайсан — ажойиб манзара! Бу ернинг эса тупроғи яхши: қумоқ тупроқ, қумоқ тупроқ яхши деб айтишади деҳқонлар; менга қолса, ҳамма жойда ҳам ғалла унаверади, дейман.

— Ростини айтгин-чи, чол, туғилиб ўсган жойларинг-ни соғинаётган бўлсанг керак-а?

— Ҳа, соғиняпман. Лекин ҳамма жой ҳам яхши. Мен сўққабош, қўнимсиз бир кишиман. Хўш, бунинг нимаси ёмон! Барибир ҳеч ёққа чиқмай уйда узоқ вақт ўтириб бўлармиди? Бошинг оққан томонга қараб бораверсанг, бораверсанг.— деб баландроқ овоз билан гапирар кетди у,— кўнглинг гулдай очилиб кетади. Сенга қуёш ҳам кулиб боқади, сени худо ҳам яхшироқ кўриб туради. кўшиқларинг ҳам яхши чиқади. Атрофингда ажойиб кўкатлар ўсиб ётганини кўрасан; кўзингга ёққанини узиб оласан. Бир жойда, масалан, булоқ суви, табаррук сув жилдираб туради; уни кўриб қолсанг, роҳатланиб, чанқовингни бостирасан. Фалак қушлари сайраб туради... Курскдан кейин чўллар, жуда чиройли саҳролар бошланади, шундай ажойиб, одамнинг баҳри очиладиган шундай бепоён, шундай оромбахш, соз жойларки, асти қўяверасиз. Одамларнинг айтишига қараганда, бу чўллардан бораверсанг, охири иссиқ мамлакатларга етар экансан, бу мамлакатларда хушовоз қуш Ҳумоюн¹ яшар экан, у ердаги дарахтларнинг барги қишда ҳам, кузда ҳам тўкилмас экан, кумуш шохларида олтин олмалар пишиб турар экан, у ерда ҳамма одамлар маъмурчиликда адолат билан яйраб-яшнаб яшар экан... Менга қолса ўша ерга борган бўлар эдим... Мен

¹ Ҳумоюн — диний афсоналарда айтилишича, жаннат қуши.

озмунча жойларга бордимми! Рэмёнга ҳам бордим, Син-бирскка ҳам бордим, кўп яхши шаҳар экан, олтин гум-базли Москванинг ўзигача ҳам бордим; ризқ берувчи Окага борганман, гўзал Цнага ҳам, Она-Волгага ҳам борганман, жуда кўп кишиларни, меҳрибон хрестьянларни кўрганман, табаррук шаҳарларда ҳам бўлганман... Мана мен яна ўша ёқларга боргим келади... Аммо... ҳалиги... Фақат мен осий бандагина эмас... балки бошқа жуда кўп хрестьянлар ҳам жулдур кийимларда дунё кезиб, ҳақиқат излаб юришибди... ҳа!.. Хўш, уйда ўтираве-ришдан нима фойда бор-а? Одамларда инсоф йўқ, гап ана шунда...

Касьян бу сўнгги сўзларини эшитилар-эшитилмас қилиб, тез айтди: сўнгга яна алланарса деди, лекин мен эшита олмадим, унинг афт-башараси шу қадар ғалати бўлиб кетдики, «демона» деган номи беихтиёр эсимга тушди. У ерга қаради, йўталиб олди ва яна ўзига келгандай бўлди.

— Қуёшни қаранг-а!— деди у секингина,— мунча ҳам ҳузури жон бўлибди-я! Ўрмон қандай роҳатбахш-а!

У елкасини учирди, бир оз жим ўтирди, паришонхотирлик билан қараб туриб, секин қўшиқ айта бошлади. Унинг чўзиб айтган қўшиғидаги сўзларнинг ҳаммасини илғаб ололмадим; қуйидаги сўзлари қулоғимга чалинди.

Отим менинг Касьяндир,
Лақабим Бурга...

— «Э-ҳа! У қўшиқ тўқияпти-ку...» деб ўйладим. У бирдан сесканди-да, ўрмоннинг қалин жойига тикилганча жим қолди. Мен ўгирилиб қарадим ва эгнига кўк сарафанча кийган, бошига катак рўмол ўраган ва офтобда қорайган яланғоч билагига сават илиб олган саккиз ёшлар чамасидаги кичкина бир деҳқон қизини кўрдим. Афтидан, у бизни учратишни сира кутмаган ва бизга тўсатдан рўбарў келиб қолганидан, кўм-кўк ёнғоқзорда, серсоя бир ўтзор жойда менга қора кўзларини тикиб ҳадиксираб қараб турди. Мен уни аранг кўриб қолдим: у дарров дарахт орқасига бекиниб олди.

— Аннушка! Аннушка! Бу ёққа кел, қўрқма,— деб қичқирди чол меҳрибонлик билан.

— Қўрқаман,— деди қиз чийиллаб.

— Қўрқма, қўрқма, менинг олдимга кел.

Аннушка ўзининг пистирмасини жимгина тарк этиб,

секингина атрофдан айланиб ўтди,— кичкина нозик оёқчаларининг қалин кўкатлар устида шипиллагани зўрға эшитиларди,— ва кўкаламзор ичидан юриб келиб чолнинг ёнгинасидан чиқди. Бу қизнинг паст бўйлилигидан уни бошда саккиз ёшларда бўлса керак деб ўйлаган эдим, лекин у саккиз яшар эмас, балки ўн уч ёки ўн тўрт ёшларга борган қиз экан. У жуссаси кичик ва ориқ бўлса ҳам, ниҳоятда келишган ва чаққон эди. Қасьян чиройли киши бўлмаса ҳам, қизнинг гўзал чеҳраси Қасьяннинг башарасига ҳайрон қоларли даражада ўхшарди. Қизнинг юз қиёфалари ҳам худди Қасьянникига ўхшарди, кўз қарашлари ҳам худди Қасьянникидек ғалати, муғомбирона, содда, ўйчан ва туйгун эди, ҳаракатлари ҳам ўхшаб кетарди... Қасьян унга кўз югуртириб чиқди: у Қасьянга ён томони билан турарди.

— Нима, қўзиқорин тердингми?— сўради у.

— Ҳа, қўзиқорин,— деб жавоб берди қиз ийманиб кулимсираб.

— Анча топдингми?

— Анча. (У тезгина Қасьянга қараб олди-да, яна кулимсиради.)

— Оқлари ҳам борми?

— Оқлари ҳам бор.

— Қани-қани, кўрсат-чи, кўрсат-чи... (Аннушка қўлидаги саватни ерга қўйди ва қўзиқорин устига ёпиб қўйган катта отқулоқ баргини бир оз кўтарди.) Оҳо!— деди Қасьян саватга энганиб қараб,— мунча чиройли! Балли, Аннушка!

— Қасьян, бу сенинг қизингми дейман?— деб сўрадим. (Аннушканинг юзи сал қизарди.)

— Йўқ, шундай, қариндошим,— деди Қасьян ясама бепарволик билан.— Аннушка, энди бор,— деб қўшиб қўйди у дарров,— боравер. Аммо эҳтиёт бўлгин-а...

— Пиёда бориб нима қилади!— деб Қасьяннинг сўзини бўлдим.— Биз уни аравада олиб кетсак бўлади-ку...

Аннушка лоладай қизариб кетди, иккала қўли билан саватнинг чилвиридан ушлаб, чолга қўрқиброқ қараб қўйди.

— Ҳожати йўқ, ўзи етиб олади,— деб эътироз билдирди Қасьян боягидай бепарво, хушёқмаслик билан.— Унга нима... Шундай ҳам кетаверади... Бор.

Аннушка лип этиб ўрмонга кириб кетди. Қасьян унинг орқасидан қараб қолди, кейин бошини қўйи солиб

жилмайиб ўтирди. Ўзоқ давом этган бу жилмайишда, унинг Аннушкага айтган бир-икки оғиз сўзида, унга гапирган чоғидаги овозининг оҳангида таъриф қилиб бўлмайдиган ҳароратли муҳаббат ва меҳрибонлик ҳислари бор эди. Қасьян қиз кетган томонга яна қараб қўйди, яна кулимсеради ва юзини силаб туриб, бошини бир неча марта тебратиб қўйди.

— Сен уни нега дарров жўнатиб юбординг?— деб сўрадим Қасьяндан.— Мен унинг қўзиқоринларини сотиб олган бўлур эдим...

— Сиз хоҳласангиз қўзиқоринини уйда ҳам сотиб ола берасиз,— деб жавоб берди у, биринчи марта «сиз» сираб.

— Аннушканг кўҳликкина экан.

— Йўғ-ей... қаёқда... шунчайики бир...— деб истаристамас жавоб қайтарди у ва шу ондан бошлаб аввалги дамдузлигига ўтиб олди.

Қасьянни яна гапиртириш учун қилган барча уринишларим натижа бермаганидан кейин ссечкага жўнадим. Бу орада ҳавонинг тафти ҳам бир оз пасайган эди; лекин муваффақиятсизлигим, бизнинг томонларда айтишларича, омадсизлигим давом этди, шунинг учун мен битта қизилоёқ ва янги арава ўқи билан виселкига қайтиб келдим. Ҳовлига яқинлашганимизда Қасьян тўсатдан менга ўғирилди.

— Тўра, ҳой тўра,— деди у,— сенинг олдингда айбдорман, паррандаларни сендан мен қочириб юбордим.

— Қандай қилиб?

— Бу ёғини ўзим биламан. Итинг ўргатилган яхши ит бўлса ҳам ҳеч нарса қилолмади. Ўйлаб кўрсанг, одамнинг қўлидан нималар келмайди-я? Мана, бу ҳайвонни кўр, аммо одам уни қай қўйга солмади дейсан?

Паррандаларни «сеҳрлаб қўйиш» мумкин эмаслигига Қасьянни ишонтиришга уринишим фойдасиз бўлар эди, шунинг учун унга индамай қўя қолдим. Шу орада биз дарвозага кириб бордик.

Уйда Аннушка йўқ эди; у аллақачон келиб, қўзиқоринларни савати билан қолдириб чиқиб кетган экан. Ерофей янги ўқни аввал ноҳақ роса ёмонлади, кейин тележкага ўрнатди, мен бир соатдан кейин Қасьянга бир оз пул бериб, тележкада жўнаб кетдим. Қасьян аввалига пулимни олмади, кейин эса, бир оз ўйланиб, пулни каф-

гида тутиб туриб, қўйнига солди. Шу вақт ичида унинг оғзидан битта ҳам сўз чиқмади; у аввалгича дарвозага суяниб турди, кучеримнинг таъналарига жавоб қайтармади, мен билан ниҳоятда совуқ хайрлашди.

Ссечкадан қайтиб келган заҳотим Ерофейнинг яна таъби тирриқ бўлиб ўтирганини кўрдим... Ҳақиқатан ҳам у қишлоқдан ҳеч қандай егулик тополмабди, от суғориладиган жой ёмон экан. Биз қишлоқдан жўнаб кетдик. Ерофей тележкада ўз ўрнида аччиғланиб ўтирарди, аччиғи чиққани ҳатто энсасидан билиниб турарди. У мен билан гаплашишни жуда хоҳласа-да, лекин биринчи саволимни кутиб, отларга секингина дўнғиллаб қўйиш ва насиҳатомуз, баъзан эса аччиқ гаплар айтиш билан кифояланар эди. «Қишлоқ!— деб ғўнғиллади у,— тагин бу қишлоқ эмиш-а! Сўраб-сўраб ҳатто квас ҳам тополмадим... Эй тавба-ей! Сувини қара-я — оғизга олишга жирканади одам. (У туфлади.) На бодринг топилади, на квас — ҳеч вақо йўқ. Ҳа, ҳаром ўлгур,— деб қўшиб қўйди у баланд овоз билан ўнг томондаги отга,— сен айёрни биламан! Муғомбирлик қилишни яхши кўрасан-а... (Шу гапларни айтиб туриб, отга қамчи урди.) От ўлгудек айёр бўлиб қолибди-да, илгари қандай қобил эди-ю... Чуқс. қўзингга қара!..»

— Қани, айт-чи, Ерофей,— дедим мен,— Касьян қанақа одам ўзи?

Ерофей саволимга дарров жавоб қайтармади, чунки у умуман мулоҳаза билан, шошмасдан гапирадиган киши эди; лекин унинг саволимдан хурсанд бўлганини ва жаҳлидан тушганини шу замониёқ пайқадим.

— Бургани айтаяпсизми?— деди у, ниҳоят, тизгинни бир силтаб қўйиб.— Қизиқ одам: қип-қизил девона, бунақа қизиқ одамни топиш осон эмас; у бизнинг манови саман отнинг худди ўзгинаси: ишга бўйни ёри бермайди... иш ёқмас. Зўрга қилтиллаб юрибди, шу ҳоли билан қандай қилиб ишга ярасин. Лекин, ҳар ҳолда... У кичкина-лигидан шунақа. Дастлаб у амакилари билан киракашлик қилди,— унинг уч от қўшиладиган араваси бор эди, кейин эса, зерикиб қолди шекилли,— киракашликни йиғиштириб қўйди. Уйда яшай бошлади, аммо уйида ҳам тинч ўтиролмади, у ана шунақа тинчимас одам,— худди бурганинг ўзи. Унга яхши бир хўжайин тўғри келиб қолиб, уни ўз раъйига қўйиб берди, барака топкур. Шундан буён у ҳар ёқларда саланглаб юргани-юрган. Ўзи

жуда галати одам-да, ҳеч бир тушуниб бўлмайдн: бир қарасангиз, оғзига сув солиб олгандай бўлади, ундан садо ҳам чиқмайди, бир қарасангиз, бирдан гапга тушиб кетади,— аммо нималар деганини худонинг ўзи билади. Шу ҳам қилиқми? Қилиқ эмас. Ғирт аҳмоқ одам. Аммо ашулани жуда яхши айтади. Бонлайди, чакки айтмайди, чакки айтмайди.

— Нима, у ҳақиқатан ҳам касалларни даволайдими?

— Бе, қаёқда!.. Йўл бўлсин унга. У ана шунақанги одам. Аммо у мени сариқ касалдан тузатган. Даволаш унга йўл бўлсин! У ғирт аҳмоқ одам,— деб қўшиб қўйди Ерофей.

— Сен уни кўпдан танийсанми?

— Кўпдан танийман. Биз Красивая Мечь бўйидаги Сичовка қишлоғида қўшни эдик.

— Биз ўрмонда кўрган қиз Аннушка унга қариндош бўладими?

Ерофей менга елкаси оша қаради-да, оғзининг таноби қочиб илжайди.

— Ҳе!.. ҳа қариндоши. У етим қиз: унинг онаси йўқ, қолаверса онаси кимлиги ҳам маълум эмас. Лекин, қариндош бўлса керак: у Қасьянга жуда ўхшаб кетади... Қасьянникида туради. Чакки қиз эмас, дуруст қиз, яхши қиз, шунинг учун чол уни жонидан севади; яхши қиз. Ҳа, айтгандай, у, мен сизга айтсам, ҳали ишонмассиз, дарвоқе, у ўз Аннушкасини хат-саводли қилиш хаёлига тушиб қолиши ҳам мумкин. Азбаройи худо, бу иш унинг қўлидан келади; у шунақанги аломат одам. Жуда ҳам бетайин, ҳатто бир қайнови ичида... Э-э-э!— деб кучерим бирдан ўзининг гапини ўзи бўлди, отларни тўхтатди-да, ён томонига энгашиб, ҳавони искай бошлади.— Куйик ҳиди келяптими дейман-а? Ҳа худди айтганим! Шу ҳам янги ўқ бўлибди-ю. Қандай қуюқ қилиб мойлаган эдим-а... Бир оз сув топиб келсаммикан-а: ана, ҳовузча ҳам бор экан.

Шундан кейин Ерофей жойидан секин пастга тушди, пақирчасини ечиб олди, ҳовуздан сув келтириб, тележка ўқининг втулкасига сепди, сув тегиши билан втулка вижиллаб кетди. Ерофей вижиллаган товушни завқ билан тинглади. У ўн чақиримча йўл босиб ўтгунча қизиб кетган ўққа беш-олти марта сув сепди, биз уйга қайтиб келганимизда жуда кеч кириб қолган эди.

Менинг имениемдан ўн беш чақиримча нарида бир танишим — ёш помещчик, истеъфодаги гвардия офицери Аркадий Павлич Пеночкин туради. Унинг мулкида парранда ва даррандалар кўп, уйи француз архитекторининг плани билан солинган, хизматкорлари инглизча формада кийинтириб қўйилган, у зиёфатлар беришни жуда ўрнига қўяди, меҳмонларни мулойимлик билан қабул қилади, шундай бўлса ҳам унинг олдига боришга кишининг кўнгли унча ошмавермайди. У фаҳм-фаросатли, бамаъни одам бўлиб, одатда жуда яхши тарбия олган, хизматда бўлган, оқсуяклар ўртасида илашиб юрган, ҳозир эса муваффақият билан хўжалик ишларини олиб бормоқда. Аркадий Павлич, унинг ўз таъбири билан айтганда, қаттиққўл ва лекин одил киши, ўзига қарашли деҳқонларнинг тирикчилиги ҳақида жонкуярлик қилади, уларни жазолайди — жазолаганда ҳам уларнинг ўз фойдасини кўзлаб жазолайди. «Уларга болаларга қилгандек муомала қилиш керак, чунки улар нодон, *mon cher; il faut, prendre cela en consideration*»¹ дейди у бундай пайтларда. Ўзи эса, кутилмаганда юз берган бундай ҳолда кескин ва шиддатли ҳаракат қилмайди, шовқин солиб гапиришни ҳам севмайди, лекин кўпроқ қўлини бигиз қилиб туриб, осойишта овоз билан: «Азизим, мен сендан илтимос қилган эдим-ку», ёки бўлмаса: «Дўстим, сенга нима бўлди, эсингни йиғ», деяри ва тишини аста гижирлатиб лабини буруштирар эди. У паст бўйли, қомати ке-

¹ Азизим, буни эътиборга олиш керак (франц.).

лишган, чиройлигина киши, қўл ва тирноқларини жуда тоза тутади; соғломлиги лаб ва ёноқларининг қизиллигидан кўриниб туради. У бамайлихотир қаттиқ кулади, чақнаб турган қора кўзларини мулойим қисиб қўяди. У кийимнинг ярашадиганини танлаб жуда яхши кийинади; французча китоблар, суратлар ва газеталарга ёзилиб туради, лекин ўқишга унча ҳафсаласи йўқ: «Ўлмас жуҳуд» китобини аранг ўқиб чиққан. Лекин қарта ўйнашга уста... Умуман Аркадий Павлич губернамизнинг энг ўқинишли дворянларидан ва ҳамма ҳавас қиладиган бўйдоқ йигитлардан бири ҳисобланади: хонимлар уни кўрса маҳлиё бўлиб қолишади, хусусан, унинг қилиқларини, равиш-рафторини мақташади. Аркадий Павлич ўзини ниҳоятда яхши тутади, ўғри мушукдай эҳтиётлик билан иш қилади ва бинобарин, кези келганда ўзини кўрсатиш учун тортинчоқроқ кишини уялтириб, унинг гапини шартта кесиб қўйишни яхши кўрса ҳам, умрида ҳеч қандай чатоқ ишга аралашмаган. Бемаза одамлар билан улфатчилик қилишдан жуда ҳазар қилади — обрўси тўкилишидан қўрқади; фалсафани немис олимлари озиқланадиган ланж таом ва баъзан эса ҳатто, ғирт бемаънилик ҳисоблаб фалсафа тўғрисида умуман ёмон фикр баён қилса ҳам, кайфи чоғ маҳалида ўзини Эпикурнинг мухлиси деб лоф уради. У музикани ҳам севади; қарта ўйнаганида завқ билан хиргойи қилиб ашула айтади; люция ва Сомнамбуладаги баъзи парчаларни ёд билади, лекин негадир айтганда авжини баланд олиб юборади. Қиш кунларида Петербургга боради. Унинг уйи ниҳоятда батартиб: ҳатто кучерлар ҳам унинг таъсирига берилишган, улар ҳар куни хомутларни артиш ва чакмонларини тозалаш билангина кифояланмай, юз-қўлларини ҳам ювадилар. Аркадий Павличнинг уй хизматкорлари негадир кишига хўмрайиб қарашади, лекин бизнинг Русияда қовоғи солиқ кишини уйқудан шишиб турган одамдан фарқ қилиб бўлмайди. Аркадий Павлич ҳар бир сўзини шошмасдан ўз маромида, атир сепилган чиройли мўйлови орасидан майин ва ёқимли овоз чиқариб роҳатланиб талаффуз қилади, шу сингари у: «Mais c'est, impayable»¹, «Mais comment donc!»² каби кўпгина французча ибораларни

¹ Қизиқ! (Франц.)

² Албатта-да! (Франц.)

ишлатади. Шундай бўлса ҳам мен унинг олдига боришни унча хуш кўрмайман, агар қур ва каклик ови бўлмаганида у билан ошналигим балки бутунлай узилиб қолган бўлур эди. Унинг уйига кирганингизда кўнглингизда аллақандай бир безовталиқ, ташвиш пайдо бўлади; уйнинг шинам қилиб безатилгани ҳам сизни хурсанд қилмайди, ҳар сафар кечқурунлари, тамғали тугмалар қадалган кўк ливрея кийган жингалак соч камердинер олдингизга кириб хушомадгўйлик билан этигингизни еча бошлаганда, агар бу рангсиз ва қотма камердинер ўрнида барин томонидан ҳозиргина омов ёнидан олиб келиниб малай қилиб қўйилган, ўзига ҳадя этилган сариқ кафтанининг чокларини бир неча жойидан сўкиб йиртиб юборган ялпоқ юз ва пучуқ бир забардаст ёш йигит пайдо бўлиб қолса, ниҳоятда шодланиб кетардингиз-у этигингиз билан бирга оёғингизни суғуриб олган тақдирда ҳам жон-жон деб шу йигитга этик ечиришга рози бўлардингиз.

Аркадий Павлични ёқтирмаслигимга қарамай, бир кўни уникида тунаб қолишимга тўғри келди. Эртаси кўни эрталаб мен коляскамни қўшишни буюрдим, аммо у мени инглиз усулида тайёрланган нонуштани баҳам кўрмасдан юборишни хоҳламай, ўз кабинетига олиб кирди. Олдимизга чой билан бирга котлет, илитилган тухум, сариқ мой, асал, сир ва бошқа нарсалар қўйилди. Тоза оқ қўлқопли иккита камердинер бизнинг ҳар бир хоҳишимизни чурқ этмай тезлик билан бажариб турарди. Биз форсча диванда ўтирар эдик. Аркадий Павлич кенг ипак чолвор, калта қора барқут камзул, кўк попукли чиройли қалпоқ ва гулчинсиз хитойча туфли кийиб олган эди. У чой ичар, кулар, тирноқларини томоша қилар, тамаки чекар, ёнбошига болиш қўяр эди, умуман кайфи жуда чоғ эди. Аркадий Павлич роса тўйиб ва роҳатланиб нонушта қилиб олганидан кейин бир рюмка қизил вино қуйиб, уни лабига яқинлаштирди-ю тўсатдан қовоғи солиниб кетди.

— Нима учун вино иситилмабди?— сўради у хийлагина зарда билан камердинерларнинг биридан.

Камердинер довдираб, тахтадай қотиб қолди ва оқариб кетди.

— Азизим, ахир нега жавоб бермаяпсан?— осойишта давом этди Аркадий Павлич ундан кўзини узмай.

Шўрлик камердинер талмовсираб қўлидаги сочиқни

айлантириб турди-ю, ҳеч нарса демади. Аркадий Павлич бошини қўли солди ва хаёлчанлик билан унга ер остидан қаради.

— Pardon, mon cher,— деди у ёқимли табассум билан, тиззамга қўлини дўстона теккизиб ва яна камердинерга тикилди.— Хўп, боравер,— деб қўшиб қўйди, бир оз сукутдан кейин, сўнгра қошини чимириб қўнгироқ чалди.

Тор пешона, қора соч, кўзлари шишган, буғдой ранг семиз бпр киши кирди.

— Федор тўғрисида... фармойиш бериш керак, - деди Аркадий Павлович пичирлаб, тамоман осойишталик билан.

— Хўп бўлади,— деб жавоб берди семиз киши ва ташқари чиқди.

— Yoilà, mon cher, les désagréments de la campagne¹,— деди Аркадий Павлич қувноқ оҳангда.— Ие, сиз қаёққа жўнамоқчисиз? Қетманг, яна бир оз ўтиринг.

— Йўқ,— деб жавоб бердим,— кетишим керак, вақт бўлди...

— Яна овга экан-да! Овчилардан ҳам ўлиб бўлдим-э! Сиз ҳозир қаерга кетяпсиз ўзи?

— Бу ердан қирқ чақирим нарига, Рябовога.

— Рябовога? Шунақами, ундай бўлса мен ҳам сиз билан бораман. Рябово менинг Шипиловкамдан бор-йўғи беш чақирим нарида ҳолос. Мен эса Шипиловкага аллақанча вақтдан бери борганим йўқ: ҳеч фурсат тополмай юрардим. Жуда қўл келди-да: сиз бугун Рябовода ов қилинг, кечқурун эса менинг олдимга келинг. Се sera champagne². Кечки овқатни бирга қиламиз,— биз ошпазни бирга олиб кетамиз,— сиз менинг ёнимда ётиб қоласиз. Жуда соз! Жуда соз!— деб қўшиб қўйди у, жавобимни кутмасдан.— C'est arrangé...³ Ҳой ким бор? Бизга коляска қўшсинлар, тезроқ! Сиз Шипиловкада бўлганмисиз? Сизни бурмистримнинг уйида тунаш учун таклиф қилишга уялган бўлур эдим, аммо мен биламанки, сиз камсуқум одамсиз, Рябовода ҳам пичанхонада ётаверасиз... Қани, кетдик, юринг!

¹ Азизим, қишлоқ ҳаётининг бемаъни томонлари мана шунақа (франц.).

² Бу жуда соз бўлади (франц.).

³ Ҳамма нарса жойида бўлди (франц.).

Шундан кейин Аркадий Павлич французчасига қандайдир бир романсни куйлай бошлади.

— Сиз ҳали билмасангиз керак, у ердаги мужикларим менга оброк тўлашади,— деб сўзини давом эттирди у, тикка турган жойида тебраниб.— Қонун шунақа, иложимиз қанча? Лекин менга оброкни ўз вақтида тўлаб туришибди. Ростини айтганда, уларни аллақачоноқ баршчинага кўчирган бўлар эдим, аммо ер кам! Мен уларнинг қандай қилиб тирикчилик қилаётганларига ўзим ҳам жуда ҳайронман. Лекин, c'est leur affaire¹. У ердаги бурминстрим азамат одам, une forte tete² ишбилармон одам! Ҳали кўрасиз... Дарвоқе, бу қандай яхши бўлди-я!

Кўнишдан бошқа илож йўқ эди. Эрталаб соат тўққизда жўнаш ўрнига соат иккида жўнадик. Менинг қанчалик тоқатсизланганимни овчилар яхши тушунадилар. Аркадий Павлич, унинг ўз таъбири билан айтганда, ўз қадрига етарди, сафарга шу қадар кўп қўйлак ва лозимлар, егулик таомлар, атир-упалар, ёстиқлар ҳамда совуи ва бошқа буюмлар солинадиган ҳар хил қўтичалар олиб кетдики, бу парсаларнинг ҳаммаси тежамлик, пишиқ баъзи немисга бутун бир йилга етган бўлур эди. Қоляска тепалик жойлардан настига тушаётганда ҳар сафар Аркадий Павлич кучерга қисқа қилиб, лекин қаттиқ-қаттиқ гапириб қўяр эди, бундан мен ошнамнинг хийлагина қўрқоқлигини англадим. Аммо, саёҳат ниҳоятда бехатар ўтди; фақат яқиндагина тузатилган кўприкчадан ўтилатганда тележка ошпаз билан ағнаб тушди-ю, орқа гилдирак ошпазнинг қорнини босиб қолди.

Аркадий Павлич хонаки ошпаз Қарем³ нинг ағнаб тушганини кўриши билан ҳазилакам қўрқмади ва шу заҳотиёқ: қўли бутунми, шикаст емадими? Сўранглар,— деб буюрди. Ошпазнинг қўли шикастланмаганини эшитгач, дарров кўнгли жойига тушди. Шу йўсинда биз анча йўл юрдик: мен Аркадий Павлич билан бирга битта коляскада ўтириб бордим ва йўл юриш охирига етай дега-нида ўлгундай зерикдим, бунинг устига бир неча соат ичида танишим бутунлай чарчаб мазаси қочиби, ўзини эркин фикрли одам қилиб кўрсата бошлагани ошиб туш-

¹ Бу уларнинг иши (франц.).

² Фаросатли одам (франц.).

³ XVIII асрдаги машҳур француз ошпази.

ди. Ниҳоят манзилга етдик, лекин Рябовога эмас, тўпла-
тўғри Шипиловкага бордик; негадир шундай бўлиб чиқ-
ди. Бунга қарамай мен ўша куни барибир ов қила
олмасдим, шунинг учун ноилож тақдирга тан бердим.

Ошпаз бу ерга биздан бир неча минут аввал етиб кел-
ган ва чамаси тегишли одамни топиб, биз ҳақимизда ха-
бар бериб фармойишлар қилишга улгурган экан, чунки
қишлоққа кираверишдаёқ бизни қишлоқ оқсоқоли (бур-
мистрининг ўғли) — кенг елкали, баланд бўйли, норғул,
малла соч бир мужик бош яланг ҳолда от устида кутиб
олди, унинг эғнида тугмалари ечиқ янги чакмон бор эди.
«Софрон қаерда?» деб сўради ундан Аркадий Павлич.
Қишлоқ оқсоқоли аввал отдан ирғиб тушиб, баринга
икки букилиб таъзим қилди, сўнг: «Салом, отахон Арка-
дий Павлич» деди, ундан кейин бошини озод кўтариб
турди ва Софроннинг Перовга кетганини, аммо унга дар-
ҳол одам юборилганини айтди. «Хўп, орқамиздан юр»,
деди Аркадий Павлич. Оқсоқол одоб юзасидан отини бир
чеккароққа олиб бориб, унга минди ва шапкасини қўли-
да тутгани ҳолда отини коляска орқасидан йўрттириб
кетди. Биз қишлоқ ўртасидан бордик. Рўпарамиздан бир
неча мужик бўш тележкаларга ўтириб келаётган эди,
улар хирмондан қайтишаётган бўлиб, аравада силкини-
шиб, оёқларини ўйнатиб ўтиришар ва қўшиқ айтишар
эди, лекин бизнинг коляскамизни ва оқсоқолни кўришлар-
ни билан жим бўлиб қолишди, бошларидан иссиқ қалпоқ-
ларини олишди (ёз вақти эди) ва буйруқ кутгандай сал
ўринларидан туришди. Аркадий Павлич уларга илтифот
билан таъзим қилди. Афтидан, помешчик келиши тўғри-
сидаги ваҳимали хабар бутун қишлоққа тарқалган эди.
Хонаки жун газламадан тикилган катак юбкали хотин-
лар бефаросат ёки ҳаддан ташқари ихлосманд итлари-
га тарашалар ирғитиб, уларнинг товушини ўчиришга
ҳаракат қилардилар; соқоли кўзининг остида бошлаб
бутун юзини қоплаб олган чўлоқ бир чол ҳали қониб сув
ичиб бўлмаган отининг тизгинини тортиб, унинг биқинига
негадир бир урди-да, шундан кейин эгилиб салом берди.

Узун қўйлак кийган болалар қий-чув кўтаришиб
уй-уйларига қочишди, баланд остонага қоринлари билан
ётиб, бошларини осилтиришар, оёқларини юқори кўтариб,
шу зайлда эшикдан қоронғи даҳлизга жуда тез думалаб
тушиб, беркиниб олишарди. Ҳатто товуқлар ҳам апил-

тапил югуриб дарвоза тагига қочиб кирарди; қора кўкраги атлас желаткага ўхшаган, қайрилма қизил думининг учи тожиге етай деб турган бир довюрак хўроз аввалига йўл устида тўхтаб баралла қичқиришга уринди-ю, аммо бирдан хижолат бўлиб у ҳам қочиб қолди. Бурмистрнинг уйи бошқа уйлардан холироқ жойда, қалин ўсган яшил нашазор ўртасида эди. Биз дарвоза олдида тўхтадик. Жаноб Пеночкин ўрнидан туриб, эгнидан плашчини чиройли қилиб отиб ташлади-да, атрофга такаллуф билан қараб, коляскадан тушди. Бурмистрнинг хотини бизни эгилиб-букилиб таъзим қилиб кутиб олди ва бариннинг қўлини ўпгани унга яқин келди. Аркадий Павлич қўлини унга тўйгунича ўптирди-да, кейин уйга кираверишдаги пиллапояга чиқди. Даҳлизда, қоронғи бурчакда оқсоқолнинг хотини турарди, у ҳам эгилиб салом берди, лекин бариннинг қўлини келиб ўпишга ботина олмади. Даҳлизнинг ўнг томонидаги салқин деб аталган уйда иккита бошқа хотин ивирсиб юрар эди; бу хотинлар уй ичидан ҳар хил лаш-лушларни, бўш кўзаларни, тарашадай қотиб кетган пўстинларни, мой хумчаларни, тагига латта-путта солиниб қуроқ кўрначага ўроғлиқ бола ётган беланчакни ташқарига олиб чиқишмоқда, ҳаммом супургиси билан ахлатларни супуришмоқда эди. Аркадий Павлич бу хотинларни ҳайдаб юборди ва иконалар остидаги скамейкага бориб ўтирди. Кучерлар сандиқ, қути ва бошқа буюмларни ташиб кира бошладилар, лекин улар кирганда-чиққанда ҳар сафар оғир этикларининг тўқиллаган овозини пасайтириш учун оёқларини авайлаб босардилар.

Бу орада Аркадий Павлич оқсоқолдан ҳосил тўғрисида, экинларнинг қандайлиги ва бошқа хўжалик ишлари тўғрисида суриштирди. Оқсоқол қониқарли жавоб қайтарди, лекин негадир, худди совуқдан уюшган бармоқлари билан чакмон тугмасини солаётгандай, имиллаб ва гапларни бир-бирига қовушмай жавоб берар эди. У эшик олдида эҳтиётлик билан атрофга қараб, чаққон камерднерга йўл бериб турарди. Мен бурмистр хотинининг даҳлизда аллақандай бошқа бир хотинни ими-жим дўппослаб турганини оқсоқолнинг забардаст елкалари орқасидан кўриб қолдим. Бирдан тележка тақирлаб эшик олдида тўхтади. Уйга бурмистр кирди.

Аркадий Павличнинг таъбирича ишбилармон деб аталган бу одам паст бўйли, кенг елкали, сочлари оппоқ

оқариб кетган, бурни қип-қизил, кичкина мовий кўзли, соқоли елпигичга ўхшаш, миқтигина бир киши эди. Кези келганда шуни эслатиб қўяйликки, Русь юрти бино бўлганидан бери бу мамлакатда пахмоқ соқоли бўлмаган бирон кишининг семириб ва бойиб кетганини ҳеч ким кўрган эмас: баъзилар умр бўйи сийрак, чўққи соқол бўлиб юришади-ю, аммо бир қарасанг тўсатдан юзини савлатли нуроний соқол чулғаб олган бўлади,— ажабо, шунча тук қаердан пайдо бўлиб қолярикин! Бурмистр, афтидан, Перовда керагидан ортиқ ичиб қўйган кўри-нарди: унинг юзи хийлагина кўпчиган, ундан вино ҳиди анқиб турар эди.

— Оҳ, бизнинг ғамхўримиз, мурувватпешамиз, биз томонга ҳам қадам ранжида қилар экансиз-а... — деди у чўзиб ва ўзини ўпкаси тўлиб кўзидан ёш чиқиб кетишига сал қолгандай қилиб кўрсатди.— Қўлингизни беринг, отахон, қўлингизни бир ўпайин,— деб қўшиб қўйди у, олдинданоқ лабларини чўччайтириб.

Аркадий Павлич унинг истагини қондирди.

— Хўш, биродар Софрон, ишларинг қалай кетяпти?— деб сўради Аркадий Павлич меҳрибонона товуш билан.

— Оҳ, бизнинг саховатпешамиз!— деб хитоб қилди Софрон,— ишлар қандай қилиб ёмон кетсин! Ахир, сиз бизнинг ғамхўримиз, саховатпешамизсиз-ку, сиз қишлоғимизга келиб уни мунаввар этдингиз, ўла-ўлгунча бахтиёр қилдингиз. Шукурлар бўлсин тангримга, Аркадий Павлич, шукурлар бўлсин тангримга! Сизнинг лутфу карамингиз соясида ҳамма ишлар жойида.

Софрон жим бўлди, баринга қаради ва меҳри янгидан жўш ургандай бўлиб. (винонинг кайфи ҳам кучга кира бошлаган эди), яна бариннинг қўлини сўради ва изҳори миннатдорчиликни аввалгидан ҳам ошириб юборди:

— Оҳ, бизнинг саховатпешамиз... Нима ҳам деяйин-а! Азбаройи худо, севинганимдан эсимни бутунлай йўқотиб қўйдим... Азбаройи худо, қараб туриб ишонгим келмаяпти... тушимми бу ўнгимми... Оҳ, бизнинг саховатпешамиз-а!..

Аркадий Павлич менга қаради, кулди ва: «N'est-ce pas que c'est touchant?»¹ деб сўради.

— Ҳа! Отахон, Аркадий Павлич,— давом этди

¹ Таъсирли гаплар-а, шундай эмасми? (Франц.)

сайроқи бурмистр,— бу нима қилганингиз? Сиз, отахон, мени жуда доғда қолдирдингиз-да; келишингиз тўғрисида мени лутфан хабардор ҳам қилмадингиз, кечаси қаерда тунайсиз? Бу ер ивирсиқ жой, ифлос...

— Ҳеч бокиси йўқ, Софрон, ҳеч бокиси йўқ,— деб кўлимсираб жавоб қайтарди Аркадий Павлич,— бу ер яхши.

— Э, саховатпешамиз, биласизми бу ер кимлар учун яхши? Бизлар учун, мужиклар учун яхши, сизлар эса ахир... Оҳ, сиз, ғамхўрим, саховатпеша отам-а, оҳ сиз отахоним-а!.. Сиз мен аҳмоқни кечиринг, ақлдан адашиб қолдим, азбаройи худо бутунлай эсимни йўқотиб қўйдим.

Бу орада кечки овқат қўйилди; Аркадий Павлич овқат ея бошлади. Чол уйни димиқтириб юборасан, деб ўғлини ташқарига чиқариб юборди.

— Хўш, чол, марза ўгириб¹ олдингми?— деб сўради жаноб Пеночкин, мужикча сўрашга уриниб ва менга кўз қисиб қўйиб.

— Сизнинг давлатингиз соясида марза ўгириб олдик, отахон. Шартномага бундан уч кун аввал қўл қўйдик. Хлиновскийлар бошда жуда тархашлик қилиб, кўнмай туриб олишди-да, отахон. Огизларига нима келса талаб қилишаверди... талаб қилишаверди; отахон, лекин нима талаб қилаётганларини ўзлари ҳам билмайдилар, одамлар ғирт аҳмоқ. Биз эса, отахон, сизнинг давлатингиз кўланкасида миннатдорлик изҳор этиб, воситачи Микола Миколаични рози қилдик: отахон, ҳамма ишни сиз буюрганча қилдик: сиз нимани буюрган бўлсангиз, ўшани бажо келтирдик, ҳарнаики қилган бўлсак Егор Дмитрич бохабар бўлиб турдилар.

— Егор менга айтувди,— деди кеккайиб Аркадий Павлич.

— Албатта, отахон, Егор Дмитрич айтгандир.

— Демак, энди кўнгилларинг жойига тушибди-да?

Софрон худди шу гапни кутиб турган эди.

— Оҳ, бизнинг ғамхўримиз, бизнинг саховатпешамиз!— деб яна сайрашни бошлади у...— Мени кечиринг... Биз сиз саховатпешалар учун кеча-кундуз худога ибодат қиламиз... Албатта, ер камроқ...

¹ Марза ўгириш — марза олиб, ерларнинг чегарасига аниқ белгилар қўйиш. (Тарж. изоҳи.)

Пеночкин унинг сўзини бўлди:

— Хўп, бўпти, бўпти, Софрон, мен сенинг ихлосли хизматкорим эканингни биламан... Янчилган ғалладан гапир, ғалла қалай?

Софрон хўрсиниб қўйди.

Аммо, отахоним, ғалланинг унча мазаси йўқ. Нимасини ҳам айтасиз отахон Аркадий Павлич, мен сизга айтсам, бир галатп иш бўлди. (Шу сўзларни айтиб туриб, у ҳайронлик аломати билан қўлларини икки томонга ёзиб, жаноб Пеночкинга яқинлашди, энгашди ва бир кўзини қисди.) Бизнинг еримизда бир кишининг ўлиги топилди.

— Қандай қилиб?

— Отахон, ўзимнинг ҳам ақлим етмай қолди: бу, душманинг ёмон ният билан қилган иши экани кўриниб турибди. Хайриятки, ўлик бошқа одамнинг ерига яқин жойда экан: лекин, яширишнинг ҳожати йўқ, бизнинг еримизда ётган экан. Мен фурсат борида уни дарров кўшининг ерига судраб олиб бориб қўйишни буюрдим, қоровул қўйдирдим ва ўзимизникиларга, дамларингни чиқарманглар,— деб тайинладим. Ҳар эҳтимолга кўра становойга воқеа мана бундақа бўлди деб тушунтирдим: унга чой ҳам ичирдим, қўлига бир нима қистирдим ҳам... Ахир, отахон, сиз ҳазил деб ўйлайсизми? Бошқаларнинг елкасига товон бўлиб тушади-ку, ахир: ўлик топилган ернинг эгасидан икки юз сўмни қурутдай қилиб олишадн **энди**.

Жаноб Пеночкин ўз бурмистрининг ҳийлагарлигига қойил қолиб, хўп кулди ва уни боши билан имлаб кўрсатиб, менга бир неча маротаба: «*Quel gaillard, ah?*»¹— деди.

Бу орада бутунлай қоронғи тушиб қолди; Аркадий Павлич стол устини йиғиштиришни ва пичан келтиришни буюрди. Камердинер тагимизга чойшаб солди ва бошимизга ёстиқ қўйди; биз ётдик. Софрон эртага қилинадиган ишлар ҳақида буйруқ олиб, уйига жўнади. Аркадий Павлич уйқуга кетаётиб, рус мужигининг аъло сифатлари тўғрисида менга яна бир оз гапирди ва шу заҳотиёқ, қишлоқни Софрон бошқараётганидан бери

¹ Жуда боплабдими-а? (Франц.)

Шипиловка деҳқонлари гарданида бир тийин ҳам боқимонда қолмаганини менга эслатиб ўтди... Қоровул шақилдоғини чалди: уйқуга кетиш зарурлигини ҳали англамаган бир чақалоқ уйнинг аллақайси бир бурчагида йиғлади... Биз ухлаб қолдик.

Эртаси куни эрталаб анча барвақт турдик Мен Рябовага жўнашга ҳозирландим, лекин Аркадий Павлич менга ўз имениесини кўрсатмоқчилигини айтиб, қолишимни илтимос қилди. Ишбилармон Софроннинг аъло сифатларига амалда ишонч ҳосил қилиш истаги ўзимда ҳам йўқ эмас эди. Бурмистр келди. У кўк чакмон кийиб, устидан қизил белбоғ боғлаб олган эди. У кечагига қараганда анча кам гапирар, бариннинг кўзига диққат билан тикилиб қарар, саволларга гапларини қовуштириб бамасъни жавоб берар эди. Биз у билан бирга хирмонга бордик. Софроннинг ўғли, яъни бутун туриш-турмушидан ғирт аҳмоқлиги кўриниб турган найнов оқсоқол ҳам бизга эргашди, бизга земский¹ Федосеич ҳам қўшилди, у истеъфодаги солдат бўлиб, шоп мўйлов, афт-башараси жуда галати одам эди: у бундан кўп вақтлар илгари алланарсага фавқулодда ҳайрат билан анқайиб қараб қолгану то ҳанузгача ўзига келолмаган одамга ўхшарди. Биз хирмонни, галла янчиладиган бостирмани, галла қуритиладиган биноларни, омборларни, шамол тегирмонини, молхонани, кузги буғдой майсаларини, канопзорларни бориб кўрдик, ҳақиқатан ҳам ҳаммаси жуда батартиб эди: мени фақат мужикларнинг ғамгин ва маънос чеҳраларигина бирмунча ҳайрон қолдирарди. Софрон фойда келтирадиган ишдан ташқари, кўнгилга хуш келадиган ишларни ҳам қилибди; ҳамма ариқ, зовурлар ёқасига толбуталар ўтқазибди, хирмондаги галла ғарамлари ўртасига йўлчалар қилиб, йўлчаларга қум септирибди, шамол тегирмон устига оғзини катта очиб ва тилини чиқариб турган айиқ шаклида флюгер² ўрнаибди, ғиштдан қурилган молхонага грекча пештоққа ўхшаш бир нарсаясаттириб, унинг тагига оқ бўёқ билан «Бир минг саккиз юзу қирқиламчи йилда Шипиловка

¹ Земский — Чор Россиясида деҳқонлар устидан қўйилган ва уларни бошқариш ҳамда суд қилиш ҳуқуқига эга бўлган маҳаллий амалдор.

² Флюгер — шамолнинг йўналиши ва кучини ўлчайдиган асбоб.

қишлоғида барпо қилинди ушбу молхона»,— деб ёздириб қўйибди.— Аркадий Павлич жуда роҳатланиб, талтайиб кетди, менга французчалаб оброк тўлатиш тартибининг фойдаларини гапирди, лекин помешчиклар учун баршчина фойдалироқ эканлигини таъкидлади, баршчинадан қандай фойдалар кўрилмайди дейсиз!.. Кейин, картошкани қандай қилиб экиш, молларга ем-хашакни қандай тайёрлаб қўйиш ва ҳоказолар тўғрисида бурмистрга маслаҳатлар бера бошлади. Софрон бариннинг гапларини диққат билан тинглар, баъзан эътироз билдирар эди, лекин энди, Аркадий Павлични отагинам деб ҳам, ғам-хўрим деб ҳам улуғламас, ҳадеб ернинг камлигини айтиб, яна ер сотиб олинса ёмон бўлмасди, деяр эди. «Майли, сотиб олинглар,— деди Аркадий Павлич,— менинг номимга олинглар, мен қарши эмасман». Софрон бу гапга ҳеч нима демай, соқолини силабгина турарди. «Аммо лекин ҳозир ўрмонга борсак ёмон бўлмас эди»,— деди жаноб Пеночкин. Дарҳол бизга салт миниладиган отлардан келтиришди; биз ўрмонга, яъни бизнинг таъбиримизча, «заказ»¹га жўнадик. Биз «заказ»да хилват бир жой топдик, у ерда парранда ва даррандалар ниҳоятда кўп экан, бундан Аркадий Павлич хурсанд бўлиб Софронни мақтади ва унинг елкасига қоқиб қўйди. Жаноб Пеночкин ўрмончилик тўғрисида руслар нуқтаи назари тарафдори эди ва шу ондаёқ менга, ўз таъбири билан айтсак, ажойиб ва ғаройиб бир воқеани айтиб берди: ўрмондаги дарахтлар тагидан кесилган тақдирда қалин бўлиб ўсиб чиқмаслигини исботлаш учун бир помешчик қизиқчилик қилиб ўз ўрмон қоровулининг соқолини қарийб ярмисигача юлиб олиб, унинг эсини жойига келтирган экан... Аммо бошқа нарсаларда Софрон ҳам, Аркадий Павлич ҳам — ҳар икковлари ҳам янгиликлар киритишдан қочмасдилар. Қишлоққа қайтиб келганимиздан кейин бурмистр бизни яқинда Москвадан келтирилган дон шопирадиган шамол машинани кўрсатишга олиб борди. Шамол машина жуда яхши ишлаб турарди, лекин агар Софрон бу сўнгги сайр маҳалида ўзининг ҳам, бариннинг ҳам таъби жуда тирриқ бўлишини олдиндан билганида, эҳтимол, бизни уйдан бу ерга олиб чиқмаган бўлур эди.

¹ Заказ — тақиқланган жой; ўсимлик, парранда ва даррандаларига даҳл қилинмайдиган участка.

Воқеа мана бундай бўлди. Саройдап чиқа туриб қуйидаги аҳволни кўрдик. Эшикдан бир неча қадам нарида, учта ўрдак бепарво шўнғиб юрган ифлос кўлмак сув яқинида икки мужик турган эди: бириси — олтмиш ёшларга борган чол ва иккинчиси — йигирма ёшлар чамасидаги йигитча эди, иккаласи ҳам қирқ ямоқ бўз кўйлақ кийган, белига чилвир бойлаган ва яланг оёқ эди. Земский Федосейч уларнинг ёнида туриб, қизпишиб уларни бир нарсага кўндиришга уринмоқда эди, агар биз саройда сал ҳаяллаб туриб қолсак, балки, уларни алдаб-сулдаб кеткизиб юборган ҳам бўлур эди, лекин у бизни кўриши биланоқ жойида таёқдек қотиб қолди. Оқсоқол ҳам оғзини очганича ва муштини кўтарганича шу ерда турарди. Аркадий Павлич қовоғини солди, лабини тишлади ва арзга келганлар олдига яқин борди. Иккала деҳқон тиз чўкиб, унга жимгина салом берди.

— Нима дейсизлар? Тилакларинг нима?— деб сўради Аркадий Павлич бирмунча димоғ билан жиддий товушда. (Мужиклар бир-бирларига қарашиб олишди ва ҳеч нарсга дейишмади, худди кўзларига кум тушгандай, кўзларини қисишди-ю, ўқтин-ўқтин нафас ола бошлашди.)

— Хўш, нима?— деб давом этди Аркадий Павлич ва шу ондаёқ Софрондан сўради,— қайси онладан?

— Толобеева оиласидан,— секин жавоб берди бурмистр.

— Қани, нима дейсизлар?— деди яна жаноб Пеночкин,— нега индамайсизлар, тилларинг борми? Сен гапир, мудлаонг нима?— деб қўшиб қўйди у, боши билан чолга ишора қилиб.— Қўрқма тентак.

Чол ажин босган, қорамтир бўйнини чўзди, кўкарган лабларини қийшайтириб очди ва хирилдоқ овоз билан: «Бизни ҳимоя қилинг, додхоҳим»,— деди ва ерга бош уриб яна таъзим қилди. Ёш мужик ҳам эгилиб таъзим қилди. Аркадий Павлич уларнинг бошлари оша гердаийиб қаради ва бир оёғини сал олдинга қўйди.

— Нима бўлди? Қимдан норозисан?

— Шафқат қилинг, додхоҳим! Кўмак беринг, орқамизга офтоб тегсин. Қийналиб ўлиб бўлдик. (Чол машаққат билан зўрға гапирарди).

— Сени ким қийнади?

— Манови Софрон Яковлич, отахон.

Аркадий Павлич жим қолди.

— Отинг нима?

- Отим Антип, отахон.
- Бу ким?
- Бу менинг ўғлим, отахон.

Аркадий Павлич яна жим бўлди ва мўйловини қимирлатиб қўйди:

— Қани, айт-чи, у сени нима қилиб қийнади? — деди кеккайиб, оёғи остида ётган чолга мўйлов тепасидан қараб.

— Отахон, у бизни бутунлай хонавайрон қилди. Икки ўғлимни, отахон, навбати келмай туриб саллотликка юборди, энди бўлса мени учинчи ўғлимдан ҳам жудо қилмоқчи. Отахон, кеча ҳовлидан бисотимдаги биттагина сигирни тортиб олиб чиқиб кетди, қолаверса хотинимни ҳам калтаклади — унинг марҳамати шу. (Чол оқсоқолни кўрсатди.)

— Ҳимм! — деди Аркадий Павлич.

— Кафангадо бўлишдан бизни сақлаб қолинг, отахон.

Жаноб Пеночкин қовоғини солди.

— Бу нима деган гап? — деб сўради у норози қиёфада бурмистрдан.

— Пиёниста, ишёқмас бир одам, тақсир, — деб жавоб берди бурмистр, «тақсир» сўзини биринчи марта ишлатиб. — Тўрт йилдан бери елкасидаги боқимондани узолмайди, тақсир.

— Боқимондани мен учун Софрон Яковлич тўлаган, отахон, — деб давом этди чол, — боқимондани тўлаганига тўрт йилдан ошди, аммо боқимонда тўлади-ю, мени кафангадо қилди — қўл-оёғимни боғлаб олди, отахон мана энди...

— Нима учун қарздор бўлиб қолдинг? — деб ўшқирди жаноб Пеночкин. (Чол бошини қуйи солди). — Эҳтимол пиёнисталик қилишни, қовоқхонама-қовоқхона саланглаб юришни яхши кўрарсан? (Чол бир нарсга гапирмоқчи бўлиб оғзини очган эди.) Мен сенларни биламан, — деб ғазаб билан сўзида давом этди Аркадий Павлич, — сенлар ароқ ичиш ва печь устида чўзилиб ётишдан бошқа нарсани билмайсанлар, яхши мужиклар сенларнинг касофатларингга қолади.

— Бунинг устига муомаласи ҳам қўпол, — деб қўшиб қўйди бурмистр хўжайиннинг гапига.

— Ҳа, албатта, бу ўз-ўзидан маълум: ўзи ҳамма вақт шунақа бўлади: мен буни неча марталаб пайқаган-

ман. Йил бўйи бузуқчилик, қўрслик қилиб юриб, энди оёғингга бош уради.

— Отахон, Аркадий Павлич,— деди юрак-бағри эзилиб кетган чол,— кечиринг, бизни ўз паноҳингизга олинг,— мен нима қилиб қўрслик қилибман? Худо ҳақи, тоқатим тоқ бўлди. Софрон Яковлич мени ёмон кўриб қолган, нега ёмон кўриб қолганини худонинг ўзи билади. Отахон, у мени буткул хонавайрон қиляпти... Шу қолган биттау битта ўғилчамни... шуни ҳам... (Чолнинг ажин босган сариқ кўзлари ёшланди.) Додхоҳим, раҳм-шафқат қилинг, ҳимоя қилинг...

— Биздан бошқаларга ҳам кун бермаяпти,— деб сўз бошлаган эди ёш мужик, Аркадий Павличнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Сендан биров гап сўраяптими, а?! Сендан ҳеч ким гап сўраётгани йўқ-ку, жим тур... Бу нима ўзи? Жим деяпман сенга! Жим!.. Эй, тангрим! Бу — исённинг ўзгинаси-ку. Йўқ, биродар, мен қарамоғимдагиларнинг исён кўтаришига йўл қўймайман... Менинг даргоҳимда... (Аркадий Павлич олдинга бир қадам босди, лекин менинг борлигим эсига тушган бўлса керак, бурилиб қўлларини чўнтагига тикди.) Je vous demande bien pardon, mon cher¹,— деди у товушини анча пасайтириб, зўрма-зўраки табассум билан.— C'est le mauvais côté de la médaille...² Хўп, бўпти-бўпти,— деб давом этди у мужикларга қарамасдан,— мен буйруқ бераман... бўпти, боринглар. (Мужиклар ўринларидан туришмади). Мен сизларга айтдим-ку ахир... бўпти деб. Бўлди энди, кетаверинглар, буйруқ бераман деяпман-ку...

Аркадий Павлич уларга орқасини ўгирди. «Қачон қарасанг норозилик қилишгани-қилишган»,— деди у ғижиниб ва катта-катта қадам ташлаб уйга қараб кетди. Софрон унинг орқасидан кетди. Земский, жуда узоқ бир масофага сакрамоқчи бўлиб турган одамдай, кўзларини чақчайтирди. Оқсоқол кўлмакдаги ўрдакларни ҳайдаб юборди. Арзга келган мужиклар жойларида яна бир оз туришди, бир-бирларига қарашиб олишди ва сўнгра, орқаларига қарамай, аста уйларига жўнаб қолишди.

¹ Мени кечирингизни илтимос қиламан, азизим. (Франц.)

² Яхшини миси чиқди. (Франц.)

Икки соатлардан сўнг мен Рябовога стиб олдим ва таниш мужик Анпадист билан бирга овга ҳозирлик кўра бошладим. Пеночкин мен жўнаб кетганга қадар Софронга қовоқ-димоғ қилиб юрди. Мен Шипиловка қишлоғининг деҳқонлари тўғрисида, жаноб Пеночкин ҳақида Анпадист билан суҳбатлашдим, ундан Шипиловка бурмистрини биласанми, деб сўрадим.

— Анови Софрон Яковличними?.. Бўлмаса-чи!

— Қанақа одам ўзи у?

— У одам эмас, ит: бунақа қоногон итни то Курска боргунингизгача ҳам ҳеч учратмайсиз.

— Нега ундай дейсан?

— Шипиловка номигагина, халиги оти нима эди, Пенкинмиди, ўшаники ҳисобланади; Шипиловкага ҳозир Пенкин эмас, Софрон хўжайинлик қиляпти.

— Йўғ-э!

— Худди ўз мол-мулкидек, хўжайинлик қилади. Ҳамма деҳқонлар ундан қарздор; деҳқонлар худди унга батракдай меҳнат қилишади: бировни аравакаш қилиб ишлатади, бировни яна аллақайларга юбориб сарсон қилади... Ҳаммани турткилайвериб хунига ташна қилди...

— Уларнинг ери камга ўхшайди-а?

— Кам дейсизми? Йўқ. Софрон хлиноволикларнинг ўзидан саксон десятина, иннайкейин бизникилардан бир юз йигирма десятина ерни ижарага олган; мана сизга жамулжами икки юз десятина. У фақат ердангина фойда олмайди: йилқичиликдан, чорвадан, арава мойи, ёғ, каноп толасидан, хуллас, ҳамма-ҳамма нарсадан даромад қилади... Ақлли, жуда ақлли ва ниҳоятда бадавлат одам-да, иблис! Бир қилиғи ёмон — уришқоқ. Одам эмас, йиртқич ҳайвон: ит-да, итлигини қилади.

— Нима учун деҳқонлар ундан шикоят қилишмайди?

— Э-э! Бариннинг неча пуллик иши бор? Унинг учун боқимонда бўлмаса бўлди-да!.. Қани биров арз қилиб кўрсин-чи,— деб қўшиб қўйди Анпадист бир оз сукутдан сўнг,— унинг ҳоли нима кечаркин,— Софрон унга кўрсатиб қўяди... Ҳа, ҳалигидай қилиб... Ҳа, унинг додини беради...

Антип эсимга тушиб кетди ва кўрганларимни Анпадистга айтдим.

— Оббо,— деди Анпадист,— энди уни тоза қийнайди, унинг инжирғасини ўйнатиб юборади. Энди оқсоқол

уни ўлгудек савалайди. Э бечора-ей! Қайси гуноҳи учун уни бунча қийнашяпти, денг... Сабр косаси тўлганидан бўлса керак йиғинда бурмистр билан ғижиллашиб қолган эди... Шунга ҳам ота гўрими! Ана шундан буён Софрон уни, яъни Антипни ғажигани-ғажиган. Энди уни қўймайди. Софрон ана шунақанги ёмон ит, худо гуноҳимни ўзинг кечир, у кимга осилишни билади. Бойроқ, бадавлатроқ ва аёлмандроқ чолларга тегмайди, айёр, кал, аммо Антипга қолганда жуда ҳаддидан ошибди! Антипнинг ўғилларини навбати келмасдан ахийри саллотликка юборди, уятсиз муттаҳам, ит, худоё гуноҳимни ўзинг кечиргин!

Биз овга жўнадик.

*Силезиядаги Зальцбрунн.
1847 йил, июль.*

Бу воқеа кузда содир бўлган эди. Милтиқ қўлимда, бир неча соатдан бери даладан-далага ўтиб юрардим. Агар эрталабданоқ қари қиздан беш бадтар шилқимлик билан жонимга тегиб тинмай майдалаб ёғаётган совуқ ёмғир мени яқинроқ жойдан бирор бошпана ахтаришга мажбур этмаганида, катта Курск йўлидаги карвон саройга қош қораймасдан олдин қайтиб келмасдим. Бу саройда мени уч от қўшиғлиқ аравам кутиб турарди. Қайси томонга юрсам экан,— деб ўйлардим, тўсатдан, нўхат экилган дала ёнидаги пастак бир чайлага кўзим тушиб қолди. Чайла олдига бордим, поҳол орасидан чайла ичига қарадимۇ мункиллаб қолган бир чолга кўзим тушди, уни кўришим билан Робинзон ўз оролидаги ёрларнинг биридан топган ўлай-ўлай деб турган эчки эсимга тушди. Чол кичкина хира кўзларини юмиб чўққайиб ўтирарди ва бир дона қуруқ нўхатни қуёнга ўхшаб (бечоранинг оғзида битта ҳам тиши йўқ эди), тез-тез ва лекин эҳтиётлик билан гоҳ у лунжига, гоҳ бу лунжига юмалатиб кавшар эди. Унинг бутун фикру ёди нўхатни кавшашда бўлганидан менинг келганимни сезмай қолди.

— Бува! Ҳо бува!— дедим мен.

У кавшанишдан тўхтади, қошини баланд кўтариб, кўзини зўрға очди.

— Нима?— деди чайналиб бўғиқ овоз билан.

— Яқин орада қишлоқ борми?— сўрадим мен.

Чол яна кавшана бошлади. У гапимни яхши эшит-

мади. Мен саволимни баландроқ овоз билан такрорладим:

— Қишлоқ?... сенга нима керак ўзи?

— Ёмғирдан бекиниш керак эди.

— Нима?

— Ёмғирдан бекиниш керак, деяпман.

— Ҳа! (У офтобда қорайган гарданини қашлади.)
Хўш, сен, ҳалиги,— деб гапира кетди у, қўлини пала-
партиш силкитиб,— манови томонда...а...н, ҳа, ўрмон
ёнида...н бораверсанг, бораверсанг бир йўлга чиқасан;
сен у йўлни қўйиб, ҳадеб ўнг томонга юравер, юравер,
юравер... Ахийри Ананьевого етасан. Хоҳласанг, Ситов-
кага ҳам бориб қоласан.

Чолнинг сўзларини зўрға тушундим. Унинг гапири-
шига мўйлови халал берарди, боз устига тили ҳам унга
яхши итоат қилмас эди.

— Сен ўзинг қаерликсан?— деб сўрадим ундан.

— Нима?

— Қаерликсан, деяпман?

— Ананьеволикман.

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсан?

— Нима?

— Бу ерда нима қияпсан, деяпман?

— Қоровуллик қияпман.

— Нимани қўриқлаяпсан?

— Нўхатни-да.

Мен кулгидан ўзимни тутолмадим.

— Менга қара, неча ёшга боргансан ўзинг?

— Худо билади.

— Кўзинг яхши кўрмайди шекилли-а?

— Нима?

— Кўзинг яхши кўролмайди, дейман.

— Ҳа. Гоҳо ҳеч нарсани эшитмайман ҳам.

— Ие, шу ҳолинг билан қандай қилиб қоровулчилик
қиласан?

— Буни катталар билади.

«Катталар!»— деб ўйладим ичимда ва бечора
чолга ачиниб қарадим. У қўйнидан суви қочган бир
бурда нонни ахтариб топди ва ичига ботиб кетган лун-
жини янада чуқурроқ тортиб, нонни ёш боладай зўр
бериб сўра бошлади.

Мен ўрмон томонга юрдим, ўнг тарафга бурилдим,
чол айтганча, ўнгга қараб юравердим, юравердим ва

ниҳоят катта бир қишлоққа етдим, қишлоқда янги услубда колоннали қилиб солинган гиштин черков ва кенг дворян уйи бор эди, уй ҳам колоннали эди. Қишлоққа кирмасданоқ узоқдан, қалин ёғиб турган ёмғир орасидан тахта томли ва қўш мўрили бир уйни кўрдим, бу уй бошқа уйлардан баландроқ бўлиб, афтидан, унда қишлоқ оқсоқоли турарди, мен оқсоқолникидан самовар, чой, қанд, ачимаган қаймоқ топилар деган умид билан уй томонга юрдим. Совуқдан дилдираган итим билан бирга уйга кираверишдаги зинапояга чиқдим, даҳлизга кирдим, эшикни очдим, лекин уйда одатдаги рўзгор анжомларини эмас, балки устида ҳар хил қоғозлар уюлиб ётган бир неча стол, иккита қизил шкаф, сиёҳ сачраган сиёҳдонлар, оғирлиги бир пуд келадиган қалайи қумдонлар¹, узун патқаламлар ва бошқа нарсалар турганини кўрдим. Столларнинг бирида йигирма ёшлар чамасидаги, юзи шишган ва касалманд қиёфали, кичкина кўзли, ялтироқ пешонали ва кенг чаккали бир йигит ўтирар эди. У ёқаси ва қорнига жило бериб ялтиратилган кул ранг нанка чакмон кийиб, пўрим бўлиб олган эди.

— Сизга нима керак?— деб сўради у мендан, беҳосдан жilовидан ушлаб олинган от сингари бош силкитиб.

— Бу ерда приказчик турадимми... ёки...

— Бу ер хўжайиннинг бош контораси,— деб сўзимни бўлди у.— Мен навбатчилик қилиб ўтирибман... Сиз вивескани ўқимадингизми? Ахир ўқини учун осиб қўйилган-ку.

— Бу ерда кийим-кечакни қуришиб бўладиган жой топилармикин? Қишлоқда бирон кишида самовар борми?

— Самовар нега бўлмасин, бор,— деб катталики билан жавоб берди кул ранг чакмонли йигит.— Тимофей отанинг олдида, ёки қўрадаги уйга, ё бўлмаса Назар Тарасичнинг олдида, у ҳам бўлмаса паррандачи Аграфенанинг олдида бординг.

— Ҳой тентак, ким билан гаплашяпсан? Ухлагани сира қўймадинг-да, аҳмоқ?— деган овоз келди қўшни хонадан.

¹ Илгариги замонда сиёҳда ёзилладиган хатни қум сепиб қуриш учун ишлатилган, қум солиб қўйилладиган идиш.

— Аллақандай бир жаноб кирди: кийим-кечакни қуришиб оладиган жой борми деб сўраяпти.

— Қанақа жаноб экан ўзи?

— Билмайман. Ити ва милтиғи бор.

Қўшни бўлмадан каравотнинг ғичирлагани эшитилди. Эшик очилди-ю ичкаридан эллик ёшларда бўлган, йўғон гавдали, паст бўй, ҳўкиз бўйин, кўзлари чақчайган, ниҳоятда юмалоқ ва ялтироқ юзли бир киши чиқди.

— Нима дейсиз?— деб сўради у мenden.

— Кийимларимни қуришиб олмоқчиман.

— Бу ер унақа жой эмас.

— Бу ернинг конторалигини билмабман; лекин ҳақини тўлашим мумкин...

— Дарвоқе, бу ерда ҳам мумкин,— деди йўғон киши,— мана, шу жой қалай бўларкин. (У мени ҳозиргина чиққан бўлмасига эмас, бошқа бир бўлмага олиб кирди.) Бу ер сизга ёқармикин?

— Яхши... Қаймоқли чой топилармикин?

— Ҳозир бўлади. Сиз ечиниб, дам олиб турнинг, чой дарров тайёр бўлади.

Бу кимнинг имениеси?

— Боснякова Елена Николаевна хонимники.

У чиқиб кетди. Мен товарақ-атрофимга қарадим. бўлмани конторадан ажратиб турган парда девор олдида чарм жилдлик каттакон диван қўйилган эди; кўчага очиладиган ёлғизгина деразанинг икки томонида гоят баланд суянчиқли иккита стул қаққайиб турарди, бу стулларга ҳам чарм қопланган эди. Пушти гулли кўк қоғозлар ёпиштирилган деворда мойли бўёқлар билан чизилган учта каттакон сурат осиглиқ эди. Суратларнинг бирида ҳаво ранг бўйинбоғли искавуч ит тасвирланган ва остига: «Менинг қувончим» деб ёзиб қўйилган эди; итнинг ёнгинасидан дарё оқиб турарди, дарёнинг нариги қирғоғида қарағай тағида эса қулоқлари диккайган гоятда каттакон бир қуён чўққайиб ўтирарди; иккинчи суратда икки чолнинг тарвуз еб ўтиргани тасвирланган эди; тарвуз орқасида узоқда «Ҳаловат макони» деб ёзиб қўйилган грекча пешайвон кўринарди. Учинчи суратда тиззалари қизил ва товонлари жуда қалин бир хотиннинг ярим яланғоч еп тасовуғи ҳолида ётгани кўрсатилган эди. Итим шу он ниҳоятда зўр машаққат билан диван тағига кириб олди ва афтидан каравот остида чанг кўп бўлса керак, кетма-кет бир

печа марта қаттиқ акса урди. Мен дераза олдиға бордим. Хўжайиннинг уйидан то конторағача кўча ўртасига тахталар ташлаб қўйилибди: бу жуда фойдали эҳтиёт чораси эди, чунки ерларимиз қора тупроқ бўлганлиги ва ёмғир кўп ёққанлигидан ҳамма ёқ лой бўлиб кетган эди. Орқа томони кўчага қараган хўжайин қўраси ёнида ҳамма помешчик қўралари ёнида бўладиган аҳвол юз бермоқда эди: ўнгиб кетган чит кўйлакли чўри қизлар у ёққа, бу ёққа югуриб ўтиб турардилар; ҳовли хизматкорлари лой кечиб юрар, гоҳо тўхтаб ҳаёл суриб гарданларини қаширдилар; қишлоқ миршабининг боғлаб қўйилган оти думини секин силкитиб ва тумшугини юқорига кўтариб, тахта деворни ғажир эди; товуқлар қақағларди; кўксов куркалар тинмай қулқуллаб бир-бирларини чақиришарди. Қорайиб кетгани ва чириганлигидан ҳаммом деб ўйласа бўладиган бир бино эшиги олдида норғулгина йигит гитара чалиб, машҳур романсни хиргойи қилиб ўтирарди:

Оҳ, фараҳбаш бу чиройли ерлардан
Бошим олиб, дашту саҳро кетаман...

ва бошқалар.

Семиз киши бўлмамга кирди.

— Сизга чой келтиришяпти,— деди у менга, ёқимли табассум билан.

Кул ранг чакмонли йигит — контора навбатчиси қарта ўйналадиган эски столга самовар, чойнак, синиқ ликопчали стакан, бир хурмача қаймоқ ва тошдай қаттиқ бир боғлам ўрама нон келтириб қўйди. Семиз киши чиқиб кетди.

— Қим бу киши, приказчикми?— деб сўрадим навбатчидан.

— Асло, тақсир: бош кассир эди, энди контора бошлиғи қилиб тайинланган.

— Приказчикларинг йўқми?

— Йўқ, тақсир. Бурмистр бор — Михайла Викулов, аммо приказчик йўқ.

— Ундоқ бўлса, хўжалик мудир бордир?

— Албатта, бор: немис, Линдамандол, Карло Карлич; аммо у ҳеч нимани бошқармайди.

— Бўлмаса, бошқарувчиларинг ким ўзи?

— Баринянинг ўзлари.

— А, ҳали шунақа дегин!.. Хўш, конторагизда кўп одам ишлайдими?

Йигит ўйланиб қолди.

— Олти киши.

— Қим-кимлар?— деб сўрадим.

— Мана, бир бошдан санаб берай: авваламбор Василий Николаевич, бош кассир; кейин конторачи Петр, сўнгра Петрнинг укаси, конторачи Иван, яна битта конторачи Иван; Қоскенкин Наркизов, у ҳам конторачи, иннайкин мен — э, жуда кўпчиликмиз.

— Бекангизнинг хизматкорлари кўп бўлса керак?

— Йўқ, кўп эмас...

— Ҳар ҳолда қанча?

— Юз элликтача келади.

Иккаламиз жим бўлдик...

— Хўш, хатни яхши ёзасанми?— деб яна гап бошладим.

Йигит, оғзининг таъофи қочиб, олжайди, бошини қимирлатди, конторага кириб, ёзилган қоғоз варағини келтирди.

— Мана менинг ёзувим,— деди у, ҳамон жилмайишда давом этиб.

Мен қоғозга қарадим, бир варақ кўкимтир қоғознинг тўртдан бир бўлагига йирик ҳарфлар билан чиройли қилиб қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

Буйруқ

Ананьево бекасининг бош уй контораси томонидан бурмистр Михайла Викуловга № 209.

«Ушбунли олиш билан дарҳол қуйидагиларни бажо келтирмоғинг: кеча кечаси Англис боғидан маст-аласт ҳолда беадабона ашула айтиб ўтган ва фаранг мураббияси Эжени хонимни уйғотиб безовта қилган кишини топмоғинг ҳамда қоровуллар нима учун анқайиб қараб турганликларини, ўша аснода боғда ким қоровуллик қилганини ва бу тартибсизликларга йўл қўйганини билмоғинг буюрилади. Юқорида зикр қилинган нарсаларнинг ҳаммасини ипидан-игнасиғача суриштириб билиб, дарҳол конторага маълум қилмоғинг буюрилади.

Бош конторачи Николай Хвостов».

Буйруққа «Ананьево бекасининг бош контораси муҳри» деб ёзилган каттакон гербли печат босилган эди;

пастда эса «Аниқ ижро қилинсин. Елена Лоснякова» деб ёзиб қўйилган эди.

— Буни баринянинг ўзи ёзиб қўйганми?— деб сўрадим.

— Ҳа-да, ўзлари: бариня ҳамма вақт ўзлари ёзадилар. Бўлмаса, буйруқ кучга кирмайди.

— Сизлар бу буйруқни бурмистрга юборасизларми?

— Йўқ, тақсир. Ўзи келиб ўқийди: Яъни унга ўқиб беришади, чунки унинг саводи йўқ. (Навбатчи яна бир оз сукут қилди.) Қалай,— деб қўшиб қўйди у илжайиб,— яхши ёзилган-а?

— Яхши.

— Аммо, ростини айтсам, буйруқни мен иншо қилмаганман. Бунақасига Қоскенкин уста.

— Нима?.. Сизлар буйруқни аввал ижод қилиб, сўнгра ёзасизларми?

— Бўлмаса қандай қилиб ёзиб бўларди? Бирданига оққа ёзиб бўлмайди-да, ахир.

— Сен қанча маош оласан?— деб сўрадим.

— Ўттиз беш сўм, яна беш сўм этик учун берадилар.

— Сен шунга розимисан?

— Албатта, розиман. Бизда конторада ишлаш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди. Ростини айтсам, бу ерни менга худонинг ўзи хоҳлади: амаким бош хизматкор бўлиб ишлайди.

— Турмушинг яхшими?

— Яхши. Тўғриси айтганда,— деб давом этди у хўрсиниб олиб,—чунончи, масалан, бизга ўхшаганлар учун савдогарларнинг хизматида бўлиш яхшироқ. Бизларга савдогарлар қўлида хизмат қилиш жуда яхши. Мана бизга кеча кечқурун Венёвадан бир савдогар келди,—ўшанинг хизматкори айтиб берди... Яхши яшар экан, дуруст.

— Хўш, савдогарлар маошни кўп берарканми?

— Худо сақласин! Маош сўрасанг, у сени олдидан қувлаб чиқаради. Йўқ, сен савдогарнинг қўлида вадасига ишониб ғиқ этмай хизматини қилаверасан. У сенга едиради ҳам, ичиради ҳам, кийдиради ҳам — ҳаммасини қилади. Кўнглига ёқиб қолсанг — яна кўпроқ беради... Маош ҳам гап эканми! Унинг ҳеч кераги йўқ... Иннайкейин, савдогар бизга ўхшаб, русчасига, оддий яшайди: у билан бирга сафарга чиқсанг — у чой

ичса, сен ҳам ичасан, у нима еса, сен ҳам ўшани ейсан. Савдогарда... шунақа бўлади: савдогар барин эмас. Савдогар жиннилик қилмайди; лекин аччиғи келиб қолганида калтаклайди-ю шу билан хумордан чиқади — иш тамом вассалом. Жиннилик қилмайди, таъна қилиб хўрламайди... Аммо баринга даво йўқ! Унга ҳеч бир ишингни маъқуллата олмайсан: ундай қилсанг ҳам ёқмайсан, бундай қилсанг ҳам ёқмайсан. Олдига стаканда сув ёки овқат келтирсанг — «Пуф, сувдан ёмон ҳид келяпти! Овқат сасиб қолибди!» — дейди. Келтирилган нарсани ташқарига олиб чиқиб, эшик орқасида бир оз туриб яна қайтариб олиб кирсанг — «Энди буниси яхши, сассиқ ҳид келмаяпти», дейди. Лекин баринияларни айтмайсизми, бариниялар бариңдан ҳам бешбадтар бўлишади!.. Қизларининг ижиқликларига эса худо тўзим берсин!..

Шу пайт конторадан семиз кишининг:

— Федюшка! — деган овози эшитилди.

Навбатчи тез чиқиб кетди. Мен стакандаги чойимни ичиб бўлиб, диванга ётиб уйқуга кетдим. Икки соатча ухладим.

Уйғониб, ўрнимдан турмоқчи бўлдим у эриниб яна ётавердим; кўзларимни юмдим, аммо энди уйқум келмади. Парда девор орқасида, конторада икки кишининг гўнғир-гўнғир гаплашаётгани эшитилиб турарди. Ихтиёрсиз сурагча уларнинг гапига қулоқ солдим.

— Шундай, шундай Николай Еремеич, — деярди сўзловчилардан бири. — Гап шундай. Буни эътиборга олмай бўлмайди, ҳа, бўлмайди, ростини айтяпман... ҳим! (Сўзловчи йўталди.)

— Сиз менга ишонаверинг, Гаврила Антонич, — деб эътироз билдирди семиз киши, — бу ернинг тартиб-қоидаларини мен яхши билмай ким яхши билсин, ўзингиз ўйлаб кўринг.

— Бошқа ким ҳам била олади. Николай Еремеич: сизни бу ерда биринчи даражали шахс деса бўлади. Хўш, шундай қилиб қандай битишамиз? — деб сўзида давом қилди менга нотаниш овоз, — энди қандай битишадиган бўлди, Николай Еремеич? Лутфан шу нарсани менга изҳор қилинг.

— Қандай битишар эдик, Гаврила Антонич? Гап сизда қолган; сиз хоҳламаётганга ўхшайсиз.

— Йўғ-э Николай Еремеич, нега ундок дейсиз? Биз-

нинг ишимиз савдо-тижорат; ишимиз харид қилиш. Бизнинг тирикчилигимиз шу билан ўтади десак бўлади, Николай Еремеич.

— Саккиз сўм,— деди дона-дона қилиб йўғон киши. Хўрсиниш эшитилди.

— Николай Еремеич, жуда кўп сўраб юборяпсиз.

— Камайтириб бўлмайди, Гаврила Антонич, худо ҳаққи, камайтириб бўлмайди, бўлари шу.

Орага жимлик чўкди.

Мен аста-секин ўрнимдан туриб, парда деворнинг ёриғидан мўралаб қарадим. Семиз киши менга орқа ўгириб ўтирарди. Унинг рўпарасида қирқ ёшларга борган, ориқ ва зиғир ёғ суркаб қўйилгандай ранги заҳил бир савдогар ўтирар эди. У ҳадеб соқолини ушлаб қўяра ва кўзларини пирпиратиб, лабларини учирар эди.

— Бу йил дон экинларининг кўриниши жуда яхши деса бўлади,— деб яна гап бошлади савдогар,— йўлда келаётиб уларни завқланиб хўп томоша қилдим-да, Воронеждан бошлаб то шу ерга кела-келгунимча ҳамма ёқ ям-яшил бўлиб яшнаб ётибди, биринчи нав деса бўлади.

— Ҳа, дон экинлари чакки эмас,— деб жавоб берди бош конторачи,— ўзингиз биласиз-ку, Гаврила Антонич, куз донни ундириб чиқаради, аммо баҳорнинг айтгани бўлади.

— Ҳақ гап, Николай Еремеич: ҳамма нарсаси худонинг иродаси билан бўлади: жуда тўғри айтдингиз... Назаримда, меҳмонингиз уйғониб қолди шекилли...

Семиз киши орқасига ўгирилди... қулоқ солди...

— Йўқ, ухляпти. Лекин, борди-ю, тагин ҳалигидай...

У эшик олдига келди.

— Йўқ, ухляпти,— деб такрорлади ва жойига бориб ўтирди.

— Хўш, нима дейсиз энди, Николай Еремеич?— деб гап бошлади яна савдогар,— ахир ишни бир ёқлик қилайлик... Хўп бўлмаса, Николай Еремеич, хўп бўлмаса,— деб давом этди у, кўзини тўхтовсиз пирпиратиб,— иккита элликталигу битта йигирма бешталиқ бераман, ана у ерда эса (у боши билан беканинг қўрасига ишора қилди) олти яримдан бўлади. Қани бор барака топ қиламизми?

— Тўртта элликталик берасиз,— деб жавоб қилди приказчик.

— Хўп, учта олинг!
— Битта йигирма бешталик кам тўртта элликталик.
— Учта элликталик, Николай Еремеич.
— Уч яримта, шундан бир тийин кам бўлса ҳам бўлмайди.

— Учта бераман, Николай Еремеич.

-- Бўлмайди, Гаврила Антонич.

— Жуда қайсар одам экансиз-да,— деб ғурунглади савдогар.— Ундоқ бўлса, ишни бариня билан ўзим бир ёқлик қилиб қўя қоламан.

— Ихтиёрингиз,— деб, жавоб берди семиз киши,— аллақачон шундай қилсангиз бўлар эди. Рост-да, ўзингизни койитиб нима қиласиз? Шунақа қилиб қўя қолинг, дуруст бўлади!

— Э, бас, бас, Николай Еремеич. Дарров хафа бўлдингиз-қолдингиз-а! Мен шунчаки айтдим-да.

— Йўқ, ростдан ҳам агар...

— Бўлди энди, дедим-ку... Ҳазиллашдим, деяпман. Хайр, ўзингиз айтганча уч яримта бўла қолсин, мана олинг, сизнинг раъйингизга юрмай иложим йўқ.

— Аслида тўртта олишим керак эди-ю, лекин мен аҳмоқ, сал тезроқ кўниб қўйдим,— деди семиз киши.

— Демак, у ерда, уйда ғалланинг нархи олти яримдан, Николай Еремеич, ғалла олти яримданга бўладими?

— Олти ярим дейилди — гап тамом.

— Ундоқ бўлса, бор барака, Николай Еремеич (савдогар панжалари ёзилган қўли билан конторачининг кафтига урди). Хайр бўлмаса! Савдогар ўрнидан турди.) Отахон Николай Еремеич, мен энди баринянинг ҳузурига бориб, у билан кўришмоқчи бўлганимни айтаман, кейин унга: Николай Еремеич олти яримдан нарх қўйдилар, дейман.

— Шундай деб айтинг, Гаврила Антонич.

— Мана энди марҳамат қилиб пулингизни олинг.

Савдогар конторачига кичик бир даста қоғоз пул берди, таъзим қилди, бошини қимирлатди, икки бармоғи билан шляпасини олиб кийди, кифтини қоқиб қўйди-да, этигини ғарчиллатиб лапанглаб чиқиб кетди. Николай Еремеич девор ёнига келди ва пайқашимча, савдогардан олган пулларини санай бошлади. Шу пайтда эшикдан чаккасига қуюқ қилиб соқол қўйган малла соч бир киши ичкарига бош суқди.

— Хўш қалай?— деб сўради малла соч киши,— ишлар жойидами?

— Жойида.

— Қанча берди?

Семиз киши энсаси қотиб қўл силкиди ва мен ётган хонага ишора қилди.

— Ҳа, хўп!— деди малла соч киши, сўнг яна ўзини ташқарига олди.

Семиз киши стол ёнига келиб ўтирди, дафтарни очди, чўтни олиб, унинг соққаларини нари-берига сура бошлади, у ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан эмас, балки ўзига муносиб кўриб ўрта бармоғи билан чўт урарди.

Навбатчи кирди.

— Ҳа, нима?

— Голоплёкидан Сидор келди.

— Ҳа, ҳа! Чақир, кирсин. Тўхта, тўхта... Аввал сен ичкарига кириб, бегона бариндан хабар ол: ухлоқми, уйғоқми, шуни билиб чиқ.

Навбатчи мен ётган хонага астагина кирди. Мен ёстиқлик хизматини бажарувчи илвасин халтамга бошимни қўйиб, кўзимни юмиб олдим.

— Ухлаб ётибди,— деб пичирлади навбатчи, конторага қайтиб кирганидан кейин.

Семиз киши бир нарса деб минғирлади.

— Бор, Сидорни чақир бўлмаса,— деди у ниҳоят.

Мен яна сал туриб ўтирдим. Конторага ўттиз ёшлар чамасидаги, норгул ва забардаст, юзлари қип-қизил, малла соч ва кичкина жингалак соқолли бир мужик кириб келди. У иконага қараб чўқиниб олди, бош конторачига эгилиб салом берди, шляпасини икки қўлига ушлаб ғоз турди.

— Салом, Сидор,— деди семиз киши чўт қоқиб туриб.

— Салом, Николай Еремеич.

— Хўш, йўл қалай?

— Яхши, Николай Еремеич. Аммо бир оз лой. (Мужик шошмасдан, паст овоз билан гапирди.)

— Хотининг саломатми?

— Нима қиларди унга?

Мужик хўрсиниб, бир оёғини олдинга қўйди. Николай Еремеич патқаламни қулоғига қистирди ва бурнини қоқиб олди.

— Хўш, нимага келдинг?— деб савол беришда давом қилди у, катак даструмолчасини чўнтагига солаётиб.

— Биласизми, Николай Еремеич, биздан дурадгор сўрашапти.

— Нима бўлибди, ораларингда дурадгор йўқми?

— Нега бўлмасин, Николай Еремеич: чорбоғ ўрмонда бўлганидан кейин орамизда дурадгорлар бор-да. Лекин ҳозир ишнинг айна қизғин вақти, Николай Еремеич.

— Ишнинг қизғин вақти эмиш! Ҳа, ҳамма гап ана шунда, сенлар бегоналар учун ишлашни яхши кўрасанлар, ўз бариняларинг учун ишлашни ёқтирмайсанлар... Ҳамма иш ҳам бир иш!

— Рост, ҳамма иш ҳам бир иш-ку, Николай Еремеич... аммо лекин...

— Нима?

— Иш ҳақи жуда ҳам... ҳалиги...

— Ие, ахир етади-да! Талтайиб кетганларингни қара-я. Тавба!

— Шуниси ҳам борки, Николай Еремеич, бори-йўғи бир ҳафталик иш ўзи, аммо одамларни бир ой сарсон қилишади. Ё материал етмай қолади ёки йўлкаларни тозалаш учун боққа юборишади.

— Ахир шунақаям бўлади-да! Баринянинг ўзи шунақа фармойиш бергандан кейин, сен билан мен бир нарса дея олмаймиз.

Сидор пндамай қолди ва гоҳ ўнг оёғини, гоҳ чап оёғини босиб тураверди.

Николай Еремеич бошини қийшайтириб, зўр бериб чўт қоқа бошлади.

— Бизнинг... деҳқонлар... Николай Еремеич...— деди ниҳоят Сидор, ҳар бир сўзида тутилиб,— мана буниси сизга бериб юборишди... мана, бу ерда... (У каттакон қўлини чакмони остидан қўйнига тиқиб, у ердан қизил гулли бир тугунча чиқара бошлади.)

— Сенга нима бўлди, сенга нима бўлди, тентак, ақлингни едингми?— деб шошиб-пишиб мужикнинг сўзини бўлди семиз киши.— Уйимга бор, уйимга,— деб давом этди у, ҳайрон бўлиб қолган мужикни итариб чиқаргандай бўлиб,— хотинимни чақир... у сенга чой қўяди, мен ҳозир орқангдан етиб бораман, бор. Қўрқма, боравер деяпман сенга.

Сидор чиқиб кетди.

— Оббо айиғ-ей...— деб гурунглади унинг кетидан бош конторачи, сўнг бош чайқаб қўйиб, яна чўт қоқа бошлади. Шу пайт кўчадан ва кейин даҳлиздан: «Купря! Купря! Энди Купря билан ҳазиллашиб бўлмайди!»— деган қаттиқ овозлар эшитилди ва хийла вақтдан сўнг конторага пакана, сил башара, бурни ҳаддан ташқари узун, катта-катта кўзлари бақрайган бир киши керилиб кирди. У галати рангдаги, ип бахмал ёқали ва майда тугмалли эски, жулдурвоқи чакмон кийиб, бир боғлам ўтинини орқалаб олган эди. Унинг теварагини қўра хизматкорларидан бештачаси ўраб олиб: «Купря! Энди Купряга бас келиб бўлмайди! Купряни ўт ёқар қилиб қўйишибди, ўт ёқар!» деб бақирарди. Аммо ип бахмал ёқали чакмон кийган киши ўртоқларининг бу гавголари-га зарра нарво қилмас ва авзонини сира бузмас эди. У печка олди-га салмоқ билан юриб келиб, елкасидаги юкинни ерга туширди, қаддини ростлаб орқа чўнтагидан тамакидонини олди, кўзларини чақчайтирди ва кул ара-лаштирилган йўнғичқа талқопини бурнига тиқиб ҳидлай бошлади.

Хизматкорлар шовқин-сурон билан конторага кириб келишаётганда семиз киши ҳўмрайиб ўрнидан турди-ю, аммо нима гаплигини кўргач, илжайди ва шовқин солмасликни буюрди:

— Қўшни бўлмада овчи ухлаб ётибди.

— Қанақа овчи?— деб сўради икки киши бара-варига.

— Помешчик.

— А?

— Шовқин солишса солишаверсин,— деди қўлларини катта очиб ип бахмал ёқали киши,— менга нима, менга тегишмаса бўлгани. Мени ўт ёқарликка тайинлаб қўйишди...

— Ўт ёқарликка! Ўт ёқарликка!— деб унинг сўзини хурсандлик билан такрорлади хизматкорлар.

— Бариня буюрди,— деб давом қилди у, елкасини қисиб,— ҳали тўхтаб туринглар... сизларни чўчқа боқар қилиб қўйишади. Мен машиначиман, машиначи бўлган-да ҳам яхши машиначиман, бу ҳунарни менга Москва-нинг энг бориб турган усталари ўргатган, мен генерал-ларга кийим тикканман... бу ҳунарни мендан ҳеч ким тортиб ололмайди. Айтинглар-чи, сизлар нималарингга

катталиқ қиласизлар?.. Нималарингга? Баринянинг измидан чиқиб қолдиларингми, дархон бўлиб олдиларингми, а? Сизлар текинхўрларсиз, ҳаромтомоқларсиз, бўлган-турганингиз ана шу. Агар бариня мени ўз эркимга қўйиб берса, очдан ўлмасдим, агар менга бошпурт беришса — яхшигина оброк тўлаб, бариняни ҳам хурсанд қилардим. Сизлар-чи? Сизлар худди пашшадай қирилиб, ўлиб кетасизлар, бўлган гап шу!

— Ёлғонни жуда ямламай ютыпсан-да,— деб унинг сўзини бўлди чўтир юзли ва оқ-сариқ сочли, бўйнига қизил рўмол боғлаган, тирсаклари йиртиқ бир йигитча,— сен бошпурт ҳам олган эдинг, лекин хўжайинлар сендан бир тийинлик оброк кўрмадилар, ўзинг учун бир қора чақа ишлаб тополмадинг; уйингга бир ҳолатда қайтиб келдинг, ўшандан буён шу битта жулдур чакмонингни елкангдан ташламайсап.

— Ҳой Константин Наркизич!— деди Куприян,— киши ишқ дардига мубтало бўлганидан кейин қўлидан нима келарди, нобуд ҳам бўлади, ҳалок ҳам. Аввал сен, Константин Наркизич, менчалик яшаб кўргин, ана ундан кейин мени айбоситиб гапирсанг майлига.

— Ишқинг зап одамга тушибди-да! Жудаям хунук-ку!

— Йўқ, сен ундай дема, Константин Наркизич.

— Қўй, гапингга ким ишонарди? Ахир мен уни кўрганман; ўтган йили, Москвада ўз кўзим билан кўрганман.

— Ўтган йили у ҳақиқатан ҳам сал ёмонроқ юрди,— деди Куприян.

— Йўқ, жаноблар, Куприян Афанасьич бизга ўзи туқиган ашуласини айтиб берсин. Қани, Куприян Афанасьич бошланг!— деди жирканиш ва тўнглик билан баланд бўйли, қотмагина, юзини ҳуснбузар босган, сочини жингалак қилдириб, мой билан ялтиратиб олган бир киши; афтидан, бу киши камердинер эди.

— Ҳа, ҳа!— деб унинг сўзини қувватлашди бошқалар.— Оббо, Александра-е! Куприяни алдаб кетди-я, қойил... Айт, Купря!.. Шоввоз, Александра! (Ҳовли хизматкорлари эркак киши тўғрисида гапирганларида, назокат юзасидан, кўпинча унинг исмини аёллар жинси қўшимчасини қўшиб талаффуз қиладилар.) Айт!

— Бу ер ашула айтиладиган жой эмас,— деб қатъий

этироз билдирди Куприян,— бу ер хўжайиннинг кон тораси.

— Сенинг ишинг нима? Балки, ўзинг конторачи бўлиб олиш ниятидадирсан! Албатта шунақа!— деб масхара билан кулиб жавоб қайтарди Константин.

— Ҳамма нарса хўжайиннинг ихтиёрида,— деди камбағал.

— Оббо муғамбирей, уни қаранглар-а, нималарни мўлжаллаяпти-я? Вой-бўй. Ол-а!

Ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кулди, баъзилар сакраб юборишди. Ўн беш ёшлардаги бир бола ҳаммадан кўра қаттиқроқ кулди, афтидан бу бола артистократнинг чўри хотинидан туғилган ўғли бўлса керак, у бронза тугмали желатка кийиб, бинафша рангли галстук тақиб олган ва бир оз қорин солишга ҳам улгурган эди.

— Менга қара, Купря, ростини айтиб қўя қол, ўт ёқарлик яхши иш бўлмаса керак-а? Жуда бемаза бир иш бўлса керак, шундайми?— деди хурсандликдан кўнгли юмшаб кетган Николай Еременч мағрурлик билан.

— Ҳа, яхши бўлмаса нима қилибди, Николай Еременч,— деди Куприян,— мана, сиз ҳозир бизнинг бош конторачимизсиз; бу албатта ҳаммага равшан, аммо лекин бир вақтлар сиз азоб чеккансиз, мужикча уйда тургансиз-ку, ахир.

— Оғзингга қараб гапир, ҳаддингдан ошма,— деб жаҳл билан унинг сўзини бўлди семиз киши,— аҳмоқ, сенга ҳазил қилияпман; сени одам қаторига қўшиб, сен тентак билан ҳазиллашганимга шукур қилсанг-чи, аҳмоқ.

— Гап келиб қолди-ю гапирдим-да, Николай Еременч, кечирасиз.

— Ҳа, энди ўзингга келдинг.

Эшик очилди, ичкарига хизматкор бола югуриб кирди.

— Николай Еременч, сизни бариня чақиряптилар.

— Баринянинг олдида ким бор?— деб сўради у хизматкор боладан.

— Аксинья Никитишна билан Венёвадан келган савдогар.

— Ҳозир бораман... Сиз, биродарлар,— деб давом этди у илтимос оҳангида,— манови янги чиққан ўтёқар билан бирга бу ердан кетинглар: агар немис келиб қолса, устингиздан шикоят қилиши турган гап.

Семиз киши сочларини тузатди, чакмонининг энги бекитиб турган қўлини оғзига тутиб йўталди, тугмала-

рини солди ва катта-катта қадам ташлаб, баринянинг олдига жўнади. Бир оздан кейин унинг кетидан Купря билан бирга ҳамма хизматкорлар ҳам чиқиб кетишди. Конторада фақат эски танишим, яъни навбатчигина қолди. У пат қаламининг учини чиқаришга киришган эди-ю, лекин ўтирган жойида ухлаб қолди. Бир нечта пашша дарҳол бу ғанимат фурсатдан фойдаланиб, унинг оғзига қўниб олди. Пешонасига бир чивин қўниб, оёқчаларини баҳузур жойлаштириб қўйди-да, унинг юмшоқ баданига аста-секин найзасини санча бошлади. Бояги, чаккасига соқол қўйган малла соч яна эшикдан бошини тикди, бир неча марта мўралаганидан кейин хийлагина бесўнақай гавдаси билан суқулиб конторага кирди.

— Федюшка! Ҳой Федюшка! Қачон қараса ухлаб ётасан-а! — деди у.

Навбатчи кўзини очиб, стулдан турди.

— Николай Еремеич баринянинг олдига кетдими?

— Баринянинг олдига кетди, Василий Николаич.

«Ҳа, ҳа! — деб ўйладим, — бош кассир дегани ана шу экан-да».

Бош кассир уйда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Лекин унинг юриши бир нарсани пойлаб оёқ учиди писиб юришга ўхшарди, хуллас, у ўз хатти-ҳаракати билан мушукка жуда ўхшаб кетарди. У орқа этаги жуда тор, эски қора фрак кийган эди; бир қўлини кўкрагига қўйиб, иккинчи қўли билан от қилидан тўқилган узун ва сиқиб боғланган галстугини тез-тез ушлаб қўяр, диққат билан бошини ҳар томонга айлантитар эди. У эчки терисидап тикилган ғарчсиз этик кийиб олган, қадамини жуда енгил қўяр эди.

— Бугун сизни помешчик Ягушкин сўраб келди, — деб илова қилди навбатчи.

— Ҳим, сўраб келди дегин? Нималар деди у?

— Кечқурун Тютюревникига борармиш, сизни ўша ерда кутармиш. Василий Николаич билан бир иш тўғрисида гаплашиб олишим керак, — деб айтди, аммо нима ишлигини айтмади: Василий Николаичнинг ўзи биларди, — деди.

— Ҳим! — деди бош кассир ва дераза олдига келди.

Шу пайт бирдан даҳлизда:

— Николай Еремеев конторадами? — деган қаттиқ овоз эшитилди, кейин баланд бўйли, аччиғи чиққанидан бўлса керак авзойи бузилган, бамаънилиги ва жасорати

башарасидам кўриниб турган, хийлагина батартиб, озода кийинган бир киши остонадан ичкарига қадам қўйди.

— Бу ерда йўқми у? — деб сўради у, атрофга тезгина қараб олиб.

— Николай Еремеич баринянинг олдида,— деб жавоб қилди кассир.— Нима ишингиз бор, Павел Андреич, менга айтаверинг: менга айтаверсангиз бўлади... Нима истайсиз?

— Нима истайсиз дейсизми? Сиз менинг нима ишимни билмоқчи бўляпсизми? (Кассир афтини бужмайтириб, бош қимирлатиб тасдиқ ишорасини қилди). У мешқорин ярамасни, ифлос ғийбатчини адабини бериб қўймоқчиман... Мен унга чақимчилик қилишни кўрсатиб қўяман!

Павел ўзини стулга отди.

— Нима бўлди сизга, нима бўлди, Павел Андреич? Ўзингизни босинг... Уялмайсизми? Қим тўғрисида гапираётганингизни ўйлаб кўринг, Павел Андреич! — деб кассир бидирлай бошлади.

— Қим тўғрисида гапираётганимни биламан. Уни бош конторачи қилиб қўйишгани билан менинг неча пуллик ишим бор! Бай-бай, зап одамни топиб қўйишибдида! Бу иш худди қўйни оўрига топшириб қўйишдай бўлибди!

— Бас, бас, Павел Андреич, бас! Қўйинг бу гапларни... бу қандай бемаза гаплар ўзи?

— Оббо айёр тулки-ей, думини ликиллатгани кетибди-да тағин! Мен уни шу ерда кутиб тураман,— деди Павел жаҳл билан ва қўлини столга урди.— Ҳа, ана ўзи ҳам келяпти,— деб қўшиб қўйди у, деразага қараб,— хизрни йўқласам бўларкан. Кела қол-ей, марҳамат! (У ўрнидан турди).

Николай Еремеич конторага кирди. Хурсандлиги чеҳрасидан кўриниб турарди, лекин Павелни кўриши билан уни бир қадар хижолат босди.

— Салом, Николай Еремеич,— деди Павел пичинг билан ва унинг олдида секин юриб борди,— салом!

Бош конторачи ҳеч нарсга демади. Эшикда савдогар кўринди.

— Хўш, саломимга нега алик олмайсиз? — деб давом этди Павел.— Ҳа айтгандай, йўқ...— деб илова қилди у, — бу иш эмас; шовқин-тўполон ва сўқиниш билан ҳеч

накса қилиб бўлмайди... Йўқ, Николай Еременч, менга яхшиликча айтиб қўя қолинг, сиз нима учун менинг пайимга тушиб қолдингиз? Мени нима учун ҳалок қилмоқчисиз? Қани айтинг, айтинг дейман.

— Бу ер мунозара қиладиган жой эмас, қолаверса ҳозир вақти ҳам эмас,— деб эътироз билдирди баш конторачи ҳаяжон билан.— Ростини айтсам, мен фақат бир нарсага ажабланыпман: сизни ҳалок қилмоқчи бўлганимни ёки пайингизга тушганимни қаердан топиб гапиряпсиз? Сўнгра, мен қандай қилиб сизнинг пайингизга туша олишим мумкин? Сиз менинг конторамда хизмат қилмайсиз-ку.

— Ҳа, албатта,— деди Павел,— бир камим шу эди. Лекин, нега энди сиз ўзингизни гўлликка соляпсиз, Николай Еременч?.. Ахир сиз гапимга тушуниб турибсиз-ку.

— Йўқ, тушунмаяпман.

— Йўқ, тушуниб турибсиз.

— Йўқ, азбаройи худо, тушунмаяпман.

— Яна опт ичасиз-а! Модомики иш шундай экан, менга ростини айтинг: сиз худодан қўрқмайсизми? Айтинг-чи, бечора қизга нима учун кун бермайсиз? Ундан нима истайсиз?

— Сиз ким тўғрисида гапиряпсиз, Павел Андреич? — деб ўсмоқчилаб сўради семиз киши.

— Оҳо! Билмасмиш! Мен Татьяна тўғрисида гапиряпман. Худодан қўрқинг, нега ўч оласиз? Уялинг: сизнинг хотинингиз бор, болаларингиз мендек бўлиб қолган, мен эса бошқа гап... мен уйланмоқчиман, мен ҳалоллик билан иш қиляпман.

— Бунга мен айбдор эмасман, Павел Андреич! Бариня сизнинг уйланишингизга рухсат бермаяпти: бу унинг ихтиёридаги нарса! Бунга менинг нима дахлим бор?

— Дахлингиз йўқмиш-а? Сизнинг апави қари жодугар, калитдор хотин билан тил бириктирганингиз ёлғонми? Гийбатчилик қилиб юрганингиз ёлғонми, а? Ҳимоясиз қизга йўқ ердаги туҳмат тошларини отиб юрган сиз эмасмисиз, айтинг? Уни кирчиликдан олиб идиш-товоқ юувчи қилиб қўйишларига сиз сабабчи бўлмаганмисиз? Уни калтаклашлар, оч қўйишлар сизнинг марҳаматингиз билан бўлмаяптимики? Уят сизга, уят, садқан қарилик кетсин сизга! Ҳадемай азроил жонингизни олади... Тангри олдида жавоб беришингиз керак бўлади.

— Сўқинг, Павел Андреев, сўкаверинг кўрармиз, тоқайгача сўкар экансиз?

Павел тутакиб кетди.

— Нима дединг? Ҳали пўписа ҳам қилмоқчимисан?— деди у жаҳл билан.— Мени кўрқади деб ўйлайсанми? Йўқ, биродар, мен сен айтган одам эмасман! Сендан нимага кўрқар эканман?.. Мен ҳамма жойда ҳам нонимни топиб кета оламан. Аммо сен — бошқа гап! Сен кунингни чақимчилик ва ўғриллик билан фақат шу ерда ўтказа оласан...

— Оҳо, жудаям кеккайиб кетибсан-ку,— деб Павелнинг сўзини бўлди конторачи, чунки унинг ҳам аччиғи чиқа бошлаган эди,— ўзинг оддий бир фершелсан, ҳеч нарсани билмайдиган бир табибсану мунча гердаясан!

— Ҳа, мен фершелман, агар шу мен бўлмаганимда ҳозир сиз тақсирим гўрда ётган бўлур эдингиз... Қаёқдан ҳам уни даволаган эканман,— деб қўшиб қўйди Павел.

— Мени ҳали сен даволабсанми?.. Йўқ, сен мени заҳарлаб ўлдирмоқчи эдинг; менга сабур шираси ичирдинг,— деди конторачи.

— Қасалингга сабур ширасидан бўлак дори кор қилмаганидан кейин нима илож қила олар эдим?

— Тиббий маҳкама касалга сабур шираси ичиришни ман қилган,— деб давом этди Николай,— қараб тур, мен ҳали устингдан шикоят қиламан. Сен мени ҳалок қилмоқчи бўлдинг — гап шу! Лекин мени худо сақлади.

— Бўлди энди, жаноблар, жанжалларинг етар...— деб гапга аралашди кассир.

Лекин конторачи кассирнинг сўзини шартта кесиб:

— Жим тур! У мени заҳарлаб ўлдирмоқчи бўлган! Тушуняпсанми гапимни? — деб бақирди.

— Сени заҳарлайин деб жуда эсим кетаётгани йўқ... Ҳой, Николай Еремеич,— деди Павел умидсизлик билан,— сендан охирги марта ўтиниб сўрайман... мени қонимга ташна қилиб юбординг — алашим ичимга сиғмай кетяпти. Бизни тинч қўй, тушуняпсанми? Бўлмаса, азбаройи худо, иккаламиздан биттамыз соғ қолмаймиз, бунни эсингдан чиқарма.

Семиз киши жиғибийрон бўлиб кетди.

— Ҳой, она сути оғзидан кетмаган хомкалла, билиб қўй, мен сендан кўрқмайман! — деб бақирди у.— Мен сенинг отангинг ҳам таъзирини бериб қўйганман, унинг

шохини ҳам синдирганман,— бу сенга ибрат бўлсин, би-
либ қўй, бола!

— Отамни эсимга солма, Николай Еремеич, отамдан гапирма!

— Шунақаи ҳали! Менга ақл ўргатадиган ҳам бў-
либ қолдингми?

— Эсимга солма деяпман!

— Мен сенга кеккаймагин деяпман... Ўзингни бариня
учун қанчалик зарур одам деб ўйласанг ҳам, лекин
у иккимиздан биримизни танлаб олмоқчи бўлса, албатта
сен ютқизасан, ошна! Ҳеч кимнинг исёнчилик қилишига
йўл қўйилмайди, унутма! (Павел ғазабидан титради.)
Татьяна эса қилмишига яраша жазоланяпти... Қараб
тур, у ҳали бундан ҳам бадтарроғини кўради!

Павел қўлларини мушт қилиб олдинга отилди, кон-
торачи гурсиллаб полга йиқилди.

— Кишанга солиш керак уни, кишанга,— деб ингра-
ди Николай Еремеич...

Бу жанжалнинг нима билан тугаганини ёзиб ўтир-
майман; чунки бусиз ҳам китобхоннинг ҳисларини ҳақо-
ратламадиммикин, деган хавфдаман.

Шу куниёқ уйимга қайтиб келдим. Бир ҳафтадан
кейин Лоснякова хонимнинг Павелни ҳам, Николайни
ҳам ўз хизматида олиб қолганини, Татьянани эса жўна-
тиб юборганини эшитдим: чамаси Татьяна керак бўлмай
қолган эди.

Кечқурун ёлғиз ўзим тўрт ғилдиракли енгил арава-чада овдан қайтиб келмоқда эдим. Уйга етиб олиш учун яна етти чақиримча йўл юриш керак; ювош йўрға биям гоҳ-гоҳ пишқириб ва қулоқларини чимириб, чанг йўлда илдам йўртиб бормоқда; чарчаган итим, боглаб қўйил-гандек, аравачининг орқа ғилдирагидан бир қадам ҳам узоқлашмай келмоқда эди. Момақалди роқ яқинлашмоқ-да. Рўпарадаги ўрмон орқасидан осмонга аста-секин оч-бинафша баҳайбат булут кўтарилди; кул ранг булутлар мен томонга чўзилишиб келиб, тепамдан сузиб ўтарди; толлар ваҳимага тушиб силкинар ва шитирларди. Дим, иссиқ ҳаво тўсатдан совуб кетди; соялар тезгина қуюқ-лашди. Мен тизгинни қаттиқ силкиб отни тезлатдим, жарга тушдим, бошдан-оёқ майда тол дарахтчалари ўсиб ётган сувсиз жилғачадан ўтдим, кейин баландлик-ка кўтарилиб, ўрмонга кирдим. Қаршимдаги эгри-бугри йўлнинг икки чети қалин ёнғоқзор бўлиб, унинг ичи қоп-қоронғи эди; олдинга юришим қийинлашди. Арава ғил-диракларининг йўл бўйлаб чўзилган изларини асрий эман ва арғувон дарахтларининг қаттиқ ва қийшиқ-қин-ғир илдизлари кесиб ўтганди, аравача бу илдизларни босиб ўтганида сакраб тушарди: отим қоқина бошлади. Бирдан тепамда кучли шамол гувиллади, дарахтлар шо-виллаб чайқала бошлади, йирик ёмғир томчилари дарахт япроқларига тасир-тусур қилиб урила бошлади, чақмоқ чақди, момақалди роқ гумбурлаб кетди. Ёмғир челақдан қуйгандай қуя бошладан. Мен отни одимлаб юргиздим, аммо тезда тўхташга мажбур бўлдим, чунки отим лойга

ботган, ўзим эса ҳеч нарса кўрмас эдим. Бир амаллаб ўзимни катта бир бутанинг панасига олдим. Мен мункайиб ва юзимни ўраб олиб, ёмғир тинишини чидам билан кутиб турдим. Шу маҳал чақмоқ чақиб, йўл устида баланд бўйли бир одам турганини кўргандай бўлдим. Мен ўша томонга тикилиб қарай бошладим, — шу пайт ўша одам худди ер остидан чиққандай, аравачам ёнида пайдо бўлди.

— Ким у? — деб сўради жаранглаган овоз.

— Ўзинг кимсан?

— Мен шу ерлик ўрмон қоровулиман.

Мен исмимни айтдим.

— Ҳа, сизни биламан! Уйингизга кетяпсизми?

— Уйга. Аммо мана бу момақалдиरोқни кўрмайсанми.

— Ҳа, момақалдироқ, — деб жавоб қайтарди овоз.

Ҳамма ёқни сутдай оппоқ қилиб чақмоқ чақди-да, бир лаҳзада ўрмон қоровулини бошидан оёғигача ёритди, сўнгра бирдан момақалдироқ гумбурлади. Энди ёмғир аввалгига қараганда икки марта қаттиқ қуя бошлади.

— Ҳали-бери тўхтамайди, — деб сўзида давом этди ўрмон қоровули.

— Энди нима қилиш керак?

— Мен сизни уйчамга олиб бора қолай, — деб сўзларини узиб-узиб гапирди у.

— Яхши бўларди, майли.

— Марҳамат қилиб ўтиринг.

— У отнинг бошига борди-да, жиловидан ушлаб тортди. Биз йўлга тушдик. Мен «денгиздаги қайиқча сингари» лапангловчи аравачамнинг ўтирғичидан маҳкам ушлаб олиб, ҳадеб итни чақириб борардим. Бечора биям лойда оёғини зўрға судраб босар, тийғанар, қоқилар эди, ўрмон қоровули арвоҳга ўхшаб аравачаннинг шотиси олдида лапанглаб юриб борарди. Биз анча юрдик; ниҳоят, менинг йўл кўрсатувчим тўхтади. «Мана, уйимизга ҳам келдик, тўрам», деди у осойишта овоз билан. Ҳовлининг эшикчаси ёчиллаб очилди, ичкарида бир неча кучук бола бараварига вовиллади. Мен бошимни кўтардим ва чақмоқ ёруғида, четан девор билан ўралган кенг ҳовли ўртасида кичкина уйчани кўрдим. Уйнинг битта дарчасидан ҳовлига хира ёруғ тушиб турарди. Ўрмон қоровули отни уйнинг зинаси олдиғача етаклаб борди-да, эшикни тақиллатди. «Ҳозир, ҳозир!» — деган

ингичкагина овъз келди, яланг оёқ одамнинг шипиллаб юргани эшитилди, эшик тамбаси гичиллади ва остонада эгнига кўйлак кийиб белини қийқинди латта билан боғлаган ўн икки ёшлардаги бир қизча кўринди; қўлида фонус бор эди.

— Баринга чироқ тут,— деди қизга ўрмон қоровули,— мен эса сизнинг аравачангизни бостирма тагига олиб бориб қўяман.

Қизча менга бир қаради-да, уйга кира бошлади. Мен ҳам унинг орқасидан кирдим.

Ўрмон қоровулининг уйи қурум босган, пастаккина ва ҳувиллаган битта хонадан иборат бўлиб, унда сўри ҳам, ҳатто тўсиқ ҳам йўқ эди. Деворда йиртиқ пўстин осиглиқ турарди, скамейкада якка тиг миллиқ ётарди, бир бурчақда эса, эски латта-путталар уйиб қўйилганди, печка ёнида иккита катта кўза бор эди, столда чўпчироқ липиллаб ёниб турарди. Уйнинг қоқ ўртасида узун ёғочнинг учига боғлаб қўйилган беланчак осилиб турарди. Қизча фонусни ўчирди, кичкина скамейкачага ўтириб, ўнг қўли билан беланчакни тебрата бошлади. Мен атрофга назар ташладим — юрагим сиқилиб кетди: деҳқоннинг уйига кечаси кириш кўнгилсиз бўлади. Беланчакда ётган бола қийналиб калта нафас оларди.

— Ие, уйда ёлғиз ўзингмисан? — деб сўрадим қизчадан.

— Бир ўзимман, — деди у эшитилар-эшитилмас.

— Ўрмон қоровулининг қизмисан?

— Ҳа,— деб шивирлади у.

Эшик ғийч этиб очилди ва ўрмон қоровули бошини энгаштириб остонадан ҳатлаб ичкарига кирди. У фонусни ердан олди ва стол ёнига келиб, уни ёқди.

— Балки, сиз қора чироққа ўрганмагандирсиз? — деди у жингалак сочларини бир силкиб қўйиб.

Мен унга қарадим. Умримда бундай азаматни кам учратганман. У баланд бўйли, кенг елкали, қадди-қомати келишган киши эди. Унинг бақувват, йўғон мускуллари каноудан тўқилган ҳўл кўйлаги остида дўппайиб турарди. Қоп-қора жингалак соқоли унинг жиддий ва баҳодирона юзининг ярмчасини қоплаб олган эди; бир-бирига туташиб ўсган қалин қошлари тагидан кичкина ўткир қора кўзлари қараб турарди. У қўлларини икки биқинига салгина тираб рўпарамда тўхтади.

Мен унга ташаккур билдирдим ва исмини сўрадим.

— Исминим Фома, лақабим Бирюк¹,— деб жавоб қайтарди.

— Бирюк сенмисан, ҳали?

Унга яна ҳам қизиқиброқ қарай бошладим. Мен ўзимнинг Ермолайимдан ва бошқа одамлардан ўрмон қоровули Бирюк тўғрисида кўп гаплар эшитган эдим, чор атрофимдаги мужиклар ундан ўтдан қўрққандай қўрқин-шаркан. Уларнинг гапига қараганда, бунчалик ўз ишига пишиқ одам дунёга ҳали келмаган экан: «Бир боғлам шох-шаббани ҳам бермайди; қай вақт бўлмасин, ҳатто қоп-қоронғи ярим кечада ҳам, тўсатдан пайдо бўлиб сени ушлаб олади, шунақа вақтда қаршилиқ кўрсатиб ўтиришнинг ҳожати йўқ,— ҳам кучли, ҳам чаққон, бамисоли шер дейсан... Уни ҳеч қандай пора билан — вино билан ҳам, пул билан ҳам йўлга солиб бўлмайди. Яхши одамлар бир эмас, бир неча марталаб унинг пайнига тушиб кўрдилару, лекин ҳеч иш чиқара олмадилар».

Кўшни мужиклар Бирюк тўғрисида шундай дейишарди.

— Бирюк сен экансан-да,— деб такрорладим мен,— биродар, мен сени эшитган эдим. Одамларнинг айтишига қараганда ҳеч кимга омон бермас эмишсан.

— Хизмат вазифамни ўтаяпман, хўжайин бекорга боқмайди,— деб жавоб қайтарди у қовоғини солиб.

У белидан болтасини олиб, полга чўққайиб ўтирди-да, чўпчиروқ учун тараша ёра бошлади.

— Нима, хотининг йўқми? — деб сўрадим ундан.

— Йўқ,— деди у ва болтани қаттиқ силтаб урди.

— Ўлган экан-да?

— Йўқ... Ҳа... ўлган,— деб қўшиб қўйди у ва юзини четга бурди.

Мен индамадим. Бирюк кўзини ердан олиб, менга қаради.

— Ўткинчи бир бойвачча билан қочиб кетди,— деди у, заҳарханда қилиб. Қизча ерга қаради; чақалоқ уйғониб, қичқириб йиғлай бошлади; қизча беланчак ёнига келди.— Ма, унга бер,— деди Бирюк қизчанинг қўлига

¹ Орёл губернасида якка-ёлғиз ва бадқовоқ кишини Бирюк деб атайдилар. (Автор изоҳи.)

кир бўлиб кетгап сўргични тугқизиб.— Болани ҳам ташлаб кетди,— паст овоз билан сўзида давом этди Бирюк, чақалоқни кўрсатиб. У эшик олдига бориб тўхтади-да, орқасига ўтирилди.

— Сиз барин, балки,— деб гап бошлади у,— бизнинг нонимизни емассиз, менда нондан бўлак...

— Қорним оч эмас.

— Хайр, ихтиёр ўзингизда. Сиз учун самовар қўяр эдим, аммо чойим йўқ... Отингиздан бир хабар олиб келай-чи.

У эшкни тарс этиб ёпиб, ташқарига чиқиб кетди. Мен яна ҳар томонга кўз ташладим. Уй аввалгидан ҳам шумшукроқ кўринди. Совуқ тутуннинг ёқимсиз аччиқ ҳиди нафасимни қисарди. Қизча ўрнидан қўзғолмай, кўзларини бир нуқтага қадаганича ўтирар, аҳён-аҳёнда беланчакни бир тебратар, олқасидан тушиб кетаётган кўйлагини қўрқибгина кўтариб қўяр эди; унинг яланг оёқлари қимирламай осилиб турарди.

— Отинг нима? — деб сўрадим.

— Улита,— деди у, маъюс юзчасини яна ҳам қуйи солиб.

Ўрмон қоровули кириб, скамейкага ўтирди.

— Момақалди роқ тўхтаёзди,— деди у бир оз сукутдан кейин.— Агар буюрсангиз, мен сизни ўрмондан олиб чиқиб қўяман.

Мен турдим. Бирюк милтигини олиб, унинг штрадо-нини кўздан кечирди.

— Бу нимага керак? — деб сўрадим.

— Ўрмон нотинчроқ... Кобилье Верхда¹ дарахт кесишяпти,— деди у савол аломати билан қараб турганимга жавобан.

— Наҳотки, шу ердан эшитилса?

— Ҳовлидан эшитилиб турибди.

Биз бирга ташқарига чиқдик. Ёмғир тинган эди. Узоқда ҳамон катта қора булутлар тўдалашиб турарди, гоҳ-гоҳ узун чақмоқлар чақиб қўярди; аммо тепамиздан тез учиб ўтаётган майин оқ булутлар орасида унда-бунда тўқ мовий осмон кўринар, юлдузчалар милтилларди. Ёмғирдан ҳўл бўлган ва шамолда силкинаётган дарахт-

¹ Верх деб Орел губернасида жарликин айтилади. (Автор изоҳи.)

лар қоронғилик ичидан аста-секин кўзга ташланарди. Биз қулоқ сола бошладик. Ўрмон қоровули шапкасини бошидан олиб, ерга тикилди. «Ана,— деди у тўсатдан қўлини чўзиб,— О хумпар-ей, тоза қулай кечани танлабди-да». Мен баргларнинг шитирлашидан бошқа ҳеч нарса эшитмасдим. Бирюк бостирма тагидан отни олиб чиқди. «Бу туришда,— деб қўшиб қўйди у,— уни қўлдан чиқариб юборишим ҳам мумкин». «Сен билан бирга бораман... майлими?» — «Майли»,— деб жавоб берди у ва отни тисариб туриб: — биз уни бир зумда тутиб оламиз, кейин мен сизни кузатиб қўяман. Юринг»,— деди.

Биз жўнадик; Бирюк олдинда, мен орқада бордим, унинг адашмай йўлни топиб бораётганига ҳайрон қолардим, аммо у фақат болта товушига қулоқ солиш учун, ҳар замонда бир тўхтаб оларди. «Ана эшитяпсизми? Эшитяпсизми?»— деб ғудирларди у,— «Қани?»— деб сўрадим. Бирюк елкасини қисиб қўйди. Биз жарга тушдик, шамол андак тўхтади — бир меёрда урилган болта товуши қулоғимга баралла эшитилди. Бирюк менга қаради ва боши билан имлаб чақирди. Шундан кейин биз ҳўл қирқ-қулоқ ва қичитқи ўтларни босиб юриб кетдик. Бир нарсанинг гурсиллаб тушгани эшитилди...

— Йиқитди...— деб ғўлдиради Бирюк.

Бу орада ҳаво очила бошлади, ўрмоннинг ичи бир оз ёришгандай бўлди. Ниҳоят, биз жардан юқорига чиқдик. «Сиз шу ерда тура туринг», деб пичирлади ўрмон қоровули ва энгашиб, милтиғини юқорига кўтаргани ҳолда, буталар орасига кириб кўздан ғойиб бўлди. Мен диққат билан қулоқ сола бошладим. Тинмай ғувиллаб турган шамол билан бирга яқин жойдан бировнинг дарахт шохларини болта билан аста-аста йўнгани, ғилдиракларнинг ғичирлагани, отнинг пишиқиргани эшитилди... «Қаёққа? Тўхта!» — деб ҳайқирди Бирюк йўғон ва ўткир овози билан. Бошқа бир кишининг чинқирган заиф товуши эшитилди... Олишув бошланди. «Йўқ! йўқ! Қўлимдан қутула олмайсан...» дерди Бирюк ҳансираб. Мен шовқин келган томонга югурдим ва ҳар қадамда бир қоқиниб, жанжал бўлаётган жойга етиб бордим. Қесилган дарахт олдида, ерда ўрмон қоровули ўғрини тагига босиб олиб, унинг қўлини белбоғ билан орқасига боғламоқда эди. Мен уларнинг яқинига бордим. Бирюк ўрнидан туриб, ўғрини тик турғазиб қўйди. Бирюкнинг ушлаб олган кишиси ҳамма ёғи шалаббо, жулдир кийим-

ли, узун соқоли тўзгиган бир мужик эди. Устига чорси чипта ярим-ёрти ёпилган кичкина озғин от шу жойда кажавасиз тележкага қўшиғлиқ турарди. Ўрмон қоровули ҳеч нарса демай, жим турарди: мужик ҳам чурқ этмас, фақат бошини силкиб-силкиб қўярди.

— Қўйиб юбор уни, дарахтнинг ҳақини мен тўлайман,— деб пичирладим Бирюкнинг қулоғига.

Бирюк индамасдан чап қўли билан от ёлидан ушлади, ўнг қўли билан эса ўғрининг белбоғидан тутди. «Қани, энди бу ёққа юр, қарға!» деди у ғазаб билан. «Анови болта қолмасин, олинг уни» — деди мужик. «Рост, нима қилади болта бу ерда бекорга ётиб?» — деди ўрмон қоровули ва болтани олди. Биз кетдик. Мен орқада бордим. Ёмғир яна томчилай бошлади ва ҳадемай шариллаб қуйиб берди. Уйга зўрға етиб олдик. Бирюк ушланган отни ҳовли ўртасида қолдириб, мужикни уйга олиб кирди, унинг қўли боғланган белбоғни сал бўшатди ва уни бурчакка ўтқазиб қўйди. Печка ёнида ухлаб ётган қизча сакраб ўрнидан турди-да, қўрқиб кетганидан бизга индамай қараб тура берди. Мен скамейкага ўтирдим.

— Уни қаранг-а, жуда ҳам қуйиб юборди-ку,— деди ўрмон қоровули: — сал кутасиз энди. Озгина ёнбошлаб олмайсизми?

— Раҳмат.

— Мен бунн,— деди у мужикни кўрсатиб,— сиз учун, хужрага қамаб қўйган бўлар эдим, аммо тамбанинг мазаси йўқ-да...

— Қўй тегма, шу ерда ўтираверсин,— деб Бирюкнинг сўзини бўлдим.

Мужик менга ер остидан қараб қўйди. Бу камбағални ҳар қандай қилиб бўлса ҳам қутқазиш учун ичимда ўз-ўзимга сўз бердим. У скамейкада қимирламай ўтирарди. Фонус ёруғида мен унинг ажин босган ҳорғин юзини, пастга солиниб турган сариқ қошиларини, ташвишли кўзларини, суяклари туртиб чиқиб турган ориқ баданини аниқ кўрдим... Қизча полга, оёқ остига ётиб, яна уйқуга кетди. Бирюк бошини қўлига тираб, стол ёнида ўтирарди. Бурчакда чигиртка чирилларди... томага патирлаб ёққан ёмғир томчилари дераза ойнасидан оқиб тушарди; ҳаммамиз сукут қилардик.

— Фома Кузьмич,— деб бирдан сўз бошлади деҳқон бўғиқ ва заиф овоз билан,— Ҳой, Фома Кузьмич.

— Нима дейсан?

— Қўйиб юбор.

Бирюк индамади.

— Қўйиб юбор... ахир очликдан... қўйиб юбор.

— Мен сенларни биламан,— деб қовоғини солиб жавоб қилди ўрмон қоровули: — қишлоғингиздагиларнинг ҳаммаси шунақа — каттадан кичигигача ўғри.

— Қўйиб юбор,— деб такрорлади деҳқон: — прикашик... оҳ, жудаям хонавайрон бўлди... қўйиб юбор?

— Хонавайрон бўлдиқ эмиш!.. Ўғрилиқ қилиш керак эмас эди...

— Қўйиб юбор, Фома Кузьмич... ҳалок қилма. Ўзинг биласан-ку, хўжайининг жоҳил одам, менга кун бермайди, раҳм қил.

Бирюк ундан юзини ўгирди. Мужик безгак тутгандек қалтиради. У бошини қимирлатар ва энтикиб нафас оларди.

— Қўйиб юбор,— деб такрорлади у маъюслик билан,— қўйиб юбор, қўйиб юбор, худо ҳақи қўйиб юбор! Дарахтнинг пулини тўлайман, худо ҳақп. Бу ишни очликдан қилдим... Болалар нон деб чирқирашяпти, ўзингга маълум. Қийин, ноилложликдан мажбур бўлади киши.

— Шундай бўлса ҳам ўғирлик қилма.

— Отимни,— деб сўзида давом этди деҳқон,— ҳеч бўлмаса шу отимни қайтиб бер... топган-тутганим шу битта от... Қўйиб юбор!

— Бўлмайди деяпман-ку, ахир. Мен ҳам бировнинг ихтиёридаги одамман; мени жавобгарликка тортишади. Сенларни эркалатиб ҳам бўлмайди.

— Қўйиб юбор! Йўқчилик, Фома Кузьмич, йўқчилик битта от... Қўйиб юбор!

— Мен сенларни биламан!

— Қўйиб юбора қол!

— Э, сен билан гаплашиб ўтириб нима қиламан! Жим бўл, йўқса таъзирингни бериб қўяман. Бу ерда барин ўтирибди, кўрмайсанми?

Қамбағал ерга қаради... Бирюк эснаб, бошини столга қўйди. Ёмғир ҳамон ёғмоқда эди. Мен оқибат нима бўларкин, деб кутиб ўтирдим.

Тўсатдан мужик қаддини ростлади. Кўзлари чақнаб кетди, юзларига қизил югурди. «Ундай бўлса, ма, ғажи, тикилиб ўлгин, ма,— деб гапира бошлади у, кўзини қисиб ва лаби-лунжини осилтириб: — лаънати одамхўр, ма, христиан қонини ич, ма, ич...»

Ўрмон қоровули унга ўғирилди.

— Сенга айтяпман, сенга, ҳой ваҳший, қонхўр, сенга!

— Сўкиняпсанми? Мастмисан ўзинг? — деди ҳайрон бўлиб ўрмон қоровули.— Нима бало, жинни-минни бўлдингми?

— Мен маст эмиш-а!.. Қайси пулга ичиб маст бўламан, сеникигами, лаънати, одамхўр, ҳайвон, ҳайвон!

— Нималар деяпсан... ҳозир мен сени!..

— Менга нима? Барибир ўламан. Мен отсиз қаерга бораман? Бир уриб ўлдириб қўя қол — барибир ўлим битта; очликдан ўлдим нима-ю, калтак еб ўлдим нима — ҳаммаси бир гўр. Хотиним, болаларим — ҳаммаси аро йўлда қолаверсин, ҳаммаси қирилиб кетаверсин... Аммо сен, ҳали шошмай тур, кунингни кўрсатиб қўямиз!

Бирюк ўрнидан тура бошлади.

— Қани, кел, ур, кел, ур,— деди мужик қаҳрли овоз билан.— Ур, мана ўзимни тутиб бераман, ур... (Қизча полдан шоша-пиша сакраб турди-да, унга тикилиб қараб қолди.) Ур! Ур!

— Овозингни ўчир!— деб ўшқирди ўрмон қоровули ва икки қадам юрди.

— Бўлди, қўй, Фома,— деб бақирдим мен: — унга тегма...

— Овозимни ўчирмайман,— дея давом этди бахтсиз мужик.— Барибир, ўларканман. Сен одамхўр, ваҳший ҳайвонсан, аммо сени ажал олмаяпти... Сен шошмай тур ҳали, даври-даврон суришинг узоққа бормади! Ҳалқу-мингдан бўғиб, кунингни кўрсатишади, мана кўрарсан!

Бирюк унинг елкасидан маҳкам ушлаб олди... Мен деҳқонга ёрдам бериш учун ташландим...

— Барин, аралашманг! — деб қичқирди ўрмон қоровули.

Мен унинг ўшқиришидан қўрқмай, деҳқонга ёрдам учун қўлимни чўзган эдим ҳамки, у деҳқоннинг қўли боғланган белбоғни бир тортиб ечди-да, ёқасидан ушлаб туриб, бошига шапкасини бостириб кийгизди ва эшикни очиб, орқасидан итариб чиқариб юборди. Мен унинг бу ишига жуда ҳайрон қолдим.

— От-потинг билан бирга даф бўл! — деди у деҳқоннинг кетидан.— Қулоғнингга қуйиб ол, энди яна қўлимга тушсанг мен сени...

У уйга қайтиб кириб, бурчакда тимирскилана бошлади.

— Бирюк, менга қара,— дедим ниҳоят,— мени ҳайрон қолдирдинг: сен кўп яхши одам экансан.

— Э, барин, бўлди, ундай деманг,— деб сўзимни кесди у ғамгинлик билан,— ишқилиб, буни ҳеч кимга айтмасангиз бўлгани.— Мен энди сизни кузатиб қўя қолай,— деб қўшиб қўйди у.— Афтидан, ёмғир ҳали-бери тўхтамайдиганга ўхшайди...

Ҳовлидан мужик тележкасининг шалдирагани эшитилди.

— Ана, қочиб қолди! — деб ғудирлади у,— қараб турсин, мен уни ҳали!

Ярим соатдан кейин у ўрмон четида мен билан хайрлашиб қолди.

Муҳтарам китобхонлар, сизни юқорида баъзи бир жаноби қўшниларим билан таништирган эдим; энди хонаси келганда (биз ёзувчиларга ҳамма нарсанинг хонаси келаверади), ижозат беринг, сизни яна иккита помешчик билан таништирай, мен уларнинг ер-мулкида тез-тез оз қилардим; улар иззату икром эгаси бўлган, бир қанча уездларда ҳамманинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган яхши ниятли кишилар¹ эдилар.

Аввал сизга истеъфодаги генерал-майор Вячеслав Илларионович Хвалинскийнинг таъриф ва тавсифини қилиб бераман. Сиз эти бирмунча сўлинқираган бўлсанда, лекин бир вақтлар келишган йигит бўлган, ҳали ҳам тетиклигини йўқотмаган, ҳатто қаримаган, баланд бўйли, айна қирчиллама ёшдаги бир кишини тасаввур қилинг. Рост, унинг бир вақтлар чиройли бўлган ва ҳозир ҳам ёқимтойлигини йўқотмаган юзлари энди бир оз ўзгарган, лунжлари осилиб қолган эди, кўзлари ёнида ҳосил бўлган зич ажинлар шуъла сингари таралган, Пушкиннинг ишонтиришича, Саъдий айтгандек, баъзи бир тишлари энди йўқ; сариқ сочлари, яъни бутун қолган сочларининг ҳаммаси Роменск отбозорида ўзини армани деб танитган жуҳуддан сотиб олинган модда таъсири остида бинафша тусга кирган; лекин Вячеслав Илларионович шахдам гапиради, баралла кулади,

¹ Чор Россиясида ҳукуматнинг тилак ва мақсадларига мувофиқ сураатда фикр юритувчи одамларни «яхши ниятли кишилар» деб аташ қабул қилинган эди.

шпорларини жиринглатиб қўяди, мўйловини бурайди, ниҳоят ўзини кекса кавалерист деб атайди, ҳолбуки ҳақиқий чоллар ўзларини ҳеч қачон кекса деб атамасликлари ҳаммага маълум. У одатда пастдан юқоригача тугмаланган сюртук кийиб юради, қотирма ёқа тутади, галстугини баланд қилиб томоғининг тагидан боғлайди ва ҳарбийларникига ўхшатиб тикилган зарҳал мош ранг катта шим кияди, шляпани эса калласининг орқа томонини бутунлай очиқ қолдириб қоқ пешонасига қўндириб олади. У жуда яхши одам бўлса-да, тушунчаси ва қилиқлари кишини хийла ажаблантиради. Масалан: у камбағалроқ дворянлар ёки мансабсиз дворянлар билан ўз тенгидек тўғри муомала қила олмасди. У улар билан гаплашганда, одатда, оппоқ қотирма ёқасига жағини қаттиқ тираб туриб, уларга ёнламасига қарарди ёки бирдан уларга тиниқ ва сокин кўзларини тикиб туриб оларди, бир оз қимир этмай туриб қоларди-да, кейин ёғиниб бошининг терисини тириштирарди; ҳатто сўзларини ҳам бошқача талаффуз қиларди, масалан: «Раҳмат, Павел Васильич», ёки «Бу ёққа марҳамат қилинг, Михайло Иванович» дейиш ўрнига: «Раъмат Палл Асилич», ёки «Баққа марҳамат, Михал Ванич», дерди. Жамиятнинг қўйи табақаларига мансуб кишиларга бундан ҳам ғалатиروқ муомалада бўлар эди: гапирганида уларнинг юзига сира қарамас ва уларга бирор нарса демоқчи ёки бирор нарса буюрмоқчи бўлса, ташвишли ва хаёлчан бир қиёфада, бир неча марта: «отинг нима эди? отинг нима эди?» — деб кетма-кет сўрарди, берган саволидаги биринчи сўзни салмоқ билан қаттиқ айтар, бошқа сўзларни жуда тез талаффуз қиларди, натижада унинг гапи туллак бедананинг «ваа-вақ, ваа-вақ!» деб сайрашига анча ўхшаб кетарди. Ўзи тинчимас хасис одам бўлса-да, хўжалик юритишни билмасди: у истеъфога чиққан малоросс¹ вахмистр² ни ўзига бошқарувчи қилиб олди, бу вахмистр ўлгидек аҳмоқ одам эди. Аммо шуниси ҳам борки, хўжаликни юритишда ҳеч ким ҳали бизда Петербургдаги юқори даражали бир кибор амалдордан ўтиб кета олгани йўқ, бу киши ўз ер-мулкидаги ғалла ғарамлари

¹ Малоросс — украин.

² Вахмистр — революциядан илгариги отлиқ қўшиндаги ки-
чик офицер.

қўйиладиган саройларда тез-тез ёнгинлар чиқаётганини ва шу сабабли кўп ғалла нобуд бўлаётганини приказчигидан эшитиб, унга: бундан буён саройга кетган ўт бутунлай ўчиб бўлмагунча у ерга ғалла ғарамлари сира ҳам тахланмасин, деб қатъий буйруқ берган экан. Яна худди шу амалдор, жавдарга қараганда кўкнор қимматроқ туради, бинобарин кўкнор экишнинг фойдаси кўпроқ деган хомаки мўлжал билан ҳамма ерига кўкнор эктирмоқчи бўлган экан. Яна шу амалдор ўзига қарашли крепостной хотинларга Петербургдан юборилган нусхада тикилган кокошник¹ кийиб юришни буюрган экан: чиндан ҳам, унинг ер-мулкидаги хотинлар ҳозиргача кокошник кийиб юрадилар... лекин кичка² устидан кийиб юрадилар... Келинг энди, яна Вячеслав Илларионович тўғрисида гапирайлик. Вячеслав Илларионович хотин-қизларга ниҳоятда ишқибоз, шунинг учун у ўзининг уезд шахридаги хиёбонда бирон чиройли хонимни кўриб қолса, дарҳол кетидан югуради, аммо бузоқнинг югургани сомонхонагача, дегандек, шу замониёқ оқсоқланиб қолади, энг қизиғи шу. У қарта ўйнашни яхши кўради, лекин фақат қуйи унвондаги кишилар билан ўйнашни яхши кўради, чунки улар унга: «жоноби олийлари» деб мурожаат қилишади, у эса уларни хушига келганича жеркиб, сўкиб ташлай олади. Агар у губернатор ёки бирон амалдор билан карта ўйнаб қолгудай бўлса, хулқ-атвори ҳайрон қоларли даражада ўзгаради: у кулимсирайди ҳам, тасдиқ аломати билан бош силкитади ҳам, уларнинг кўзларига жовдираб қарайди ҳам — хуллас, оғзидан бол томади... Ҳатто ютқазиб қўйса ҳам хафа бўлмайди. Вячеслав Илларионович кам ўқийди, бирор нарса ўқигудек бўлса юзини буруштириб, мўйлов ва қошларини тўхтовсиз учиради. «Journal des Dybats» саҳифаларига (албатта, меҳмонлар олдида) кўз югуртишга тўғри келганда Вячеслав Илларионовичнинг юз буруштириши айниқса ажойиб тус олади. Сайловларда у хийла катта роль ўйнайди, лекин хасислиги сабабли саркор деган фахрий унвон эгаси бўлишдан бош тортади. «Жаноблар,— дейди одатда у, олдинга келган дворянларга ҳо-

¹ Кокошник — эски замонда кўпинча қишлоқ қизлари кийиб юрадиган бош кийими.

² Кичка — эски замонда эрли хотинларнинг байрамларда киядиган бош кийими.

мийлик қилувчи мустақил кишиларнинг нутқидаги оҳанг билан: — жаноблар, менга кўрсатган ҳурматингиз учун кўп миннатдорман; бироқ мен бўш вақтларимни танҳоликда ўтказишга қарор қилганман». Шу сўзларни айтганидан кейин бошини бир неча марта ўнгга ва чапга айлантиради-да, ияк ва жағларини виқор билан галстугига тирайди. У ёшлигида аллақандай мўътабар бир шахснинг адъютанти бўлган экан, бу шахсни фақат исми ва отасининг исми билан атайди; одамларнинг айтишига қараганда, унинг зиммасида адъютантликдан бошқа вазифалар ҳам бўлган экан, масалан, парадда кийиладиган кийимни кийиб ва ҳатто тугмаларини қадаган ҳолда, ҳаммомнинг иссиқхонасида бошлиғига ходимлик ҳам қилган экан — аммо ҳар қандай миш-мишларга ишониб бўлавермайди. Шуниси ҳам борки, генерал Хвалинскийнинг ўзи ҳам хизмати тўғрисида гапиришни ёқтирмайди, унинг бу хатти-ҳаракати кишини умуман жуда ҳайрон қолдиради: у урушда ҳам қатнашмаган бўлса керак. Генерал Хвалинский кичик бир қўрада якка ўзи туради: у умрида куёв бўлиш бахтига муяссар бўлмаган. Бинобарин ҳали ҳозиргача қаллиқ деб, ҳатто манфаатли аллиқ деб ҳисобланади. Шунга қарамай унинг уйида калитдор хотин хизмат қилади, ўттиз беш ёшлар чамасидаги, қора кўз, қора қош, тўладан келган, кўҳликкина ва мўйлови бор бу хотин оддий иш кунларида ҳам крахмалланган кўйлак, якшанба кунлари эса унинг устидан дока енг ҳам кийиб юради. Помешчикларнинг губернаторлар ва бошқа амалдорлар шарафига берадиган катта зиёфатларида Вячеслав Илларионович жуда очилиб кетади; бундай пайтда унинг кайфи ниҳоятда чоғ бўлади дейиш мумкин. Бу зиёфатларда у одатда губернаторнинг ўнг қўли бўлиб ўтирмаганида ҳам, ҳеч бўлмаганда губернаторга яқинроқ ерда ўтирарди, зиёфатнинг бошида у ўзини анча сипо тутар, калласини у ёқ-бу ёққа айлантирмай, гавдасини орқага ташлаб, меҳмонларнинг юмалоқ энсаларига ва тик ёқаларига ён томондан кўз ташлаб чиқарди, зиёфат охирлаб қолганда эса хушчақчақ бўлиб кетар, ҳар томонга қараб илжайрди (губернатор томонга эса зиёфат бошлангандан илжайиб қарай бошларди), баъзан ҳатто хотин-қизларни сайёрамизнинг кўрки атаб, уларнинг шарафига қадаҳ кўтаришни ҳам таклиф қиларди. Генерал Хвалинский ҳамма тантанали маросимларда, имтиҳонларда, черковда гуноҳларни ювиш

вақтларида, мажлис ва кўргазмаларда ўзини чакки тутмасди, черковда попнинг фотиҳасини олишга ҳам уста эди. Вячеслав Илларионовичнинг одамлари бекатларда, кечувларда ва шунинг сингари жойларда шовқин қилишмайди ва бақиришмайди: балки, аксинча, халойиқнинг ўртасидан йўл очиб бораркан, ёки карета чақириб келаркан ёқимли йўғон овоз билан: «Рухсат этинг, рухсат этинг, генерал Хвалинскийга йўл беринг», ёки: «Генерал Хвалинскийнинг извошлари келсин...» деб гапиришади. Тўғри, Хвалинскийнинг извоши қадимий шаклда; хизматкорлари хийлагина тўзиган ливрея кийиб юришади (ливреялари кул ранг ва жиякли эканлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак); отлари ҳам хийлагина умр кўрган ва кўп хизмат қилган, лекин Вячеслав Илларионович олифтагарчилик қилмайди ва йўқ нарсани бор қилиб кўрсатиб бекорга мақтанишни ҳатто ўз шаънига ярашмаган қилиқ деб ҳисоблайди. Хвалинский унча гапдон эмас, ёки, эҳтимол, сўзамоллигини намойиш қилишга ҳали фурсат топмагандир, чунки баҳс-мунозараларга ва умуман, бирон киши томонидан бўладиган ҳар қандай эътирозга сира тоқати йўқ, шу сабабли у биров билан, айниқса ёшлар билан узоқ суҳбатлашишдан иложи борица қочади. Бу иши ҳақиқатан ҳам тўғри, чунки ҳозирги одамлар ёмон бўлиб кетишган: итоатсиз бўлишиб, иззати икромни эсдан чиқаришяпти. Хвалинский юқори мансабдаги шахслар олдида кўпинча дамини чиқармай жим ўтиради, ўзи нафрат билан қараса-да, бироқ доим бирга улфатчилик қилиб юрадиган кишиларга, яъни қуйи мансабдаги кишиларга эса кўрслик билан кескин оҳангда гапириб: «Бироқ сиз номаъқул айтдингиз» ёки «Сизга шу нарсани танбеҳ тарзида айтишга мажбурманки, мухтарам зот», ёхуд: «Сиз ахир ким билан гаплашаётганингизни билинг-да, ахир» каби ибзорларни ишлатади. Ундан айниқса почтахона мудирлари, суд ҳайъатининг доимий аъзолари ва бекат назоратчилари кўп кўрқишади. У уйда ҳеч кимни қабул қилмайди ва одамларнинг гапига қараганда, хасисликда кун кечиради. Шундай бўлишига қарамай, у жуда яхши помешчик. «Кўпдан бери ҳарбий хизматда бўлиб келган, беғараз одам, ўз расм-одатларига эга бўлган «Vieux grognard»¹ дейишади уни қўшнилари. Генерал Хвалинс-

¹ «Vieux grognard» — кекса вайсақн (Франц.).

кийнинг улуғворлиги ва жуда яхши хислатлари тўғрисида губерна прокурори ҳузурида гап очилса, фақат прокурорнинг ўзигина мийиғида кулиб қўйишга журъат этади,— ҳасад кишини нималарга солмайди дейсиз..

Келинг, энди ўзга помешчик ҳақида сўзлайлик.

Мардарий Аполлонич Стегунов Хвалинскийга асло ўхшамасди: у ҳеч қайда хизмат қилмаган бўлса керак ва ҳеч қачон уни ўктам йигит деб ҳисоблашмаган. Мардарий Аполлонич хомсемиз, тепа сочи тўкилган, бағбақадор, қўллари ипакдек юмшоқ ва қорни қаппайган, паканагина чол. У ғоят меҳмондўст ва аскиябоз одам; ўз ҳузурини кўзлаб яшайди; қишин-ёзин пахталик йўл-йўл шлафрок кийиб юради. У генерал Хвалинскийга бир жиҳати билан ўхшаб кетади: у ҳам бўйдоқ. Унинг беш юз жон мужиги бор. Мардарий Аполлонич ўз ер-мулки билан хийла юзаки шуғулланади; у замондан орқада қолмаслик учун бундан ўн йилча илгари Москвадаги Бутенопдан ғалла янчиш машинаси сотиб олди ва машинани пичанхонага олиб кириб қўйиб, шу билан хотиржам бўлди. Фақат очиқ ҳаволи ёз кўнлари аҳён-аҳёнда тўрт гилдиракли енгил аравани қўшдириб, дон экинларини томоша қилиш ва бўтакўзлар териш учун далага чиқмаса, бошқа пайт уйдан ҳеч қаёққа силжймайди. Мардарий Аполлонич мутлақо эскича усулда яшайди. Шунинг учун уйи ҳам эскичасига қурилган: даҳлизидан одатда квас, шам ва тери ҳиди анқиб туради; шу ернинг ўзида тамаки трубалари қўйилган ва сочиқлар осилган буфет бор, пашша тўла овқатхонада авлод-аждодларнинг портретлари, ёронгул ўтқазилган каттакон тувак ва созланмаган фортепьяно туради; меҳмонхонада учта диван, учта стол, иккита тош ойна ва кирлигидан сирлари қорайиб кетган, стрелкаси бронзадан ўймакор қилиб ишланган, овози хирқироқ соат бор; кабинетда эса қорозлар уйилиб ётган стол, ўтган асрда нашр қилинган ҳар хил китоблардан қирқиб олинган суратлар ёпиштириғлик ҳаво ранг ширма, ичидаги китоблар мағорлаб сасиб кетган, ўргимчак уя қўйган қоп-қора, кир шкафлар, юмшоқ кресло, кенг деразалар, боққа очиладиган ва михлаб бекитиб ташланган эшик... Хуллас, ҳамма нарса одатдагидай. Мардарий Аполлоничнинг хизматкорлари жуда кўп, ҳаммаси эскичасига баланд ёқали узун кўк чакмон, қорамтир шим ва калта сарғиш нимча кийиб юришади. Улар меҳмонларга «отахон» деб

муружаат қилишади. Мардарий Аполлоничнинг хўжалигини мужиклардан танлаб қўйилган пахмоқ соқол бурмистр ва уйини эса — янги жигар ранг рўмол ўраган, юзини ажин босган, зикна бир кампир бошқаради. Мардарий Аполлоничнинг отхонасида ўттизита ҳар хил тоифадаги оти бор; у бир юз эллик пудлик қўлбола извошда юради. Меҳмонларни ниҳоятда дилкашлик билан кутиб олади ва бошлаб зиёфат қилади, яъни рус таомларининг кайф берувчи хоссалари туфайли, уларни то кечгача қарта ўйинидан бошқа ҳар қандай иш билан машғул бўлиш имкониятидан маҳрум қилади. Ўзи эса ҳеч нарса билан шуғулланмайди ва ҳатто «Таъбирнома» ўқишни ҳам йиғиштириб қўйган. Аммо бундай помешчиклар бизнинг Русь мамлакатимизда ҳали хийла кўп; хўш, сиз бу помешчикни нима муносабат билан ва қандай сабабдан тилга олдингиз?— деб сўрарсиз. Бу саволга жавобан мен Мардарий Аполлоничникига бориб-келиб турганларимда кўрганим бир воқеани айтиб бераман.

Ёз кунларидан бирида кечқурун соат еттиларда Мардарий Аполлоничникига бордим. Уникида кечки ибодат эндигина тамом бўлган экан; диний мактабни яқинда битириб чиққан жуда ҳам уятчан ёш бир поп эшик ёнидаги меҳмонхонада, эшикка яқин жойда стулнинг четгинасида омонат ўтирарди. Мардарий Аполлонич мени ўз одатча ниҳоят даражада хушмуомалалик билан қарши олди; у ҳар бир меҳмонни самимият билан кутиб оларди, ҳақиқатан ҳам у умуман кўп яхши одам эди. Поп ўрнидан турди ва кетмоқчи бўлиб шляпасини олди.

— Андак туринг, андак туринг, тақсир,— деди Мардарий Аполлонич, менинг қўлимни ушлаб тургани ҳолда:— кетмай туринг. Сизга ароқ келтиришни буюрдим.

— Мен ичмайман,— деди ўнғайсизланган поп ва қулоқларигача қизариб кетди.

— Бўлмаган гапни гапирманг. Сизнинг рутбангиздаги кишилар ичмаса бўладими!— деб жавоб берди Мардарий Аполлонич:— Мишка! Юшка! Тақсиримга ароқ келтир.

Саксон ёшлардаги баланд бўйли, озғин чол — Юшка сарғиш холли қўра патнисда бир рюмка ароқ олиб келди. Поп ичишга унамади.

— Ичинг, тақсир, ноз қилаверманг, яхши эмас,— деди помешчик гина қилиб.

Бечора ёш поп ароқни ичишга мажбур бўлди.

— Ана энди, тақсир кетсангиз бўлади.

Поп таъзим қилиб хайрлаша бошлади.

— Хўп, яхши, яхши, кетаверинг... Асил, одам,— деб сўзида давом этди Мардарий Аполлонич, унинг кетидан қараб қолиб:— мен ундан жуда мамнунман; фақат бир нуқсон бор — ҳали ёш. Ваъз-насиҳат қилгани қилган, лекин ичкилик ичмайдн. Хўш, отахон... ўзингиз қалайсиз?.. Саломатмисиз? Қани, балконга юринг — кечки гузал манзарани томоша қилинг.

Биз балконга чиқиб, гаплашиб ўтирдик. Мардарий Аполлонич пастга қараб ва бирдан ғазаби қайнаб кетди.

— Кимнинг товуқлари бу? Кимники?— деб бақирди у,— боғда юрган товуқлар кимники?.. Юшка! Юшка дейман. Югур, боғдаги товуқлар кимники эканини билиб кел. Бу кимларнинг товуғи ўзи? Неча марталаб тақиқладим, неча марталаб тайинладим-а.

Юшка чопиб кетди.

— Бу қандай тартибсизлик-а!— деб такрорлар эди Мардарий Аполлонич,— ахир бу даҳшат-ку!

Ҳали ҳам эсимда: бояқиш товуқларнинг иккитаси чинпор, биттаси тўппидор оқ товуқ эди, улар олма дарахтлари тагида бепарво юриб, баъзан хурсандчиликдан чўзиб-чўзиб қақағлаб қўйишарди, бироқ шу пайт таёқ кўтарган бош яланг Юшка ҳамда ҳовли хизматкорларидан учта ўспирин йигит товуқларни тирқиратиб қувлаб қолишди. Ҳангома бошланди. Товуқлар қичқирар, қанотларини қоқар, сакрар, қулоқни кар қилгундай баланд овоз билан қоқолар эди; хизматкорлар югурар, қоқинишар, йиқилишарди; хўжайин балконда туриб: «Ушла! Ушла, ушла! Ушла, ушла, ушла! Бу товуқлар кимники ўзи, бу товуқлар кимники ўзи?»— деб жазавасти тутган одамдай бақирарди.

Ниҳоят, хизматкорлардан бири тўппидор оқ товуқни қувлаб бориб, устига ётиб ушлаб олди, худди шу вақтда боққа сочлари тўзиган ўн бир ёшлардаги бир қизча кўча томондан четан двор орқали ошиб тушди, қизчанинг қўлида хивич бор эди.

— Ҳа, ана уларнинг товуғи экан!— тантана билан хитоб қилди помешчик:— Извошчи Ермилнинг товуқлари экан! У товуқларни ҳайдаб олиб кетиш учун ўзининг Наталкасини юборибди... Қаранг, Парашасини юбормаб-

ди-ю,— деб қўшиб қўйди помешчик секингина ва маъноли қилиб илжайди.— Ҳой, Юшка! Товуқни қўй: менга Наталкани ушлаб бер, Наталкани.

Нафаси озига тикилган Юшка ниҳоятда қўрқиб кетган қизчанинг олдида чопиб боргунча бўлмай, аллақаси қандан калитдор хотин пайдо бўлиб қолди-ю, қизчани қўлидан ушлаб олиб, бояқишнинг орқасига бир неча марта гурсиллатиб урди...

— Ҳа, ур, ур,— деди помешчик:— ҳа! ҳа! Ҳа, ҳа! Яна, яна!.. Товуғини тортиб ол; Авдотья,— деб қўшиб қўйди баланд овоз билан ва чеҳраси ёришиб менга қаради:— яхши ов бўлдим, а отахон? Терлаб ҳам кетибман-а, қаранг.

Кейин Мардарий Аполлонич қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

Биз балконда ўтириб қолдик. Оқшом ҳақиқатан, ғоят соз эди.

Бизга чой келтиришди.

— Айтинг-чи, Мардарий Аполлонич,— деб гап бошладим,— ҳув анови йўл бўйига, жарнинг нари ёғига кўчириб ўтказилган хонадонлар сизга қарашлими?

— Ҳа, менга қарашли... Нима эди?

— Бу нима қилганингиз бўлди, Мардарий Аполлонич? Бу ахир гуноҳ-ку. Мужиклар каталакдай тор, ёмон уйчаларга тикиб қўйилибди; чор атрофида битта ҳам дарахт кўринмайди; у ерда ҳатто ҳовуз ҳам йўқ; биттагина қудуқ бор, лекин унинг сувини ичиб бўлмайди. Наҳотки мужикларни кўчириш учун бошқа жой топилмаган бўлса?.. Одамларнинг айтишига қараганда, сиз яна уларнинг азалдан зиғир поя экиб келган ерларини ҳам тортиб олиб қўйибсиз, шундайми?

— Ҳаммасига ерларни марзалаш сабаб бўлди, нима қилай?— деб жавоб берди Мардарий Аполлонич.— Ерларни марзалаш деган нарсa миямни қотиргани-қотирган. Ерларни марзалашдан бирон фойда чиқишига кўзим ҳам етмайди. Уларнинг зиғир поя экилган ерларини тортиб олганим ва ҳовуз қаздириб бермаганимга келсак, отахон, бунинг сабабини ўзим биламан. Мен оддий кишиман — эскичасига иш тутаман. Фикримча, хўжайин — хўжайинлигида турсин, мужик — мужиклигида... Гап шу.

Бундай очиқ ва ишонтирарли далилга ҳеч нарсa деб жавоб қайтариб бўлмасди, албатта.

— Ҳа, бунинг устига,— деб давом этди у,— мужикларнинг ўзи ҳам ёмон, гарданкаш. Хусусан у ерда иккита шунақа оила бор: марҳум отам ҳам, илоҳи жойи жаннатда бўлсин, уларни ёмон кўрарди, жуда ёмон кўрарди. Мен сизга айтсам, менга бир нарсa маълум: ўғрининг боласи ўғри, тўғрининг боласи тўғри; энди сиз нима деб ўйласангиз ўйлайверинг... Қон билан кирган жон билан чиқади, дейдилар, ҳамма гап шу қонда! Сизга очиқ айтсам, мен ўша иккита оила кишиларини солдатликка навбатдан ташқари ҳам жўнаттирдим, бир илож қилиб ҳар томонга суриб юбордим ҳам; лекин на-чораки, уларнинг тухуми қуримаяпти. Лаънати-лар, жуда урчийдиган нарсa экан.

Бу орада ҳаво бутунлай сукутга чўмди. Енгил шабада ҳар замонда бир эсиб юзга уриларди, шабада энг сўнгги марта уй олди-га ғувиллаб келиб тинди ва шу пайт отхона томондан бир маромда «шип-шип» этган товуш эшитилди. Мардарий Аполлонич чой қуйилган ликопчани лабига энди-гина яқинлаштириб бурун катакларини керган эди (маълумки, ҳеч бир ҳақиқий рус бурун катакларини кермасдан чой ҳўпламайди), аммо тўхтаб қолди, қулоқ солди, бош ирғатди, чойини бир ҳўплади ва ликопчани стол устига қўяр экан, гаврон овозига беихтиёр тақлид қилгандай завқ билан табассум қилиб «Чюки-чюки-чюки. Чюки-чюк» — деб қўйди.

— Нима гап ўзи?— сўрадим таажжуб билан.

— У ерда, менинг буйруғимга биноан, шўхлик қилган бир болани савалашяпти?.. Буфетчи Васяни биларсиз? Ўшани.

— Қайси Васяни айтяпсиз?

— Боя овқат маҳалида бизга хизмат қилиб турди-ку, ўшани. Чаккасига қалин қилиб соқол қўйган йигитни.

Мардарий Аполлоничнинг хотиржам ва маъсумона қарашлари олдида энг қаттиқ ғазаб ва нафрат ҳам ўз кучини йўқотарди.

— Ҳа, йигит, сизга нима бўлди?— деди менга у бош тебратиб.— Нима, мен ярамас одамидимки, мунча тикилиб қарайсиз? Ўзингиз биласизки, киши меҳрибонлигидан ҳам уриши мумкин.

Чорак соатдан кейин Мардарий Аполлонич билан хайрлашиб, жўнаб кетдим. Қишлоқдан ўтиб туриб буфетчи Васяни кўриб қолдим. У кўчада ёнғоқ чақиб еб

кетаётган экан. Мен кучерга отларни тўхтатишни буюрдим ва уни чақирдим.

— Ҳа, ука, бугун сени уришдими?— деб сўрадим ундан.

— Сиз бунга қайдан билдингиз?— деб жавоб қилди Вася.

— Хўжайинингнинг ўзи айтди.

— Хўжайиннинг ўзи?

— У сени нима учун қалтаклатди?

— Қилмишимга яраша, отахон, қилмишимга яраша. Бизда одамни бекорга жазолашмайди; бизда бунақа одат йўқ — сира, сира. Бизнинг хўжайин унақа эмас; бизнинг хўжайин... бунақа хўжайин бутун губернада ҳам топилмайди.

— Қани, чу де!— дедим мен кучерга; «Мана, эски Руснинг қиёфаси»,— деб ўйлардим мен йўлда кетаётиб.

Азиз китобхонларим, овнинг энг яхши томонларидан бири шундаки, ов қилган киши ҳамиша ҳар ёқларни кезиб юришга мажбур бўлади, иш билан банд бўлмаган киши бу юришдан жуда баҳра олади. Тўғри, баъзида (айниқса ёгингарчилик пайтларида) дала йўлларида, йўлсиз бўз ерларда тентираб юриш, дуч келган ҳар бир мужикни тўхтатиб: Ҳой, азизим! Мордовкага қаёқдан борилади, деб сўраш. Мордовкада эса бирор анқов хотиндан (ишга яроқли ҳамма кишилар далада): катта йўлдаги карвон саройга қанча юрилади, қайси йўл билан кетилди, деб суриштириб ўн чақиримча юргандан кейин, карвон саройга эмас, балки, ҳаловати бузилишини сира ўйламай кўчанинг қоқ ўртасида балчиққа ботиб ётган бир тўда чўчқани ҳайратда қолдириб, Худобубново деган валангор помещчик қишлоғига бориб қолиш анча кўнгилсиз. Лиқиллаб турган кўприкчалардан ўтиш, жарликларга тушиш, ботқоқ ариқлардан кечиб ўтиш ҳам кўнгилли бўлмайди, поёнсиз денгиздай ям-яшил дала йўлларида сурункасига суткалаб аравада ўтириб бориш, ёки, худо кўрсатмасин, бир томонига 22, иккинчи томонига эса 23 рақами ёзиб қўйилган олачипор чақирим столбалар олдида қаёққа юришни билмай соатлаб лойга ботиб туриш кишини жуда диққат қилади; ҳафталаб фақат тухум, сут ва таърифи зўр жавдар нон истеъмол қилиб юриш ҳам кўнгилга тегади... Аммо бу ноқулайлик ва қийинчиликларнинг ҳаммасини бошқа нашъа ва роҳатлар ювиб кетади. Хайр, энди ҳикоямизнинг ўзини баён қилишга ўтайлик.



Бурмистр.



К. Лебедев расми.

Бундан беш йилча муқаддам ярмарка энг қизиби турган пайтда Лебедянга қандай қилиб бориб қолганимни айтиб ўтиришни юқоридаги сабабларга биноан зарур деб ҳисобламайман. Овчи таъбига хуш келган кунлардан бирида эртаси кун кечқурун қайтиб келишни ўз олдига мақсад қилиб эрталаб овга жўнаб кетиши ва йўл-йўлакай лойхўраклар отиб, аста-секин Печоранинг гўзал соҳилларига бориб қолиши мумкин: шу билан бирга, милтиқ ва итнинг ишқибози бўлган ҳар қандай киши дунёдаги ҳайвонларнинг энг асили — отни жуда яхши кўради. Шундай қилиб, мен Лебедянга бордим, меҳмонхонага қўндим, кийимларимни алмаштириб кийиб, ярмаркага жўнадим. (Сал димоғ билан ингичка овозда ёқимли қилиб сўзловчи ўн икки ёшлардаги, новча ва қотмагина хизматкор бола*** полкининг ремонтёри¹ — князь Н. жаноби олийларининг у хизмат қилаётган трактирга келиб тушганларини, кўпгина бошқа жаноблар ҳам ўша ерга қўнганлигини, у ерда кечқурунлари лўлилар ашула айтиб, театр қўйиб пан Твардовскийни саҳнада кўрсатишларини, отларнинг бозори чаққонлигини, яхши отлар олиб келинганини сўзлаб берди.)

Ярмарка майдонида аравалар қатор-қатор бўлиб турар, улар орқасида ҳар хил тоифадаги отлар: йўртоқи отлар, урчитиладиган отлар, оғир юк тортувчи йирик отлар, аравакаш отлар, бекат отлари ва жайдари деҳқон отлари бор эди. Ем бериб семиртирилган, баданлари ярақлаган, тусига қараб танланган, устига ранг-баранг ёпиқлар ёпилиб баланд ходачаларга боғлаб қўйилган отлар орқага кўз қирларини ташлаб, хўжайинлари — асб жаллоблар қўлидаги ўзларига жуда яхши таниш бўлган қамчига қўрқа-писа қараб қўярди; юз, икки юз чақирим олисда, чўл жойларда яшовчи дворянлар томонидан бирон кекса кучер ва икки-уч бефаҳм отбоқар назорати остида бу ерга юборилган помешчик отлари узун бўйинларини силкитиб, ер тепиниб, зерикканидан қозиқларни кемирарди; Вятка зотли саман отлар бир-бирларига қисилишиб турарди: сағрилари кенг, думлари эшилиб турувчи, пайпоқдор, қора тўриқ отлар шердек савлат билан жим турарди. Отни яхши биладиган кишилар бу отлар олдида ҳурмат билан тўхтаб ўтишарди. Икки томонга ти-

Ремонтёр — Чор Россияси қўшинларида камайган отларнинг ўрнини тўлдириш билан шуғулланган амалдор.

зилган аравалар ўртасидаги йўлларда мансаби, ёши ва афт-башараси ҳар хил одамлар уймалашиб юрарди: кўк чакмонли ва узун қалпоқли асб жаллоблар мўлтонилик билан атрофга кўз югуртириб харидор кутишарди, кўзлари чақчайган, жингалак соч лўлилар питирлашиб ҳар ёққа югуришар, отларнинг тишига қарашар, оёқ ва думларини кўтариб кўришар, бақиршар, сўкинишар, даллоллик қилишар, чек ташлашар ёки қундуз ёқали шинель ва фуражка кийган бирон ремонтёрнинг атрофида парвона бўлишар эди. Забардаст казак кийик бўйин ориқ бир ахта отга миниб олиб, уни «бутунлай», яъни эгари ва югани билан бирга сотмоқда эди. Пўстинларининг қўлтиқлари йиртилиб кетган мужиклар зўр бериб оломон ўртасига ёриб кирмоқчи бўлар, улардан ўнлаб киши аравага қўшилган этни «синаб кўрамиз» деб ёпирилиб, аравага чиқиб олар ёки, бирор четроққа чиқиб, қув лўлининг даллоллигида савдо қилишар, ҳар қайсилари ўзлари айтган баҳога унашга қистаб, «келинг, бор барака, денг» деб бир-бирларининг қўлларини юз мартаб силкишар эди, аммо бу орада савдо қилинаётган нарсаси, яъни устига эски чипта ёпилган заиф, ориқ от кўзларини пириллатиб бепарво тураверарди... Чиндан ҳам қамчиловчининг ким бўлиши унинг учун барибир эмасми? Мўйловлари бўялган ва ўзларини сипо тутган, бошларига конфедератка қўндирган ва узун мовут чакмонларининг бир енгини кийиб олган кенг пешона помешчиклар момиқ шляпали ва мошранг қўлқопли, қорни катта савдогарлар билан гердайиб сўзлашиб турардилар. Турли полкларнинг офицерлари ҳам шу ерда тиқилишиб юришарди; асли зоти немис бўлган, ҳаддан ташқари новча бир кирасир¹ чўлоқ асб жаллобдан совуққонлик билан: «Ушбу малла отингга қанча сўрайсан?» деб турарди. Оқ-сарикдан келган ўн тўққиз ёшлардаги гусар хипча йўрға отининг ёнига қўшиш учун шатакчи от танларди; товус пати қадалган саёз шляпа ва қорамтир чакмон кийган ҳамда камбар кўк камарига қўлқопини қистириб олган бир аравакаш аравага қўшилдиغان от қидирарди. Извошчилар отларнинг думини ўриб ёлларини ҳўллар, хўжайинларига ҳурмат билан масла-

¹ К и р а с и р — кираса, яъни совут кийган отлиқ аскар ёки офицер.

ҳатлар берар эдилар. Олди-сотдини қилиб бўлган кишилар ҳамёнларининг кўтаришига қараб, трактирга ёки қовоқхонага ошиқардилар... Бу ивирсиш, у ён-бу ёнга чопиш, шовқин-сурон, жанжал-хархаша, келишиш, сўкиниш, кулги ва хурсандчиликларнинг ҳаммаси тизза бўйи лойда рўй берарди. Мен тўрт гилдиракли аравамга учта чидамли от сотиб олмоқчи бўлдим, чунки отларим ишга ярамай қолган эди. Мен иккита от топдим, учинчи отни танаб олишга улгурмадим. Тушки овқатдан кейин (мен овқатнинг қандай ўтганини таърифлаб ўтирмайман, чунки бошдан ўтган қайғу-аламни эсга олиш ғоят кўнгилсиз эканини Эней ҳам айтган), тушки овқатдан кейин қовоқхонага бордим, ҳар куни кечқурун қовоқхонага ремонтёрлар, заводчи бойлар ва бошқа мусофирлар тўпланишар экан. Тамакининг кўкимтир тутуни билан қопланган биллиардхонада йигирма чоғлиқ одам бор эди. У ерда чакка соқоллари узун ва мўйловига мой суркаб олган венгерка ва кул ранг шим кийган сурбет ёш помешчиклар бўлиб, атрофга ғурур ва дадиллик билан назар ташлаб ўтиришарди; бели бурма узун камзулли, тўнғиз бўйинли ва шишинқираган кўзли бошқа дворянлар семизликни кўтаролмай пишиллаб ўтиришарди; ёш савдогарлар бир четда олифтагарчилик қилардилар; офицерлар бир-бирлари билан бемалол гаплашишарди. Тугмалари ечиқ узун камзул, қизил ипак кўйлак ва кенг бахмал чолвор кийган, йигирма иккиларга борган, юзлари қувноқ ва лекин бир қадар совуқ бўлган ёш князь Н. биллиард ўйнардди; у истеъфодаги поручик Виктор Хлопаков билан ўйнамоқда эди.

Истеъфодаги поручик Виктор Хлопаков ўттиз ёшлар чамасидаги, жуссаси кичкинагина, қорача, қотмагина, қора соч, қўй кўз ва тўмтоқ бурни танқайган киши эди. У сайловларга ва ярмаркаларга мунтазам қатнаб турарди. У юриб кетаётиб сакраб-сакраб қўяди, юмалоқ қўлларини ёш йигитдай чаққонлик билан икки томонга ёзади, шапкасини чаккасига қўндириб кияди ва зангори колектор астарли ҳарбий сюртугининг енгини шимариб юради. Жаноб Хлопаков петербурглик бадавлат шўх йигитларнинг пинжиги кириб олишга уста, улар билан улфатчилик қилади, бирга ўтириб тамаки чекади, ичади ва қарта ўйнайди, улар билан «сансираб» гапиришади. Уларнинг Хлопаковга бўлган илтифотларининг сабабини тушуниш анча мушкул. Жаноб Хлопаков фаросатли эмас,

ҳатто дилкаш ҳам эмас: у қизиқчилик қилишга ҳам ярамайди. Уни оқ кўнгил, аммо каллаварам киши ҳисоблаб, у билан бетакаллуф дўстона муомалада бўлишади: у билан икки-уч ҳафта қуюқ улфатчилик қилиб юришади-да, кейин бирдан саломлашмай ҳам қўйишади, бу вақтда унинг ўзи ҳам салом-аликни йиғиштиради. Поручик Хлопаковнинг хусусияти шундан иборатки, у бир йилгача, баъзан икки йилгача ҳамisha фақат биттагина иборани ўринли ва ўринсиз ишлатаверади; бу иборанинг ҳеч бир қизиқ жойи бўлмаса ҳам, негадир, ҳамма кулади. Поручик Хлопаков бундан саккиз йилча илгари ҳар қадамида: «Менинг сизга ҳурматим бўлсин, мутеона раҳматим бўлсин»— деяр эди ва шу иборани талаффуз қилганида ўша вақтдаги ҳомийлари ҳар сафар қотиб-қотиб кулиб, «менинг сизга ҳурматим»ни яна такрорлашга мажбур қилишарди. Кейинча у хийла қийинроқ иборани, яъни: «Йўқ, энди сиз ҳалигиндай, кескесэ¹— бундан чиқди, иш тамом» иборасини зўр маҳорат билан ишлатадиган бўлди, бу иборани эшитганлар ҳам ичаклари узилгудай бўлиб кулишди; орадан яна икки йилча ўтгач у мана бундай бир янги, тутилмаган ўткир гапни ўйлаб чиқарди: «Не ву иссиқ па,² худонинг бандаси қўй терисига ўралган» ва ҳоказо. Хўш, бунинг натижаси нима бўлди денг! Мана шу ҳеч бир қизиғи йўқ иборалар унинг қорнини тўйғизади, уни ичиради ва кийинтиради. (У ўзининг ер-мулкини аллақачон совуриб, йўқ қилиб бўлган, ҳозир фақат ошналарининг ҳисобига яшайди). Шунга эътибор қилингки, унинг бундан бошқа ҳеч қандай ширин гапи йўқ; рост, у ҳар куни Жуковнинг юзта трубкасини чекиб битиради, биллиард ўйнаганида эса ўнг оёғини бошидан баланд кўтаради ва биллиард соққасини мўлжаллаб туриб, кийни қўли устида ҳадеб сирғантираверади, ҳа-да, албатта, бундай бачкана қилиқни ҳамма ҳам қилавермайди. У яхшигина ичади ҳам... Ҳа, Русь юртида бу билан шухрат қозониш қийин... Хуллас, унинг муваффақияти мен учун мутлақо сир эди... Фақат бир нарсаси маълум: у эҳтиёткор одам, уйдаги гапни ташқарига олиб чиқмайди, ҳеч кимнинг ғайбатини қилмайди.

¹ Кескесэ — бу нима (франц.).

² Не ву... па — французча сўзлар, маъносиз ишлатилган.

«Қани, кұрай-чи, энди қанақа янги ибора топган экан?»— деб ұйладим Хлопаковга кұзим тушиши билан.

Князь оқ соққани уриб, лузага киритди.

— Уттиз,— деб бақирди кұз ости кұкарган рангсиз, сил башара маркёр.

Князь сариқ соққани чекка лузага қарсиллатиб уриб туширди. Бурчакда, бир оёқли омонат столча ёнида ўтирган савдогар:

— Ухў!— деб қорнини лорсиллатиб маъқулловчи оҳангда дўриллаб қўйди-ю, қўрқиб кетди. Хайриятки, унинг овозини ҳеч ким эшитмади. У нафасини ростлаб, соқолини силади.

— Уттиз олти!— деб бақирди маркёр димоғи билан.

— Хўш, биродар, ишлар қалай бўляпти?— сўради князь Хлопаковдан.

— Нима бўларди? Ўзингиз биласиз, рррракалиноон¹, рррракалинооннинг ўзгинаси.

— Нима, нима дединг? Бошқатдан айт.

— Рррракалиноон!— деб такорлади мағрурлик билан истейфодаги поручик.

«Ҳа, янги топган гапи шу экан!»— деб ўйладим мен.

Князь лузага қизил соққани уриб туширди.

— Эҳ, ундай эмас, князь, ундай эмас,— деб ғулдиради кўзлари қизил, бурни кичкина ва юзлари ёш бола-никидек шишинқираган оқ-сариқ соч жиккак бир офицер.— Нотўғри ўйнаяпсиз... бошқачароқ ўйнашингиз керак эди... бундай эмас.

— Қандай ўйнаш керак эди бўлмаса?— деб сўради ундан князь, елкаси орқали юзини ўгириб қараб.

— Нима... ҳалиги... триплет қилиб урсангиз бўларди.

— Ростданми?— деб тўнғиллади князь ғижиниб.

— Нима дейсиз, князь, бугун кечқурун лўлиларнинг томошасига борамизми?— деб дарҳол гапни буриб юборди хижолатда қолган офицер. Бугун Стёшка ашула айтади... Илюшка.

Князь унга жавоб қайтармади.

— Рррркалиноон, биродар,— деди Хлопаков, чап кўзини муғомбирона қисиб.

Князь қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

¹ Бу ерда Хлопаков французча gascaille (ракалия) сўзини (аб-лах деган маънони билдиради) бузиб ишляпти.

— Уттиз тўққиз-у, ҳеч,— деб эълон қилди маркёр.

— Ҳеч, эмиш... Ҳозир мен мана бу сариқ соққани боплаб туриб...

Хлопаков кийни қўли устида ишқалаб, соққани мўлжалга олди-ю, лекин яхши уролмади.

— Э, рракалиоон,— деб бақариб юборди у диққат бўлиб.

Князь яна кулиб юборди.

— Нима, нима, нима дединг?

Лекин Хлопаков сўзини такрорламади, ахир таранг қилиш ҳам керак-да.

— Бир оз ёнбошга уриб қўйдилар,— деди маркёр.— Рухсат этинг, кийингизнинг учини бўрлаб берай... Қирқ.

— Айтгандай, жаноблар, биласизми, бугун театрда Вержембицкаяни саҳнага чиқариш керак,— деди князь биллиардхонага йиғилганларнинг ҳаммасига мурожаат қилиб, лекин биронта одамга ҳам эътибор билан назар солмади...

— Бўлмаса-чи, бўлмаса-чи, албатта Вержембицкаяни чиқариш керак,— деди бир-бирига гал бермай князнинг саволига жавоб қайтариш шарафни насиб бўлганидан боши осмонга етган бир неча жаноб.

— Вержембицкая баҳоси йўқ артистка. Сопняковадан анча тузук,— деб чийиллади бурчакдан узун мўйловли ва кўзойнакли бадбуруш бир киши. Бечора! У Сопняковага зимдан ошиқи беқарор бўлиб ҳажрида юрак-бағри эзилиб юарди-ю, князь унга ҳатто бир қараб қўйишни ҳам лозим кўрмади.

— Мулозим, трубка!— деди бошини эгиб, қандайдир баланд бўйли, келишган юзли, басовлат бир жаноб. Унинг афти-ангоридан муттаҳамлиги сезилиб турарди.

Мулозим трубка олиб келиш учун югуриб кетди ва қайтиб келгач, князьга: Сизни ямшик Баклага сўраяпти,— деди.

— А! Айт, кутиб турсин, сен унга ароқ тут.

— Хўп бўлади.

Кейинча одамлардан эшитишимга қараганда, Баклага ёш, чиройли ва ҳаддан ташқари эрка ямшик экан; князь уни яхши кўрар, унга отлар ҳадя қилар, у билан пойга қилишар, кечалари у билан бирга қолиб кетар экан... Бир вақтлар шўх ва исрофчи бўлган мана шу князь ҳозир бутунлай бошқача одам бўлиб қолган... Ундан гуп-гуп атир ҳиди келади, кеккайган, димоғдор! Жу-

да ҳам хизмат билан банд, айниқса сермулоҳазалигини айтмайсизми!

Тамаки тутуни кўзимни ачита бошладди. Хлопаковнинг тутуруқсиз гапини ва князнинг қаҳ-қаҳ уриб кулишини сўнгги марта эшитиб, ўз номеримга кетдим, мулозимим у ерда дўмбоқ суянчиқли, ўртаси чўккан, жун тикилган камбар диванга мен учун жой солиб қўйган экан.

Эртаси куни қўрама-қўра юриб, от кўргани кетдим, ишни машҳур асб жаллоб Ситниковнинг қўрасидан бошладим. Мен унинг саҳнига қум сепилган ҳовлисига кирдим. Отхонанинг ланг очиқ эшиги олдида анча ёшга бориб қолган, баланд бўйли, тўлагина, қуён терисидан тикилган баланд қайтарма ёқа пўстин кийиб олган Ситниковнинг ўзи турган эди. У мени кўриши билан аста-секин мен томонга юрди, шапкасини икки қўллаб боши тепасида ушлаб турди-да, оҳангдор овоз билан деди:

— О, салом, хуш келибдилар. От кўрмоқчи бўлсалар керак?

— Ҳа, от кўргани келдим.

— Қанақа отларни кўрмоқчилар?

— Борини кўрсатаверинг.

— Бажонидил.

Биз отхонага кирдик. Бир нечта оқ лайча ит пичан устидан тушиб, думини ликиллашиб олдимизга чўпиб келди; узун соқол қари бир эчки норози қиёфада ўзини четроққа олди; пишиқ ва лекин ёғ босган қатирма кир пўстин кийган учта отбоқар бизга жимгина таъзим қилди. Отхонанинг икки томонида моҳирлик билан баланд қилиб ясалган оғилларда жуда яхши парваришланган ўттизтача от турар эди. Қўндаланг осилган дорларнинг биридан иккинчисига каптарлар патирлаб учиб ўтишар, тинмай ғу-ғулашар эди.

— Сизга от, яъни нима учун керак: миниб юриш учунми ёки урчитиш учунми?— сўради мендан Ситников.

— Миниб юриш учун ҳам, урчитиш учун ҳам.

— Тушундим, тушундим, тақсир,— деди салмоқ билан асб жаллоб.— Петя, тақсиримга Горностайни кўрсат.

Биз ташқарига чиқдик.

— Уйдан курси олиб чиқишсинми?.. Керак эмасми?.. Ихтиёрлари.

Тахта полда от туёғининг дукур-дукури, қамчининг

шарақлагани эшитилди, қирқ ёшлардаги, қорача Петя отхонадан келишган қоматли бўз айғирни миниб чиқди, олдинги оёқларини кўтариб тикка турғизди, отни ҳовли атрофидан икки мартача чоптирди-да, эпчиллик билан кўрик жойида тўхтатди. Горностай чўзилиб керишди, қаттиқ пишқирди, думини кўтарди-да, сўлигини чайнаб бизга қаради.

«Мулла қилиб қўйилган от экан!»— деб ўйладим.

— Жиловини бўш қўй унинг, бўш қўй,— деди Ситников ва менга тикилди.

— Қалай, ёқади-ми?— деб сўради ниҳоят.

— Чакки эмас, аммо олдинги оёқлари унча бақувват эмас.

— Оёқлари жуда яхши,— ишонч билан эътироз билдирди Ситников,— сағриси-чи, сағриси... кўриб қўйинг... бамисоли супа дейсиз, ётиб ухласа ҳам бўлади.

— Бақайи узун экан.

— Йўғ-е, кечирасиз!— Қани Петя, чоптиргин-чи, йўртириб чоптир, йўрттириб... сакратиб чоптирма.

Петя яна отни ҳовлини айлантириб чоптира бошладди. Биз жим қараб турдик.

— Хайр, уни жойига олиб кириб қўй, Лочинни олиб чиқ,— деди Ситников.

Голландия отлари зотидан бўлган, сағриси осилиб тушган Лочин номли ҳипча, қўнғиздай қоп-қора айғир Горностойдан хиёл тузукроқ экан. Овчилар Лочинга ўхшаш отлар тўғрисида: «Булар кесади, қиймалайди, асирга ҳам олади», деб айтишади, яъни бу отлар юганида олдинги оёқларини ўнгга ва чапга совлат билан ташласа ҳам, олға кам силжийди. Бундай отларни ўрта ёшлардаги савдогарлар яхши кўради: бу отларнинг чопиши трактирдаги чаққон хизматкорларнинг илдам қадам ташлашига ўхшайди; бундай от тушки овқатдан кейин ёлғиз ўзи аравага қўшилса, яхши: бундай отларнинг ёлғиз ўзи ёрилиб кетгудек тўйиб овқат еган кучер, жиғилдон қайнашидан азоб чекувчи савдогар ва унинг ҳаво ранг кенг ипак пальто кийиб бошига бинафша ранг рўмол ўраган хомсемиз хотини ўтириб олган бесўнақай аравага қўшилса борми, бўйнини гажак қилиб, кеккайиб, аравани сидқидил тортиб кетаверади. Мен Лочинни ҳам ёқтирмадим. Ситников яна бир неча отни кўрсатди... Ахийри менга Войеков зотидан тарқалган бир чавкар бўз от ёқиб қолди. Севинчимни ичимга сиғдиролмай

унинг бўйнини силаб қўйдим. Ситников дарҳол ўзини сезмаган қилиб кўрсатди.

— Қалай, бу яхши юрадимиз?— деб сўрадим. (Иўртоқи отни, чопади, деб бўлмайдим.)

— Юради,— деб хотиржам жавоб қайтарди асб жаллоб.

— Кўрсак бўлармикан?..

— Нега бўлмасин, бўлади. Ҳой, Кузя, Елдирымни аравага қўшинглар.

Ўз ишининг устаси бўлган от ўргатувчи Кузя Елдирымни аравага қўшиб, кўчада олдимиздан уч мартача олиб ўтди. От яхши чопар, қоқинмас, лўкилламас эди, эркин қадам ташлаб текис юрарди, думини қисмай «тўғри» тутарди.

— Бунга қанча сўрайсиз?

Ситников жуда осмондан келди. Биз кўчанинг ўзидаёқ савдолаша бошладик. Аммо шу вақт тўсатдан бири-бирига хил тушган уч от қўшиғлик бекат араваси гулдираганича муюлишдан отилиб чиқиб, Ситниковнинг дарвозаси олдида таққа тўхтади. Бу яхши ясатиғлик овчи аравасида князь. Н., унинг ёнида эса Хлопаков қақайиб ўтирарди. Отларни Баклага бошқарарди... жуда уста кучер экан-да. Қўйиб берсанг аравани зирак орасидан ҳам олиб ўтиб кетсам, дейди муттаҳам! Аравага шатакчи қилиб қўшилган қора кўз, қора оёқ, паст бўйли шўх тўриқ отлар ҳуркиб типирчилаб туришибди денг— бамисоли олов, олов— бир қамчи силтасангиз бўлгани, қуюндек учиб кетади! Ўртага қўшилган қоратўриқ от қуш сингари бўйнини орқага ташлаб, кўкрагини кериб турибди, ўқ ёйдек тўғри оёқларини ерга тираганича, ҳадеб бошини қимирлатиб, кўзларини мағрурона сузади... Қойил! Подшо Иван Васильевич ҳам пасха байрамида бу аравада сайр қилса арзийди!

— Жаноби олийлари! Марҳамат қилсинлар!— деб бақириб юборди Ситников.

Князь аравадан сакраб тушди. Хлопаков араванинг иккинчи томонидан аста тушди.

— Салом, биродар... Отлардан борми?

— Сиз жаноби олийлари учун нега бўлмасин, албатта бор. Марҳамат қилсинлар, кирсинлар... Петя, Товусни келтир! Ўткирни ҳам тайёрлаб туришсин. Тақсир,— деб давом этди у менга қараб,— сиз билан кейин савдо-

лашамиз... Фомка, жаноби олийларининг тагларига курси қўй.

Шу пайт аввал мен пайқамаган махсус отхонадан Товусни етаклаб чиқишди. Бу бақувват қоратўриқ от ер тепиниб, оёқларини кўтариб, осмонга сапчиб турарди. Ситников ҳатто юзини ўгириб кўзларини қисиб олди.

— Оббо, рракалион,— деди Хлопаков.— Жэмса¹.

Князь кулиб юборди.

Товусни зўрға тинчитишди; шундай бўлса-да, у ҳовли саҳнида отбоқарни судраб кетди; ниҳоят уни бурчакка қисиб олишди. У пишқирар, баданини дириллатиб тисариларди, Ситников эса қамчи ўқталиб, бадтар унинг гашини келтирарди.

— Қаёққа қараяпсан? Вой, сен-е!— деб асб жаллоб отига мулойимона дўқ қиларкан, ўзи ҳам беихтиёр унга завқ билан тикиларди.

— Қанча?— деб сўради князь.

— Сиз жаноби олийлари учун беш минг.

— Уч минг.

— Бўлмайдди, жаноби олийлари, кечирасиз...

— Уч минг, дегандан кейин гап тамом, рракалион,— деди Хлопаков.

Мен бу олди-сотдининг охиригача турмай, кетиб қолдим. Кўча бошидаги муюлишда, кул ранг уй дарвозасига катта қоғоз ёпиштириб қўйилганини кўрдим. Қоғознинг юқори қисмига бўйни жуда узун, думи ходага ўхшаган от сурати солинган эди, отнинг туёқлари остига эса қадимги замон ёзуви шаклида қуйидаги сўзлар битилганди:

«Ушбу ерда Тамбов помещчиги Анастасей Иванич Чернобайнинг чўлдаги маълум от заводидан Лебедянь ярмаркасига олиб келинган ҳар турли зот отлар сотилур. Мазкур отлар аъло сифатли бўлиб, жуда яхши ўргатилган ва ювош табиатлидир. Жаноб харидорлар Анастасей Иваничнинг ўзига мурожаат қилгайлар: мабодо Анастасей Иванич бўлмаса, ул вақтда кучер Назар Кубишкинни сўраттиргайлар. Жаноб харидорлар, қадам ранжидда этиш билан чолни бахтиёр қилишингизни сўраймиз».

Мен тўхтадим. Чўлнинг машҳур заводчи бойи жаноб

¹ Жэмса — бузилиб маъносиз ҳолга кирган французча сўз.

Чернобай келтирган отларни бир кўриб боқай-чи,— деб ўйладим.

Дарвоза ёнидаги эшикдан ичкарига кирмоқчи бўлдим, лекин, одатга хилоф равишда, бу эшик маҳкам бекитиб қўйилган экан. Тақиллатдим.

— Ким?.. Харидорми?— эшик орқасидан хотин кишининг ингичка овози эшитилди.

— Харидор.

— Ҳозир, отахон, ҳозир.

Эшик очилди. Қаршимда оёғига этик ва эғнига олди очиқ пўстин кийган, эллик ёшларга борган, бош яланг бир хотин турарди.

— Марҳамат, отахон, ичкарига кирсинлар, мен ҳозир Анастасей Ивановичга хабар қиламан... Назар, ҳой Назар!

— Нима?— етмиш ёшлардаги, тиши тушган чолнинг овози келди отхонадан.

— Отларни тайёрла, харидор келди.

Қампир уйга югуриб кириб кетди.

— Харидор, харидор дейди-я,— деб тўнғиллади чол унга жавобан.— Ахир мен ҳали отларнинг думини ювиб бўлганим йўғу.

«О, Аркадия».¹— деб ўйладим.

Менинг орқамдан **секингина**:

— Салом, отахон, марҳамат,— деган жарангловчи ва ёқимли овоз эшитилди. Ўгирилиб қарадим: қаршимда ўрта бўйли, сочлари оппоқ оқарган, гўзал мовий кўзлари ёқимли табассум қилиб турган чолни кўрдим, у эғнига узун кўк шинель кийган эди.

— От керакми? Бош устига, иним, бош устига. Ҳа, аввал уйимга кириб, бир пиёла чой ичишни хоҳла-майсанми?

Мен раҳмат айтиб, чойдан бош тортдим.

— Майли ихтиёринг. Иним, сен мени кечир: мен эскичасига иш тутаман. (Жаноб Чернобай шошмай гапирар ва сўзларни чўзиброқ талаффуз қилар эди.) Билсанг, менда қаллоблик деган нарсая йўқ... Назар, ҳой Назар,— деб овозини баланд қилмай чўзиб қўшиб қўйди у.

Отхона остонасида юзини ажин қоплаган, қийғир бурун ва чўққи соқол чол Назар кўринди.

¹ Аркадия — дориломон ўлка маъносини англатади, бу ерда — киноявий маънода ишлатилган.

— Сенга қанақа отлар керак, иним? — деб давом этди жаноб Чернобай.

— Ўзи минилган бўлса-ю, унчалик қиммат ҳам бўлмаса, соябон аравага қўшиш учун керак.

— Хўп... унақалари ҳам бор, марҳамат... Назар, Назар, баринга чекка оғилда турган бўз ахтани кўрсат, биласан-а? Кейин жийрон қашқани ҳам кўрсат, ённки Қўҳликнинг боласи — жийронни кўрсат, билдингми?

Назар отхонага қайтиб кириб кетди.

— Нўхтасини ечмасдан олиб чиққин-а? — деб бақирди жаноб Чернобай унинг орқасидан. — Иним, — деб сўзини давом эттирди у, юзимга хотиржам ва мулоийм қараб туриб, — мен муттаҳам асб жаллоблардан эмасман. Улар отларга занжабил, туз барда¹ ва яна алланималар беришади, юзинг қора бўлгурлар... Меникига лутфан қарасанг, кўрасан, ҳамма нарса кафтингда тургандек, ҳийла-найрангсиз.

Отларни олиб чиқишди. Улар менга ёқмади.

— Хайр, уларни жойига олиб кириб қўй, — деди Анастасей Иванович. — Бизга бошқаларини кўрсат.

Бошқа отларни кўрсатишди. Ниҳоят, мен битта арзонроғини танладим. Савдолаша бошладик. Жаноби Чернобай қизишмасдан шу қадар мулоҳаза билан гапирдики, худони тилга олиб шу қадар жиддий қасамлар ичдики, «чолни бахтиёр қилиш»дан бошқа чорам қолмади: закалат бердим.

— Хўп, энди, — деди Анастасей Иванович, — ижозат бер, мен отни сенга эскича одат билан, этагимдан этагингга ўтказиб топширайин... Бу от учун менга раҳмат айтиб юрасан... Қўзичоқдайгина. Ихчамгина... тобида... хуллас, чўл сти. Унга ҳар қандай абзални урсанг бўлаверади.

У чўқиниб олди. Шинели этагини қўли устига қўйди, отнинг нўхтасини олиб менга узатди.

— Худо ёр бўлсин, мана ол... Чой ичишни ҳали ҳам хоҳламайсанми?

— Йўқ, ғоят миннатдорман; уйга тезроқ кетишим керак.

— Майлинг. Кучерим ҳозир орқангдан отни олиб борсинми?

— Ҳа, агар хўп десангиз, ҳозир олиб борсин.

¹ От барда еса ва туз яласа тезда семириб кетади. (Автор изоҳи).

— Бажонудил, чирогим, бажонудил... Василий, ҳой Василий, барин билан бирга бор; отни олиб бориб, пулни олиб келасан. Энди хайр, иним, худо ёр бўлсин.

— Хайр, Анастасей Иванич.

Отни уйимга олиб келишди. Эртаси куни унинг чўлоқлиги ва ўпкаси шамоллаб қолгани маълум бўлди. Мен отни аравага қўшмоқчи бўлдим: аравага кирмай орқасига тисарила бошлади, уни қамчилаган эдим,— терслик қилиб, тепмоқчи бўлиб, ерга ётиб олди. Мен шу замонидан жаноб Чернобай олдига жўнадим.

— Уйдами?— деб сўрадим.

— Уйда.

— Бу нима қилганингиз,— дедим,— ахир сиз менга ўпкаси шамоллаган отни сотибсиз-ку.

— Ўпкаси шамоллаган?.. Худо сақласин!

— Бунинг устига чўлоқ ҳам, қайсар ҳам экан.

— Чўлоқ дейсанми? Билмайман, уни кучеринг ишдан чиқаргандир... мен эса, тепамда худо турибди... ҳеч нарса билмайман...

— Сиз, Анастасей Иванич, албатта уни қайтиб олишингиз керак.

— Йўқ, қайтиб олмайман, иним, жаҳлинг чиқмасин: от ҳовлимдан кетдими — иш тамом. Аввал яхшилаб кўришинг керак эди.

Мен алданганимни англадим, тақдиримга тан бериб, кулиб қўйдим-да, қайтиб кетдим. Хайриятки, бу аччиқ сабоқ менга унчалик қимматга тушмаган эди.

Икки кунлардан кейин Лебедяндан жўнаб кетдим, бир ҳафтадан сўнг эса, овдан қайтишда яна Лебедянга тушиб ўтдим. Қаҳвахонада қарийб ўша аввал кўрган кишиларим бор эди, князь Н. бу сафар ҳам биллиард ўйнаётган экан. Аммо шу вақт ичида жаноб Хлопаковнинг тақдирида одатдаги ўзгариш юз берибди, энди князнинг лутф ва марҳамати ундан оқ сариқ сочили офицерга ўтибди. Истеъфодаги поручик бечора, зораки князга яна илгаригидек ёқиб қолсам, деган умидда ўзининг ўша сўзини олдимда ишга солмоқчи бўлди-ю, лекин князь бунга илжайиш у ёқда турсин, ҳатто қовоғини солиб, елкасини учириб қўйди. Жаноб Хлопаков ўсал бўлганидан, бир бурчакка тиқилиб ғужанак бўлиб олди ва секин-аста трубкасига тамаки тўлдирди бошлади...

Азиз китобхон, менга қўлингизни беринг ва мен билан бирга юринг. Кун жуда яхши; май ойининг осмони тиниқ зангори рангда: толларнинг силлиқ ёш япроқлари ювиб тозалаб қўйилгандай ялтирайди; кенг, текис йўл қўйлар иштаҳа билан киртиллатиб сўдиган қизғиш поя-ли майда кўкат билан қопланган; йўлнинг ўнг ва чап томонида, узоқ-узоқларга чўзилган қияликларда яшил жавдар аста-секин чайқалиб турибди; кичик-кичик булут парчаларининг нафис доғлар сингари кўланкалари дала юзидан сирғанмоқда. Йироқда ўрмонлар қорайиб кўринади, ҳовузлар, кўллар ялтирайди, қишлоқлар сарғайиб кўринади: юзлаб тўрғайлар пириллаб осмонга кўтарилади, сайрайди, пастга ўқдай шўнғиб тушади, кесаклар устида кичкина бўйинларини чўзиб чўққайиб ўтиради; қора қарғалар йўл устига қўниб, сизга қарайди, ерга пусиб олиб, сизни ўтказиб юборади-да, кейин бир-икки марта сакраб, патирлаб бир томонга учиб кетади; жарнинг нари ёғидаги дўнгликда мужик ер ҳайдамоқда; ёллари ҳурпайган, калта дум ола тойчоқ нимжон оёқчалари билан онасининг орқасидан чопиб кетяпти: унинг ингичка овоз билан кишнагани эшитилиб туради. Биз қайинзорга кириб боряпмиз; ўткир, ёқимли, оромбахш ҳид гупиллаб димоққа урилмоқда. Мана, қишлоқ чеккасига ҳам етдик. Кучер ерга тушди, отлар пишқиради, шатакчи отлар атрофга қарайди, ўртага қўшилган от думини силкиб, бошини дуғага суяйди... Қишлоққа кириладиган катта дарвоза ғийч этиб очилди. Кучер яна жойига чиқиб ўтирди... Ҳа чу! Қишлоққа кирдик. Беш-

тача ҳовли ёнидан ўтиб, ўнгга бурилдик, пастликка тушиб, кейин тўғон бошига чиқдик. Бир вақтлар қизил бўёқ билан мойланган тахта том ва унинг иккита мўриси сада сингари боши думалоқ олма дарахлари ва сирень гуллари устидан, кичкина кўлнинг нари ёғидан кўриниб турибди; кучер аравани девор ёқалаб чап томонга бурди, учта қари лайча итнинг ҳуришига парво қилмай, ланг очиқ дарвозага қараб ҳайдади, аравани кенг ҳовли бўйлаб отхона ва сарой ёнидан абжирлик билан чоптириб ўтди, баланд остонадан омборхонанинг очиқ эшигига ёни билан кираётган калитдор кампирга керилиб таъзим қилди ва ниҳоят, аравани ёруғ деразали қора уй зина-пояси олдида тўхтатди... Биз Татьяна Борисовнаникида-миз. Ана, унинг ўзи ҳам дарчани очиб, бизга бош иргатяпти... Салом, онажон.

Татьяна Борисовна — чақчайган катта қўй кўзли, бурни тўмтоқроқ, юзи қизил ва бағбақаси осилган эллик ёшлар чамасидаги хотин. Чеҳрасидан мулойимлиги ва меҳрибонлиги сезилиб туради. Бир вақтлар унинг эри бўлган, лекин кўп ўтмай тул қолган. Татьяна Борисовна ғоят яхши аёл. У ҳеч қаерга бормай, ўзининг кичкина ермулкида яшайди, қўшнилари билан камдан-кам кирди-чиқди қилади, фақат ёшларни яхши кўради ва уларни меҳмон қилиб чақириб туради. Ниҳоятда қашшоқ помещик оиласида туғилганидан у ҳеч қандай тарбия олмаган, яъни французча гапиришни билмайди; ҳатто Москва-ни ҳам кўрмаган, лекин шу барча камчиликларига қарамай, у ўзини шу қадар камтарин, яхши тутиб шундай бемалол эркин фикр юритадики, майда помещик бека-сига хос оддий нуқсонларни ўзига шу қадар кам юқтирганки, чиндан ҳам унга ажабланмай илож йўқ... Ҳақиқатан ҳам, ўзингиз бир ўйлаб кўринг: хотин киши йил бўйи қишлоқда, хилват бир гўшада умр кечиради-ю, ғийбат ва шикоят қилмайди, тоқати тоқ бўлмайди, зерикмайди, ҳаяжонланмайди, сиқилмайди, ҳар кимнинг сирини билиш учун қизиқмайди... ҳайрон қоларли нарса! У одатда кул ранг шоҳи кўйлак ва қизил лентали чепец кийиб юради; овқат ейишни яхши кўради, лекин керагидан ортиқ емайди; мураббо, қуруқ мевалар ва тузланган таомларни омборчи кампирнинг ихтиёрига топшириб қўйган. Хўш, Татьяна Борисовна эртадан кечгача нима иш қилади?— деб сўрасиз... Китоб ўқийдими?— Йўқ, китоб ўқимайди; ростини айтганда, китоб мижозига тўғри келмайди... Агар

уйида меҳмон бўлмаса, Татьяна Борисовна қиш пайтида дераза олдида пайпоқ тўқиб ўтиради; ёзда эса боққа чиқади, гул ўтқазади, уларни суғоради, соатлаб мушук болалар билан ўйнашади, каптарларга дон беради... У рўзгор ишлари билан кам шуғулланади. Аммо қўни-қўшнилардан дидига ёққан биронта ёш йигит меҳмон бўлиб келиб қолса борми, Татьяна Борисовна очилиб кетади, уни ўтқазиб меҳмон қилади, гапларини тинглайди, қотиб-қотиб кулади, гоҳо унинг юзларига аста шاپатилаб уриб қўяди, лекин ўзи кам гапиради: бошига қайғу-ғам тушганларнинг кўнглини кўтаради, яхши маслаҳатлар беради. Ҳасрат ва надомат билан ўз оила сирини, ички дардларини битта қўймай айтиб унинг қўлида ҳўнг-ҳўнг йиғлаган одамлар озмунча бўлмаган! Татьяна Борисовна баъзан меҳмонининг рўпарасига келиб, оҳистагина тирсагига суяниб ўтирар ва унинг кўзларига шундай дилдорлик билан боқардики, шундай дўстона табассум қилардики, меҳмон ғайри ихтиёрий суратда: «Татьяна Борисовна, мунча ҳам яхши хотинсиз-а. Дилмдагини сизга очиб қўя қолай бўлмаса» — деган фикрга келарди. Татьяна Борисовнанинг кичкина, шинам хоналарида кишининг баҳри дили очилади, унинг иқлими (агар шундай дейиш мумкин бўлса) доим бағоят соз. Татьяна Борисовна жуда ажойиб ва ғаройиб хотин бўлса ҳам ҳеч ким ундан ажабланмайди: унинг дадил фикрлари, қатъийлиги ва бетакаллуфлиги, одамларга ҳамдард бўлиши, уларнинг шодлигига шериклиги, хуллас, жамики фазилатлари худди ўзи билан бирга туғилгандай эди, у бу фазилатларни ҳеч бир қийналмай, жуда осонлик билан орттиргандай туюларди. Татьяна Борисовнани бундан бошқачасига тасаввур қилиб ҳам бўлмайди; демак, унга миннатдорлик билдириш ҳам шарт эмас. У ёшларнинг ўйин-кулги ва шўхликларини томоша қилишни айниқса яхши кўради; бундай пайтларда у иккала қўлини кўксига қўйиб чалиштириб, бошини хиёл орқага ташлаганича кўзларини сузиб, илжайиб ўтирар, кейин бирдан хўрсиниб: «Оҳ болагиналарим, мунчаям ширин бўлмасаларинг-а!!!» — деб қўяр эди. Шундай вақтда олдига бориб, қўлидан ушлаб туриб: «Менга қаранг, Татьяна Борисовна, сиз ўз қадр қимматингизни билмайсиз, сиз хат-саводи йўқ соддадил аёл бўлсангиз ҳам, лекин олижаноб зотсиз!» — деб айтгинг келарди унга. Унинг исми ҳам нимаси биландир танишдай, ёқимли эшити-

лади, уни бажонудил тилга олишадн, бу исм кишида дўстона табассум уйғотади. Масалан, йўл-йўлакай дуч келган мужиклардан, биродар — чунончи Грачовкага қайси йўл билан борса бўлади?— деб сўраган вақтларим кўп бўлган. Шунда ҳар сафар менга: «Отахон, сиз аввал Вязовоега боринг, у ерда Татьяна Борисовнаникига ўтинг, Татьяна Борисовнаникидан у ёғига қанақа қилиб боришни сизга ҳар ким ҳам айтиб бера олади», деб жавоб қилишарди. Шунда мужик Татьяна Борисовнанинг номини тилга олганида бошини ғалати қилиб бир силкиб қўяди. Татьяна Борисовна, баҳоли қудрат, хизматкорни кам тутати. Уйини, кирхонасини, омборхонасини ва ошхонасини унинг собиқ энагаси, ғоят оқ кўнгил, сал нарсга йиғлаб юборадиган, оғзида тиши қолмаган кампир Агафья бошқаради; юзлари қип-қизил олмадай тирсиллаган иккита семиз чўри қиз ана шу Агафьянинг измига топшириб қўйилган. Камердинерлик, дворецкийлик ва буфетчилик лавозимларини етмиш яшар хизматкор Поликарп бажаради; Поликарп истеъфодаги скрипкачи ва Виоттининг мухлиси, Наполеоннинг, яъни унинг ўз таъбири билан айтганда, Бонапартишканинг шахсан душмани ва булбулларнинг ўтакетган ишқибози, мутолааси зўр фавқулудда ажойиб бир киши эди. Унинг ётоқхонасида қафасда ҳамиша беш-олтита булбул турарди; эрта баҳор пайтида у кун бўйи қафас олдида ўтириб, булбулнинг биринчи навосини кутар, булбул сайраб юбориши билан юзини қўли билан бекитиб: «Оҳ эсиз, эсиз!»— деб ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Поликарпга ўз невараси Вася ёрдамчи қилиб қўйилган. Вася— жингалак соч, кўзи жовдираб турувчи ўн икки ёшлар чамасидаги бола; Поликарп неварасини жуда ҳам яхши кўради-ю, лекин унга эртадан-кечгача жаврагани-жавраган. Неварасига тарбия берадиган ҳам Поликарпнинг ўзи. «Бонапартишка — босқинчи деб айтгин, Вася»,— дейди у.— «Айтсам нима берасиз, ота?»— «Нима дейсанми?... Ҳеч нарсга бермайман... Сен ўзинг кимсан? Сен русмисан?» «Мен анченликман, ота Анченскда¹ туғилганман». «Вой хомкалла-е! Анченскнинг ўзи қаерда ахир?»

¹ Оддий халқ тилида Мценск шаҳри Анченск деб ва унинг аҳолиси эса анченликлар деб аталади. Анченликлар урушқоқ ва жасур кишилар: шунинг учун бизда душманга «анченликка йўлиққур» дейишлари бежиз эмас. (Автор изоҳи.)

«Мен қаёқдан билай?» «Анченск Россияда, тентак». «Россияда бўлса нима қилибди?» «Ие! Нималар деяпсан? Ахир, ул зоти бобаракот жаноби шавкатли марҳум князь Михайло Илларионович Голенищев — Кутузов Смоленский тангрининг инояти билан Бонапартишкани Россия тупроғидан ҳайдаб чиқардилар. Бу борада: «Бонапартга ўйин тушиш чикора, иштонбоғини йўқотиб қўйди бечора...» — деган қўшиқ ҳам тўқилган... Билдингми: ул зоти бобаракот сеннинг ватанингни озод қилганлар». «Озод қилган бўлса менга нима?» «Оббо тентак бола-эй, оббо тентак-эй. Агар ул жаноби бобаракот шавкатли князь Михайло Илларионович Бонапартишкани ҳайдаб юбормасалар эди, ҳозир бирор фаранги бошингда ёнғоқ чақиб юрган бўлур эди. Чунончи у олдинга келарди-да, сенга: «коман ву, порте ву¹», деб туриб, сени дўппосларди». «Унинг қорнига боплаб мушт туширардим». «У эса сенга: «Бонжур, вене иси»² деб, сочингни биталаб юларди». «Мен бўлсам унинг чиллак оёқларига тепавурардим, тепавурардим...». «Рост айтасан, уларнинг оёғи чиллакдай ингичка, узун бўлади... Хўп, борди-ю, қўлингни боғламоқчи бўлса-чи, унда нима қилардинг?», «Бўш келмасдим: кучер Михейни ёрдамга чақирардим», «Нима, фарангининг Михейга кучи етмайди деб ўйлай санми?». «Қаёқда кучи етсин? Михей полвон-ку!» «Хўш икковлашиб уни нима қилган бўлардиларинг?» «Уни боплаб дўппослаган бўлардик-да. У эса кечирим сўраб: Пардон, пардон, севуплей!» — деб бақирган бўларди...». Биз бўлсак: сенга севуплей йўқ, сен ёмон французсан... — деб айтардик». «Балли, Вася... Қани: босқинчи Бонапартишка! — деб қичқир энди». «Сиз аввал қанд беринг». «Оббо сен-э...»

Татьяна Борисовна помещик хотинлар билан кам борди-келди қилади; улар буникига истар-истамас келишади, шунда ҳам Татьяна Борисовна улар билан вақтчоғлик қилиб ўтиришни билмайди, хотинларнинг чувиллашиб гапиришидан уни мудроқ босади, кейин у чўчиб кетиб кўзини очишга уриниб кўрарди-ю, яна ухлаб кетади. Хотин-халажни Татьяна Борисовнанинг азалдан жини суймайди. Унинг ўз таниш дўстларидан бўлмиш оғир табиатли, одобли бир ёш йигитнинг ўттиз саккиз

¹ Хўш, аҳволингиз қалай? (Франц.)

² Ҳали шунақами, ҳали-я, ҳа-ҳа, бу ёққа юринг. (Франц.)

ярим ёшларга борган, эрга чиқмаган опаси бор эди, бу қари қиз жуда юмшоқ кўнгил, лекин енгилтак, зўрма-зўраки қилиқлар қилувчи, хушчақчақ аёл эди. Укаси ўз қўшниси Татьяна Борисовна тўғрисида унга кўп гапирарди. Бир кунни эрталаб бу қари қиз, ҳеч кимга ҳеч нарсаси демай, бир отни эгарлатиб, Татьяна Борисовнаникига жўнади. У эгнига узун кўйлак, бошига шляпа кийиб, юзига яшил тўр тутиб, жингалак сочларини ёзиб юборгани ҳолда йўлакка кирди ва сув париси келиб қолди шекилли, деб саросимага тушган Васянинг ёнидан меҳмонхонага ўтиб кетди. Татьяна Борисовна қўрқиб кетди, ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, оёқлари қалтираб, туролмади. «Татьяна Борисовна,— деди меҳмон ёлворувчи овоз билан,— беҳосдан кириб келганим учун кечиринг; мен дўстингиз Алексей Николаевич К. нинг опаси бўламан, у сизнинг тўғрингизда жуда кўп гапирган эди, шунинг учун сиз билан танишиб олишга аҳд қилдим». «Кўп раҳмат»,— деб ғўлдираб қўйди таажжубланган Татьяна Борисовна. Меҳмон шляпасини олиб ташлади, жингалак сочларини силкиди-да, Татьяна Борисовнанинг ёнига ўтириб, унинг қўлини ушлади... «Меҳрибон, юрагида кири йўқ, асил, азиз одамни кўрадиган кун бор экан-а!— деб гап бошлади у ўйчан ва таъсирчан овоз билан.— Мана, ҳам хушфёъл, ҳам ғоят жиддий аёл! Сизни кўрганим учун жуда мамнунман, шодликдан теримга сиғмаяпман! Иккаламиз қалин дўст бўламиз! Ниҳоят, мен юрагимни ёра оладиган кишимни топдим... Худди ўйлаганимдай экансиз,— деб пичирлаб қўшиб қўйди у, кўзларини Татьяна Борисовнанинг кўзларига тикиб.— Сиз мендан хафа бўлаётганингиз йўқми, меҳрибоним, азизим?» «Ҳеч-да, қайтага жуда хурсандман... Чойга тобингиз қалай, чой қўйдирайми?» Меҳмон такаллуф билан кулимсиради: «Wie wahr, Wie unreflectirt!»¹— деб пичирлади секин — «Рухсат этинг, сизни бир қучоқлайин, азизим!».

Қари қиз ҳеч оғзи тинмай Татьяна Борисовнанинг олдида уч соатгача бидирлаб ўтирди. Меҳмон бу янги танишига ўз фазилатларини бирма-бир айтиб беришга ҳаракат қилди. Чақирилмаган меҳмон кетиши билан шўрлик помешчик хотин Татьяна Борисовна ҳаммомга тушди, кейин липа чойи дамлатиб ичиб, кўрпага ўраниб ётди. Аммо қари қиз эртаси кунни яна келиб, тўрт соат гап со-

¹ Нақадар ҳаққоний, нақадар самимий. (Немисча).

тиб ўтирди ва кетаётиб Татьяна Борисовна ҳузурига ҳар кун келиб туражagini айтди. Қаранг-а, у ўз тили билан айтганда, шундай бой фазилат эгасини камолга етказиш, уни охиригача қайта тарбиялаш кўйига тушиб қолган эмиш, лекин агар, биринчидан, икки ҳафталардан сўнг, инисининг бу дўстидан «тамомила» ихлоси қайтмаганида ва иккинчидан эса, агар ўткинчи бир студентни севиб қолиб дарҳол у билан тез-тез оташин хатлар ёзишига киришиб кетмаганида, балки, Татьяна Борисовнани жонидан тўйдирган ҳам бўлур эди; бу қари қиз студентга ёзган хатларида, унга эзгу ва бахт тилади, унга «бутун борлиғи»ни қурбон қилишга тайёрлигини изҳор қилди, мени опам деб йўқлаб юрсанг, менга бўлгани шу, деди, табиат манзараларини тасвирлаб кетди, Гётени, Шиллени, Беттини ва немис фалсафасини эсга олди ва ниҳоят, бечора ёш студентнинг кўнглини ғаш, ҳафсаласини пир қилди. Лекин ёшлик устун келди: бир кун эрталаб, ўрнидан турганида унинг кўнглида «опаси ва энг яхши дўсти»га шу қадар кучли нафрат уйғондики, жаҳл устида ўз камердинерини уриб юборишга сал қолди. Узоқ вақтгача кимда ким юксак ва беғараз муҳаббат тўғрисида салгина оғиз очса, уни емоқ-да-нимоқда бўлиб юрди. Аммо ўша вақтдан бери Татьяна Борисовна қўшни хотинлардан яна кўпроқ ўзини четга оладиган бўлиб қолди.

Эй воҳ! Жаҳонда бир қиёмда турадиган нарса йўқ экан. Меҳрибон помещик хотин Татьяна Борисовна ҳақидаги ҳикояларимнинг ҳаммаси, унинг бундан илгариги ҳаётига оид гаплар, унинг уйдаги осойишталик энди абадий йўқолган. Ҳозир бир йилдан бери унинг уйда Петербургдан келган рассом жияни туради. Бу иш мана бундай бўлди.

Бундан саккиз йилча муқаддам Татьяна Борисовна-никида ўн икки ёшлардаги Андрюша исмли, ҳеч кимни йўқ етим бола яшар эди. Андрюша Татьяна Борисовнанинг марҳум инисининг ўғли эди. Андрюша шахло кўз, кичкина оғизли, қирра бурун, кенг пешонали, чиройли бола эди. Овози мулойим, ёқимли эди, ўзини озода ва боадаб тутарди, меҳмонларга тавозе билан хизмат қиларди, аммасининг қўлини етимона ҳис билан ўпарди. Сиз уйга кириб улгурмасингизданоқ, дарров сизга кресло келтириб қўярди. У ҳеч шўхлик қилмас: ўтирган жойидан тик этган товуш эшитилмас эди; бир бурчакка

кириб олиб, жимгина китоб ўқиб ўтирарди, стулнинг суянчигига ҳатто суянмасди ҳам. Меҳмон кирса, Андрюша ўрнидан туриб, одоб билан табассум қилар ва қизариб кетарди; меҳмон чиқиб кетса — у яна жойига ўтирар, чўнтакчасидан ойна билан чўтка олиб, сочларини силлиқ қилиб тарай бошларди. У болалик чоғидан бошлаб расм солишга ҳавас қўйди. Агар қўлига бир парча қоғоз тушиб қолса бўлгани, дарров омборчи хотин Агафьядан қайчи олиб, қоғозни тўрт бурчак қилиб текислаб қийиб, теварагига ҳошия қилиб сурат чизишга киришарди. Қорачигини катта қилиб кўзнинг расмини солар ёки қирра буруннинг, ёки мўрисидан буралиб тугун чиқиб турган уйнинг, ёки итнинг ён томонидан «en face» расмини (бу расм скамейкага ўхшаб қоларди), ёки икки каптар қўниб ўтирган дарахтнинг расмини солар ва тагига: «Бу суратни Андрей Беловзоров, фалон йили, фалон числода чизган; Малие Брики қишлоғи», — деб ёзиб қўяр эди. Татьяна Борисовнанинг именинасига икки ҳафтача қолганда, Андрюша жуда берилиб ишга киришди: именина кунни эса уни табриклагани биринчи бўлиб келди ва унга пушти лента боғланган қоғоз тугунча тақдим қилди. Татьяна Борисовна жиянининг пешонасидан ўпиб, тугунчани седи, қизиксиниб тугунчани очган Татьяна Борисовнанинг қаршисида четлари туш билан яхши чизиб чиқилган, қоғоздан юмалоқ қилиб ясалган ибодатхона намоён бўлди, ибодатхонанинг колонналари ва ўртасида меҳроби бўлиб, меҳробга қип-қизил юрак ва гулчамбар қўйилган эди, буларнинг устида иланг-биланг бандероль қоғозга аниқ ва равшан қилиб: «Аммажоним, саховатпешам Татьяна Борисовна Богдановага чуқур садоқат билан ҳурмат қилувчи ва севувчи жиянидан», — деб ёзиб қўйилган эди. Татьяна Борисовна Андрюшани яна ўпди ва бир сўлкавой ҳадя қилди. Лекин Татьяна Борисовна уни унчалик яхши кўрмасди. Андрюшанинг хушомадгўйлигини у қадар ёқтирмасди. Аммо вақт ўтиши билан Андрюша улғая бошлади: Татьяна Борисовна унинг истиқболи ҳақида безовталанадиган бўлиб қолди. Кутилмаган бир тасодиф Татьяна Борисовнани бу қийин аҳволдан қутқазди...

Бу воқеа мана бундай бўлди: бундан саккиз йилча илгари кунларнинг бирида Татьяна Борисовнаникига колледж советниги ва кавалер Петр Михайлович Беневоленский деган одам келиб қолди. Жаноб Беневоленс-

кий бир вақтлар шу ерга яқин уезд шахрида хизматда бўлиб, Татьяна Борисовнани бот-бот келиб кўриб кетиб юарди; сўнгра Петербургга кетиб, министрликка хизматга кирди, хийлагина юқори мансабни эгаллади ва хизмат билан тез-тез сафарга чиқадиган бўлди, у ана шундай сафарларидан бирида ўзининг эски қадрон таниши Татьяна Борисовнани эсга олди ва хизмат вази-фаларига доир ташвишлари бир четга йиғиштириб қўйиб, бир-икки кун «осойишта қишлоқ оғушида» дам олиш учун йўл-йўлакай унинг уйига тушди. Татьяна Борисовна уни ўз одатича очиқ чеҳра билан кутиб олди, шунда жаноб Беневоленский... Ҳурматли китобхон, ҳикояни давом эттиришимдан олдин сизни бу янги шахс билан таништиришим учун ижозат беринг:

Жаноб Беневоленский йўғонроқ келган, ўрта бўй, чеҳраси мулойим, оёқлари калта, қўллари гўштдор киши эди; эғнига кенг ва ниҳоятда озода фрак, қордай оппоқ ички кийим, бошига оқ-сарик парик кийиб юар, энлик галстукни томоғининг остидан боғлар, шойи жилеткаси-га тилла занжир ва кўрсаткич бармоғига бриллиант узук тақиб юар эди; ишонарли ва юмшоқ гапирарди, гапирганида овози майин эшитиларди. Ёқимли табассум қиларди, кишига астагина мулойим боқар, няғини галстугига оҳистагина ботирар: хуллас, ёқимли одам эди. Унинг қалби ҳам жуда юмшоқ эди, сал нарсаса йиғлаб ҳам юбораверарди, хурсанд ҳам бўлиб кетаверарди: бундан ташқари, унинг санъатга беғараз оташин муҳаббати бор эди, ҳа, ҳақиқий беғараз муҳаббати бор эди, негаки, очигини айтсак, жаноби Беневоленский санъатни заррача ҳам тушунмасди. Ундаги бу муҳаббат қаердан, қандай сирли ва англашилмас қонунлар асосида пайдо бўлганлиги кишини ажаблантирарди. Афтидан, у дурустгина, ҳатто росмана одам эди... аммо бизнинг Русда бундай одамлар хийлагина кўп.

Санъатга ва санъаткорларга муҳаббат бундай одамларни ниҳоятда чучмал, бадҳазм қилади: улар билан ошначилик қилиш, улар билан суҳбатда бўлиш — жоннинг азоби: уларнинг қуруқ савлатларидан бўлак ҳеч нималари йўқ. Улар, масалан, ҳеч қачон Рафаэлни — Рафаэль деб, Корреджиони — Корреджио деб атамайдилар. «Илоҳий Санцио, беназир де Аллегрис», — дейишади улар ва «о» товушини албатта чўзиброқ талаффуз қилишади. Улар ҳар қандай ношуд, ўзига бино қўйган, қалбаки

ва макташга арзитайдиган кишини моҳир санъаткор, даҳо (генний ёки, тўғрироқ айтганда, «ҳэний».) деб кўкларга кўтардилар; Италиянинг мовий осмони, жанубнинг лимони, Брента соҳилларининг хушбўй нафаси уларнинг оғзидан тушмайди. «Эҳ, Ваня, Ваня» ёки «Эҳ, Саша, Саша,— дейишади улар чуқур ҳис билан бир-бирларига,— биз жанубга кетсак бўларди, жанубга... Сен билан мен табиятан грекмиз, қадимги греклармиз!» Бу одамларни виставкаларда, баъзи бир рус рассомлари чизган айрим суратлар олдида учратиш мумкин. (Шу нарсани эслатиб ўтишим лозимки, бу жанобларнинг кўпчилиги ўлгиндек ваганпарвар бўлади.) Улар суратни кўриш учун гоҳ икки қадамча тисарилиб, бошларини юқори кўтардилар, гоҳ яна сурат олдига яқинроқ бориб тикиладилар; кўзчаларини мой босади... «Оббо, сен-эй, боплабсан,— дейишади улар, ниҳоят ҳаяжонли титроқ овоз билан,— жон ҳам гапми! Бутун қалбинг билан ишлабсан! Жонинг билан ишлабсан! Роса ҳунарингни ишга солибсан... Жуда яхши ўйлаб топибсан-да, санъаткорона ўйлаб топибсан!» Уларнинг ўз меҳмонхоналаридаги суратлар қанақа денг-а! Бай-бай-бай! Кечқурунлари келиб, уларнинг чойини ичиб, улар билан суҳбатлашиб ўтирадиган рассомларни айтмайсизми! Бу рассомлар шу жанобларга уларнинг уйлари расмини ўнг томонда чўтка, яп-янги полда супуринди ахлат, дераза олдидаги столда сариқ самовар турган ҳолда ва эгнига халат, бошига таёя кийиб ўтирган уй эгасининг юзига шуъла тушиб турган ҳолда тасвирлаб, ҳадя қиладилар, албатта! Сохта табассум билан уларникига келиб-кешиб турадиган узун сочли қаландарона кишилар санъатнинг қанақа намояндалари ўзи! Уларникида фортепьяно олдида туриб чийиллайдиган, рангида қони йўқ бойвучча қизлар кимлар ўзи! Чунки, бизнинг Русда шундай бир нарсa расм бўлиб қолган: модомики киши санъатнинг бир соҳасини эплай олмас экан, бас, у ўзини санъатнинг ҳар соҳасига уриб кўриши керак. Бинобарин, бу ишқибоз жанобларнинг рус адабиётига, хусусан драматик адабиётга зўр бериб ҳомийлик қилишлари ҳам сира ажабланарли ҳол эмас... «Жакоб Саназар»лар шулар учун ёзилган: тан олинмаган талантнинг одамларга қарши, бутун бир жаҳонга қарши олиб борган ва минг марталаб тасвирланган кураши уларнинг қалбини ларзага келтиradi...

Жаноб Беневоленский келган куннинг эртасигаёқ Татьяна Борисовна жиянига, чизган расмларини меҳмонга кўрсатишни буюрди. «Жиянингиз расм соладими?»— ажабланиб сўради жаноб Беневоленский ва хайрихоҳлик билан Андрюшага ўгирилди. «Ҳа, расм солади,— деди Татьяна Борисовна.— Жуда ишқибоз. Устоз кўрмай ўзи ўрганган». «Ўҳ-ҳў, қани, кўрсатинг-чи, кўрсатинг-чи»,— деди жаноб Беневоленский. Андрюша қизариб ва кулимсираб туриб дафтарини меҳмонга келтириб берди. Жаноб Беневоленский ўзини билимдон кишидай кўрсатиб, дафтарни варақлай бошлади. «Яхши, йигитча, жуда яхши»,— деди у ниҳоят ва Андрюшанинг бошини силади. Андрюша шу оннинг ўзида уни қўлидан ўпиб олди. «Ғоят истеъдодли бола... Татьяна Борисовна, табриклайман, табриклайман».— «Биласизми, Петр Михайлич, бу ерда унга ўқитувчи тополмаяпман. Шаҳардан чақиртирай десам — қимматга тушади: қўшимиз Артамоновларникида бир рассом бор, жуда яхши рассом эмиш, аммо унинг бошқа одамларникига бориб дарс беришига бекаси унамайди. Қўнгли бўлинади, дейди».— «Ҳмм,— деди Беневоленский ва ўйланиб туриб, Андрюшага кўз қири билан қаради.— Хўп, биз бу тўғрида маслаҳатлашиб кўрамиз»,— деб илова қилди-да, қўлларини ишқалаб қўйди. Шу куниеқ у Татьяна Борисовна билан ёлғиз ўтириб гаплашиш ижозатини олди. Иккалалари уйга кириб, эшикни ичидан бекитиб олишди. Ярим соатдан сўнг Андрюшани чақиришди. Андрюша уйга кирди. Жаноб Беневоленский дераза олдида турарди, юзи сал қизарган ва кўзлари чақнар эди. Татьяна Борисовна бурчакда кўз ёшларини артиб ўтирарди. «Қани, Андрюша,— деди у ниҳоят,— Петр Михайличга қуллуқ қил: бу киши сенга василик қилиб, сени Петербургга олиб кетмоқчи бўлди». Андрюша турган жойида қотиб қолди. «Йигитча, сиз менга ростини айтинг,— деб гап бошлади жаноб Беневоленский улуғвор ва такаллуфона овоз билан,— рассом бўлишни хоҳлайсизми, санъатга ўзингизда майл ва қобилият ҳис қиласизми?»— «Петр Михайлич, мен рассом бўлишни хоҳлайман»,— деди титроқ овоз билан Андрюша. «Ундай бўлса, ғоят хурсандман. Албатта,— деб давом этди жаноб Беневоленский,— ҳурматли аммангиздан айрилиб узоққа кетиш сиз учун огир бўлади; сиз ҳамма вақт аммангизга чуқур миннатдорлик ҳисси билан тўлган бўлишингиз лозим».— «Мен аммамни жуда

яхши кўраман»,— деб унинг сўзини бўлди Андрюша ва кўзларини пирпиратди. «Ҳа, албатта, албатта, тушунарли, бу сизга шуҳрат бағишлайди: лекин шундай бўлса ҳам ўзингиз ўйлаб кўринг, бир вақт келиб... сизнинг муваффақиятларингиз ғоят кўп шодлик келтиради...»— «Андрюша, кел, аммангиз кучоқла»,— деб ғўлдиради меҳрибон помешчик хотин. Андрюша уни бўйнидан қучоқлаб ўпди. «Хўп, энди саховатпешанга қуллуқ қил...» Андрюша жаноб Беневоленскийнинг қорнини қучоқлади, оёқ учида туриб, бир амаллаб унинг қўлини ўпди, саховатпеша ийманган бўлиб, ўптирмаслик учун қўлини тортиб олишга олди-ю, лекин унчалик шошилмади... Еш болани суюнтириш, мамнун қилиш билан бирга, киши ўз кўнглини ҳам бир оз хуш қилиб олиши мумкин-да, ахир. Икки кунлардан кейин жаноб Беневоленский ўзининг янги тарбияланувчисини бирга олиб жўнаб кетди.

Жудоликнинг аввалги уч йили мобайнида Андрюша тез-тез хат ёзиб турди, баъзан хатларига расмларини қўшиб юборарди. Жаноб Беневоленский ҳам аҳён-аҳён Андрюшанинг хатларига ўз томонидан бир-икки оғиз гап илова қилиб, кўпинча уни мақтаб қўярди; кейин хат жуда-жуда кам келадиган бўлиб, охири бутунлай келмай қолди. Андрюша бир йил дом-дараксиз бўлиб кетди; Татьяна Борисовна хавотирлана бошлади, бироқ тўсатдан ушбу мазмунда хат келиб қолди:

«Меҳрибон аммажон!

Бундан тўрт кун илгари ғамхўрим Петр Михайлович вафот қилдилар. Мудҳиш ўлим мени бу сўнгги таянчимдан айирди. Тўғри, мен энди йигирмага кириб қолдим: етти йил ичида анча муваффақиятларга эришдим; мен ўз қобилиятимга жуда ишонаман ва шу қобилиятим билан тирикчилигимни ўтказа оламан; умидсизланмайман, аммо, ҳар ҳолда, иложи бўлса, менга ҳозирча икки юз эллик сўм пул юборсангиз. Қўллариңгизни ўпиб қоламан»... ва ҳоказо.

Татьяна Борисовна жиянига икки юз эллик сўм юборди. Икки ойдан сўнг жияни яна пул сўради. Татьяна Борисовна қолган-қутган пулини йиғиб, яна юборди. Яна орадан олти ҳафта ўтар-ўтмас Андрюша, княгина Терещенева буюртирган портрет учун бўёқлар сотиб олишим керак, деган баҳона билан учинчи марта пул сўради. Татьяна Борисовна бу сафар унинг илтимосини рад қилди. «Ундай бўлса,— деб ёзди Андрюша аммасига,—

мен соғлиғимни яхшилаб олмоқ учун ҳузурингизга, қишлоққа бораман». Андрюша ўша йили май ойида чиндан ҳам Малие Брики қишлоғига қайтиб келди.

Татьяна Борисовна бошда уни танимади. Хатда ёзганига қараб у, Андрюшани касалманд ва ориқлаб кетган бўлса керак, деб ўйлаган эди, аммо Андрюша қипқизил кулча юзли, қалин жингалак сочли, кенг елкали, йўғон бир йигит бўлиб келди. Рангида қони йўқ, новдаккина Андрюша энди норғул, забардаст Андрей Иванович Беловзоровга айланган эди. У болалигида уятчан, эҳтиёткор ва озода бўлган бўлса, энди қўрс, бетакаллуф, ҳаддан ташқари палапартиш одам бўлган эди; у лапанглаб юрар, креслога ўзини ташлар, столга ёнбошлар, ялпайиб ётар, оғзини карракдек очиб эснар эди; аммасига, одамларга тўнглик қиларди. У бу қилиқлари билан гўё, мен рассомман, ўз ихтиёрим ўзимда, мен билан ҳазиллашиб бўлмайди!— демоқчига ўхшарди. Баъзан кун бўйи қўлига мўйқаламини олмасди, унга илҳом деган нарсаси келиб қолса, ароқ ичиб олган одамдай шовқин солиб, бетутуруқ гаплар билан мақтанарди; юзларига хунук бир қизиллик югурарди, кўзлари сузиларди; ўзининг таланти, муваффақиятлари ҳақида, қандай кәмолотонаётгани, олға босаётгани ҳақида гапга тушиб кетарди... Ҳақиқатда эса унинг киши портретини сал-пал ўхшатиб солишгагина уқуви зўрға етажаги маълум бўлиб қолди. У ўтакетган нодон эди, ҳеч нарсаси ўқимасди, рассом учун китоб ўқишдан не фойда?— деярди. Табиат, эрк, нафосат — унинг севган нарсаси шу эди. Ҳеч нарсасига қарамай, жингалак сочларини силкитиб, булбулдай сайраб, Жуков тамакисини сўргани-сўрган эди. Рус ботирлиги яхши фазилат, лекин бу фазилат ҳар кимга ҳам ярашавермайди; ҳашаки табиат ноқобил ва нофозил Полежаевлар эса ҳеч кимга ёқиши мумкин эмас. Бизнинг Андрей Иванович аммасиникида узоқ туриб қолди: афтидан, текин овқат унга жуда ёқиб қолганга ўхшарди. У меҳмонларни ўлгудай диққат қиларди. Баъзан фортепьяно олдига ўтириб олиб (Татьяна Борисовнаникида фортепьяно ҳам бор эди), битта бармоғи билан у ер-бу ерига уриб, «Тройка удалая»ни чалмоқчи бўларди: аккорд олишга уринар, клавишларни палапартиш тинғиллата бошлар эди, неча соатлаб тўхтамай Варламовнинг «Елғиз арча»сини ёки «Келма доктор, келма, келма» романсини чаларди, унинг кўзларини мой босиб, икки бети дўмбирадек

таранг тортиб ялт-ялт қиларди... Ёки бўлмаса бирдан: «Севги тўлқинлари, тинчланинг»ни бошлаб юборарди... Шунда Татьяна Борисовна бирдан титраб кетарди.

— Ғалати-я,— деди у бир куни менга,— ҳозирги ашулаларнинг ҳаммаси аллақанақа хазин ашулалар, бизнинг замонда ашулалар бошқача бўларди: ашулаларнинг мунглилари ҳам бор эди, аммо ўшалар ҳам кўнгилга ёқарди... Масалан мана:

Кел ёнимга, кел ўтлоққа,
Сени кутдим мен бекор;
Кел ёнимга, кел ўтлоққа,
Кўзда ёшим шаш қатор:
Оҳ, келсанг ҳам сен ўтлоққа,
Келолмасман мен кўрмоққа.

Татьяна Борисовна мугамбиропа илжайди.

Қўшни хонадан жиянининг: «Муҳаббат ўтида ёндим»,— деб чинқирган овози эшитилди.

— Бас энди, Андрюша.

— «Ҳажрингда адо бўлдим»,— деб давом этди тинчмас ашулачи.

Татьяна Борисовна бошини тебратди.

— Оҳ, бу рассомлардан жуда тўйдим-да!..

Ўша вақтдан буён бир йил ўтди. Беловзоров ҳалигача аммасиникида туради ва ҳамон Петербургга кетишга шайланиб юради. У қишлоқда қорин солиб жуда семириб кетди. Аммаси — бу нарсa кимнинг хаёлига ҳам кела оларди дейсиз — уни жонидан ортиқ севади, теварак-атрофдаги қизлар эса унга ошиқ бўлиб қолганлар...

Татьяна Борисовнаникига эски танишларидан кўпчилиги келмайдиган бўлиб қолган.

Менинг ёш хўжайини ва ёш овчи бир қўшним бор. Июль кунларидан бирида эрталаб ушқига отда бориб уни қур овига таклиф қилдим. У рози бўлди. «Лекин, деди у, менинг арзимас ер-мулкларим орқали Зушага ўтайлик: шу баҳона билан Чаплигинони ҳам кўраман; сиз эманзоримни кўрганмисиз? Ҳозир ундаги дарахтларни кесишяпти». — «Хўп, борайлик». У отини эгарлашни буюрди, тўнгиз калласининг расми солинган бронза тугмални яшил сюртукчасини кийди, жун кашта гулли ов халтасини, кумуш флягасини осиб олди, елкасига янгигина фаранги ов милтигини илди, дам у ёққа, дам бу ёққа айланиб завқ билан ўзини ойнага солди, кейин ити Эсперансни чақирди. Бу итни унга холасининг қизи меҳрибон, аммо сочи тўкилиб кетган қари қиз ҳадя қилган эди. Биз жўнаб кетдик. Қўшним қишлоқ миршаби, япалоқ юзли ва ёноқ суяклари ирғиб чиққан, йўғон гавдали пакана мужик Архипни ва асли зоти Болтиқ бўйи гуверналаридан бўлган, бу ерга яқинда ёлланган, ўн тўққиз ёшлар чамасидаги, қотмагина, елкалари паст, бўйни узун, шилпиқ кўз, малла приказчик йигит — жаноб Готлиб фон-дер Кокни ўзи билан бирга олиб кетди. Қўшним ўз ер-мулкини бошқаришга яқинда киришган. Бу мулк унга аммасидан — статский советник хотини Кардон-Катаевадан мерос қолган эди, бу ҳаддан ташқари йўғон ва семиз хотин ҳатто ётган жойида ҳам ҳадеб инқиллаб нола қилгани-қилган эди. Биз «арзимас» мулкка етиб бордик. «Сизлар мени шу ялангликда кутиб турунглар,— деди ҳамроҳларига Ардалион Михай-

лич (менинг қўшним). Немис таъзим қилди, отидан тушди, чўнтагидан бир китоб олиб, чамамда Иоганна Шопенгауернинг романи бўлса керак, бута тагига бориб ўтирди: Архип ўрнидан силжимай, бир соатгача офтобда қимир этмай турди. Биз буталар орасида айланиб юриб, парранда зотини учратмадик. Ардалион Михайлич ўрмонга бормоқчи эканлигини айтди. Ўша куни ов яхши бўлишига негадир кўзим етмаса-да, унга эргашдим. Биз ялангликка қайтдик. Немис ўқиб турган саҳифасини белгилаб китобни ёпди, уни чўнтагига соларкан, ўрнидан турди, хиёл тегиб кетилса пишқириб шатталовчи калта дум, ишга яроқсиз байтал отига ирғиб минди; Архип бир сесканиб тушди, тизгиннинг икки учини бараварига тортди, оёқларини от биқинига ниқтади-да, анқайган ва нимжон отчасини зўрға ўрнидан қўзғатди.

Биз жўнаб кетдик.

Ардалион Михайличнинг ўрмонини ёшлигимдан билар эдим. Мен француз гувернерим муҳтарам зот m-g Désiré Fleury билан бирга (бироқ у мени ҳар куни кечқурун Леруа дориси ичиравериб бир умрга дардчил қилиб қўяёзувди) тез-тез Чаплигинога бориб турардим. Бу ўрмон бори-йўғи икки юз-уч юзта катта эман ва шумтол дарахтларидан иборат эди. Уларнинг келишган забардаст қоматлари орешник ва рябина дарахтларининг олтиндек товланиб турган ям-яшил буталари орасидан зўр ҳашамат билан қад кўтариб турарди; уларнинг юқори қисми тиниқ, мовий осмонда чиройли кўринар ва кенг шоҳларини чодирдай ёйиб турар эди; қарчиғайлар, миққийлар ва қирғийлар қимир этмай турган дарахт учлари атрофида ўқдек ғизиллаб учиб юрарди; қизилиштонлар тумшуқларини қалин пўстлоқларга қаттиқ-қаттиқ тўқиллатиб урарди, зарғалдоқ янгроқ овоз билан сайраганидан кейин қалин барглар орасидан қорашақшақнинг ёқимли ўткир овози эшитилиб қоларди, пастда, буталар орасида тоғчумчуқлар, саъвалар ва сариқ чумчуқлар сайрашар эди; сўқмоқ йўлларда қизилтўшлар пилдираб юрарди; оқ қуён ўрмон четидан эҳтиёт билан «оқсаб-оқсаб», аста пусиб ўтарди; қизғиш рангли олмахон бир дарахтдан иккинчи дарахтга лип этиб сакрар, сўнг думини бошидан баландга кўтариб ўтириб оларди. Қўкатлар орасида, дўмбайган чумоли уялари ёнида, отқулоқнинг кунгирадор чиройли япроқларидан тушган юпқа соя остида бинафшалар ва мар-

варид гуллар очилиб турарди, ҳар хил қўзиқоринлар ўсиб ётар эди; кенг, катта буталар орасидаги чаманзорларда ўрмон қулупнайи қизариб кўринарди... ўрмондаги сояни айтмайсизми? Куннинг шундай иссиқ туш пайтида бу ерни бамисоли ярим кеча дейсиз; ҳамма ёқ сув қуйгандек жим-жит, атрофдан хушбўй ҳид келади, ҳаво салқин... Чаплигинода вақтимни хурсандлик билан ўтказардим, шунинг учун мен, ростини айтсам, ўзимга жуда ҳам яхши таниш бўлган ўрмонга энди хафалик билан кириб бораётган эдим. 40-йилнинг ҳалокатли, қорсиз қиши эски қадрдонларимни — эман ва шумтол дарахтларини қийратиб кетган эди; қуриб қовжираган, ялангочланиб, онда-сондагина сўлгин барглари қолган бу дарахтлар ёш ниҳоллар орасида маҳзунлик билан қўққайиб турарди; уларнинг «эвазига ёш дарахтлар ўсиб чиққан бўлса-да, лекин ўрнларини босмаган эди»...¹ Баъзи дарахтлар аллақачон қуриб, учлари чўлтоқ бўлиб, маъюс ва таънали қиёфада қаққайган эса-да, пастки қисмлари ҳамон барг чиқариб кўкариб турарди; бошқа бир хил дарахтларнинг япроқлари аввалгидек шигил бўлмаса-да, ҳар ҳолда, ҳали ҳам хийла кўп барглари орасидан қуриган йўғон бутоқлари, шоҳлари кўринарди; баъзи дарахтлар пўстлоғи шилиниб, ялангоч бўлиб қолган, ниҳоят баъзилари бутунлай ағдарилиб тушиб, мурдадек чўзилиб, чириб ётарди. Қаранг-а, бутун бир Чаплигино ўрмонида тангадек соя топилмаса-я! Ким шундай бўлади деб ўйлабди дейсиз! Мен қуриб нобуд бўлаётган дарахтларга қараб туриб, хўш, ўз аҳволингиздан уяляпсизми, изтироб чекяпсизми?..— дедим ўзимча. Шу пайт Кольцов эсимга тушиб кетди:

Қайдадир бу вақт
Баланд парвоз сўз.
Мағрур кўч-қудрат,

¹ 40-йилда жуда қаттиқ қаҳратон совуқлар бўлиб, декабрь охиригача қор ёғмади; жамики ёш ўсимликларни совуқ уриб кетди; бу шафқатсиз қиш ажойиб эманзорларни хароб қилди. Уларни ўрнига келтириш қийин эди: ернинг унумдорлиги камаётганга ўхшайди. «Заказ қилинган» (бутларни кўтариб айланиб чиқилган) харобазорларда илгариги ноёб дарахтлар ўрнига ўз-ўзидан қайин ва тоғ тераклари пайдо бўларди, холос; ўрмонлар қилиш ва уларни кўпайтиришнинг бундан бошқа усулини эса бизда билишмайди. (Автор изоҳи.)

Шоҳона шуҳрат?
Қайда ул селинг
Ешлик кучларинг?

— Ардалион Михайлич,— деб гап бошладим,— ҳай аттанг, нима учун бу дарахтларни ўша совуқ ургандан кейин дарров кестирмадингиз? Энди уларни аввалги баҳосининг ўндан бирига ҳам сота олмайсиз-ку.

У елкасини қисиб қўйди.

— Бу саволингизни холамга берсангиз бўларди; ўшанда савдогарлар келавериб безор қилган эди, нақд пулга сотинг деб хўп қисталанг қилишган эди.

— Mein Gott! Mein Gott!¹— деб хитоб қиларди ҳар қадамда фон-дер-Кок— Што са шалость. Што са шалость.

— Қандай шалость?— деди кулимсираб қўшним.

— То ист как шалко, я сказать хотелл²,— деди фон-дер-Кок. (Маълумки, бизнинг «л» товушимизни талаффуз қилишни зўр машаққат билан ўрганиб олган немисларнинг ҳаммаси, уни зўр бериб аниқ-равшан талаффуз қилишга ҳаракат қилишади.)

Фон-дер-Кокни айниқса ерда ётган эман дарахтларни кўп ачинтирди — ҳақиқатан ҳам, зарур бўлганда бирон-та тегирмончи уни яхши ҳақ тўплаб олиши турган гап эди. Аммо Архип миршаб пинагини бузмас, ҳеч қайғурмас эди; аксинча, у ерда ётган дарахтлар устидан ҳатто ҳузур қилиб ҳатлаб ўтар ва уларни қамчи билан уриб қўяр эди.

Биз дарахт кесилаётган жойга кетаётган эдик, шу пайт кесилган дарахтнинг гурсиллаб йиқилгани ва айни вақтда аллакимнинг чинқиргани, одамларнинг говур-гувури эшитилиб қолди, хийла вақтдан кейин ўрмон ичкарисидан биз томонга ранги ўчган, жулдур кийимли ёш бир мужик югуриб чиқди.

— Нима гап? Қаёққа чопиб кетяпсан?— сўради ундан Ардалион Михайлич.

Деҳқон дарҳол тўхтади.

— Оҳ, отахон Ардалион Михайлич, фалокат юз берди.

¹ Э худойим-эй! Э худойим-эй!

² Немис: «Қалдай ачинарли» демоқчи. У русча сўзларни бузиб талаффуз этипти, шу вайдан асли қолдирилди...

— Нима бўлди?

— Максимни дарахт босиб қолди, отахон.

— Қандай қилиб... Пудратчи Максимними?

— Пудратчини, отахон. Биз шумтол кесаётувдик, у бақрайиб қараб турувди... Турди, турди-да, кейин сув ичгани қудуқ олдига борди: чанқаган бўлса керак. Шу маҳал дарахт бирдан қирсиллаб тўппа-тўғри унинг тепасига ағанай бошлади. Биз унга: қоч, қоч, қоч...— деб бақирдик. У ўзини четга олиш ўрнига тўппа-тўғри бизга қараб чопса бўладими... қўрқиб кетди шекилли. У шумтолнинг тепа шохлари тагида қолди. Дарахтнинг нега бунчалик тез йиқилганини худонинг ўзи билади... Ўзаги чириб қолган бўлса керак.

— Максимнинг аҳволи қалай?

— Чатоқ, отахон.

— Ўлдимми?

— Йўқ, отахон, ҳали тирик, лекин энди тирик бўлиб қаёққа борди: оёқ-қўли синган. Мен дўхтур Селиверстични олиб келгани кетаётувдим.

Ардалион Михайлич миршабга қишлоқдан Селиверстични олтиқ бориб олиб келишни буюрди, ўзи дарахт кесилган жойга ҳаммамиздан олдин от чоптириб кетди... Мен унинг орқасидан жўнадим.

Бечора Максим ерда ётарди. Атрофида ўн чоғлик мужик турарди. Отдан тушдик. Максим деярли инграмай ётар, ҳар замонда кўзларини катта очиб, атрофга ажабсингандай қарар ва гезарган лабларини тишлар эди... Ияги қалтирар, сочлари пешонасига ёпишиб қолганди, ҳарсилларди: жон талвасасида эди. Ёш арғувон дарахтининг сийрак сояси унинг юзида астагина сирганмоқда эди.

Биз унга энгашдик. У Ардалион Михайлични таниди.

— Отахон,— деди у эшитилар-эшитилмас қилиб,— попга... одам... юбортиринг... Тангри... мени... қаҳрига олди... Қўл, оёқларим... ҳамма... жойим синган... бугун... якшанба... мен... мен бўлсам... бу йигитларга жавоб бермовдим.

У бир оз жим қолди. Нафаси қисилмоқда эди.

— Пулларимни... хотинимга... хотинимга беринг... қарзларимни ушлаб қолинг... Анави Онисим билади... кимдан... қанча қарзим борлигини...

— Врачга одам юбордик, Максим,— деди қўшним,— Балки ўлмай қоларсан.

У қош-қовоғини зўрға кўтариб, кўзларини очишга уринди.

— Йўқ, ўламан, Мана... мана ажал кўкрагимни сиқиб келяпти... ана, ана... Хафа қилган бўлсам, йигитлар, мени кечиринглар...

— Сени худо ўзи кечиради. Максим Андреич,— дейишди мужиклар бараварига гўлдирашиб ва бошларидан шапкаларини олишди,— сен кечир, биздан рози бўл.

У бошини бирдан талваса билан силкитди, кўкрагини қайғули ҳолда дўппайтирди ва шилқ этиб тушди.

— Унинг бу ерда ўлиб қолиши яхши эмас,— хитоб қилди Ардалион Михайлич,— йигитлар, анави аравадаги чиптани келтиринглар, уни касалхонага олиб борайлик.

Иккита одам арава олдига чошиб кетди.

— Мен кеча... сичовлик Ефимдан...— деб гўлдиради ўлаётган Максим,— от сотиб олган эдим... закатат берганман... от меники... отни ҳам... хотинимга...

Максимни чипта устига ётқиза бошладилар. У ўқеган қушдай бир типирчилади-да, кейин қотди қолди...

— Ўлди,— дейишди мужиклар гўлдираб.

Биз сукутга чўмган ҳолда отимизга миниб, жўнаб кетдик.

Бечора Максимнинг ўлими мени ўйлантириб қўйди. Рус мужиги ажойиб тарзда ўлади. Унинг ўлим олдидаги аҳволини на лоқайдлик деб бўлади, на заифлик деб, у бирон фарз ишни бажо келтираётгандай, совуққонлик билан жўнгина ўлади.

Бундан бир неча йил илгари қишлоқдаги бошқа бир қўшнимнинг мужиги овинда¹ ёнғинда куйиб қолган эди. (Агар ўткинчи бир мешчанин сув тўла бўчкага шўнғиб олиб, аланга ичидаги бостирманинг эшигини зарб билан бузиб, уни чала ўлик ҳолда олиб чиқмаганида, у ўт ичида қолиб кетган бўлур эди.) Мен унинг кулбасига кирдим. Кулба ичи қоронғи, дим, тутун эди. Бемор қани?— деб сўрадим. «Ана отахон, супачада ётибди»— деб зўрға жавоб қилди менга бағри бирён хотини. Мен мужикка яқин бордим — у пўстинга бурканиб, оғир нафас олиб ётарди. «Хўш, аҳволнинг қалай?» Ҳамма ери илвил-

¹ Овин — янчиладиган ғалла боғламлари қуритилидиган олди ёпиқ айвон, бостирма.

лаб ўлим тўшагида ётган бемор ғивирлаб, ўрнидан турмоқчи бўлди. «Қўзғалмай ёт, ётавер... Хўш аҳволинг қалай тузукми?»— «Ёмонга ўхшайди»,— деди. «Қаттиқ оғриятими?» Бемор индамади. «Қўнглинг нима истайди?» Жавоб қайтармади. «Сенга чой-пой юборайми?»— «Керак эмас». Мен ундан узоқлашиб, скамейкага бориб ўтирдим. Шу ҳолда чорак соат, ярим соат ўтирдим — уй ичи ғўристондай жим-жит эди. Бурчакда, иконалар турган стол орқасида беш ёшлардаги қизча биқиниб нон емоқда. Онаси баъзан унга пўписа қилиб қўяди. Даҳлиздан одамларнинг дук-дук юргани, ғўнғир-ғўнғир гаплари, тақир-туқир товушлар эшитилади; беморнинг янгаси карам тўғрамоқда. «Аксинья!»— деб чақирди нихоят бемор. «Нима дейсан?»— «Квас бер». Аксинья унга квас келтириб берди. Яна жимлик чўкди. Секин пичирлаб сўрадим: «Унга причащение¹ қилинганми?»— «Ҳа, қилинган». Демак, жамики расм-русумлар адо этилибди: бемор фақат ўлимни кутиб ётган экан. Мен тоқат қилолмай, уйдан чиқдим.

Яна бир воқеа эсимда, бир кунни Красногорье қишлоғидаги касалхонага, овга ишқибоз танишим фельдшер Капитоннинг ёнига тушиб ўтган эдим.

Бу касалхона илгари бир помешчик хотиннинг флигели эди; касалхонани шу помешчик хотиннинг ўзи очган, яъни флигелнинг эшиги тепасига оқ ҳарфлар билан «Красногорье касалхонаси», деб ёзиғлиқ ҳаво ранг тахта қоқиб қўйишни буюрган ва касаллар номини ёзиб юриш учун Капитонга чиройли альбом ҳадя қилган. Альбомнинг биринчи саҳифасига бу саховатли помешчик аёлнинг ювнидихўр лаганбардорларидан бири қуйидаги байтни ёзиб қўйган:

Dans ces beaux lieux, où régne l'allegresse,
Ce temple fut ouvert par la Beauté;
De vos seigneurs admirez la tendresse,
Bons habitants de Krasnogorié!²

Причащение — христиан черковида ўтказиладиган расм-таомиллардан бири.

² Шодлик ҳукм сурган ажиб жойларда ушбу шифохонани гўзалликнинг ўзи барпо қилди: эй красногорьелик яхши кишилар, бекангизнинг сахийлигига қойил қолинглар. (Франц.)

Бу байт тагига бошқа бир жаноб бундай деб ёзиб қўйган:

Et moi aussi j'aime la nature!
Jean Kodylatnikolf¹.

Фельдшер ўз пулига олтига каравот сотиб олиб, худонинг бандаларини даволашга киришди. Қасалхонада ундан ташқари яна икки киши: тез-тез жиннилиги қўзиб турадиган наққош Павел билан Меликитриса номли қўли шол ошназ хотин хизмат қиларди. Павел билан Меликитриса дори-дармон тайёрлашар, доривор гиёҳларни қуритишар, бир дорини иккинчисига аралаштириб янги дори ясашарди; ақлдан озган наққош кўринишидан бадқовоқ ва камсухан одам эди; у кечалари «Гўзал Венера» ашуласини айтарди. Ўтган-кетган ҳар бир кишининг олдига бориб, аллақачон ўлиб кетган Малаяя номли қандайдир бир қизга уйланишига рухсат сўрарди. Қўли шол хотин эса уни калтаклар ва куркаларни қўриқлашга мажбур этарди. Бир кун мен фельдшер Капитон олдига бордим. Сўнгги овимиз тўғрисида эндигина ган бошлаган ҳам эдикки, бирдан ҳовлига баҳайбат бўз от қўшиғлик арава кириб келди; бунақа от фақат тегирмончиларда бўлиши мумкин. Аравада янги чакмон кийган, мош-гуруч соқолли бир деҳқон ўтирарди. «Э, ҳа. Василий Дмитричмисиз,— деб қичқирди деразадан Капитон,— марҳамат қилсинлар... Либовшинолик тегирмончи»,— деб шивирлади у менга. Мужик ихраб-сиҳраб аравадан тушди, фельдшернинг бўлмасига кирди, кўзлари билан иконани ахтариб топиб, чўқиниб олди. «Хўш, Василий Дмитрич, нима янгиликлар бор?.. Ийи, бетоб кўринасиз-ку: ранг-рўйингиз ўчган».—«Рост, Капитон Тимофеич, мазам йўққа ўхшайди».—«Нима бўлди сизга».—«Гап бундай, Капитон Тимофеич. Яқинда шаҳардан тегирмон тоши сотиб олган эдим; уйимга келтириб, аравадан тушираётганимда ортиқча чираниб юбордим шекилли, ичимда бир нарсa қирс этиб узилгандай бўлди... ана шундан бери мазам йўқ. Бугун жуда ҳам ёмон оғрияпти». «Ҳм,— деди Капитон ва бурнакисини ҳидлади,— демак, чуррагингиз тушибди. Бунга қанча вақт бўлди?»— «Бугун ўн кун бўлади».— «Ўн кун?

¹ Мен ҳам табиатни яхши кўраман. Иван Кобылятников (Франц.)

(Фельдшер хўрсиниб олди-да, бошини тебратиб қўйди) Ижозат этинг, сизни бир кўрай». «Василий Дмитрич,— деди у ниҳоят,— сиз бечорага раҳмим келяпти, ишингиз чатоқ-ку, биродар; дардингиз оғир, сиз яхшиси шу ерда қолинг, касалингизни тузатиш учун қўлимдан келган ҳаракатни қиламан, аммо соғайиб кетасиз, деб ҳам сўз бера олмайман».—«Ростдан ҳам дардим шунақа оғирми?»—деб ғўлдиради ҳанг-манг бўлиб қолган тегирмончи. «Рост, Василий Дмитрич, дардингиз оғир, атиги икки кунгина илгари келганингизда эди, худди ҳеч дард кўрмагандай тузалиб кетардингиз; ҳозир ичингизда яллиғланиш бошланган, билдингизми, ҳаш-паш дегунча гангренага айланиб кетади».—«Йўғ-эй, ундай эмасдир дейман, Капитон Тимофеич».—«Мен билмасдан гапирмайман».—«Бу қандай бўлди-а! (Фельдшер елкасини қисди.) Шу хумпар касал билан ўлиб кетавераманми?»—«Мен сизни ўлиб кетасиз, деяётганим йўқ... аммо сиз бу ерда қолинг». Мужик ўйланиб анча туриб қолди, оёғи остига қаради, кейин бизга бир назар ташлади-да, бўйинини қашиб, шапкасини қўлга олди. «Василий Дмитрич, қаёққа кетяпсиз?»—«Қаёққа дейсизми? Қаёққа бўларди—уйга-да, дардим оғир бўлгандан кейин уйга бораман-да. Модомики шундай экан, ишларимни саранжомлаб, васиятимни қилиб олишим керак».—«Бунақада касалингизни зўриқтириб, ўзингизни қийин аҳволга солиб қўясиз, Василий Дмитрич; ҳозир бу ерга қандай етиб келганингизга ҳам ҳайрон бўлиб турибман. Қетманг, қолинг».—«Йўқ, биродар Капитон Тимофеич, ўладиган бўлсам, уйимда ўлганим дуруст; борди-ю, ажалим етиб, бу ерда қазо қилсам—уйимда нималар бўлишини ким билади дейсиз».—«Ахир, ҳали касалингиз нима бўлиши номаълум, Василий Дмитрич... Тўғри, дардингиз оғир, жуда оғир, бу шубҳасиз... Худди ана шу сабабдан ҳам шу ерда қолиб шифоланишингиз лозим». (Мужик бошини чайқади.) «Йўқ, Капитон Тимофеич, қолмайман... лекин бирон дори-пори ёзиб берсангиз дуруст бўлармиди».—«Дорининг ўзи билан тузалиш қийин». «Қолмайман дедим-ку, ахир».—«Хайр, ихтиёрингиз... аммо кейин мендан ўпкалаб юрманг».

Фельдшер альбомининг бир варағини йиртиб, унга дори ёзиб берди ва дори ичишдан бошқа яна нималар қилиш кераклигини айтди. Мужик рецептни олиб, Капитонга ярим сўм пул берди-да, чиқиб, аравасига ўтирди.

«Хайр эди, Капитон Тимофенч, орамизда яхши-ёмон гап ўтган бўлса кечиринг, иннайкин бирои кор-ҳол бўлиб қолса, етимларимдан хабар олиб туринг...»— «Қолсанг бўларди-да, Василий!» Мужик бош чайқаб, отларни тизгин билан урди-да, ҳовлидан чиқиб кетди. Мен кўчага чиқиб, орқасидан қараб қолдим. Йўл ўйдим-чуқур, лой эди; тегирмончи аравани шошмай эҳтиёт билан юргизиб борар, отни эпчиллик билан бошқарар ва ўтган-кетганлар билан бош иргаб саломлашар эди... Уч кундан кейин у қазо қилди.

Рус кишилари умуман ғоят ажойиб тарзда ўладилар. Ҳозир кўпгина марҳум кишилар эсимга келяпти. О, менинг эски қадрдоним, энг олижаноб чин дўстим, ўқинини битира олмаган студент Авенир Сорокоумов, ҳозир сени хотирлаяпман! Мен сенинг бўзарган, заъфарон юзларингни, сийрак малла сочларингни, майин табасумингни, қувноқ боқинингни, узун қўл-оёқларингни яна тасаввур қилиб турибман; заиф, ёқимли овозинг қулоғимга эшитилмоқда. Сен великоросс помешчиги Гур Крупняниковникида яшар эдинг, унинг Фофа ва Зёзя деган болаларига рус тили грамматикаси, география ва тарихдан дарс берар эдинг. Гурнинг маза-бемаза ҳазилларига, эшик оғанинг кўпол қочириқларига, шум болаларнинг ярамас шўхликларига бардош берар эдинг, зеркиб ўтирувчи бойвуччанинг мушкул талабларини аламли табассум билан, лекни дадил ижро қилардинг; шундай бўлса-да, баъзан ҳамма юмуш ва машғулотларингдан бўшаб кечқурун, кечки овқатдан кейин ҳузур қилиб дам олардинг, дераза олдида ўтириб хаёл ичида трубка чекардинг, ёки худди ўзинг сингари бошпанасиз бахти қора танобчи бир вақтлар шаҳардан олиб келган хил-виллаб кетган, ёғ босган қалин журнални зўр қизиқиш билан варақлар эдинг. Ўша кезларда ҳар қандай шеърлар ва ҳар қандай повестларни нақадар завқ билан ўқирдинг, кўзларингга нақадар тез ёш олардинг, нақадар маза қилиб кулардинг, маъсум ёш қалбингда одамларга қанчалик самимий муҳаббат, жамики олижаноб ва гўзал нарсаларга нақадар фидокорона хайрихоҳлик мавж уриб ётарди! Тўғриси айтишим керакки, сен унчалик идрокли эмас эдинг; табиат сенга ҳофиза ҳам, тиришқоқлик ҳам ато қилмаганди; университетда энг ёмон ўқувчи студентлардан ҳисобланар эдинг; лекция пайтларида ухлаб ўтирардинг, имтиҳонларда намоёншкоро-

на сукутга чўмардинг: лекин ўз ўртоғининг муваффақиятларидан кимнинг кўзи шодлик билан порларди, кимнинг юраги шавқ-завқ билан ҳаяжонга келар эди? Авенирнинг кўзи шодликдан порларди, Авенирнинг юраги шавқ-завқ билан ҳаяжонга келарди... Дўстларининг юксак истеъдодига сўзсиз ишонган киши ким эди, уларни фахр билан кўкларга кўтариб мақтаган, қаттиқ ҳимоя қилган киши ким эди? Бахиллик ва худбинлик нима-лигини билмаган, ўзини бировлар учун беғараз қурбон қилган киши ким эди, ўз тирноғига арзимаган одамларга сўз қайтармай итоат этган киши ким эди?... — Фақат сен, фақат сен эдинг, азизим Авенир! Ёдимда, сен «кондиция»¹га кетаётиб ўртоқларингдан айрилгинг келмай, дилафгорлик билан хайрлашар эдинг; ёмон ўйлар юрагингни гаш қилиб турарди... Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди: қишлоқда аҳволнинг ёмонлашди; у ерда сенинг гапларингни ихлос билан тинглайдиган, эътибор ва муҳаббатингга арзидиган ҳеч ким йўқ эди... Саҳроий одамлар ҳам, ўқимшшли помешчиклар ҳам сени оддий бир муаллим деб билардилар, баъзилари қўпол, баъзилари менсимай муомала қиларди. Бунинг устига сен ўз қадди қоматинг билан ҳам ҳеч кимни маҳлиё қилолмасдинг; одамлар билан учрашганингда қўрқар, қизарар, терлаб кетар эдинг, тилинг тутилиб қоларди... Қишлоқ ҳавоси соғлигингни ҳам яхшилаёт олмади: сен бояқиш, шамдай сўниб борардинг. Рост, каталагинг боғ тарафда эди; шумурт, олма, липа дарахтлари столинг, сиёҳдонинг, китобларинг устига майин гулларини тўкарди; оқ-сариқ сочли ва фируза кўзли, жонкуяр немис қизи, гувернантка томонидан сенга хайрлашиш пайтида ҳадя қилинган кўк шоҳи соат халта деворда осилиб турарди; гоҳ олдингга Москвадан эски қадрдонинг келар ва бошқаларнинг ёки ҳатто ўзининг шеърларини ўқиб бериб, сени ҳайратга соларди; лекин ёлғизлик, беҳад машаққатли ўқитувчилик касби, эрк йўлининг сен учун мутлақо берклиги, куз ва қиш фаслларининг бениҳоя узунлиги, канадек ёпишиб олган касаллик сени мутасил қийноққа солар эди... Бахти қаро, бечора Авенир! Сорокоумовни вафотидан сал илгари бориб кўрган эдим. Бу вақтда деярли унинг юришга мадори қолмаган

¹ «Кондиция» — бирор жойга бориб хусусий равишда дарс бериш.

эди. Помешчик Гур Круляников уни уйидан чиқариб юбормаган бўлса ҳам унга маош бермай қўйган ва Зёзя учун бошқа ўқитувчини ёллаган эди... Фофани эса кадет корпусига беришган эди. Авенир дераза ёнида эски вольтер креслосида¹ ўтирган эди. Ҳаво жуда ёқимли эди. Кузги осмон қатор-қатор тизилишиб турган ялангач арғувон дарахтлари тепасида кўм-кўк бўлиб турарди; арғувонларнинг учларида энг сўнгги, якка-дука барглари олтиндай товланиб шитирларди; совуқда тўнгиб қолган ер қуёш иссиғида терлаб, эриб ётарди; қуёшнинг қия тушган қизғиш шуъласи сарғайган ғиёҳларга аста тушиб турарди; ҳавода алланарса оҳиста қирсиллагандай бўларди; боғдан хизматкорларнинг овози баралла эшитилиб турарди. Авенирнинг эғнида бухороча эски тўн бор эди; бўйнига боғланган кўк рўмоли ниҳоятда озиб кетган юзига ўлик туси берарди. У мени кўриб жуда севиниб кетди, қўлини чўзиб, сўзлай бошлаган эди, йўтали тутди. Йўталдан тўхташини кутиб ёнига ўтирдим... Авенирнинг тиззасида Кольцовнинг шеърлари хушхат қилиб кўчириб олинган дафтарча бор эди; у кулимсираб туриб, дафтарчани қўли билан уриб-уриб қўйди. «Мана бу шоирмисан шоир!»— деди у, йўталини зўрга босиб ва паст овоз билан таъсирли қилиб ўқий бошлади:

Ё бўлмаса лочиннинг
Қаноти боғлиқмикан?
Ёки унинг қисмати
Маълум, ясоғлиқмикан?

Мен уни тўхтатдим, чунки врач гапирлини унга ман қилган эди. Мен унинг кўнглини нима билан хурсанд қилишни билардим. Сорокоумов илм-фаннинг тараққиётини ҳеч вақт кузатиб бормаса-да, улуғ олимларнинг айни замонда қандай ютуқларга эришганини билишга қизиқарди. Баъзан у таниш ўртоғини бирон хилватроқ жойда ушлаб олиб, шу соҳада устма-уст савол бера бошларди: ўртоғининг жавобларини тинглар, ҳайратда қолар, унинг сўзларига мутлақо ишонар, кейин ўзи шу эшитганларини айтиб юрар эди. У айниқса немис фалсафасига кўп қизиқарди. Мен унга Гегель тўғрисида гапира бошладим. (Кўриб турибсизки, бу воқеага кўп

¹ Суянчиги баланд юмшоқ кресло.

вақт бўлган.) Авенир сўзларимни маъқуллаб бош қи-мирлатар, қошларини чимираб, табассум қилар, «Тушундим, тушундим! Соз, жуда соз!..» деб пичирлар эди. Улимига оз қолган бошпанасиз ва кимсасиз бу бечора йигитнинг ҳар нарсани билишга болаларча қизиқишини кўриб, юрагим эзилиб кетди, унга раҳмим келганидан кўзим жиққа ёшга тўлди. Шуни ҳам айтиш керакки, Авенир сил касали билан оғриган ҳар қандай беморга ўхшаб ўзининг оғир хасталигини инқор қилмас, ўзини ўзи алдаб заррача ҳам умидвор қилмасди... У оҳ-воҳ қилмас, қайғурмас эди, ҳатто ўз аҳволи тўғрисида бирон кишига шама ҳам қилмади... У кучи борича Москва ҳақида, ёру дўстлари ҳақида, Пушкин ҳақида, театр ҳақида, рус адабиёти ҳақида гапирди, зиёфат мажлисларимизни, тўғарагимизда бўлган қизгин мунозараларни эслади, вафот этиб кетган дўстларидан бир-иккитасининг номини ачиниб тилга олди.

— Даша эсингдами?— деди у ниҳоят,— топилмайди-ган қиз эди-да! Қалби нақадар тоза эди-я! У мени жуда севарди. Ҳозир у не ҳолга тушди экан? Эҳтимол, озиб-тўзиб кетгандир, бечора қиз?

Мен касалнинг кўнглини ранжитгим келмади ҳақиқатан ҳам унга Дашанинг ҳозирги аҳволини билишнинг кераги йўқ эди, чунки унинг Дашаси ҳозир жуда семириб кетган, савдогар ака-ука Кондачковлар билан борди-келди қилиб, юзига упа-элик суриб юрар, бақириб-чақириб, сўкиниб гапирар эди.

Бироқ мен Авенирнинг заҳил юзига қараб туриб, уни бу ердан бошқа жойга олиб кетиб бўлмасмикин? Эҳтимол, уни соғайтириб юбориш фурсати ҳали ўтмагандир, деб ўйладим... Лекин Авенир таклифимни охирига етказишимга имкон бермади.

— Йўқ, биродар, раҳмат,— деди у,— бу ерда ўлдим нима-ю, бошқа жойда ўлдим нима. Умрим оз қолган, қишгача етмайман... Шундай бўлганидан кейин одамларни бекорга овора қилишдан на фойда? Мен бу уйга ўрганиб қолганман. Рост, уй эгалари...

— Ёмон одамларми?— деб сўзини бўлдим.

— Йўқ, ёмон одамлар эмас! Аммо қуриган ёғочга ўхшашади. Шундай бўлса ҳам, улардан хафа эмасман. Яхши қўшни бор: қўшни помещик Қасаткиннинг билимли, хушфеъл, жуда яхши қизи бор... кеккайишни билмайди...

Сорокоумов яна йўтала бошлади.

— Буларнинг ҳаммаси-ку, майли-я,—деб давом этди у дамини олиб,—аммо трубка чекишга рухсат беришса бўлар эди... Мен шундай ўлиб кетавермайман, трубка чекиб ўламан,—қўшиб қўйди у, кўзларини муғамбирона қисиб.—Худога шукур, хийла умр кўрдим, яхши одамлар билан танишдим...

— Сен лоақал қариндош-уруғларингга хат ёзсанг бўлар эди,—деб сўзини бўлдим.

— Уларга хат ёзиб нима ҳам қилдим? Ердам сўраганим билан ёрдам бериш қўлларидан келмайди; ўлсам — эшитпшар. Бу гапдан нима фойда... Ундан кўра, кел, чет элларда кўрганларингни сўзлаб бер.

Мен ҳикоя қила бошладим. У сўзларимни бутун вужуди билан берилиб тинглади. Кечга томон жўнаб кетдим, ўн кунлардан кейин жаноб Крупяниковдан қуйидаги мактубни олдим:

«Азиз ва муҳтарам афандим, ушбунинг билан сизга маълум бўлғайки, сизнинг дўстингиз, яъни менинг уйимда истиқомат қилиб турғувчи студент жаноб Авенир Сорокоумов мазкур ойнинг тўртинчи куни соат иккида оламдан ўтди ва мен уни бугун ўз ҳисобимдан маҳалла черковимга дафн эттирдим. У ўлиши олдидан китоб ва дафтарларини сизга юборишимни илтимос қилган эди. Унинг ёнида 22 ярим сўм пул бор экан, мазкур пул унинг бошқа ашёлари билан бирга тегишли қариндошларига юборилғусидир. Дўстингиз ўлаётганида сира эсини йўқотмади, оиламдагилар ҳаммамиз у билан видалашганимизда ҳам асло пинагини бузмади, афсусланмади. Рафиқам Клеопатра Александровна сизга салом йўллайди. Дўстингизнинг ўлими унинг асабларига таъсир этмай қолмади: мен эса, худога шукур, соғ-саломат юрибман.

Камоли эҳтиром билан қулингиз: *Г Крупяников*».

Бошқа яна кўп мисоллар эсга келяпти, лекин уларни айтиб адо қилиб бўлмайди. Яна биттасини айтиш билан кифояланаман.

Бир кекса помещик хотин менинг кўз олдимда ўлган эди. Поп унинг ёнида туриб дуо ўқийётган эди, бир вақт қарасам, бемор чиндан ҳам жон бераётган экан,

поп дарров қўлига бут тутқизди. Помешчик хотин бундан норози бўлиб, ўзини четга сурди. «Мунча шошиласан, отахон, улгурасан хали...»— деди у карахтланаётган тили билан ғулдираб. У бутни ўпди, ёстиқ тагига қўл узатаётганда, жони узилди. Ёстиқ тагида бир сўмлик сўлкавойни бермоқчи бўлган эди.

Шундай, рус кишилари ғоят ажойиб тарзда ўладилар!

Қолотовка қишлоқчаси тақир телаликниг ён бағрига жойлашган бўлиб, тепаликни юқорисидан пастига ваҳимали жар кесиб тушган. Қирғоқлари ювилиб, нураб кетган бу тагсиз жар илондек буралиб кўчанинг қоқ ўртасидан ўтар ва шўрлик қишлоқчани иккига ажратиб турар эди — у дарё бўлса ҳам бир баҳарнави эди — устига кўприк солиш мумкин бўларди. Бир вақтлар бу қишлоқча шаддодлиги ва ўткирлиги билан теварак-атрофда Стриганиха деб ном чиқарган помещчик хотинга (унинг ҳақиқий исми номаълум) қарашли эди, ҳозир у петербурглик қандайдир бир немисники ҳисобланади. Жарнинг қумлоқ ён бағирларида бир неча туп нимжон тол қилтиллаб ўсиб туради; жарнинг қуруқ ва мисдай сап-сариқ тагида гил тупроқли катта харсанг тошлар ётади. Бу ер бефайз, хунук бўлса ҳам, теварак атрофда яшовчилар қишлоқнинг йўлини яхши билишади: улар Қолотовкага жон-жон деб тез-тез бориб туришади.

Жарнинг бошида, унинг торгина ёриқ шаклида бошланган жойидан бир неча қадам нарида бошқа уйлардан алоҳида ёғоч уйча бор, унинг томи похол билан ёпилган, томидан қаққайиб мўри чиқиб туради; биттагина деразаси мижжа қоқмайдиган кўз сингари жар томонга қараган, қиш кечалари шу деразадан тушган чироқ шуъласи ғира-шира совуқ туман орасидан узоқ-узоқларгача кўринади, юлдуздай милтиллаб, жуда кўп ўткинчи мужикларга йўл кўрсатади. Уйча эшиги тепасига ҳаво ранг тахтача қоқиб қўйилган; бу уйча «Хил-

ватхона»¹ деб аталган қовоқхона. Бу қовоқхонада ичимлик одатдаги нарх-наводан арзон сотилмаса ҳам, тева-рак-атрофдаги одамлар унга бошқа қовоқхоналарга қараганда кўпроқ кириб туришади. Бунга қовоқхона эгаси Николай Иванович сабабчи.

Бир вақтлар хушқомат, жингалак соч ва икки юзи қип-қизил йигит бўлган, ҳозир эса ҳаддан ташқари семириб кетган, соч-соқоли оқарган, юзлари солқиган, бит кўзлари содда муғамбирлик билан қараб турадиган, се-ражин ва ялтироқ пешонали Николай Ивановичнинг Колотовкага келиб истиқомат қила бошлаганига йигирма йилдан ошди. Николай Иванович кўпчилик қовоқхоначи-лар сингари чаққон ва зийрак одам. У бошқалардан кўра сертакаллуфроқ ва гапга чечанроқ бўлмаса ҳам, меҳмонларни қовоқхонага жалб қилишга ва қизиқтириб олиб ўтиришга қобилиятли киши; хотиржам кўринса-да, ҳаммани сарасоп солиб кузатиб турувчи хушмуома-ла Николай Ивановичнинг прилавкаси олдида ўтириш меҳмонларни негадир хурсанд қиларди. Ундан анчагина бамаъни фикрлар чиқади; у помешчиклар ҳаётини ҳам, деҳқонлар ва мешчанлар ҳаётини ҳам яхши билади; бошига мушкул иш тушганларга тузуккина маслаҳат ҳам бера олади, текни эҳтиёткор ва худбин одам бўл-ганидан уларнинг гап-сўзларига аралашмаслики аф-зал кўради, аммо беғараз айтган кишидай жуда узоқ-дан шама қилиб туриб мижозларига — шунда ҳам ўзининг яхши кўрган мижозларига тўғри йўл кўрсатиб беради. У рус кишиси учун муҳим ёки қизиқарли бўлган ҳамма нарсаларни: от ва молларни ҳам, ўрмонни, гишт-ни, идиш-товоқни, газмолни ва кўнчиликни ҳам, ашула ва рақсни ҳам қадрлай оларди. Қовоқхонада хўранда-лар йўқлигида, у, одатда, уйчаси эшиги олдида ингичка оёқларини йиғади-да, чордана қуриб, ерда тўнгакдай ўтиради, ўтган-кетганларга мулойимлик билан гап отиб қўяди. У жуда кўпни кўрган одам, қовоқхонасига «тоза ароқ» ичгани кириб юрган дворянлардан бир қанчаси ўлиб кетди, у юз чақирим нарида теварак-атрофда бў-лаётган ҳамма воқеаларни билади, аммо бировга ҳеч қачон бемулоҳаза гап айтмайди, башарти у ўзини бирон воқеадан беҳабар қилиб кўрсатишга уринса, ҳатто энг

¹ Одамлар ўз истаклари билан йнгилишадиган ҳар қандай жой, ҳар қандай манзилгоҳ хилватхона дейилади. (Автор изоҳи).

сезгир становой ҳам ундан шубҳаланмайди. Николай Иванич ҳеч пинагини бузмай, чурқ этмай юраверади, мийиғида кулиб, стаканларини саранжомлаш билан овора бўлади. Қўшнилари уни иззат қилишади; мансаби жиҳатидан уезднинг энг биринчи мулкдор кишиси, граждан хизмати генерали Шчерепетенко қовоқхона олдидан ўтганида ҳар сафар унга ҳурмат билан таъзим қилади. Николай Иванич эътиборли одам, у ошналаридан бирининг отини ҳовлисидан ўғирлаб кетган машҳур бир ўғрини отни эгасига қайтиб беришга мажбур қилган, янги бошқарувчини қабул қилишни хоҳламаган мужикларни ақлга киритган ва ҳоказо. Лекин бу ишларни адолатпарварлиги, яқин кишиларига жонкуярлиги учун қилди, деб ўйлаш керак эмас — йўқ! У ўз тинчини кўзлайдиган одам, осойишта турмушига нимаки нарса халал беришини пайқаб қолгудек бўлса, шунинг олдини олишга уринади, холос. Николай Иванич уйланган, болалари ҳам бор. Унинг қирра бурун ва кўзлари ўйнаб турувчи, қўллик-оёқликкина мешчанка хотини ҳам кейинги вақтда эрига ўхшаб бир мунча тўлишиб қолган. Николай Иванич ҳамма нарсани хотинига ишониб топшириб қўйган, пул солинган ғаладоннинг калити ҳам хотинида туради. Майхонани бошига кўтариб шовқин соладиган мастлар бу хотиндан қўрқишади; хотин уларни ёмон кўради: чунки шовқинлари оламни тутгани билан улардан сариқ чақалик наф чиқмайди; бу хотин кўпроқ камгап, бадқовоқ кишиларни ёқтиради. Николай Иваничнинг болалари ҳали ёш, тўнғич болалари ўлиб кетган, тирик қолган болалари ота-оналарига тортди: бу қувноқ, соғлом болаларнинг ақлли чехрасига қараган кишининг баҳри очилади.

Июлнинг жазирама иссиқ кунларидан бири эди, оёғимни зўрға судраб, Колотовка жари ёқалаб итим билан бирга секин «Хилватхона» қовоқхонасига чиқиб бормоқда эдим. Қуёш тобора кучлироқ ловилламоқда, ҳамма ёқни қиздириб, куйдириб юбормоқда, ҳаво нафасни бўғувчи чанг-тўзон билан қопланган. Усти ялтироқ қарға ва зағчалар тумшуқларини очиб, марҳамат кутгандай, ўтган-кетганга маъюс боқади; чумчуқларгина бепарво эди, улар патларини ҳурпайтириб, тобора қаттиқроқ чирқиллар, деворлар устида уришар, чанг кўчадан дув этиб кўтарилиб, яшил зиғирпоялар тепасидан кул ранг бўлут сингари ғув этиб учиб ўтар эди. Мен жуда чанқа-

дим. Яқин атрофда сув йўқ эди: Колотовкада ҳам, чўл жойлардаги бошқа кўп қишлоқлардаги сингари, мужиклар, булоқ ва қудуқ йўқлигидан, ҳовузларда туриб қолган суюқ балчиққа ўхшаш аллақандай ифлос сувни ичишади... Лекин бу ифлос, сассиқ суюқликни сув деб ким айтади ўзи? Мен Николай Иваничдан бир стакан пиво ёки квас олиб ичмоқчи бўлдим.

Иқрор бўлиш керакки, Колотовка йилнинг тўрт фаслида ҳам бефайз; аммо уйларнинг шамол учириб кетган ярим-ёрти томларига, манави чуқур жарга, озғин, оёқлари узун товуклар хомуш ивирсиб юрган, кўкатлари қовжираб, чанги чиқиб ётган яйловга, деразалар ўрнида туйнук очиб қўйилган кўримсиз ёғоч уйга, атрофини қичитқи, супурги ўт ва эрман қоплаган собиқ помешчик уйининг қолдиғига, четларидаги лойи чала қуриган ва тўғони бир ёнга қийшайган, ичи ғоз патлари билан тўлган, кўмирдай қоп-қора ҳовузга июль кۈеши аёвсиз ўт сочганда Колотовка айниқса нашъасиз, ёқимсиз бўлади, бундай пайтларда тўғон ёнидаги пайҳон қилинган кул ранг ўтлоқда қўйлар иссиқдан ҳансираб зўрға нафас олиб аксиради, хазин қиёфада бир-бирларига сиқилишади, чидаб бўлмас иссиқ қачон пасаяр экан, дегандек, бошларини маъюс, пастга эгади. Ниҳоят, мен оёғимни судраб босиб Николай Иваничнинг уйига яқинлашдим, одатдагича, болалар мени кўрибоқ ҳайратдан анқайиб қолишди, итлар газабланиб, хириллоқ овоз билан жуда қаттиқ вовиллашди, ичаклари узилгандай бўлди, шундан кейин уларни йўтал тутиб, ҳансираб қолишди — ана шундай манзара устига бирдан қовоқхона остонасида, бош яланг, тивитли мата шинель кийган, паст қилиб кўк белбоғ бойлаб олган новча бир эркак киши кўринди. Афт-башарасидан ҳовли хизматкорига ўхшарди; унинг қалин оқ сочлари хурпайган, ориқ юзини ажин босган эди. У иккала қўли билан тез-тез имлаб аллакимни чақирарди, қўллари унинг ихтиёридан чиқиб, кўпроқ, нари бориб бери келарди. Унинг ичиб олгани сезилиб турарди.

— Бу ёққа кел, келсанг-чи! — деб ғўлдиради у, қалин қошларини зўрға кўтариб: — кела қол, Моргач, кела қол! Эй оғайни-эй, ростини айтсам, жудаям имилаб юрасан-да. Бу ишинг яхши эмас, ошна! Сени бу ерда кутиб ўтиришибди-ю, имиллаб юришингни қара-я... Кела қол!

— Ҳозир, ҳозир, боряпман,— деган титроқ овоз эшитилди ва ўнг томондаги уй орқасидан паканагина, йўғон, чўлоқ бир киши чиқди. У эгнига хийла озода, узун мовут чакмонни якка кифт қилиб кийиб олганди; қоши устига бостириб кийган баланд қалпоғи юмалоқ пўрдоқ юзини муғамбирона ва кулгили қилиб кўрсатарди. Кичкина сариқ кўзлари тинмай ўйнарди, юпқа лабларида зўрма-зўраки табассум бор эди, узун ва ўткир учли буриги эса, кема тумшуги сингари диккайиб турарди.— Боряпман, огайини,— деб сўзини давом эттирди у, қовоқхона томон судралаиб келаркан:— нимага мени чақиряпсан? Қимга керак эканман?

— Нимага чақирардим?— деди мовут чакмонли киши ўпкалангандай бўлиб.— Оббо, Моргач-эй, қизиқ одамсан-да: сени қовоқхонага чақиряпти-ю, сен бўлсанг яна нимага деб сўрайсан-а. Ҳамма саховатли кишилар: Турк-Яшка, иннайкин Дикий-Барин, тагин жиздралики пудратчи сени кутиб ўтиришибди. Яшка билан пудратчи ашулани яхши айтишга гаров бойлашди, бир осьмуха пиво тикишди... тушуняпсанми?

— Яшка ашула айтар эканми?— тез қизиқсиниб сўради Моргач деб аталган бояги одам.— Рост билан айтяпсанми, Обалдуй?

— Менда ёлгон бўлмайди,— деб жавоб берди ғурур билан Обалдуй.— Ёлгонни сен гапирасан. Қўйдай ювош кўринсанг ҳам, ўлгудай айёрсан, Моргач, гаров ўйнаганидан кейин, айтади-да.

— Юр, бўлмаса, пандавоқи,— деди Моргач.

— Ҳеч бўлмаса, бир ўпиб қўйсанг-чи, мени, тасаддуфинг бўлай,— деб чулдурди кайф билан Обалдуй, қучоғини катта очиб.

— Толган гапингни қара-ю, вой ойим тилло-е,— деди ғижиниб Моргач, тирсаги билан уни нари итариб, кейин икковлари энгашиб паст эшикдан ичкари киришди.

Бу гаплардан сўнг менда катта қизиқиш пайдо бўлди. Турк-Яшканинг теварак-атрофда энг яхши ашулачилардан эканини кўп эшитган эдим, энди эса ўзим унинг бошқа ашулачи билан басма-бас ашула айтадиган пайтига тўғри келиб қолган эдим. Шунинг учун тезроқ юриб қовоқхонага кирдим.

Менинг китобхоналарим орасида қишлоқ қовоқхоналарида бўлганлар камдан-кам учраса керак; лекин биз овчиларнинг кирмаган тешигимиз йўқ. Бу қовоқхоналар

ниҳоятда содда қурилган бўлади. Улар, одатда, қоронғи даҳлиздан ҳамда тўсиқ билан иккига бўлинган, оқланган уйдан иборат, лекин мижозлардан ҳеч қайсиси тўсиқ орқасига ўтиши мумкин эмас. Бу тўсиқ ўртасидан каттагина узунчоқ тешик очилиб, тешик оғзидан пастга эман ёғочидан ясалган сербар, вазмин стол қўйилган бўлади. Вино ана шу столда, яъни пештахтада сотилади. Оғзи сўрғичланган ҳар хил катталикдаги шишалар тешик рўпарасида, тоқчаларда тизилиб туради. Қовоқхонанинг мижозлар учун ажратилган олд қисмида скамейкалар, икки-учта бўш бочка, чорси стол туради. Қишлоқ қовоқхоналарининг кўпчилиги қоронғи бўлади, сиз деярли жамики хонадонларда учрайдиган дағал ва хунук суратларни бу қовоқхоналарнинг ёғоч деворларида ҳеч қачон кўрмайсиз.

Хилватхонага кирганимда, у ер хийлагина гавжум эди.

Пештахта орқасида гавдаси билан деярли бутун тешикни қоплаб, одатдагича ола-була чит кўйлак кийган Николай Иванович турар ва қовоқхонага келган икки ошнага — Моргач билан Обалдуйга нўрдоқ юзларида сунъий табассум зоҳир қилиб, семиз ва оппоқ қўли билан иккита стаканга вино қуймоқда эди: унинг орқасида, бурчакда, дераза ёнида кўзи чақчайган хотини кўринарди. Уй ўртасида эса, йиғирма уч ёшларга борган, узун ҳаво ранг бўз кафтан кийган, өзгин ва тик қомат киши Турк-Яшка турарди. У абжир фабрика ишчисига ўхшаса-да, афтидан саломатлигининг мазаси йўқлиги кўринарди. Ичига ботиб кетган чаккалари, ташвишли боқиб турган катта қўй кўзлари, чиройли қирра бурни ва пирпираган юпқа бурун катаклари, оппоқ тор пешонаси ва орқага ётқизилган оқиш малла, жингалак сочлари, қалин ва лекин чиройли, келишган лаблари — бутун юз ифодаси унинг ҳар нарсадан тез таъсирландиган эҳтиросли киши эканини кўрсатарди. У жуда ҳаяжонланиб турарди: кўзларини пирпиратар, ҳансираб нафас олар, қўллари безгак тутган одамникидек қалтирар эди — у ҳақиқатан ҳам зўр ҳаяжон ичида эди, тўсатдан пайдо бўладиган бу кучли ҳаяжонни жамоат олдида нутқ сўзловчи ёки ашула айтувчи ҳамма одам жуда яхши билади. Унинг олдида қирқларга борган, елкадор, кенг ёноқли, тор пешонали, қийиқ кўз, чорқирра иякли ва тикандай қаттиқ, қоп-қора, ялтироқ сочли,

пучуқ киши турарди. Бу кишининг қорамағиз, ҳаракатсиз юзида, айниқса гезарган лабларида осойишта бир ўйчанлик кўринмаса эди, уни баджаҳл одам деб айтишга тўғри келарди. У деярли қимир этмай турар, бўйнига бўйинтуруқ осилган ҳўкизга ўхшаб аҳён-аҳёнда секин атрофга қараб қўяр эди. У силлиқ мис тугмалли аллақандай эски, узун камзул кийиб, йўгон бўйинли эски қора ипак рўмол билан ўраб олган эди. Уни Дикий-Барин деб аташарди. Рўпарасида, иконалар остидаги скамейкада Яшканинг рақиб жишдралик пудратчи ўтирган эди, пудратчи ўттиз ёшларга кирган, танқа бурун, қора ўйноқи кўз ва сийрак соқол, чўтир, сочи жингалак, паст бўйли, миқти киши эди. У қўлини тагига қўйиб атрофга тез-тез кўз ташлар, жиякдор олифта этикли оёғини ўйнатиб бир-бирига тўқиллатиб уриб, бепарво ўтирар эди. Унинг эғнида бахмал ёқали янги, майин кул ранг чакмон бор эди, тугмалари яхшилаб солинган қизил кўйлагининг чети чакмонининг бахмал ёқасидан яққол ажралиб турарди. Унинг рўпарасида бурчакда, эшикнинг ўнг томонида эғнига титиғи чиққан, елкасида каттакон йиртиғи бор тор чакмон кийган бир мужик ўтирар эди. Қуёш нури икки кичкина деразанинг чанг ойнасида ичкарига сарғиш рангда зўрға тушиб турар ва қовоқхонадаги доимий қоронғиликни йўқотишга ожиздай эди: бу ерда ҳамма нарса хира кўринарди. Шунга қарамай, қовоқхонани салқин деса бўларди, қовоқхонага киришим биланоқ, жазирама иссиқдан ва диққинафасликдан қутулиб, руҳим анча енгиллашди.

Николай Иваничнинг меҳмонлари мени кўриб, бошда бирмунча ийманиб туришди — мен буни дарров пайқадим; аммо унинг мен билан таниш одамдай саломлашганини кўриб, хотиржам бўлишди ва мендан тортинмай қўйишди. Мен пиво чақириб, бурчакка, йиртиқ кийимли мужик ёнига бориб ўтирдим.

— Қани, бўлмайсизларми? — деб бақирди тўсатдан Обалдуй, бир стакан винони бир кўтаришда ичиб, сўнг қўлларини ғалати қилиб силкита бошлади (афтидан, у қўлини шундай силкитмаса, бир оғиз ҳам сўз айта олмаса керак). — Тағин нимага қараб турибсизлар? Бошлайдиган бўлсангиз, бошланг-да. А? Яша, нима дейсан?..

— Бошланглар, бошланглар, — деб унинг сўзини маъқуллади Николай Иванич.

— Бошласак бўлади,— деди пудратчи совуққонлик билан мағрурона илжайиб. — Мен тайёрман.

— Мен ҳам тайёрман — деди ҳаяжонланиб Яков.

— Қани бўлмаса, бошланглар, йигитлар, бошланглар,— деб чийиллади Моргач.

Аммо, ашула бошланишини ҳамма бир оғиздан хоҳлаган бўлишига қарамай, ашулани биттаси ҳам бошламади; пудратчи ҳатто ўтирган ўрнидан турмади ҳам — гўё ҳамма бир нарсани кутиб тургандай эди.

— Бошла!— деди қовоғини солиб, кескин овоз билан Дикий-Барин.

Яков чўчиб кетди. Пудратчи ўрнидан туриб, белбоғини пастга туширди ва йўталиб олди.

— Қайсимиз бошлайлик?— деб бир оз ўзгарган товуш билан сўради у, йўгон оёқларини кериб, бақувват қўлларини қарийб тирсагига довуз чолвори чўнтагига тиқиб, уй ўртасида қаққайиб турган Дикий-Баринга юзланиб.

— Сен бошла, пудратчи, сен,— деди Обалдуй чулдураб,— сен бошлашинг керак, оғайни.

Дикий-Барин унга хўмрайиб қараб қўйди. Обалдуй эшитилар-эшитилмас минғирлади, ўсал бўлгандек шифтнинг аллақаерига тикилди, елкасини ўйнатиб жим қолди.

Чек ташлансин, деди дона дона қилиб Дикий-Барин,— столга бир осьмуха пиво ҳам қўйилсин.

Николай Иванович энгашиб, бир осьмуха пивони илқиллаб олди-да, столга қўйди.

Дикий-Барин Яковга қараб: «Ҳа, бўл!»— деди.

Яков чўнтагини қовлади, бир пуллик чақа чиқариб, уни тиши билан эзиб белгилаб қўйди. Пудратчи чакмонни этаги остида янги чарм ҳамёнини олиб, шошмасдан боғичини ечди, кафтига ҳамёндан анчагина майда чақа ва тангаларни тўкиб, яп-янги бир пуллик чақани танлади. Обалдуй козирёги синиб илиниб турган, титиғи чиққан шапкасини тутиб турди; Яков чақасини шапкага ташлади, пудратчи ҳам ташлади.

— Сен ол,— деди Моргачга қараб Дикий-Барин.

Моргач ўзидан мамнун ҳолда илжайди, шапкани икки қўллаб ушлаб туриб, силкита бошлади.

Бир зумда ҳамма одамлар чуқур сукутга чўмди: чақалар бир-бирига урилиб жирингларди. Мен атрофимдаги кишиларга диққат билан назар солдим: ҳамма зориқиб кутмоқда; Дикий-Бариннинг ўзи кўзини қисиб турди, ҳаттоки ёнимда ўтирган йиртиқ кийимли мужик

ҳам завқланиб кетиб, бўйинини чўзди. Морғач шапкага қўлини тикиб, пудратчининг чақасини чиқарди: ҳамма енгил нафас олди. Яков қизариб кетди, пудратчи эса сочларини силаб қўйди.

— Сен бошлайсан демадимми? Айтганим келдику,— деди Обалдуй.

— Бўлди, бўлди, «чигиллайверма!»¹— деди ғижиниб Дикий-Барин. — Бошла,— деб давом этди у, пудратчига боши билан имлаб.

— Қайси ашулани айтайин?— сўради пудратчи безовталаниб.

— Хоҳлаганингни,— деб жавоб берди Морғач.— Қўнглингга ёққанини айтавер.

— Албатта, нимани хоҳласанг ўшани-да,— деб қўшиб қўйди Николай Иванович, қўлини секин қовуштириб.— Бу тўғрида сенга ҳеч ким бир нарсa демайди. Хоҳлаганингни айтавер; лекин яхши айт; кейин биз инсоф билан баҳо берамиз.

— Албатта, инсоф билан,— деб унинг сўзини қувватлади Обалдуй ва бўш стаканнинг четини ялади.

— Сал тўхтанглар, оғайнилар, йўталиб олай,— деди пудратчи, бармоқларини чакмонининг ёқаси устидан юришиб.

— Бўлди, бўлди, кўп чўзаверма, бошла!— деди Дикий-Барин ва ерга қаради.

Пудратчи бир оз ўйланиб турди, бошини бир силкиб, олдинга чиқди. Яков унга қаттиқ тикилиб қараб турди...

Бу ашула мусобақасининг ўзини тасвирлаб беришдан аввал ҳикоямда иштирок қилувчи шахсларнинг ҳар қайсиси тўғрисида бир неча оғиз гапириб ўтишни зарур деб ҳисоблайман. Қовоқхонага кирганимда бу ерда ўтирганлардан баъзиларини танирдим; бошқалари тўғрисидаги маълумотларни кейин тўпладим.

Гапни Обалдуйдан бошлайлик. Бу одамнинг ҳақиқий исми Евграф Иванов эди; аммо теварак-атрофда ҳамма уни фақат Обалдуй² деб атарди, унинг ўзи ҳам ўзини шу лақаб билан юритар эди, негаки, бу лақаб унга жуда мос, унинг бачкана, доимо ҳовлиқма табиатига ниҳоятда ярашиб тушган эди. У ичкилик ва ўйин-кулги-

¹ Қарчигаёллар бирор нарсадан қўрқинса, «чигиллашади». (Автор изоҳи.)

² Обалдуй — эси паст, ишёқмас, такасалтанг деган маънода.

га берилиб кетгани учун хўжайинлари аллақачон ундан юз ўғирган эди, лекин ҳеч қаерда ишламаса ҳам, бир тийин маош олмаса ҳам, ҳар куни бошқалар ҳисобига майхўрлик қилиб, кайф-сафо суриш йўлини билиб олган бўйдоқ бир киши эди. Унинг ёр-дўстлари кўп эди, ошналари унга вино ва чой сотиб олиб берардилар, лекин бундай қилишларининг сабабини ўзлари ҳам билмасдилар, чунки у, улфатларнинг вақтини чоғ қила оладиган одам эмаслиги устига, бетутуриқ гаплари, ўтакетган шилқимлиги, бесўнақай ҳаракатлари ва ҳадеб ғайри табиий суратда хандон ташлаб кулиши билан ҳамманинг меъдасига теккан эди. У ашула айтишни ҳам, ўйинга тушишни ҳам билмасди; дунёга келибдики, унинг оғзидан биронта оқилона гап ва ҳатто бамаънироқ сўз чиқмаган: мудом «бидирларди» ва ёлғонни ямламай ютарди — хуллас, ғирт такасалтанг эди! Шунга қарамай, қирқ чақирим масофада теvarак-атрофда бўладиган ичкиликбозликларнинг биронтаси ҳам усиз ўтмасди, хода ютгандек ғўдайган бу одам ҳамма вақт меҳмонлар орасида ўралишиб юарди унга ана шундай кўникиб қолинган ва унинг ўртада пайдо бўлиб қолишига бошга битган бир бало деб тоқат қилинар эди. Унга нафрат билан қаралса-да, лекин уни бемаъни қилиқлардан фақат Дикий-Барингина тўхтата оларди.

Моргач Обалдуйга асло ўхшамасди. Кўзини бошқа одамлардан кўра кўпроқ қисмаса-да, Моргач¹ деган лақаб унга ҳам ярашган эди; рус халқининг лақаб қўйишга усталиги маълум! Бу кишининг ўтмишини муфассалроқ билиб олиш учун кўп ҳаракат қилган бўлишимга қарамай, унинг ҳаётида менга ва балки, анчагина бошқа одамларга ҳам аён бўлмаган қоронғи жойлар, ёзувчилар таъбири билан айтганда, зим-зиё кечадек қора доғлар қолди. Моргач ҳақида била олган нарсам фақат шу бўлдики, бир вақтлар у фарзанд кўрмаган қари бой хотиннинг кучери бўлган экан, ўзига ишониб топшириб қўйилган уч отли арава билан бадар қочиб кетиб, муттасил бир йилгача дом-дараксиз юрган ва саёқликнинг фойдасиз ва кулфатли эканига ишонч ҳосил қилганидан кейин бўлса керак, яна ўзи қайтиб келган экан, лекин чўлоқ бўлиб келган экан, бой хотиннинг оёғига йиқилиб тавба қилган ва феъл-атворини яхши-

¹ Моргач — кўзини қисиб-қисиб қўювчи одам.

лаб, гуноҳларини ювиб, бир печа йил мобайнида аста-секин бой хотиннинг марҳаматига сазовор бўлган экан, ниҳоят, бой хотин унга яна тўла ишонадиган бўлибди; у приказчикликка тайинланибди, бой хотин ўлгандан кейин эса, аллақандай номаълум йўл билан дархон бўлиб¹, мешчанлар қаторига кирибди, қўшниларининг богчаларини ижарага ола бошлабди, бойиб кетиб, ҳозир роҳат-фароғатда кун кечирай экан. Моргач тажрибали, одам, бераҳм ҳам эмас, раҳмдил ҳам эмас, андишали одам; у пихини ёрган, одамларнинг фарқига боради, улардан фойдалана олади. У эҳтиёткор ва шу билан бирга, тулкидай тadbиркор, қари хотинлардай сергап, бироқ ҳеч қачон оғзи бўшлиқ қилмайди, бошқа ҳар қандай кишининг эса сирини билиб олади, шу тоифадаги баъзи муғамбирлар сингари ўзини содда қилиб кўрсатмайди, муғамбирлик қилиш унинг учун осон ҳам бўлмаган бўларди, чунки мен унинг кичкина, маккор «қарағичлари»дек² зийрак ва ақлли кўзни ҳеч қачон кўрган эмасман. Унинг кўзлари ҳеч маҳал жўн қарамайди — доим диққат билан тикилиб, бирон сирни сезиб мўралагандай қарайди. Баъзан Моргач оддийгина кўринган қандайдир бир нарсга тўғрисида ҳафталаб бош қотириб юради, аммо бир вақт қарабсизки, кутилмаганда катта жасорат таллаб қиладиган ишни бошлаб юборади, назарингизда бу ишни уdda қилолмай шармандаси чиқадигандай кўринади... аммо, қарабсизки, иши ўнгидан келиб қолади, ҳамма иши худди хамирдан қил суғургандай осонгина битади. У омади юришган одам. У ўз толеига, ҳар хил ирим-чиримларга ишонади. Хуллас жуда бидъатчи киши. Ҳеч кимга хуши йўқлигидан одамлар ҳам уни севишмаса-да, лекин ҳурмат қилишади. Унинг оиласи битта-ю битта ўғилчасидан иборат, ўғлини у жонидан азиз севади, шундай отанинг тарбиясини кўрган бу боланинг истиқболи яхши бўлса керак. Қариялар ёзда кечқурунлари кўча эшиги ёнидаги супада гурунглашиб ҳозирда-ноқ: «Моргачвачча отасининг худди ўзига ўхшабди» — деб қўйишади, ҳамма бу таърифнинг маъносини яхши билади ва шу билан кифояланади.

¹ Бу ерда: крепостнойликдан чиқиб қолибди, деган маънода айтилган.

² Орёлликлар кўзни қарағич ва оғизни ошағич деб аташади. (Автор изоҳи.)

Яков-Турк ва пудратчи тўғрисида гапни чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чиндан ҳам бир асира турк аёлидан тарқалгани учун лақаби Турк бўлган Яков табиятан ҳақиқий санъаткор ва касб жиҳатидан — бир савдогарга қарашли қоғоз фабрикасининг ишчиси эди, пудратчига келсак (иқрор бўлишим керакки, унинг тақдири менга номаълум қолди), у менга уддабурон ва чаққон шаҳарлик бир мешчанга ўхшаб кўринди. Аммо Дикий-Барин ҳақида бир оз тўлароқ сўзлашга тўғри келади.

Биринчи қарашингизда уни аллақандай қўрс, жанжалкаш ва ниҳоятда кучли бир киши деб ўйлайсиз. У бесўнақай бўлса ҳам, ҳаддан зиёд бақувватлиги сезилиб туради, шуниси қизиқки, унинг айиқнамо гавдасида ўзига хос бир гўзаллик бор, зарбадастлиги ва зўрлигига тамомила ишониб хотиржам туриши, балки, унинг қадду қоматига шундай гўзаллик бахш этгандир. Бу паҳлавоннинг қайси табақага мансублигини дарров билиб бўлмас эди; у помешчик хизматкорига ҳам, мешчанга ҳам, истефодаги қашшоқ котибга ҳам, мол-мулкни бой бериб хонавайрон бўлган кучукбоз ва ўришқоқ майда дворянга ҳам ўхшамасди; у ўздан бошқа ҳеч кимга ўхшамас эди. Унинг ўездимизга қандай келиб қолганини ҳеч ким билмасди; одамларнинг айтишига қараганда, у ҳам тўралардан бўлиб, аллақерда хизмат ҳам қилган экан, аммо қанақа хизматда бўлгани маълум эмасди; бу нарсани ҳеч кимдан билиб бўлмасди, ўзи эса айтмасди: ундан ошиб тушадиган дамдуз ва бадқовоқ киши йўқ эди. Унинг тирикчилиги нима билан ўтаётганини ҳам ҳеч ким билмасди, у ҳеч қандай касб билан шуғullanмас, ҳеч ким билан борди-келди қилмас, деярли ҳеч ким билан ошначилик қилмас эди, аммо пули бор эди; озроқ бўлса-да, бор эди. У ўзини камтар тутмаса ҳам — унда камтарликдан асар ҳам йўқ эди, — ҳар ҳолда ўзини вазмин тутар эди; у атрофидаги кишиларни кўрмагандек ва ҳеч кимга ҳеч иши тушмайдиган одамдек холис яшарди. Одамови — Дикий-Бариннинг (унга шундай лақаб қўйишганди: ҳақиқий номи эса Перевлесов эди) бутун вилоятга ғоят катта таъсири бор эди; тасодикий учрашиб қоладиган бирон кишига буйруқ қилишга Дикий-Бариннинг ҳеч қандай ҳақи бўлмаса ҳам, ҳатто у одамнинг итоатда бўлишини у ҳеч бир талаб қилмаса ҳам, одамлар унга дарҳол бўйсунардилар. У нима деса — шу бўларди; зўр-

нинг қўли ҳамма вақт баланд келади. У деярли нчмасди, хотинлар билан таниш-билишлик қилмасди, аммо ашулага жуда ишқивоз эди. Бу кишининг кўпгина сирли томонлари бор эди; унда қандайдир ғоят қудратли бир куч бекиниб, мудраб ётгандай ва бу куч бир кун эмас бир куни ташқарига отилиб чиқиб, ўзини ҳам, отилиб бораётганида тегиб ўтган жамики нарсасини ҳам вайрон қилиб юборишини билиб тургандай туюларди; агар бу кишининг ҳаётида ана шундай портлаш содир бўлмаган бўлса, агар у турмушининг аччиқ сабоғи билан кўзи мошдай очилиб, ҳалокатдан зўрға қутулиб қолганидан кейин энди тилини тийиб жуда эҳтиёткорлик билан юрган бўлмаса, мен қаттиқ янглишган бўламан. Унда қандайдир тугма, табиий жаҳлдорлик ва худди шундай бир табиий олижаноблик хусусиятлари бир-бири билан чирмашиб кетган эди, унинг бошқа ҳеч кимда учратмаганим бу қоришиқ хусусияти мени айниқса лол қолдирди.

Шундай қилиб, пудратчи олдинга чиқди, кўзини сал қисиб товушини ингичкалаштириб, баланд овоз билан ашула бошлади. Унинг овози бўғиқроқ бўлса ҳам, хийла ёқимли ва ширалн эди; у овозини усталик билан ҳар хил мақомга солар, юқори кўтарар, кейин пастлатиб туриб, яна авжга чиқар эди, ашуланинг авжини яхши олишга алоҳида эътибор берар, тўсатдан жим бўлиб қолар, кейин бирдан яна аввалги оҳангни зўр иштиёқ билан чапаничасига бошлаб юборар эди. Унинг бир оҳангдан иккинчи оҳангга ўтиши баъзан хийла мардона ва баъзан эса хийла мароқли эди: ашула шинавандаси унинг бу ҳунарини кўрса, кўп ҳузур қилган, немиснинг эса гаши келган бўлур эди. Бу русча *tenore di grazia, ténor léger*¹ эди. Пудратчи ўзидан жуда кўп қочирим сўзларни қистириб, шўх бир ашула айтмоқда эди; бу ашуланинг ана шу қочиримлар орасида, аранг эсимда қолгани манзубу сатрлар эди:

Мен ҳайдайман, мен ҳайдайман қотириб
Еримни оз-мозгина.

Мен экаман, мен экаман қотириб

Қизил гул бир озгина.

У куйламоқда, ҳамма унинг ашуласини диққат билан тингламоқда эди. У, бу ердаги кишиларнинг ашула-

¹ Италия ва француз тилида лирик тенор деган маънони билдиради. (Тенор — эркакларнинг энг ингичка товуши.)

ни тушунадиган одамлар эканини сезганидан бўлса керак, ашуласини мумкин қадар ёқтириш учун роса куйиб-пишиб ҳаракат қилди. Ҳақиқатан ҳам, бизнинг томонларда одамлар ашулани яхши билишади, шу сабабли катта Орёл йўли бўйидаги Сергиевское қишлоғи жуда ёқимли ва оҳангдор куйлари билан бутун Россияда шуҳрат қозонган. Пудратчи ашулани узоқ айтди, лекин тингловчиларда ўзига унчалик зўр хайрихоҳлик уйғота олмади, тингловчилар унга «ҳо баракалла» деб далда бериб турмадилар, ниҳоят, пудратчи ашуланинг бир жойида оҳангини келтириб, жуда боплаб айтганида, ҳатто Дикий-Барин ҳам илжайиб қўйди. Обалдуй хурсандлигидан ўзини тутиб туролмай, бақириб юборди. Ҳамма чўчиб тушди. Обалдуй ва Моргач ашулага паст овоз билан жўр бўла бошлади ва: «Ҳа, айёр, овозингни баландроқ ол!.. Қаттиқроқ, чўзиброқ айтсанг-чи, хонасаллот! Яна сал чўз! Кўтар кучинг борица, қурумсоқ!.. Жонингни аяма, золим!»— сингари иборалар билан қийқира бошлади. Николай Иванич прилавка орқасида маъқуллаш аломати билан бош чайқаб турди. Ниҳоят, Обалдуй ер тепиниб, елкаларини учира бошлади, Яковнинг кўзлари эса чўғдай чақнарди, у теракнинг баргидай титраб, ўринли-ўринсиз илжайиб қўярди. Дикий-Бариннинг юзида ўзгариш кўринмади, у аввалгича ўз жойида қимир этмай турарди; унинг лабларида ҳамон нафрат аломати бўлса-да, лекин пудратчига тикилган кўзларида бир қадар юмшаш, майинлик бор эди, пудратчи ҳаммада хурсандлик аломатларини кўргандан кейин дадилланиб, жуда жўш уриб қуюшқондан шу қадар ташқари чиқиб кетдики, тилини шундай тақиллатдики, томоғини шундай қаттиқ қоқдики, ахийри ҳориб-чарчаган, ранги бўздай оқарган ва иссиқ терга ботган ҳолда, бутун гавдасини орқага ташлаб туриб, ашулани секин тамом қилди, ҳамма маъқуллаган овоз билан қийқириб юборди. Обалдуй югуриб бориб, узун, озгин қўллари билан унинг бўйнидан қаттиқ қучоқлаб олди; Николай Ивановичнинг пўрдоқ юзига қон югуриб, ёшариб кетгандай бўлди, Яков ўзини тута олмасдан: «Баракалла, баракалла!»— деб бақирарди. Ҳаттоки менинг ёнимда ўтирган, йиртиқ кийимли мужик ҳам хурсандлигини ичига сидиролмай, муштини столга уриб: «Бопладинг! Жойида, қойил қилдинг!»— деб хитоб қилди ва четга қаттиқ туфлади.

— О, биродар-эй, вақтимизни тоза чоғ қилдинг-да!— деб қичқирди Обалдуй, тамомила чарчаган пудратчини қучоғидан чиқармай,— хурсанд қилдинг, жуда ҳам! Сен ютинг, биродар, ютинг! Қутлуғ бўлсин — осьмуха сеники! Яшканинг сенга етиб олишига ҳали узоқ... Мен сенга айтяпман: жуда узоқ... Гапимга ишонавер! (У шу гапларни айтиб туриб пудратчини янада қаттиқроқ қучоқлади.)

— Уни ўз ҳолига қўйсанг-чи, ҳой шилқим, қўйвор уни...— деди аччиғланиб Моргач:— қўй ахир, ўтириб сал дамини олсин, чарчаганини кўр... Ўлгудай бефаҳм одамсан, ошна, чиндан бефаҳмсан! Нега мунча канадак ёпишиб олдинг?

— Хўп, майли, ўтириб дамини ола қолсин, мен эса унинг соғлиғига ичаман,— деди Обалдуй ва стол олди-га борди.— Сенинг ҳисобингга, ошна,— деб қўшиб қўйди у, пудратчига қараб.

Пудратчи розилик билдириб бош қимирлатди, скамейкага ўтириб шапкаси ичидан чочиқ олди-да, юзини арта бошлади; Обалдуй эса стаканга қуйилган винони очкўзлик билан шошиб-пишиб ичди, тузалмас пиянистларнинг одатича, томоғини тақиллатиб, ташвишли-ғамгин тус олди.

— Ашулани яхши айтасан, ошна, яхши,— деди мулоимлик билан Николай Иванович.— Энди, Яша, навбат сеники: уялиб-нетиб ўтирма. Қани, кўрайлик-чи, қайси биринг ўткир экансан, кўрайлик... Аммо лекин, пудратчи ашулани яхши айгаркан, азбаройи худо, бошлади.

— Бирам яхшики,— деди Николай Ивановичнинг хотини ва илжайиб Яковга қаради.

— Яхши-ёв!— деб севиниб такрорлади ёнимда ўтирган мужик.

— Э, ҳа, одамови-полеха¹ шу ерда экан-да!— деб қичқириб юборди Обалдуй ва елкаси пиртиқ деҳқоннинг олди-га келиб, унга бармоғини бигиз қилди, сакраб-сакраб хахолаб кулди.— Ҳой, полеха, полеха! Ёв, баде, та-

¹ Жанубий Полесьенинг, яъни Болхов ва Жиздра уездлари чегарасидан бошланадиган узун ўрмон полосасининг аҳолиси полехлар деб аталади. Улар турмуш шароитлари, урф-одатлари ва тилларидаги кўпгина хусусиятлар билан ажралиб турадилар. Гумонсировчи ва ўжар табиатли бўлганлари учун эса уларни одамови деб атайдилар (Автор изоҳи).

тир¹, одамови! Ҳа, нимага келдинг, одамови?— деб бақирди кулги аралаш.

Бечора деҳқон уялди, ўрнидан туриб тезроқ чиқиб кетмоқчи бўлиб турган эдики, бирдан Дикий-Бариннинг жаранглаган ўткир овози эшитилиб қолди.

— Бу нима шовқин, қандай ярамас ҳайвонсан ўзинг?— деди у тишини гижирлатиб.

— Мен ҳеч нарса қилганим йўқ,— деб минғиллади Обалдуй.— Мен ҳеч нарса... шундай ўзим...

— Хўп, яхши, товушингни ўчир!— деди Дикий-Барин.— Яков, бошла!

Яков томоғини ушлади.

— Ҳа, оғайни, нима, ҳалиги... Ҳмм... Бир нима бўлди шекилли, ўзим ҳам ҳалиги...

— Бўлди, тортинма. Уял-эй!.. Нега мунча питирлайсан?.. Билганингча айтиб ташлайвер-да.

Дикий-Барин шу гапларни айтди-да, ерга қараб, кутиб турди.

Яков сукут қилди, атрофга қаради ва юзини қўли билан бекитди. Унга ҳамма, айниқса пудратчи тикилиб қараб турарди, пудратчининг юзидан одатдаги кеккайиш ва ўз муваффақиятидан шодланиш аломатлари бўлиши билан бирга, ғайри ихтиёрий, енгил бир ташвиш ҳам бор эди. У деворга суянди ва қўлини тагига қўйиб ўтирди, лекин энди оёғини ўйнатмади. Ниҳоят, Яков қўлини юзидан олди — унинг башараси мурданинг башарасидай оқариб кетган эди, кўзлари қисик киприклари орасидан зўрга милтиллаб кўрипарди. У чуқур нафас олиб, ашулани бошлаб юборди... Унинг овози бошда бўш, нотекис жаранглади ва кўкрагидан эмас, балки аллақандай узоқ бир ичкари жойдан келгандан, уйга тасодифан эшитилиб қолгандай туюлди. Бу қалтироқ, жарангли товуш ҳаммамизга ғалати таъсир қилди; биз бир-биримизга қараб қўйдик, Николай Ивановичнинг хотини эса қаддини ростлаганича туриб қолди. Бу биринчи товушдан кейин бошқа, жонлироқ ва чўзикроқ товуш эшитилди, лекин ҳамон бу товуш қаттиқ чертилганда бирдан жаранглаб кетган торнинг энг сўнгги сўниб борувчи дириллашига ўхшарди, иккинчи товуш орқасидан учин-

¹ Полехлар деярли ҳар бир сўзга «ёв!» ва «баде» деган сўзларни қўшиб талаффуз қилади. Улар «тўхтаб тур, шошмай тур» дейиш ўрнига «татир» дейдилар. (Автор изоҳи.)

чиси найдо бўлди, секип-аста бу товушлар кўтарилиб ва кучайиб мунгли ашулага айланди. Яков «Далада кўпгина йўллар бор эди»ни айтди, ашула ҳаммамизнинг кўнглимизга ёқарди ҳам, ваҳима соларди ҳам. Иқроор бўлишим керакки, меп бундай овозни жуда кам эшитганман: бу овоз салгина заиф бўлиб, дириллаб чиқарди: аввалига у ҳатто қандайдир хаста кўринди; лекин унда самимий эҳтирос ҳам, ёшлик ҳам, куч-қувват ҳам, шодлик ҳам, бепарволик ва беғамлик аралаш қандайдир ҳазин бир қайгу ҳам бор эди. Бу овозда рус кишисининг ҳаққоний оташини қалби жаранглар эди, шунинг учун у юрагингизнинг тўғридан-тўғри русларга хос торларига бориб тегарди. Ашула кучайиб, авжига чиқиб борарди. Яков шавқ-завққа чўмгандай кўринарди: энди унинг кўзига ҳеч нима кўринмасди, ўз ашуласи билан ўзи маст эди, энди унинг овози дирилламас, балки қалтирар ва тўхтовсиз кучаяр, дадиллашар эди, лекин ундаги бу сал-пал қалтираш ҳисларининг тугёнга келганидан содир бўлиб, тингловчилар қалбига найзадек қадаларди. Бир куни кечқурун, денгиз суви қайтаётган вақтда мен йироқда даҳшат билан қаттиқ шовиллаб турган шу денгизнинг қумли ясси қирғоғида катта оқ чайкани кўрганман; у момиқдай юмшоқ кўкрагини кечки шафақнинг алвон шуъласига тутиб, қимирламай ўтирар ва ҳар замонда узун қанотларини ўзига таниш денгиз томонга, уфқда қип-қизариб турган қуёш томонга астагина кериб қўяр эди: Яковнинг ашуласини эшитганимда ана шу чайка эсимга тушиб кетди. Яков ашула айтаркан ўз рақибини ҳам, бизнинг ҳаммамизни ҳам бутунлай унутиб қўйган эди, лекин бизнинг жим туриб, дард билан тинглаётганимиз учун, ашуласини тобора дадилроқ айтмоқда эди. У куйламоқда, унинг овозидаги ҳар бир товушда юракка яқин бир нарсa, ғоят кенг маъно бор эди, бу товушни эшитганингизда таниш бепоён далалар кўз олдингизда намoён бўлгандек туюлади. Юрагим эзилиб кетди (мен буни сездим) ва кўзларим жиққа ёшга тўлди; тингловчиларнинг пиқиллаб йиғлаган товушлари мени ҳайратда қолдирди. Атрофимга қарадим — қовоқхоначининг хотини кўкраги билан деразага суяниб туриб юм-юм йиғламоқда эди, Яков унга тезгина қараб олиб, ашуласини аввалгидан ҳам баландроқ ва ширинроқ қилиб айта бошлади. Николай Иванич ерга қаради, Моргач юзини ўгириб олди; ашуладан ийиб кетган Обалдуй эса, оғзини

очиб, анқайиб турарди; йиртиқ, қул ранг чакмон кийган мужик бурчакда ўзича ҳасрат ва надомат билан шивирлаб бош чайқаб, секингина энтикиб йиғларди; Дикий-Бариннинг қаҳрли юзига ўсиқ қошлари остидан вазмин ёш томчиси секингина думалаб тушмоқда эди; пудратчи муштини пешонасига тираб, қимирламай ўтирарди... Агар Яков ашулани худди тўсатдан овози узилиб қолгандай баланд, ингичка товуш билан шартта тамомламанида, билмадим, ҳаммадаги маҳзунлиқнинг охири нима бўларди. Ҳеч ким бақирмади, ҳатто қимирламади ҳам, ҳамма уни яна ашула айтармикин, деб кутгандай кўринарди; аммо у жим ўтирганимизга ажаблангандек бўлиб кўзларини очди, атрофидагиларнинг ҳаммасига савол аломати билан назар ташлади ва ғалаба қозонганини кўрди...

Дикий-Барин унинг елкасига қўлини қўйиб:

— Яша,— деди-ю, жим бўлди.

Ҳаммамиз қотиб турарди. Пудратчи секин ўрнидан туриб, Яковнинг олдига келди. «Сен... сен... сен ютдинг»,— деди у ахйри қийналиб ва қовоқхонадан чопиб чиқиб кетди...

Пудратчининг тез ва қатъий ҳаракати умумий маҳлиёлиқни бузгандай бўлди, ҳамма бирдан хурсандлик билан қий-чув кўтариб, гапга тушиб кетди. Обалдуй осмонга сакради, алланарсалар деб, қўлларини шамол тегирмонининг қанотидай тебратди; Моргач битта-битта юриб Яковнинг олдига келди-да, у билан ўпиша кетди; Николай Иванич бошини кўтариб, ҳаммага эшиттириб, яна бир осьмуха пивони текинга қуйиб беришини айтди; Дикий-Барин чеҳрасида аллақандай меҳрибонлик ифодасини акс эттириб кулимсиради, мен унинг башарасида бундай ширин табассум асло кўринмас, деб ўйлардим, йиртиқ кийимли мужик ўтирган жойида икки қўли билан кўзини, бетини, бурни ва соқолини артиб туриб: «Яхши, азбаройи худо, яхши, ёлғон гапирсам итнинг боласи бўлай, яхши айтди!»— деб такрорлади. Николай Иваничнинг хотини йиғидан юзлари қип-қизариб, тезгина туриб чиқиб кетди. Яков ўз ғалабасидан худди ёш боладай хурсанд бўлиб, боши осмонга етмоқда эди, чеҳраси яшнаб кетган эди, шодликдан кўзлари чақнарди. Уни стол олдига етаклаб олиб боришди, у йиғлаб чарчаган йиртиқ чопонли мужикни ёнига чақирди, қовоқхоначининг ўғилчасини пудратчини топиб келишга юборди,

лекин бола пудратчини тополмай келди, шундап кейин зиёфат бошланиб кетди. «Сен бизга яна ашула айтиб берасан, кечгача айтиб берасан»,— деб уқтирарди Обалдуй, қўлларини баланд кўтариб.

Мен Яковга яна бир марта қарадим-да, қовоқхонадан чиқдим. Мен зиёфатга қолинини истамадим, чунки ашуладан олган яхши таассуротим бузилишидан қўрқдим. Лекин ҳаво аввалгича мисдай қизимоқда эди. Жазирама иссиқ ернинг қоқ тепасида қалин оғир пардага ўхшаб муаллақ осилиб турарди; тўқ зангори осмонда, энг юпқа қорамтир чанг-тўзон орасида аллақандай майда учқунлар айланиб юргандай туюларди. Ҳамма ёқ жимжит эди; ҳолсизланган табиатнинг бу чуқур сукунатида қандайдир умидсизлик, маҳзунлик бор эди. Мен пичанхонага етиб олдим ва яқиндагина ўрилган бўлишига қарамай, анчагина қуриб қолган пичан устига ётдим. Хийла вақт ухлай олмадим, Яковнинг ўткир овози қулоғимда анча вақтгача жаранглаб турди... Ниҳоят, ҳавонинг иссиғи ва чарчаганим кор қилди, донг қотиб ухлаб қолдим. Уйғонсам, ҳамма ёқ қоп-қоронғи бўлиб қолибди; ерга ёйиб қўйилган пичан сал нам тортган ва ҳиди гупиллаб димоққа уриб турар эди; чала ёпилган томнинг ходаларини орасидан осмондаги хира юлдузчалар милтиллаб кўринарди. Ташқарига чиқдим. Кечки шафақ аллақачон сўнганди, унинг сўнгги шуъласи уфқ устида зўрға оқариб кўринарди, аммо яқиндагина мисдай қизиган ҳаво кечки салқинга қарамай ҳали иссиқ эди, бинобарин, кўкрак салқин шабадага ҳамон ташна эди. Шамол йўқ, шунинг учун осмон ҳам булутсиз эди, тўқ зангори осмоннинг ҳамма жойи ғуборсиз ва тиниқ эди, ундан сон-саноксиз юлдузлар аранг милтиллаб кўринарди. Қишлоқда чироқлар йилтиллар, яхши ёритилган яқиндаги қовоқхонадан одамларнинг говур-говури, ноаниқ шов-шуви эшитиларди, бу қий-чувлар ичида Яковнинг овозини танигандай бўлдим. Гоҳо у ерда бирданига қаттиқ қаҳ-қаҳа кўтариларди. Мен қовоқхона деразаси олдига келиб, ойнага юзимни теккизиб ичкарига қарадим. Кўз олдимда ранг-баранг ва жонли, лекин кўнгилсиз манзара намоён бўлди: қовоқхонадагиларнинг ҳаммаси, ҳатто Яков ҳам фирт маст эди. Яков ёқавайрон ҳолда скамейкада ўтириб, хирқироқ овоз билан аллақандай чапанича, ўйинга тушиладиган ашулани айтиб, гитара торларини истар-истамас чертарди. Ҳўл сочлари

бўздай оқарган башарасига тутам-тутам бўлиб ёпинган эди. Жуда «бўлари бўлиб қолган» Обалдуй қовоқхона ўртасида йиртиқ кийимли мужикнинг олдида бош яланг ҳолда сакраб-сакраб ўйинга тушмоқда эди: мужик ҳам ўз навбатида, дармонсизланган оёқларини зўрға кўтариб ер тепинар ва дам у оёғини, дам бу оёғини судраб ерни ишқар, пахмайган соқоли орасидан маъносиз илжайиб: «Майли, нима бўлса бўлар!» демоқчи бўлган-дек қўлини ҳар замонда бир силкиб қўяр эди. Унинг афт-башараси жуда кулгили эди; у қошларини чимиришга ҳар қанча ҳаракат қилса-да, вазминлашган қовоқлари юқорига кўтарилишни хоҳламас ва ароқнинг кайфи элтиб, яхши ҳузур қилаётган, сузилган бит кўзлари устидан силжимас эди. У гирт маст эди, уни кўрган ҳар бир ўткинчининг «Суробнинг тўғри бўлибди-ку огайини!» деб айтиши турган гап эди. Қип-қизариб кетган Моргач бурун катакларини кериб, бурчакда заҳарҳанда қилиб ўтирарди; фақат Никололай Иваничгина, ҳақиқий қовоқхоначига муносиб равишда, ҳар вақтдагидек вазмин эди. Қовоқхонада кўнгина янги одамлар пайдо бўлганди, лекин энди у ерда Дикий-Барин кўринмасди.

Мен орқамга бурилиб, Колотовка қишлоғи жойлашган тепаликдан тез-тез юриб настликка туша бошладим. Бу тепалик этагида кенг яланглик бор, у кечки туманининг гира-шира тўлқинлари қўйнида янада чексиз кўрилади ва бориб-бориб қоронғилашган осмонга туташиб кетгандай бўлади! Мен жар бўйидаги йўлдан катта-катта қадам ташлаб борардим, тўсатдан ялангликнинг узоқ бир жойидан ўғил боланинг овози келди.

— «Антропка! Антропка-а!» деб қаттиқ қичқирди у йиғламсираган овоз билан «Антропка» сўзининг охириги бўғинини жуда узоқ чўзиб.

Бола тўхтаб-тўхтаб, яна қичқирар эди. Унинг жаранглаган овози беғубор, мудроқ, сокин ҳавода ҳар томонга тарқаларди. Бола Антропканинг номини атаб камида ўттиз мартача қичқирган эди, бирдан ялангликнинг иккинчи томонидан:

— Нима-а-а-а?— деган жавоб келди, бу жавоб бошқа бир дунёдан келгандай зўрға эшитилди.

Шу замониёқ бола севинч аралаш жаҳл билан қичқирди:

— Бу ёққа кел, алвасти-и-и-и!

— Не-е-ега?— деб жавоб қайтарди униси, анча вақтдан кейин.

— Отам сени калтакламоқчи-и-и,— деб, тез бақирди бола.

Антропка жавоб қайтармай қўйди, бола уни яна чақира бошлади. Ҳамма ёқ қоп-қоронғи бўлиб қолди, мен қишлоғимни ўраб турган ва Колотовкадан тўрт чақирим узоқда бўлган ўрмон четидан айланиб ўтаётганимда ҳам боланинг овози ҳамон қулоғимга аста-секин эшитилиб турди...

«Антропка-а-а!» деган овоз тун қўйнига чўмган ҳавода ҳамон янграётгандай туюларди.

Бундан беш йилча муқаддам кузда, Москвадан Тула-га бориладиган йўлда, отлар етишмаганидан деярли бутун кун бекатда хуноб бўлиб ўтиришимга тўғри келди. Овдан қайтиб келаётган эдим, лекин тройкамни жўна-тиб эҳтиётсизлик қилиб юборгандим. Бекат назоратчиси сочлари пешанасидан пастга осилиб тушган, кичкина кўзлари шишган, бадқовоқ, кексагина бир киши эди, у менинг ҳамма шикоят ва илтимосларимга тўнғиллаб жавоб берар, ўз мансабидан ўлгудек норози одамдай зарда билан эшикни тарақлатиб ёпар, остонага чиқиб ямшикларни сўкар эди, бир пудлик оғир дуғаларни кў-тариб, лой кечиб юрган ёки скамейкада эснаб ва қаши-ниб ўтирган ямшиklar бошлиқларининг ўдағайлаб га-пиришига унчалик эътибор бермасдилар. Мен икки-уч марта чой ичиб олдим, мизғиб олиш учун қанча уринсам ҳам, уйқум келмади, дераза ва деворларга ёзиб қўйил-ган ҳамма хатларни ўқиб чиқдим: зерикишдан юрагим тарс ёрилиб кетаёзган эди. Тарантасимнинг кўтарилган шотиларига ғазаб ва умидсизлик билан қараб турган эдимки, бирдан почтахона аравасининг қўнғироқ овози эшитилди ва ҳориган уч от қўшиғлик арава уй олди-га келиб тўхтади. Бир одам аравадан сакраб тушди-да, «Отлар тезроқ алмаштирилсин!»—деб бақириб, почта-хонага кирди. У бекат назоратчисининг, от йўқ, деб қил-ган жавобини одатдагича анқайиб эшитиб бўлгунча, мен зерикишдан юраги сиқилиб кетган одамларга хос фавқу-лодда қизиқиш билан янги танишимга бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқдим. Қўринишидан ёши ўттизнинг ён-бери-

сида эди. Унинг кўнгилсиз ялтираб турган заъфарон, ориқ юзида чечак излари — чўтир доғлар бор эди, узун қоп-қора сочлари орқа томондан ёқасига ҳалқа-ҳалқа бўлиб тушиб турарди, олди томонидан эса чаккасигача жингалак қилиб қўйилган эди, шишинқираган кичик кўзлари бақрайиб қарарди, унинг юқориги лаби устида бир печта тук диккайиб турар эди. У от бозорларида изғиб юрадиган суюқоёқ помешчиклар қабилида эғнига ола чипор, ёғ босган архалук, мис тугмали желатка ва кул ранг чолвор кийиб, бўйнига ўнгиб кетган бинафша рангли шоҳи галстук тақиб олган эди, чолворининг кенг почаси остидан ифлос этигининг учи аранг кўринарди. Ундан тамаки ва ароқ ҳиди анқиб турарди, архалугининг енгидан салгина чиқиб турган қизил ва йўғон бармоқларига кумуш узуклар ва Тула узуклари тақилганди. Бундай шахслар Россияда оз эмас, юзлаб учрайди, тўғрисиини айтганда, бундай шахслар билан танишиб киши баҳра топмайди, лекин бу киши мижозимга унча ўтирмаган бўлса-да, юз ифодаларидан далил-ғули одамлиги ва кўнглида дарди борлиги сезилиб турарди.

— Мана бу жаноб ҳам бир соатдан ортиқ кутиб ўтирибдилар, — деди назоратчи, мени кўрсатиб.

— Бир соатдан ортиқ дейди-я! — Нобакор мени калака қилаётган эди.

— Балки бу кишининг иши унча зарур эмасдир, — деб жавоб қилди, келган киши.

— Бунисини эса биз билмаймиз, — деди ўншайиб назоратчи.

— Наҳотки сира иложи бўлмаса? От ҳеч ҳам йўқми?

— Иложи йўқ. Битта ҳам от йўқ.

— Ундоқ бўлса айтинг, менга самовар қўйишсин. Бир оз кутамиз, иложимиз қанча.

У скамейкага ўтирди, картузини столга ташлаб, сочларини силади.

— Сиз чой ичдингизми? — деб сўради у мендан.

— Ичдим.

— Яна бир марта мен билан чой ичишни истамай-сизми?

Мен рози бўлдим. Қорни катта сариқ самовар стол устида тўртинчи марта пайдо бўлди. Мен халтамдан бир шиша ром олиб қўйдим. Суҳбатдошимни ер-мулки кам дворян деб янглишмаган эканман. Унинг исми Петр Петрович Қаратаев экан.

Биз гапга тушиб кетдик. Келганига ярим соат бўлмасданоқ, у менга ўз ҳаётини ипидан-игнасиғача соддадиллик билан ҳикоя қилиб берди.

— Энди Москвага кетяпман,— деди у, тўртинчи стакан чойни ичиб бўлиб,— энди қишлоқда қиладиган ишим қолмади.

— Нима учун?

Нима ҳам қолди дейсиз. Очигини айтсам, хўжалигим издан чиқди, мужикларни хонавайрон қилдим, ёмон йиллар келди: ҳосил бўлмади, яна бир қанча бошқа сабаблар бор, билсангиз... Шундай бўлгач,— деб қўшиб қўйди у, маъюс юзини четга буриб,— менинг хўжайинлигим қолдими!

— Нега ахир?

— Йўқ,— деб сўзимни бўлди у,— хўжайин бунақа бўлмайди! Биласизми,— деб давом этди у, бошини ён томонга қийшайтириб ва трубкасини одоб билан сўриб.— сиз башарамга қараб туриб, менга ҳайрон бўлаётгандирсиз, очигини айтсам, мен ўрта маълумот олганман, ҳеч нарсада муҳтожлик кўрмаганман. Менги кечирасиз, ўзим шунақа кўнгли очик одамман, иннайкейин...

У гапини битирмай қўл силтади. Мен янглишаяпсиз, учрашиб қолганимиздан беҳад хурсандман ва ҳоказо деб уни ишонтира бошладим, сўнгра, мулкни идора қилишга унчалик катта билим зарур бўлмаса керак,— дедим.

— Тўғри,— деб жавоб берди у,— гапингиз тўғри. Аммо ҳар ҳолда бу ишга қандайдир алоҳида майл бўлиши керак. Баъзи бировлар мужикни ҳеч пинагини бузмай шип-шийдам қилиб талайверади, уялмайди ҳам! Мен эса... Сўрашга рухсат этинг, сиз ўзингиз питерликми ёки москваликми?

— Петербургликман.

У бурнидан узун тутун чиқарди.

— Мен эса хизмат қилиш учун Москвага кетяпман.

— Сиз қайси маҳкамага хизматга кирмоқчисиз?

— Ким билади дейсиз, қаер тўғри келса, ўша жойга кираман. Сизга айтсам, хизматга киришдан қўрқаман: хизматчи одам жавобгарлик остида яшайди. Мен шу дамгача доим қишлоқда турганман, қишлоққа ўрганиб қолганман, билсангиз... Энди иложим йўқ... муҳтожлик! Оҳ, бу муҳтожлик жонимга тегди-да.

Жавобгарлик остида бўлсангиз ҳам, пойтахтда яшайсиз-кў.

— Пойтахтда... мен ҳали пойтахтнинг нимаси яхшилигини билмайман. Эҳтимол, чиндан ҳам яхши-лир. Аммо қишлоқдан кўра яхши жой бўлмаса керак.

— Нима, энди қишлоқда туришингизнинг иложи бўлмай қолдими?

У ҳўрсинди.

— Иложи йўқ. Ҳозир қишлоғимни ўзиминки дейишга ҳам тилим бормаиди.

— Нега энди?

— У ерда ажойиб бир одам, қўшни пайдо бўлиб қолди... вексель.

Бечора Петр Петрович юзини силади, ўйлашиб турди-да, бошини силтаб қўйди.

— Э, шунга ҳам ҳам еб ўтираманми... Ростини айтсам,— деб қўшиб қўйди бир оз жим турганидан кейин,— мен ҳеч кимдан ўпкаламайман, айб ўзимда. Кеккайишни яхши кўрардим!.. Шу падар лаънати кеккайишни ёмон яхши кўраман-да!

— Сиз қишлоқда кўнгилли яшармидингиз?— сўрадим ундан.

— Сизга айтсам, тақсир,— деб шошмай жавоб берди у, кўзимга рўй-рост қараб,— менинг ўн икки жуфт овчи итим бор эди, овчи итларнинг бунақалари камданкам бўлади. (У сўнгги икки сўзни қироат билан талаффуз қилди.) Бу итлар товушқонни гангиратиб қўйишарди, тулки, айиқ ёки бўрини кўриб қолишса борми, худди заҳарли илондай чирмашиб олишарди. Яхши тозиларим ҳам бор эди. Ёлғон гапириб нима қиламан, энди итлар қолмаган. Мен милтиқ билан ҳам ов қилганман. Контеска деган итим бор эди; бирор парранда ёки даррандани кўрса борми, қотиб қоларди, қушларни ҳаводаги ҳидидан билар эди. Баъзан ботқоқ олдига борардим-да, итга: қидир!— деярдим. Агар қидиргиси келмай туриб олса бўлди, бир гала ит келтирсанг ҳам фойдаси йўқ, ҳеч нарсга тополмайсан. Лекин қидирса борми, ўлган-тирилганига қарамай ўзини отарди!.. Уйда ўзини жуда мулоим тутарди. Унга чап қўл билан бир бурда нон бериб: «Бу — жуҳуднинг сарқити?» десанг, нонга қарагиси ҳам келмасди, аммо ўнг қўлинг билан нон бериб: «Бу ойим қизнинг сарқитлари?» деб

айтсанг, поппи дарҳол қўлингдан олиб еярди. Менда Контесканинг боласи бор эди, жуда яхши кучукча эди-да, уни Москвага ҳам олиб кетмоқчи бўлувдим, лекин ошнам илтимос қилиб милтиғим билан бирга олиб қолди, ошнам: Москвада ов қилиб юришга қўлинг тегмайди, биродар, у ерда, оғайни, бошқа иш билан банд бўласан,— деди. Шунинг учун ҳам унга кучукни бериб юбордим, биратўла милтиқни ҳам бера қолдим, билсангиз, булар ҳаммаси ўша ерда қолди.

— Сиз Москвада ҳам овга юра олган бўлур эдингиз.

— Йўғ-э, нима кераги бор? Удда қила олмагандан кейин энди бу ёғига ҳам чидаш керак. Бундан кўра, яхшиси, сиз менга Москвани гапириб берсангиз: Москвада тирикчилик қанақа, нарх-наво баландми?

— Йўқ, унчалик баланд эмас.

— Унчалик баланд эмасми?.. Бемалол бўлса, менга айтиб берсангиз: Москвада лўлилар борми?

— Қандай лўлилар?

— Ярмаркаларда юрадиган лўлилар-чи, ўшалар-да?

— Ҳа, Москвада...

— Ундоқ бўлса, дуруст. Мен лўлиларни яхши кўраман, ёмонам яхши кўраман-да...

Петр Петровичнинг кўзлари шўхлик билан чақнаб кетди. Лекин у бирдан ўтирган ўрнида безовталана бошлади, кейин ўйга ботди, бошини қуйи солиб, менга бўш стаканни узатди.

— Менга ромингиздан қуйинг,— деди у.

— Чой тамом бўлди-ку.

— Зарари йўқ, чойсиз шундай кетаверади... Эҳ!

Қаратаев бошини иккала қўлига қўйиб, тирсакларини столга тиради. Мен ҳозир кайфи ошиб кетган одамда кўп учрайдиган оҳ-воҳлар, ҳатто юм-юм ёш тўкиб йиғлашлар бошланиб кетса керак деб, унга жимгина қараб ўтирардим, аммо иқрор бўлишим керакки, у бошини кўтарганида чеҳраси ниҳоятда ғамгинлиги мени ҳайратда қолдирди.

— Сизга нима бўлди?

— Ҳеч нарса... эски бир воқеа эсимга тушди. Афсонага ўхшайди... айтиб берардим, лекин сизни безовта қилишдан уялпман...

— Йўғ-э, марҳамат!

— Ҳа,— деб давом этди, у— дунёда ҳар хил тасодифий воқеалар бўлади... чунончи, масалан, мен ҳам бо-

шимдап бир воқеани кечирганман. Истасангиз, айтиб бераман. Аммо қандай бўларкин...

— Айтаверинг, азизим Петр Петрович.

— Хайр, айта қолай, бироқ, нима ҳалиги... Биласизми,— деб бошлади у,— лекин, хайронман...

— Бас, айта қолинг, азизим Петр Петрович...

Хайр, айта қолай бўлмаса. Шундай бир воқеани бошимдан кечиргандим. Қишлоқда турардим... Бир қизни кўриб қолдим, ўзиям қизмисан қиз эди... ҳам чиройли, ҳам ақлли, яхшилигини айтмайсизми! Оти Матрёна эди. У қуйи табақадан, яъни, тушуняписизми, крепостнойлардан, чўри қиз эди. Ҳамма бало шундаки, у менинг чўрим эмас, бировнинг чўриси эди. Мен ана шу қизни яхши кўриб қолсам бўладими, ростдан ҳам жуда ғалати иш бўлди-да, қарангки, у ҳам мени... Шундан кейин Матрёна мени бой бекамдан пул тўлаб ажратиб олинг,— деб ялина бошлади, ўзимнинг бошимда ҳам шу фикр бор эди... Унинг бекаси бадавлат, бир шум кампир эди, бу кампир мендан ўн беш чақиримча нарида яшарди. Хуллас, бир куни тўрт ғилдиракли аравамга уч от қўшдирдим, мен ўртага доим йўрға от қўшдирардим, у жуда ҳам феълдор эди, Лампурдос деб аталарди, яхшироқ кийиниб олиб, Матрёнанинг бекасиникига жўнадим. Флигелли ва боғли катта қўра олдига бориб тўхтадим... Муюлишда Матрёна кутиб турган экан, у мен билан сўзлашмоқчи бўлди-ю, лекин фақат қўлимни ўпиб, ўзини четга олди. Олдинги хонага кириб: «Уйдадилар?» — деб сўрадим. Новча бир малай менга: «Қим ташриф буюрди деб айтийин?»— деди. «Помещчик Қаратаев бир иш юзасидан гаплашгани келибди деб айт, биродар»,— дедим. Малай уйга кириб кетди; мен, бу ёғи нима бўларкин, бу шум кампир жуда катта пул сўрармикин, ахир у ўз-ўзидан бунчалик бойиб кетмагандир-ку, беш юз сўмча сўраса керак,— деган хаёл билан кутиб турдим. Ниҳоят, малай қайтиб чиқиб: «Марҳамат қилсинлар»,— деди. Унинг кетидан меҳмонхонага кирдим. Курсида муштдаккина сап-сариқ бир кампир кўзини пирпиратиб ўтирарди. «Нима гапингиз бор?»— деди у. Мен аввало унга, сиз билан танишганим учун хурсандман, деб айтишни лозим кўрдим, билсангиз. «Сиз янглишяпсиз, мен бу ернинг бекаси эмас, унинг қариндошиман... Нима гапингиз бор?» Мен дарҳол унга беканинг ўзи билан гаплашишим кераклигини билдирдим. «Марья Ильинична бугун

ҳеч кимни қабул қилмайди, тоби йўқ... Ўнма гапингиз бор?» Мен ичимда: унга ўз аҳволимни тушунтиришим керак, бошқа илож йўқ,— деб ўйладим. Кампир сўзимни охиригача тинглади. «Матрёна? Қайси Матрёна?» «Матрёна Федоровна, Куликнинг қизи». «Фёдор Куликнинг қизи денг... сиз уни қаёқдан танийсиз?» «Тасодифий суратда». «У сизнинг ниятингизни биладими?» «Билади». Кампир жим бўлди. «Вой беҳаё қиз-эй, қараб турсин ҳали, бир адабини бериб қўяйки...» Тўғриси, мен бу гапга ҳайрон қолдим. «Ҳеч бир сабабсиз-а, кечирасиз... Мен уни пул бараварига ажратиб олишга тайёрман, фақат қанча тўлашимни айтсангиз бўлгани». Жодугар кампир вайсашга тушди. «Пулингизни пеш қилаверманг, зор эмасмиз!.. Қараб турсин ҳали, у мендан тозаям таъзирини сўди... эсини киргизиб қўяман». Аччиги чиққанидан кампирни йўтал тутди. «Бизникида ёмон яшар эканми?.. Вой, урғочи шайтон-эй, худоё ўзинг кечир, оғзимдан чиқиб кетди!» Гапнинг очиги, газабим қайнаб тошди. «Шўрлик қизга мунча азоб бермоқчи бўласиз? Унинг, чунончи, айби нима?» Кампир чўқиниб олди. «Эй парвардигор! Мен ўзимнинг қул ва чўриларимга ҳаддим сиғмайдими?» «Ахир, у сизнинг чўрингиз эмас-ку!» «Буни Марья Ильинична билади, бу билан ишингиз бўлмасин, отахон, мен эса Матрёшкага кимнинг чўриси эканлигини кўрсатиб қўяман». Тўғриси-ни айтсам, лаънати кампирни пийпалаб ташлай дедиму, Матрёна эсимга тушиб, ўзимни зўрға босиб қолдим. Шундай қўрқдимки, айтишга тилим ожизлик қилади, кампирга ялина бошладим: «Нимани хоҳласангиз олинг, ишқилиб тўғриланг». «Сизга унинг нима кераги бор?» «Ёқиб қолди, энажон, менга бир шафқат қилиб юборинг... қўлингизни ўпишга рухсат этинг». Доғули кампирнинг қўлини ўпдим ҳам. «Хўп,— деди чайналиб туриб алвасти,— мен Марья Ильиничнага айтаман: унинг хоҳлагани бўлади, сиз эса икки кунлардан кейин келинг». Мен уйимга жуда хавотирланиб қайтдим. Ишни бузиб қўйганимни, қизни ёқтирганимни айтиб чакки қилганимни сеза бошладим, аммо энди фурсат ўтган эди. Икки кунлардан кейин бой хотинникига яна бордим. Мени кабинетга олиб киришди. Кабинет сон-саноқсиз гуллар, ғоят яхши жиҳозлар билан шинам қилиб безатилган эди, у ерда бой хотин ажойиб курсида бошини орқасига, ёстиққа қўйиб, талтайиб ўтирарди,

қариндоши бўлмиш ҳалиги кампир ҳам шу ерда эди, иннайкейин яшил кўйлакли, малла сочли, қийшиқ оғиз аллақандай бир қиз ҳам бор эди, бу қиз компаньонка бўлса керак. Кампир минғиллаб: «Ўтиришингизни сўрайман»,— деди. Мен ўтирдим. У неча ёшга кирганимни, қаерларда хизмат қилганимни, энди нима қилмоқчи эканлигини кибр-ҳаво билан суриштира бошлади. Мен батафсил жавоб қайтардим. Кампир столдан рўмолчасини олиб, ҳадеб ўзини елпий бошлади... «Катерина Карповна,— деди у,— сизнинг муддаонгизни менга айтиб берди, аммо мен эшигимдаги одамларни ҳеч ёққа кетказмасликни ўзимга қоида қилиб олганман. Уларга бутунлай жавоб бериш муносиб иш ҳам эмас, бунда! яхши даргоҳда тўғри ҳам келмайди, бу — тартибсизлик бўлади. Мен тегишли фармойишни бериб қўйдим, энди овора бўлмасангиз ҳам бўлади». «Овора бўлганим йўқ, кечирасиз... Балки Матрёна Федоровна сизга керакдир?» «Йўқ керак эмас». «Бўлмаса уни менга беришни нега хоҳламаянсиз?» «Шунинг учунки, мен истамайман, истамайман, бўлган-турган гап шу. Мен фармойиш бериб қўйдим: у чўлдаги қишлоққа юборилади». Мен ҳангу манг бўлиб қолдим. Кампир яшил кўйлакли қизга французчалаб бир-икки оғиз сўз айтди, у чиқиб кетди. «Мен,— деди кампир,— тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилувчи хотинман, сўнг, соғлигим ҳам заифлашиб қолган, безовталикка бардошим етмайди. Сиз ҳали ёш йигитсиз, мен эса қариб қолганман, шунинг учун сизга баъзи бир маслаҳатлар берсам ҳақим бор. Бирор ерга муқим жойлашсангиз, уйласангиз, яхшигина рафиқа топсангиз дурӯст бўлмайдингиз; бой қизлар кам, аммо ўзи камбағал бўлса ҳам ахлоқи яхши қизни топиш мумкин». Мен кампирга қараб турган бўлсам-да, унинг нималар деб минғиллаётганини англамасдим, уйланиш тўғрисидаги гапларини эшитиб турган бўлсам-да, чўлдаги қишлоқ қулогимдан кетмасди. Уйланиш эмиш-а!.. Уйланишнинг нима кераги бор экан...

Ҳикоячи шу ерга етганда тўсатдан тўхтади ва менга қаради.

— Сиз уйланмагансиз-а?

— Йўқ.

— Ҳа, албатта, тушунарли нарса. Мен чидай олмадим: «Кечирасиз, энажон, сиз нега бунақа бўлмағур гапларни гапириб ўтирибсиз? Сизга биров уйланаман

деяптими? Мен сиздан фақат бир нарса билишни истайман: чўри қизингиз Матрёнани менга сотасизми йўқми?..»— дедим. Кампир оҳ-воҳ қила бошлади. «Оҳ, у менинг оромимни бузди! Уҳ, унга айтинглар, чиқиб кетсин! Оҳ!..» Қариндоши сакраб туриб, унинг ёнига бордида, менга бақирди. Кампир эса ҳамон оҳ-нола қилмоқда эди: «Мен худога нима гуноҳ қилдим-а?.. Демак, энди мен ўз уйимда хўжайин эмас эканман-да? Оҳ, уҳ!» Мен шляпамни олдим-да, орқа-ўнгимга қарамай, чопганимча чиқиб кетдим.

— Балки сиз,— деб давом этди ҳикоячи,— қуйи табақага мансуб бир қизни бунчалик қаттиқ севганим учун мени айбларсиз, мен ўзимни, яъни, ҳеч оқламоқчи эмасман... Ўзи шунақа бўлиб қолди-да! Ишонасизми, на кундузи еган овқатимда, на кечаси уйқумда ҳаловат қолди... Юрагим эзиларди! Бахтсиз қизни нега ҳалок қилдим?— деб хаёлга ботардим. Унинг мовут чакмонча кийиб олиб розларни ҳайдаб юргани, бекасининг буйруғига биноан таҳқирланиши, қўпол гаплар эшитиши, қора мой билан мойланган этикни мужикнинг, яъни қишлоқ оқсоқолининг унга рўшнолик бермаслиги эсимга тушиб қолса, баданимдан совуқ тер чиқиб кетарди. Хуллас, чидай олмадим, уни қайси қишлоққа жўнатиб юборганларини суриштириб билдим, отимга миндим-да, ўша қишлоққа қараб кетдим. Қишлоққа эртаси кўни кечқурунгина етиб бордим. Афтидан, мен томондан бунчалик ажойиб иш содир бўлишини ўйлашмаган ва менинг тўғримда ҳеч қандай фармойишлар юборишмаган экан. Мен худди бир қўшни сифатида тўппа-тўғри қишлоқ оқсоқолининг уйига бордим, ҳовлисига кирдим, қарасам: Матрёна пешонасини ушлаб пиллапояда ўтирган экан. У севинганидан қичқириб юбораёзди, лекин мен, овозингизни чиқарма, мени кутиб тур, дегандай қилиб, ҳовли орқасига, дала томонга ишора қилдим. Уйга кирдим, оқсоқол билан у ёқдан-бу ёқдан гаплашдим, унга аллақанча ёлғон-яшиқ нарсаларни айтиб ташладим, қулай фурсат топиб, Матрёнанинг олдига чиқдим. Шўрлик қиз елкамга осилиб олди! Севгимиз озиб, ранги бир аҳволда бўлиб қолибди. Билсангиз, мен унга: «Ҳечқиси йўқ, Матрёна, ҳечқиси йўқ, йиғлама»,— дедим, ўзимнинг кўзимдан эса дув-дув ёш оқарди... Кейин мен ҳам уялиб кетдим, унга: «Матрёна, йиғлаш билан мурод ҳосил бўлмайди, мана бундай қилиш лозим: қатъий ҳаракат қилиш

керак, меп билеп қоч, ана шундай қилиш даркор», дедим. Матрёна тахтадай қотиб қолди... «Бўлмайди! Хароб бўламан-ку, улар мени топиб олиб тириклайин кўмишади-ку!» «Эй тентак, сени ким қидириб топар эди?» «Қидириб топишади, топмай қўйишмайди. Раҳмат сизга, Петр Петровнч, бу меҳрибонликларингизни ҳеч унутмайман; аммо энди мени ўзимга қўйиб беринг, кўришиб турибди, ўзим шунақа шўрпешона эканман». «Эҳ, Матрёна, Матрёна, мен эса сени қарахтерли¹ қиз деб юардим». Ҳақиқатан ҳам у қарахтерга бой эди. Кўнгли пок, топилмайдиган қиз эди! «Бу ерда қолиб нима қиласан! Барибир; мен билан қочсанг яхши бўлса бўладик, ёмон бўлмайди. Хўш, қани, айт-чи: оқсоқолнинг муштини татиб кўрдингми, а?» Матрёнанинг бирдан хўрлиги келди, лаблари титради. «Мени деб уйимдагиларга энди кун беришмай қўйишади». «Уйингдагиларни гапириб ўтирибсан-а... нима, уларни сургун қилиб юборишармиди?» «Сургун қилиб юборишади: акамни сургун қилишлари турган гап». «Отангни-чи?» «Отамни-ку сургун қилишмас; отам қишлоғимизда биттаю-битта яхши машиначи». «Ана холос, отанг сургун қилинмас экан, аканг эса бирор узоқ жойга жўнатиб юборишгани билан ўлмайди». Ишонасизми, уни зўрға кўндирдим, у менга: бу иш учун сиз жавоб берасиз...—деб ҳам қўйди. «Бу ёғи билан ишинг бўлмасин, сенинг ишинг эмас...»—дедим. Аммо ҳар ҳолда уни олиб қочиб кетдим... шу биринчи боришимда эмас, кейинги сафар борганимда кечаси тележкада олиб қочиб кетдим.

— Олиб қочиб кетдингизми?

— Олиб қочиб кетдим... Ана шундай қилиб у мени кига жойлашди. Қўрам кичкина, хизматкорларим оз эди. Одамларим, очигини айтсам, мени ҳурмат қилишарди, бошларидан тегирмон тоши юргизганларида ҳам сиримни ошкор қилишмасди. Мен айш-ишрат қилиб яшай бошладим. Матрёнушкамнинг кўкрагига шамол тегди, рангига қон югуриб, гулдай яшнаб кетди, мен усиз ҳеч туролмайдиган бўлиб қолдим... Ўзиям жуда ажойиб қиз эди-да! Қўлидан келмаган иш йўқ эди! Ашула айтишни ҳам, ўйинга тушишни ҳам, гитара чалишни ҳам биларди... Қўшнилари сирни бировга очиб қўйиш-

¹ Қарахтерли — характерли демоқчи.

масин деб Матрёнани уларга кўрсатмасдим! Аммо менинг Горностаев Пантелей деган бир ошнам, жонажон дўстим бор эди, сиз уни танимасангиз керак? Горностаев Матрёнани жонидан ортиқ яхши кўрарди, ростини айтсам, унинг қўлини худди бойвучча қизнинг қўлини ўпгандай ўпар эди. Сизга айтсам, Горностаев менга тепг эмасди: у Пушкинни бошдан-оёқ ўқиб чиққан, билимли киши эди, баъзан, Матрёна билан, мен билан гапга тушиб кетса борми, оғзимизни очганимизча анқайиб қолардик.

Матрёнага ўқиш-ёзиш ил ўргатди, қаранг-а қандай аломат киши! Мен Матрёнани қўғирчоқдай ясатиб қўйдим, унинг кийимлари губернаторларнинг хотинларида ҳам йўқ эди, унга ёқаси ва этакларига қундуз қадалган бахмал пўстинча тикдирдим... Бу пўстинча унга бирам ярашар эдики! Бу пўстинчани янги модада, хипча бел қилиб москвалик бир хоним тикиб берган эди. Нақадар ажойиб эди, бу Матрёна! Гоҳо ерга қараб, соатларча ҳайкалдек қотиб ўйланиб ўтирарди, мен унга қараб ўтирардим, лекин жамолига асло тўймасдим... Табассум қиларди, менинг юрагим эса худди биров қитиқлагандай жимирлаб кетарди. Ёки бирдан кулиб юборар, ҳазиллашар, ўйинга туша бошлар эди, мени оловдай бадани билан шундай қаттиқ қучоқлаб олардики, бошим айланиб гангиб қолардим. Уни нима билан хурсанд қилсам бўларкин?—деб баъзан эртадан кечгача ўйлаб юрардим. Ишонасизми, унга пўстинчани пари-пайкарим қандай шодланар экан, хурсандлигидан юзлари қандай қизариб кетар экан, қилган ҳадямни қандай кийиб кўрар экан, янги либосда олдимга чопиб келиб мени қандай ўпар экан, шуни бир кўрсам эди, деган истак билангина инъом қилган эдим. Лекин билмадимки, отаси Кулик қизнинг меникидалигига қайси гўрдан эшитдийкин, бир куни бизни кўргани келиб қолди, қизини кўриб йиғлаб юборди... Хурсанд бўлганидан йиғлаб юбордида, бўлмаса нимага йиғларди? Куликка ҳар хил инъом ва эҳсонлар қилдик. Кейин Матрёнушканинг ўзи унга беш сўм қоғоз пул олиб чиқиб берди, отаси севиниб, ўзини қизининг оёғи остига ташлади—жуда аломат киши экан! Шу зайилда иккаламиз беш ойча бирга турдик, мен Матрёна билан бутун умр шундай яшашга рози эдим, бироқ толеим шумлик қилиб қолди!

Петр Петрович гапда тўхтади.

— Хўш, кейин нима бўлди?— деб сўрадим ундан ҳамдардлик билан

У қўл силтади.

— Бутун иш пачава бўлди. Уни ҳалок қилган ҳам ўзим бўлдим. Матрёнушкам чанада сайр қилишни ўлгу-дай яхши кўрарди, чанани баъзан ўзи ҳайдар эди, пўстинчасини, гул тикилган қўлқопчасини кийиб оларди-да, отларни чуҳ-чуҳлаб қийқиришнигина биларди. Биров кўриб қолмасин деб, биз чанада доим кечқурун сайр қилар эдик. Бир сафар, билсангиз, яхши кун тўғри келиб қолди, кун совуқ, ҳаво очиқ, шамол йўқ эди... биз сайрга чиқиб кетдик. Матрёна тизгинни қўлига олди. У чанани қаёққа ҳайдар экан?— деб қараб борардим. Ийе, чанани Кукуевкага, ўз бекасининг қишлоғи томонга ҳайдаяптими? Чиндан ҳам Кукуевка томонга ҳайдамоқда эди. Мен унга: «Ҳой жинни, қаёққа кетяпсан?»— дедим. У менга елкаси оша қаради-да, кулимсираб қўйди. Бир шўхлик қилай дегандир-да. Э нима бўлса бўлди!..— деб ўйладим. Беканинг уйи ёнидан чанани гириллатиб ҳайдаб ўтишнинг ҳам ўзига яраша гашти борда, а? шундайми?— ўзингиз айтинг. Шундай қилиб, биз чанада кетяпмиз. Йўрғам бедана юриш қилиб бир текисда гизиллаб борар, ён томонда шатакчи отлар, сизга айтсам, бўйинларини гажак қилиб ўйноқлаб боришарди — ана, Кукуевканинг черкови ҳам кўриниб қолди; қарасам, рўпарадан соябонли чана келмоқда, орқа томонида малай қаққайиб туриб олган, денг... Бариня, бариня келяпти! Мен кўрқиб кетдим, Матрёна эса отларни тизгин билан уриб тўппа-тўғри соябонли чана томонга чоптирди. Соябонли чананинг кучери рўпарасидан аллақандай Алхимерэс¹ ўқдай учиб келаётганини кўриб, отининг бошини четга бурмоқчи бўлди, лекин чанасини қаттиқ бурганидан қор тепага уриб агнатиб юборди. Чананинг ойнаси синди, бариня «Вой, вой, вой! Вой, вой, вой!»— деб қичқира бошлади. Компаньонка: «Ушла, ушла!»— деб чийиллади. Биз эса уларнинг ёнидан гизиллаб ўтиб, ура қочдик. Чанамиз учиб борар, мен эса: иш чатоқ бўлди, унинг Кукуевка томонга боришига йўл қўйиб чакки қилдим,— деб ўйлардим. Нима бўлди денг! Қари помещчик хотин Матрёна-ни таниб қолибди, мени ҳам танибди ва қочоқ чўри қи-

¹ Маъноси бузилиб кетган грекча сўз бўлса керак.

зим дворян Каратаевникида турар экан,— деб устимдан ариза берибди, ариза билан бирга яхшигина пора ҳам тутқизибди. Бир куни қарасам, меникига уезд полиция бошлиғи келяпти; у ўзимга таниш киши, Степан Сергеевич Кузовкин, дуруст одам, яъни аслида мазаси йўқ одам эди. У олдимга келди-да, у ёқдан-бу ёқдан гапириб: Петр Петрович, сизга нима бўлди, қандай ишлар қилиб қўйдингиз?.. Жиноятингиз катта, бу тўғрида қонунда нима ёзилганини ҳам яхши биласиз,— деди. Мен унга: «Хўп, бу ҳақда иккимиз, албатта, гаплашиб оламиз, лекин аввал бу ёғидан сўзлашайлик: сиз йўл юриб келдингиз, бироз овқатланиб олмайсизми?»— дедим. Овқатланиб олишга рози бўлса-да: «Аммо адолат текширишни талаб қилади, Петр Петрович, ўзингиз ўйлаб кўринг»,— деди. «Ҳа, албатта, адолат яхши-я, шундайку-я... айтгандай, сизнинг қора отингиз бор деб эшитувдим, уни менинг Лампурдосимга алишмайсизми?.. Чўри қиз Матрёна Федоровна меникида йўқ»,— «Қўйсангиз-чи, Петр Петрович,— деди у,— қиз албатта сизникида, сиз билан биз Швейцарияда яшаётганимиз йўқ-ку ахир... бизга маълум... Лампурдосингизни эса отимга алиштираёқ бўлади, Лампурдосни, балки шундай ҳам олсак бўлар». Мен уни бу сафар бир амаллаб, жўнатиб юбордим. Лекин қари помешчик хотин аввалгидан бадтар орқамга тушди, ўн минг сўмим кетса ҳам майлига,— дебди. Қаранг-а, у бирдан мени ўзининг яшил қўйлакли компаньонкасига уйлантириш хаёлига тушиб қолган экан— мен унинг бу ниятини кейин билиб қолдим, кампир ана шунинг учун жуда аччиқланиб юрган экан. Бу баринялар нималарни ўйлаб топишмайди... Зерикканларидан шундай қилишса керак. Ишим чатоқ бўлди: пулни ҳам аямадим, Матрёнани ҳам яширдим, фойда чиқмади. Ҳар ёққа судрайвериб, мадоримни қуриштиди. Қарзга ботдим, соғлиғимни йўқотдим... Бир куни кечаси ўрнимда ётиб ўйланиб кетдим: «Эй тангрим, мени нега бунча қийнайсан? Уни севмай қўйиш қўлимдан келмаганидан кейин нима қилайин ахир?.. Севмай қўйиш қўлимдан келмайди дедим, келмайди!» Шу дамда бўлмамга тўсатдан Матрёна кириб келди. Бу вақтларда мен уни уйимдан икки чақиримча наридаги хуторимда яшириб юрар эдим. Уни кўриш биланоқ қўрқиб кетдим. «Нима гап? У ердалигингни ҳам билиб қолишдими?» «Йўқ, Петр Петрович,— деди у,— Бубновода мени ҳеч ким безовта

қилаётгани йўқ; энди қачонгача шунақа қилиб юрамиз? Юрагим эзилиб, алам билан тўлиб-тошди, Петр Петрович; айланай, сизга ичим ачиб кетяпти, меҳрибонликларингизни то ўлгунча эсдан чиқармайман, Петр Петрович, лекин энди сиз билан хайрлашгани келдим». «Нима деяпсан, нима деяпсан, жинни?.. Қандай қилиб хайрлашасан? Қандай қилиб хайрлашасан?» «Шундай... тўппа-тўғри бораман-да, ўзимни уларнинг қўлига топшираман». «Ундай бўлса сен жиннини мен чердакка қамаб қўяман... Ёки сен мени нобуд қилмоқчимисан? Мени халок қилишни хоҳлаяпсанми, а?» Қиз индамай, ерга қараб турди. «Қани, айт-чи, гапир!» «Петр Петрович, бундан кейин менинг касримга ташвиш тортишингизни истамайман». Қани энди унга гап уқдириб бўлса... «Нималар қилаётганингни биласанми ўзинг ахир, тентак, биласанми... жинни...»

Петр Петрович шу гапларни айтиб туриб, алам билан ҳўнграб йиғлади.

— Нима бўлди денг,—деб давом этди у,—столга мушти билан уриб ва қошларини чимиришга ҳаракат қилиб (кўз ёшлари унинг қизарган юзларидан ҳамон оқиб турарди)—қиз сирни очиб ўзини уларнинг қўлига топширди...

— Отлар тайёр!—деб тантанали суратда хитоб қилди бекат назоратчиси бўлмага кириб.

Иккаламиз ҳам ўрнимиздан турдик.

— Матрёнага нима бўлди?—деб сўрадим мен.

Қаратаев қўл силтади.

Қаратаев билан учрашганимга бир йил бўлганда, Москвага боришимга тўғри келиб қолди. Бир куни, туш-ки овқат олдидан, Охотний ряд орқасидаги қаҳвахонага—Москванинг ажойиб қаҳвахонасига кирдим. Биллиардхонада буруқсиган тамаки тутуни ичида қипқизарган юзлар, мўйловлар, ҳурпайган сочлар, эски модадаги венгеркалар ва энг янги чиққан святославкалар¹ кўзга чалинарди, оддий сюртук кийган озғин чоллар русча газеталарни ўқиб ўтиришарди. Патнис кўтарган хизматкор кўк гиламлар устидан оёқ учида юриб, ғизиллаб ўтиб турарди. Савдогарлар ниҳоятда берилишиб чойхўрлик қилардилар. Шу пайт биллиардхонадан

¹ Венгерка, святославка—славянларда устки кийимларнинг номлари.

уст-боши бетартиб бир киши гандираклаб чиқиб қолди. У иккала қўлини чўнтагига тикди, бошини қуйи солди ва атрофга аланглаб қаради.

— Во ажабо! Петр Петрович!.. Саломатмисиз?

Петр Петрович сал бўлмаса югуриб келиб, бўйнимдан қучоқлаб олаёзди ва хиёл гандираклаб, мени алоҳида бир кичкина хонага бошлаб кирди.

— Мана бу ерга ўтиринг,— деди у мени меҳрибонлик билан курсига ўтиргизиб,— бу ерга ўтирсангиз яхши бўлади. Ҳой малай, келтир! Пиво эмас, шампанский бер! Ростини айтсам, яна кўришармиз деб ўйламаган эдим, ўйламаган эдим... Қачон келдингиз? Қачон кетасиз? Худонинг етказганини қаранг-а, нима ҳалиги...

— Эсингизда бўлса керак...

— Нега эсимда бўлмасин, нега эсимда бўлмасин,— деб тезгина сўзимни бўлди у,— ўтган ишга салават... ўтган ишга салават...

— Хўш, азизим Петр Петрович, бу ерда нима иш қилиб юрибсиз?

— Кўриб турганингиздек яшаб юрибман. Бу ерда турмуш яхши, бу ердаги одамлар хушчақчақ кишилар. Мен тинчимни шу ерда олдим.

У чуқур нафас олиб, кўзини шипга тикди.

Хизматдамисиз?

— Йўқ, ҳали хизматда эмасман, аммо яқинда хизматга кирсам керак, деб ўйлайман. Хизмати нимаси? Менга одамлар бўлса бас. Бу ерда жуда яхши одамлар билан танишиб олдим!..

Хизматкор бола қора патнисда бир шиша шампанский кўтариб кирди.

— Мана бу ҳам яхши одам... Тўғрими, Вася, сен яхши одамсан-а? Сенинг соғлигингга кўтараман!

Бола бир оз турди, одоб билан бош тебратди, табасум қилди-да, чиқиб кетди.

— Ҳа, бу ердаги одамлар яхши, — деб давом этди у,— ғамхўр, самимий кишилар... Сизни таништириб қўйсам майлими? Шундай яхши йигитлар... Уларнинг ҳаммаси сизни кўриб хурсанд бўлишди. Мен айтаман... Бобровнинг ўлгани ёмон бўлди-да.

— Қайси Бобров?

— Сергей Бобров. Кўп яхши одам эди; мен нодон, саҳройини ёмон кўрарди. Горностаев Пантелей ҳам ўлди. Ҳамма ўлиб кетди, ҳамма!

— Сиз ўша вақтдап бери донм Москвадамисиз?
Қишлоққа бормадингизми?

— Қишлоққа... менинг қишлоғим сотилиб кетган.

— Сотилиб кетган?

— Ким ошди савдоси билан сотилган... Сиз сотиб олмай бекор қилдингиз-да!

— Петр Петрович, энди нима билан тирикчилик қиласиз?

— Э... очимдан ўлмасман, худо берар! Пул бўлмаса, ёр-огайнилар бор-ку. Пул нима деган парса ўзи? Қўлинг кири у¹ Олтин ҳам!

У кўзини қисди, чўнтагидан иккита ўн беш тийинлик ва битта ўн тийинлик тангани топиб кафтига қўйди-да, меппа яқинлаштирди.

— Бу нима? Арзимаган парса-ку! (Тангалар полга тушиб кетди.) Бу гаплардан кўра, яхшиси, менга айтинг, сиз Полежаевнинг шеърини ўқиганмисиз.

— Ўқиганман.

— Мочаловнинг Гамлет ролида ўйнаганини кўрганмисиз?

— Йўқ, кўрган эмасман.

— Кўрмагансиз-да, кўрмагансиз-да... (Шундан кейин Каратаевнинг ранги оқариб, кўзларида безовталиқ пайдо бўлди, у юзини тескари бурди, лаблари секин титради). Оҳ, Мочалов, Мочалов! «Умрни тугатмоқ — уйқуга кетмоқ»,— деди ва паст овоз билан:

Ўлиш... унутилиш. Масала тамом.

Қалбларни уртаган минг-минг ташвишнинг

Занжирин то абад узади ўлим.

Зотан дилнинг азал армони шу-ку.

Ўлмоқ — гафлат ичра ухламоқ демак¹...

— Уйқуга кетмоқ, уйқуга кетмоқ,— деб гурунглади у бир неча марта.

— Бемалол бўлса, менга айтсангиз,— деб гап бошлаган эдим, лекин у яна қизгинлик билан давом этди:

...Киборлар жаҳолатига,

Ҳокимларнинг жабрига, сохта кибрига,

¹ М. Шайхода таржимаси.

Шу мунофиқ муҳитнинг айёрлигига,
Бировларга ҳасрат ҳам қилолмасликка,
Муҳаббатнинг хору зор эзилишига,
Мардликларнинг кўзида ҳар қандай ҳиммат
Анойилик саналиб топталишига,
Бутун бу разолатга ким чидарди, ким?
Ваҳоланки, ханжарнинг битта зарбаси
Бу мужмал тугунларни кўп осон...
О... гуноҳларимга
Ўз дуонгда кечирим тила, эй пари.

Шундан кейин боши шилқ этиб стол устига тушди.
У дудуқланиб, ёлғон гапира бошлади.
«Фақат бир ой ўтар-ўтмас!» деди у яна ҳам баланд-
роқ овоз билан:

Ҳа, ҳа, бир ой ўтмасдан! Тобут кетидан —
Борганимда оёққа кийган бошмоғи
Ҳали ҳам бутун...
Онгсиз ҳайвон эр учун шунча шошилмас...¹

У шампанский қуйилган рюмкани лабига яқинлаш-
тирди, лекин ичмай шеър ўқишни давом эттирди:

Гекуба учун эмиш!
Гекубага бу кимдир?
Е Гекуба бунга ким?
Аммо бу-чи, нолийди шунча юракдан.
Агар менинг дардларим бўлсайди унда,
Не-не мудҳиш тўфонлар ёғдирарди ул?
А — мен-чи... Аяч, анқов маҳлуқман, дайди сарсари,
Уйқу аро юраман. Бекорчи, танбал.
Ёки мен қўрқоқманми? Кимда журъат бор?
Мени бебурд ёлғончи атайдиларми?
Ким бу ишга ишқибоз? Дадил сўйласин?
Ҳаммасига ҳўб дея тилхат бераман,
Чунки менинг жигарим — камтар жигарим,
Чунки йўқ жигаримда сафро-ю зарда...

¹ М. Шайхзода таржимаси.

Қаратаев рюмкани тушириб юбориб, бошини чапгаллади. Мен унинг хаёлидан ўтган нарсани англагандек бўлдим.

— Хайр,— деди у ниҳоят,— ўтган ишга салавот Тўғрими? (Шу гапни айтди-да, кулиб юборди.) Сизнинг соғлиғингизга!

— Сиз Москвада туриб қоласизми?— деб сўрадим ундан.

— Москвадан ўлигим кетса кетадики, тиригим кетмайди!

— Қаратаев!— деган овоз келди қўшни бўлмадан.— Қаратаев, қаердасан? Бу ёққа кел, азизим!

— Мени чақиришяпти,— деди у, жойидан аранг туриб.— Хайр, вақт топсангиз, меникига кириб чиқинг, мен***да тураман.

Лекин кутилмаган сабаблар билан эртасигаёқ Москвадан жўнаб кетдим ва шундан кейин Петр Петрович Қаратаевни сира кўрмадим.

Мен ёзда, сентябрь оyi ўрталарида қайинзорда ўтирган эдим. Эрталабданоқ майда ёмғир гоҳ ёғиб, гоҳ тиниб турар, ёмғир тинган пайтларда қуёш илиқ нурини сочар эди; об-ҳаво бир қиёмда эмасди. Бутун осмонни гоҳ майини оқ булутлар қоплаб олар, гоҳ бирдан қора булутлар тарқалиб кўк юзининг баъзи жойлари бир лаҳзагина очилиб қолар эди, шунда булутлар орасидан тиниқ ва меҳрибон мовий осмон чиройли шаҳло кўздек норлаб кўринарди. Мен ўтириб атрофга назар ташлар ва қулоқ солар эдим. Тепамдаги япроқлар аста-секин шитирларди; йилнинг бу фасли қандайлигини шу япроқларнинг шитирлашидан ҳам билса бўлар эди. Бу — баҳорнинг қувноқ, кулиб турувчи нағмаси ҳам эмасди, оҳистагина шивирлаш ҳам эмасди, ёзнинг узоқ давом қилувчи садоси ҳам эмасди, кеч кузнинг қўрқа-пуса совуққина бидирлаши ҳам эмасди, балки, зўрға эшитиладиган, мудроқ бостирадиган шивирлаш эди. Дарахт учларида енгил шабада ўйнарди. Ёмғирдан ҳўл бўлган қайинзорнинг ичи қуёшнинг нур сочиб турган-турмаганлигига, яъни булутларнинг қуёш юзини тўсиб олган-олмаганлигига қараб, доим ҳар хил рангга кириб турарди; баъзан ундаги нарсалар бирдан табассум қилгандек, қайинзор ёришиб кетарди: унча қалин ўсмаган қайинларнинг нозиқ танаси тўсатдан оқ шоҳи сингари товланарди, ерда ётган майда япроқлар ранг-баранг тусга кириб, қип-қизил олтиндай жилваланарди, ғарқ пишган ўзуминикига ўхшаш кузги рангига кирган кунгираддор ўсиқ отқулоқларнинг чиройли поялари эса, бир-бири

срасига ўтиб, айқаш-чайқаш бўлиб кўринар эди, қайинзорнинг ичи гоҳ бирданига яна мовий, кўкиш тусга кирарди: ёрқин ранглар сўнар, қайин дарахтлари эндигина ёгган ва қиш қуёшининг совуқ нурларини эмиб улгурмаган қордек оқариб турар, ялтирамас эди; шундай пайтда қайинзорга писмиқлик билан шитирлаб жуда майда ёмғир томчилай бошлар эди. Қайинларнинг деярли ҳамма япроқлари анча оқариб қолган эса-да, лекин ҳали кўк рангда эди; дарахтларнинг у ер-бу ерида биттагина қип-қизил ёки сап-сарик ёш япроқ бўлиб, у кумушдек ёмғир томчилари ҳозиргина ювиб тозалалаган қалин, майда шохлар орасидан ўтиб кирган қуёш нурида ялтирарди. Ҳеч бир қуш овози эшитилмасди: ҳамма қушлар инларига кириб, сукунатга кирган эди, аҳён-аҳёнда читтакининг ўткир, кулгили овози эшитиларди, холос. Бу қайинзорда тўхташимдан олдин итим билан бирга тоғ теракзоридан ўтдим. Очигини айтсам, мен очнапармон танали, кул ранг-кўк тусли, ялтироқ баргли бу дарахтни — тоғ терагини унча ёқтирмайман, унинг япроқлари жуда баландда елпиғичдай ёйилиб туради, мен унинг узун бандларига беўхшов илиниб турган исқирт, юмалоқ япроқларининг ҳадеб тебранаверишини ёмон кўраман. Тоғ тераги ёз кунларининг баъзи бир кечки пайтидагина, яъни пастак бутазорда бир ўзи баланд қад кўтариб, ботаётган қуёшнинг қип-қизил нурларига тўш бериб бошдан-оёқ бир хил тўқ-сарик рангда ялтираб ва тебраниб турган чоғидагина, ёки ҳаво очиқ, шамолли кунда мовий осмонда ҳар ёнга силкиниб, гувиллаб овоз чиқарганида ва шу силкинишда ҳар қайси япроғи бандидан узилиб узоқларга учиб кетгудек бўлиб тургандагина чиройли кўринади, холос. Шундай бўлса ҳам, бу дарахтни умуман ёқтирмайман, шу сабабли тоғ теракзорида дам олмай, қайинзорга келдим, анча паст жойидан ер бағирлаб шохлаган, демак, мени ёмғирдан пана қила оладиган бир дарахт тагига бориб ётдим-да, теварак-атрофни томоша қилиб, тинч ва ширин уйқуга кетдимки, бу уйқунинг роҳатини фақат овчилар билади.

Қанча вақт ухлаганимни билмайман, лекин кўзимни очганимда қуёш нури қайинзорни ёритиб турарди, қай томонга қарамайин шодиёна шитирловчи япроқлар орасидан тиниқ, мовий осмон кўринар ва товланиб тургандай туюлар эди; шўх шамол булутларни ҳар ёққа ҳайдаб юборган, ҳаво тозаланган эди, бу ҳавода дилга алла-

қандай қувват бахш этувчи, кундузги ёмғирдан кейин кечқурунги пайтнинг шамолсиз ва булутсиз бўлишидан деярли ҳамиша далолат берувчи ўзига хос мусаффолик сезилар эди. Мен эндигина ўрнимдан турмоқчи ва бахтимни яна синаб кўрмоқчи бўлиб турганимда, қимирламай ўтирган бир одамни кўриб қолдим. Яхшироқ қарадим: у ёш бир деҳқон қиз эди. У ўйчанлик билан бошини қуйи солиб, икки қўлини тиззасига қўйганча, мендан йигирма қадамча нарида ўтирарди; тирсагигача шимарилган қўлида бир даста дала гули бўлиб, ҳар бир нафас олишида гул унинг катак юбкаси устида секингина сирғанар эди. Ёқа ва енг тугмалари солиғлиқ тоза оқ кўйлаги гавдасига майин бурмача-бурмача бўлиб ёпишиб турарди; бўйнидаги йирик донали икки тизим сариқ маржони кўкрагига тушиб турарди. У чиройлиқкина эди. Силлиқ таралган ғоят гўзал, қуюқ, сарғиш-кул ранг сочлари оппоқ пешонаси устидаги қизил пешонабоғи остидан ярим доира шаклида икки томонга ёйилиб ётарди, юзининг қолган қисми офтобда нафис баданга хос бўлган анор тусини олган эди. Мен кўзларини кўра олмадим, чунки у кўзларини ердан олмасди; лекин нигишча, баланд қошларини, узун киприкларини барала кўриб турардим: киприклари ҳўл эди, сал оқарган лабларига-ча оқиб тушган кўз ёшларининг қуриган изи бир ёноғида офтобда ялтирарди. Унинг кичкинагина боши жуда чиройли, бир оз йўғонроқ ва юмалоқроқ бурни унинг ҳуснини бузмаган эди. Менга унинг айниқса чехраси ёқди: бу чехрада ниҳоятда софдиллилик ва беозорлик, ниҳоятда ғамгинлик ва ўз қайғу-аламининг маъносини тушуна олмай, болаларча ҳайрон бўлиш кўринарди. Афтидан, у бировни кутмоқда эди; ўрмонда бир нарса секингина қисирлади: қиз дарров бошини кўтариб, орқасига ўгирилиб қаради; юпқа-тиниқ сояда катта, ёруғ ва хуркак оҳу кўзлари «ялт» этиб кетди. У катта очилган кўзларини қисирлаган товуш келган жойдан узмай, бир неча лаҳза қулоқ солиб турди, уҳ тортди, бошини секингина буриб, аввалгидан ҳам қуйи солди ва қўлидаги гулларни астагина хилларга ажрата бошлади. Қовоқларни қизарди, лаблари алам билан бурилди, қуюқ киприклари остидан яна бир ёш томчиси юмалаб, ёноғида тўхтади ва нур таратиб ярқиради. Шу зайилда анча вақт ўтди; бечора қиз қимирламай ўтирар, ҳар замонда ғамгинлик билан қўлларини қимирлатиб, ҳадеб қулоқ со-

лар эди... Ўрмонда яна алланарса шитирлади, қиз чўчиб тушди. Шитирлаган товуш тўхтамай, тобора қаттиқроқ эшитила бошлади, ниҳоят, шахдам-шахдам ташланган оёқ товушлари эшитилди. Қиз қоматини ростлади ва қўрқиб кетгандек бўлди, у типирчилаб, интизорлик билан қараб турди. Қалин ўсган дарахтлар орасида эркак кишининг тез юриб келаётгани кўринди. Қиз тикилиб қаради, қизариб кетди, хурсандлиги ва қувончи ичига сиғмай, табассум қилди, ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, лекин яна дарров бошини қуйи солди, ранги оқарди, уялди, келган киши ўз ёнида тўхтаган вақтидагина, қиз унга юраги пўкиллаб туриб, ёлборувчи кўз билан қаради.

Мен бу кишини пистирмамдан қизиқсиниб кузата бошладим. Тўғриси айтсам, у табиатимга ўтирмади. Бутун қиёфаси унинг ёш, бадавлат бир бариннинг эрка камердинери эканлигидан дарак берарди. Кийим-боши лидсизлигини ва бемаъни олифталлигини кўрсатиб турарди: эғнида тугмалари ёқасигача солинган бронза тусли калтагина пальто (бариннинг эски пальтоси бўлса керак), бўйнида учлари бинафша ранг пушти галстукча ва зарҳал жиякли қора бахмал картуз бор эди, қартузини қоши устига бостириб кийиб олган эди. Оқ кўйлагининг кичкина чамбарак ёқалари қулоқларига тиралиб, юзини қийиб оғритар, крахмалланган енг учлари эса қўлини фируза кўзли кумуш ва тилла узуклар тақилган қизил ва қийшиқ бармоқларигача бекитиб турар эди. Унинг қизил, тоза, шарм-ҳаёсиз юзи, менимча, деярли эркакларнинг ғашини келтирадиган ва афсуски, жуда кўп вақт хотин-қизларга ёқадиغان юзлардан эди. У ўзининг хунуқроқ башарасини бир нарсадан жиркангансимон ва зериккансимон қилиб кўрсатишга урингандай эди, у кичкинагина ёқимсиз сут ранг, кўк кўзларини тўхтовсиз қисар, афтини буриштирар, лабини қийшайтирар, атайлаб эснар ва олифтагарчилик учун гажак қилиб қўйган сариқ чакка соқолларини қўли билан такаллуфсиз ва қўпол бир йўсинда одобсизларча тузатиб қўяр, ёки қалин устки лабидаги диккайиб турган сариқ тукларини юлар — хуллас, ўзини жуда ҳам тарозига солар эди. У кутиб ўтирган ёш деҳқон қизни кўриши биланоқ ўзига бино қўя бошлади: қизнинг яқинига лапанглаб, битта-битта юриб келди, бир оз тикка турди, елкаларини учирди, икки қўлини пальтосининг икки чўнатагига тикди-да, қиз бечорага илтифотсиз назар ташлаб, ерга ўтирди.

— Нима, бу ерга келганингга кўп бўлдими?— деб гап бошлади у, ҳамон аллақаяёққа қараб, оёғини ликиллатиб ва эснаб.

Қиз унга дарров жавоб бермади. Хийла вақтдан кейин эшитилар-эшитилмас қилиб:

— Кўп бўлди, Виктор Александрич,— деди.

— А! (У бошидан картузини олди, пешонасини қосининг қарийб устигача қоплаб ётган қуюқ, жингалак сочини савлат билан силади ва атрофга виқор билан қараб, картузини яна қимматли бошига кийди.) Мен эса бутунлай унутиб қўйибман. Ёмғирни айтмайсанми! (У яна эснади.) Бош қашлашга ҳам қўл тегмайди: ҳаммасига бирдан кўз-қулоқ бўлиб туриб бўлмайди, боз устига унинг сўкингани ортиқча. Биз эртага жўнаб кетяпмиз...

— Эртага?— деди қиз ва қўрқиб унга қаради.

— Эртага... Бўлди, бўлди, бас қил,— деди у қизнинг ғоят ҳаяжонланганини ва бошини секин қўйи солганини кўриб, шоша-пиша ва диққат бўлиб,— Акулина, марҳамат қилиб, йиғингни қўй. Ўзинг биласан-ку, йиғига тоқатим йўқ. (Шу гапни айтиб туриб, у тўмтоқ бурнини буруштирди.) Бўлмаса ҳозир кетаман. Бу қандай бемаънилик, обидийда қилишингни қара-ю!

— Хўп йиғламайман, йиғламайман,— деди шошиб Акулина, ўзини йиғидан зўрға тўхтатиб.— Шундай қилиб, сиз эртага кетар экансиз-да?— деб илова қилди қиз бир оз жим турганидан кейин.— Худойим бизни яна қачон кўриштираркин, Виктор Александрич?

— Кўришамиз, кўришамиз. Келаси йил кўришмасак, ундан кейинги йилларда кўришиб қолармиз. Барин Петербургга бориб хизмат қилишни хоҳлаётганга ўхшайди,— деб давом этди у, эътиборсизлик билан, пинғиллаб,— балки, ҳатто чет элларга жўнармиз.

— Сиз мени эсингиздан чиқариб юборасиз, Виктор Александрич,— деди хафалик билан Акулина.

— Йўқ, нега эсимдан чиқарай? Мен сени унутмайман: лекин сен эсингни йиғ, аҳмоқлик қилма, отангнинг измидан чиқма... Мен эса сени унутмайман, йў...қ. (Шу сўзларни айтиб, у бамайлихотир керишди ва яна эснади.)

— Мени эсдан чиқарманг, Виктор Александрич,— деб давом этди Акулина ёлборувчи овоз билан.— Сизни қанчалар севардим, бутун борлигимни сиз учун... Сиз

менга отагининг измидан чиқма, деб тайинлаяпсиз, Виктор Александрич... Энди отамнинг измидан чиқмайдиган ерим қолдим...

— Нима қипти? (У бу сўзларни иккала қўлини боши остига қўйиб, чалқанча ётган ҳолда талаффуз қилди, овози қорнидан чиқаётгандай туюлди.)

— Тўғри-да, Виктор Александрич, сабаби ўзингизга маълум...

Акулина жим бўлди. Виктор соатининг пўлат занжирини бир оз ўйнаб ётди.

— Сен, Акулина, эсли қизсан,— деди у ниҳоят,— шунинг учун бўлмаган гапларни йиғиштириб қўй. Мен сенинг фойдангни кўзлаяпман, тушуняпсанми нима деётганимни? Албатта, сен аҳмоқ қиз эмассан, яъни унчалик қўпол, тарбиясиз қишлоқи қиз эмассан, онангининг ҳам қўпол, тарбиясиз қишлоқи хотинлиги баъзи вақтларда билинмас эди. Шундай бўлса ҳам сен ўқимаган қизсан — демак, биров сенга гапирганида қулоқ солишинг керак.

— Қўрқиб кетяпман, Виктор Александрич.

— Ие-ие, севиқлим, беҳуда гапингни қўй: ўшандан ҳам қўрқадими киши! Қўлингдаги нима,— деб илова қилди у, қизга яқинроқ силжиб,— гулми?

— Гул,— деб маъюсона жавоб берди Акулина.— Мана бу узган гулим дала рябинаси, бузоқлар севиб ейди,— деб давом этди у бирмунча жонланиб.— Мана буниси ит тиканак — ширинча касалига даво бўладиган шифобахш гул. Мана, бир қаранг, қандай чиройли гул-а, бундай ажойиб гулни бино бўлиб сира кўрмаган эдим. Мана булар бўтакўз, буниси маткина-душка... мана бу гулни эса сиз учун уздим, хоҳлайсизми?— деб қўшиб қўйди қиз, ингичкагина бир кўкат билан боғланган кўм-кўк бўтакўз гулдастасини сариқ рябиналар тагидан олиб.

Виктор истар-истамас қўл узатиб, гулни олди, такаллуфсиз ҳидлади ва такаббуруна ўйчанлик билан осмонга қараб туриб, гулни қўлида айлантира бошлади. Акулина Викторга қаради... Қизнинг ҳазин қарашида гоят кучли вафо, ҳурмат билан тўла итоаткорлик ва сеvgи бор эди. Қиз ундан қўрқар эди ҳам, йиғлашга ботина олмас эди ҳам: қиз у билан энг сўнгги марта кўришмоқда ва энг сўнгги марта хайрлашмоқда эди, у эса хонлардек узала тушиб тарвайиб ётиб, қизнинг ота-

ипин севгисини мағрурона чидам билан жавобсиз қолдирмоқда эди. Тўғриси айтсам, мен Викторнинг қизил юзига гижириб қараб турдим, унинг юзида ёлғондакам нафратомуз лоқайдлик аралаш шодиёна кеккайиш бор эди. Акулина шу дамда жуда гўзал эди; юрагидаги ҳамма дардларини унга ишонч билан, эҳтирос билан изҳор қилмоқда, унга интилмоқда эди, у эса... у бўтакўз боғламини кўкат устига тушириб юборди, пальтосининг ён чўнтагидан бронза гардишли юмалоқ шишача олиб, кўзига қистира бошлади, у юзини ва ҳатто бурнини юқорига кўтариб, тирнштириб, қовоқларини бир-бирига жипслаштириб, шишачани кўзида қисиб турншга ҳар қанча уринса ҳам бўлмас, шишача қўлига тушиб кетар эди.

— Бу нима?— сўради, ниҳоят, ҳайратда қолган Акулина.

— Лорнет,— деб жавоб қайтарди Виктор кибр билан.

— Нимага керак бўлади?

— Яхшироқ кўриш учун.

— Бир кўрсатинг-чи.

Виктор афтини бужмайтирди, лекин Акулинага шишачани берди.

— Синдириб қўйма, эҳтиёт бўл.

— Қўрқманг, синдириб қўймайман. (Акулина шишачани қўрқибгина кўзига тутди.) Ҳеч нарса кўрмаяпман,— деди оқ кўнгиллик билан.

— Кўзингни қисгин-да, ахир,— деди Виктор порози насиҳатгўй овози билан. (Акулина шишача тутиб турган кўзини қисди.) — Унисини эмас, тентак, унисини эмас! Бунисини қисгин!— деб хитоб қилди Виктор ва Акулинанинг ўз хатосини тузатишига имкон бермай, лорнетни унинг қўлидан тортиб олди.

Акулина қизариб кетди, енгилгина кулиб, тескари қаради.

— Бизга тўғри келмас экан,— деди.

— Албатта-да.

Бечора қиз бир оз жим турди-да, хўрсиниб пафас олди.

— Оҳ, Виктор Александрич, сизсиз бизнинг ҳолимиз нима кечаркин,— деди Акулина тўсатдан.

Виктор лорнетини этагига артиб, яна чўнтагига солиб қўйди.

— Ҳа, ҳа,— деди у ниҳоят,— рост, аввал бир оз қийналасан. (У эркалатган бўлиб Акулинанинг елкасига уриб қўйди. Акулина унинг қўлини ўз елкасидан астагина олди ва қўрқибгина ўпди.) Рост, рост, сен ҳақиқатан яхши қизсан,— деб давом этди у, мағрурона илжайиб,— аммо начора? Ўзинг ўйлаб кўргин! Барин билан мен бу ерда қола олмаймиз; қиш яқинлашиб қолди, қиш вақтида эса қишлоқ ўлгундай хунук, зериктирадиган бўлиши ўзингга маълум. Петербург буткул бошқа жой! У ерда шундай ажойиб ва ғаройиб нарсалар борки, сен аҳмоқ уларни тушингда ҳам кўра олмайсан. Шунақангги данғиллама уйлар, кўчалар борки, улфатларни, илм-маърифатни айтмайсанми — кўриб ёқангни ушлаб қоласан!.. (Акулина ёш боладек анқайиб туриб, унинг сўзларини бутун вужуди билан тингларди.) Э, дарвоқе,— деб илова қилди у, бир ёнига ағнаб,— бу гапларни сенга нима учун гапириб ўтирибман? Сен барибир тушунмайсан-ку.

— Нега тушунмайин, Виктор Александрич? Тушундим, ҳаммасини ҳам тушундим.

— Оббо, сен-эй!

Акулина ерга қаради.

— Виктор Александрич, сиз илгари мен билан бунақа гаплашмас эдингиз,— деди у, кўзини ердан олмай.

— Илгари?.. Илгари! Оббо сен-эй!.. Илгари эмиш-а!— деди Виктор, аччиғлангандек бўлиб.

Уларнинг икковлари ҳам бир оз вақт сўзсиз қолишди.

— Айтмоқчи, энди менинг кетишим керак,— деди Виктор ва ўрнидан туриш учун тирсагини ерга тиради, бироқ...

— Тағин жиндаккпна тўхтанг,— деди Акулина ёлбурвчи овоз билан.

— Яна нима гап? Мен сен билан хайрлашиб бўлдим-ку.

— Жиндак тўхтанг,— деб такрорлади Акулина.

Виктор яна чўзилиб ётиб, ҳуштак чала бошлади. Акулина ҳамон ундан кўзини узмас эди. Мен Акулинанинг аста-секин асабийлашаётганини пайқадим: унинг лаблари қалтиради, қонсиз юзлари қизарди...

— Виктор Александрич,— деди у, ниҳоят, титроқ овоз билан,— сизга гуноҳ бўлади... сизга гуноҳ бўлади. Виктор Александрич, азбаройи худо, гуноҳ!

— Гуноҳ деганинг нимаси?— деб сўради у ва қоши-ни чимириб, бошини сал кўтариб Акулинага қаради.

— Гуноҳ, Виктор Александрич. Хайрлашиш олдида менга ҳеч бўлмаса биргина яхши гап айтсангиз бўларди, мен бахти қарога ақалли бир сўз билан далда берсангиз бўлар эди...

— Нима дейин ахир?

— Мен билмайман: нима дейишингизни ўзингиз яхшироқ биласиз, Виктор Александрич. Мана, сиз кетяпсиз, лекин бир оғиз ҳам гапирмаяпсиз... Менинг айбим нима эди?

— Сен жудаям ғалати экансан-ку. Мен нима қилай ахир?

— Ақалли бир оғизгина, бир нарса денг...

— Битта гапни ушлаб олиб, ҳадеб қайтаверар экансан-да,— деди Виктор диққат бўлиб ва ўрнидан турди.

— Аччиғланманг, Виктор Александрич,— шошиб-пишиб қўшиб қўйди Акулина, йиғидан ўзини зўрға тўтатиб.

— Аччиғланганим йўқ, лекин сен тентаклик қиялсан... Муддаонг нима ўзи? Ахир мен сенга уйлана олмайман-ку, шундайми? Уйлана олмайман-ку, а? Шундай бўлганидан кейин мендан яна нима истайсан? Нима? (У, жавоб кутгандек бўлиб, юзини Акулинага яқинлаштирди ва бармоқларини ёзди.)

— Ҳеч нарса истамайман... ҳеч нарса,— деб жавоб қайтарди Акулина дудуқланиб ва титраган қўлларини унга қўрқа-пуса узатиб,— хайрлашиш учун ақалли бир оғизгина ширин гап айтсангиз дейман холос...

Унинг кўзларидан маржон-маржон ёш қуйилди.

— Ола-а... Яна йиғини бошлади-ку,— деди совуққонлик билан Виктор, картузини орқасидан кўзигача тушириб.

— Мен ҳеч нарса истамайман,— деб давом этди Акулина, икки қўли билан юзини бекитгани ҳолда пиқиллаб йиғлаб,— энди уйимиздагилар менга нима дейишади, аҳволим нима бўлади? Мен муштипар энди нима қиламан? Шўрлик бошимга энди не савдолар тушаркин? Энди мен ғарибни кўнглимга ёқмайдиган кишига эрга бериб юборишади... Пешонам бунчаям шўр экан-а!

— Сайра, сайра, армонинг қолмасин,— деб пичирлади Виктор, оғирлигини гоҳ ўнг, гоҳ чап оёғига солиб.

— Бир огизгина ширин гап кимни ўлдирибди. Хеч бўлмаса: Акулина мен...

У ўпкаси тўлиб, бирдан ҳўнграб юборганидан сўзини охирига етказолмади, кўкатлар устига юз тубан йиқилди ва ўксиб-ўксиб йиғлай бошлади... Унинг бутун вужуди изтироб ичида титрар, энтикишдан энсаси тез-тез кўтарилиб турар эди... Кўпдан бери ичига ютиб келган қайғу-аламлари охири дарёдай тошиб чиққан эди. Виктор унинг ёнида бирмунча вақт тик турди, таажжублангандек бўлиб елкаларини қисди ва бурилиб, катта-катта қадам ташлаб жўнаб кетди.

Бир неча дақиқа ўтди... Акулина йиғидан тўхтади, бошини кўтарди, сапчиб ўрнидан турди, орқасига ўгирилиб қараганича чапак чалиб қолди. Викторнинг орқасидан чопиб бормоқчи бўлди-ю, лекин оёқлари бўшашиб, чўккалаб ўтириб қолди... Мен тоқат қилиб туролмай, Акулина олдига югурдим; аммо у менга бир тикилиб қарар-қарамас, аллақандай ногаҳоний куч пайдо қилди-да, секингина қичқириб ўрнидан турди ва ерда сочилиб ётган дала гулларини қолдириб, дарахтлар орқасига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

Мен бир оз турдим, кейин бўтакўз гулдастасини ердан олиб, қайинзордан далага чиқдим. Қуёш оқиш-тиник осмонда уфққа ёнбошлаган эди, унинг нурлари ҳам хираланиб ва совуб қолгандек туюларди. Қуёш нури йилтилламасди, ҳар томонга бир текис, оқиш рангда тарқалмоқда эди. Кеч киришига кўпи билан ярим соат қолган бўлса-да, шафақ эндигина қизариб кўринмоқда эди. Ўриб олинган экиннинг илдизлари сарғайиб, қуриб ётган бугдойпоя орқали мен томонга кучли шамол эсмоқда; қуриб қовжираган япроқчалар бугдойпоя олдида тез юқорига кўтарилиб, йўл орқали қайинзор чети бўйлаб ёнимдан учиб ўтарди; қайинзорнинг далага қараган қалин томони ярқираб кўринмаса ҳам, лекин сезиларли даражада тебраниб, жилваланиб турарди; қизғиш кўкатлар, хас-чўплар, похоллар устида, ҳамма жойда сон-саноқсиз кузги мезонлар иланг-биланг бўлиб ялтираб ётарди. Мен тўхтадим... Кўнглим ғаш бўлди; сўлиб бораётган табиатнинг тоза ва лекин ғамли табасуми орасида яқинлашиб қолган қишнинг ҳазин қўрқуси мўралаб тургандай эди. Тепамдан, баланддан аста қанот қоқиб эҳтиёткор қарға учиб ўтди, бошини ўгириб, кўз қири билан менга қаради, юқорига кўтарилди ва

«қағ-қағ»» деб, ұрмон орқасыда кўздан ғойиб бўлди; бир гала каптар хирмондан ғув этиб учиб келди-да, бирдан парвонадек айланиб даланинг турли жойига қўнди — бу кузнинг нишонаси эди! Аллаким бўш тележкасини шалдиратиб, яланг тепа орқасидан ўтди...

Мен уйга қайтиб келдим, лекин бечора Акулинанинг сиймоси узоқ вақт хаёлимдан кетмади, мен унинг алла-қачон сўлиб қолган бўтакўзларини ҳанузгача сақлаб юраман...

Ов сафарларимдап бирида бадавлат помешчик ва овчи Александр Михайлич Г***никига зиёфатга таклиф қилиндим. Унинг қишлоғи ўша топда мен истиқомат қилиб турган кичик бир қишлоқдан беш чақиримча нарида эди. Мен фрак кийиб, Александр Михайличникига жўнадим, фраксиз ҳатто овга чиқишни ҳам ҳеч кимга маслаҳат бермайман. Зиёфат соат олтига тайинланган эди, мен соат бешда етиб бордим. Александр Михайличнинг уйида мундирли, оддий кийимли ва яна бошқа хил кийимли жуда кўп дворянлар йиғилган экан. Уй эгаси мени дилкашлик билан кутиб олди, лекин шу замониёқ официантхонага чопиб кетди. У жамиятнинг юқори табақалари ўртасида нуфузи баланд ва мол-дунёси кўп киши бўлишига қарамай, катта бир амалдорни негадир сабрсизлик билан кутмоқда эди. Александр Михайлич ҳеч уйланмаган, хотинларни ёмон кўрарди, улфатлари бўйдоқлар эди. Маишати яхши, ота-бобосидан қолган данғиллама уйларни кенгайтириш ва шинам қилиб безатиш билан шуғулланар эди; ҳар йили Москвадан қарийб ўн беш минг сўмлик вино олдириб келар ва умуман ниҳоятда ҳурмати зўр одам эди. Александр Михайлич аллақачон истеъфога чиққан ва ҳеч қандай юқори мансабга интилмаган... Лекин катта амалдорни меҳмонга чақиришга ва тантанали зиёфат кунида эрталабдан бошлаб ҳовлиқиб юришга уни нима мажбур қилди экан? Бу нарса қоронғи. Менинг суд маҳкамасида мирзозлик қилувчи бир танишим ҳам, сен ҳимматли кишилар-

дан пора оласанми, деб берилган саволга худди шу тарзда жавоб қиларди.

Уй эгаси олдимдан кетгандан кейин хоналарни кезиб айланиб юра бошладим. Деярли аксари меҳмонлар менга таниш эмасди; йигирматача одам давра қуриб қарта ўйнаб ўтирарди. Бу преферанс ишқибозлари орасида: юзлари нуроний, лекин бир қадар сўлишган иккита ҳарбий, галстукларини нақ томоқларининг остидан сиқиб боғлаган, бўялган мўйловлари пастга осилган бир неча гайри ҳарбий кишилар (одатда чўрткесар ва лекин яхши ниятли кишиларгина шу тарзда мўйлов қўяди) бор эди (бу яхши ниятли кишилар жиддий қиёфада қарталарни терар ва ёнларига яқинлашганларга юзларини ўгирмай, кўз қири билан қараб қўяр эдилар); қоринлари қаппайган, дўмбоқ қўллари доим терлайдиган, оёқлари калтабақай беш-олтита уезд чиновниклари ҳам шу ерда ўтиришарди (бу жаноблар майин овоз билан сўзлар, ҳар томонга қараб мулоҳим табассум қилар, ўз қарталарини пиякларига теккизгудай бўлиб ушлаб турар ва козирини кўк мовут қопланган стол устига шапиллатиб ташламай, қўлларидан тушириб юборгандай қилиб секингина ташлардилар ва тегиншли ютуқни столдан йиғиштириб олаётиб, ниҳоятда зўр одоб ва ийманиш билан астагина шивирлаб қўярдилар.) Бошқа дворянлар диванларда ўтиришар, эшик ва деразалар ёнида тўдалашиб туришар эди; ёши қайтиб қолган, ташқи кўринишидан хотинчалиш бўлган бир помешчик ҳеч ким эътибор бермасида, бурчакда титраб, қизариб турар ва хижолат чекиб кўкрак соатини қорнига ишқаб ўйнардди; москвалик машиначи, цех мастери Фирс Ключин тиккан катак чолворли ва юмалоқ фракли баъзи жаноблар тепакал, ёғли, ялтироқ бошларини у ёқ-бу ёққа бемалол ўгириб, қаттиқ овоз билан шалоқ гапларни гаплашиб ўтиришарди; бошдан-оёқ қора либос кийган, йигирма ёшларга борган, ранги сириқ, хира кўзли ёш йигит тортинаётгандай кўринса-да, лекин заҳарханда қилиб куларди.

Сал зерика бошладим, бироқ тўсатдан менга Войницин деган чала мулла бир ёш йигит учраб қолди, бу йигит Александр Михайличникида кун кўрарди, аммо қандай лавозимдалигини аниқ айтиш... қийин. У яхши мерган бўлиб, итларни овга ўргатишни биларди. Мен уни Москваданоқ билардим. У ҳар қандай имтиҳон вақтида «оғзига талқон солиб оладиган», яъни профессор-

нинг битта ҳам саволига жавоб қайтармай, серрайиб турадиган ёшлардан эди. Бу жанобларни чиройли сўз билан гажжакдорлар деб ҳам аташарди. (Кўриб турибсизки, бу гаплар аллақачонги ўтмиш кунларга доир.) «Оғизга талқон солиб серрайиб туриш» мана бундай бўларди: масалан, Войницин чақириларди. Шу пайтгача ўз ўрнида қора терга ботиб, меровга ўхшаб тева-рак-атрофига секин қараб ўтирган Войницин ўрнидан турарди-да, апил-тапил вицмундирининг ҳамма тугмасини солиб, имтиҳон олувчининг столи олди-га ёни билан юриб борар эди. «Билет олинг»,— дея-рди унга профессор мулойим овоз билан. Войницин қўлини уза-тиб, қалтираганича бир тўп билетни бармоқлари билан таталай бошларди. «Танламасдан олинг»,— деб хирқироқ овоз билан танбеҳ қиларди шўрлик гажжакдорни бир кўришдаёқ ёқтирмай қўйган қандайдир бегона, сср-зарда бир чол — ўзга факультетининг профессори. Войницин тақдирига тан бериб билетни олар, номерини кўрсатар ва ўзидан аввалги шериги ўз билетидаги саволга жавоб бериб бўлгунча, дераза ёнига бориб ўтирар эди. Войницин дераза ёнида ўтирганида аҳён-аҳёнда тева-рак-атрофга аста-секин кўз қирини ташлаб қўярди-да, билетга тикилганча қимир этмай ўтирарди. Мана, шериги имтиҳон бериб бўлди. Имтиҳон олувчилар унинг жавобларига, қобилиятига қараб: «Яхши, боринг», ёки ҳатто: «Яхши, жуда яхши»— дейдилар. Энди Войницинни чақиришади; Войницин ўрнидан туриб, шахдам қадамлар билан стол олди-га яқинлашади. «Билетингизни ўқинг»— дейишади унга. Войницин билетни икки қўли билан ушлаб туриб бурнига яқин келтиради, секин ўқийди ва қўлини секин туширади. «Қани, саволга жавоб беринг»,— дейди ҳафсаласизлик билан ҳалиги профессор, гавдасини орқага ташлаб ва қўлларини кўкрагига қовуштириб. Ҳамма жим бўлиб қолади. «Ҳа, нега индамай турибсиз?» Войницин чурқ этмайди. Бегона чол профессорнинг гаши кела бошлайди. «Бирор нарса деса-нгизчи!» Войницинимиздан садо чиқмайди. Ўртоқлари унинг қоққан қозиқдай қимир этмай қаққайиб турган, сочи олинган бошини ажабланиб орқа томондан томоша қилиб турадилар. Бегона чол профессорнинг кўзлари қинидан чиқиб кетай дейди. Энди у Войницинни жуда ҳам ёмон кўриб қолади. «Бу қанақа қилиқ ўзи,— дейди имтиҳон олувчилардан яна биттаси,— нима учун соқовга ўхшаб

жим турибсиз? Хўш, билмайсизми? Билмайдиган бўлсангиз, дангал айтиб қўя қолинг». «Ижозат берсангиз бошқа билет олсам» — дейди секингина шўрлик Войницин. Профессорлар бир-бирларига қараб олишади. «Хайр, ола қолинг», — дейди қўл силтаб, имтиҳон олувчиларнинг каттаси. Войницин яна билет олади, яна дераза ёнига боради, яна стол олдига қайтиб келади ва яна миқ этмай тураверади. Бегона профессор чол уни тириклайича еб қўйгудек бўлиб туради. Охири уни ҳайдаб, нуль баҳо қўядилар. Сиз уни, энди чиқиб кетади, деб ўйларсиз? Ҳеч-да! У жойига қайтиб боради, ҳаммадан имтиҳон олиб бўлингунча яна қимирламай ўтиради, имтиҳон тугагандан кейин чиқиб кетаётганида эса: «Тоза терладим-да! Мунча ҳам қийин масала экан-а!» — дейди. Шу куни у кечгача Москва кўчаларида дайдиб юради, гоҳо бошини ушлаб, ўзининг шўр пешоналигидан ранжийди. Китобни, албатта қўлига олмайди, эртаси куни яна имтиҳон беролмай чиқади.

Худди ана шу Войницин ёнимга келди. Биз иккала-миз Москва ҳақида, ов тўғрисида гаплаша бошладик.

— Сизни, — деди у тўсатдан пичирлаб, — шу ерлик уста аскиябоз билан таништирсам майлими, хоҳлайсизми?

— Марҳамат қилинг.

Войницин мени тўқ-малла ранг фрак кийган ва олабула галстук таққан, сочи диккайган, мўйлови узун, паканагина бир кишининг олдига бошлаб борди. Унинг ҳақиқатан ақлли ва баджаҳл одамлиги заҳар томиб турган ҳаракатчан юзидан билиниб турарди. Лаблари тўхтовсиз равишда сохта, аччиқ табассум билан қийшаярди, қора, қисик кўзчалари хунук киприклари остидан мағрурона мўраларди. Унинг ёнида йўғон, мулойим, ширин сўз — чинакам Асал-Қанд, бир кўзи кўр помешчик турганди. У пакана кишининг аскияларига ҳаммадан олдин кулар ва ниҳоятда маза қилиб кетгандай қўринар эди. Войницин мени аскиябозга таништирди, аскиябоз Петр Петрович Лупихин деб аталар экан. Биз танишиб, одатда кўришганда айтиладиган дастлабки салом алик сўзларини айтдик.

— Сизни энг яхши ошнам билан таништиришга рухсат этинг, — деб тўсатдан шанғиллади Лупихин, хушомадгўй помешчикнинг қўлидан ушлаб. — Таранг қилмасангизчи, Кирила Селифанич, — деб қўшиб қўйди у, — еб қўйиш-

майди. Мана,— деб давом этди у, уялиб кетган Кирила Селифаннич қоринни осилтириб бесўнақай таъзим қилаётганида,— мана, марҳамат, танишинг: ниҳоятда яхши дворянин. Эллик ёшга киргунча гижинглаган отдай соп-па-соғ эди, лекин бирдан кўзини даволаш кўйига тушди-ю, оқибат бир кўзидан ажралиб қолди. Уша вақтдан буён у ўз деҳқонларини худди шу тарзда даволамоқда... Улар ҳам, албатта, худди шундай садоқат билан...

— Ахир бундай,— деб ғўлдиради Кирила Селифаннич ва кулиб юборди.

— У ёғини ҳам айтинг, дўстим, гапни чала қилманг,— деди Лунихин.— Эҳтимол, сизни судья қилиб сайлашар, кўрарсиз, сайлашади ҳам. Сизнинг ўринингизга, албатта, заседателлар бош қотиради, деб фараз қилайлик; шундай бўлган тақдирда ҳам ҳар ҳолда, сиз лоақал бировнинг фикрини ўзингизникидек қилиб айтиб бера олишга яранг-да! Башарти бирдан губернатор келиб қолиб: судья нима учун дудуқланиб гапиряпти?— деб қолса нима бўлади? Фараз қилайликки, унинг саволига: судья фалаж бўлган,— деб жавоб беришар. Шунда губернатор: ундоқ бўлса, судьядан қон олиш керак, деб айтади. Бу нарса сизнинг мартабангизга ярашмайди, ҳўп деяверинг. Хушомадгўй помещчик қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Кулишини қаранглар-а,— деб давом этди Лунихин, Кирила Селифанничнинг лорсиллаган қорнига ўқрайиб қараб.— Қулмай нима ҳам қиларди?— деб қўшиб қўйди у, менга қараб,— қорни тўқ, ўзи соғ-саломат, бола-чақаси йўқ, мужиклари гаровга қўйилган эмас, уларни ўзи даволаб юради, хотинининг бир қайнови ичида. Шундай бўлгандан кейин албатта кулади-да. (Кирила Селифаннич бу гапни эшитмагандай бўлиб, бир томонга сал ўтирилди ва хохлаб кулишини давом эттирди.) Мен куляпманку-я, лекин хотиним танобчи билан қочиб кетди. (У тишларини иржайтирди.) Сиз бу воқеадан бехабармидингиз? Наҳотки! Хуллас, тўсатдан қочиб кетди ва менга: азизим Петр Петрович, кечиринг; ишқ савдосига гирифтор бўлиб... маҳрами дилим билан кетяпман...— деб хат ҳам қолдирибди. Танобчи тирноқларини ўстириб, почаси тор шим кийиб юарди, хотинимни у бор-йўғи ана шу қилиғи билан шайдо қилибди. Сиз мени ичида гап ётмайдиган, жуда ҳам кўнгли очиқ одам экан, деб ҳайрон бўляпсиз-а? Биз саҳройи кишилар тўппа-тўғрисини дангал қилиб айтиб қўя қоламиз. Хайр, энди бир

чеккароққа борайлик... Бўлғуси судьянинг ёнида туриб нима қиламиз...

У мени қўлтиқлаб олди, иккаламиз дераза олдига яқинлашдик.

— Бу ерда мени аскиябоз дейишади,— деди у гап орасида,— лекин сиз бунга ишонманг. Мен бир аламзада кишиман, шунинг учун барала сўкиनावераман: бетга чопарлигимнинг боиси шунда. Рост-да, тортинчоқлик қилиб нима қилардим? Мен ҳеч кимнинг гапини бир чақага олмайман ва ҳеч нарсани тамаъ қилмайман; мен аламзадаман — хўш, нима бўлибди? Ростини айтганда, аламзада одамга ақлнинг кераги йўқ. Аммо сўкиниш кишини жуда қабзийтдан чиқарадиган нарса-да, сиз бунга ишонаверинг... Мана, масалан, анови мезбонга — ҳовли эгасига бир қаранг! Хўш, нима учун у ҳадеб бўзчининг мокисидай у ёқдан-бу ёққа югурыпти, тавба, дам ўтмай соатига қараб қўйяпти, илжайяпти, терлаб кетяпти, совлат тўкяпти, нега бизни очликдан тириштиряпти? Сендақа аслзодани қара-ю! Ана, ана, яна чопиб кетди, уни қаранг-а, ҳатто оқсаб ҳам қолди.

Шу сўзларни айтиб Лупихин ингичка овоз билан кўлди.

— Бу ерда хонимларнинг йўқлиги ёмон бўляпти,— деб давом этди у хўрсиниб,— эркаклар зиёфати, аммо бунда аёллар бўлганида маза қилган бўлардик. Уни қаранг, уни қаранг,— деб хитоб қилди у тўсатдан,— князь Козельский келяпти, ҳов анови соқол қўйган, баланд бўйли, сариқ қўлқопли киши—ўша князь. Чет мамлакатда бўлгани кўриниб турибди... Шунинг учун у таклиф қилинган жойга доим ана шундай кечикиб келади. Сизга айтсам, у бир пулга арзимайдиган ғирт аҳмоқ одам, лекин бизга ўхшаганлар билан жуда илтифот қилиб гаплашади, очиққан аёлларимизнинг ҳурмат билан айтган илиқ сўзларига ниҳоятда олижаноблик билан табассум қилишни билади!.. Қишлоғимизга йўл-йўлакай қўниб ўтишига қарамай, баъзан ўзи ҳам аския қилади. Лекин аскияни ҳам хўп боплайди-да! Аскияни эшитсангиз, совуғингиз ошиб кетади. У мени ўлгудай ёмон кўради... Олдига бориб салом бериб келмасам бўлмайди.

Шундан кейин Лупихин князь олдига чопиб кетди.

— Шапкасини қўлида ғижимлаб ушлаб, ҳамма ёққа бўридай аланглаб қараб, девор ёнидан келаётган қора юзли, соч-соқоли тикандай ҳов анови ғўлабир кишини

кўряписизми?— деди у тўсатдан ёнимга қайтиб келиб секингина,— ана шу одам менинг шахсий душманим. Мен унга минг сўмлик отни тўрт юз сўмга сотганман, шундай яхшилигим эвазига бу махлуқ уялмай-нетмай ҳозир мени ёмон кўриб юради, аммо ўзи шу қадар бепаросатки, айниқса эрта билан нонушта маҳалигача ёки тушқи овқатдан кейин мияси шу қадар айний бошлайдики, сиз: салом,— десангиз, у сизга: нима гап?— деб жавоб қайтаради. Ана, генерал келяпти,— деб давом этди Лупихин,— қашшоқланиб қолган истеъфодаги генерал. Унинг қизи ҳам усти ялтироқ бўлгани билан ичи қалтироқ, заводи ҳам зўрға юриб турибди... Кечирасиз, мен бундай демоқчи эмас эдим... Ҳа, албатта, нима демоқчи эканимни ўзингиз ҳам тушуниб турибсиз. Ие! Бу ерга архитектор ҳам келиб қолибди-ку. Немис бўлса ҳам мўйлов қўйиб олган, лекин ўз ишини билмайди, жуда қизиқ... Дарвоқе, у ўз ишини билди нима-ю, билмади нима, у ҳар кимлардан пора олса ва аслзода дворянларимиз учун кўпроқ ҳашаматли колонналар, яъни устунлар қуриб юрса бас-да!

Лупихин яна қаҳ-қаҳ уриб кулди... Аммо шу пайт бирдан уйдаги ҳамма одамлар ташвиш ва ҳаяжонга тушиб қолишди. Олий амалдор келган эди. Уй эгаси шошилганича олдинги уйга югурди. Унинг орқасидан бир неча ихлосли хизматкорлар ва хушомадгўй меҳмонлар чопишди... Ғовур-ғувур гаплар асариларнинг баҳорда ўз уяларида ғувуллаши сингари майин, ёқимли ғувуллашга айланди. Фақат ишчан ари Лупихин ва серсовлат техникхўр ари Козельскийгина ҳамон боягидай баланд овоз билан сўзламоқда эди... Мана, ниҳоят, уйга она ари — олий амалдор кирди. Ҳамма унга эгилди, ўтирганлар салгина ўринларидан туришди, ҳаттоки Лупихиннинг отини арзон баҳога олган помешчик ҳам таъзим қилган бўлиб, иягини кўкрагига тиради. Олий амалдор мартабасига яраша ўзини яхши тутди: таъзим қилгандай бошини орқага ва олдинга қимирлатиб, мулозамат билан бир неча сўз айтди, бу сўзларнинг ҳар қайсисини *а* ҳарфи билан бошлади ва мазкур *а* ҳарфини чўзиб димоғ билан талаффуз қилди; князь Козельскийнинг соқолига жуда аччиқланиб қаради ҳамда заводи ва қизи бор қашшоқ штатский генералга чап қўлининг кўрсаткич бармоғини узатиб кўришди. Олий амалдор зиёфатга кеч қолмаганлиги учун ғоят хурсандлиги-

ни бир печа минут ичиди икки марта изҳор қилгач, зиёфат аҳллари улуғлар орқасидан емакхонага қараб юрдилар.

Олий амалдорни сипо юзлари ўзининг крахмалланган манишқасига, кенг желатқасига ва француз тамакиси солинган юмалоқ тамакидонига жуда ярашиб турган губерна бошлиғи билан генерал ўртасига, тўрға қандай ўтирғизганларини, уй эгаси жонсарақ ҳолда югуриб-елганини, ҳовлиққанини, ейиш-ичишга меҳмонларни қандай қистаганини, олий амалдорнинг орқасидан ўтаётиб қандай илжайганини, бурчакда тикка туриб, худди ёш боладай бир тарелка шўрвани ичганини ёки бир бўлак мол гўштини апил-тапил чайнаб ютиб юборганини, озига гудаста тикилган бир ярим газлик баглиқни эшик оғаси столга қандай келтириб қўйганини, ливрея кийган жиддий хизматкорлар ҳар қайси дворянга гоҳ малага, гоҳ дрей-мадера ичишни таклиф қилганларини ва қарийб ҳамма дворянларнинг, хусусан ёши бир жойга бориб қолган дворянларнинг расм-таомилга ноилождан амал қилган бўлиб бир рюмка орқасидан иккинчи рюмкани қандай ичиб бўшатиб берганларини, ниҳоят, шампанский бутилкалари қандай пақиллаб очилганини ва соғлиқ учун қадаҳлар кўтарилганини китобхонларга батафсил сўзлаб беришнинг ҳожати йўқ, чунки буларнинг ҳаммасини китобхон жуда яхши билса керак. Аммо ҳамма шодиёна сукут ичиди ўтирганида олий амалдор айтган латифа менга айниқса ажиб кўринди. Аллаким (чамамда, энг сўнгги адабиёт билан таниш бўлган қашшоқ генерал) хотинларнинг ҳаммага ва хусусан ёшларга таъсири тўғрисида гапириб қолди. «Ҳа, ҳа,— деб дарров унинг сўзини илиб кетди олий амалдор,— бу рост гап, лекин ёшларнинг жиловини қаттиқ тутиш керак, бўлмаса улар ҳар қанақа ғунажини кўрса ипини узиб кетаверади». (Ҳамма меҳмонларнинг юзида болаларча қувноқ табассум жилва қилди, бир помешчикнинг қарашида ҳатто миннатдорлик намоён бўлди.) «Зеро ёшлар тентақдирлар». Олий амалдор, чамаси, олифтагарчилик учун бўлса керак, баъзан сўзларнинг уруғсини ўзича ўзгартириб ишлатарди. «Лоақал менинг ўғлим Иванни мисолга олайлик,— деб давом этди у,— бу аҳмоқ энди йигирмага қадам қўйди-ю, томдан тараша тушгандай қилиб менга: «Дада, хотин олмоқчиман, ижозат беринг»,— деб қолса бўладими. Мен унга: «Тең-

так, сен аввал ҳарбий хизматни ўта...» — дедим. Албатта, хафа бўлди, йнглади... аммо мен... ҳалиги...» (Олий амалдор «ҳалиги» сўзини лаби билан айтишдан кўра кўпроқ қорни билан талаффуз қилди, бир оз жим бўлди, кейин қошларини керагидан ортиқ кериб, ёнидаги генералга улугворлик билан қаради. Гражданча кийимдаги генерал бошини сал ён томонга чиройли қилиб қийшайтирди ва олий амалдорга қараб турган кўзини ниҳоятда тез пирпиратди.) «Нима бўлди денг,— деди яна олий амалдор,— ҳозир унинг ўзи менга, отажон, мендай аҳмоққа одоб ўргатганингиз учун миннатдорман,— деб хат ёзипти... Шундай қилиш керак». Ҳамма меҳмонлар, албатта, ҳикоячининг сўзига тамомила қўшилдилар ва латифа ҳамда ўғит-насиҳатнинг ҳузур ҳаловати билан жонлангандай бўлдилар... Зиёфатдан кейин меҳмонлар ўринларидан туриб, яна ҳам говур-ғувур кўтариб меҳмонхонага йўл олдилар, лекин бу шовқин ҳар ҳолда одоб доирасида бўлиб гўё шу зиёфат учун рухсат берилгандек эди.. Меҳмонхонада қарта ўйнай бошладилар.

Бир амаллаб кунни кеч қилдим ва кучеримга эрталаб соат бешда коляскамни қўшишни буюриб, ухлагани кетдим. Лекин худди ўша кунни тағин бир ажойиб киши билан танишдим.

Меҳмонлар кўп бўлганликларидан хоналарда ёлғиз ётишмади. Александр Михайловичнинг эшнги оғаси мени захроқ кичкина кўкиш уйга олиб кирди, бу уйда бутун уст-бошини ечиб қип-яланғоч ётган бошқа бир меҳмон бор экан. У мени кўриши билан тезгина кўрпа ичига кириб, бурнигача бекиниб олди, майин пар тўшакда бир оз ғимирсилаб, чит қалпогининг чамбарак жияги остидан бошини чиқарди-да, кўзларини ола-кула қилиб жимгина қараб ётди. Мен шу ерда турган иккинчи каравот олдига бордим. (Уйда каравот иккитагина эди.) Ечиниб нимҳуш чойшабга ётдим. Қўшним жойида тўлғана бошлади... Мен унга шириш уйқу тиладим.

Ярим соат ўтди. Ҳар қанча уринсам ҳам ухлай олмадим: беҳуда ва мужмал фикрлар хаёлимдан сув чиғириқ филдирагидаги челақчалар сингари ҳадеб бирин-кетин ўтиб турарди.

— Сиз ухламаяпсиз, шекилли? — деди қўшним.

— Ҳа,— деб жавоб бердим.— Сизнинг ҳам уйқунгиз келмаяптими дейман?

— Менинг ҳеч уйқум келмайди.

— Инмага?

— Қайдам, ишқилиб уйқум келмайди-да. Қандай қилиб ухлаб қолганимни ўзим билмайман, ётавераман, ётавераман, ахийри ухлаб қоламан.

— Уйқунгиз келмаса нега ётасиз?

— Бўлмаса нима қилинг дейсиз?

Қўшнимнинг саволига жавоб қайтармадим.

— Бу ерда бурга йўқлигига ҳайронман. Чамамда, бурга айни шу жойда бўлиши керак эди,— деб сўзини давом эттирди у, бир оз жим ётганидан кейин.

— Сиз бу ерда бурга йўқлигидан афсуслангандай бўлиб гапиряпсиз-а,— дедим.

— Афсусланаётганим йўқ, аммо мен ҳамма нарсада изчиллик бўлишини севаман.

«Оббо сен-эй, ишлатган сўзларингни қара-я»— деб ўйладим.

Қўшним яна бир оз жим бўлди.

— Сиз мен билан гаров ўйнамайсизми?— деб гап бошлади у, тўсатдан хийла баланд овоз билан.

— Нимадан гаров ўйнай?

Қўшним менга қизиқ туюла бошлади.

— Ҳимм... нимадан бўларди? Мен аминманки, сиз мени аҳмоқ деб ўйлаяпсиз— ана шундан гаров ўйнаймиз.

— Йўғ-эй, кечирасиз,— дедим таажжуб билан.

— Сиз мени саҳройи, нодон бир киши деб ўйлаяпсиз... Тонмай қўя қолинг...

— Мен сизни танимайман-ку,— деб эътироз билдирдим.— Бас, сиз қандай қилиб менинг тўғримда бундай хулосага кела олдингиз...

— Қандай қилиб эмиш-а! Гапларингизнинг оҳангидан билиб турибман, саволларимга жуда илтифотсизлик билан жавоб қайтаряпсиз... Мен сира ҳам сиз ўйлаган одам эмасман...

— Тўхтанг...

— Йўқ, сиз тўхтанг. Биринчидан, мен французчани сиздан ёмон билмайман, немис тилида эса ҳатто сиздан яхшироқ гапираман; иккинчидан, мен ажнабий мамлакатларда уч йил юрдим. Берлиннинг ўзида саккиз ой турдим. Муҳтарам афандим, мен Гегель асарларини ўқи-ганман, Гётенинг шеърларини сувдай ичиб юбор-ганман, боз устига, мен герман профессорининг қизига узоқ вақтлар ошиқ бўлиб юрганман ва юртимга қайтиб

келиб, сил касалига йўлиққан, сочи тўкилган ва илло жуда яхши бир бойвучча қизга уйланганман. Демак, мен ҳам сизнинг тоифангиздаги одамман, сиз ўйлаган саҳройи киши эмасман... Мен ҳам рефлексияга¹ мубтало бўлганларданман, бинобарин, менда соддадилликдан асар ҳам йўқ.

Мен бошимни кўтариб, бу ғалати одамга яна ҳам кўпроқ эътибор билан қарайдим. Тунги чироқнинг хира ёруғида башараси менга зўрға кўринарди.

— Мана энди сиз менга қараб турибсиз,— деб давом этди у, қалпоғини тузатиб олиб,— балки сиз ичингизда ўзингизга: бу одамни бугун қандай қилиб кўрмай қолдим экан?— деб савол бераётган бўлсангиз керак. Мени нима учун кўрмаганингизни ҳозир сизга ўзим айтиб бераман, мен баланд овоз билан гапирмайман, шунинг учун кўрмагансиз; бошқаларнинг орқасига бекинганим, эшик орқасида турганим, ҳеч ким билан сўзлашмаганим учун кўрмагансиз; патнисда ноз-неъмат олиб келаётган эшик оғаси ёнимдан ўтаётганида патнисни бошим баравар юқорига кўтариб ўтгани учун кўрмагансиз... Буларга нима сабаб? Буларга сабаб иккита: биринчиси — менинг камбағаллигим, иккинчиси эса — итбатли киши бўлиб қолганлигим... Ростини айтинг, сиз мени кўрмадингиз-а?

— Чиндан ҳам сизни кўриш шарафига муяссар бўлмаган эдим...

— Албатта, албатта,— деб сўзимни бўлди у,— мен буни билган эдим.

У ўрнидан сал туриб, қўлларини қовуштирди; қалпоғининг узун сояси деворда шипгача чўзилди.

— Тўғриси айтинг-чи,— деб қўшиб қўйди у, бирдан ён томони билан менга қараб,— мен сизга жуда тентак бир одам, яъни қизиқ табиатли киши бўлиб ёки, эҳтимол, яна ҳам хунукроқ бир нарса бўлиб кўринсам керак; балки, сиз у ўзини жўрттага шунақа тентак қилиб кўрсатаётибди,— деб ўйларсиз, шунақами?

— Такрор айтаманки, мен сизни танимайман...

У бир дам ерга қараб турди.

— Мен сиз билан, ўзимга мутлақо таниш бўлмаган киши билан нима учун бундай туйқисдан гаплашиб қолдим, буни биргина худонинг ўзи билади холос! (У хўр-

¹ Рефлексия — фикр юритиш.

синди). Бунинг боиси кўнглимизнинг ғоят яқинлигидан эмасмикин! Сиз ҳам, мен ҳам — иккаламиз ҳам ор-номусли кишимиз, яъни худбинлармиз: на сизнинг менга заррача муҳтожлигингиз бор, на менинг сизга, маъқулми? Аммо иккаламизнинг ҳам уйқумиз келмаяпти... Модомики шундай экан, бир оз гаплашиб ётсак бўлмайdimи? Ҳозир гапдоним очилиб қолди, аммо бу ҳолат менда жуда кам бўлади. Биласизми, мен қўрқоқ одамман, қўрқоқлигимга сабаб провинцияда яшашим, мансабим йўқлиги, камбағаллигим бўлмай, балки ниҳоятда худбин бир киши бўлганлигимдир. Лекин ўзимга олдиндан маълум бўлмаган қулай шароитлар таъсири остида қўрқоқлигим, баъзан, чунончи ҳозирги пайтдагидай бутунлай йўқолиб қолади. Ҳозир мени ҳатто Далай-Ламанинг ўзи билан учраштириб қўйсангиз ҳам пинагимни бузмайман,— ҳеч бир тап тортмай ундан бурнаки сўрай оламан. Айтгандай, балки, уйқунгиз келгандир?

— Йўқ, аксинча,— деб шошиб-пишиб жавоб қайтардим,— сиз билан гаплашиш менга жуда хуш келяпти.

— Яъни масалан, айтмоқчисизки, мен сизга эрмак бўляпман. Ундай бўлса яна яхши... Шундай қилиб, маълумингиз бўлганим, бу ерда мени ғаройиб одам деб аташади, яъни ҳар хил валақлашлар орасида номини тасодифан тилга оладиганлар мени шундай дейишади. «Менинг тақдиримга асло ҳеч ким қизиқмайди». Улар менга наштар урмоқчи бўладилар... Эй танграм! Афсуски, улар билишмайди-да... менда мутлақо ҳеч қандай ғаройиблик йўқ, масалан, сиз билан бўлган ҳозирги гап-сўзларим каби ножўя қилиқларимдан бошқа ҳеч қандай ғаройиблигим йўқ, мени ҳалок қилаётган нарса худди ана шу, аммо бу қилиқлар сариқ чақага арзимади. Булар ғаройибликнинг энг сийқа ва энг тубан кўриниши холос.

У менга башарасини ўгириб, қўл силтади.

— Муҳтарам афандим!— хитоб қилди у.— Мен умуман шундай фикрдаманки, дунёда ғаройиб кишиларгина кун кўради, яшашига фақат ўшаларгина ҳақли. *Mon verre n'est pas grand, mais je bois dans mon verre.*¹ деган экан аллаким. Кўряпсизми,— деб секин қўшиб қўйди у,— мен французчасига жуда аниқ гапиряпман. Ўзингнинг ўзинг-

¹ Стаканим кичкина бўлса ҳам мен ўз стаканимдан ичаман. (Франц.)

га хос ҳеч қандай хусусиятини бўлмаганидан кейин, каллагининг катталиги ва пешонагининг кенглиги билан, ҳамма нарсани тушунишинг, жуда кўп нарсаларни билишинг билан, замонни кузатиб боришинг билан менинг нима ишим бор! Дунёдаги ҳамма лақмаларга яна битта лақма қўшилибди-да, бундан кимга нима фойда? Йўқ, сен тентак бўлсанг ҳам, ўзингга хос тентак бўл! Сендан ўз ҳидинг, ўз шахсий ҳидинг келиб турсин! Аммо сиз менинг ҳид тўғрисидаги бу талабларимни жуда катта деб ўйламанг... Худо сақласин! Бу хилдаги ғаройиблар сон мингта: қаёққа қараманг — ғаройиблик, ҳар бир тирик одам ҳам ғаройиб-да, лекин мен уларнинг қаторида эмасман.

— Ҳолбуки,— деб сўзини давом эттирди у бир оз жимликдан кейин,— ёшлигимда менинг келажагим ҳақида не-не ширин орзулар қилинмади! Чет элга кетишим олдида ва у ердан қайтиб келганимдан сўнгги дастлабки вақтларда ўз шахсиятим ҳақида ўзим нақадар юксак фикрда бўлган эдим! Албатта, мен писмиқлик билан ҳамма кўрган-эшитганларини тушуниб оладиган ва ниҳоят, қорнини ёрса алиф чиқмайдиган биз каби йигитларга муносиб бўлганидек, чет элда доимо ўзимни эҳтиёт қилиб, одамларга аралашмай юрдим.

— Ғаройиб, ғаройиб!— деб давом этди у, бошини маломат билан тебратиб...— Мени ғаройиб одам дейишадия... Аслини суриштирсангиз, мен каминан камтарин қулингиздан кўра хароброқ ғаройиб одам дунёда йўқ. Мен, эҳтимол, бошқаларга тақлид қилиш учун яратилган бўлсам керак... Худо ҳаққи! Ўқиган ҳар хил китобларимнинг авторлари қандай ҳаёт кечирган бўлсалар менинг ҳаётим ҳам худди ўшанақа, машаққат билан яшайман, бамисоли мен ўз хоҳишим билан эмас, балки аллақандай бир бурчни ёки панд-насиҳатни — ишқилиб икковидан бирисини бажо келтириш нияти билан ўқидим ҳам, севдим ҳам, уйландим ҳам.

У бошидан қалпоғини юлқиб олиб, тўшаги устига ташлади.

— Сизга ўз ҳаётимни, ёки яхшироғи, ўз ҳаётимнинг баъзи бир лавҳаларини ҳикоя қилиб берайми?— деб сўради у мenden дона-дона қилиб.

— Марҳамат қилинг.

— Яхшиси, қандай уйланганимни айтиб бера қолай. Уйланиш ахир муҳим нарса, одамнинг синов тоши, у

бамисоли ойина, ҳамма нарсани ўзида акс эттиради... Э, бу чайналган ўхшатиш бўлди... Рухсат этинг, тамаки ҳидлаб олай.

У ёстиғи тагидан тамакидонни олди ва унинг қопқоғини очган кўйи уни силкиб туриб, гапира бошлади.

— Муҳтарам афандим, сиз аҳволимни тушунинг... Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен Гегелнинг энциклопедиясидан қанақа, марҳамат қилиб айтинг, ахир қанақа фойда топишим мумкин эди? Менга айтиб беринг, бу энциклопедиянинг рус ҳаётига нима алоқаси бор? Уни, яъни энциклопедиянинг ўзинигина эмас, балки умуман немис фалсафасини... борингки, ҳатто немис фанини бизнинг турмушимизга қандай қилиб татбиқ этиш мумкин?

У ётган жойида бир ирғиб тушди ва тишиниғижирлатиб, секин тўнғиллаб гапирди:

— Ҳа, энди ақлинг кирдими?.. Модомики шундай экан, сен нега энди чет элларга бориб дайдиб юринг? Ўйингда ўтириб, теварак-атрофингдаги ҳаётни ўз жойида ўргансанг бўлмасмиди? Шундай қилганингда-ку, шу мавжуд ҳаётнинг эҳтиёжларини ҳам, истиқболини ҳам билган бўлур эдинг, ўзингнинг, чунончи, нимага истейдодинг борлигини ҳам аниқ билиб олардинг... Ҳа, кечирасиз,— деб давом этди у, ўзини оқлагандай ва қўрққандай бўлиб овозини яна ўзгартириб,— биронта донишманд ҳали китобга ёзмаган нарсани бизлар қандай қилиб ўргана олайлик! Мен ундан, яъни рус ҳаётидан сабоқ олишга жон-дилимдан тайёрману, аммо севиқли рус ҳаёти сукут қилмоқда. У мени мана шу ҳолимда англаб ол,— демоқда, бунга эса менинг кучим етмайди, сиз менга хулоса чиқариб беринг, натижа чиқаришни ўзимга ҳавола қилинг... Натижами?— Мана сенга натижа: бизнинг москваликларнинг овозига қулоқ сол, уларнинг булбулдан қаери кам?— дейдилар. Ахир ҳамма фожиа ана шунда-да; улар одамчасига гапирмай, Курск булбулига ўхшаб сайрашади... Мен илм ҳамма жойда бир хил, ҳақиқат ҳам бир хил бўлса керак деб, кўп ўйладим, бегона юртларга, ғайри динлар орасига жўнадим... Нима ҳам дейсиз, ёшлик, ғурурлик қўймади. Одамларга маъқул кўринса-да, лекин мен, билсангиз, вақтидан илгари танамга жир битишини истамас эдим. Аммо шуниси борки, гўшт битмаганга жир ҳам битмайди!

— Ҳа-я, айтгандай,— деб давом этди у, бир оз ўйла-

миб,— қандай уйланганимни сизга айтиб бермоқчи эдим. Мана эшитинг. Биринчидан, маълумингиз бўлсинки, ҳозир хотиним ҳаёт эмас... иккинчидан... иккинчи томондан эса, сизга ўзимнинг ёшлик вақтимни ҳикоя қилиб бермасам бўлмайдиганга ўхшаб турибди, йўқса, сиз менинг гапимдан ҳеч нарса тушуна олмай қоласиз... Уйқунгиз келаётгани йўқ-а?

— Йўқ, уйқум келаётгани йўқ.

— Жуда соз. Эшитяпсизми... Қўшни бўлмада жаноб Қантагрюхин жудаям бемаза хуррак отяпти-я! Мен камбағал бир ота-онадан туғилганман, ота-онадан деб айтивимнинг сабаби шуки, ривоятларга қараганда, менинг онамдан ташқари, отам ҳам бўлган экан. Мен отамни эслай олмайман, одамларнинг айтишига қараганда у бурни катта, юзини сепкил босган, қизғиш рангли нодон бир киши бўлиб, бурун катакларининг фақат бири-си билан тамаки ҳидлаб юрар экан. Онамнинг ётоқхонасида унинг сербар қора ёқалик мундир кийиб тушган ниҳоятда хунук сурати осилиб турарди. Баъзан мени калтаклаш учун шу сурат ёнидан олиб ўтишарди, бундай кезларда онам ҳамма вақт менга отамни кўрсатиб: агар даданг бўлганда бундан ҳам бешбаттар адабингни бериб қўярди, деяр эди. Онамнинг бу гаплари мени жуда қувонтирарди. На акам, на укам, на опам ва на синглим бор эди; яъни ростини айтганда, яхжоя бўлиб ўтириб қолган, гардани инглизча дардга чалинган аллақандай бир укам бўлган эса-да, нимагадир, сал орада ўлиб қолди... Тавба, инглизча касаллик Курск губернасининг Шчигра уездида нима қилиб юрибди? Аммо гап бунда эмас. Онам саҳройи помешчик хотинга хос ғайрат ва шижоат кўрсатиб менинг тарбиямга киришди: бу иш билан у мен таваллуд топган энг шодиёна биринчи кундан бошлаб, то ўн олти ёшга киргунимча машғул бўлди... Сиз ҳикоямнинг боришига диққат қиляпсизми?

— Ҳа, албатта, давом этаверинг.

— Ундай бўлса, яхши. Ўн олтига киришим билан онам француз мурраббимни — нежин грекларидан бўлган немис Филипповични дарров ҳайдаб юборди, мени Москвага олиб бориб университетга берди, кейин мени тоғамнинг, яъни Шчигра уездидан ҳам бошқа жойларга номи кетган туллаки стряпчий Колтун-Бобуранинг қўлига қолдириб, дорилфанодан дорилбақога риҳлат қилди. Ўз тоғам бўлмиш стряпчий Колтун-Бобура, ода-

ти бўйича, мени шипшийда қилиб шилди... Лекин гап бунда эмас. Мен университетга хийла яхши тайёрланган ҳолда кирдим — онамнинг хизматларини тақдир қилмоғим керак, аммо менда ғаройиблик йўқлиги ўша вақтдаёқ сезилди. Менинг болалигим бошқа ёшларнинг болалигидан сира фарқ қилмасди: мен ҳам худди пар кўрпада паҳ-паҳлаб ўстирилгандай, тантиқ ва бўшанг бўлиб ўсдим, мен ҳам анча ёш вақтимдан ҳадеб шеър ёдлайдиган бўлдим ва хаёлпарастлик орқасида маъюсликка туша бошладим... нима тўғрисида хаёл сурганимни айтайми?— Гўзаллик... ва бошқалар тўғрисида-да. Университетда мен ўзимга махсус йўл топмадим, дарров тўгаракка тушиб қолдим. У замонлар бошқача эди... Аммо, сиз тўгаракнинг нималигини билмасангиз керак? Шиллернинг қайси бир асарида ёзган қуйидаги мисралари эсимда:

Gefährlich ist's den Leu zu wecken,
Und schrecklich ist des Tigers Zahn,
Doch das schrecklichste der Schrecken.
Das ist der Mensch in seinem Wahn!¹

Сизни ишонтириб айтаманки, у, Шиллер бундай демоқчи бўлмаган; у: Das ist ein «тўгарак»... in der Stadt Moskau! демоқчи бўлган.

— Сиз тўгаракнинг нимасини ёмон кўриб қолдингиз?— деб сўрадим мен.

Қўшним қалпоғини олиб, бурнига қўндириб кийди.

— Нимасини ёмон кўраманми?— деб бақирди у.— Мана бунисини: тўгарак — ҳар қандай мустақил тараққиётнинг офати, тўгарак деган нарса жамиятнинг, хотинларнинг, ҳаётнинг баҳридан кечирувчи разил бир нарса; тўгарак... оҳ, тўхтаб туринг; тўгаракнинг нималигини ҳозир сизга айтиб берайин! Тўгарак — дагасалик ва бўшанглик билан бирга ёнма-ён яшамокдирки, уни муҳим ва оқилона бир нарса қилиб кўрсатишади; тўгаракда гаплашиш ўрнига муҳокама юритилади, тўгарак бемаъни сафсата юритишга ўргатади, у сизни танҳоликдаги фароғатли ишлардан чалғитади, сизга адабиётчилик маразини юқтиради; ниҳоят, қалбингизни қаритади

¹ Ухлаб ётган шерни уйғотиш хатарли, йўлбарснинг чангалига тушиш даҳшатли; лекин даҳшатларнинг энг даҳшатлиси — жаҳл устидаги одам (немисча.)

ва заҳарлайди. Тўғарак биродарлик ва дўстлик деб аталган қабих ва зериктиргич бир насра, у самимийлик ва хайрихоҳлик ниқоби остидаги англашилмовчиликлар ва даъволарнинг қоришмаси; тўғаракдаги ҳар бир киши ҳар қандай пайт ва соатда ҳам ўз ўртоғининг дилини ҳар йўсинда оғритишга ҳақли бўлганидан, тўғаракда кўнглининг бирор жойи лат емаган, жароҳатланмаган ҳеч бир киши учрамайди, тўғаракда туғуруқсиз бир эзма одамга, худбин бир маҳмаданага, кекса қарига сажда қиладилар, истеъдодсиз шоирни кўкларга кўтариб мақтайдилар, аммо «дилларида бошқа нарсани» ўйлаб турадилар; тўғаракда ўн етти яшар йигитчалар, хотинқизлар ва ишқ-муҳаббат тўғрисида муғамбирона ажойиб гаплар гапиришади-ю, хотинлар олдида жим ўтиришади ёки китоб сўзлари билан сўзлашишади—нима тўғрида ҳам гапиришади денг-а! Тўғаракда тилёғлама, чиройли гаплар кўн бўлади; тўғаракдагилар бир-бирларини полиция амалдорларидан бадтарроқ таъқиб қилишади... Оҳ тўғарак! Сен тўғарак эмассан: сен кўпгина номусли кишиларни ҳалок қилган гирдобсан!

— Сизга айтишим керакки, жуда муболага қилиб юбордингиз,— деб унинг сўзини бўлдим.

Қўшним индамай менга қаради.

— Эҳтимол, эҳтимол, буни худо билади. Ахир бизга ўхшаганларнинг энг сўпгги биттаю битта эрмаги—муболага қилиш, холос. Мен Москвада яна шу зайлда тўрт йил турдим. Муҳтарам афандим, бу вақт нақадар тез, ниҳоятда тез ўтиб кетганини сизга таъриф-тавсиф қилиб беришга ожизман; буни эсласам маъюсланаман ҳам, диққат ҳам бўламан. Баъзан, эрталаб ўрнингдан турасан-да, худди тепаликдан пастга чанада сирғаниб тушгандек бўласан. Ҳаш-паш дегунча охирги маррага етиб қолганингни кўрасан; кеч кириб қолган бўлади; уйқу-сираган хизматкор сенга сюртук кийдира бошлайди, кийиниб олиб секин-аста ошнангникига борасан ва трубка чекиб, неча стаканлаб суюқ чойни мириқиб ичиб, немис фалсафаси, ишқ-муҳаббат, руҳнинг абадий қуёши ва бошқа мавҳум нарсалар тўғрисида гаплашиб ўтирасан. Лекин мен бу ерда ҳам ғаройиб, мустақил кишиларни учратдим: баъзилар ўзини ҳар мақомга солса ҳам, ҳар қанча эгилиб букилса ҳам яна аслига қайтар эди; фақат мен бечорагина ўзимни мум каби ҳар хил қолипга солдим, аянч табиатим эса бунга заррача қар-

шилиқ кўрсатмади! Бу орада йигирма бир ёшга кириб қолдим. Ўзимнинг мерос мулкимни ёки, тўғрироғи, ўз мерос мулкимнинг тоғам томонидан менга қолдирилган қисмини бошқаришга киришдим; мен ҳамма мерос мулкимни идора қилиш ишини озод қилинган қўра хизматкорларидан Василий Кудряшовга ишончнома билан топшириб, чет элга — Берлинга жўнаб кетдим. Мен, юқорида сизга баён қилишга мушарраф бўлганимдек, чет элда уч йил юрдим. Хўш, нима бўлди денг? У ерда, чет элда ҳам ўша хашаки одамлигимча қолавердим. Биринчидан, Европанинг ўзини, Европа турмушини қитдай ҳам била олмадим, албатта; немис профессорларининг лекцияларини ва немис китобларини уларнинг худди ўзлари туғилган жойда эшитдим ва ўқидим... ҳамма фарқ ана шунда эди. Мен таркидунё қилган кишидай танҳоликда яшадим, илмга ташналикдан худди ўзимга ўхшаб ганғиб қолган, лекин ғирт анқов ва гапга нўноқ истефодаги поручиклар билан оғиз-бурун ўпишиб юрдим. Пенза ва бошқа ғаллакор губерналардан бориб қолган каллаварам оилалар билан алоқа боғладим, қаҳвахоналарда тентирадим, журналлар ўқидим, кечқурунлари театрларга бордим. Маҳаллий аҳоли билан кам алоқада бўлдим, улар билан негадир очилиб гаплашмас эдим, икки-уч ёш яҳудийни мустасно қилганда ҳеч ким уйимга келмасди, бу шилқим ёш яҳудийлар тез-тез олдимга келиб, мендан пул қарз олишар эди, ахир der Pusse ишонаверади-да. Ажиб бир тасодиф билан профессорларимдан бирининг уйига бориб қолдим, бу мана бундай бўлди: мен унинг олдида курсга ёзилиш учун бордим, у эса ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, мени уйига, кечки овқатга таклиф қилди. Бу профессорнинг йигирма етти ёшларга кирган иккита бақалоқ, ҳаволаси худога, қизни бор эди, қизларининг бурунлари жуда чиройли эди, сочларини жингалақ қилиб юришарди, кўзлари оч-мовий рангда ва оқ тирноқли қўллари қип-қизил эди. Бирининг оти Линхен, иккинчисининг оти Минхен эди. Мен профессорникига бориб турадиган бўлиб қолдим. Сизга айтмоғим лозимки, бу профессор аҳмоқ бўлмаса ҳам, бир қайнови ичида эди: кафедрада тушунадиган қилиб, туппа-тузук гапирса-да, уйда баъзи сўзларни ноаниқ талаффуз қилар ва доим кўзойнагини пешонасига қўндириб юрар эди, шунга қарамай ўзи жуда олим эди!.. Хўш, кейин нима бўлди денг? Бирдан Линхенни севиб

қолгандай бўлдим, сурункасига олти ой менга шундай туюлди. У билан, тўғриси, оз гаплашар эдим, кўпроқ тикилганим-тикилган эди, лекин унга кўнгилни қитиқловчи ҳар хил асарларни ўқиб берар, гоҳо қўлларини сал сиқиб қўяр эдим, кечқурунлари эса у билан ёнма-ён ўтириб, осмоннинг тўғри келган жойига эмас, балки ойга тикилиб ҳаёл сураар эдим. У кофе қайнатишга жуда уста эди!.. Бундан ортиқ яна нима керак? Аммо мени бир нарса хижолатга солиб қўйди, тил билан таърифлаб бўлмайдиган айни ҳузур-ҳаловатли дақиқаларда негадир юрагим зирқираб оғрир, ичим музлаб, қалтирай бошлардим. Ниҳоят, мен бундай бахтга тоқат қилолмай қочиб кетдим. Шундан кейин чет элда яна икки йил юрдим: Италияда бўлдим, Римда Приображение яқинида озроқ турдим, Флоренциядаги Венера олдида ҳам бир оз яшадим, менга худди бир бало бўлгандек, тўсатдан шавқ-завқим жуда ортиб кетди; кечқурунлари шеърлар ёзгандиган бўлдим, кундалик дафтар тута бошладим, хуллас, мен бу борада ҳам ҳаммага ўхшаб иш қилдим. Ҳолбуки, ғаройиб киши бўлиш нақадар осон нарса-я. Мен, масалан, рассомлик ва ҳайкалтарошлик кўчасидан сира ўтмаганман... Буни ҳаммага эшиттириб айтаверсаммикан... Йўқ-а, асло! Чичеронни¹ ёнингга олгину, деворга солинган суратларни кўришга югур...

У ерга қаради ва қалпоғини яна иргитиб ташлади.

— Мана, мен ахири ватанимга, Москвага қайтиб келдим,— деб давом этди у чарчоқ овоз билан.— Москвага келганимдан кейин менда ажойиб ўзгариш содир бўлди. Чет элларда камгап бўлиб юрардим, бу ерда эса бирдан тилим чиқиб қолди, шахдам-шахдам гапира бошладим ва шу билан бирга ўзимга жуда бино қўйиб юбордим. Мени заковатли бир одам деб ўйловчи сертакаллуф кишилар ҳам топилиб қолди, менинг сафсаталаримни хонимлар хайрхоҳлик билан тинглардилар, лекин эришган бу обрў ва шуҳратимни сақлаб қололмадим. Бир куни ерталаб менинг тўғримда бир бўҳтон тўқилиб қолди (бу бўҳтонни ким тўқиб чиқарганини билмайман, балки, эркак жинсига мансуб бўлган бирон ҳажиқиз тўқиб чиқарган бўлса керак — бунақалар Москвада ачиб ётибди), бу бўҳтон туғилди-ю, кўп вақт ўтмай бола-

¹ Чичерон — Ғарбий Европада саёҳатчиларга йўл кўрсатиб юрувчи киши. (Тарж. изоҳи).

лаб, огиздан-огизга кўча бошлади. Довдпраб қолдим, мушкул аҳволдан қутулмоқчи, бўҳтон занжирларини парчалаб ташламоқчи бўлдим, аммо иложини топа олмадим... Мен Москвадан чиқиб кетдим. Шу борада мен ўзимнинг бетамизлигимни ошкор қилиб қўйдим, агар мен эшак еми касаллигининг тузалишини кутган одамдай бу ҳужумга бардош берсам эди, ҳалиги сертакал-лүф одамлар менга яна қучоқ очган бўлар эди, бояги хонимлар менинг сўзларимга яна табассум қилар эдилар... Ҳамма бало гаройиб одам эмаслигимда. Қарангки, мен инсофли бўлишни ўйлаб қолибман, тўхтовсиз вақиллайверишга, бугун Арбатда, эртага Трубада, яна бириси кунни Сивцевое-Вражкеда ҳадеб битта нарса тўғрисида вақиллайверишга негадир уяла бошладим. Аммо одамлар вақиллайверишни талаб қилсалар-чи? Бу соҳадаги чинакам жангчиларга бир назар солинг: улар пинагини бузмай вақиллайверади, аксинча, уларга шугина бўлса бас. Уларнинг баъзилари йигирма йиллаб доимо бир соҳада фақат тили билан иш қилиб келмоқда... Одамнинг ўзига ишончи ва иззат-нафси ана шундай зўр нарса! Иззати нафс менда ҳам бор эди, ҳозир ҳам бутунлай йўқолгани йўқ... Шуниси ёмонки, мен яна таъкидлаيمان — гаройиб киши эмасман, аросатда қолган одамман: табиат менга иззат-нафсни ё анча кўпроқ бериши керак эди, ёки тамомила бермаса бўлар эди. Лекин дастлабки вақтларда менга ҳақиқатан хийла қийин бўлди, шу билан бирга чет элга қилган сафарим ҳам ҳамёнимни шипшийдам қилиб қўйган эди, аммо мен ўзи ёш бўлса ҳам бадани туршакдек бурушган савдогар хотинга уйланишни истамай, қишлоғимга жўнаб кетдим. Қишлоқ ҳаёти ҳақидаги биринчи таассуротларимни,— деб илова қилди қўшним, менга яна ён томони билан қараб,— табиатнинг гўзаллигини, тинч, танҳо яшашнинг фароғати ва ҳоказоларни баён қилмасам ҳам бўлар дейман.

— Ҳа, майли, майли,— дедим мен.

— Алалхусус, шунинг учунки, буларнинг ҳаммаси,— деб гапида давом этди суҳбатдошим,— ҳаммаси яъни лоақал менга дахлдор бўлганлари бемаъни гаплар. Ростини айтсам, қишлоқда катакка қамаб қўйилган кучук боласидай зерикдим, лекин биринчи сафар баҳорда қишлоқдан қайтишда, ўзимга таниш қайинзордан ўтиб келаётиб, бошим айланиб кетди ва юрагимда аллақандай

бир ширин орзу мавж урди. Ўзингиз биласизки, бу ширин орзулар ҳеч вақт рўёбга чиқмайди, балки, аксинча, ҳеч бир кутмаганинг бошқа нарсалар, чунончи: ўлат, боқимондалар, ким ошди савдоси ва ҳоказолар рўй беради. Илгариги бошқарувчининг ўрнини эгаллаган, талончиликда ундан ошиб кетмаган бўлса-да, ҳар ҳолда, худди ўшандай таловчи эканлиги кейинча маълум бўлган ва боз устига мойлама этигининг ҳиди билан бутун вужудимни заҳарлаган бурмистр Яков ёрдамида кундалик тирикчилигимни зўрга ўтказиб юриб, бир куни қўшни қишлоқдаги таниш бир оилани эслаб қолдим, бу оила истеъфога чиққан полковникнинг беваси ва икки қизидан иборат эди; тўрт гилдиракли аравани қўштириб, ана шу танишларникига жўнадим. Бу кун хотиримда абадий қолмоғи лозим, чунки олти ойдан сўнг полковник бева-сининг иккинчи қизига уйландим!..

Ҳикоячи бошини қуйи солди ва қўлларини осмонга кўтарди.

— Лекин мен,— деб давом этди у қизишиб,— марҳума хотиним ҳақида сизнинг кўнглингизда ёмон фикр туғдиришни хоҳламайман. Сира ҳам! Энг асл, энг меҳрибон зот эди, у раҳмдил ва ўзини ҳар қанақасига фидо қила оладиган аёл эди, мен эътироф қилишим керакки (бу гап ўртаимизда қолсин), агар толеим шумлик қилиб ундан жудо бўлмаганимда, эҳтимол, бугун сиз билан сўзлашиб ўтиришга мушарраф бўла олмаган бўлардим, негаки мен ўзимни осиб ўлдириш учун бир неча марта арқон ташлаган тўсин ҳали ҳам саройимда бутун турибди.

— Баъзи нокларни,— деб яна гап бошлади у бир оз жим ётганидан кейин,— ҳил-ҳил пишсин, маза кирсин деб бир қанча вақт ертўлада сақлашади, афтидан, марҳума хотиним ҳам табиатнинг ана шундай меваларидан эди. Мен унга фақат эндигина жуда қойил қоляпман. Чунончи, тўй кунига, у билан бирга ўтказган баъзи кечаларимни эсласам, мен энди ҳеч қайғурмайман, балки, аксинча, хўрлигим келиб йиғлагундай бўламан. Улар бадавлат кишилар эмас эди, уларнинг уйлари ниҳоятда қадимий ёғоч уй бўлса ҳам қулай эди, қаровсиз қолган боғ билан ўт босиб ётган ҳовли ўртасида, тепалик жойда эди. Тепалик ёнидан оқиб турган сой қалин япроқлар орасидан аранг кўринарди. Ўйнинг боғ томонида катта айвон бўлиб, унинг олдида узунасига кетган

гулзор бор эди; гулзорнинг икки томонида иккита акас ўсиб турарди, уйнинг марҳум эгаси бу акасларни ниҳолик вақтидаёқ бир-бирига чирмаб қўйган эди. Сал нарида ўт босиб кетган қаровсиз малиназорнинг энг хилват жойида шийпонча бор эди, ички томони чиройли қилиб бўялган бу шийпонча ташқаридан қараганда ҳаддан ташқари эски, хунук, йиқилай деб тургандай қўрқинчли кўринарди. Айвондан ойнаванд эшик орқали меҳмонхонага кириларди, меҳмонхонада эса кирувчиларга шундай нарсалар кўз-кўз қилиб қўйилган эди: бурчакларда кошникор печлар, ўнг томонда устида қўлёзма ноталар уюлиб ётган шалоқ фортепьяно, оқиш гулли ўнгиган кўк штоф қопланган диван, юмалоқ стол, Екатерина замонасидан қолган чинни ва маржон ўйинчоқлар турадиган иккита этажерка, деворда кўкрагида каптар турган ва кўзлари илтижо билан осмонга тикилган оқ-сарик қизнинг машҳур сурати, столда янги атиргуллар қўйилган ваза... Қаранг, мен нақадар батафсил тасвирлаб беряпман. Ҳам фожиали ва ҳам кулгили бўлган бутун ишқ-муҳаббат ўйинларим ана шу меҳмонхонада, ана шу айвонда бўлар эди. Қўшни хотиннинг ўзи доимо жаҳл билан бўғилиб сўзловчи зolim ва жанжалкаш ёмон хотин эди; унинг бир қизи, яъни Вера оддий узед қизларидан ҳеч фарқ қилмасди, иккинчи қизининг исми Софья эди, мен шу Софьяни севиб қолдим.

Опа-сингилнинг яна бошқа бўлмаси, иккаласининг битта ётоқхонаси бўлиб, унда иккита оддийгина ёғоч каравот, сарғиш альбомчалар, резеда, эркак ва аёл ёр-ошналарнинг қалам билан хийла хунук қилиб солинган суратлари (бу суратлар орасида афти-башарасидан ва айниқса имзосидан ғайрати ва шижоати кўзга ташланиб турган, ёшлигида ҳаддан ташқари катта умидлар туғдириб, оқибатда эса бизнинг ҳаммамиз сингари ҳеч нараса бўлмай қолган бир жанобнинг сурати ажралиб турарди), Гёте ва Шиллернинг сурати, немис китоблари, қуриб қолган гулчамбарлар ва эсдалик учун қолдирилган бошқа нарсалар бор эди. Лекин мен бу бўлмага камдан-кам, истар-истамас кирар эдим, у ерда алланарсадан нафасим қисиларди. Шу билан бирга, қизиқ гап-а!—Софьяга орқамни ўгириб ўтирганимда ёки, иннайкейин, чамаси, унинг ҳақида айвонда, айниқса кечқурунлари ўйга ботиб ёки кўпроқ хаёл суриб ўтир-

ганимда Софья менга хусусан ёқиб кетарди. Ана ўша вақтда мен шафаққа, дарахтларга, қорайиб кўринса-да, ҳали ҳамон қизғиш осмондан кескин ажралиб турган майда яшил япроқларга тикилар эдим, Софья меҳмонхонада, фортепьяно олдида ўтириб, Бетховеннинг бирон-та севимли, ниҳоятда мунгли куйини чала бошлар эди, баджаҳл кампир диванда баҳузур хуррак отиб ўтирарди; қизил нурга тўлган овқатхонада Вера чой тайёрларди, самовар бир нарсадан шодлангандай ажабтовур овоз билан вишиллари, ўрама нонлар қирсиллатиб синдирилар, қошиқчалар чашкаларга жаранглаб тегар эди: кун бўйи тўхтовсиз чирқираган суварак бирдан тўхтаб қолар ва бир нарса ҳақида савол бергандек ондасонда чирқираб қўяр эди; тепамиздан сузиб ўтиб бораётган мусаффо, енгил булутлардан битта-яримта ёмғир томчиларди... Мен ҳамон ўтирганим-ўтирган, тинглаганим-тинглаган, қараганим-қараган эди, кўнглим ором оларди, севиб қолганлигим ўзимга яна ҳам аниқроқ сезилгандай бўларди. Бир куни мен ана шундай кечки оқшом таъсири остида кампирдан қизига уйланмоқчи эканлигимни айтиб ижозат сўрадим ва икки ойлардан кейин уйланиб олдим... Мен уни севганга ўхшардим... Софьяни севган-севмаганлигимни ҳозир билиб олсам ҳам майли эди, ҳолбуки буни, азбаройи худо, ҳозир ҳам билмайман. Софья меҳрибон, ақлли, камсухан хотин эди, аммо қишлоқда узоқ турганиданми ёки бошқа сабаблар биланми, қалбининг тубида (агар қалбнинг туби бўлса) негадир бир дард яшириниб ётар эди, ёки аниқроқ қилиб айтганда, дард нишона бера бошлади, унга ҳеч бир даво топиб бўлмади, бу дарднинг отини Софьянинг ўзи ҳам айта олмасди, мен ҳам. Унда бу дарднинг борлигига, албатта, никоҳдан кейин ақлим етди. Бу дардни даволаш учун кўп тадбирлар кўрдим — ҳеч фойда бермади. Болалик чоғимда саъвам бор эди, у бир куни мушукнинг чангалига тушиб қолди, саъвани мушук чангалидан қутқаздик, аммо бояқиш соғаймади, шумшайиб қолди, озиб кетди, сайрамай қўйди... Иш шу билан тамом бўлдики, бир куни кечаси қафаснинг очиқ қолган эшикчасидан олдига каламуш кирибди-да, унинг тумшугини киртиллатиб узиб олибди, шу билан саъва ўлди-қолди. Ҳайронман, менинг хотиним қанақа мушукнинг чангалига тушган эканки, у ҳам шўри қуриган саъвамга ўхшаб тумтайиб юрди ва чўпдай озиб кетди.

Баъзан ўзининг ҳам ёзилгиси, очиқ ҳавода, офтобда, эркинликда яйраб ўйнагиси келарди, бир уриниб кўрарди-да, яна ғужанак бўлиб ётиб оларди. У мени жуда ҳам севар эди: бундан ортиқ бахтни истамайман,— деб мени неча марталаб ишонтирмоқчи бўларди-ю, қаранг-а, нақадар ширин сўзлар, лекин кўз нурлари сўниб борарди. Аввалига мен, унга бирон кор-ҳол бўлмаганмикин?— деб ўйлай бошладим. Хуфясига суриштирадим; ҳеч нарса бўлмаган экан. Мана энди, ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг: бундай вақтда ғаройиб киши елкасини қоқиб қўя қоларди, ёки бир-икки марта афсусланарди-да, ўз хоҳлаганича яшай бошларди; мен эса, ғаройиб киши бўлмаганим сабабли, ўзимни осиб ўлдириш йўлини қидира бошладим. Қари қизларнинг ҳамма феъл-атворлари (Бетховеннинг куйлари, тунги сайр-томошалар, резеда, ёр-ошналар билан хат ёзишиш, альбомлар ва ҳоказолар) хотинимнинг суяк-суягига шу қадар сингиб кетган эдики, у ўзгача яшашга, айниқса уй бекаси бўлиб ҳаёт кечеришга асло одатлана олмади, эрли хотиннинг помаълум бир нарса учун оҳ-воҳ қилиб, кечқурунлари: «Тонг чоғида сен у қизни уйғотма» деб ашула айтиб юриши келишмаган қилиқ-да, ахир.

Биз, эр-хотин ана шу алфозда уч йил роҳат ва фароғат билан умр кечирдик, тўртинчи йили Софья тўнғич боласини туға олмай ўлди, шу нарса ҳайрон қоларлики, Софья мени қиз ёки ўғил фарзанд билан, юртини эса — янги бир одам билан сийлай олмаслигини худди олдиндан сезгандай эдим. Унинг қандай дафн қилингани эсимда. Баҳор эди. Бизнинг қавмимиз черкови кичкина, эски черков, иконостаси қорайиб кетган, деворларида ҳеч нарса йўқ, полига терилган ғиштларнинг баъзи-баъзилари кўчиб кетган ҳар қайси клиросда қадимий катта икона бор. Тобутни черковга олиб киришди, иконостаснинг ўрта яшиги олдига қўйишди, рангпар бир ёпқичга ўрашди, атрофига учта шамдон қўйишди. Жаноза маросими бошланди. Кичкина кокилли, паст қилиб яшил белбоғ бойлаб олган қари дьячок лавҳ олдида маъюс оҳангда пичирларди; бинафша рангли, сариқ гулли узун чопон кийган кўзлари хира нуроний қари поп жанозада ҳам поплик, ҳам дьяконлик вазифасини ўтади. Очиқ турган деразалар орқасида шохлари осилиб ётган дарахтларнинг ёш, барра япроқлари шитирлаб турарди; ҳовли томондан кўкатларнинг ҳиди ке-

ларди; мум шамларнинг қизил алангаси баҳор кунининг ўткир ёғдусида хира кўринарди; чумчуқлар бутун черковни бошларига кўтариб чирқиллашарди, гоҳо черков гумбазини остига учиб кирган қалдирғочнинг ингичка овоз билан чириллагани эшитиларди. Бир неча мужиклар марҳумага ихлос билан жаноза ўқиб, қуёшнинг олтин нурлари ичида бошларини бирдан пастга туширар ва яна бирдан юқорига кўтарар эдилар; ибриқдоннинг тешигидан юпқа, мовий тутун буралиб чиқарди. Мен хотинимнинг қонсиз юзига қарадим... Ё раббий... Ё раббий... У бечорани ажал ҳам, ҳатто ажалнинг ўзи ҳам дарддан халос қилолмабди, унинг дардига даво бўла олмабди, ҳозир ҳам хаста, серҳадик, гунг қиёфада эди — худди тобутида ҳам ўнғайсизланиб ётгандай кўринарди... Жуда раҳмим келди. Ниҳоятда меҳрибон хотин эди, лекин ўлгани ўзига яхши бўлди.

Ҳикоячининг бетлари қизариб кетди, кўзлари хиралашди.

— Ниҳоят,— деб гап бошлади у,— хотинимнинг вафотидан кейин бутун вужудимни қоплаб олган оғир қайғу ва аламдан халос бўлгач, мен ишга кирмоқчи бўлдим. Губерна шаҳарида хизматга кирдим, аммо ҳукумат маҳкамасининг каттакон уйларида бош оғриғига учрадим, кўзим ҳам ёмон кўра бошлади, бошқа сабаблар ҳам чиқиб қолди... мен истеъфога чиқдим. Москвага бормоқчи бўлдим, лекин, биринчидан, пулим озлик қилди, иккинчидан... боя сизга айтдим, итоатли киши бўлиб қолганман. Бу итоат менда гоҳ-гоҳ бирдан пайдо бўлиб қоларди. Руҳан аллақачон ювошланиб қолган бўлсам-да, лекин ҳамон бўйнимни ҳам қилгим келмасди. Мен фикр ва ҳисларимдаги чекланганликни қишлоқ ҳаётидан, бахтсизликдан деб ўйлар эдим... Бундан ташқари шу нарсани аллақачон пайқаб олган эдимки, бошда менинг олимлигимдан, чет элларга сафар қилганлигимдан ва тарбиямдаги бошқа жиҳатларимдан қўрққан деярли ҳамма қўшниларим, ёшлари ҳам, қарилари ҳам, менга ниҳоятда кўникиб кетдилар, ҳатто дағалроқ ёки енгилтаклик билан муомала қила бошладилар, гапимнинг охиригача қулоқ солмайдиган ва мен билан сўзлашганда «афандим», «жаноб» сўзларини қўшиб гапирмайдиган бўлдилар. Яна шу нарсани сизга айтиш эсимдан чиқибдики, уйланганимдан кейинги биринчи йилда, зерикканимдан ўзимни адабиётга урмоқчи бўл-

гап эдим ва ҳаттоки журналга бир мақолача, агар янглишмасам, повесть юборган эдим ҳам, аммо бирмунча вақтдан сўнг редакторнинг назокат билан ёзган мактубини олдим, мактубда ақлим бор бўлса-да, қобилиятим йўқлиги, адабиётчи учун айнан шу қобилият зарурлиги айтилган эди. Бунинг устига одамлардан эшитдимки, бир москвалик йўловчи, яхшигина ёш йигит губернаторникидаги зиёфат кечасида гап орасида менга истеъдодсиз, пуч одам деб баҳо берибди. Лекин қисман ўз ихтиёрим билан бўлган кўрлигим ҳамон давом этарди, чунки мен ўзимни «ҳақорат қилиш»ни истамас эдим, ахийри бир куни эрталаб кўзимни очдим. Воқеа мана бундай бўлди. Менга қарашли мулклардаги бир кўприкнинг бузилганлигига диққатимни жалб этиш нияти билан олдимга уезд полиция бошлиғи келди, бу кўприкни тузатиш учун менда сариқ чақа ҳам йўқ эди. Бу муҳтарам полиция амалдори бир рюмка ароқни ичиб, орқасидан бир бўлак балиқ гўшти еб олганидан кейин менинг эҳтиётсизлигимдан оталарча гинахонлик қилди, шу билан бирга, менга хайрихоҳлик кўрсатиб, кўприк устига бир оз хор-хас, гўнг ташлаб қўйишни мужикларга буюришимнигина маслаҳат берди. Сўнгра трубкасини чекиб яқинда бўладиган сайловлар ҳақида гапира бошлади. Орбассанов деган одам ўша вақтларда губерна дворянлари раҳбари мансабини эгалламоқчи бўлиб юарди. У аравани қуруқ олиб қочадиган, порахўр бир киши бўлиши билан бирга, мол-дунёси ва аслзодалиги бошқаларникидан ортиқ ҳам эмас эди. Мен Орбассанов тўғрисидаги фикримни айтдим ва ҳатто уни анча менсимайроқ гапирдим: ростини айтсам, мен жаноб Орбассановни назаримга илмадим. Уезд полиция бошлиғи менга қаради, эркалатгандай елкамга уриб қўйди ва мулоимлик билан: «Оҳ Василий Васильевич, бундай одамлар тўғрисида сиз билан биз муҳокама юритмай қўя қолайлик, улар ҳақида гапиришни бизга ким қўйибди? Тенг-тенги билан, тезак қопи билан»,— деди.— «Кечирасиз,— деб эътироз билдирдим мен энсам қотиб,— жаноб Орбассанов билан менинг ўртамада қандай фарқ бор ахир?»— Уезд полиция бошлиғи оғзидан трубкасини олиб, менга чақчайиб қаради ва пиқиллаб кулиб юборди. «Оббо қизиқчи-ей,— деди у ниҳоят, кўзларидан кулги ёшларини оқизиб,— жуда ажойиб гапни гапириб юбординг-ку, а. Чақана эмассан-а?»— у олдимдан кетгуни-

ча гоҳо тирсаги билан биқинимга туртиб «сан»сирай бошлади ва мени калака қилишдан ҳеч тўхтамади. Ахийри жўнаб кетди. Мана шу алам камлик қилиб турган эди, сабр косам тўлиб-тошди. Мен уйнинг у бошидан-бу бошига бир неча марта бориб келдим, ойна олдида тўхтадим, шувит бўлган юзимга узоқ вақт қараб турдим ва секин тилимни чиқариб, заҳарханда билан бош тебратдим. Кўзим мошдай очилди: мен ўзимнинг қанчалик бемаъни, тутуриқсиз, ҳеч нарсага арзимаган ва кераксиз эканлигимни, гаройиб эмаслигимни очиқ-ойдин кўрдим, ойнада акс этган афт-башарамдан ҳам яхшироқ кўрдим.

Ҳикоячи жим бўлди.

— Вольтернинг бир трагедиясида,— деб маъюс оҳангда давом этди у,— аллақандай бир бой бахтсизликнинг энг чеккасига бориб қолганидан суюнади. Ҳаётимда ҳеч қандай фожиали воқеа юз бермаган бўлса ҳам, шунга иқрорманки, фожиага ўхшаган нарсани бошдан кечирдим. Мен умидсизликнинг заҳарли шодликларини бошимдан кечирганман, кишининг эрта билан ўрнида ётиб хаёл ичида ўз туғилган куни ва соатидан нафратланиши нақадар лаззатли бўлишини татиб кўрганман, мен бирданига итоатли бўла олмадим. Ҳақиқатан ҳам, ахир ўзингиз ўйлаб кўринг: муҳтожлик мени ёмон кўрганим қишлоққа ипсиз боғлаб қўйган эди, менга хўжалик ҳам, маҳкамада хизмат қилиш ҳам, адабиёт ҳам — ҳеч нарса мувофиқ келмади, ўзимни помешчиклардан четлаштирдим, китоблар кўнглимга тегди, жинглак сочларини силкитиб оғиз кўпиртириб «ҳаёт сўзини такрорловчи, ҳаддан ташқари таъсирланувчан хомсемиз бойвучча қизлар эзмалигимни ва қувноқлигимни ташлаганимдан кейин менга қизиқмай қўйишди; одамлардан мутлақо четда яшай олмасдим... Биласизми нима қилдим? Мен қўни-қўшниларникига кириб санқиб юра бошладим. Ўзига нафрати зўрлигидан маст бўлган одамдай, мен ўзимни атайлаб ҳар хил майда-чуйда хўрликларга дувор қилдим. Овқат маҳалида мени насибасиз қолдиришар, кибр-ҳаво билан совуқ қарши олишар, ниҳоят, ёнларида борлигимни ҳам буткул пайқашмас эди, ҳатто бўлаётган гапга аралашувимга йўл қўймасдилар, шунинг учун баъзан мен бир вақтлар Москвадалигимда этигимнинг чангларини, шинелимнинг этагини бажонудил кўзига суртишга рози бўладиган қип-қизил бир аҳмоқнинг сўзини бир чеккада туриб жўрттага маъқуллаб қўяр

эдим... Мен тақдирнинг бунчалик аччиқ хоҳишидан тасалли олиб турганимни ҳатто ақлимга ҳам сиғдира олмас эдим. Буни қарангки, танҳо кишининг аҳволи шунақа бўлар экан. Мен бир неча йил давомида муттасил ана шундай қилдим ва ҳозир ҳам шундай қиялман...

— Ахир бу қандай бемазагарчилик, тунда гапираётган қайси аҳмоқ ўзи?— деб тўнғиллади қўшни хонада жаноб Қантагрюхин уйқули овоз билан.

Ҳикоячи лип этиб кўрпаси остига кириб кетди ва кўрқиб мўралаб қаради-да, менга бармоғини нуқди.

— Жим... жим,— деб пичирлади у, сўнг афв сўрагандай ҳамда Қантагрюхиннинг овози келган томонга қараб таъзим қилгандай бўлиб, иззат-икром билан деди:— Хўп бўлади, тақсир, хўп бўлади, кечиринг... Унинг ухлаши мумкин, унинг ухлаши лозим,— деб давом этди у яна пичирлаб,— эртага лоақал бугунгидай катта иштаҳа билан овқат емоғи учун, у янги куч тўплаши керак. Унинг уйқусини бузишга бизнинг ҳақимиз йўқ. Шу билан бирга, афтидан, сизга айтмоқчи бўлган нарсаларимнинг ҳаммасини айтиб бўлдим шекилли; эҳтимол, сизнинг ҳам уйқунгиз келиб қолгандир. Хайр, яхши тушлар кўринг.

Ҳикоячи ниҳоятда тезлик билан тескари ўгирилиб, бошини ёстиққа ботирди.

— Ҳеч бўлмаса, ким билан ширин суҳбат қилиш шарафига муяссар бўлганимни билишга ижозат берсангиз...— дедим мен.

У тезгина бошини кўтарди.

— Йўқ, азбаройи худо,— деб сўзимни бўлди у,— менинг номимни ўзимдан ҳам, бошқалардан ҳам сўраманг. Сиз мени нотаниш бир киши, тақдир панжасида эзилган Василь Васильевич деб қўя қолинг. Шу билан бирга мен ғаройиб одам бўлмаганим сабабли, алоҳида номга лойиқ ҳам эмасман... Агар борди-ю, сиз менга қандай бўлмасин бирон лақаб қўйишни жуда хоҳлаб турган бўлсангиз, майли қўйиб қўя қолинг... Мени Шчигра уездининг Гамлети дея қолинг. Бундай Гамлетлар ҳар қайси уездда ҳам кўплаб учрайди, аммо сиз бошқа Гамлетларга дуч келмаган бўлсангиз керак... Гап тамом — вассалом, хайр.

У пар кўрпасига яна бурканиб олди, эрталаб мени уйғотгани келишганда у жойида йўқ эди. У тонг отмасданоқ кетиб қолган экан.

Иссиқ ёз кунларидан бирнда тележкада овдан қайтиб келар эдим, Ермолай ёнимда мудраб ўтирар ва баъзи-баъзида мункиб кетар эди. Уйқуга кетган итлар оёғимиз тагида жонсиздек сакраб-сакраб тушарди. Кучер отларга қўнган сўналарни ҳадеб қамчиси билан ҳайдар эди. Тележка орқасидан енгил булутдай оқ чағи учиб келарди. Биз бутазорга кириб бордик. Йўлнинг ўйдим-чуқур, паст-баланд жойлари тобора кўпайди, ғилдираклар шохларга илаша бошлади. Ермолай сергакланиб, атрофга кўз югуртирди... «Э!— деди у,— айтгандай, бу ерда қур бўлиши керак. Қани, тележкадан тушайлик-чи». Биз тўхтадик ва «майдон»га кирдик. Итим бир гала жўжага дуч келиб қолди. Мен ўқ уздимда, милтиғимни яна ўқлай бошлаган эдим, орқа томонимдан қаттиқ шатир-шутир товуш эшитилди ва буталарни қўли билан икки ёнга қайириб, олдимга бир отлиқ киши чиқди. «Хўш, а-айтинг-чи, афандим,— деди у такаббуруна овоз билан,— бу ерда ов қилишга нима ҳақингиз бор?» Нотаниш киши пингиллаб, сўзларни узиб-узиб, жуда тез гапирарди. Мен унинг афтига қарадим: бунақанги башарани умрим бино бўлиб сира кўрмаган эдим. Азиз китобхонлар, сиз танқайган қизил бурунли ва ғоят узун қизғиш мўйловли, малла сочли кичкинагина бир одамни кўз олдингизга келтиринг. Сиртига қизил мовут қоплаб тикилган, учи чўққайган эронча қалпоқ унинг пешонасини қошигача бекитиб турарди. У кўкрагига қора бахмал патронлар тақилган ва ҳамма чокларига ўнгиб кетган кумуш жияклар қадалган эски

сарикъ архалук кийиб олган эди, елкасига бурғу осилган, камарига ханжар қистирилган эди. Унинг минган дўнг тумшук, ориқ саман оти оёғи куйган товукдай бетоқатлик билан типирчиларди, озгин ва қийшиқ оёқ икки-та този ити оёғи остида ўралашиб юрарди. Нотаниш кишининг афт-башараси, қарашлари, овози, ҳар бир ҳаракати, бутун туриш-турмуши унинг аҳмоқона жасурлигини ва мислсиз такаббурлигини кўрсатиб турарди, оч мовий тусдаги маъносиз кўзлари маст одамнинг кўзидай ҳар томонга чалғир, ғилайланиб кетарди, у бошини орқага ташлаб кеккайиб, лунжларини дўппайтириб, ўзини шер билиб пишқирав ва бутун вужуди билан қалтирав, хуллас, кеккайишда дакани хўрознинг ўзгинаси эди. У саволини такрорлади.

— Бу ерда ов қилиш тақиқланганини билмаган эканман,— деб жавоб қилдим.

— Сиз, муҳтарам афандим,— давом этди у,— ҳозир менинг еримда турибсиз.

— Хўп бўлмаса, мен бу ердан кетаман.

— А-а-айтинг-чи менга,— деди у,— ким билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўляпман? Дворян биланми?

Мен унга ўзимни танитдим.

— Ундоқ бўлса, марҳамат, ов қилаверинг. Ўзим ҳам дворянман ва дворянга хизмат қилишдан гоят мамнунман... Отим эса Чертопханов, Пантелей.

У энгашиди, қийқириб отининг бўйнига қамчи солди, от бошини сарак-сарак қилиб орқа оёқлари билан тика турди, четга сапчиб итлардан бирининг оёғини босиб олди. Ит жон-жаҳди билан вангиллаб юборди. Чертопхановнинг ғазаби қайнади, ўшқирди, отнинг миясига унинг икки қулоғи орасини мўлжаллаб бир мушт урди, яшин тезлигида ерга сакраб тушди, итнинг оёғини кўздан кечирди, ярасига туфлади-да, етар, кўп вангиллайверма, дегандай қилиб биқинига оёғи билан туртиб қўйди, кейин отининг ёлини тутамлаб, бир оёғини узангига қўйди. От бошини бермай, думини хода қилиб, чангалзорга суриб кетди. Чертопханов бир оёғи узангида, бир оёғи ерда ҳаккалаб бориб, охири эгарга аранг миниб олди; аччиғига чидаёлмай қамчинини ҳавода айлантирди, бурғусини чалиб отини чоптириб кетд. Чертопхановнинг беҳосдан пайдо бўлиб қолиши натижасида юз берган таассуротдан ҳали ўзимга келганимча йўқ эдики,

бирдан қирқ ёшлар чамасидаги, паст бўйли, қора отли, семизгина бир киши буталар орасидан қарийб шовқинсиз чиқиб келди. У отини тўхтатиб, бошдан яшил кўн картузини олди ва ингичка майин овоз билан: саман отли кишини кўрдингизми?— деб сўради. Мен кўрганлигимни айтдим.

— Ул киши қай тарафга кетдилар?— деб давом этди у, картузини киймасдан, ҳамон ўша ингичка майин овоз билан.

— Анови томонга.

— Камолл аҳтиром билан миннатдорлик билдирамал.

У лабларини чўпиллатиб, отчасининг икки биқинига оёғи билан ниқтади-да, кўрсатилган томонга уни секин йўрттириб кетди. Унинг учи чўққайган картузи буталар орасида кўздан ғойиб бўлгунча, орқасидан қараб турдим. Бу янги нотаниш кишининг қиёфаси ўзидан олдин келган кишиникига сира ўхшамасди. Бу кишининг пўрдоқ ва коптокдай юмалоқ юзида уятчанлик, оқ кўнгиллик ва ювошлик акс этарди, тарам-тарам кўк томирлар билан қопланган, хамакка ўхшаш шишган бурни шаҳвониятга берилган киши эканлигидан далолат берарди. Бошининг олди томонида битта ҳам тук қолмаган бўлиб, орқа томонида сийрак малла соч тутамлари осилиб турарди, кичкина қийиқ кўзлари мулойимгина пирпирарди, қизил ва тиниқ лабларида ширин табассум ўйнардди. У тик ёқали ва мис тугмали жуда эски, лекни озода сюртук кийиб олганди, мовут шимининг почаси юқорига кўтарилиб қолган, сариқ этигининг қўнжидан семиз болдирлари чиқиб турарди.

— Бу ким?— деб сўрадим Ермолайдан.

— Буми? Бу — Недопюскин, Тихон Иванович. Чертопхановникида туради.

— Нима, бу камбағал одамми?

— Камбағалроқ, аслини олганда, Чертопхановнинг ўзида ҳам сариқ чақа йўқ.

— Бўлмаса нима учун бу одам ўникида туради?

— Дўстлашиб қолишган. Бир-бирларидан ҳеч ажралишмайди... От қаёққа юрса қисқичбақа ҳам ўша ёққа юради, деган мақолда айтилгандек, ҳеч орқасидан қолмайди...

Биз бутазордан чиқдик, шу вақт ёнгинамизда икки този ит бирдан вовуллаб юборди-ю, катта бир оқ қуён хийла бўй бериб қолган сули ичига ўзини урди. Този ит-

лар ўрмон чеккасидан қуёни қувлаб югуриб чиқди, итлар орқасидан Чертопхановнинг ўзи от чоптириб чиқиб келди. У шовқин солмас, «Ҳа, ол!» деб итларни олқаш-ламасди. Ҳансирар, энтикар эди, карракдек очилган оғзидан аҳён-аҳёнда қисқа-қисқа, маъносиз товушлар чиқади, у кўзларини чақчайтириб от қўйиб келар, жонивор отни жаҳл билан ҳадеб қамчилар эди. Този итлар «етиб қолай» деганида... оқ қуён чўққайиб ўтирди-да, сўнг бирдан орқасига бурилиб, физиллаганича Ермолайнинг ёнидан буталар ичига ўзини урди... Този итлар уни қувлаб кетди. «Ю-гу...р! Ю-гу...р!»— деб гунг одамдай бидирлади анграйиб қолган овчи,— қочириб юборма азизим!» Ермолай ўқ узди... яраланган қуён силлиқ ва қуруқ ўт устида ўмбалоқ ошиб бир ирғиб тушди-да, шу заҳоти таппа босган итнинг тишларига илиниб чинқириб юборди. Дарҳол този итлар етиб борди.

Чертопханов от устидан сакраб тушди, ханжарини қинидан суғурди, оёқларини кериб итлар олдига чопиб борди, таталаниб бир ҳолатга тушган қуёни жон-жаҳди билан итлар оғзидан тортиб олди-да, башарасини буруштириб, ханжарини сонгача етказиб, қуённинг бўғзига санчди... санчди-да, хахолаб кулди. Шу пайт ўрмон четида Тихон Иванович кўринди. «Ваҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа!»— деб яна қаттиқроқ кулди Чертопханов... «Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа-ҳа!» деб, унинг кулгисини осойишта такрорлади ўртоғи.

— Чиндан ҳам, ёзда ов қилиш маъқул бўлмас экан-а,— дедим далада пайҳон бўлган сулини Чертопхановга кўрсатиб.

— Ўзимнинг ерим,— деб жавоб қайтарди Чертопханов ҳансираб.

Сўнгра қуённинг панжаларини қирқиб итларга ташлади-да, қуённинг ўзини эгарнинг қонжигасига боғлади.

— Азизим, сендан бир дона ўқ қарздорман,— деди у овчиларга хос одат билан Ермолайга қараб.— Сизга эса тақсир,— деб илова қилди у ҳалигидай кескин овоз билан,— ташаккур билдираман.

Чертопханов отига минди.

— А... айтинг-чи... эсимдан чиқиб қолибди... исм, фамилиянгиз нима эди?

Мен исм ва фамилиямни яна айтдим.

— Сиз билан танишганимдан беҳад хурсандман. Башарти тўғри келиб қолгундай бўлса, меникига марҳамат қилишингизни сўраймиз... Ҳа-я, айтгандай,—

Фомка қайси гўрда қолди, Тихон Иванич?— деб куйиниб сўзини давом эттирди у,— қуённи усиз овладик.

— Минган оти ўлиб қолди,— кулимсираб жавоб берди Тихон Иванич.

— Ўлиб қолди? Қандай қилиб? Орбассан ўлдими? Бе, наҳотки... Қаерда қолди ўзи, қаерда қолди?

— Ўрмоннинг нари ёғида.

Чертотханов отининг тумшугига қамчи урди, бошини энгаштирганича отини чоптириб кетди. Тихон Иванич ўзи ва ўртоғи учун менга икки марта таъзим қилди-да, яна отини йўрттириб, буталар орасига кириб кетди.

Бу иккала жанобга жуда қизиқиб қолдим... Бир-биридан шу қадар катта фарқ қилувчи бу икки шахснинг ораларидан қил ўтмайдиган дўст бўлиб қолганига сабаб нима экан?— деб ўйладим. Уларни суриштириб ўргана бошладим. Менга қуйидаги тафсилотлар маълум бўлди.

Пантелей Еремейч Чертотхановни теварак-атрофдаги одамлар телба-тескари ва хавфли, ўлгундай такаббур ва жанжалкаш бир киши деб билар эдилар. У армияда жуда оз хизмат қилган ва «кўнгилсиз бир воқеа» билан шундай мансабда истеъфога чиққан эдики, одамлар бу мансабни ласт мансаб, дейишарди. Чертотханов бир вақтлар ғоят бадавлат қадимги оилада туғилган эди, боболари эскичасига, ҳашамат билан ҳаёт кечиришар, яъни ўтган-кетган ҳар бир одамни уйларига таклиф қилишар, уларни бурунларидан чиққунча едириб-ичиришар, келган кучерларнинг отларига бир чоракдан сули беришар, уйларида доим музикачилар, ашулачилар, масхарабозлари бўлар, қанча-қанча ит сақлашар, байрам кунлари халойиққа вино ва бўза ичиришар, қиш вақтларида огир соябон чаналарига тушиб Москвага боришар, баъзан эса бир неча ой пулсиз қолиб, уйдаги паррандалари билангина кун кечиришар эди. Пантелей Еремейчининг отасига хароба имение мерос қолганди, ўз навбатида, у ҳам тоза «кайф-сафо қилиб умр ўтказди» ва ўлими олдида ёлғиз вориси Пантелейга гаровга қўйилган кичкинагина Бессоново қишлоғини ўттиз бешта эркак ва етмиш олтита аёл крепостнойи билан, яна Колобродов сайхонидаги ўн тўрту нимчорак десятина унумсиз ерни мерос қилиб қолдирди, аммо кейин суриштирилса, бу нарсаларнинг марҳумга қарашли эканлигини тасдиқловчи биронта ҳам васиқа йўқлиги маълум бўлган. Тўғ-

рисини айтганда, марҳумнинг ҳўжалиги жуда ажойиб ва ғаройиб суратда вайрон бўлган: уни «хўжаликни бошқариш мулоҳазаси» ҳалок қилган эди. Унинг фикрича, дворянлар савдогарларга, шаҳарликларга ва ҳоказоларга (яъни унинг таъбирича, «талончиларга») қарам бўлмаслиги керак эди, у ўз мулкида ҳар хил устахона ва ишхоналар очди: «Бу нарса ҳам маъқул, ҳам арзон, хўжаликни бошқариш мулоҳазаси ана шу!» деярдди. У умрининг охиригача ана шу ҳалокатли фикридан қайтмади, унинг хўжалигини вайрон қилган нарса ҳам худди ана шу фикри бўлди. Аммо кўнглига келган ҳамма ишларни қилиб, ўзини роса овунтирган эди-да! У, кўнглига нима келса, қилмай қўймади. Бир куни у ҳамишаги ажойиб-ғаройиб ишлари қаторида, шахсий фаросати билан бутун бир оила сиғадиган каттакон карета қилдирди, лекин бу каретани ўрнидан силжитиш учун қишлоқдаги ҳамма деҳқонларни отлари билан ишга солиб, биринчи тепаликка чиқарганларидаёқ ағдарилиб, бўлак-бўлак бўлиб кетди. Шундан кейин Еремей Лукич (Пантелейнинг отасини Еремей Лукич деб аташарди), ҳеч бир уялмай, тепаликка эсдалик белгиси ўрнатишни буюрди. Кейин у черков қуришни ҳам ўйлаб қолди, черковни архитекторнинг ёрдамисиз, ўзи қурмоқчи бўлди, албатта. Ёишт пишириш учун бутун бир ўрмоннинг дарахтларини кестирди, черков пойдеворини губерна ибодатхонасиникидек ғоят катта қилиб қурдирди, девор олдирди, черковнинг гумбазини қурдира бошлаган эди, гумбаз қулаб тушди. У яна гумбаз қилдирди — гумбаз яна қулади, учинчи марта яна гумбаз тиклатди, гумбаз бу сафар ҳам қулаб тушди. Бизнинг Еремей Лукич шунда хаёлга чўмди, иш ёмон... биронта лаънати жодугар сеҳр қилганга ўхшайди,— деб ўйлади ичида... Сўнг бирдан қишлоқдаги ҳамма қари хотинларни бир бошдан калтаклаб чиқишни буюрди. Хотинлар тоза калтакланди-ю, лекин гумбаз битмай қолаверди. Еремей Лукич деҳқонларнинг уйларини янги план асосида қайта қура бошлади, бу ишга ҳам бояги хўжалик мулоҳазалари билан киришган эди; ҳар учта хонадоннинг уйини бир жойга учбурчак шаклида солдириб, учала уй орасидаги яланглик ўртасига баланд хода ўрнаттирди, ходанинг учига чуғурчиқ учун рангбаранг бўялган уя ва байроқ осдириб қўйди. Баъзан у деярли ҳар куни янги бир наъма ўйлаб топарди: ё отқу-

лоқ солиб шўрва пиширтирар, ёки ҳовли хизматкорларининг картузига ишлатиш учун отларнинг думини қирқтирар эди, ёхуд зиғир ўрнига қичитқи ўт эктирмоқчи, чўчқаларни қўзиқорин билан боқмоқчи бўлар эди. Шунини ҳам айтиш керакки, уни фақат хўжалик ишларигина машғул қилмасди: у деҳқонларнинг манфаати учун ҳам жуда жонкуярлик қиларди. Бир куни харьковлик помещик Хряк-Хрупёрскийнинг деҳқонлар турмушига ахлоқнинг фойдаси деган мақолачасини «Московские ведомости»да ўқиб, эртасигаёқ «ҳамма деҳқонлар харьковлик помещикнинг мақоласини дарҳол ёдлаб олишсин»,— деб буйруқ берган. Деҳқонлар мақолани яхши ўқиб чиқишибди, сўнгра барин мақоладаги гапларнинг маъносига тушундиларингми?— деб сўрабди. Приказчик: бўлмаса-чи, албатта тушундик!— деб жавоб қайтарибди. Тахминан шу вақтларда Еремей Лукич тартиб ва хўжалик мулоҳазалари юзасидан ўзининг ҳамма фуқароларига янги номер қўйишни буюриб, ҳар қайси одам ўз номерини тақиб юрсин, деб айтибди. Фуқароларнинг ҳар бири хўжайинга дуч келиши биланоқ, мен фалон номерман, деб қичқирар, хўжайин эса мулойим овоз билан: маъқул, боравер,— деб жавоб берар экан.

Бироқ ўрнатган тартибига ва хўжалик мулоҳазаларига қарамай, Еремей Лукич аста-секин жуда қийин аҳволга тушиб қолди: дастлаб қишлоқларини гаровга қўя бошлади, кейин эса сотишга ҳам киришди, ота-бобосидан мерос қолган энг сўнгги уясини, яъни черкови чала қурилганича қолган қишлоғини давлатнинг ўзи соттирди, хайриятки, Еремей Лукичнинг тириклигида эмас, балки рафотидан икки ҳафта ўтгандан кейин соттирди,— тириклигида соттирган тақдирда Еремей Лукич бу оғир мусибатга чидай олмаган бўлар эди. Қишлоғи сотилмасдан илгариеёқ у ўз уйида, ўз ётоқ жойида, ўз кишилари орасида ва ўз врачлари назорати остида оламдан ўтиб олди, бечора Пантелейга эса биргина Бессоново насиб бўлди, холос.

Пантелей отасининг касаллигини ҳарбий хизматда, яъни юқорида эслатиб ўтганимиз «кўнгилсиз воқеа» рўй берган вақтда билган эди. Бу вақтда у эндиgina ўн тўққиз ёшга қадам қўйган эди. У болалик чоғидан бошлаб ота уйидан ҳеч ёққа жилмади ва меҳрибон, лекин ғирт тентак онаси Василиса Васильевнанинг бевосита раҳбарлигида тантиқ бойвачча бола бўлиб ўсди. Унинг тар-

бияси билан фақат онаси шуғулланарди, ўзининг хўжалик мулоҳазаларига шўнғиб кириб кетган Еремей Лукичнинг бу ишга қўли тегмасди. Рост, бир куни у ўғлини «рци»¹ ҳарфини «артци» деб талаффуз қилгани учун дўппослаган бўлса-да, лекин бу дўппослашга ўша куни унинг энг яхши итини дарахт босиб ўлгани ва ғоят қайғургани сабаб бўлган эди. Шуни ҳам айтиш керакки, Василиса Васильевнанинг ўз Пантюшасини тарбиялаш борасидаги ҳамма ҳаракатлари ғоят қийинлик билан амалга ошди: у ҳарбий хизматдан бўшаган Биркопф деган бир эльзацлик солдатни куйиб-пишиб ўғлига гувернёр қилиб ёллади ва мабодо кетиб қолса, шўрим қуриб қолади-ку. Кейин ҳолим нима кечади? Бошқа муаллимни қаёқдан топман? Шу муаллимнинг ўзини ҳам қўшни хотинникидан зўрға айнитиб олиб келдим,— деган хаёл билан умрининг охиригача Биркопфнинг атрофида парвона бўлиб юрди. Фаросатли одам Биркопф бу баланд мавқеидан дарров фойдаланиб қолди, ичкиликка муккасидан кирди, эртадан кечгача ухларди. Пантелей «фан курси»ни тамомлаганидан кейин ҳарбий хизматга кирди. Василиса Васильевна бу вақтда дунёдан ўтган эди. У бу муҳим воқеадан ярим йил олдин тушида кўкрагига «дажжол» деб ёзиб қўйилган, айниқ минган ошпоқ одами кўриб, қўрқувдан юраги ёрилиб ўлган эди. Кўп ўтмай, рафиқаси кетидан Еремей Лукич ҳам у дунёга сафар қилди.

Пантелей отасининг потоблиги тўғрисидаги хабарни эшитгани ҳамона, ўқдай учиб келди, аммо етиб келгунча отаси оламдан ўтган эди. Лекин ўзини бой меросхўр деб юрган бу меҳрибон ўғил бирданига камбағал одамга айланганини кўриб, жуда ҳайратда қолди. Бунчалик қаттиқ зарбага камдан-кам одам бардош бера олади. Пантелей ёввойилашди, жаҳлдор бўлиб қолди. Ҳовлиқма ва тезоблигига қарамай, виждонли, сахий ва хушфеъл бўлган Пантелей такаббур ва жанжалкаш бўлиб қолди, қўшнилари билан борди-келди қилмай қўйди, бой қўшниларида уялар, камбағалларини эса назарига илмасди, у эски дворян зотига мансублигини пеш қилиб, ҳаммага, ҳатто расмий маъмурларга ҳам ҳаддан ташқари қўрслик қиладиган бўлди. Бир куни у хонасига бошидан картузини олмай кириб келган становойни отиб ташлашига сал қолган эди. Албатта, маъмурлар ҳам

¹ «р ц и» — церков-славян ёзувида «р» ҳарфининг номи.

унинг бу ҳаракатларини эътиборсиз қолдирмас ва пайти билан унга ўзларининг кимликларини кўрсатиб қўяр эдилар, шундай бўлса-да, ундан ҳайқишарди, чунки у жуда жаҳлдор бўлганидан икки гапнинг бирида пичоқбозлик қилишни талаб этиб туриб оларди. Салгина эътироз билдирилса бас, Чертопхановнинг кўзлари қинидан чиққундай бўлиб ўйнаб кетар, аччиғидан товуши бўғилиб, дудуқланиб қоларди... «Оҳ-оҳ-оҳ-оҳ,— деб гўлди-рар,— шўрим қўрсин мени!»— деб хуноб бўларди. Шунга қарамай, у ҳеч қандай чатоқ ишларга аралашмаган, пок киши эди. Ҳеч ким уникига меҳмон бўлиб келмасди, албатта... Шундай бўлса-да, ўзига яраша раҳмдил, ҳатто олижаноб бир киши эди: адолатсизликни, ситамкорликни ёмон кўрарди, ўз мужикларини қаттиқ туриб ҳимоя қиларди. «Ие, менинг одамларимга дахл қилишга кимнинг ҳадди сиғар экан? Агар мен унинг адабини бермасам, Чертопханов номимни бошқа қўяман...» дейарди у, ғазаб билан бошига уриб.

Тихон Иванович Недопюскин насл-насаби жиҳатидан, Пантелей Еремеичга ўхшаб мақтана олмасди. Унинг отаси ҳам тўралардан бўлиб, дворянлик унвонига қирқ йиллик хизматдан кейингина эришган эди. Отаси жаноб Недопюскин сира омади юришмайдиган, ҳар қадамда бахтсизликка дуч келадиган кишилардан эди. Бечора олтмиш йил мобайнида, яъни туғилган кунидан бошлаб то ўлгунича, паст табақа одамларга хос жуда кўп муҳтожликларни, дарду аламларни бошидан кечирди, у бошини қаёққа урарини билмас, тўйиб овқат емас, тўйиб ухлмас, бировларга ялинар, эртаю кеч тиним билмас, маъюсликка тушар ва азобланар, ҳар бир тийинини титраб-қақшаб сарф қилар эди, чиндан ҳам хизматда «ноҳақ» кулфат чекди ва ниҳоят, ишлаб ўзига ҳам, болаларига ҳам бирон бурда нон топишга улгурмасданоқ, чердакдами, ертўладами ўлиб кетди. Тақдир уни қувғинда қолган қуёндек жуда каловлатиб қўйган эди. У кўнгилчан, виждонли киши эди, лекин одамлардан «мансабларига қараб»— ярим тангадан то икки сўлкавойгача пора оларди. Недопюскиннинг сил касалига йўлиққан озғин хотини га болалари бор эди; хайриятки, ўғли Тихон ва қизи Митродорадан бошқа ҳамма болалари кўп турмай ўлиб кетишган эди, «купас таннози» лақаби тақилган Митродора жуда кўп қайғули ва кулгили саргузаштлардан кейин истеъфодаги стряпчийга эрга чиққан эди. Тихон

Иваничнинг отаси жаноби Недопюскин тириклигида Тихонни маҳкамага штатдан ташқари чиновник қилиб киргизиб қўйган бўлса-да, у отаси вафот қилганидан кейин тезда истеъфога чиқди. Доимий ташвишлар, кийим-бош ва таъминотдаги оғир қийинчиликлар, онасининг юракни эзувчи оҳ-воҳлари, отасининг мушкул аҳволда нонуридлик билан ўзини ҳар ёққа уриши, уй эгалари ва боққолнинг дағаллик билан қилган таъна ва сиқувлари, бир кун ҳам канда бўлмайдиган бу алам ва ситамлар Тихонни ниҳоятда қўрқоқ қилиб қўйган эди: бошлиғининг қорасини кўриши билан у дағ-дағ титраб, тахтадай қотиб қоларди. У хизматдан бўшади. Табиат лоқайдлик ва балки ҳазилкашлик билан кишиларнинг жамиятдаги мавқеига ва имкониятларига қарамай уларда ҳар хил майл ва қобилиятлар пайдо қилади; табиат ўзига хос меҳр ва муҳаббат билан Тихонни — камбағал бир амалдорнинг ўғлини ҳассос, ялқов, мулойим, таъсирланувчан бир киши қилиб, ҳузур-ҳаловатга муккаси билан берилган, ҳид ва маза билиш салоҳияти ғоятда нозик бўлган бир киши қилиб ясади... ясаб ва яхшилаб сайқал бериб бўлганидан кейин ўзининг бу маҳсулини тузланган қарам ва сасиган балиқ еб катта бўлишга мажбур этди. Табиатнинг бу маҳсули ана шу заминда катта бўлаверди, одамлар айтгандек, «яшай» бошлади. Ҳангома бошланиб кетди. Ота-Недопюскинни тинимсиз эзган тақдир унинг ўғли билан ҳам шуғуллана бошлади: афтидан, мазахўрак бўлиб қолган эди. Бироқ тақдир Тихонга бошқача муносабатда бўлди: тақдир уни қийнамасди, уни эрмак қилиб овунарди. Тақдир Тихонни ҳеч вақт умидсизликка солмаган ва очликнинг уятли азобларини бошидан кечиришга мажбур этмаган бўлса ҳам, лекин бутун Россия бўйлаб, Великий-Устюгдан Царево-Қокшайскача, эшикма-эшик сарсон-саргардон қилиб паст хизматларда кездирган эди: тақдир уни гоҳ инжиқ ва жаҳлдор муруватпеша бариня эшигига «мужордом»¹ қилиб қўяр, гоҳ бадавлат хасис савдогарникига текинтомоқ қилиб жойлаштирар, гоҳ соч-соқолини инглизча усулда қирдириб юрадиган, кўзи чақчайган бариннинг хонаки маҳкамасига бошлиқ қилиб тайинлар, гоҳ ит билан ов қилувчи овчига ярим эшик оға, ярим қизиқчи қилиб қўяр эди... Хуллас, тақдир бечора Тихонни мутеликнинг аччиқ ва

¹ «Мужордом — бош малай. (Франц.)

заҳарли шаробини то охиригача томчинма-томчи ичиншга мажбур этган эди. Тихон ўз умрини ишратпараст дворянларнинг инжиқликларига, жирканч ҳаётларига хизмат қилиб ўтказди... Меҳмонлар хордиқлари чиққунча мазах қилиб бўлганлардан кейин Тихонни «энди жўна» деб қўйиб юборганларида, у ўз хонасида ёлғиз ўтириб, уят ва номус оловида ёниб, хўрлигидан кўзларига ёш олиб, эртаси куниеқ ҳеч кимга билдирмай қочиб кетишга, бахтини шаҳарда синаб кўришга, лоқал котиблик хизматини топиб ишлашга ёки бўлмаса кўчада очликдан биратўла ўлиб қутулишга неча марталаб қасам ичган эди. Лекин бу ишни қилишга, биринчидан, иродаси етмасди; иккинчидан, қўрқоқлик қиларди; ниҳоят, учинчидан, қаердан хизмат топишини, кимга мурожаат этишини билмасди. «Мени хизматга олишмайди!»— деб пичирларди баъзан бечора, тўшагида маъюслик билан тўлғаниб. Шунинг учун эртаси кун яна ўша жонига теккан, оғир вазифаларини бажаришга киришарди. Меҳрибон табиат қизиқчилар учун ғоят зарур бўлган истеъдод ва қобилиятдан унга қиттай ҳам ато қилмаганлиги унинг аҳволини бадтар қийинлаштирган эди. У, масалан, айиқ тери ли пўстинни тескари кийиб ҳушидан кетиб қолгунча ўйинга тушишни ҳам, кайфи тароқ майнабозлар олдида ўтириб қизиқ гаплар билан уларни кулдиришни ҳам билмас эди; уни йигирма градусли совуқда қип-яланғоч қилиб ташқарига олиб чиқишарди, у шамоллаб қоларди, гоҳо сиёҳ ва бошқа шундай ярамас нарсалар аралаштирилган винони ичиб ёки майда тўғраб устига сирка сепиб берилган мухомор¹ ва сироежкани² еб, ҳазм қилолмай қусар эди. Борди-ю Тихоннинг саховатпешаларидан энг сўнггиси — бойиб кетган откупщик³ кайфи чоғ вақтда ўз васиятномасида: Зёза (яъни Тихон) Недопюскинга эса ҳалол ақчамга сотиб олганим Бесселендеевка қишлоғини жами ер ва дов-дарахтлари билан бирга умрбод ва бола-чақаларига мерос бўлиб ўтадиган мулк қилиб қолдираман,— деб ёзиб қўймаганда, худо билади, Тихоннинг аҳволи нима кечарди. Шу васиятнома ёзилганидан бир неча кун кейин бу саховатпеша стерлядь балиқ шўрваси ичиб

¹ Мухомор — бир нав заҳарли қўзиқорин.

² Сироежка — қўзиқориннинг бир хили.

³ Откупщик — савдогар (откуп эгаси). Откуп — Россияда XIX асрда давлат томонидан ундирилиши лозим бўлган солиқларни ҳукуматдан сотиб олиб, сўнгра ўзи ундириш ҳуқуқи.

ўтирганида тўсатдан ўлиб қолди. Шовқин-сурон кўтарилди; судья келиб, ҳамма мол-мулкни печатлаб қўйди. Ҳар ёқдан қариндошлари келишди; васиятнома очиб ўқилди. Недопюскинни чақиртиришди. Недопюскин келди. Саховатпешасининг тириклиги вақтида Тихон Ивановичнинг қандай лавозимда бўлганини тўпланганларнинг кўпчилиги биларди: уни қулоқни кар қилгудай қаттиқ хитоб сўзлари ва масхараомуз табриклар билан кутиб олдилар. «Помешчик, мана сизга янги помешчик, кўриб қўйинглар!»— деб бақиринишди бошқа ворислар. «Мана бу кишини ҳалиги, ҳаҳ оти курсин, нима дейиларди... ҳа, топдим, меросхўр деса бўлар, меросхўрнинг худди ўзгинаси...»,— деди қизиқчилиги ва аскиячилиги билан танилган бириси. Шундан кейин ҳамма пиқиллаб кулиб юборди. Недопюскин омади юриб қолганига узоқ вақт ишонгиси келмай турди. Унга васиятномани кўрсатишди — у қизариб кетди, кўзларини қисди, «йўқ» деган ишора билан қўл силтай бошлади ва кўзидан дув-дув ёш тўкиб ҳўнграб йиғлади. Тўпланганларнинг қаҳқаҳаси бир-бирига қўшилиб, кучли наърага айланди. Бесселендеевқа қиншогги фақат йиғирма икки жон деҳқондан иборат эди; ворисларнинг ҳеч қайсиси Бесселендеевқага унчалик кўп ачинмади, модомки шундай экан. Кези келиб қолганда, ўзларини нега хурсанд қилиб олмасинлар? Ворисларнинг фақат биттаси — қирра бурун ва нуроний юзли басавлат эркак киши, яъни Петербургдан келган Ростислав Адамич Штоппелгина чидаб туrolмади-да, ёни билан Недопюскинга яқинроқ сурилиб, елкаси оша унга кеккайиб қаради. «Сиз, тақсирим, билишимча, ҳурматли Федор Федоровичникида масхарабоз вазифасини ўтардингиз, шундайми?» Петербурглик жаноб жуда аниқ, ўткир ва тўғри тил билан сўзларди. Недопюскин хафалиги, ҳаяжонланаётгани сабабли нотаниш жанобнинг сўзларини эшитмади, аммо бошқалар шу ондаёқ жим бўлиб қолишди; аскиячи мағрурона илжайди. Жаноб Штоппель қўлини ишқалаб, саволини такрорлади. Недопюскин оғзини очиб, анқайиб қараб қолди. Ростислав Адамич истеҳзо билан қараб кўзларини қисди.

— Табриклайман сизни, жаноби олийлари, табриклайман,— деб давом этди у,— ростини айтганда, бундай йўл билан кунини ўтказишга ҳар ким ҳам рози бўлавермаса керак,— деб ўйламайман; лекин de gustibus

non est disputandum — яъни бировга у ёқади, бировга бу... Шундай эмасми?

Орқа томонда ўтирганлардан бири бу гапга ажабланиб ва қойил қолиб қиқирлаб кулиб юборди.

— Қани, айтинг-чи,— деб гапни илиб кетди жаноб Штоппель, атрофдаги одамларнинг илжайиб турганидан руҳланиб,— бу бахтга сиз кўпроқ қайси истеъдодингиз билан мушарраф бўлдингиз? Йўқ, уялманг, айтаверинг; бу ердагилар, ҳаммамиз, чунончи, ўз кишиларингиз, *en famille*. Тўғрими, жаноблар, бу ердагилар ҳаммамиз *en famille*, шундайми?

Ростислав Адамич шу савол билан тасодифан мурожат қилган ворис, афсуски, французча билмасди, шунинг учун у маъқуллаш аломатини билдириб, сал ғўлдираб қўя қолди. Аммо бошқа бир ворис, пешонасини сарғиш доғлар босган ёш бир йигит Ростислав Адамичга тезгина: «Вуй, вуй, албатта»,— деб жавоб қилди.

— Эҳтимолки, сиз,— деб яна гап бошлади жаноб Штоппель,— оёғингизни кўтариб, ҳалиги, осмонга қилиб, қўлингиз билан юришни биларсиз?

Недопюскин диққати ошиб атрофга қаради — ҳамма одамлар бадхоҳлик билан илжайишар ва кўзларида хурсандлик ёшлари бор эди.

— Ёки бўлмаса, хўроз бўлиб қиққириш қўлингиздан келар?

Ҳамма хохолаб кулиб юборди, лекин янги гапни эшитиш учун шу заҳоти яна бирдан жим бўлди.

— Ё бўлмаса, сиз бурнингиз устида...

— Бас қилинг!— деб тўсатдан эшитилган қескин ва қаттиқ овоз Ростислав Адамичнинг сўзини бўлди.— Бечорани қийнагани уялмайсизми?

Ҳамма ўгирилиб қаради. Эшик олдида Чертопханов турарди. Марҳум откупшчикка неваражиян бўлганлигидан қариндошларнинг бу йиғинига у ҳам таклиф қилинган эди. Васиятнома ўқилганда у, ўзининг доимий ода-тича, бошқалардан чеккароқда сипогарчилик қилиб турган эди.

— Бас қилинг,— деб такрорлади у, бошини мағрурона кўтариб.

Жаноб Штоппель дарров қайрилиб қаради ва одмигина кийинган, хунук бир кишини кўриб, ёнидаги одамдан аста сўради (эҳтиёткорлик ҳеч вақт зарар қилмайди):

— Бу ким?

— Чертопханов, обрў-эйтибори йўқ бир киши,— деди унга пичирлаб ёнидаги одам.

Ростислав Адамич мағрурона тус олди.

— Сиз ўзингиз қандай қўмондонсиз?— деди у пингиллаб ва қўзларини қисиб.— Сиз қандай махлуқсиз, ўзингизни бир танитиб қўйинг-чи?

Чертопхановнинг фиғони фалакка чиқиб кетди. Жаҳлининг зўридан нафаси сиқилиб қолди.

— Дз-дз-дз-дз,— деб хириллади у худди биров бўғаётгандек ва кейин бирдан бақириб юборди:— кимлигимни айтиб берайми? Қимлигимни айтиб берайми? Мен аслзод дворян Пантелей Чертопхановман, бобо калонимнинг отаси подшонинг хизматида бўлган, сен ўзинг кимсан?

Ростислав Адамичнинг ранги бўздай оқариб кетди ва бир қадам орқага тисланди. У бунчалик зарбага учрашини ўйламаган эди.

— Мени махлуқ дединг-а, мен, мен махлуқ!..

Чертопханов олдинга ташланди; Штоппель жон ҳалпида тисланди, меҳмонлар аччиғи чиқиб кетган помешчик томонга чопдилар.

— Отишамиз, отишамиз, шу ондаёқ кўз боғлашиб отишишга чиқамиз!— бақирди ғазаби қайнаб-тошган Пантелей,— ёки мендан кечирим сўрайсан, ундан ҳам...

— Кечирим сўранг, кечирим сўранг, сўрамасангиз бўлмайди, у ғирт жинни, одамни чавоқлаб ташлаши ҳеч гап эмас,— деб гурунглашди, Штоппель атрофига тўп-ланган ворислар ҳаяжон билан.

— Кечиринг, кечиринг, мен билмабман,— деб ғулдуради Штоппель,— чакки қилибман.

— Ундан ҳам кечирим сўра!— деб ўшқирди, аччиғидан тушмаган Пантелей.

— Сиз ҳам кечиринг,— деб илова қилди Ростислав Адамич, қўрқувдан безгак тутгандай дағ-дағ қалтираб турган Недопюскинга қараб.

Чертопханов ҳовуридан тушди, Тихон Ивановичнинг олдида борди, уни қўлтиғидан ушлаб, атрофга ўқрайиб қаради ва кўзини ерга тикиб жим турган одамлар орасидан тантанали суратда юриб, Бесселендеевка қишлоғининг янги эгаси билан бирга ташқари чиқди.

Ана ўша кундан бошлаб Пантелей Еремеич билан Тихон Иванич ҳеч бир-бирларидан ажралишмади. (Бесселендеевка қишлоғи Бессоноводан атиги етти чақирим-

ча нарида эди), Недопюскиндаги чексиз миннатдорлик, кўп ўтмай, итоаткорона ҳурматга айланди. Заиф, юмшоқ кўнгил ва лекин исқиртроқ Тихон қўрқмас ва бегараз Пантелейга тамомила бош эгарди. «Осон гапми» — деб ўйларди баъзан ичида у, — губернатор билан гаплашади-я, вой худойим-ей, ҳайиқмасдан губернаторнинг кўзига тўппа-тўғри қарайди... бақрайиб қараб туравереди!»

Тихон бутун маънавий кучи билан унга қойил қоларди, уни ақлли, билимли, фавқуллодда бир киши деб иззат-икром қиларди. Чиндан ҳам Чертопхановнинг тарбияси ҳар қанча ёмон бўлган эса-да, ҳар ҳолда Тихон олган тарбияга қараганда минг марта яхши эди. Чертопханов русча асарларни кам ўқирди, французчани ёмон биларди, шу қадар ёмон билардики, бир куни швейцариялик бир гувернёрнинг: «*Vous parlez français, monsieur?*»¹ деган саволига: «Же тушунмайман, — деб жавоб қайтарган ва салгина ўйлаб олиб: — па» деб илова қилган эди, аммо шундайлигига қарамай, у дунёда Вольтер деган ниҳоятда тили ўткир ёзувчи бўлганини, прусс короли Буюк Фридрихнинг ҳам ҳарбий соҳада кўзга кўринган киши эканлигини бир нав биларди. У рус ёзувчиларидан Державинни ҳурмат қиларди, Марлинскийни эса севарди ва энг яхши кўрган кўппагига Аммалат Бек деб от қўйган эди.

Бу икки дўст билан биринчи учрашувимдан кейин бир неча кун ўтгач, Бессоново қишлоқчасига, Пантелей Еремеичникига жўнадим. Узоқдан унинг кичкинагина уйчаси кўринади; бу уй қишлоқдан ярим чақиримча беридаги яланг тепаликка қурилган бўлиб, шудгорга қўнган қарчиғайдек ёлғиз қаққайиб турарди. Чертопхановнинг қўрғони ҳар хил катталиқдаги тўртта эски ёғоч уйчадан, яъни флигель, отхона, омборхона ва ҳаммомдан иборат эди. Ҳар қайси уйча ўз ҳолича алоҳида қилиб қурилган бўлиб, на девори, на дарвозаси бор эди. Кучерим ҳайрон бўлиб, ёғочлари чириб кетган, ифлос қудуқ олдида аравани тўхтатди. Омборхона яқинида жунлари ҳурпайган бир неча ориқ този ит ўлган отни (Орбасанни бўлса керак) ҳар томондан тортқилашиб ёмоқда эди; кучуклардан бири қонга беланган тумшуғини кўтариб шоша-пиша вовиллаб қўйди-да, яна отнинг дикка-

¹ Афандим, сиз французча гаппра оласизми? (Франц.)

йиб турган қовурғаларини гажий бошлади. От олдида дастёрча кийинган, пўрдоқ ва заъфарон юзли, ўн етти ёшлар чамасидаги, яланг оёқ бир ўспирин йигитча турган эди: у ўз назоратига топширилган бу итларга гердайиб қараб турар ва очофатлик қилганларини баъзан қамчилаб қўяр эди.

— Барин уйдами?— сўрадим мен.

— Мен қаёқдай билай! Тақиллатиб кўринг,— деб жавоб қайтарди йигитча.

Мен аравадан сакраб тушиб, флигель олдида бордим.

Жаноб Чертопхановнинг уйи жуда валангор кўринарди: уйнинг ёғочлари қорайиб, деворлари майишиб, қампайиб қолган, мўриси қулаб тушган, бурчаклари чириб бир томонга қийшайиб кетган эди, хира кўкимтир деразачалари тўзиган, пастак том остидан маъюсона қараб турарди: баъзи дайди кампирларнинг кўзи шунақа бўлади. Мен эшикни тақиллатдим; ҳеч ким жавоб бермади. Аммо уй ичидан бировнинг қўйидаги сўзларни қаттиқ-қаттиқ талаффуз қилгани эшитилиб турарди:

— Аз, буки, веде: гапир ахир, аҳмоқ.— дерди бўғиқ бир овоз,— аз, буки, веде, глаголь... ундай эмас. Глаголь, добро, есть, есть¹. Айт, ахир аҳмоқ!

Мен яна тақиллатдим.

Ҳалиги овоз қичқирди:

— Ким у? Киравер.

Мен кичкинагина, бўм-бўш нешхонага кириб, очиқ эшикдан Чертопхановнинг ўзини кўриб қолдим. Ёғ босган бухороча тўн, кенг чолвор ва қизил тақа кийиб стулда ўтирган Чертопханов бир қўли билан бароқ кучукнинг тумшугини сиқиб, иккинчи қўли билан бир бурда нонни унинг тумшугига теккизай-теккизай деб ушлаб турар эди.

— Э-ҳа,— деди у ўрнидан қўзғалмай ҳурмат билан,— қадам ранжида қилганингизга жуда хурсандман. Марҳамат қилиб, ўтиринг, уни қаранг-а, мен Вензор билан овораман... Тихон Иванович,— деб қўшиб қўйди у, овозини баландроқ қилиб,— бу ёққа марҳамат қил. Меҳмон келди.

— Ҳозир, ҳозир,— деб жавоб қайтарди қўшни бўлмадан Тихон Иванович.— Маша, галстугимни бер.

Чертопханов яна Вензорга ўгирилди ва унинг бурни

¹ Аз, буки, веде, глаголь, добро, есть — церков-славян грамматикасида а, б, в, г, д, е ҳарфлари.

устига бир бурда нонпи қўйди. Мен атрофга кўз югуртирдим. Уйда узун-қисқа ўн уч оёқли битта йиғма қий-шиқ стол ва ўртаси чўкиб кетган, похол тўшалган тўртта стулдан бошқа ҳеч бир жиҳоз йўқ эди; бундан аллақачонлар илгари оқланган деворларнинг кўп жойига юлдуз шаклли кўк холлар тушиб, кўчиб кетган эди, икки дераза орасида қимматбаҳо ёғочдан ясалган каттакон рамкада синиқ хира кўзгу осиглик эди. Уй бурчакларида тамаки найчалари ва милтиқлар бор эди; шипдан ўргимчак нининг йўгон ва қора иплари осилиб турарди.

— Аз, буки, веде, глаголь, добро,— деди секин Чертопханов ва бирдан ғазабланиб бақирди:— Е! е! е!.. Вой тентак ҳайвон-а!.. Е, деяпман...

Лекин бечора бароқ кучук фақат титрар, оғзини очишга ботинмас эди; у қўрқибгина думини қисиб, тумшугини буруштирганича ичида: иложим қанча, ихтиёрим сизда, дегандек қилиб, маъюслик билан жавдираб қараб ўтираверди.

— Есанг-чи, ма! Е!— деб такрорлади тинчимас помешчик.

— Кучукни қўрқитиб қўйибсиз,— дедим мен.

— Шунақами, қани, йўқол кўзимдан.

У кучукни тепди. Бечора кучук секин ўрнидан турди, бурни устидан нонни тушириб юборди ва ниҳоятда хафа ҳолда оёқ учида югандек аста-секин пешхонага чиқиб кетди. Ҳақиқатан ҳам хафалиги ўринли эди: бегона одам биринчи марта келган бўлса-ю, унинг олдида бояқишга шунақа қўпол муомала қилса-я.

Бошқа бўлманинг эшиги «ғийқ» этиб очилди, ёқимли таъзим ва табассум билан уйга жаноб Недопюскин кириб келди.

Мен ўрнимдан туриб, салом бердим.

— Азият чекманг, азият чекманг,— деди у секин.

Биз ўтирдик, Чертопханов қўшни бўлмага чиқди.

— Бизнинг овлоқ томонларга марҳамат қилганингизга кўп бўлдимиз?— деб гап бошлади. Недопюскин майин овоз билан ва одоб юзасидан қўлини оғзига тутиб оҳиста йўталиб қўйди.

— Бир ойдан ошди.

— Шундоқ денг-а.

Биз бир оз сукут қилдик.

— Шу кунларда ҳаво жуда яхши бўляпти-да— деб давом этди Недопюскин ва об-ҳавонинг яхши келиши

гўё менинг шарофатим билан бўлаётгандай миннатдорлик билан башарамга қаради.— Ғалла бу йил жуда яхши деса бўлади.

Мен гапини маъқуллаб бош қимирлатдим. Биз яна бир оз сўзсиз ўтирдик.

— Пантелей Еремеич кеча овда иккита товушқон ушлаб олдилар, зап каттаси экан-да,— деб ўзини мажбур қилиб гап бошлади Недопюскин; унинг суҳбатни жонлантиришга уринаётгани кўриниб турарди.

— Жаноб Чертопхановнинг итлари яхшими?

— Таърифдан ташқари итлар.— Мамнуният билан жавоб қайтарди Недопюскин,— губернадаги итларнинг энг яхшиси деса бўлади. (У менга яқинроқ силжиди). Нимасини айтасиз! Пантелей Еремеич шунақа одам! Бирор нарсани хоҳладими, бирор нарса қилмоқчи бўлдим,— қарабсизки, бўлибди-қолибди, у яна шунақанги уддабурон. Мен сизга айтсам, Пантелей Еремеич...

Шу пайт уйга Чертопханов кирди. Недопюскин илжайди, жим бўлиб қолди ва гапимнинг тўғрилигини энди ўзингиз синаб кўрасиз, демоқчи бўлгандек Чертопхановни имлаб кўрсатди. Биз ов тўғрисида гапга тушиб кетдик.

— Итларимни сизга кўрсатайми, хоҳлайсизми?— деб сўради Чертопханов ва жавобимни кутмай Карпни чақирди.

Уқали тугма қадалган, кўк ёқа яшил нанка чакмон кийган барваста қомат бир йнгит кирди.

— Фомага айт,— деди дона-дона қилиб Чертопханов,— Аммалат билан Сайгани келтирсин, у ёқ-бу ёғини тартибга солиб келсин, тушундингми?

Карп оғзини катта очиб илжайди, алланарса деб ғурунглаб ташқарига чиқди. Сочлари таралган, белини сиқиб боғлаган, этик кийиб олган Фомка итларни етаклаб кирди. Мен одоб юзасидан, бу аҳмоқ ҳайвонларни (ҳамма този итлар жуда аҳмоқ бўлади) қизиқсиниб томоша қилган бўлдим. Чертопханов Аммалатнинг бурун катаклари ичига бир-икки марта туфлаб қўйди, аммо бу нарса, афтидан, Аммалатни заррача хурсанд қилмади. Аммалатни Недопюскин ҳам орқасидан силаб эркалатди. Биз яна гапга тушиб кетдик. Чертопханов аста-секин бутунлай ҳовридан тушди, ғўдаймай ва дўнғилламай қўйди; чеҳраси очилди. У мен билан Недопюскинга қаради...

— Э!— деб хитоб қилди тўсатдан,— у ерда битта ўзи ўтириб нима қилади? Маша! Ҳой Маша! Қани, бу ёққа чиқ-чи.

Кўшни бўлмада аллакимнинг шарпаси эшитилди, лекин жавоб бўлмади.

— Ма-а-ша,— деб меҳрибон овоз билан такрорлади Чертопханов,— Бу ёққа чиқ! Ҳеч нарса қилмайди, кўрма.

Эшик аста очилди ва олдимизда йигирма ёшлар чамаси, баланд бўйли, сарвқомат, лўлиларникига ўхшаш қорача юзли, қўй кўзли ва ўрилган сочи тим қора бир жувон пайдо бўлди; унинг қип-қизил, қалин лаблари остидан садафдек оппоқ ва йирик тишлари кўринарди. У оқ кўйлак кийган эди; томоғининг таккинасидан тилла тўғнағич қадаб олганди, ҳаво ранг шол рўмоли нозик, чиройли қўлларини ярмигача бекитиб турарди. У тортинчоқ аёлга хос нйманиш билан уялинқираб бириники қадам ташлади-да, тўхтаб ерга қаради.

— Мана, танишинг,— деди Панталей Еремеич,— хотинликка-ку хотиним эмас, аммо борингки, хотиним десаам бўлади...

Маша бир оз қизариб кетди ва хижолат бўлиб табасум қилди. Мен унга эгилиброқ салом бердим. У менга жуда ёқиб кетганди. Нозик қирра бурни, бурнининг ярим шаффоф очиқ катаклари, баланд, қийғоч қалам қошлари, салгина ичига ботган қонсиз ёноқлари—бутун юз қиёфаси унинг ўзига жуда ҳам бино қўйганлигини ва беташвиш ҳаёт кечиришини кўрсатиб турар эди. Турмаклаб қўйган сочлари остидан йўғон бўйнига тушиб турган иккита қоп-қора ингичка соч тутами унинг кучқувватга тўлган, ҳароратли бир хотин эканлигидан дарақ берарди.

У дераза ёнига келиб ўтирди. Мен унинг хижолатини оширмаслик учун Чертопханов билан гапга тушиб кетдим. Маша бошини хиёл буриб, сездирмай, ётсираб ер остидан менга тез-тез қараб қўярди. Унинг кўзлари илоннинг тилидай тез-тез липиллади. Недопюскин унинг ёнига бориб ўтирди-да, қулоғига алланарса деб шивирлади. У яна жилмайди. Жилмайиб туриб, бурнини жийириб, устки лабини кўтарди, шунда чеҳраси менга мушукнинг, ёки йўлбарснинг башарасини эслатди.

«Ўҳў, сен тегма нозиклар»дан экансан-ку, деб ўйладим мен, унинг келишган қадди-қоматига, ботиқ кўкра-

гига ва бесўнақай, чаққон ҳаракатларига зимдан назар ташлаб.

— Маша дейман, меҳмоннинг олдига ул-бул қўйсақ бўлар эди, а?— сўради Чертопханов.

— Қиёмимиз бор,— деб жавоб қилди Маша.

— Яхши, қиём келтир, бир йўла ароқ ҳам ола кел. Ҳа, айтгандай, Маша,—деб қичқирди у Машанинг орқасидан,— гитарани ҳам опке.

— Гитарани нима қиласиз? Мен ашула айтмайман.

— Нега?

— Айтгим келмаяпти.

— Э, бўлмаган гапни қўй, айтасан, модомики...

— Нима?— деб сўради Маша, дарров қошларини чимириб.

— Модомики илтимос қилинса,— деб сўзини охирига етказди Чертопханов хижолат бўлиб.

— Ҳа!

Маша чиқиб кетди, кўп ўтмай қиём билан ароқ олиб қайтиб кирди-да, яна дераза ёнига бориб ўтирди. Унинг пешонасидаги ажин ҳали ҳам ёзилмаган эди; иккала қоши қовоқарининг мўйлови каби юқорига кўтарилиб, пастга тушиб турарди... Қовоқаршининг башараси заҳар томиб тургандай хунук эканлигини кўрганмисиз, китобхон? Машанинг қошлари ҳам ҳозир шундай эди. Ҳозир албатта момақалди роқ бўлади,— деб ўйладим мен. Гаплар қовушмасди. Недопюскиннинг дами ичига тушиб, зўрма-зўраки илжаймоқда эди; Чертопханов ихрар, қизарар ва кўзини чақчайтирар эди; мен кетмоқчи бўлдим... Маша ирғиб ўрнидан турди-ю бирданига деразани очди, бошини деразадан чиқариб, ўтиб кетаётган хотинга: «Аксинья!»—деб жаҳл билан бақирди. Хотин чўчиб кетди, орқасига ўгирилмоқчи бўлди-да, тайғаниб гурсиллаб йиқилди. Маша орқага ташланиб, қаҳ-қаҳ уриб кулди; Чертопханов ҳам кулиб юборди, Недопюскин шавқ-завқдан чийиллади. Ҳаммамиз ўзимизга келдик. Бир чақмоқ чақилди-ю, момақалди роқ ўтди-кетди... Ҳаво тозаланди қолди.

Ярим соатдан кейин бизни биров кўрса таний олмаган бўлур эди: биз ёш болалардай вақиллашиб, шўхлиқ қилиб ўтирар эдик. Машанинг шўхлиги ҳамманикидан ошиб тушар эди,— Чертопханов кўзлари билан уни еб қўйгундай бўларди. Машанинг чеҳраси оқарди, бурун катаклари кенгайди, кўз қарашлари бирданига ҳам

чақнади, ҳам хираланди. Ёввойининг қулфи дили очилиб кетди. Ўрдакнинг эркаги урғочиси орқасидан лапанглаб юргани сингари, Недопюския ҳам йўғон ва калта оёқларини аранг судраб Машанинг орқасидан лапанглаб юра бошлади. Ҳатто Вензор ҳам даҳлиздаги скамейка остидан чиқиб, остонада бизга бир оз қараб турди-да, тўсатдан сакраб вовиллай бошлади. Маша югурганича бошқа бўлмага кириб, гитара олиб чиқди, елкасидан шол рўмолини отиб ташлаб, чаққонлик билан ўтириб олди, бошини юқори кўтариб, лўлилар қўшиғини бошлаб юборди. Унинг овози дарз кетган жонон пиёланинг садосидай дириллаб, титраб чиқар, баландлашар ва тинар эди... Юрак ҳузур қиларди ҳам, ваҳмасирарди ҳам. «Сўзла, ёндир юракни!..» Чертопханов ўйинга тушиб кетди. Недопюскин ер тепиб, бедана юриш қиларди. Машанинг юзи анордай товланди. Нозик бармоқлари гитара торлари устида чаққон ўрмалар эди; қорача томоғи бўйнидаги икки тизим қаҳрабо маржон билан бирга секин кўтарилиб пастга тушиб турарди. Чарчаганида гоҳ торларни истар-истамас чертгандай бўлиб, бўшашиб жимиб қоларди, шундай вақтда Чертопханов тўхтаб қолиб, елкаларини учирай ва бир жойда туриб оёқларини қимирлатар, Недопюскин эса, ўйинчоқ чинни хитой ҳайкали сингари, бош қимирлатиб турар эди; Маша жазаваси тутган одамдай яна ашуласини бирдан авжига чиқарар, қоматини ростлар ва кўкрагини керар эди. Чертопханов эса яна ер баравар чўккалар, шипга етгунча сакрар, пилдиरोқдай айланиб: «Тез!..» — деб бақирар эди.

— Тез, тез, тез, тез! — деб шошиб-пишиб унинг сўзини такрорларди Недопюскин.

Мен Бессоноводан жўнаганимда кеч кириб, вақт алламаҳал бўлиб қолган эди...

Пантелей Еремеичникига бориб келганимдан икки йилча кейин унинг бошига ҳар хил кулфатлар — ҳа, шундай десак, тўғрироқ бўлади, — кулфатлар туша бошлади. Унинг ҳаётида нохушликлар, муваффақиятсизликлар ва ҳатто бахтсизликлар бу вақтгача ҳам юз берган бўлса-да, лекин у парво қилмай аввалгича «даврон суриб» юраверган эди. Пантелей Еремеичнинг қалбини энг қаттиқ жароҳатлаган биринчи мусибат Машанинг уни ташлаб кетиши бўлди.

Маша унинг уйига жуда ўрганиб қолгандай кўринишига қарамай, нима учун уникидан кетишга мажбур бўлди экан, — буни айтиш қийин эди. Чертопханов умрининг охиригача, Машанинг кетиб қолишига Яфф лақабли ёш бир қўшнисини, яъни истеъфодаги улан ротмистрини¹ сабабчи деб ўйларди. Пантелей Еремеичнинг айтишига қараганда, бу ротмистр қачон қарасангиз мўйловини бураб турар, юзига ёғ ва упани қалин суртиб, ўзига оро бериб юрар ва маъноли қилиб «ҳим, ҳим», деб ўтирар экан, Машани у ана шу қилиқлари билан қўлга олган экан; лекин Машанинг кетиб қолишида унинг лўлиларга хос дайдилик мижози кўпроқ иш берган бўлса керак. Хуллас, нима бўлса ҳам ёз кунларидан биринда, кечқурун Маша баъзи латта-путталарини бир бўхча қилиб тугиб, Чертопхановнинг уйидан чиқиб кетди.

Маша кетишидан илгари сурункасига уч кун уй бурчагига тиқилиб, яраланган тулкидай ғужанак бўлиб

¹ Улан ротмистри — чор армиясида отлик қўшин офицери.

Ўтирди,— ҳеч кимга бир оғиз ҳам гапирмади, атрофга кўз қирини ташлаб, хаёл суриб, қошларини чимириб, тишининг оқини сал кўрсатиб, худди бир нарсага ўраниб олгандай қўлларини қимтиб ўтирди, холос. Бундай «хомушлик» чоғлари унда илгари ҳам бўлиб турарди, аммо бу ҳол бунақа узоққа чўзилмасди. Чертопханов буни биларди, шу важдан ташвишланмас, уни ҳам безовта қилмас эди. Лекин у энг сўнгги икки този ити ҳам ўлиб қолганини итбоқаридан эшитиб, хабар олгани игхонага кириб, қайтиб чиқиб келаётганида чўри хотинни учратди; чўри хотин ташвиш билан унга: Мария Акинфиевна, тўрамга салом дегин,— дедилар, доимо соғ-саломат ва бахтиёр бўлишларини тилайман, шу кетганимча энди даргоҳларига сира қайтиб келмайман, деб, шунини сизга билдиришимни буюрдилар,— деди. Бу гапни эшитган Чертопханов турган жойида бир-икки марта гир айланди ва хириллоқ овоз билан бўкирди-да, шу ондаёқ қочоқ хотиннинг кетидан чопганича қува кетди— бир йўла тўппончасини ҳам оливолди.

Чертопханов Машага уйдан икки чақиримча нарида, уезд шаҳрига бориладиган катта йўл бўйидаги қайинзор ёнида етиб олди. Қуёш уфққа ёнбошламоқда, шунинг учун атрофдаги ҳамма нарса: дарахтлар, кўкатлар ва ерлар бирданига қип-қизариб кетган эди.

— Яффнинг олдига кетаяпсанми? Яффникига-я!— деди Чертопханов ҳансираб, Машани узоқдан кўриши биланоқ,— Яффникига кетаяпсанми?!— такрорлади у, Машанинг олдига чопиб кетаётиб ва ҳар қадамда қоқиниб.

Маша тўхтаб, унга ўгирилди. Маша қуёшга орқа ўгириб турганидан қоп-қора ёғоч ҳайкалдай кўринарди. Кўзларининг бодомга ўхшаш оқи кумушдай ялтираб турарди, кўз қорачиқлари эса, яна ҳам тим қора тус олган эди. У тугунчасини бир четга ташлаб, қўлини кўксига қовуштирди.

— Яффнинг олдига кетаяпсанми, ярамас!— деб такрорлади Чертопханов ва Машанинг елкасидан тутмоқчи бўлди-ю, кўзи унинг кўзларига дуч келиши билан нима қиларини билмай, довдираб, бақрайиб қолди.

— Жаноб Яффникига кетаётганим йўқ, Пантелей Еремеич, лекин энди мен сиз билан туролмайман,— деб жавоб берди Маша осойишта ва секин овоз билан.

— Нега туролмайсан? Нима учун? Мен сени хафа қилиб қўйдимми?

Маша бош чайқади.

— Пантелей Еремеич, сиз мени хафа қилганингиз йўқ, аммо мен сизникида туриб зерикдим... Қилган яхшиликларингиз учун раҳмат, лекин қололмайман — йўқ!

Чертотпханов ҳайрон бўлиб қолди: ҳатто қўллари билан сонига шাপатилаб, бир сакраб ҳам тушди.

— Бу нима қилганинг? Меникида туриб, фақат ҳузур-ҳаловат кўрдинг, энди бўлса бирдан зерикиб қолибсан! Мени ташлаб кетиш хаёлига тушибсан! Бошингга рўмолингни илибсан-да, чиқибсан кетибсан. Сенга кўрсатилган иззат-ҳурмат бариняларга қилинадиган иззат-ҳурматдан кам эмас эди-ку...

— Менга ўша иззату ҳурматнинг бўлмагани яхши эди,— деб унинг сўзини бўлди Маша.

— Нима учун энди? Бир фирибгар лўли қиз эдинг, бариня бўлиб олдинг-ку, шу ҳам ёқмадимми? Хўш, нега ёқмади, зоти паст? Бу гапингга ишониб бўладими? Қўнглинг бошқага алағда бўлган, бошқага! Бу хиёнат!

Чертотпханов яна ловиллаб кетди.

— Хиёнат қилиш деган нарсга хаёлимда йўқ, бўлган ҳам эмас. Мен сизга айтдим-ку, зерикканимдан кетяпман,— деди Маша ёқимли, жаранглаган овоз билан.

— Маша!— деб хитоб қилди Чертотпханов ва ўз кўкрагига гурсилатиб мушлай бошлади,— қўйсанг-чи, бу гапларингни, бас энди, мени тоза қийнадинг... Бўлди! Азбаройи худо! Ўйлаб кўргин, бу қилиғингни Тиша кўрса нима дейди: ҳеч бўлмаса унга раҳминг келсин!

— Тихон Ивановичга мендан салом денг ва айтингки...

Чертотпханов қўл силтади.

— Бекор айтибсан, бўлмаган гапни гапирма — кет-кизгани қўймайман! Сенинг Яффинг муродига ета олмайди!

— Жаноб Яфф,— деб сўз бошлаган эди Маша, бироқ Чертотпханов Машани масхара қилиб:

— Унинг нимаси жа-но-би Яфф экан? У ғирт муттаҳам, қаллоб одам, афт-башараси ҳам худди маймуннинг ўзгинаси!— деди.

Чертотпханов Маша билан ярим соатча овора бўлди. Гоҳ Машанинг олдига яқин борар, гоҳ ундан йироқлашар, гоҳ унга қўлини кўтариб ўдағайлар, гоҳ эгилиб таъзим қилар, йиғлар, сўкинар эди...

— Қололмайман,— деб такрорлади Маша,— юрагим сиқилиб кетди... Зерикишдан ўзимни қаёққа қўйишни билмаяпман.—Аста-секин унинг юзи шу қадар лоқайд, уйқули тус олдики, Чертопханов ундан, биров сенга дори-пори ичириб қўймадимикин?— деб сўради.

— Зерикдим,— деди Маша ўнинчи марта.

— Ҳўш, мен сени ўлдириб қўя қолсам нима дейсан?— деб бақириб юборди Чертопханов ва чўнтагидан тўппончасини чиқарди.

Маша илжайди, юзи жонланиб кетди.

— Нима қиларди? Ўлдираверинг, Пантелей Еремеич: ихтиёрингиз, лекин мен сизликка қайтиб бормаيمان.

— Қайтмайсанми?— Чертопханов тўппонча тепкисини очди.

— Азизим, қайтмайман. Ўлсам ҳам қайтмайман. Га-пим гап.

Чертопханов тўсатдан тўппончани Машанинг қўлига тутқазиб, ўзи ерга ўтириб олди.

— Ундоқ бўлса, сен мени ўлдириб қўя қол! Сенсиз яшай олмайман. Мендан кўнглинг қолибди — энди ҳам-ма нарса кўзимга хунук кўриниб қолди.

Маша энгашиб ердан тугунчани олди, тўппончанинг оғзини Чертопхановдан четга қаратиб кўкат устига қўйди-да, унга яқинроқ келди.

— Эҳ, азизим, ўзингизни мунча қийнайсиз? Ёки сиз биз лўли хотинларни билмайсизми? Бизларнинг одатимиз шунақа. Модомики зерикиш бошланиб, кўнгил бегона узоқ юртларга боришни қўмсаб қолган экан — бир ерда қолиб бўлармиди? Сиз Машангизни эсдан чиқарманг — бошқа ҳеч бир хотин сизга унчалик дўст бўла олмайди; сизни, сиз лочинимни мен ҳам унутмайман; энди эса биз бир-биримиздан абадий жудо бўлдик!

— Маша, мен сени яхши кўрардим,— деди Чертопханов юзини чангаллаб турган бармоқлари орасидан...

— Мен ҳам сизни севар эдим, дўстим Пантелей Еремеич!

— Мен сени севардим, мен сени жон дилимдан севарман, мен сенга мафтунман—энди нима десам бўладики, сен ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, бекордан-бекорга мени аро йўлда қолдириб, ташлаб кетяпсан ва жаҳонгашталикини бошляпсан — хайр, майлига, биламан: агар бир бахти қора ғариби бечора бўлмаганимда сен мени ташлаб кетмас эдинг!

Маша бу гапларга илжайиб қўйди, холос.

— Ана, кўрдингизми, яна ҳадеб сепинг йўқ деб таъна қилардингиз-а!— деди ва Чертопхановнинг елкасига бир урди.

Чертопханов дик этиб ўрнидан турди.

— Хайр, ҳеч бўлмаса пул-мул олгин мендан, бир тийинсиз қандай қилиб кетасан? Йўқ, ҳаммадан яхшиси, сен мени ўлдириб қўя қол! Ростини айтяпман: мени бира тўла ўлдириб қўя қол!

Маша яна бош чайқади.

— Ўлдирай? Сизни ўлдириб Сибирга сургун бўлайинми, азизим?

Чертопханов сесканиб кетди.

— Демак сен фақат шунинг учун, сургун бўлиб кетишдан қўрққанинг учунгина...

Чертопханов ўзини яна кўкат устига ташлади.

Маша унинг тепасида бир оз жимгина турди.

— Пантелей Еремеич, сизга раҳмим келяпти,— деди у уҳ тортиб,— сиз яхши одамсиз... лекин кетмай иложим йўқ, яхши қолинг.

Маша четга бурилиб, бир-икки қадам юрди. Тун дохил бўлиб, ҳамма ёқдан қоронғилик ёпирилиб келмоқда эди. Чертопханов ўрнидан ирғиб туриб, Машанинг иккала билагини орқасидан ушлади.

— Шундай қилиб, кетаверасанми-а, жодугар? Яффанинг олди-а!

— Яхши қолинг!—деб маъноли равишда кескин такрорлади Маша ва Чертопхановнинг қўлидан суғурилиб чиқиб, йўлида кетаверди.

Чертопханов унинг орқасидан қараб қолди, сўнг тўппонча турган жойга югуриб борди, тўппончани олди-да, мўлжаллаб туриб, ўқ узди... Лекин тепкини босишдан аввал тўппончанинг оғзини сал юқорига кўтариб юборгани учун ўқ чийиллаганича Машанинг тепасидан учиб ўтди. Маша кета туриб, унга елкаси оша қаради-да, худди мазах қилгандай, у ёқ-бу ёғига чайқалиб баҳузур йўлида давом этди.

Чертопханов башарасини бекитди ва орқасига бурилиб, ғизиллаб чопиб кетди...

Аммо у эллик қадамча чопиб борар-бормас бирдан таққа тўхтаб, қоққан қозиқдай туриб қолди. Қулоғига таниш бир овоз, ниҳоятда таниш бир овоз эшитилди. Маша ашула айтаётган эди. «Ҳар қачон ёш, гўзал,

зебо»ни айтмоқда эди у; товуши кечки ҳавода мунгли ва ҳароратли жарангламоқда эди. Чертопханов ашулани бутун вужуди билан тинглади. Ашула овози тобора узоқлашди: бу овоз гоҳ пасаяр ва гоҳ боягидай ҳарорат билан яна аранг эшитилиб қолар эди...

«У менинг жигимга тегяпти,— деб ўйлади Чертопханов, лекин шу ондаёқ ихраб:— Оҳ ундай эмас: у мен билан абадий видолашмоқда»,— деди ва йиглаб юборди.

Чертопханов эртаси куни жаноб Яффнинг квартирасига борди, жаноб Яфф ҳақиқий дунёвий киши бўлганидан қишлоқда якка туришни хоҳлаймай, уезд шаҳрида, унинг ўз тили билан айтсак, «ойим қизларга яқинроқ жойда» истиқомат қилар эди. Чертопханов борганида Яфф уйида йўқ эди: камердинернинг гапига қараганда, у бир кун илгари Москвага кетган экан.

— Худди ўзим ўйлагандай!—ғазаб билан хитоб қилди Чертопханов,—демак, иккаласи тил бириктирган экан; Маша у билан қочибди. Сен шошмай тур ҳали!

Камердинернинг қаршилиқ кўрсатишига қарамай, Чертопханов ёш ротмистрнинг кабинетига бостириб кирди. Кабинетда диван тепасида Яффнинг улан аскарий формасида тушган, мойли бўёқлар билан солинган сурати осилиб турарди.— Ҳа, шўртумшук маймун, бу ерда экансан!— деб бақирди Чертопханов ва диван устига сакраб чиқди-да, суратнинг ўртасини мушти билан бир уриб катта қилиб тешиб юборди.

— Такасалтанг хўжайинингга айтгинки,— деди у камердинерга,— дворянин Чертопханов, у наҳс башаранинг ўзини топа олмаганлиги учун унинг суратини расво қилди: агар у мени дуэлга чақиришни хоҳласа, дворянин Чертопхановни қаердан топиш кераклигини билади! Акс ҳолда уни мен ўзим қидириб топаман! У шўртумшукни етти қават ернинг тагидан ҳам топиб чиқаман!

Чертопханов шу гапларни айтганидан кейин дивандан сакраб тушди-да, тантанали суратда уйдан чиқиб кетди.

Лекин ротмистр Яфф уни ҳеч қандай дуэлга чақирмади—унга ҳатто ҳеч бир жойда тўқнаш ҳам келмади— Чертопханов ҳам ўз душманини қидириб топишни ўйламади, улар ўртасида ҳеч қандай можаро юз бермади. Маша эса дом-дараксиз ғойиб бўлди! Чертопханов

Бу мусибат — унинг қадрдон дўсти Тихон Иванович Недопюскиннинг вафоти эди. Вафотидан икки йилча илгари Недопюскиннинг соғлиғи ёмонлаша бошлади: нафаси сиқиладиган бўлиб қолди, ухлагани-ухлаган эди, уйқудан уйғонганида дарров ақл-ҳуши ўзига кела қолмас эди: уезд врачл — унинг миясига «қон қуйилиш» бошланибди, — деб ишонтирди. Машанинг кетишидан олдинги уч кун ичида, яъни Маша «зерикиб қолган» ана ўша уч кун мобайнида Недопюскин қаттиқ шамоллаб, ўзининг Бесселендеевқасида касал бўлиб ётган эди. Машанинг кетиб қолиши унга кутилмаган даражада асар қилди: бу воқеа унинг қалбини Чертопхановникидан ҳам бадтарроқ жароҳатлади. У ювош ва бўш-баёв киши бўлганидан, ошнасиға ниҳоятда ачинганини ва бу ишдан жуда ҳайратда қолганини изҳор этишдан бошқа ҳеч нарсa қилмади... аммо унинг қалби пора-пора бўлди, кўнгли бўм-бўш бўлиб, ҳувиллаб қолди. «Маша менинг жонимни суғуриб олиб кетди», — деб пичирларди у ўзича, яхши кўрган клиёнкали диванчасида бош бармоқларини бир-бири атрофида айлантириб ўтириб. Ҳатто Чертопханов ўзига келса ҳам, Недопюскин ўзига келмади — шунинг учун у ўзини «кўнгли бўм-бўш бўлиб, ҳувиллаб ётган» деб ҳис қилишда давом этди. «Мана бу жой бўм-бўш» — деярдн у, кўкрагининг ўртасини, қорнидан баландроқ жойни кўрсатиб. Тихон шу зайлда қишгача ётиб олди. Дастлабки совуқлар унинг нафас қиснш касаллигини енгиллаштирган бўлса ҳам, лекин у мияга қон қуйилиш касалига гирифтор бўлиб қолди. У ҳушидан бирданига кетмади; у ҳали Чертопхановни танир ва дўстининг қаттиқ овоз билан хитоб қилиб: «Тиша, бу нима қилганинг, сен ҳам Машага ўхшаб мени рухсатимсиз ташлаб кетяпсанми?» — деб айтган сўзларига: «Ма... П... а...сей Е...е...ич, ҳа... чон... жо...м... б... лан...амат» — деб ғулдураб жавоб қайтарди. Шундай бўлса, ҳам, у ўша кунёқ, уезд врачл келгунча вафот этди; унинг эндиғина совий бошлаган жасади устига келиб етган уезд

врачининг қилган иши, бу дунёнинг бебақолигини ғамгин сураатда ўйлаб «бир бўлак балиқ ва ароқ» сурашдан иборат бўлди, холос. Тихон Иванович ер-мулкини, кутилганича, ўзининг энг мухтарам саховатпешаси ва олижаноб ҳомийсига, «Пантелей Еремеич Чертопхановга» васият қилиб қолдирди; аммо бу ер-мулк энг мухтарам саховатпешага кўп фойда етказмади, чунки кўп ўтмай очиқ савдо билан сотилди, унинг пули қисман қабр устига қўйилган монумент, яъни ҳайкалнинг харажатларини қоплашга сарфланди, бу ҳайкални дўстининг қабри устига Чертопханов (оталик меҳри жўш уриб!) ўрнаттирди. Ибодат қилиб турувчи фариштани тасвирлаши лозим бўлган бу ҳайкални Чертопханов Москвадан сотиб олдириб келди; лекин Чертопхановга тавсия қилинган комиссионер вилоятларда ҳайкалтарошлик санъатини яхши тушунадиган одамлар жуда камлигини билганидан, унга фаришта ҳайкалини эмас, балки Москва ёнида бўлган, Екатерина замонасидан қолган хароба боғлардан бирини кўп йиллардан буён безатиб келган Флора маъбудасининг ҳайкалини юборди — рококо услубида ишланган лўппи қўлли, йирик жамалак сочли, эгик қоматли, яланғоч кўкрагига гулчамбар тақилган, ниҳоятда гўзал ишланган бу ҳайкал комиссионернинг ўзига деярли текинга тушган эди. Афсонавий маъбуда бир оёғини назокат билан кўтарганича то алҳолга қадар Тихон Ивановичнинг қабри устида турмоқда ва қабр атрофида ўтлаб юрган қўй ва бузоқларга — қишлоқдаги гўристонларимизнинг бу доимий зиёратчиларига чинакам аҳмоқона ноз-карашма билан назар ташламоқда.

III

Чертопханов содиқ дўстидан жудо бўлганидан кейин яна ичкиликка ружу қўйди. Бу сафарги майхўрлиги анча жиддий тус олди. Унинг ишлари орқага кетди. Ов қилишга ҳеч нарсаси қолмади, энг охири пуллари тамом бўлди, энг сўнгги хизматкорлари ҳам ҳар ёққа тарқалиб кетишди. Пантелей Еремеич ҳақиқий ғариб, кимсасиз бир киши бўлиб қолди: дардлашиш у ёқда турсин, ҳатто бир-икки оғиз сўзлашадиган кишиси ҳам қолмади. Унинг фақат кибр-ҳавосигина пасаймади. Аҳволи қанча ёмонлашса, димоғдорлиги, кибр-ҳавоси ва

кеккайиши шунча ортиб борди. Охири одамларга бутунлай аралашмай қўйди. Унинг бор-йўғи биргина эрмаги, биргина қувончи, яъни Дон отлари зотидан бўлган, салт миниб юриладиган ажойиб бўз оти бор эди, Чертопханов томонидан Маликул Одил деб аталган бу от ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб эди.

Бу от унинг қўлига мана бундай тарзда тушган эди.

Бир куни Чертопханов қўшни қишлоқдан отлиқ ўтиб кетаётганида қовоқхона олдида бир тўда мужикларнинг ғовур-ғувурини эшитиб қолди. Шу мужиклар оломони ўртасида, бир жойда бир неча йўғон, бақувват қўл тўхтовсиз равишда юқорига кўтарилар ва яна пастга тушар эди.

— У ерда нима бўляпти?—деб сўради у ўзига хос амирона оҳанг билан, уйининг кўча эшиги остонасида турган бир кампирдан.

Кампир эшик тепадорига қўлини тираб ва мудрагандай бўлиб қовоқхона томонга қараб турарди. Унинг чипта кавуш кийган оёқлари орасида бир ўғил бола оёқчаларини кериб ва қўлчаларини мушт қилиб ўтирганди, боланинг эғнида чит қўйлак бўлиб, очиқ кўкрагига сарв ёғочидан ясалмиш бут тақиб қўйилганди: уларнинг яқингинасида бир жўжа қора булка ноннинг қотган қобиғини чўқиб мағдаламоқда эди.

— Худо билади, тақсир,—деб жавоб берди кампир ва энгашиб, ажин қоплаган қора қўлини боланинг бошига қўйди,—йигитларимиз жуҳудни уришаяпти, шекилли.

— Жуҳудни? Қайси жуҳудни?

— Худо билади, тақсир. Қишлоғимизда аллақандай жуҳуд пайдо бўлибди: қаёқдан келиб қолганини ҳеч ким билмайди. Вася, бор онангга, чироғим: кишт-кишт, ҳой ярамас-эй!

Кампир жўжани ҳайдаб юборди, Вася унинг этагига ёпишиб олди.

— Ишқилиб ўшапи уришяпти-да, тақсирим.

— Уришяпти дейсанми? Нега?

— Мен қайдан билай, тақсир. Бирон сабаби бордир-да. Урмай бўладими? Ахир, отахон, у ҳазрати Исонинг қўл-оёқларини бутга тортиб парчалаган-ку!

Чертопханов қийқириб от бўйнига қамчи солди, тўппа-тўғри оломон устига бостириб борди ва оломон ўртасига ёриб кириб,—бу ўзбо...шим...чалик! Ўзбошимча...

ли.к! Жазони қонун бериши керак, ҳу...су...сий. ша...
хслар эмас! Қонун! Қонун! Қо... нун!!— деб титроқ овоз
билан гапириб, қамчиси билан атрофдаги мужикларни
ёппасига савалай бошлади.

Икки минут ўтар-ўтмас бутун оломон ҳар томонга
тисланди ва қовоқхона эшиги олдида, ерда эғнидаги
нанка чакмонининг дабдаласи чиққан, ўлгундай дўппос-
ланган, жипкак, ориқ ва қорача бир кишининг сулайиб
ётгани маълум бўлди... унинг юзи бўздай оқариб, кўзла-
ри ола-кула бўлиб кетган, оғзи очиқ эди... Бу нима?
Қўрққанидан нафаси қайтиб қолганми ёки ажал ит-
ганиданмикан?

— Жухудни нега ўлдирдиларинг?—деб бақирди Чер-
топханов, пўниси билан қамчисини силкитиб.

Оломон бунга жавобан секин говур кўтариб қўйди.
Мужиклардан бири елкасини, баъзиси биқинини, бош-
қаси бурнини ушлаб турарди.

— Зўрлигини қаранглар-а!— деган овоз келди орқа-
даги одамлар орасидан.

— Қамчи билан уради-я! Бунақа уриш ҳар кимнинг
ҳам қўлидан келади!— деди бошқа овоз.

— Ҳой бетамиз тўнгалар, жухудни нега ўлдирдила-
ринг?—деяпман сизларга!— деб такрорлади Чертоп-
ханов. Аммо ерда ётган одам шу пайт ирғиб ўрнидан
турди ва Чертопхановнинг орқасига югуриб ўтиб, жон
ҳаллида унинг эгари четига маҳкам ёпишиб олди.

Оломон қаҳқаҳа уриб кулиб юборди.

— Жони сабил! Худди мушукнинг ўзи!— деган овоз
келди яна орқадаги одамлар орасидан.

— Заноб олийлари, менга раҳм қилинг, қутқазинг!
Бўлмаса улар мени ўлдирисади, тирик қўйисмайди, за-
ноб олийлари!

— Улар сени нега уришди?—сўради Чертопха-
нов.

— Азбаройи худо билмайман!— Молларига офат
келган экан... Сунинг учун мендап гумонсирасяпти... мен
эса...

— Хайр, бунинг биз кейин текшираемиз!— деб Чертоп-
ханов унинг сўзини бўлди,— энди сен эгарни қўлингдан
қўйиб юбормай орқамдан юр. Сизлар эса!— деб қўшиб
қўйди у, оломонга ўгирилиб,—сизлар менинг кимлигимни
биласизларми?—Мен помешчик Пантелей Чертопханов
бўламан, Бессоново қишлоғида тураман,—демак, хоҳла-

ган вақтларингда мендан шикоят қилаверинглар, дарвоқе жуҳуддан ҳам.

— Нега шикоят қилар эканмиз,— деди кекса патриархни эслатувчи оқ соқол, савлатли бир мужик. (Айтмоқчи, жуҳудни дўппослашда у бошқалардан ҳеч қолишмаган эди.)— Отахон Пантелей Еремеич, биз сенинг меҳр-шафқатингни яхши биламиз; раҳмдиллигинг билан ақлимизни киритганинг учун кўп хурсандмиз!

— Шикоят қилмаймиз, нима кераги бор?— дейишди бошқалар.— Аммо анови дажжолдан ўчимизни оламиз! У биздан қочиб қутулолмайди! Биз уни қуён овлагандай қилиб...

Чертопханов мўйловини қимирлатди, пишқирди ва отини салмоқ билан юргизиб қишлоғига жўнади, орқасидан жуҳуд эргашиб кетди, Чертопханов бир вақтлар Тихон Недопоскинни жабрловчилардан қандай қутқазган бўлса, ҳозир жуҳудни ҳам худди ўшандай қутқазди.

IV

Чертопхановникидан қочиб кетмаган бирдан-бир дастёр бола шу воқеадан бир неча кун кейин унга бир отлиқ киши келганини ва у билан сўзлашмоқчи эканини айтди. Чертопханов эшик олдига чиқиб, ўзига таниш жуҳудни кўрди, жуҳуд отлиқ эди, бу ғоят гўзал Дон оти ҳовли ўртасида қимирламай, мағрур турарди. Жуҳуд бош яланг эди: шапкасини қўлтиғига қисиб олганди, оёқларини узангига эмас, балки узангининг тасмаси орасига киргизиб олганди: чакмонининг йиртиқ этаклари эгарнинг ўнг ва чап томонидан осилиб ётарди. У, Чертопхановни кўргач, лабларини чапиллатиб, қўл-оёқларини ликиллата бошлади. Аммо Чертопханов унинг саломига жавоб қайтармади, шундай яхши отни ярамас бир жуҳуд миниб юрибди-я... бу нақадар келишмаган нарс!— деган фикр билан ҳатто бирдан аччиқланиб, ғазаби қайнаб кетди ҳам.

— Ҳой, наҳс!— деб бақирди у,— агар балчиққа қорилишни истамасанг дарров отдан туш!

Жуҳуд сўзсиз бўйсунди, эгардан ирғиб тушди ва бир қўли билан от жиловидан ушлаб, илжайиб ва таъзим қилиб туриб, Чертопхановга яқинлашди.

— Хўш! Нима?— такаббурлик билан сўради Пантелей Еремеич.

— Заноби олийлари, бир қаранг, қандай яхси от?— деди жуҳуд таъзим қилишда давом этиб.

— Ҳа... яхши от. Бу отни сен қаердан олдинг! Ўғирлагандирсан-да?

— Қандай қилиб ўғирлаб бўлсин, заноби олийлари! Мен бировнинг ҳақидан қўрқадиган зуҳудман, ўғирлаганим йўқ, сиз заноби олийлари уцунгина олдим, холос. Бу отни қўлга киритис уцун тозаям кўп уриндим-да! Лекин ўзи ҳам асл от-та зонивор! Бу от Доннинг бориб туган энг яхси оти, бутун Донда бунга тангласадиган отни сира топиб бўлмайди, заноби олийлари, бу отнинг циройилигини бир кўриб қўйинг! Мана, бу ёққа ўтинг! Диррр... диррр... ўгирил, ёнламасига турсанг-ди! Устидан эгарини олайлик. Уни қаранг! Заноби олийлари, ёқдими?

— Яхши от,— деб такрорлади Чертопханов ясама бепарволик билан, лекин юраги дукиллаб урарди. У от зотига жуда ўч эди ва унинг қадрига етарди.

— Заноби олийлари, сиз уни бир силанг! Бўйнигина-сини силанг, хи-хи-хи! Мана сундай.

Чертопханов гўё хоҳламагандек, қўлини отнинг бўйнига ташлаб, уни бир-икки марта шапатиллаб қўйди, сўнгра яғринидан то буйрак устидаги маълум жойига етгунча орқасини силади, бу жойини овчиларга хос усталик билан салгина босди. От дарров орқасини эгиб, Чертопхановга мағрур қора кўзлари билан ён томондан қараб пишқирди ва олдинги оёқларини навбатма-навбат кўтариб қўйди.

Жуҳуд кулиб юборди ва секингина чапак чалди.

— Эгасини танияпти, заноби олийлари, эгасини танияпти!

— Қўй, валдирайверма энди,— Чертопханов энсаси қотиб унинг сўзини бўлди.— Бу отни сендан сотиб олайин десам...пулим йўқ, ҳады тариқасида эса, жуҳуд у ёқда турсин, ҳатто парвардигорнинг ўзидан ҳам ҳеч нарса олмаганман!

— Йўқ-ей, сафқат қилинг, ахир сизга бирор нарса ҳады қилисга қандай ҳаддим сиғсин!— деди жуҳуд.— Сиз сотиб олинг, заноби олийли... пулини кейинроқ берарсиз.

Чертопханов ўйлашиб қолди.

— Қанча сўрайсан?— деди у, ниҳоят, секин гижиниб.

Жуҳуд елкасини қисди.

— Қанчага олган бўлсам ўса-да. Икки юз сўм.

От жуҳуднинг айтганидан икки-уч баравар қимматроқ турарди.

Чертотпханов башарасини четга ўгириб, юраги ҳовлиқиб эснади.

— Пулини... қачон?— ўзини хўмрайишга мажбур этиб, жуҳудга қарамасдан сўради у.

— Заноби олийлари қачон хоҳласалар, ўсанда.

Чертотпханов бошини орқага ташлади, лекин рўпарасига қарамади.

— Бу жавоб эмас. Очиқроқ гапир, малъун! Нима, сендан қарздор бўлиб қоламанми?

— Борингки, ана,— деди шошиб-пишиб жуҳуд,— олти ойдан кейин берасиз...— розимисиз?

Чертотпханов ҳеч нарса демади. Жуҳуд у билан кўз уриштиришни пойларди.

— Розимисиз? Отхонага олиб кираверайми?

— Менга эгарни керак эмас,— деди секин Чертотпханов.— Эгарни олиб кет, эшитдингми?

— Албатта, албатта, оламан, оламан,— деди хурсанд бўлган жуҳуд ва эгарни елкасига осиб олди.

— Пулни,— деб давом этди Чертотпханов...— Олти ойдан кейин оласан. Икки юз эмас, икки юз эллик бераман. Жим! Икки юз эллик дедим — гап тамом! Икки юз эллик сўминг менда.

Чертотпханов ҳамон кўзини ердан узишга ботинолмасди. Ундаги мағрурлик... ҳеч қачон бунчалик қаттиқ шикаст емаган эди. «Кўриниб турибди, бу шайтон отни миннатдорлик билдириш учун олиб келган!» деб ўйлади у. — Ҳозир у бу жуҳудни қучоқлаб ўпишга ҳам, дўппослаб уришга ҳам тайёр эди...

— Заноби олийлари,— деб сўз бошлади жуҳуд теткиланиб ва тишининг оқини кўрсатиб,— ўрисча одат билан этакдан-этакка узатсак бўлармиди...

— Бир ками шу эди? Яҳудийсану... ўрисча одат дейсан-а! Ҳой! Қим бор? Отни отхонага олиб кир. Олдига ем сол. Ҳозир ўзим кириб кўраман. Билиб қўй, унинг номи Маликул Одил.

Чертотпханов зинага чиқди-ю, лекин бирдан пошнасида шахт айланди ва жуҳуднинг олдига чопиб келиб,

унинг қўлини қаттиқ сиқди. Жуҳуд эса, энгашиб лабини чўчайтирди, аммо Чертопханов ўпишмай, орқасига тисланди ва «Ҳеч кимга айтма!»— деб гурунглаб, уйига кириб кетди.

V

Ана шу кундан бошлаб Чертопхановнинг асосий иши, асосий машғулоти, қувончи Маликул Одил бўлиб қолди. Чертопханов уни Машани севганидан ҳам ортиқ севди, унга Недопюскинга ўрганганидан ҳам кўпроқ ўрганиб қолди. Ўзи ҳам отмисан от эди-да! Қуюндек тез эди, тўралардек серсовлатлигини айтмайсизми! Чарчашни билмас, чидамли эди, бошини қаёққа бурсангиз тархашлик қилмай кетаверарди, ўзи ҳам жуда хўра эди-да: ейишга ҳеч нарса топмаса, оёқ остидаги кесакни ҳам кемираверарди. Сизни қўлида кўтариб кетаётгандай битта-битта қадам ташлаб юарди; йўртганида беланчакка солиб тебратаётганга ўхшарди, чопиб кетса борми, унга шамол ҳам етолмасди! Бурун катаклари кенг бўлганлигидан ҳеч қачон ҳансирамасди. Оёқлари бамисоли пўлатдек эди: унинг бирон марта бўлсин қоқинганини ҳеч ким билмайди! Чуқур зовурлардан, четап деворлардан пинагини бузмай сакраб ўтиб кетаверади; бирам ақлли отки! Чақирсангиз, бошини ғоз кўтарганича олдингизга чопиб келади; шу ерда тур!— деб, ўзингиз бир ёққа кетсангиз, қимирламай тураверади; қайтиб келаётганингизда, мен бу ерда, дегандек салгина кишнаб қўяди. У ҳеч нарсадан қўрқмайди: қоп-қоронғи кечаларда, қор бўрони вақтида ҳам йўлини топаверади; бегона одамни яқинига йўлатмайди, ғажиб ташлайди! Олдига ит ҳам бора олмайди: агар боргундай бўлса, орқа оёғи билан итнинг бошига шундай тепадикки, ит тил тортмай ўлади қолади. Орияти зўр, қамчини савлат учун силкиб қўйишнинг ўзи кифоя, аммо унга қамчи тегишидан худо ўзи сақласин! Узоқ гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ: от эмас, бебаҳо бир хазина!

Чертопханов ўзининг Маликул Одилни таъриф ва тавсиф қилишга киришиб кетса борми, ичидан гап қайнаб чиқарди. У Маликул Одилни ниҳоятда эркалатиб, яхши парвариш қиларди. Маликул Одилнинг юнги кумуш тангадай товланарди. Қумуш танганинг ҳам сий-

қасига ўхшаб эмас, балки жилоли янги кумуш тангага ўхшаб товланарди; кафтинг билан силаб кўрсанг, юнги худди бахмалга ўхшайди! Эгари, ёпиқчаси, югани, абзалларининг ҳаммаси унга шундай ярашган, батартиб қуйиб қўйгандек эдики, у нақ суратнинг ўзгинаси эди! Чертопаховнинг ўзи (бундан ортиқ яна нима керак?) севимли отининг пешона ёлини ўриб қўяр, ёли билан думини пиво билан ювар, ҳатто туёғига ҳам бир неча марта мой суркаганди...

Чертопханов баъзи вақтларда Маликул Одилни миниб қўшнилариникига эмас (чунки у қўшинлари билан ҳозир ҳам борди-келди қилмас эди), балки уларнинг далалари орқали қўралари олдидан ўтарди... Ўзоқдан бўлса ҳам кўриб кўзларинг куйсин сен аҳмоқларнинг!— дегандек бўларди. Еки бирон жойда ов бўлаётганини — ов қилинадиган ерга биронта бадавлат барин бораётганини эшитиб қолса, Чертопханов ҳам дарров ўша жойга жўнар ва ўз яқинига ҳеч кимни келтирмай, йироқда отини ўйнатарди, ҳамма томошабинлар Маликул Одилнинг гўзаллиги ва чопқирлигини кўриб қойил қолар эди. Шундай кунлардан бирида аллақандай овчи мулозимлари билан ҳатто унинг орқасидан қувлади ҳам: овчи ўзидан Чертопхановнинг қочиб кетаётганини кўриб, отини чоптирганича бор кучи билан: «Ҳой! Менга қара! Отингни сот, хоҳлаганингни бераман! Минг сўм десанг ҳам майли! Истасанг хотинимни ҳам, болаларимни ҳам бераман! Бисотимда борини ол!»— деб бақирди.

Чертопханов Маликул Одилни бирдан таққа тўхтатди. Овчи отини чоптирганича унинг олдига келди.

— Отахон!— деб қичқирди у,— айт, отингга нима сўрайсан? Айта қол, отагинам!

— Агар сен подшо бўлсангу,— деди шошмасдан Чертопханов (ҳолбуки у Шекспирни асло эшитмаган эди),— отим учун бутун давлатингни тортиқ қилсанг ҳам отимни бермайман.— Чертопханов шундай дедида, қаҳ-қаҳ уриб кулди. Маликул Одилни икки оёқлаб тикка турғизди ва шу туришида чирпирак қилиб гир айлантирди-да, чоптириб кетди. Дала ўртасида у яшиндай чақнаб кўринарди. Овчи эса (айтишларига қараганда, бу овчи жуда бадавлат князь экан), шапкасини ерга урди ва шапкаси устига гурсиллаб йиқилди! Шу зайилда ярим соатча ётди.

Шундай бўлгач, Чертопханов отини нега севмасин, нега қадрламасин? Бутун қўшниларидан энг сўнгги марта яна устун келгани шу Маликул Одилнинг шарофати билан эмасми?

VI

Шу тариқа вақт ўтиб борар, қарзни тўлаш муддати яқинлашмоқда эди, аммо Чертопхановнинг икки юз эллик сўм тугил, эллик сўми ҳам йўқ эди. Нима қилиш керак, қандай илож топиш керак? «Хўш, нима бўпти?— деди у ниҳоят ичида,— жуҳуд ҳиммат қилмаса, яна бир оз кутишни хоҳламаса, унга уй-жойимни, ерларимни бериб, отимга минаман-да, бошим оққан томонга қараб ҳайё-ҳай деб кетаман! Очимдан ўлсам ўламанки, Маликул Одилни қайтиб бермайман!» У ниҳоятда ҳаяжонга тушди ва ҳатто ўйга ҳам ботди; лекин тақдир унга умрида биринчи ва сўнгги мартаба раҳм қилди, унга кулиб қаради: Чертопхановга исми ҳам номаялум бўлган, аллақандай узоқ қариндоши — холаси ўлиш олдидagi вассиятномасида унга икки минг сўм маблағ қолдирибди, Чертопханов назарида бу жуда катта пул эди: икки минг сўм-а, ҳазил гап эмас! У бу пулни жуда вақтида, яъни жуҳуд келишидан бир кун илгари олди. Чертопханов хурсандлигидан ўзини йўқотиб қўяёзди, лекин ароқ ичишни хаёлига ҳам келтирмади, Маликул Одил қўлига тушган кундан бошлаб оғзига бир томчи ҳам ароқ олмаган эди. У отхонага югуриб кириб, дўстининг тумшугини — бурун катаклари устидаги терисини ўнг ва чап томонидан ўпди, отларнинг шу жойидаги териси ниҳоятда юмшоқ бўлади. «Биз ҳеч қачон ажралмаймиз!»— деб хитоб қилди у, Маликул Одилнинг бўйнига, таралган ёллари остига шапатилаб. Кейин уйига қайтиб кириб, икки юз эллик сўмни санаб олди-да, пакетга солиб печатлаб қўйди. Сўнгра, чалқанча тушиб трубкасини чекиб ётиб, қолган пулини нималарга сарф қилиши, яъни итларнинг қанақасини олиши: асл кострома зотидан тарқалган ва албатта қизил чипор тусда бўлган итларни сотиб олиши тўғрисида хаёл суриб кетди. Ҳаттоки Перфишка билан ҳам суҳбатлашди, унга чоклари зарбоф жиякли, узун бурмабел камзул олиб беришни ваъда қилди ва ниҳоятда хушнудлик билан уйқуга ётди.

У алоқ-чалоқ туш кўрди: тушида Маликул Одилни эмас, балки туяга ўхшаш аллақандай ғалати бир ҳай-

вонни миниб овга чиққан эмиш; рўпарасидан қордай оп-поқ тулки югуриб келаётган эмиш... Чертопханов қамчисини силкитмоқчи, итларни тулкига олқишламоқчи бўлибди, лекин шу пайт қўлидаги қамчиси мочалка бўлиб қолибди, тулки эса олдида у ёқдан-бу ёққа чопиб юриб, тилини чиқариб уни мазах қилармиш. Чертопханов туя устидан ирғиб тушибди, тушибди-ю қоқиниб йиқилибди... тўппа-тўғри жандармнинг қўлига йиқилиб тушганмиш, жандарм уни генерал-губернаторга чақиртирган эмиш, Чертопханов қараса бу генерал-губернатор Яфф эмиш...

Чертопханов уйғониб кетди. Уй қоп-қоронғи: хўрозлар эндигина иккинчи марта қичқирган эди.

Жуда олисдан отнинг кишнагани эшитилди.

Чертопханов бошини кўтарди. Ингичкагина кишнаган овоз яна эшитилди.

«Маликул Одилнинг овози!— деб ўйлади Чертопханов...— У шунақа кишнайди! Ажабо, овози нима учун бу қадар олисдан эшитиляпти? Ё рабби... йўқ, бўлиши мумкин эмас...»

Чертопхановнинг аъзойи бадани бирдан совиб кетди; ўрнидан ирғиб турди, пайпаслаб этигини, кўйлагини топиб кийинди-да, ёстиғи тагидан отхона калитини олиб, ҳовлига югуриб чиқди.

VII

Отхона ҳовлининг энг нариги чёккасида бўлиб, бир девори далага қараган эди. Қўли қалтираганидан Чертопханов калитни қулф тешигига бирданига сололмади ва дарров бурай олмади... У эшик орқасида бирор шарпа эшитилармикин, деган ўй билан даммини ичига олиб, бир оз қимир этмай турди. «Малешка! Малец!»— деб чақирди у паст овоз билан: отхона жим-жит эди! Чертопханов калитни ихтиёрсиз сураатда тортди: эшик ғийч этиб очилди... Демак, эшик қулф эмас экан. У остонадан ҳатлаб ўтди ва отини бу сафар тўла номи билан «Маликул Одил!» деб яна чақирди. Лекин вафоли дўсти жавоб қайтармади, сичқоннинг похолни шитирлатгани эшитилди, холос. Шунда Чертопханов отхонадаги учта оғилнинг биттасига — Маликул Одилнинг оғили томонга югурди. Отхона ичи тим-қоронғи бўлса ҳам, у оғилни

тўппа-тўғри бориб топди... Маликул Одил оғилида йўқ эди. Чертопхановнинг боши айланди, қулоқлари шанғиллаб кетди. У бир нарса демоқчи бўлди-ю, лекин ғазаб билан пичирлабгина қўйди ва қўлларини юқорига, қўйинга, ўнгга, чапга чўзиб пайпасланиб, нафаси ичига тикилиб ҳансираб, тиззаларини букиб, бир оғилдан иккинчи оғилга ва ундан юқорисигача деярли пичан уйиб қўйилган учинчи оғил олдига борди, ўзини бир деворга, кейин иккинчи деворга уриб олди, йиқилиб, дўмбалоқ ошиб тушди, кейин ўрнидан турди-да, қия очиқ эшикдан ташқарига ҳовлиқиб чопиб чиқди...

— Ўғирлаб кетишибди! Перфишка! Перфишка! Ўғирлаб кетганибди!— деб жон-жаҳди билан додлаб юборди.

Қазноқда ухлаб ётган хизматкор бола — Перфишка кўйлакчан ҳолда зинғиллаганича югуриб чиқди... Иккаласи — барин билан унинг ягона хизматкори ҳовли ўртасида худди маст кишилардай бир-бирига тўқинишди; улар оёғи куйган товукдай типирчилашарди. Нима гап бўлганини на барин айтиб берарди, нега чақирилганини ва нима қилиши кераклигини на хизматкор англай олар эди. «Фалокат! Фалокат!»— дерди Чертопханов. «Фалокат! Фалокат!»— деб унинг сўзини такрорларди хизматкор бола.

«Фонусни келтир! Фонусни ёқ! Фонус! Фонус!»— деган овоз чиқди ниҳоят Чертопхановнинг бўғиқ кўкрагидан. Перфишка уйга чопиб кетди.

Лекин фонусни ёқиш, олов чиқариш осон иш эмас эди, чунки у вақтларда Русияда олтингугурт жуда кам топиладиган нарса эди; ошхонадаги чўғ аллақачон ўчиб қолган бўлиб, чақмоқ тошлар ҳадеганда топилавермади, бунинг устига, улар ёмон чақмоқтошлар эди. Чертопханов шошиб қолган Перфишканинг қўлидан чақмоқ тошларни зарда билан тортиб олиб, ўзи учқун чиқара бошлади: чақмоқ тошдан учқунлар кўп чиқар, лаънат сўзлари ва ҳатто ихрашлар эса учқунлардан ҳам сероб эди,— лекин икки жуфт лунж билан икки жуфт лаб ҳар қанча зўр бериб пуфласа-да, пилик ўт олмас, ёки ўт олса ҳам ўчиб қолаверар эди. Ниҳоят, камида беш минутдан кейин синиқ фонус ичидаги шамнинг қолдиғи липиллаб ёнди ва Чертопханов Перфишканинг кузатувида отхонага югуриб кирди, фонусни баланд кўтариб, ҳар томонга қаради...

Отхона ҳувиллаб ётарди.

Чертотпханов ҳовлига югуриб чиқди, чопганича ҳовлининг ҳамма ёғини айланиб чиқди — оти ҳеч қаерда йўқ эди! Пантелей Еремеичнинг қўраси атрофини ўраб турган четан девор аллақачон эскириб кетган, кўп жойи қийшайиб, ерга эгилиб ётарди... Четан деворнинг отхона ёнидаги бир газча жойи бутунлай агнаб ётарди. Перфишка Чертотпхановга шу жойни кўрсатди.

— Барин! Бу ёққа қаранг: бу жой бугун кундузи бунақа эмас эди. Атайлаб биров бузибди. Ана, ерга қоқилган қозиқлар ҳам сочилиб ётибди: уларни биров атайлаб суғурибди.

Чертотпханов югуриб бориб, ерга фонус тутди.

— От туёғи, от туёғи, ана тақа излари, излар, янги излар! — деди Чертотпханов бидирлаб. — Уни мана бу ердан олиб ўтишибди, мана бу ердан, мана бу ердан!

Чертотпханов кўз очиб юмгунча четан девордан сакраб ўтди-да, «Маликул Одил! Маликул Одил! Маликул Одил!» деб бақириб, тўғри далага чопди.

Перфишка четан девор олдида анқайганича туриб қолди. Фонуснинг кичкина, юмалоқ ёруғи кўп ўтмай ойсиз ва юлдузсиз зулмат тун қўйнида унинг кўзидан ғойиб бўлди.

Чертотпхановнинг жоп аччиғида қилган пидолари тобора секинроқ эшитила бошлади...

VIII

Чертотпханов тонг отар маҳалда уйига қайтиб келди. Башарасига қараб уни таниб бўлмасди, бутун кийим-боши лойга беланган, юзи ғайри табиий ва даҳшатли тус олган, қовоқлари солиқ, кўзлари маъносиз қарар эди. У хириллоқ овоз билан пичирлаб, олдидан Перфишкани чиқариб юборди ва уйини ичкаридан бекитиб олди. У ниҳоятда чарчаганидан зўрга оёқда турарди, шундай бўлса ҳам ўрнига ётмай, эшик олдидаги стулда бошини чангаллаб ўтирди.

— Ҳай аттанг, ўғирлаб кетишди!.. Ўғирлаб кетишди!

Тавба, Маликул Одилни ўғри кечаси қулф турган отхонадан қандай қилиб ўғирлаб кетолдйкин? Ҳатто кундуз куни ҳам олдига ҳар қандай бегона одамни яқин йўлатмайдиган Маликул Одилни қандай қилиб шовқин-

сиз, тапир-тупурсиз ими-жимиди ўғирлаб кета олдийкин? Нега итларнинг биронтаси вовилламадийкин? Рост, итлар бор-йўғи иккита — иккитагина кучук бола эди, улар совуқдан ва очликдан дилдираб, бирон бурчакка суқулиб кириб ётган бўлса ҳам, ҳар ҳолда вовиллаб овоз қилишлари керак эди-ку!

«Энди Маликул Одилсиз нима қиламан?— деб ўиларди Чертопханов.— Мен энди энг сўнгги қувончимдан айрилдим — энди менга бу дунёда юришнинг қизиғи қолмади. Бошқа от сотиб олайми? Рост, ҳозир пулим бор. Сотиб олмоқчи бўлганимда ҳам бунақа отни қаердан топа олар эдим?»

— Пантелей Еремеич! Пантелей Еремсич!— деб қўрқа-лиса айтилган овоз эшитилди эшнк орқасидан.

Чертопханов ирғиб ўрнидан турди.

— Кимсан?— деб қаттиқ бақирди у.

— Мен, малайингиз Перфишкаман.

— Нима дейсан? Топилдими, ўзи уйга қайтиб келдими?

— Йў...қ, Пантелей Еремеич, упи сотган жуҳуд бор-ку...

— Хўш!

— Ўша келди.

— Ўху-хо-хо-хо!— деб бақириб юборди Чертопханов ва бирдан эшикни ланг очди.— Олиб кел уни бу ёққа! Олиб кел! Олиб кел!

Перфишканинг орқасида турган жуҳуд ўз «саховат-пеша»сининг уст-боши исқирт, сочлари пахмайган, дарғазаб қиёфасини кўриши билан шаталоқ отиб қочмоқчи бўлди-ю, аммо Чертопханов бир ҳатлаб унга етиб олдида, унинг кекирдагига йўлбарсдай ёпишди.

— Ҳа-ҳа! Пулга келдим дегин! Пулга-я!— деб хириллади Чертопханов, гўё у эмас, балки уни биров бўғаетгандек.— Кечаси ўғирлаб кетиб, кундузи пулга келдингми? А? А?

— Сафқат қи-линг, за...ноби олий...лари,— деб ингради жуҳуд.

— Айт, отим қаерда? Уни қаёққа олиб кетдинг? Кимга пул қилдинг? Гапир дейман сенга!

Жуҳуднинг энди инграшга ҳам мажоли қолмаган эди; унинг кўкариб кетган юзида ҳатто қўрқиш аломати ҳам қолмади. Қўллари пастга шалвираб тушди. Чертоп-

ханов ғазаб билан силкитиб турган бутун гавдаси қа-
миш поясидай тебраниб, нари бориб-бери келарди.

— Пулингни бераман, бир тийинигача қолдирмай
хаммасини бераман. Аммо ҳозир менга тўғрисини айт-
масанг, мен сени хиппа бўғиб, ўлдириб қўя қоламан...—
деб бақирди Чертопханов.

— Айтсангиз-айтмасангиз уни аллақачон бўғиб бўл-
дингиз, барин,— деди итоаткорона суратда дастёр бола
Перфишка.

Чертопханов шу гапдан кейингина ўзига келди.

У жуҳудни томоғидан қўлини олди; жуҳуд гурсиллаб
полга йиқилди. Чертопханов уни қўлтиғидан кўтариб,
скамейкага ўтқизди, оғзига бир стакан ароқ қўйди,—
ҳушига келтирди. Ҳушига келтириб бўлганидан кейин
у билан гап бошлади.

Жуҳуд Маликул Одилнинг ўғирланганидан тамоми-
ла хабарсиз экан. «Муҳтарам Пантелей Еременч»га ўзи
топиб олиб келган отни у ахир нима сабабдан яна ўғир-
ласин?

Шундан сўнг Чертопханов уни отхонага олиб борди.

Улар икковлашиб оғилларни, охурни, эшик қулфини
кўздан кечиришди, пичан, похолни ағдар-тўнтар қилиб
кўришди, кейин ҳовлига чиқишди. Чертопханов жуҳуд-
га четан девор олдидаги от туёғи изларини кўрсатди ва
бирдан ўзининг сонларига шаяпатлади.

— Шошма!— деб хитоб қилди у.— Сеп отни қаердан
сотиб олган эдинг?

— Малоархангельск уездидаги Верхосенская ярмар-
касидан,— деб жавоб берди жуҳуд.

— Қимдан?

— Казакдан.

— Менга айтиб бер! Ўша казак ёшмиди, қаримиди?

— Ўрта ёслардаги, улугсифат бир киши эди.

— Ўзи қанақа эди? Афғ-башараси қанақа эди? Эҳ-
тимол, бир фирибгардир.

— Ҳа, сунақа фирибгар бўлса керак, заноби олий-
лари.

— Ҳўш, бу фирибгар деганинг сенга нима девди, от
кўпдан бери унинг қўлида эканми?

— Анца вақт бўлган деб айтди цамамда.

— Демак, ўшандан бошқа ҳеч ким ўғирлаши мум-
кин эмас. Ўзинг ўйлаб кўргин, менга қара, бу ёққа тур...
сенинг отинг нима ўзи?

Жуҳуд сергаклашди ва қора кўзлари билан Чертопхановга қаради.

— Менинг отимни сўраяпсизми?

— Ҳа, лақабинг нима?— деяпман.

— Мошель Лейба.

— Қани, Лейба, дўстим, ўзинг бир ўйлаб кўр, сен ақлли одамсан: Маликул Одил аввалги эгасига тутқич бермай, бошқа кимга тутқич берган бўларди! Ахир у Маликул Одилни эгарлабди ҳам, юганлабди ҳам, устидан ёпиғини олибди ҳам, ана ёпиғи пичан устида ётибди!.. Худди ўз уйидагидек хўжайинлик қилибди! Маликул Одил эгасидан бошқа ҳар қандай одамни оёғи остига олиб эзгилаб ташлаган бўлар эди-ку! Тасир-тусур тўполон кўтариб, бутун қишлоқни оёққа турғизган бўларди-ку! Гапим тўғрими?

— Тўғриликка-ку тўғри-я, заноби олийлари..

— Шундай бўлгандан кейин, демак, биринчи галда ўша казакни топиш керак.

— Қандай қилиб топиб бўлади уни, заноби олийлари? Уни мен атиги бир марта кўрганман, холос — қаёқларда юрганикин ҳозир у? Кейин оти нималигини ҳам билмаймиз. Эй, воей!— деб қўшиб қўйди жуҳуд, чакка соқолларини ғамгин силкитиб.

— Лейба!— деб бақириб юборди Чертопханов,— Лейба, менинг кўзимга қара! Мен эсимни йўқотиб қўйдим ахир, ўзимни тутолмай қоляпман!.. Агар ёрдам бермасанг, мен ўзимни ўлдираман!

— Ахир мен ҳеҳ ҳам...

— Мен билан бирга жўнайсан, ўша ўғрини икковлашиб қидирамиз.

— Қаёққа зўнаймиз?

— Ярмаркаларни, катта-кичик йўлларни айланиб чиқамиз, от ўғрилари олдиға, шаҳарларға, қишлоқларға, хуторларға, хуллас, ҳамма ёққа борамиз! Пул тўғрисида хотиржам бўлавер: менга, биродар, мерос тегди! Энг сўнгги тийинимни сарфлаб бўлса ҳам дўстимни топмай қўймайман! Бадқирдор казак биздан қочиб қутула олмайди? У қаерға борса, биз ҳам орқасидан борамиз! Осмонга чиқса — оёғидан, ерга кирса — қулоғидан тортамиз! У иблисининг олдиға борса, биз шайтоннинг олдиға борамиз!

— Э, сайтоннинг олдида нима қиламиз, усиз ҳам исқилис мумкин,— деди жуҳуд.

— Лейба!— деди Чертопханов.— Лейба, гарчи сен яхудий бўлсанг ҳам, дининг ярамас дин бўлса ҳам, юрагинг баъзи бир христианларникидан тозароқ! Менга раҳминг келсин! Бир ўзим борганим билан фойдаси йўқ, бу ишни менинг бир ўзим удда қилолмайман. Мен жаҳли тез кишиман, сен эса тадбирли, жуда ақлли одамсан! Сизнинг авлод ўзи шунақа: ўқимагансанлару, ҳамма нарсани уқиб олгансанлар! Сен бунда пул нима қилади?— деб гумонсираётган бўлсанг керак. Юр уйимга, мен сенга ҳамма пулларимни кўрсатаман. Ол ўша пулларни, агар бермасам имонсиз кетай, ол, фақат ўрнига Маликул Одилни берсанг бўлгани, топиб бер Маликул Одилни!

Чертопханов безгак тутгандай дағ-дағ қалтирарди; юзларидан дўлдай оққан тер кўз ёшларига қўшилиб, мўйловлари орасида кўздан ғойиб бўларди. Чертопханов Лейбанинг қўлларини сиқиб, унга ялиниб-ёлборар эди, сал бўлмаса уни ўпиб ҳам олаёзди... Унинг жазава-си тутиб қолган эди. Жуҳуд эътироз билдириб кўрди, ишни қўплигини айтиб, ҳеч ёққа бора олмаслигига инонтирмоқчи ҳам бўлди. Қаёқда! Чертопханов бу гапларни эшитгиси ҳам келмади. Бошқа илож қолмади: бечора Лейба рози бўлди.

Эртаси куни Чертопханов Лейба билан мужик аравага ўтириб, Бессоноводан жўнаб кетди. Жуҳуд бирмунча хижолат чеккандай кўринарди, у бир қўли билан араванинг четидан ушлаб олган эди, унинг шалвираган гавдаси араванинг шалоқ ўтиргичида сакраб-сакраб тусарди; иккинчи қўлини газетага ўроғлиқ қоғоз пуллар турган қўйни устига маҳкам қўйиб борар эди. Белига ханжар осиб олган Чертопханов қоққан қозикдай серрайиб ўтириб, атрофга аланглаб қарар ва хўрсиниб нафас олар эди.

— Эҳ, инсофсиз бадкирдор, шошмай тур ҳали!— деб гурунглади у, катта йўлга чиқиш олдидан.

Чертопханов уйини хизматкор бола Перфишка билан кекса ошпаз гаранг хотинга топширди (у бу хотинга шафқат қилиб ўз даргоҳида бошпана ва ризқ-рўзи берган эди).

— Мен олдиларингга ё Маликул Одилни миниб келаман, ёки шу кетганимча ҳеч қайтиб келмайман!— деб бақирди Чертопханов, улар билан хайрлаша туриб.

Энди менга тегиб қўя қолсангмикин дейман, ҳазиллашди Перфишка, тирсаги билан ошпаз хотиннинг биқинига туртиб.— Барибир, хўжайин энди қайтиб келмайди, йўқса зерикиб ўламиз ахир!

IX

Орадан бир йил... бутун бир йил ўтди: Пантелей Еремеичдан дарак бўлмади. Ошпаз хотин ўлди; Перфишка эса уйни ўз ҳолига ташлаб, сартарошда шогирдлик қилувчи амакиваччаси мақтаб-мақтаб чақирган шаҳарга кетиб қолмоқчи бўлиб турган эдики, барин қайтиб келаятган эмиш,— деган миш-миш тарқалиб қолди. Қишлоқ черковининг дьякони Пантелей Еремеичдан мактуб олибди. Бу мактубда Чертопханов дьяконга Бессоновога келмоқчи бўлганини ёзибди ва яхшилаб кутиб олиш тўғрисида хизматкорга тайинлаб қўйишни ундан илтимос қилибди. Перфишка бу гапларни, чап-панглари бир оз артиш лозим экан-да, деб тушунди — шундай бўлса ҳам, бу хабарнинг ростлигига унча ишонмади, аммо у бир неча кундан кейин Пантелей Еремеичнинг ўзи, худди ўзгинаси Маликул Одилни миниб ҳовлига кириб келгандагина дьяконнинг рост гапирганлигига ишонди.

Перфишка бариннинг олдида чопиб борди ва узангини ушлаб туриб, унинг отдан тушишига ёрдамлашмоқчи бўлди; аммо Чертопхановнинг ўзи отдан сакраб тушди-да, атрофга ғолибона назар солиб: «Маликул Одилни қидириб ахийри топаман деган эдим, энди душманларимни куйдириб, мана топиб келдим!»—деб баланд овоз билан хитоб қилди. Перфишка Чертопхановнинг қўлини ўпмоқчи бўлди, лекин у малай боланинг парвона бўлишларига эътибор қилмади. У Маликул Одилни юганидан етаклаб, катта қадамлар билан отхонага юрди. Перфишка хўжайинига тикилиброқ қараб қўрқиб кетди: «Ўҳў... бир йил ичида шунчалик озиб-тўзибди, қариб қолибди-я, афт-башарасидан заҳар томиб турадиган бўлиб қолибди!»—деб ўйлади. Лекин, Пантелей Еремеич, ҳар нечук ахийри муродимга етдим-ку,—деб суюниши керак эди; ҳа, тўғри, ҳозир унинг кўнгли шод эди... Лекин шундай бўлса ҳам Перфишканинг қути ўчиб кетди, ҳатто ваҳимага ҳам тушди. Чертопханов отни аявдиги оғилга боғлади, сағрисига салгина шапатиллаб: «Ана

холос, яна ўз уйингдасан! Энди эҳтиёт бўл!»— деди. Ўша куниеқ у ерсиз сўққа бош деҳқонлардан ишончли бир одамни қоровулликка олди, шундан кейин ўз уйида бурунгидай ҳаёт кечири бошлади...

Аммо, эндиги ҳаёти бурунгига жуда ҳам ўхшаб кетмасди... Бу тўғрида кейинроқ гапирамиз.

Пантелей Еремеич қишлоққа қайтиб келганидан сўнг эртаси кунни Перфишкапн олдига чақирди ва гаплашадиган бошқа кишиси бўлмаганлигидан, унга Маликул Одилни ахийри қандай қилиб топганини, албатта, ўз қадр-қимматини сақлаган ҳолда ва дўриллаган овоз билан ҳикоя қила бошлади. Чертопханов ўз ҳикояси давомида юзини дераза томонга ўгириб, узун найли трубка чекиб ўтирди; Перфишка эса қўлларини орқасига қилиб ҳурмат билан хўжайинининг гарданига қараб эшик остонасида тик турганча Пантелей Еремеичнинг кўнгина муваффақиятсиз урнишлару саргардонликдан кейин қандай қилиб Ромнадаги ярмаркага жуҳуд Лейбасиз бир ўзи бориб қолгани (Лейба қўрқоқлик қилиб қочиб кетиб қолган экан), ярмарканинг бешинчи кунни қайтиб кетмоқчи бўлиб туриб яна бир марта тележкалар оралаб ўтгани ва бир тележка шотисига осиглиқ тўрвалардан ем саятган учта от ўртасида Маликул Одилни кўриб қолгани тўғрисидаги қиссани тинглади. Чертопханов Маликул Одилни кўриш биланоқ танибди, Маликул Одил ҳам уни дарров таниб кишнай бошлабди, унга қараб толпинибди, ер тепинибди.

— От казакда эмас экан,— деб давом этди Чертопханов, ҳамон дераза томонга тикилганча дўриллаган овози билан,— бир асб жаллоб лўлида экан; мен албатта, шу замон отимга ёпишиб олдим, уни зўрлик билан қайтариб олмоқчи бўлдим; лекин айёр лўли бутун бозорни бошига кўтариб бақирди, отни бошқа бир лўлидан сотиб олганман,—деб қасам ичди,—гапи ростлигига гувоҳлар ҳам кўрсатмоқчи бўлди... Садқайи сар дедимда, унга отнинг пулини тўладим: майли, билганини қилсин! Менга ҳаммадан кўра дўстимни қидириб топиб кўнглимни тинчитганим муҳимроқ. Бундан олдин эса Қарачаево уездига жуҳуд Лейбанинг сўзи билан билмасдан бир казакка ёпишдим, уни отимни ўғирлаган киши деб ўйлаб, башарасини таниб бўлмайдиган қилиб роса урдим; казак попвачча экан, шарманда қилганим учун бир юз йигирма сўмимни шилиб олди. Майли, пул

топиладиган нарса, ишқилиб Маликул Одил яна қўлимга кирди—менга шунинг ўзи кифоя! Мен энди бахтлиман—осойишталикнинг роҳатини суриб ётаман. Сенга эса Перфирий, бир нарсани тайинлаб қўяй: агар шу атрофда бирон казакни кўриб қолсанг, худоё унинг юзини тескари қил, чурқ этмай, дарҳол чопганингча менга милтиқни олиб келиб беравер, у ёғини ўзим биламан!

Пантелей Еремеич Перфишкага шундай деб гапирар, тили шундай сўзларди-ю, аммо кўнгли ўзи ишонтирган даражада тинч эмас эди.

Ҳайҳот! Олиб келган оти ҳақиқатан ҳам Маликул Одил эканлигига у астойдил ишонмасди!

Х

Пантелей Еремеичнинг бошига қийин кунлар тушди. Асосан, унга осойишталик жуда кам насиб бўлаётган эди. Тўғри, димоғи чоғ кушлари ҳам бўлар эди: кўнглида пайдо бўлган шубҳа унга бемаъни бир нарса бўлиб кўринарди; у миясига келган шум фикрни хира пашшани қувгандек хаёлидан қувлаб чиқарар ва ҳатто ўзидан кулиб қўяр эди; лекин диққатпазликда ўтадиган кунлари ҳам бўлар эди: миясига қаттиқ ўрнашиб қолган даҳшатли фикр кўнглини яна секин ғаш қила бошлагани сабабли ич-ичидан азобланар, эзилар эди. Чертопханов Маликул Одилни қидириб топган куни суянганидан терисига сиғмай юрди... аммо эртаси куни эрталаб кичкина карвон саройининг пастак бостирмаси тагида отини—бутун ёнидан кечаси билан узоқлашмаган топилдиғини эгарлай бошлаганида дилида биринчи марта аллақандай бир санчиқ турганини сизди... У бош чайқабгина қўйди, аммо шу пайтда унда дард бошланган эди. Уйига қайтиб келгунча (бу сафари бир ҳафтача давом этди) йўлда шубҳалари камая борди: бироқ у ўзининг Бессо-новосига қайтиб келиб, илгариги ҳақиқий Маликул Одил турган жойга кириши билан шубҳалари зўрайиб очикроқ тус ола бошлади... Йўлда у отини қадамлатио юргизиб келди, атрофга кўз ташлади, дам-бадам калта найчасидан тамаки чекди ва ҳеч нарсани ўйламади; бир марта унинг хаёлидан: «Чертопхановлар айтганини қилмай қўймайди! Биз билан ҳазиллашма!»—деган фикр ҳам ўтди ва илжайиб қўйди; лекин уйига келганидан

кейин иш бошқача бўлди. У буларнинг ҳаммасини, албатта, сир тутарди: ичидаги ташвишини бировга изҳор қилишга орияти йўл қўймасди. Чертопханов, бу янги Маликул Одил эски Маликул Одилнинг ўзи эмас шеклли, деган фикрни жуда узоқдан шама қилиб айтган ҳар қандай одамнинг «қорнини ёриб ташлаш»га тайёр эди; Чертопхановга тасодифан дуч келиб юрган уч-тўртта танишлари уни «соғ-саломат бориб, топиб келинган қимматбаҳо нарса» муносабати билан табриклашди; лекин у бундай табрикларни эшитишни истамасди, одамлар билан учрашмасликка яна ҳам кўпроқ ҳаракат қиларди — бу ёмон аломат эди! Чертопханов деярли муттасил, агар шундай дейиш мумкин бўлса, Маликул Одилни имтиҳон қиларди, уни даланинг узоқроқ жойига миниб бориб, синовдан ўтказарди; ёки ҳеч кимга билдирмай отхонага кириб эшикни ичидан бекитиб олардида, отнинг боши олдига яқин бориб ва кўзига тўғри қараб: «Ростдан ҳам ўзингмисан? Ўзингмисан? Ўзингмисан?»— деб пичирлаб сўрарди, ёхуд гоҳ севинганидан: «Ҳа! Ўзи! Албатта ўзгинаси!» деб ғурунглаб ва гоҳ ик қиланиб, ҳатто безовталаниб отига неча соатлаб жимгина тикилиб турар эди.

Бу Маликул Одилнинг жисмоний жиҳатдан у Маликул Одилга ўхшамаслиги Чертопхановни унча безовта қилмасди... кези келганда шуни айтмоқ керакки, бу жисмоний ўхшашсизликлар айтарли кўп ҳам эмасди: у Маликул Одилнинг думи ва ёли сийракроқ, қулоқлари диккайганроқ, бақай суяги калтароқ, кўзлари ўткирроқ эди, лекин эҳтимол Чертопхановга шундай туюлаётгандир: Чертопхановни кўпроқ ҳаяжонга солган нарса аввалги ва кейинги Маликул Одилнинг феъл-атворидаги ўхшашсизликлар эди. У Маликул Одилнинг одатлари бошқача эди, қилиқлари буникидақа эмас эди. Масалан: Чертопханов отхонага кириши биланоқ у ҳар сафар орқасига қараб, сал пишқириб қўярди; бу эса парво қилмай пичанини кавшайверади ёки бошини қуйи солиб, мудраб туради. Чертопханов эгардан сакраб тушаётганида у ҳам жойидан қимирламасди, бу ҳам қимирламайди: лекин у эгаси чақирган замон, дарров олдига борарди, бу эса жойидан қимирламай, қоққан қозиқдай тураверади. У ҳам тез чопарди, аммо баландроққа ва узоқроққа сакрарди; бу салмоқ билан эркинроқ қадам ташлаб юради, лапанглаб йўртади ва баъзи вақтда та-

қаларини «шиқиллатади», яъни орқа оёғидаги тақалари олдинги оёғининг тақаларига урилиб кетади: *унда* бу нақанги шармандалик ҳеч бўлган эмасди — худо сақласин! *Бу*,— деб ўйларди Чертопханов,— ҳамиша қулоғини қимирлатгани-қимирлатган, келишмаган қилиқ,— у эса, аксинча, бир қулоғини орқага қилиб эгасини кузатиб турарди! У, баъзан, ён-вериси ифлос бўлиб қолиши билан орқа оёғини оғил деворига тўқиллатиб урарди; *бу* эса қорни баравар гўнг ичида қолса ҳам пинагини бузмайди. У, масалан, шамол келаётган томонга қаратиб қўйилса, дарров чуқур нафас олиб яйраб кетар эди, *бу* эса пишқиргани-пишқирган; *унинг* ёмғирга тоқати йўқ эди, бу эса ёмғирни писанд ҳам қилмайди... Бу қўполроқ! Қолаверса, *бу* унга ўхшаш даражада кўркам ҳам эмас, тизгинни ҳам тушунмайди — бўлган тургани шу! У жонон от эди, *бу* эса...

Баъзан Чертопхановнинг хаёлидан ана шундай фикрлар ўтиб, юрагини доғлар эди. Бошқа бир хил вақтда эса Чертопханов яқиндагина ҳайдалган дала ўртасидан отини бор кучи билан чоптириб кетар ёки уни сув ювиб кетишидан ҳосил бўлган жарга сакраб тушишга, кейин тик жар тепасига яна сакраб чиқишга мажбур этар ва шунда севинчидан нафаси ичига тиқилгундай бўлар, қийқириб юборар эди, у тагидаги от ҳақиқатан Маликул Одилнинг ўзгинаси эканини тушунарди, албатта тушунарди, чунки бу отнинг қилаётган ишларини бошқа қайси от удда қила оларди?

Аммо иш бунда ҳам беайб ва беиллат ўтмади. Маликул Одилни узоқ вақт қидириб юришга Чертопхановнинг жуда кўп пули сарф бўлди; энди у кострома зотидан бўлган итлар сотиб олишни хаёлига ҳам келтирмай, яқин-атрофда аввалгича отлиқ айланиб юрарди. Нима бўлди-ю бир кун ирталаб Бессоново қишлоғидан беш чақиримча нарида Чертопханов яна ўша князнинг ўз ҳамроҳлари билан ов қилиб юрган жойига бориб қолди. Чертопханов бир ярим йилча илгари отини ўйнатиб ана шу овчиларнинг кўзини куйдирган эди. Фалакнинг гардишини қаранг-а, бугун ҳам ўша кундаги сингари,— бир товушқон қия тепаликдаги марза ёнидан итлар олдига сакраб чиқиб қолса бўладими? Ҳамма овчилар: «Ол уни, ол! Бос!»— деб от чоптириб кетишди, Чертопханов ҳам от қўйди, лекин улар билан бирга бормай,— худди аввалдагидек— улардан икки юз қадамча четдан чопиб

борди. Қия тепаликка чиқилдиган жойда каттакон жар бор эди, жар юқорига кўтарилган сари торайиб Чертопхановнинг йўлини тўсиб қўйган эди. Жарнинг Чертопханов ҳозир оти билан сакраб ўтиши лозим бўлган жойнинг кенглиги (бундан бир ярим йил илгари у ҳақиқатан оти билан шу жойдан сакраб ўтган эди) ҳамон саккиз қадамча ва чуқурлиги икки саржинча келар эди. Чертопханов таптана қилишини, ажиб суратда такрорланаётган тантананинг гувоҳи бўлишини ўйлаб, ғолибона хохлаб кулди, қамчинини силкиди — овчиларнинг ўзлари от чоптириб кетаётган бўлсалар ҳам, жасур чавандоздан кўзларини узмас эдилар, — Чертопхановнинг оти ўқдай учиб борарди, мана у жарнинг олдигинасига бориб қолаёзди — ҳа, қани, жонивор, ўтган сафаргидай бир сакраб юбор!..

Лекин Маликул Одил бирдан таққа тўхтади-да, чапга бурилиб, жар бўйлаб чопиб кетди, Чертопханов отнинг бошини жарга ҳар қанча бурса ҳам бўлмади...

Қўрқоқлик қилди, демак, ўзига ишонмади!

Шунда Чертопханов уят ва ғазабдан қип-қизариб, йиғлагудай бўлиб, тизгинини қўйиб юборди ва овчиларнинг масхара қилиб кулишларини эшитмаслик, уларнинг машъум кўзларидан тезроқ ғойиб бўлиш учун отини тўппа-тўғрига, тепаликка, улардан мумкин қадар узоққа чоптириб кетди!

Маликул Одил қўрага биқинлари қамчи зарбидан қавариб, аъзойи бадани оппоқ кўпик бўлиб келди, Чертопханов шу замониёқ уйига кириб, эшикни ичидан бекитиб олди.

«Йўқ, бу у эмас, бу менинг дўстим эмас! У ўлса ўлардики, мени шарманда қилмасди!»

XI

Қуйидаги воқеа Чертопхановнинг бутунлай «суроби-ни» тўғрилади деса бўлади. Чертопханов бир куни Маликул Одилга миниб, секингина поп слободкасининг орқа кўчасидан ўтиб бораётган эди. Бессоново қишлоғи аҳолиси шу слободка ўртасидаги черковнинг қавми ҳисобланарди. Чертопханов папахини пешонасига бостириб кийиб, қаддини букиб, икки қўлини эгарнинг қошига

қўйиб, секин-аста кетиб бормоқда эди; кўнгли ғаш, чи-роқ ёқса ёримасди. Бехосдан уни биров чақирди.

У отини тўхтатди, бошини кўтариб, ўзи билан хат ёзишган дьяконни кўрди. Ўрилган қора сочлари устидан қора қулоқчин, эгнига сарғиш нанка чакмон кийган, белидан анча паст қилиб кўк қийқим белбоғ боғлаб олган бу черков ходими ўзининг «ғалла ғарамчаси»дан хабар олишга чиққан эди, лекин Пантелей Еремеични кўриб қолиб, унга ҳурматини изҳор қилишни ўз бурчи деб ҳисоблади ва шу баҳона билан ундан бирор нарса сўраб олмоқчи бўлди. Маълумки, руҳонийлар одамлар билан бирор нарсани тама қилмай гаплашолмайдилар.

Лекин Чертопхановнинг дьяконга кўзи учиб тургани йўқ эди, у дьяконнинг саломига зўрға жавоб қайтарди ва алланарса деб дўнғиллаб, қамчинини силкиган ҳам эдики...

— Отингиз мунчаям чиройли-а!— деди шошиб-пишиб дьякон,— ҳақиқатан мақташга арзийди. Ростини айтсам, сиз бағоят ақлли одамсиз; сиз ақл бобида бамисоли шерсиз!— Дьякон ота гапга чечанлиги билан машхур эди, бу нарса поп отага жуда алам қиларди, чунки поп гапга нўноқ эди: уни ҳатто ароқ ҳам тилга киргизолмасди.— Ғаламус кишиларнинг касофати билан бир жонивордан жудо бўлиб қолган эдингиз,— деб давом этди дьякон,— аммо сиз қайғурмай, балки, аксинча, парвардигорнинг марҳаматига кўз тутиб, энди бошқасини сотиб олибсиз, буниси унисидан яхшироқ бўлса борки, асло ёмон эмас... нега десангиз...

— Нима деб валдираяпсан ўзинг?— Чертопханов таъби хиралик билан унинг сўзини бўлди,— нега бошқа от бўлсин! Бу ўшанинг ўзгинаси; бу Маликул Одил... Мен Маликул Одилни қидириб топдим. Қаёқдаги гапларни гапиради-я...

— Э! Э! Э! Э!— деди секин чўзиб дьякон, соқолини бармоқлари билан ўйнаб ва синовчан тиниқ кўзлари билан Чертопхановга қараб туриб.— Нега ундоқ дейсиз, тақсир! Сизнинг отингизни, агар парвардигор хотирмдан фаромуш қилмаган бўлса, ўтган йил покровдан икки ҳафтача кейин ўғирлаб кетишган эди, ҳозир эса биз ноябрь ойи охирида турибмиз.

— Хўш нима бўлибди?

Дьякон ҳамон бармоқлари билан соқолини ўйнаб турарди.

— Демак, ўшандан буён бир йилдан кўпроқ вақт ўтди, сизнинг отингиз ўша вақтда ҳам кўк эди, ҳозир ҳам кўк; ҳатто қорайиброқ қолгандай кўринади. Бу қандай бўлди? Кўк отлар бир йилда анча оқаради-ку, ахир.

Чертотпханов... худди биров тўппа-тўғри юрагига найза отгандек қўрқиб кетди. Чиндан ҳам: ахир кўк отларнинг туси ўзгаради-ку! Шундай оддий фикр қандай қилиб шу дамгача хаёлига келмабди-я!

— Пахмоқ соч малъун! Йўқол!— деб ўшқирди у, ғазаб билан кўзларини чақнатиб ва таажжубда қолган дьяконнинг олдидан бир зумда ғойиб бўлди.

— Ҳайҳот! Ҳамма иш хароб бўлди!

Ҳақиқатан ҳам ана шу пайтда ҳамма иш хароб бўлган, ҳамма иш бузилган, энг сўнгги умид пучга чиққан эди. Биргина шу «оқаради» деган сўз ҳамма нарсани бирданига остин-устин қилиб юборган эди!

Кўк отлар оқаради!

Чоп, жонинг борича чоп, лаънати! Минг чопганинг билан бу сўздап қочиб қутулолмайсан!

Чертотпханов қўрасига от қўйиб кетди ва уйига кириб, эшикни яна ичидан қулфлаб олди.

XII

Бир чақага арзимайдиган бу қирчанғининг Маликул Одил эмаслигига, бу от Маликул Одилга сира ўхшамаслигига, сал-пал эси бор ҳар қандай одам буни бир қарашдаёқ албатта пайқашни мумкинлигига, Пантелей Чертотпханов энг разил суратда алданганига — йўқ! — унинг ўзи жўрттага, кўра била туриб ўзини алдаганига, гапни ўзи чалкаштириб юрганига, — буларнинг ҳаммасига энди ҳеч қандай шубҳа қолмаган эди! Чертотпханов девор олдида борганида қафасдаги йиртқич ҳайвондек, товони билан бурилиб уйда у ёқ-бу ёққа юриб турарди. Унинг иззати нафси ниҳоятда қаттиқ жароҳатланган эди; лекин уни қийнаётган нарса ҳақоратланган иззати нафсининг жароҳатигина эмас эди: у ҳаддан ташқари умидсизликка тушган, жаҳлидан буғилиб, бировдан қасос олишга ташна бўлиб турарди. Лекин бу қасос ўтига кимни дучор қилсин? Кимдан қасос олсин?

Жухудданми, Яффданми, Машаданми, дьяконданми, ўғри казакданми, ҳамма қўни-қўшниларданми, бутун жаҳонданми ёки ўзиданми? У телбаланиб қолди. Энг сўнгги умиди пучга чиқди! (Бу ўхшатиш унга ёқар эди.) Дьякон назарида у яна энг паст, энг разил одам, ҳаммага масхара, калака, ғирт аҳмоқ, эрмак бир киши бўлиб қолди!.. У хаёл сурарди, бу малъун пахмоқ соч дьяконнинг кўк от тўғрисида, аҳмоқ барин ҳақида қандай гаплар тарқатиб юришини кўз олдига келтирарди... О, лаънатлар бўлсин!.. Чертопханов тўлиб-тошган ғазабини босишга беҳуда уринарди; у, гарчи бу... от Маликул Одил бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда... яхши ва менга яна кўп йиллар хизмат қилиши мумкин, деб ўзини овунтиришга беҳуда ҳаракат қиларди: Чертопханов бу фикрини, у Маликул Одилга яна ҳақорат бўлиб тушадиган бир фикрдек, жон-жаҳди билан шу ондаёқ миясидан узоқлаштирар эди, чунки ўзини у Маликул Одил олдида бусиз ҳам ғоят айбдор ҳисобларди... Айбдорлиги рост-да! Ахир, Чертопханов мана шу қирчанғи, бесўнақай отни кўр кишидек, тентак бир одамдек, унга — Маликул Одилга ўхшатиб юрибди-я! Энди бу қирчанғининг ҳали яна анча хизмат кила олиши мумкинлигига келсак... Энди Чертопханов ўлганда ҳам бу отга минмайди! Асло! Ҳеч қачон!!.. Бунни татарга бериб юбориш керак, итларга ем қилиш керак — бошқа ҳеч нарсага арзимайди... Ҳа! Ҳаммадан яхшиси шу!

Чертопханов уйда икки соатдан ортиқ у ёқ-бу ёққа бориб келиб турди.

— Перфишка!— деб тўсатдан чақириб қолди у.— Ғизиллаганингча қовоқхонага бор: ярим челақ ароқ олиб кел! Эшитдингми? Ярим челақ, дарров! Ароқ шу онда столим устида бўлсин!

Тезда Пантелей Еремеичнинг столи устида ароқ пайдо бўлди, у ичишга тушди.

XIII

Кимки шу пайтда Чертопхановни кўрса, кимки унинг хўмрайиб жаҳл билан ҳеч кетини узмасдан стаканлаб ароқ ичиб ўтирганининг шоҳиди бўлса, балки ихтиёрсиз қўрқиб кетган бўлар эди. Тун чўкди; стол устида пилпил чироқ хира ёниб турарди. Чертопханов уйнинг бир бурча-

гидан иккинчи бурчагига бориб-келишдан тўхтади; у хираланган кўзларини гоҳ полга, гоҳ қоронғи деразага тикиб, қип-қизариб ўтирарди; у ўрнидан турар, стаканга ароқ қуйиб ичар, яна ўтирар, кўзини тағин бир нуқтага тикар ва қимир этмас эди — фақат нафас олиши тезлашган, юзлари тобора кўпроқ қизармоқда эди. У қандайдир бир қарорга келаётгандай кўринарди, бу қарорини ўзига эп кўрмаса ҳам, лекин унга аста-секин кўника бошлади; миёсига тўхтовсиз равишда ҳадеб бир фикр келар, кўзи олдида биргина сурат тобора аниқроқ кўринмоқда эди, оғир кайфнинг даҳшатли таъсири билан юрагида ғазаб ўрнини ваҳшиёна ҳис эгалламоқда эди, шунинг учун лабларида мудҳиш бир илжайиш пайдо бўларди...

— Хайр, вақт ўтмасин!— деди у, аллақандай жиддийлик билан тоқатсизланиб,— имиллаб ўтиришни бас қилайлик.— У охириги стакан ароқни ичиб, каравот устидан тўппончасини — Машага ўқ отган ўша тўппончасини олди, ўқлади, «ҳар эҳтимолга қарши» бир неча ўқни чўнтагига солди-да, отхонага қараб кетди.

Чертопханов отхона эшигини оча бошлаганида олди-га қоровул югуриб келди, лекин у қоровулга: «Менман! Кўзинг кўрми? Жўна!»— деб бақирди. Қоровул бир оз четланди. «Жўна, ётиб ухла!— яна бақирди унга Чертопханов,— бу ерда сен қоровуллайдиган ҳеч нарса йўқ! Шу ҳам топилмас мато бўлибди-ю!» У отхонага кирди. Маликул Одил... сохта Маликул Одил хашак устида ётган эди. Чертопханов: «Тур ўрнингдан, ҳаром ўлгур!»— деб, уни оёғи билан туртди. Кейин нўхтани охурдан ечди, от устидан ёпиқни олиб ерга ташлади ва ювош отни қўполлик билан оғилхонадан орқага буриб, ҳовлига олиб чиқди, ҳовлидан эса дала томонга етаклаб олиб кетди, қоровул бариннинг отини жиловидан етаклаб кечаси қаерга кетаётганини тушунолмай жуда таажжубланди. Сабабини сўрашга бариндан қўрқди, албатта, лекин уни қўшни ўрмонга бориладиган йўл муволишида кўздан ғойиб бўлгунча кузатиб турди.

XIV

Чертопханов ҳеч ерда тўхтамай ва орқа-ўнгига қарамай, катта қадамлар ташлаб борарди; Маликул Одил

(уни ҳикоямиз охиригача шу ном билан атаймиз) нгоат-корона суратда унинг орқасидан кетмоқда эди. Тун ойдин эди: Чертопханов рўпарада қарайиб турган ўрмоннинг устки кунгираддор чизигиши барала кўриб борарди. Унинг ичган ароғи бадан-баданига ўтиб кетган, тунги совуқда унинг кайфини олириб қўйиши лозим эди, лекин... лекин маст қилолмади, чунки унинг бутун вужудини таъсири кучли бошқа бир нарсанинг кайфи чулғаб олган эди. Унинг боши оғирлашиб, томоқ ва чакка томирлари тез-тез уриб турарди, лекин у ишонч билан борар ва қаёққа бораётганини яхши биларди.

У Маликул Одилни отиб ўлдиришга қарор қилди; у кун бўйи фақат мана шу тўғрида ўйлади... Энди бу ишни амалга оширмоқчи!

Чертопханов бу ишга хотиржамлик билан ва ҳатто ўз бурчини адо қилаётган кишидай ишонч, қатъият билан киришди. Унга бу «наrsa» жуда «оддий» иш бўлиб кўринди: у сохта Маликул Одилни йўқ қилиб «ҳамма билан» ора очиқ бўлмоқчи, аҳмоқлиги учун ўзини ўлдиarmoқчи, ҳақиқий дўстига қилган гуноҳини ювmoқчи, ўзи билан ҳазиллашиб бўлмаслигини бутун оламга (Чертопханов «бутун олам» тўғрисида жуда кўп ташвишланар эди) исбот қилmoқчи бўлган эди... Унинг энг катта нияти: сохта Маликул Одил билан бирга ўзини ҳам ўлдириш эди, чунки у энди дунёда тирик юриб нима қилади? Бу фикрлар миясига қандай жойлашиб қолганини ва бу иш унга нима учун шунчалик осон кўринганини айтиш тамомила имкониятдан хориж наrsa бўлмаса ҳам, лекин қийин эди: ранжитилган, якка-ёлғиз, бирон ҳамдарди бўлмаган, бир пулсиз, бу ҳам камлик қилгандек ароқ билан қони қизиб кетган Чертопханов жинни бўлишга яқинлашиб қолган эди, лекин шу наrsa шубҳасизки, ақлдан озган кишилар ўзларининг энг бемаъни ҳаракатларида ҳам ўзига хос бир мантиқийлик ва ҳатто ҳаққонийлик бор деб ўйлайдилар. Чертопханов ўзининг ҳақлигига ҳар ҳолда жуда ишонар эди; иккиланмас эди ва айбдор устидан чиқарган ҳукмини тезроқ ижро қилmoқчи бўларди-ю, аммо айбдор деб кимни атаганини ўзи ҳам яхши англамасди... Тўғрисини айтганда, у қилmoқчи бўлаётган иши ҳақида кам бош қотирmoқда эди. «Ўлдириш керак, ўлдириш, бошқа гап йўқ!»— деб қатъий ва онгсиз суратда такрорлар эди у ўзига ўзи.

Айбсиз айбдор унинг орқасидан итоат билан секин йўртиб борарди... Аммо Чертопхановнинг юрагида раҳм-шафқат деган нарсa йўқ эди.

XV

Чертопханов отини ўрмон чеккасига етаклаб олиб борди, ўша ернинг яқинида кичкина бир жар бўлиб, жарни ярим бўйигача эман буталари қоплаган эди. Чертопханов жарга тушди... Маликул Одил қоқиниб, унинг устига йиқиляэзди.

— Ҳали мени босиб ўлдирмоқчига ҳам ўхшайсан-а, лаънати!— деб бақирди Чертопханов ва ўзини ҳимоя қилгандек чўнтагидан тўппончасини чиқарди. У ҳозир ғазабланмас, жиноятга бел боғлаган кишилар сингари бағри тошга айланган эди. Шундай бўлса ҳам уни ўзининг бақирган овози қўрқитиб юборди — бу овоз қуюқ дарахт шохлари остида, дарахтзор жарнинг рутубатли ва дим ҳавосида жуда ваҳимали садо берди! Боз устига, унинг бақиришига жавобан, тепасида, дарахт учида ўтирган аллақандай каттакон бир қуш тўсатдан патирлаб қолди. Чертопханов сесканиб кетди. У ухлаб ётган махлуқни ўз ишига гувоҳ қилиш учун уйғотгандай бўлди — яна қаерда денг-а? У ҳеч бир тирик жон учрамас деб ўйлаган мана шу хилват жойда...

— Қани, лаънати, хоҳлаган томонингга жўна энди!— деди Чертопханов секин ва Маликул Одилнинг жиловини қўйиб юборди-да, қулочкашлаб туриб тўппончанинг қўндоғи билан унинг елкасига бир урди. Маликул Одил дарров орқасига қайтди, жардан ўрмалаб чиқиб олди... ва чошиб кетди. Лекин от туёғининг дупури сал орада эшитилмай қолди. Шамол туриб, ҳамма товушлар бирига аралашиб, ҳеч нарсани эшитиб бўлмасди.

Чертопханов секин-аста жардан чиқди, ўрмоннинг четига етди ва оёғини зўрға судраб, уйига жўнади. У ўзидан норози эди, миясидаги, юрагидаги оғир алам аззойи баданига ёйилганди, у худди бировдан озор чеккандек, биров унинг ўлжасини, олдидаги овқатини тортиб

олиб қўйгандек, тажанг, хафа, кўнгли алағда, нафси қаноат ҳосил қилмай кетиб борарди...

Бундай ҳиссиёт бошқаларнинг ҳалақит бериши билан ўзини ўлдира олмай қолган одамга жуда танишдир.

Шу пайт орқа томондан, Чертопхановнинг икки елкаси орасига беҳосдан бир нарсa туртилди. У орқасига қаради... Кўча ўртасида Маликул Одил турганини кўрди. Маликул Одил эгаси орқасидан изма-из етиб келиб, уни тумшуғи билан туртган эди... Демак, ўзини маълум қилган эди.

— Ҳа-ҳа!— деб бақирди Чертопханов,— ўз оёғинг билан ажал излаб келибсан-да! Мана муродинг ҳосил бўла қолсин!

У кўз очиб юмгунча чўнтагидан тўппончасини чиқарди, тепкини кўтарди, тўппонча оғзини Маликул Одилнинг пешонасига тақаб тепкини босди...

Бечора от бирдан четга ташланди, икки оёқлаб тикка турди, ўн қадамча нарига тез-тез сакраб борди-да, гурсиллаб ерга йиқилди ва ётган жойида жон талвасасида хириллай бошлади...

Чертопханов қулоқларини иккала қўли билан бекитиб, чопиб кетди. Мадорсизликдан тиззалари букиларди. Дарров мастлиги ҳам, жаҳли ҳам тарқалди, бемаъни ғурури ҳам йўқолди. Унда фақат ўз қилмишидан пушаймонлик ҳисси ва бу сафар ўзини ҳам ҳалок қилганини англаганлиги, шубҳасиз англаганлиги қолган эди, холос.

XVI

Олти ҳафталардан кейин дастёр бола Перфишка Бессоново қишлоғи ёнидан ўтиб кетаётган даҳа приставини тўхтатишни ўзига эп кўрди.

— Нима дейсан?— сўради тартиб сақловчи.

— Уйимизга марҳамат қилсинлар, жаноби олийла-ри,— деб таъзим билан жавоб берди дастёр бола,—Пантелей Еремеич ўлмоқчи бўляптилар шекилли, шунинг учун қўрқиб турибман.

— Нима? Ўлмоқчи?— яна сўради даҳа пристави.

— Ҳа, шундай тақсир. Олдинига уззукун, ҳадеб

ароқ ичавердилар, энди бўлса кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолдилар, ҳозир жуда озиб, чўпдай бўлиб кетдилар. Чамамда, энди ҳеч нарсага фаҳмлари етмаса керак. Бутунлай тилдан қолганлар.

Даҳа пристави тележкадан тушди.

— Хўш, ҳеч бўлмаса попни чақирдингми? Барининг қилган гуноҳлари учун тавба-тазарру қилдимми?

— Йўқ-а, тақсир.

Даҳа пристави қовоғини солди.

— Э, чатоқ бўлибди-ку, ука. Бундай қилиб бўладими, ахир? Еки сен бу нарса учун... қаттиқ жавобгарликка тортилиш мумкинлигини билмайсанми, а?

— Мен у кишидан уч кун илгари ҳам, кунни кеча ҳам сўрадим,— деди қўрқиб кетган дастёр бола, шошиб-пишиб,— айтдимки, Пантелей Еремейч, югуриб бориб попни чақириб келсам майлими?— дедим. «Жим тур, аҳмоқ! Ўзингга дахли бўлмаган ишга суқилма!»— дедилар. Бугун яна гап очган эдим, менга бир қараб мўйловларини қимирлатиб қўйдилар, холос.

— Ароқни кўп ичганмиди?— сўради даҳа пристави.

— Жудаям кўп! Жаноби олийлари, сиз марҳамат қилиб, у кишининг олдиларига кирсангиз.

— Бўпти, бошла!— деб пинғиллади даҳа пристави ва Перфишканинг орқасидан юрди.

Унинг кўз олдида галати бир манзара намоён бўлди.

Уйнинг ичкариги зах ва қоронғи бўлмасида, от ёпиғи солинган эски каравотда Чертопханов ётар, ёстиқ ўрнига бошига йиртиқ бурка қўйилган эди, унинг юзлари бўзаридан ўтиб, ўликларникидай сарғимтир-яшил тусга кирган эди, ялтироқ қовоқлари остидаги кўзлари ичига ботиб кетганди, пахмоқ мўйлови устидаги ҳамон қизғиш рангда бўлган бурни ўткирлашган эди. У эгнидан сира тушмайдиган, кўкрагига патронлар қадалган архалугини ва черкасча кўк чолворини кийган ҳолда ётган эди. Авраси қизил папачи қошигача тушиб, пешонасини беркитиб турарди. Чертопханов бир қўлига ов қамчисини, иккинчи қўлига гул солиб тикилган халтачани, Машанинг энг сўнгги ҳадясини ушлаб олган эди. Каравот ёнидаги столда бўш штоф¹ турар эди; бош томонида, тўғна-

¹ Штоф — бир челақнинг ўндан бир қисмича келадиган ароқ идиши.

ғичлар билан деворға қадаб қўйилған иккита акварель бۆёқли суратлар кўрнарди: суратларнинг бирида, баҳарҳол англанишича, қўлида гитараси бор семиз бир киши тасвирланганди — бу, Недопюскин бўлса керак; иккинчи суратда от чопиб кетаётган бир киши акс эттирилган эди... унинг оти болалар томонидан деворларга сурати тизиладиган афсонавий отларга ўхшарди, лекин отнинг тушъ билан синчкилаб соя берилган юмалоқ майда холлари ва чавандознинг кўкрагидаги патронлар, унинг узун тумшукли этиги ва каттакон мўйлови бу суратда Маликул Одилга миниб олган Пантелей Еремеич тасвирланганига асло шубҳа қолдирмас эди.

Таажжубланган даҳа пристави нима қилишини билмай қолди. Хона қабристондай жимжит эди. «Ҳа, дунёдап ўтиб бўлибди»,— деб ўйлади у ва овозини баланд қилиб:— Пантелей Еремеич! Ҳой, Пантелей Еремеич!— деди.

Фавқулодда бир ҳол юз берди. Чертопхановнинг кўзлари аста очилди, нурсиз кўз қорачиқлари аввал ўнг томонидан чап томонига, кейин чап томонидан ўнг томонига силжиди, даҳа приставига тикилди, уни кўрди... қорачиқларининг хира ёруғида бир нарса йилтилди, унинг кўзларида тикилиб қарашга ўхшаш бир нарса зоҳир бўлди; кўкарган лаблари аста-секин очилди, кейин қабрдан чиққандек бўғиқ бир овоз эшитилди:

— Аслзода дворян Пантелей Еремеич ўляпти; унинг оромини бузишга кимнинг ҳадди сиғади? Унинг ҳеч кимдан қарзи йўқ, ҳеч кимдан ҳеч нарса талаб ҳам қилмайди... Эй одамлар, уни тинч қўйинглар! Кетинглар!

Қамчи ушлаган қўлини кўтармоқчи бўлди... лекин кўтара олмади. Лаблари яна бир-бирига чаппа ёпишди, кўзлари юмилди — шундан кейин Чертопханов аввалгича ўзининг қаттиқ каравотида товонларини бир-бирига ёндоштиргани ҳолда қимирламай чўзилиб ётаверди.

— Ўлса менга хабар бер,— деди Перфишкага пичирлаб даҳа пристави хонадан чиқа туриб,— попни бўлса, менимча, ҳозир чақирса ҳам ёмон бўлмайди. Расм-таомилни қилиш, унга табаррук мой суртиш керак-да ахир.

Перфишка ўша куниёқ попни чақириб келди; эртаси куни эрталаб эса даҳа приставига хабар қилишга тўғри

келди. Пантелей Еремеич ўша кечасиёқ оламдан ўтган эди.

Чертопханов кўмилган куни унинг тобути орқасидан икки киши: дастёр бола Перфишка билан Мошель Лейба борди. Чертопхановнинг ўлгани жуҳуднинг қулоғига етибди ва у ўз марҳаматпешасининг дафн маросимида сўнгги бурчини адо этиш учун дарҳол етиб келибди.

Бардошингнинг чеки йўқ дигёр —
Рус халқининг жон дигёрсан.

Ф. Тютчев

«Балиқ овлаб ҳўл бўлмаган балиқчининг ва сув кечмай шалаббо бўлган овчининг ҳолига вой!» деган французча бир нақл бор. Балиқ овлашга ҳеч қизиқмаганим сабабли балиқчининг ҳаво очиқ, яхши кунларда қандай кайфиятда бўлишини ва ёмғир-яшинда ови жуда мўл бўлиб шодланиши унинг аъзойи бадани ивиб шалаббо бўлгандаги таъби тирриқликдан қанчалик юқори туришини сизга айта олмайман. Лекин овчилар учун ёмғир — зўр мусибат. Қур овлаш учун Белевский уездига бориб юрган кунларимизнинг бирида Ермолай иккимиз худди ана шундай мусибатга гирифтор бўлдик. Ёмғир тонг отар пайтдан бошлаб ёққанича ҳеч тўхтамади. Ёмғирдан бекиниш учун нималар қилмадик-а! Резинка плашчларни бошимизга кийиб олгудай бўлиб тепамизга тутиб турдик, устимизга ёмғир камроқ ёғсин деб ўзимизни дарахт тагига ҳам олдик... Ҳўл бўлмайдиган плашчларимиз милтиқ отишга халақит бериши устига, уят ва номусни билмай баҳузур сув ўтказмоқда эди; дарахтлар остига бекиниб турганимизда аввалига ёмғир томчиламагандай туюлса ҳам, аммо бир оздан кейин япроқларда тўпланиб қолган ёмғир суви бирдан шариллаб оқиб туша бошларди, дарахтларнинг ҳар бир шохидан сув тарновдан оққандай қуйиларди, совуқ сув галстук остига кириб, орқа умуртқадан пастга оқиб тушар эди... Ермолай таъбири билан айтганда, бу энг бемаза нарса эди.

— Йўқ, Петр Петрович,— деб хитоб қилди у, ниҳоят.— Бунақаси кетмайди!.. Бугун ов қилиб бўлмайди.

Ёмғир итларнинг нафасини бўғиб қўйяпти: милтиқлар отилмай қоляпти... Уҳ! Жудаям ишкал бўлди-да!

— Хўш, нима қиламиз бўлмаса?— деб сўрадим.

— Гап бундай. Ҳозир Алексеевкага борайлик. Сиз, балки, уни билмассиз. Алексеевка деган хуторча бор, онангизга қарашли; бу ердан саккиз чақиримча келади. Ўша ерда тунаймиз-да, эртага...

— Шу ерга қайтиб келамизми?

— Йўқ, бу ерга эмас... Мен Алексеевканинг нари ёғинадаги жойларни яхши биламан... У ерлар қур овлаш учун кўп жиҳатдан бу ерлардан афзаллик қилади.

Мен содиқ ҳамроҳимдан, мени нима учун тўппа-тўғрири ўша томонларга олиб боравермадинг,— деб суриштириб ўтирмадим, биз ўша куниёқ онамнинг кичкина хуторига етиб бордик, ростини айтсам, бу хуторнинг борлиги шу дамгача ҳаёлимга ҳам келмаган эди. Бу хуторчада ёски, лекин ҳеч ким турмаганлиги учун озода бир флигель бор экан: мен шу флигельда кечани тинчгина ўтказдим.

Эртаси куни жуда барвақт уйғондим. Қуёш эндигина чиққан, осмонда бир парча ҳам булут йўқ эди; тева-рак-атрофдаги ҳамма нарса эрталабки майин нурларнинг шуъласи ва кечани кучли ёмғирдан сўнгги тоза ҳаво қўйнида жилваланиб турар эди. Икки ғилдиракли арава-ни қўшиб келгунча мен бир вақтлар яхшигина мевазор бўлган ва ҳозир қаровсиз қолган боғчани айланиб чиқишга кетдим, бу хуш ҳидли хилват богча флигелни чор атрофдан ўраб турарди. Эркин ҳавода, тўрғайларнинг кумушдай жаранглаган овозлари келаётган тиниқ осмон тагида сайр қилиш нақадар оромбахш! Эҳтимол тўрғайлар шудринг томчиларини ҳам олиб учгандир, чунки уларнинг қўшиқлари шудринг билан суғорилгандек туюларди. Мен ҳатто бошимдан шапкамни олиб, шодлик билан чуқур нафас олдим. Саёзроқ бир жарнинг ён бағрида, четан деворнинг ёнгинасида асалари боқиладиган жой кўринарди: у ерга қалин ўсган бурган ва қичитқи ўтлар орасидан боқиладиган эгри-бугри тор сўқмоқ йўл бор эди, бурган ва қичитқи ўтлар тепасида қаердан келтирилгани номаълум тўқ яшил рангли наша ўсимлигининг узун поялари қаққайиб турарди.

Мен шу сўқмоқ йўлдан бориб, асалари боқиладиган жойга етдим. Унинг ёнида қишда асалари қутилари қўйиладиган четан саройча бор эди. Мен қия очиқ эшик-

дан ичкарига қарадим: саройча ичи қоронги, жимжит, ёқимсиз эди: ундан ялпиз ҳиди келарди. Бурчакда сўри қилинган бўлиб, сўрида аллақандай кичкинагина бир жасад кўрпага ўраниб ётган эди... Мен бу ердан кетмоқчи бўлиб, энди ўгирилувдимки...

— Барин, ҳой барин! Петр Петрович!— деган заиф, секин ва ботқоқда ўсадиган қиёқ ўтнинг шитирлашига ўхшаш хириллоқ овозни эшитиб қолдим.

Мен тўхтадим.

— Петр Петрович! Марҳамат қилиб берироқ келсангиз!— деб такрорлади овоз. Бу овоз бурчакдан, сўри томондан эшитилаётган эди.

Мен яқинроқ бордим, бордиму ҳанг-манг бўлиб қолдим. Сўрида одам тахлит бир вужуд ётган эди, аммо қандай одам эди деңг?

Унинг боши, худди қовжираб кетгандек, ниҳоятда озғин, қонсиз, жигар ранг тусда эди — бамисоли кўҳна иконага ўхшарди; бурни пичоқнинг дамидай ўткир, қиррали, лаблари кўринмас даражада юпқаланиб кетган эди, тишлари ва кўзларигина оқариб кўринарди, сариқ сочларининг сийрак тутамлари рўмоли остидан пешонасига чиқиб турарди. У жигар ранг тусдаги иккита кичкина қўлининг чўпдай ориқ бармоқларини ияги олдида, кўрпанинг бурмаси устида секин ўрмалатарди. Мен тикилиброқ қарадим: афт-башараси хунук эмас, ҳатто чиройли бўлса ҳам, даҳшатли, ниҳоятда даҳшатли эди. У чеҳрасида, металлдай ялтироқ ёноқларида бир табассум пайдо қилиш учун ҳар қанча уринса ҳам ҳеч бир жилмая олмаганини кўриб турганим сабабли, унинг башараси менга янада қўрқинчлироқ туюлди.

— Барин, мени танимаяпсизми?— деб пичирлади овоз яна; бу овоз зўрғагина қимирлаган лаблардан чиқибоқ ғойиб бўлаётгандай эди.— Ҳа, қаёқдан ҳам таниб бўлсин! Мен Лукерья... Эсингиздами, Спасск қишлоғида онангизникида ашулачи қизларга бош бўлгандим... эсингизда борми, ашулани ўзим бошлаб берардим?

— Лукерья!— деб қичқириб юбордим.— Ростдан ҳам сен Лукерьямисан? Одам шунчалик ўзгариб кетадими, а?

— Ҳа, менман, барин, мен. Мен — Лукерьяман.

Тилим лол бўлиб қолди, шунинг учун унинг равшан ва жонсиз кўзлари билан менга тикилган қорамтир, ҳаракатсиз юзига ҳайратланиб қараб турардим. Ақл бовар қилиши мумкинми? Бу мўъиё — қўраميزдаги барча

хизматкор хотин-қизларнинг энг соҳибжамоли, сарвқомат, бўлиқ, оқ бадан, юзлари анордай қип-қизил, хандон уриб кулувчи, уста ўйинчи, ўткир ашулачи Лукерья эди! Бу — қўрамиздаги ҳамма ўспирин йигитлар хушомад қилиб юрган, ҳатто ўн олти яшарлик бола бўлган менинг ўзим ҳам пинҳона ошиқ бўлиб юрган Лукерья, оқила қиз Лукерья эди!

— Мени кечир, Лукерья,— дедим ниҳоят,— нима бўлди ўзи сенга?

— Шундай, бир бахтсизлик бўлди-да! Барин, сиз менинг бу кўйга тушганимдан жирканманг, ҳазар қилманг,— анови кадушкага, яқинроққа ўтиринг, йўқса, гапим эшитилмайди... овозим шунақа заиф бўлиб қолган!.. Сизни кўриб жудаям суюниб кетдим! Сизни Алексеевкамга қайси шамол учирди?

Лукерья ғоят секин ва заиф овоз билан, лекин тўхтамасдан гапирарди.

— Мени бу ерга овчи Ермолай олиб келди. Ундан кўра сен менга ўзинг тўғрингда гапириб бер-гай...

— Ўз кулфатим тўғрисидами? Хўп, барин. Бу аҳволга тушганимга кўп бўлди, олти-етти йилча бўлиб қолди. У вақтда мени Василий Поляковга — онангизнинг даргоҳларида буфетчи бўлиб хизмат қилган басавлат, қўнгироқ соч йигит бор эди-ку, эсингиздами? Ўшанга эндигина унаштириб қўйишган эди. У маҳал сиз қишлоқда эмас эдингиз: Москвага ўқишга кетгандингиз. Василий иккаламиз бир-биримизни жуда яхши кўриб қолган эдик; хаёлим доимо ўшанда эди; бу воқеа баҳорда бўлган эди. Бир куни кечаси тонг отай деб қолган бўлса ҳам... уйқум келмади: боғда булбул бирам ёқимли овоз билан сайраб турардики, асти қўйинг... Чидай олмадим, унинг сайрашини эшитиш учун пиллапояга чиқиб турдим. Булбул тинмай хониш қиларди, мен унинг ширин навосига маҳлиё бўлиб қолдим... шу пайт хаёлимда биров мени Васканинг овози билан: «Луша!..» деб чақиргандай бўлди. Бирдан ўзимни четга олмоқчи бўлдим-да, уйқусираб туриб оёғимни бежо қўйиб юбордим ва пиллапоядан настга гупиллаб тушдим. Бошда қаттиқ шикастланмагандай кўриндим, чунки тезда ўрнимдан туриб, бўлмамга қайтиб кирдим. Лекин ичимда — қорнимда бир нима узилиб жойидан кўчиб кетгандай бўлди... Барин... салгина дамимни ростлаб олайин.

Лукерья жим бўлди, мен унга таажжуб билан қараб ўтирардим. Унинг ўз саргузаштини ҳеч қандай оҳ-воҳсиз, ҳеч бир шикоят қилмай ва менда ачиниш ҳислари уйғотишга уринмай, деярли хурсанд ҳолда ҳикоя қилишни мени ҳайрон қолдирмоқда эди...

— Шу-шу бўлди-ю,— деб давом этди Лукерья,— оз-иб-тўзиб кета бошладим: рангим сарғайди, юришим қийинлашди, кейин оёғим ҳам шол бўлиб қолди: на тикка тура оламан, на ўтира оламан: мудом чўзилиб ётгим келарди. На бир нарса ичким ва на бир нарса егим келарди. аҳволим тобора ёмонлашаверди. Онангиз раҳмдилликларидан мени врачларга ҳам кўрсатдилар, касалхонага ҳам юбордилар. Аммо касалим сира енгиллашмади. Қасалим нималигини биронта врач айтиб бера олмади. Мени даволаш учун улар не-не ишларни қилишмади: темирни қиздириб орқамга босишди, майдаланган муз устига ўтқазишди — ҳеч шифо бермади. Ахийри бориб чўп-устихон бўлиб қолдим... Шундан кейин хўжайинлар мени даволашни фойдасиз ва барин хонадонида ногирон одамни сақлаб туриш ноқулай деган фикрга келишди-да, мени бу ерга юборишди — нега десангиз, бу ерда қариндошларим бор. Мана шу зайилда, ўзингиз кўрганча яшаб турибман.

Лукерья яна жим қолди ва яна табассум қилишга уриниб кўрди.

— Бу дейман, аҳволинг жуда ёмон-ку!— хитоб қилдим мен ва сўзимни қандай давом эттиришни билмай:— Поляков Василий нима бўлди?— деб сўрадим — бу жуда бемаъни савол эди.

Лукерья кўзини хиёл четга бурди.

— Поляковга нима бўларди? Хафа бўлиб юриб-юриб, ахийри глинноелик бошқа бир қизга уйланди. Глинноени биласизми? Бу ердан унча узоқ эмас. Қизнинг оти Аграфена. Поляков мени жуда ҳам яхши кўрарди, лекин у ёш йигит, мени деб дунёдан тоқ ўтмайди-да ахир. Қандай қилиб мен унга муносиб хотин бўла олардим? У ўзига яхши, меҳрибон хотин топди, ҳозир бола-чақалик ҳам бўлиб олган. Поляков қўшни баринни-кида приказчилик қилади: онангиз унга бошпирт бериб озод қилганлар, худога шукур, иши жуда яхши.

— Ҳамниша шу ҳолда ётганинг-ётганими? — деб сўрадим яна.

— Олти йил тўлиб, еттинчи йилга кетди, аҳволим шу, барин. Ёзни шу четан саройчада ётиб ўтказаман: совуқ тушгандан кейин, ҳаммомнинг кийимхонасига олиб кириб қўйишади. Ўша ерда ётаман.

— Сенга ким қараб туради? Аҳволингдан ким хабар олади?

— Яхши одамлар бу ерда ҳам бор. Мени ташлаб қўйишмайди. Иннайкин, одамларга оғирлигим ҳам унча кўп тушмайди. Жуда-жуда оз нарсга ейман, сув бўлса — ана кружкада турибди: топ-тоза булоқ суви ҳамиша бор. Кружкага ўзим узана оламан: бир қўлим ҳозирча ишга яраб турибди. Бу ерда бир қизча бор, етимча, гоҳ-гоҳ келиб хабар олиб туради, барака топкур. Ҳозиргина шу ерда эди... Сиз уни кўрмадингизми? Чиройликина, оппоққина қиз. У менга гул олиб келиб беради; гулни мен шундай яхши кўраманки, асти қўйинг. Бизда боғ гуллари йўқ,— илгари бор эди, кейин йўқолиб кетди. Лекин дала гуллари ҳам яхши бўлади, боғ гулларида ҳам яхшироқ ҳид сочади. Мисол учун ҳеч бўлмаса марваридгулни олинг... жудаям ёқимли.

— Бечора Лукерьягинам, бу ерда зерикмайсанми, кўрқмайсанми?

— Тақдирга тан бермай пложим қапча? Яшириб ўтирмайман: аввалига жуда зерикдим, кейин кўникиб қолдим; баъзи одамларнинг аҳволи бундан ҳам бадтар бўлади.

— Қандай қилиб?

— Баъзиларнинг бошпанаси ҳам йўқ! Баъзи бир киши кўр ёки кар! Парвардигорга шукурки, менинг кўзларим очиқ, қулоғим ҳам жойида, ҳамма нарсани эшитаман. Ер тагида юмронқозиқ юрса эшитаман. Мен ҳар қандай ҳидни, ҳатто энг нозик ҳидни ҳам сеза оламан! Далада гречиха ёки жука гуллари — менга айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ: дарров ҳидидан биламан. Бунинг учун дала томондан салгина шамол келса бўлгани. Йўқ, худонинг қаҳрини нега келтирай?— кўпларнинг аҳволи меникидан ҳам ёмонроқ. Мисол учун бир нарсани айттай: баъзи бир соппа-соғ киши дарровгина гуноҳ иш қилиб қўйиши мумкин, мендан эса гуноҳнинг ўзи йироқлашди. Яқинда поп Алексей ота мени ўқиб туриб: «Сени тавба қилдирмаса ҳам бўлади, чунки сен шу ҳолингда қанақа гуноҳ қилардинг?» дедилар. Мен эса у кишига: «Хаёлга келган фикрлар-чи?»— деб сўрадим.

«Э... бу катта гуноҳ эмас»,— дедилар, дейишга дедилару, кейин ўзларни кулиб қўйдилар.

— Менда бу хил гуноҳлар ҳам унча кўп бўлмаса керак,— давом этди Лукерья,— нега десангиз, ўзимни ҳеч нарсани ўйламасликка, айниқса — эсламасликка ўргатганман. Шунинг учун зерикмаяпман.

Очиғи, жуда ажабланиб қолдим.

— Лукерья, сен ҳамма вақт ёлғизсан: хаёлингга ҳар хил фикрлар келишига қандай қилиб моне бўла оласан? Ёки доим ухлайсанми?

— Оҳ, йўғ-с, барини! Ухлашга-ку, ҳамма вақт ҳам ухлай олмайман. Бирон жойим қаттиқ оғримаса ҳам, лекин ич-ичим сирқираб, безовта қилгани-қилан, ҳатто суякларим ҳам сирқирайди; шу сабабли тузуккина ухлай олмайман. Йўқ... шу зайилда эртадан кечгача ётганим ётган, ухламайман ҳам: танамда жон борлигини сезаман, нафас оламан — гап шу. Қўзим кўради, қулоғим эшитлади. Асалари қутилари турган ерда асаларилар ғувиллайди, томга каптар қўниб гуриллай бошлайди; она товуқ жўжалари билан ушоқларни териб егани бу ерга келади; баъзи вақтда чумчуқ ё бўлмаса капалак учиб киради — жуда севиниб кетаман. Бултур ҳов анови бурчакка ҳатто қалдирғочлар уя қуриб, бола очди. Уни томоша қилиш бирам роҳат эдики! Биттаси уясига учиб келиб, болачаларига овқат беради-да, яна чиқиб кетарди. Ҳаял ўтмай унинг ўрнига бошқаси учиб келарди. Баъзи вақтларда ичкарига учиб кирмай очиқ эшик олди-дан визиллаб ўтиб кетарди, шунда болалари дарров огизларини очиб чийиллай бошларди. Мен бу қалдирғочларнинг келишини ўтган йили ҳам кутдим, лекин одамларнинг айтишига қараганда, уларни шу ерлик бир овчи отиб ўлдирибди. Нима фойда кўрдийкин шундан? Қалдирғоч қўнғиздаккина жонивор-ку ахир... Эй овчи жаноблар, мунча ҳам бераҳм одамсизлар!

— Мен қалдирғочларни отмайман,— дедим шошиб-пишиб.

— Бир куни,— деб яна гап бошлади Лукерья,— то-заям кулгили иш бўлди-да! Саройга бирдан ёввойи қуён югуриб кириб қолди! Уни итлар қувлаб келаётган эди шекилли, у ўзини тўппа-тўғри эшикдан ичкарига урди... Яқингинамга келиб, анча ўтирди, худди чинакам офицерга ўхшаб ҳадеб бурнини қимирлатади ва мўйловларини ўйнатади. Қўзини сира мендан узмайди. Менинг қўр-

қинчли эмаслигимни тушунган бўлса керак. Ахийри ўрнидан турди, дикир-дикир сакраб эшик олдиға борди, остонада тўхтаб орқасига бир қараб олди-да, бирпасда кўздан ғойиб бўлди! Жуда ҳам қизиқ экан!

Лукерья, бу воқеа қизиқ эмасми, дегандек менга қаради. Мен кўнгли учун кулиб қўйдим. У қовжираган лабларини тишлади.

— Рост, қишда қийналаман, чунки тез қоронғи тушади; шамни ёқишга қизғанаман, ёқиб ҳам нима қилардим? Гарчи саводим бўлса ҳам, доимо китоб ўқигим келса ҳам, лекин нимани ўқий? Бу ерда ҳеч қанақа китоб йўқ, аммо бўлганда ҳам мен уни қандай қилиб ушлай оламан? Алексей ота кўнглимни ёзиш учун менга календарь олиб келувди, бефойдалигини кўриб яна олиб кетди. Жойим қоронғи бўлса ҳам, қулоққа эшитиладиган нарсалар топилади; суварак чириллаб туради ёки сичқон бирон жойда қитир-қитир қилади. Ана шунда енгил тортаман; ўйламайман!

— Ё бўлмаса дуо ўқиб ётаман,— деб давом этди бир оз дам олгач Лукерья.— Лекин мен бу дуо-пуоларни кам биламан. Парвардигори оламга хунук кўриниб нима қиламан? Мен ундан нимани ҳам илтижо қилардим? Менинг нимага муҳтожлигимни унинг ўзи мендан яхшироқ билади. Худо пешонамга шу дардни ёзибдими, демак мен унинг севган бандаси эканман. Биз бандаларга тақдирга тан бериш амр қилинган. Ҳамма дардмандларнинг паноҳи бўлган Биби Марьям онамизга сиғинаман, ҳеч нарсани ўйламасдан дуо ўқиб ётаман. Вассалом!

Икки минутча вақт сукутда ўтди. Мен сукутни бузмай, ўтирғичлик хизматини бажарган энсиз кадушка устида қимирламай ўтиравердим. Рўпарамдаги жонли, бахтсиз вужуднинг аянчли ҳолда, тахтакачдай ҳаракатсиз ётиши менга ҳам таъсир қилди: мен ҳам ўзимни тош сингари қотиб қолгандек ҳис қилдим.

— Менга қара, Лукерья,— деб гап бошладим ниҳоят.— Менга қара, сенга бир нарса айтмоқчиман. Сени касалхонага, шаҳардаги яхши касалхонага элтишни буюрсам, борасанми? Ким билади, сени балки тузатиб юборишар? Ҳар ҳолда сен у ерда ёлғиз бўлмайсан.

Лукерья қошларини салгина чимирди.

— Оҳ, йўқ, барин,— деб ташвиш билан пичирлади у,— мени касалхонага юборманг, мени қўзғатманг. У жойда бадтар қийналаман. Энди даволанишдан ўтган-

ман... Бир куни бу ерга ҳам доктор келган эди: у касалимни кўрмоқчи бўлди. Унга: «Худо хайрингизни берсин, мени безовта қилманг» деб ялиндим. Қулоқ солиш қаёқда! Мени у ёққа-бу ёққа ағдариб кўрди, қўлларимни уқалади, оёқларимни ёзди; у менга «олимлигим учун шундай қиялпман, чунки мен хизматчи одамман, олим кишиман. Сен вақиллайверма, чунки қилган меҳнатларим учун бўйнимга орден тақиб қўйишибди, шу сабабли мен сиз аҳмоқлар учун ҳаракат қиламан»,— деди. У ёғимдан тортқилаб, бу ёғимдан тортқилаб жонимга тегди, касалимнинг отини айтди,— тушуниб бўлмайдиган аллақанақа от,— шу билан даб бўлди. Кейин роса бир ҳафтагача бутун суякларим қақшаб оғриди. Сиз мени ёлғиз, доимо ёлғиз деб ўйлаяпсиз. Йўқ, ёлғиз қолмаган кунларим ҳам бўлади. Олдимга келиб турувчилар бор. Мен беозор — ҳеч кимга халақит бермайман. Олдимга деҳқон қизлар киришади, гаплашиб ўтиришади: гоҳо дарвеш келиб қолади, Қуддус шариф ҳақида, Киев ҳақида, зиёратгоҳ шаҳарлар ҳақида ҳикоя қилади. Шунинг учун танҳоликдан кўрқмайман. Азбаройи худо, танҳолик ҳатто яхши ҳам... Барин, мени жойимдан кўзғатманг, касалхонага юборманг. Раҳмат сизга, сиз яхши одамсиз, лекин мени жойимдан кўзғатманг, жоним.

— Хайр, майли, ихтиёринг, ихтиёринг, Лукерья. Сенинг фойдангни ўйлаган эдим...

— Менинг фойдамлигини биламан, барин. Эҳ, азизим, барин, бировнинг дардига ким даво топа оларди? Ким унинг жонига оро кирарди? Одам ўзига-ўзи ёрдам беради. Сиз ишонмассиз ҳам — баъзи вақтда мен мана шундай танҳо ётаман-да... менга ёруғ дунёда ўзимдан бошқа ҳеч ким йўққа ўхшаб кетади. Ёлғиз менгина тирикдек! Шунда алланарса мени жуда ҳам хурсанд қилиб юборгандай бўлади... Шунда ўйга толиб кетаман, ҳатто ўзим ҳам ҳайрон қоламан!

— Ўшанда сен нималарни ўйлайсан, Лукерья?

— Барин, нималигини айтиб бўлмайди, тушунтириб беролмайман. Кейин у эсимдан ҳам чиқиб қолади. Бу ўйлар хаёлимга баҳор ёмғиридек қуйилади-да, кўнглим ором олади, баҳрим очилиб кетади, аммо нима бўлганини ўзим ҳам билмай қоламан! Лекин, агар ёнимда одамлар бўлганда — ҳеч нарсани сезмаган бўлар эдим, деб ўйлайман.

Лукерья қийналиб хўрсиниб қўйди. Унга, бошқа аъзолари сингари, кўкраги ҳам итоат этмасди.

— Барин, бундай қарасам,— деб яна гап бошлади у,— менга жуда ҳам ачинаётганга ўхшайсиз. Менга ачинманг! Мен сизга мисол учун бир нарсга айтайин: мен баъзан, ҳозир ҳам... Бир вақтлар қанақа шўх қиз бўлганим эсингизда бордир, ахир? Шаддод қиз эдим!.. Биласизми? Мен ҳозир ҳам қўшиқ айтаман.

— Қўшиқ?.. Сен-а?

— Ҳа, қўшиқ айтаман, эски қўшиқларни, жўр бўлиб айтиладиган қўшиқларни, тўй-маъракаларда айтиладиган қўшиқларни, диний қўшиқларни, ҳар қанақаларини айта оламан. Мен илгари бу қўшиқларнинг кўпини билардим, ҳозир ҳам эсимдан чиқарганим йўқ. Рақс қўшиқларинигина айтмайман, холос. Ҳозирги ҳолимда улар менга тўғри келмайди.

— Сен бу қўшиқларни қандай қилиб айтасан... ичингда айтасанми?

— Ҳам ичимда айтаман, ҳам овоз чиқариб айтаман. Баланд овоз билан айта олмайман, лекин ҳамма ашуларимни тушуниб бўлади. Ҳали сизга олдимга бир қиз келиб юришини айтувдим. Етим қиз, эсли-ҳушликкина. Мен ўша қизга ашула айтишни ўргатдим; у мендан тўртта қўшиқ ўрганиб олди. Ё ишонмаяпсизми? Шошманг, мана мен ҳозир сизга...

Лукерья нафасини ростлай бошлайди... Бу чала жон жасаднинг ашулага тайёрланаётгани менда беихтиёр қўрқув ҳисларини уйғотди. Бир нима дейишга улгурмасимданоқ қулоғимга чўзиқ, ҳазин, лекин аниқ ва равон овоз келди... ундан кейин иккинчи, учинчиси эшитилди. «Чаманзорда» ашуласини айтмоқда эди Лукерья. У юз ифодасини ўзгартирмай, кўзларини ҳатто бир нуқтага тиккан ҳолда куйламоқда эди. Лекин зўр машаққат билан чиқаётган тутундай енгил тебранган бу заиф овоз жуда таъсирли эди, у ашуласини завқ-шавқ билан айтиб, юрагидаги ҳамма дардларини тўкиб солмоқчи бўлди. Энди қўрқишни унутган эдим: юрагимда унга мислсиз ачиниш пайдо бўлди.

— Оҳ, айтолмайман!— деди у тўсатдан,— мадорим етмаяпти... Сизни кўриб, жуда ҳам севиниб кетдим-да.

У кўзларини юмди.

Мен кичкинагина совуқ бармоқлари устига қўлимни қўйдим... У менга қаради, кейин қадимги ҳайкалларни-

кидек сариқ киприкли, қорамтир қовоқлари яна юмилди. Бир дамдан кейин ярим қоронғиликда қовоқлари ялтираб кетди... Қовоқларини кўз ёшлари ҳўл қилган эди.

Мен ҳамон қимирламай ўтирардим.

— Вой, менга нима бўлди ўзи!— деди тўсатдан Лукерья кутилмаган даражада куч билан ва кўзларини очиб-юмиб, кўз ёшини чиқариб юборишга ҳаракат қилди.— Уят эмасми? Нега йиғлаяпман? Кўпдан буён... Поляков Вася ўтган баҳорда олдимга келган кундан буён ҳеч бир бунақанги аҳволга тушмаган эдим. У мен билан гаплашиб ўтирганида туппа-тузук ётдим; чиқиб кетгандан кейин эса, танҳо қолиб йиғладим! Нега йиғладим экан!.. Биз хотинларнинг кўз ёшлари шунақа се-роб бўлади ўзи, барин,— деб қўйди Лукерья — балки, дастрўмолчангиз бордир... Ҳазар қилманг, кўзимни ар-тиб қўйинг.

Мен дарҳол унинг истагини бажо келтирдим ва дастрўмолчамни унга бердим. У аввалига олишни хоҳламади... Бундай ҳадянинг менга нима кераги бор?— дегандек қилди. Дастрўмолча жуда оддий бўлса ҳам, тоза ва оппоқ эди. Кейин у дастрўмолчани дармонсиз бармоқлари билан маҳкам чангаллаб олди-ю, шу ушлаганича ҳеч қўлидан қўймади. Кўзим бу ўзимиз ўтирган саройчадаги қоронғиликка ўрганиб қолганидан, унинг юз қиёфасини очиқ кўриб турардим, қорамтир юзида намоён бўлган оч майин қизилликни ҳам пайқаб турардим, бу юзда — ҳар ҳолда менга шундай туюлди — унинг ўтмишдаги гўзаллигининг асарлари бор эди.

— Барин,— деб яна гап бошлади Лукерья,— боя сиз мендан: сен ухлайсанми?— деб сўрадингиз. Мен камданкам ухлайман, аммо ухлагундай бўлсам, ҳар сафар туш кўраман, бирам яхши тушлар кўраманки! Тушимда ўзимни сира касал ҳолда кўрмайман: тушимда доимо сопа-соғ, ёш бўлиб юраман... Шуниси алам қиладики, уйғонганимдан кейин яхшилаб керишиб олгим келади-ю, лекин жойимдан қимирлаёлмайман. Бир кунни жудаям ғалати туш кўрдим! Сизга айтиб берайми?— Хўп, эшитинг бўлмаса.— Далада турган эмишман, чор атрофим баланд ўсган, пишиб ётган олтиндай сап-сариқ жавдар эмиш!.. Ёнимда қопоғон кичкина бир малла ит бор эмиш, у ҳадеб мени тишлаб олмоқчи бўлармиш. Қўлимда ўроқ бор эмиш, қарасам у росмана ўроқ эмасмишу, ўроқ ой-

нинг ўзимиш, оининг ўроққа ўхшайдиган маҳали бўлади-ку, худди ўшанақаси эмиш. Мен шу ўроқ ой билан ҳалиги жавдарни битта қўймай ўришим керак эмиш. Лекин иссиқда жуда тутақиб кетганмишман, ой ҳам кўзимни қамаштирармиш, кейин эринчоқлигим тутганмиш; бир вақт қарасам, теварак-атрофда бўтакўзлар очилиб ётганмиш, тагин йирик-йирик эмиш! Ҳаммаси менга бошини ўгириб қараб турганмиш. Шунда мен ичимда: кел, шу бўтакўзлардан бир даста узайин; Вася келаман деган эди, шунинг учун аввал ўзимга битта гулчамбар ясайин; жавдарни ўриш қочмас,— деб ўйлабман. Иннайкин бўтакўзларни уза бошлаган эмишман, узган бўтакўзларим бармоқларим орасида эриб кетаверибди, сира ҳам йиғиб бўлмабди! Ўзимга ҳеч гулчамбар ясай олмабман. Шу пайт бировнинг олдимга келиб: Луша! Луша!..— деб чақираётганини эшитганмишман. Вой, шўрим қурсин, улгура олмадим-ку! Барибир гулчамбар ўрнига мана шу ойни бошимга тақиб ола қоламан,— деб ўйлабман. Ойни кокошникка ўхшатиб тақиб олибман, бошдан-оёғим ярқираб кетиб бутун далани нурлантириб юборибди. Қарасам, бугдой бошоқлари устидан мен томонга Вася эмас, балки ҳазрати Исонинг ўзлари жадаллик билан юриб келаётганмиш! Нима учун ҳазрати Исо деб ўйлаганимни ўзим ҳам билмайман, у кишининг тахлити китобда ёзилганига ўхшамаса ҳам, лекин кўзимга шундай кўринганмиш! Соқоллари қирилган, баланд бўйли, ёш, бошдан-оёқ оқ либос кийганмишлар, фақат белбоғлари олтинданмиш,— яқинлашиб келиб менга қўлларини узатганмишлар. «Ҳеч бир нимарсадан қўрқма, гўзалим, орқамдан юр; менинг арши аъломда ашулачи қизларга бош бўласан ва жаннат қўшиқларини куйлайсан»,— деганмишлар. Мен табаррук қўлларига чунонам маҳкам ёпишиб олибманки, асти қўйинг! Итим эса дарров оёғимдан тишлаб торта бошлабди... лекин шу онда ҳазрати Исо билан иккаламиз осмонга парвоз қилганмишмиз! Улар олдинда учиб бораётганмишлар... Қанотлари бутун осмонга ёйилганмиш, улар оқ чарлоқнинг қанотидай узунмиш, мен кетларидан учиб бораётганмишман! Ит уча олмай, қолиб кетибди. Кейин билсам, бу ит менинг дард-касалим экан-у, арши аълода унга жой берилмас экан.

Лукерья бир оз жим бўлди.

— Бир кун яна туш кўрдим,— деб тагин гап бошла-

ди у,— эҳтимол, тушмасдиру, кўзимга арвоҳлар кўрингандир, нималигини билолмайман. Мен мана шу четан саройчада ётган эмишман, олдимга марҳум отам билан онам келиб, чурқ этмай, икки букилиб менга таъзим қилган эмишлар. Улардан: отажон, онажон, нега менга таъзим қилиясизлар?— деб сўраган эмишман. Улар: бу ёруғ дунёда кўп азоб-уқубат тортишинг билан сен фақат ўз руҳингига энгиллаштириб қолмай, бизни ҳам гуноҳдан анча халос қилдинг. Шунинг учун у дунёдаги турмушимиз анча энгиллашиб қолди. Сен ўз гуноҳларингни ювиб бўлдинг, энди бизнинг гуноҳларимизни ювяпсан, дейишибди. Кейин отам билан онам шу гапларни айтиб, яна бир таъзим қилишибди-да, ғойиб бўлишибди; қарасам, атрофимда тўрт девордан бўлак ҳеч нима йўқ. Бу кўринган нарса нима бўлдийкин, деб кейин анча вақтгача ўйлаб ётдим. Тавба-тазарру вақтида буни понга ҳам айтдим. Лекин унинг ўйлашича, менга кўринган нарса арвоҳ эмас эмиш, чунки арвоҳ фақат руҳонийларга кўринар эмиш.

— Бир куни яна мана бунақа туш кўрганман,— деб давом этди Лукерья.— Қарасам, катта йўл бўлидаги тол тагида ўтирган эмишман, қўлимда йўнилган таёқ, елкамда халта, бошимга рўмол ўроғлиқ эмиш, худди дарвешнинг ўзгинаси эмишман! Узоқ бир жойга зиёратга бораётган эмишман, ёнимдан ҳамма дарвеш ва қаландарлар ўтиб кетишаётган эмиш, уларнинг ҳаммаси, гўё истар-истамас, секин-секин юриб бир томонга бораётган эмишлар; ҳаммаларининг чеҳралари ғамгин, ҳаммалари бир-бирларига жуда ўхшаш эмиш. Қарасам, улар орасида бир хотин ўралишиб юрибди, у ҳамма дарвешлардан новча эмиш, кўйлаги ҳам аллақанақа, бизникига, ўрисларникига ўхшамасмиш. Башараси ҳам ғалати, бадқовоқ, қаҳрлимиш. Ҳамма дарвешлар ундан ўзларини четга олаётгандай кўринармиш. У бирдан бурилиб тўппатўғри мен томонга кела бошлади. Олдимга келиб тўхтаб, менга қараб турибди; кўзлари лочиннинг кўзларидай сариқ, катта, жудаям равшан эмиш. Мен ундан: «Кимсан?»— деб сўраган эканман, у «Сенинг ажалингман?»— дебди. Қўрқиб кетиш ўрнига, севинганимдан чўқиниб олибман! У хотин, яъни ажалим менга: Лукерья, сенга раҳим келиб кетяпти-ю, аммо сени олиб кетолмайман. Яхши қол!— дебди. Эй худо-ей! Шунда мен жуда хафа бўлиб кетганмишман!.. «Онажон, мени олиб

кетгин, жон онажон!»—деганмишман. Кейин ажалим ўгирилиб қараб, менга танбеҳ бера бошлаганмиш... У менинг ўлим соатимни тайин қилаётганини билиб турган бўлсам ҳам, лекин гапи ноаниқ эмиш, ҳеч тушуниб бўлмасмиш. Авлиё Пётр ҳайити арафасида рўзадан кейин,—дегандай бўлибди шекилли. Шу билан уйғониб кетдим. Мен ана шунақанги ғалати тушлар кўраман!

Лукерья кўзларини шипга тикди... Ўйга ботди...

— Мени қийнайдиган нарса шуки, гоҳо ҳафталаб мижжа қоқмайман. Бултур бир бариня шу ердан ўтиб кета туриб, мени кириб кўрди, бир шишачада уйқу келтирадиган дори берди; ўн томчидан ичишни буюрди. Дори менга жуда фойда қилди-да, ухлайдиган бўлдим, лекин шишачадаги дори аллақачон тамом бўлган... сиз билмайсизми, қанақа дорийкин ўша, қаердан топса бўларкин?

Ўткинчи бариня Лукерьяга, афтидан қора дори берган бўлса керак. Мен унга ўшандақа шишачада дори топиб беришни ваъда қилдим ва сабр-тоқатига қойил қолганимни яна айтдим.

— Вой, барин-ей!—деди у.—Нималар деяпсиз ўзингиз? Шу ҳам сабр-тоқат бўлибдими? Сабрли деб Симеон Столпникни айтса бўлади, унинг сабри тоғдай экан: ўттиз йил муттасил устунга занжирбанд бўлиб турибди. Худо ёрлақаган яна бир авлиё ўзини қўкрагигача ерга кўмишни буюрибди, бети чумолиларга ем бўлибди... Бир қироатхон менга яна шуни ҳам айтиб берган эди: бир мамлакат бўлган экан, ўша мамлакатни инглизлар иштило қилишибди, ундаги ҳамма одамларни не-не қийноққа солиб, азоблаб ўлдираверишибди; халойиқ қанча ҳаракат қилса ҳам, ҳеч озод бўла олмабди. Шунда ўша аҳоли орасида бир бокира авлиё қиз намоён бўлибди; бу қиз қўлига каттакон қилични олиб, икки пудлик совутни кийиб, инглизларга қарши жанг бошлабди ва уларнинг ҳаммасини денгизнинг нариги томонига ҳайдаб юборибди. Ҳайдаб юборибди-ю, лекин ўзи уларга: «Сизлар энди мени оловда куйдиринглар, чунки мен ўз халқим учун ўтда ёниб жон бермоққа аҳд қилган эдим»,—дебди. Шунда инглизлар уни тутиб, ўтда куйдиришибди, халқ эса ўша вақтдан бошлаб умрбод озод бўлибди! Қаҳрамонлик деб мана буни айтса бўлади? Мен нима қилибман!

Иоанна д'Арк¹ ҳақидаги афсонанинг бу томонларга қай даражада ва қандай шаклда етиб келганига ичимда ҳайрон қолдим ва бир оз жим турганимдан кейин, Лукерьядан ёшини сўрадим.

— Йигирма саккиз... ё йигирма тўққизда... Ишқилиб, ҳали ўттизга борганим йўқ. Э... ёшни ҳисоблаб ўтиришининг нима кераги бор! Сиз яна мана буни эшитинг...

Лукерьяни бирдан аллақандай бўғиқ бир йўтал тутди, у ихради...

— Кўп гапириб юборяпсан, бу сенга зарар қилиши мумкин,— дедим унга.

— Рост айтасиз,— эшитилар-эшитилмас пичирлади у,— энди гапни бўлди қиламиз; оҳ, суҳбатимиз қандай яхши бораётган эди-я! Энди, сиз кетганингиздан кейин тўйгунча сукут сақлайман... Сиз билан гаплашиб, ҳеч бўлмаса юрагимни бўшатиб олдим-ку...

Мен у билан хайрлаша бошладим, унга дори юбориш тўғрисидаги ваъдамни такрорладим, бирор нарсага эҳтиёжи бор-йўқлигини яхши ўйлаб олиб менга айтишини илтимос қилдим.

— Менга ҳеч нарса керак эмас, худога шукур, ҳеч нарсадан зориққанам йўқ,— ниҳоятда энтикиб маъюслик билан деди у.— Парвардигорнинг ўзи ҳаммани соғ-саломат қилсин! Барин, илтимосим шуки, сиз онангизни унатсангиз, бу ердаги деҳқонлар камбағал одамлар, онангиз уларнинг тўлайдиган оброкини сал камайтирса! Бояқишларнинг ерлари оз, ўтлоқлари йўқ... Улар бу яхшилигингиз учун сизни дуо қилган бўлар эдилар... Менга эса ҳеч нарса керак эмас, ҳеч нарсадан камчилигим йўқ.

Лукерьяга унинг илтимосини бажо келтиришни ваъда қилиб, эшикка яқин борганимда... у мени яна чақирди.

— Барин, эсингиздами,— деди у ва кўзлари билан лаблари ажиб бир йўсинда пирпираб кетди,— қандай узун сочим бор эди-а? Эсингиздами — тиззамга тушарди! Анча вақтгача ҳеч кўнглим бўлмади... Қандай соч эди-я, эсизгина! Уни қандай қилиб тарай олардим? Шу аҳволим билан... Шунинг учун сочимни кестириб қўя

Иоанна д'Арк (тахм. 1412—1431)— Жанна д'Арк: Француз халқининг қаҳрамон қизи. Юз йиллик уруш (1337—1453) вақтида француз халқининг инглиз босқинчиларига қарши олиб борган озодлик курашига бошчилик қилган.

қолдим... Ҳа... Хайр, кечирасиз, барин. Энди гапиришга мажолим етмайди...

Уша куніёқ, овга кетишдан олдин, Лукерья ҳақида хутор миршаби билан гаплашдим. Миршабнинг айтишига қараганда, қишлоқда уни «Чўп-устихон» деб аташар экан, ундан ҳеч кимга малулият етмас экан; у бировга на ҳасрат, на шикоят қилар экан. «Ўзи ҳеч нарса сўрамайди, лекин ҳаммадан миннатдор; тўғриси, ювош-беозор бир хотин. У худонинг қарғишига қолган,— деб хулоса қилди миршаб,— демак, гуноҳлари бор, аммо бу ёғига бизнинг дахлимиз йўқ. Лекин, масалан, айбситишга келганда, уни ҳеч ким айбламайди. Майли, кунини кўраверсин!»

Бир неча ҳафтадан кейин мен Лукерьянинг ўлганини эшитдим. Ахийри ажали етиб келибди... яна худди «Авлиё Пётр ҳайити арафасидан кейин» келибди... Одамларнинг айтишига қараганда, Алексеевка билан черков ораси беш чақиримдан кўпроқ бўлишига ва одатдаги иш кунини бўлишига қарамай, у ўладиган кунини ҳадеб черков қўнғироғининг овозини эшитаверибди. Лукерья: қўнғироқ овози черков томондан эмас, балки «юқоридан» келяпти,— дебди. Эҳтимол у: осмондан келяпти, дейишга ботина олмагандир.

— Мен сизга айтсам,— деди уйимга кириб Ермолай, анча дуруст ўтган бўлса ҳам тинкамни хийла қуритган қур овидан кейин, эндигина тушки овқатни еб бўлиб, бир оз нафасимни ростлаш учун йиғма каравотга сал чўзилганимда, — бу воқеа июлнинг ўнинчи числоларида, куннинг айна қизигида бўлган эди...— Мен сизга айтсам питрамиз тамом бўлибди.

Сапчиб туриб кетдим.

— Питра тамом бўлди! Наҳотки! Ахир қишлоқдан чиққанимизда ўттиз қадоқча олган эдик-ку! Бир халта тўла эди-ку!

— Буниси рост, халта ҳам каттагина эди: олган питрамиз икки ҳафтага етган бўларди. Ким билади нима бало бўлдийкин! Халтанинг бирон жойи тешилиб қолдимикин дейман, ишқилиб питра йўқ-да... қолгани ўнта ўққа аранг етади.

— Хўш, энди нима қиламиз! Ов сероб жойлар энди келади, эртага олти гала қур отиб олишимизни ваъда қилишган...

— Бўлмаса, мени Тулага юбора қолинг. Унча узоқ эмас, қирқ беш чақирим келади, холос. Физиллаб бориб келаман, хоҳласангиз, бир пуд питра топиб келишим ҳам мумкин.

— Ахир қачон бориб келасан?

— Ҳозир десангиз, ҳозироқ жўнайман. Имиллаб ўтиришдан нима фойда? Аммо бир гап бор: от ёллаш керак бўлади.

— Нима, от ёллаш керак? Ўзимизники-чи?

— Узимизники бўлмайди. Ўртага қўшиладиган от оқсаяпти... Жудаям!

— Қачондан бери?

— Ҳали яқиндан бери,— кучер уни тақалатишга олиб борган эди. Расво қилиб тақалатибди. Афтидан, тақачи ношуд бўлса керак. Энди оёғини ҳам қўя олмаяпти. Олдинги оёғида жонвор итга ўхшаб ҳаккалаб... зўрға турибди.

— Хўш? Ҳеч бўлмаса тақасини олиб ташладила-рингми, ахир?

— Йўқ, олиб ташлаганимиз йўқ, тақасини албатта олиб ташлаш керак. Тақасинга қоқилган мих гўштигача кириб кетганга ўхшайди.

Мен кучерни чақиртирдим. Ермолай рост гапирган экан: от ҳақиқатан ҳам оёғини босолмаётган экан. Мен дарҳол отнинг тақасини олиб ташлашни ва ўзини зах жойга боғлаб қўйишни буюрдим.

— Хўш? Тулага бориш учун отлар ёллайвераими?— деб қисталаиб қилди Ермолай.

— Ахир бу хилватгоҳдан от топиб бўлармиди?— дедим диққат бўлиб...

Биз турган қишлоқ кўздан холи, жуда овлоқ жой эди: унинг ҳамма аҳолиси усти юнун, қашшоқ кишилар эди; биз оқланмаган ва лекин сал-нал кенгроқ бўлган бир уйчани қишлоқдан зўрға қидириб топган эдик.

— Ҳа, топиб бўлади,— деб жавоб берди Ермолай ўз одатича осойишталик билан.— Бу қишлоқ ҳақида тўғри гапирдингиз, аммо бу ерда илгари бир деҳқон турарди. Жуда ақлли эди! Бадавлат эди! Тўққизта оти бор эди: ҳозир у ўлиб кетган, энди ҳамма нарсасига катта ўғли хўжайин. У уччига чиққан аҳмоқ бўлса ҳам, отасининг мол-мулкани ҳали бутунлай совириб улгурганича йўқ. Биз отларни ўшандан топамиз. Буюрсангиз, мен уни бошлаб келаман. Эшитишимга қараганда, укалари шўх йигитлар эмиш... шундай бўлса ҳам уларга шу акаси бош экан.

— Нима учун.

— Шунинг учунки—ёши катта-да! Ёши катта бўлганидан кейин укалари унга итоат қилиши керак!— Шубилан Ермолай умуман укалар шаънига шалоқ сўзлар билан сўкиниб қўйди.— Мен уни бошлаб олиб келаман. У гўл бир киши. У билан битишиб бўлмайдими ахир?

Ермолай «гўл» кишини олиб келишга кетганида кўнглимдан: Тулага ўзим борсам яхшироқ бўлмасмикин?—

деган фикр ўтди. Биринчидан, мен Ермолайнинг феълига тушуниб қолганимдан гашига унча нишонмасдим, мен харид қилиш учун уни бир марта бозорга юборган эдим, ўшанда у буюрган ҳамма ишларимни бир кунда бажо келтиришни ваъда қилиб, шу билан бир ҳафтагача дом-дараксиз йўқолиб кетган ва ҳамма пулни ичиб тамомлаб, пиёда қайтиб келган эди, ҳолбуки бозорга пойга аравада кетган эди. Иккинчидан, Тулада бир асбжаллоб танишим бор эди; оқсаб қолган отим ўрнига ундан от сотиб олишим ҳам мумкин эди.

«Гап шу! — деб ўйладим мен.—Ўзим бораман, йўлда ухлаб олсам ҳам бўлади,—тарантас яхши, шалоқ эмас».

— Олиб келдим!— деди чорак соатдан кейин Ермолай, уйга лапанглаб кира туриб.— Унинг кетидан оқ кўйлак, кўк чолвор, чипта кавуш кийган, оқ сочли, кўзлари шилпикроқ, сариқ чўққи соқолли, узун хамак бурунли, оғзи очиқ барваста бир эркак кирди. Бу одам ҳақиқатан ҳам «гўл» кўринарди.

— Мана, марҳамат қилинг,— деди Ермолай,— унинг отлари бор, ўзи ҳам кўнди.

— Мен сизга айтсам, ҳалиги, мен...— деб тилга кирди мужик бўғикроқ овоз билан дудуқлашиб, сийрак сочларини силкитиб ва қўлидаги шапкасининг кунгирасини эзгилаб туриб.— Мен, нима, ҳалиги.

— Отинг нима?— деб сўрадим.

Мужик ерга қаради ва ўйлагандек бўлди.

— Отимни сўраяпсизми?

— Ҳа, отинг нима?

— Менинг отим — Филофей бўлади.

— Менга қара, биродар Филофей, сенинг отларинг бор экан. Қани, отларингдан учтасини олиб кел, биз уларни тарантасимга қўшамиз, тарантасим енгил, ўзинг мени Тулага олиб борасан. Ҳозир кечалар ойдин, ёруғ ва йўл юриш учун салқин. Йўлларинг қанақа ўзи?

— Йўлми? Йўл — чакки эмас. Катта йўлгача атиги йигирма чақиримча юриш керак. Бир жой бор... сал но-бoproқ, шуни айтмаганда йўл чакки эмас.

— Нобоп деганинг қайси жой?

— Дарёдан кечиб ўтиш керак, ўша жой.

— Ие, Тулага ҳали ўзингиз бормоқчи бўляпсизми?— деб сўради Ермолай.

— Ҳа, ўзим.

— Э-э-э!— деб минғирлади содиқ хизматкорим ва бош чайқади.

— Э-э-э!— деб яна такрорлади-да, ерга тупириб, чиқиб кетди.

Афтидан, Тулага боришнинг унга энди ҳеч бир қизини қолмагандай эди, бу иш унга энди беҳуда ва кўнглисиз кўринарди.

— Сен йўлни яхши биласанми?— деб сўрадим Филофейдан.

— Нега биз йўлни билмас эканмиз! Лекин мен, ҳалиги, ихтиёр ўзингизда, аммо боролмайман... чунки қуруқдан-қуруқ бирдан бу иш қандай бўларикин...

Маълум бўлишича, Ермолай Филофейни ёллаганда унга: эй аҳмоқ, сен хотиржам бўлавер, хизмат ҳақингни тўлашади... гап тамом!— деган экан. Филофей Ермолайнинг айтишига қараганда, аҳмоқ бўлса ҳам, лекин унинг гапларига қаноатланмабди. У мендан эллик сўм қоғоз пул, яъни жуда қиммат ҳақ сўради; мен унга ўн сўм, яъни паст баҳо таклиф қилдим. Биз савдолаша бошладик. Филофей аввалига тихирлик қилиб, айтганида туриб олди, кейин қийналиб бўлса ҳам ён бера бошлади. Бир дақиқага уйга кирган Ермолай: «Бу аҳмоқ, (топган гапини қаранг-а!— деди пичирлаб Филофей), бу аҳмоқ пул санашни сира билмайди»,— деб ишонтира бошлади ва шу фурсатдан фойдаланиб менга серқатов катта чорраҳа йўлга онам томонидан қурдирилган карвон саройга дарбон қилиб қўйилган кекса хизматкорнинг пул санашни билмаганлигидан йигирма йилча муқаддам ана шу карвон сарой вайрон бўлганини, у пулнинг қимматини сонига қараб белгиллаганини, яъни, масалан, олтига бир мирилик мис чақа ўрнига сўкиниб туриб тангамири кумуш пул берганлигини, эс-латди.

— Вой, Филофей-ей, қайсар Филофей-ей!— деб юборди Ермолай ва чиқиб кета туриб, эшикни зарда билан қарсиллатиб ёпди.

Филофей унга эътироз билдирмади, гўё Филофей деган ном ўзига унча ярашмаганлигини ва бу ном чўқинтириш вақтида яхшилаб рози қилинмаган поп томонидан қўйилган бўлишига қарамай, ўзини Филофей деб атовчи кишидан ўпкалашга ҳам ҳаққи борлигини англагандек эди.

Ниҳоят, Филофей билан йигирма сўмга келишдик. У отларини олиб келишга кетди ва бир соатдан кейин яхшироғини танлаб олиш учун бешта от келтирди. Бу отлар, ёл ва думлари чигал ҳамда қоринлари кажавадай осилган бўлишига қарамай, хийла яхши отлар эди. Филофей билан иккита укаси ҳам бирга келди, укалари унга тирноқча ҳам ўхшамасди. Укалари кичик жуссали, қора кўзли, қирра бурунли бўлиб, «шўх» йигитларга ўхшардилар, кўп ва тез гапирардилар, Ермолай айтгандек, кўп «валдирардилар», лекин акаларининг измидан чиқмасдилар.

Улар тарантасни бостирма тагидан ғилдиратиб олиб чиқиб, бир ярим соатча тарантас ва отлар билан овора бўлдилар, гоҳ шатак арқонини бўшатар, гоҳ уни қаттиқ тортиб боғлар эдилар. Иккала ака-ука «кўк от»ни ўртага қўшишни жуда хоҳлашди, чунки «ашиниси тепаликдан тушишга уста» дейишди, лекин Филофей: пахмоқни қўш!— деди. Унинг айтганича, ўртага пахмоқни қўшдилар.

Тарантасга похол тўлдиришди ва Тулада сотиб олиннадиган янги отга кийгизишга тўғри келиб қолса асқотади деб чўлоқ отнинг хомутини ўтирғич тагига тиқиб қўйишди... Филофей бирпасда уйига кириб, эгнига отасидан қолган кенг, узун оқ чопон, бошига чўққи қалпоқ ва оёғига мойлама этик кийиб чиқди-да, виқор билан тарантас олдига чиқиб ўтирди. Мен тарантасга ўтириб соатимга қарадим, ўндан чорак ўтган эди. Ермолай мен билан хайрлашмади, алаמידан Валеткасини ура бошлади; Филофей отларнинг тизгинини тортиб-тортиб, жуда ҳам ингичка овоз билан: «Чух-ҳей, жинқарчалар!» деб қичқирди, укалари икки томондан чопиб келиб, шатак отларнинг қорнига қамчи солишди, тарантас йўлга тушди, дарвозадан чиқиб кўчага бурилди; пахмоқ отхона томонга қараб юра бошлаган эди, Филофей бир неча марта қамчи уриб унинг эсини киритиб қўйди. Шундан кейин ҳаял ўтмай қишлоқдан чиқиб, тарантасни хийла текис йўлдан, қалин ёнғоқзордаги туташ буталар орасидан ғириллатиб кетдик.

Кеча сокин, гўзал, йўл юришга жуда қулай эди. Шабада гоҳ буталарни шитирлатар, шохларни тебратар, гоҳ бутунлай тиниб қолар эди; осмоннинг у ер-бу ерида кумушдай оппоқ ҳаракатсиз булут парчалари кўринарди; ой баландда атрофни сутдай ёритиб турарди. Мен

пичаи устида чўзилиб, эндигина мудрай бошлаган эдим-ки, бирдан... «нобоп жой» эсимга тушиб, сесканиб кетдим.

— Ҳой, Филофей! Кечик жой ҳали узоқми?

— Кечик жойми? Ҳали саккиз чақиримча бор.

«Саккиз чақирим,— деб ўйладим.— У ерга етгунча ҳали камида бир соат юрамиз. Салгина мизғиб олиш мумкин».

— Филофей, сен йўлни яхши биласанми?— деб яна сўрадим.

— Йўлними, ахир нега билмас эканман? Биринчи топқир юраётганимиз йўқ...

У яна алланима деди, лекин эшитмадим... Мен ухлаб қолдим.

Мен расо бир соатдан кейин уйғонишим керак десам, кўпинча албатта уйғонар эдим, бу сафар ундай бўлмади, бу гал мени қулоғимнинг тагида секингина қулқ-қулқ ва шалп-шалп қилиб, жуда галати эшитилган бир товуш уйғотиб юборди. Мен бошимни кўтардим...

Во ажабо, нима гап? Мен аввалгича тарантасда ётибман, лекин тарантас ой нурида ярқираган, майин жимирлаган кенг, теп-текис сув ўртасида белигача ботиб турарди. Рўпарамга қарадим: тарантас олдида бошини қуйи солиб, энгкайиб Филофей ҳайкалдай қотиб ўтирарди, яна ҳам нарироқда шовиллаб оқаётган сув устида, дуғанинг тепа қисми, отларнинг боши ва сағриси кўринарди. Буларнинг ҳаммаси худди тилсимотдагидек, тушдагидек, ажойиб-ғаройиб тушдагидек ими-жим юз берган эди... Ажабо, бу қандай ҳодиса? Мен орқамга қарадим... Биз дарёнинг қоқ ўртасига бориб қолган эканмиз... Қирғоқ биздан ўттиз қадамча орқанда эди.

— Филофей!— деб хитоб қилдим...

— Нима?— деб жавоб берди у.

— Нима, дейди-я! Менга қара! Биз қаердамиз ўзи?

— Дарёда.

— Дарёдалигимизни кўриб турибман. Бу зайлда ҳозир сувга чўкиб кетамиз-ку! Сен дарёни тиккасига кечиб ўтишга жуда уста экансан-ку. А? Ухлаяпсанми, Филофей? Гапимга жавоб берсанг-чи!

— Жиндак адашибман,— деди аравакашим,—янглишиб тарантасни чеккароқдан солиб юборибман, энди қиттай кутиш даркор.

— Нега энди кутиш даркор? Нимани кутамиз?

— Манови пахмоқ ён-верига бир қараб олсин-чи: у қаёққа талпинса, демак, ўша ёққа юриш керак бўлади.

Мен пичан устида сал ўрнимдан туриб қарадим. Ўртага қўшилган отнинг калласи сув устида қимирламасди. Ойнинг ёруғ нурида унинг бир қулоғини дам орқага, дам олдинга сал-сал қимирлатиб қўйишигина кўринарди.

— Ие, пахмоғнинг ҳам ухляпти-ку!

— Йўқ, у ҳозир сувнинг ҳидини оляпти,— деб жавоб берди Филофей.

Яна ҳамма ёқни жимлик қоплади, лекин сув ҳамон секин шовиллаб оқмоқда эди. Мен ҳам қимир этмай қараб қолдим.

Тун, ой нур сочиб турибди, дарё шовиллайди, дарё ўртасида бизлар ўтирибмиз...

— Нима шитирлаяпти?— деб сўрадим Филофейдан.

— Буми? Қамишлар орасидаги ўрдакчалар... ёки бўлмаса илонлар.

Ўртага қўшилган отнинг калласи шу пайт бирдан қимирлаб қолди, қулоқлари чимирилди, у пишқирди, қўзғалди.

— Чуҳ, чуҳ!— деб овози борича бақириб юборди Филофей ва хиёл ўрнидан туриб, қамчинни силкиди. Шу ондаёқ тарантас жойидан қўзғалди, дарёдаги сув тўлқинларини кесиб, сакраб-сакраб, силкиниб олдинга юриб кетди... Аввалига ўзимизни сувга чўкиб, дарёнинг чуқур жойига кириб қоляпмиз шекилли, деб ўйладим, лекин отларнинг бир-икки силтаб тортиши ва шўнғишидан кейин сув сатҳи бирданига пасайиб қолгандай бўлди... Сув сатҳи тобора пасайди, тарантас сув ичидан юзага чиқа бошлади, мана ғилдираклар ва отларнинг думи кўриниб қолди, отлар хира ойдинда атрофга олмос учқунларидек, йўқ, олмос учқунларидек эмас, балки ёқут доналаридек катта-катта сув томчиларини сачратиб, бизни ҳамжиҳатлик билан тезгина дарёнинг қумлоқ соҳилига олиб чиқди ва ялтираган оёқлари билан биринкетин қадам ташлаб, йўл бўйлаб тепаликка кўтарилди.

«Энди Филофей: хўш, айтганим келдими?— деярмикан ёки бошқа бир нарса айтармикан?»— деган фикр кўнглимдан ўтди. Лекин Филофей ҳеч нарса демади. Би-

нобарин, мен ҳам унга таъна қилиб ўтиришни кераксиз ҳисобладим-да, пичанга узала тушиб, яна мизғиб олмоқчи бўлдим.

Лекин ухлай олмадим, овда юриб чарчаган бўлсам ҳам, ухлай олмадим, уйқумни қочирган нарса йўлдаги ташвишларим бўлмай, балки ўтиб бораётганимиз ғоят чиройли жойлар эди. Бу жойлар сон-саноқсиз кичик-кичик майсазорлари, четида толлар ўсиб ётган кўлчалари, жилғалари, қайнамалари бўлган, сув босадиган кенг, бепоён, серкўкат ўтлоқлар эди, бу жойлар қадимги достонларимиздаги баҳодирлар оқ қушларни ва кул ранг ўрдакларни овлаб юрган жойлар сингари, чинакам рус ерлари, рус кишиларининг севган ерлари эди. Кўп қатналган эгри-бугри йўл сариқ лентадек чўзилиб ётар, отлар беозор чопиб бормоқда эди. Шунинг учун кўзимни юмолмай, атрофни завқ билан томоша қилиб кетдим! Буларнинг ҳаммаси дилрабо ой нури остида ёнимиздан қаторлашиб енгил сузиб ўтгандай кўринарди. Бу манзара Филофейни ҳам таъсирлантирди.

— Бу ўтлоқларни бизда Авлиё Егорь ўтлоқлари дейишади,— деди у менга.— Булар орқасидан Велико князь ўтлоқлари бошланади. Расеянинг бошқа ҳеч бир жойида бунақанги ўтлоқ йўқ... жудаям хушманзара-да!

Ўртага қўшилган от пишқирди ва силкинди...—Худо ёр бўлсин!..—деб пичирлади Филофей салмоқдор овоз билан.—Жуда ҳам хушманзара-да,—деб такрорлади у ва чуқур нафас олди, сўнгра чўзиб томоқ қирди.—Яқинда пичан ўрими бошланади, манови барра ўтларни ҳам ўриб, шунақанги тоғ-тоғ пичан ғарам қилишадики, ҳеч сўраманг! Қўлмак сувларда балиқлар ҳам кўп. Шундай лаққа балиқлар борки, асти қўйинг!—деб оҳангдор қилиб қўшиб қўйди у.—Хуллас, ўлим бўлмасин.

У тўсатдан қўлини кўтарди.

—Вой! Уни қаранг-а! Қўлда.. қарқара турибдими дейман? Ё тавба, қарқара кечаси ҳам балиқ овлар эканми-я? Э! Бу бутуқ экан—қарқара эмас экан. Тозаям янглишибман-да! Ойдинда одам нуқул шунақа адашади.

Биз шу зайлда кетавердик, кетавердик.. Ниҳоят, ўтлоқларнинг охирига ҳам етдик, кичкина дарахтзорлар, ҳайдаб қўйилган далалар кўринди; бир томонда икки-учта чироғи билан йилтиллаб қишлоқча кўринди.

катта йўлга чиқишимизга бор-йўғи беш чақиримча қолган эди. Мен ухлаб қолдим.

Бу сафар ҳам ўзим уйғонмадим. Бу гал мени Филофейнинг чақирган овози уйғотиб юборди.

— Барин... ҳо, барин!

Мен ўрнимдан туриб ўтирдим. Тарантас катта йўлнинг қоқ ўртасидаги текис жойда турган эди; Филофей ўтирган жойидан менга ўгирилиб қараб, кўзларини катта очиб (унинг кўзлари бунчалик катталигини сира хаёлимга келтирмаганлигим сабабли ҳатто ажабландим ҳам), менга маъноли ва сирли қилиб пичирлади:

— Тақиллаяпти!.. Тақиллаяпти!

— Нима деяпсан?

— Тақиллаяпти деяпман. Энгашиб қулоқ солинг. Эшитяпсизми?

Тарантасдан бошимни чиқариб, дамимни ичимга ютиб турдим — ҳақиқатан ҳам орқа томонимиздан, узоқ бир жойдан тақиллаган овоз эшитдим, бу — юриб келаётган арава ғилдирагининг овозига ўхшар эди.

— Эшитяпсизми? — такрор сўради Филофей.

— Ҳа, албатта, — дедим мен. — Аллақандай арава келяпти.

— Эшитмаяпсиз... Тўхтанг! Ана... қўнғироқлари... хуштак товуши ҳам, эшитяпсизми? Ахир, шапкангизни олсангиз-чи... Яхшироқ эшитасиз.

Мен бошимдан шапкамни олмай, энгашиб қулоқ солдим.

— Ҳа, албатта... Эҳтимол. Хўш, эшитилса нима бўлибди?

Филофей отларга юзини ўгирди.

— Тележка келяпти... юксиз, ғилдиракларига темир чамбарак қопланган, — деди у ва тизгинни қўлига олди. — Барин, бу келаётган яхши одамлар эмас: бу ер — Туланинг яқингинаси, бу ерда йўлтўсарлар... учраб туради.

— Бўлмаган гапни гапирма! Сен уларни нима учун албатта ёмон одамлар деб ўйлайсан?

— Рост айтяпман. Қўнғироқларидан... кейин, арава-сида юки йўқ, қуруқ тележкада келишаётганидан бияпман. Бўлмаса улар ким бўларди?

— Нима, Тула ҳали узоқми?

— Яна ўн беш чақиримча бор, бунинг устига то Тулага етгунча битта ҳам уй йўқ.

— Ундоқ бўлса, тезроқ ҳайда, имиллаб ўтириш керак эмас.

Филофей қамчи силкиди, тарантас яна юриб кетди.

Филофейнинг гапига ишонмаган бўлсам ҳам, лекин энди ухлай олмадим. Борди-ю, чиндан ҳам рост бўлсачи? Қўнглимга ғашлик тушди. Мен тарантасда туриб ўтирдим, бунга қадар қўзилиб ётган эдим ва атрофга назар ташлай бошладим. Ухлаганимда ерни эмас, балки осмонни сийрак туман қоплаган эди; бу туман баландда эди, ой унинг қўйнида тутун ичидагидай оқиш доғ шаклида муаллақ турарди. Қуйи томон кўринарлироқ бўлса-да, лекин ҳамма нарса хира ва бир-бирига қоришиб кетган эди. Теварак-атроф яп-яланг, мунгли жойлар: поёнсиз дала эди, унда-бунда бутазорлар, жарлар учрар ва яна далалар бошланарди, ҳаммадан кўпроқ шудгор ерлар бўлиб, уларда сийрак ёввойи ўтлар ўсиб ётарди. Ҳамма ёқ ҳувиллаб турарди... жимжит эди! Ақалли бирон жойдан бедана овози эшитилса-чи!

Биз ярим соатча юрдик. Филофей қамчи силкитар ва лабларини чўлпиллатарди, лекин у ҳам, мен ҳам чурқ этмас эдик. Мана, тепаликка ҳам чиқиб олдик... Филофей отларни тўхтатди-да, дарҳол...

— Тақиллаяпти!.. Тақиллаяпти, барин!— деди.

Тарантасдан бошимни яна чиқардим; лекин тележка филдиракларининг овози, одамларнинг ҳуштак товушлари, қўнғироқларнинг жаранглаши ва ҳатто отларнинг дупури соябон тагида ўтирсам ҳамки баралла эшитилиб турарди; ҳаттоки ашула ва кулги товушлари ҳам эшитилгандай бўлди. Шамол у томондан келаётган бўлса-да, тележкадаги нотаниш йўловчиларнинг бизга бир ёки икки чақиримча яқин келиб қолгани шак-шубҳасиз эди.

Филофей билан мен бир-биримизга қарашиб олдик— у шапкасини қаншарига сурди-да, энгашиб, отларни қамчилашга тушди. Отлар чопиб кетди, лекин узоқ чопиб бора олмай яна йўрта бошлади. Филофей уларга ҳамон қамчи босарди. Ахир, қочиб қолиш керак-да!

Мен бошда Филофейнинг шубҳаларига ишонмовдим, бу сафар эса, орқамиздан ёмон ниятли одамлар келяпти, деган қатъий фикр нима учун менда тўсатдан пайдо бўлиб қолганини англамас эдим... Ўша қўнғироқчалар-

нииг овозидан, юк ортилмаган ўша бўш тележканинг товушидан, ҳуштак садоларидан, ўша поаниқ шов-шувдан бошқа ҳеч нарса эшитилмасди... Аммо энди мен шубҳаланмас эдим. Филофей янглишмаган эди!

Яна йигирма минутча ўтди... Мана шу йигирма минутнинг сўнгги дақиқаларида ўз тележкамизнинг галдир-гулдир ва гулдир-гулдир овози орасида бошқачароқ галдир-гулдир, гулдир-гулдир қилган товушни ҳам эшитдик...

— Филофей, тўхтат,— дедим мен,— энди барибир!

Филофей қўрқиб, секин «тирррр» деб тизгинни тортди. Отлар бир оз дам олиш имконияти туғилганига хурсанд бўлгандек, дарров тўхтади.

Епирай! Қулоғимизнинг таккинасида қўнғироқчалар жаранглар, тележка учиб келар, одамлар ҳуштак чалар, бақирар ва ашула айтар, отлар пишқирар, ер тепшар эди.

Қувлаб етишди!

— Ўл-ди-ик,— деди секин пичирлаб Филофей ва лабларини қўрқиброқ чапиллатиб, отларни чуҳ-чуҳлай бошлади. Лекин шу онда беҳосдан алланарса юмалаб тушгандек, бақиргандек, гулдирагандек бўлди ва учта чайир от қўшиғлиқ каттакон бир тележка ғириллаганича чолиб келиб ёнимиздан айланиб олдинга ўтиб кетди-да, йўлимизни тўсиб, юришни секинлатди.

— Худди қароқчиларнинг ўзгинаси,— деб шивирлади Филофей.

Ростини айтсам, юрагим «шув» этиб кетди. Ой ёғдузидаги ярим қоронғиликка, туман ичидаги ёруғликка диққат билан тикилиб қарай бошладим. Олдимиздаги тележкада ён ёқа кўйлакли, тугмалари ечиқ мовут чакмонли олтитача одам бўлиб, бири ўтириб, иккинчиси ёнбошлаб кетмоқда эди; уларнинг иккитаси бош яланг эди, этик кийган каттакон оёқлари тележка четидан пастга осилиб ликонглаб бормоқда, қўллари кўтарилар, маъносиз равишда яна пастга тушар эди... гавдалари дикир-дикир сакрарди... Уларнинг мастлиги очиқ кўриниб турарди. Баъзилари томоқ қириб, тўғри келган ашулани айтиб бақирарди; бири чийиллатиб ҳуштак чаларди, бошқаси сўкинарди; кучер ўтирадиган жойда калта пўстинли аллақандай барзанги ўтириб олиб, отларни бошқарарди. Улар, гўё бизга эътибор қилмагандек, отларни одимлатиб ҳайдаб бормоқда эдилар.

Нима ҳам қила олар эдик? Биз ҳам отларни битта-битта қадам ташлатиб, уларнинг орқасидан кетавердик... иложимиз қанча.

Шу зайлда чорак чақирим йўл босдик. Аҳволимиз нима бўларкин деб, юрагимиз така-пука эди... Қочиб қутулиш, ўзни ҳимоя қилиш қаёқда дейсиз! Улар олти киши эди, менда эса лоақал таёқ ҳам йўқ. Тележкани орқага буриб қочиб қолсакмикин? У ҳолда улар дарҳол бизга етиб олишади. Шу маҳал Жуковскийнинг:

Қароқчининг манфур болтаси...

деган шеъри эсимга тушиб кетди (у бу шеърида фельд-маршал Каменскийнинг ўлдирилишини тасвирлаган эди).

Ёки бўлмаса — томоғингни ифлос арқон билан бўғиб, ўзингни чуқур зовурга элтиб ташлайдилар... сен у ерда хириллаб, тузоққа тушган қуёндай типирчилаб ётаверасан...

Эҳ, иш чатоқ!

Улар аввалгича отларни одимлатиб борар ва бизга эътибор қилмас эдилар.

— Филофей, ёнларидан ўтаётгандай бўлиб тележка-ни ўнг томонроқ буриб кўр-чи,— деб пичирладим.

Филофей тележкасини ўнг томондан буриб ўтмоқчи бўлди... лекин улар ҳам тележкаларини дарров ўнгга буришди — йўлимиз тўсилиб қолди.

Филофей яна уриниб кўрди; тележкасини чап томонга бурди... Лекин улар Филофейга чап томондан ҳам йўл беришмади. Ҳатто мазах қилиб кулишди ҳам. Демак, йўл бермоқчи эмаслар.

— Қароқчиларнинг ўзгинаси,— деб елкаси оша пичирлади менга Филофей.

— Нега индашмаяпти, нимани кутишяпти?— деб сўрадим мен ҳам пичирлаб.

— Ҳув анови рўпарадаги жарликда, йилға устида кўприкча бор... Улар бизни ўша ерда бир ёқлик қилишмоқчи шекилли! Улар ҳамма вақт шунақа... кўприклар олдида... йўл тўсишади. Иш расво бўлди, барин!— деб илова қилди у хўрсиниб,— бизни тирик қўйиб юборишлари даргумон; шу сабабли ўз қилғуликларидан из қолдирмасликка уринишади. Аммо, барин, учта отим қўлдан кетиб қоляпти, шунисига ачиняпман, бу отлар энди укаларимга ҳам насиб бўлмайди.

Филофейнинг шундай бир дақиқада отларининг таш-
вишини қилиб ўтирганига ажабланган бўлар эдим-у, ле-
кин, ростини айтсам, ўзимнинг ҳам аҳволим ёмон эди...
«Чиндан ҳам ўлдиришармикан-а? Нима учун? Мен улар-
га ниманки нарсам бўлса, ҳаммасини бераман-ку,
ахир»,— деб ўйлардим қайта-қайта.

Кўприкча эса тобора яқинлашиб келмоқда, тобора
аниқроқ кўринмоқда эди.

Тўсатдан қаттиқ қийқириқ эшитилди, уч от қўшилган
арава олдимиздан ўқдай учиб кетди ва кўприкча олдига
бориб, йўлнинг ёнроғида таққа тўхтади.

Юрагим орқамга тортиб кетди.

— Оҳ, биродар Филофей,— дедим мен,— иккаламиз
тўппа-тўғри ўлимга боряпмиз. Агар сенинг умрингга мен
зомин бўлсам, мени кечир.

— Сизда нима айб, барин! Одам пешонасидагини
кўрмай иложи йўқ! Қани, пахмоқ, менинг вафодор отги-
нам,— деди Филофей ўртага қўшилган отга қараб,— ол-
га бос энди, оғайни! Охирги хизматингни ўтаб қол! Ба-
рибир... худоё ўз паноҳингда сақла!

У шундай деди-да, отларини йўрттириб кетди.

Биз кўприкчага, ўша ҳаракатсиз даҳшатли тележка
олдига яқинлаша бошладик... Ундаги одамлар жўрттага
қилгандек, жим бўлиб қолишди. Чурқ этиб овоз чиқа-
ришмади! Чўртан балиқ, қарчиғай ва бошқа ҳар қандай
йиртқич ҳайвон ўлжаси яқинлашаётганида худди мана
шундай жим бўлиб қолади. Мана, биз уларнинг тележ-
касига ёнма-ён бўлиб қолдик... шунда тўсатдан калта
пўстинлик забардаст киши тележкадан сакраб тушиб,
тўппа-тўғри олдимизга келди. Филофейга у ҳеч нарса
демаса ҳам, Филофейнинг ўзи дарров тизгинни тортди...
Тарантасимиз тўхтади.

Барзанги тарантас эшикчаси устига икки қўлини қўй-
ди ва пахмоқ сочли бошини олдинга чўзиб, илжайиб ту-
риб, ишчиларга хос талаффузда секин, вазмин овоз би-
лан бундай деб гап бошлади:

— Муҳтарам афандим, бизлар базмдан, никоҳ тўйи-
дан келяпмиз, яъни бир йигитимизни уйлантирдик: дим-
лаб қўйдик; йигитларимиз бари ёш, ҳеч нарсадан қайт-
майдиган хилидан, кўп ичилди, лекин бош оғриғини
тарқатишга пул йўқ: шунинг учун, тақсир, марҳамат қи-
либ ҳар қайсимизга ярим шишаданга етадиган қилиб
қиттайгина ақча инъом қила олмайсизми? Биз сизнинг

саломатлигингиз учун ичиб, зоти олийингизни хотирлаган бўлар эдик, борди-ю, бизга илтифот кўрсатмасангиз биздан ўпкалаб ўтирмайсиз!

— «Бу нима гап ўзи!— деб ўйладим мен...— Бизни мазах қилишяптими?.. Ҳақорат қилишяптими?»

Барзанги бошини эгиб, ҳамон жойида турарди. Худди шу онда ой туман ичидан чиқиб, унинг юзини ёритди. Унинг кўзлари ҳам, лаблари ҳам табассум қиларди. Бу башара хавфли кўринмасди... аммо унда эҳтиёткорлик бор эди... тишлари оппоқ, катта-катта эди...

— Бажонидил... бераман...— дедим шошиб-пишиб ва чўнтагимдан ҳамёнимни чиқариб, ичидан икки сўлкавой олдим: у вақтларда Русь юртида кумуш пуллар юрарди.— Мана, агар шу кифоя қилса.

— Ғоят миннатдорман!— деди барзанги солдатчасига ва йўғон бармоқлари билан қўлимдан ҳамённи эмас, балки фақат ҳалиги икки сўмнигина юлқиб олди.— Ғоят миннатдорман!— У сочларини силкиди-да, тележка олдига чопиб борди.

— Жўралар,— деб бақирди у,— жаноб нўловчи бизга икки сўлкавой инъом қилди!— Аравадагиларнинг ҳаммаси бирдан қаҳқаҳа уриб кулиб юборишди... Барзанги тележка олдидаги жойига гурс этиб ўтирди.

— Яхши қолинг!

Улар ҳаял ўтмай кўздан ғойиб бўлишди!

Отлар тележкани бирдан бараварига тортиб, тепаликка олиб чиқиб кетди, тележка ер билан осмон орасидаги қоронғиликда яна бир марта лип этиб кўринди-да, пастга тушиб, кўздан ғойиб бўлди.

Мана, энди тақиллаган товуш ҳам, қийқириқлар ҳам, қўнғироқ овозлари ҳам эшитилмай қолди.

Ҳамма ёққа жимлик чўқди.

Филофей иккаламиз анча вақт анқайиб қараб турдик.

— Вой шайтон-эй!— деди у ниҳоят ва бошидан шапкасини олиб чўқина бошлади.— Нафсиламрини айтганда, қизиқ одам экан,— деб қўшиб қўйди у ва ниҳоятда хурсанд ҳолда менга ўгирилиб қаради.— Ростини айтсам, яхши одамга ўхшайди. Чух-чух, жинқарчалар! Имилламанглар! Зиён-захмат кўрмайсизлар! Ҳаммамиз ҳам зиён-захмат кўрмаймиз! Бизни ўтказмаган ўша; отлар-

ни бошқарган ўшанинг ўзи-да. Мунча ҳам шўх йигит бўлмаса. Чух-чух-чух-чух! Худо асради.

Мен индамас эдим, лекин менинг ҳам кўнглим тинчиган эди. «Зиён-захмат кўрмаймиз!— деб такрорладим ичимда ва пичанга чўзилдим.— Осон қутулдик!»

Жуковскийнинг шеърини эслаганимга бирмунча хи-жолат бўлдим.

Шу пайт миямга бир фикр келиб қолди.

— Филофей!

— Нима?

— Уйланганмисан?

— Уйланганман.

— Болаларинг ҳам борми?

— Болаларим ҳам бор.

— Ундоқ бўлса, сен нимага болаларингни эсга олмадинг! Отларга ачиндингу, хотинингга, болаларингга ачинмадинг?

— Уларга ачиниб нима қилардим? Улар ўғрилар қўлга тушаётгани йўқ эди-ку. Аммо улар ҳамма вақт дилимда эди, ҳозир ҳам дилимда... дилимнинг энг тўрида.— Филофей бир оз жим бўлди,— эҳтимол... ўшалар учун худойи таоло бизга раҳм қилгандир.

— Агар ҳалигилар қароқчи бўлмаса-чи?

— Қаёқдан билай? Бировнинг кўнглидагини билиб бўлардимиз? Одам оласи ичида, дейдилар. Худо ёр бўлса, ҳамиша иш ўнгидан келаверади. Йў...қ, мен бола-чақаларимни доимо... Чух-чух, жинқарчалар, чух!

Тулага яқинлаша бошлаганимизда тонг ёришиб қолаёзган эди. Мен ётиб, мудраб борардим...

— Барин,— деди тўсатдан Филофей,— уни қаранг, ана ҳалигилар қовоқхона олдида туришибди... тележка ҳам ўшаларники.

Бошимни кўтариб қарадим... ҳақиқатан ўшалар... тележка ҳам, отлар ҳам ўшаларники. Қовоқхона эшиги остонасида ўзимиз билган калта пўстинли барзанги кўриниб қолди.

— Тақсирим!— деб хитоб қилди у, шапкасини силкитиб,— сизнинг пулингизга ичяпмиз! Кучер тозаям қўриқиб кетди шекилли-а?— деб қўшиб қўйди у, боши билан Филофейга ишора қилиб.

— Жуда хушчақчақ одам экан,— деди Филофей, қовоқхона олдидан йигирма саржинча нарироқ кетганимиздан кейин.

Ниҳоят, Тулага ҳам етиб бордик; питра ва бир йўла чой ҳамда вино харид қилдим, асбжаллобдан от ҳам олдим. Тушда Туладан қайтиб кетдик. Тулада сал ичиб олган Филофей орқамиздан тележканинг тақиллаган овози биринчи марта эшитилган жойдан ўтаётганимизда жуда сергап бўлиб қолди,— менга ҳатто эртақлар ҳам айтиб берди,— ўша жойдан ўтаётиб, у бирдан кулиб юборди.

— Барин, эсингиздами, мен сизга шу ерда ҳадеб: тақиллаяпти... тақиллаяпти, тақиллаяпти!— деган эдим.

У бир неча бор қўлини силкиди... Бу сўз унга шу қадар қизиқ туюлган экан.

Шу кун и кечқуруноқ биз унинг қишлоғига етиб келдик.

Бошимиздан ўтган ҳодисани Ермолайга айтиб бердим. Унинг ҳушёр пайти эди, шунинг учун бизга ҳеч қандай хайрихоҳлик билдирмади, «ҳим» деб қўя қолди, холос: «ҳим» дегани «ажаб бўлибди!» деганими, ёки таъна қилганими, буни, чамамда, ўзи ҳам билмас эди. Лекин икки кунлардан кейин Ермолай менга Филофей иккаламиз Ту тага келаётган кечаси, худди биз юрган йўлда ўғриллар бир савдогарнинг ҳамма нарсасини талаб, ўзини ёлдириб кетишганини айтди. Мен аввал бу гапга ишонмадим, лекин кейин ишонишга мажбур бўлдим, ишни тергов қилиш учун от чоптириб ўтган даҳа пристави бу гапнинг тўғрилигини тасдиқлади. Бизнинг довиюракларимиз қайтиб келаётган «тўй» шу эмасмикин ва ҳазилкаш барзангининг тили билан айтганда, улар «димлаб» қўйган «йигит» шу савдогар эмасмикин? Мен Филофейнинг қишлоғида яна беш кунча турдим. Баъзан, уни кўриб қолганимда унга: «Қалай? Тақиллаяптими?» — дейман.

— Хушчақчақ одам экан,— деб жавоб беради у ҳар сафар менга ва ўзи кулиб юборади.

Қучоққа сигмовчи аргувон ўсган,
 Марваридгулларнинг хуш атри тўзган,
 Сув узра оқ толлар калладор ўсган,
 Енбошлаб, теп-текис, бир қатор ўсган,
 Булутлик далада булутдай эман,
 Қичитқи ўтларнинг ҳиди анқиган.
 Қишлоққа чопарди кўнгли кун сайин,
 Шу боққа чопарди кўнгли кун сайин...
 Чопарди беноён дала, қирларга,
 Духоба тўшалган яшил ерларга,
 Тўлқиндай товланиб енгил елларда
 Ҳар ёнин жавдарзор босган ерларга.
 Чопарди заъфар нур оқ булут оша
 Енгилган ерларга дил шоша-пиша
 У ер соз

(Еқиб ташланган поэмадан)

Эҳтимол, менинг хотираларим китобхонни зериктириб қўйгандир: у ташвишланмаслиги лозим, чунки шу босиб чиқарилган парчалар билан кифояланишга ваъда бераман; лекин китобхон билан хайрлаша туриб, ов тўғрисида бир-икки оғиз гапирмай ўта олмайман.

Милтиқ ва ит билан ов қилишнинг ўзи жуда соз нарса, бурунгилар айтгандек, iüg Sich, лекин сиз, фарз қилайлик, овчи бўлиб туғилмаган бўлсангиз ҳам, ҳар ҳолда, табиатни ва эркинликни севасиз; демак, биз каминаларга ҳавасингиз келмай иложингиз йўқ... Мана тингланг.

Сиз, масалан, баҳорда тонг энди ёришиб келаётганда овга чиқиб кетиш қандай роҳат эканлигини биласизми? Сиз уйдан эшик олдига чиқасиз... Кул ранг хира осмоннинг у ер-бу ерида юлдузлар милтиллаб туради, гоҳо астагина салқин шабада эсиб қўяди; туннинг вазмиң, ноаниқ шивирлаши эшитилади; сояга бурканган дарахтлар секингина шитирлайди. Мана, тележкага гилам солишяпти, оёқ томонга яшик қўйишяпти, яшик ичида самовар бор. Шатакчи отлар жунжикади, пишқиради ва олифталик қилиб гоҳо бир оёғини, гоҳо иккинчи оёғини

кўтариб босиб туради; ҳозиргина уйғонган бир жуфт оқ гоз йўлнинг бир четидан иккинчи четига овоз чиқармай алпанг-талпанг юриб секин ўтмоқда. Четан девор орқасида, боғда қоровул маза қилиб хуррак отмоқда; ҳар бир хуррак овози ҳаракатсиз салқин ҳавода муаллақ туриб қолгандек, йўқолмагандек туюлади. Мана, сиз тележкага ўтириб ҳам олдингиз: отлар бирданига баравар қўзғалди, черков ёнидан ўтдингиз, тепаликдан ўнг томонга бурилиб, тўғон устидан ўтиб боряпсиз... Кўлдан заиф буғ кўтариляпти. Сал совқотасиз, юзингизни шинелингиз ёқаси билан бекитасиз, сизни мудроқ босади. Отлар ҳалқоб сувларни оёқлари билан шалоплатиб кечи бормоқда; кучер дам-бадам ҳуштак чалиб қўяди. Мана, сиз тўрт чақиримча йўл босдингиз... осмоннинг чети қизара бошлайди: қайинзор уйғонмоқда, патир-путур қилиб дарахтдан-дарахтга зағчалар қўнмоқда; қорайиб кўринган ғарамлар яқинида чумчуқлар чирқил-лаяпти. Ҳаво ёришади, йўл кўриниб қолади, осмон тиниқлашади, қора булутлар оқаради, далалар яшил тусга киради. Уйларда чўпчиروқларнинг қизил шуъласи кўринади, дарвозалар орқасидан уйқули овозлар эшитилади. Бу орада тонг қизариб келмоқда; мана, осмон бўйлаб узун, заррин камарлар чўзилди, жарлардан буғлар кўтарилмоқда; ўткнр овоз билан тўрғайлар сайрамоқда, тонг шамоли эси, қуёш қин-қизил рангда секингина қалқиб чиқмоқда. Ёруғлик жўшқин дарёдек оқиб келмоқда; юрагингиз қушдай талпиниб кетади. Ҳамма ёқ мусаффо, қувноқ, гўзал. Теварак-атроф узоқ-узоқларгача кўриниб туради. Ана қайинзор орқасидаги қишлоқ, ана ундан нарироқда оқ черковлик бошқа бир қишлоқ, ҳов анови тепаликда кичкина қайинзор кўриниб турибди, унинг орқасида сиз бораётган ботқоқлик... Жонивор отлар, илдамроқ юринг, илдамроқ! Каттароқ қадам билан йўртиб олға босинг!.. Кўпи билан уч чақиримчагина қолди, ундан ортиқ эмас. Қуёш юқорига тез кўтарилмоқда; осмон тиниқ... Кун жуда яхши бўлади. Қишлоқдан биз томонга турна қатор бўлиб пода келмоқда. Сиз тепаликка чиқдингиз. Қандай ажойиб манзара-я! Туман қўйнида дарёнинг хира мовий тусда тўлғаниб оқиб ётгани ўн чақиримча масофадан кўриниб туради, унинг орқасида яшил чаманзор кўринади; чаманзорлардан нарида қия тепаликлар бор; узоқда, ботқоқлик ус-

тида лойхўрақлар қагиллаб айланиб учиб юрибди; ҳавони қоплаган намхуш ёруғлик орасидан узоқ жойлар баралла кўринади... Ёзда бунинг акси бўлади. Кўкрак нақадар роҳатланиб нафас олади, қўл-оёқлар нақадар тез ҳаракат қилади, баҳорнинг тоза нафаси қўйнида одамнинг бутун вужуди нақадар кучга тўлади!

Ёзнинг, июль ойининг эрталабки чоғини эсланг! Бу пайтда тонг саҳарлаб буталар орасида кезиб юриш нақадар қувончли эканлигини овчидан бошқа ким татиб кўрган дейсиз! Шудринг босган, ўнгини қолган кўкатлар устидан ўтганингизда қадам босган ерингиз яшил йўлка бўлиб қолади. Сиз ҳўл бута шоҳларини икки томонга кериб очар экансиз, димоғингизга туннинг илиқ ҳиди гупиллаб уради; ҳаводан эрманининг аччиқ ҳиди, қора бугдой ва себарганинг ўткир бўйи келади; узоқда қалин эманзор офтобда ҳам ялтираб, ҳам қизариб кўринади; ҳаво ҳали салқин бўлса ҳам, куннинг ҳадемай исиб кетиши сезилиб туради. Ёқимли ҳидлар кўплигидан кўзлар сузилиб, бош айланади. Бутазорнинг кети узилмайди... Узоқда унда-мундагина энди пишаётган жавдар сарғайиб туради, узун, камбар ленталар шаклида қора бугдой қизариб кўринмоқда. Мана, тележка гичиллайди; битта-битта қадам ташлаб мужик ўтмоқда, у отини ҳалитдан соя жойга боғлайди... Сиз саломлашиб, ундан йироқлашасиз, орқангиздан чалгининг «ширр!.. ширр!..» этган овози эшитилади. Қуёш тобора баландга кўтарилади. Кўкатлардаги шабнам тез қуриб қолади... Мана кун исиб ҳам кетди. Бир соат ўтади, икки соат ўтади. Осмоннинг четлари қораяди; иссиқ, дим ҳаво нафасни бўғади.

— Биродар, бу ерда сув-пув топилармикин?— деб сўрайсиз ўроқчидан.

— Ҳов ана, жарда қудуқ бор.

Ёнгоқзорнинг тиканак ўтлар билан қопланган қалин буталари орасидан жарга тушасиз. Ҳақиқатан ҳам, жарнинг теггинасида, холи жойда булоқ кўрасиз; бир туп эман дарахти ўзининг панжасимон шоҳларини қизғанчиқлик билан булоқ тепасига ёйиб турибди; булоқнинг бахмалдай майин йўсин билан қопланган тагидан гоҳ у ён, гоҳ бу ён силкиниб, кумушдек оппоқ катта пуфаклар кўтарилмоқда. Сиз ўзингизни ерга таппа ташлайсиз, чанқовингизни бостирасиз, лекин қимирлагингиз келмайди. Сиз сояда ўтирибсиз, хушбўй салқин ҳавода нафас оляпсиз; ҳузур қияпсиз, рўпарангиздаги буталар

эса офтобда қизимоқда ва саргайиб қолгундек бўлмоқда. Ажабо, бу қандай гап? Бирдан кучли шамол эсиб ўтди: бутун атрофдаги ҳаво ларзага келди: ё момақалди роқ бошландимикин? Сиз жардан чиқасиз, Осмондаги узун, сербар қорамтир нарсa нимаикин? Бу — жазирама иссиқнинг қуюқлашаётганими? Еки қора булутнинг ёпирилиб келаётганими?.. Мана, салгина яшин чакнади... Э, бу момақалди роқ экан-ку! Қуёш ҳамма ёққа ёп-ёруғ нуруни сочмоқда: ҳали ов қилса бўлаверади. Лекин қора булут катталашмоқда: унинг олдинги чети енгга ўхшаб чўзилди, гумбазга ўхшаб ёйилди... Кўкатлар, буталар, ҳамма нарсa бирдан қорамтир тус олди... Тезроқ пана жой топиш керак! Ҳув анови кўринган, эҳтимол пичанхонадир... тезроқ!.. Сиз чопганингизча пичанхона олдига борасиз, пичанхонага кирасиз. Вой-бўй, ёмғирнинг қуйиб юборганини қараг! Чақмоқларнинг даҳшатини кўринг! Похол томнинг баъзи жойларидан хуш ҳидли пичан устига чакка тома бошлади... Лекин қуёш яна чарақлаб кўринди. Момақалди роқ ўтиб кетди, сиз пичанхонадан чиқасиз. Ажабо, теварак-атрофдаги ҳамма нарсa нақадар яшнаб турибди, ҳаво нақадар тоза, ўрмон қулупнайи ва кўзиқоринларнинг ҳиди нақадар гулллаб келмоқда!..

Мана, кеч ҳам кирди. Қип-қизил шафақ ёйилиб осмоннинг ярмини қоплаб олди. Яқинингиздаги ҳаво негaдир айниқса тиниқ, ойнадай шаффоф кўринади, узоқда ерга илиқ енгил туман чўкмоқда; ҳалигина заррин нур билан қопланиб ётган ялангликларга энди шабнам билан бирга қизил шуълалар тушмоқда; дарахтлардан, буталардан, баланд пичан ғарамларидан ерга узун соялар чўзилган... Қуёш ботди; осмонда юлдуз кўринди ва оловли шафақ денгизи қўйнида милтиллаб бошлади... Мана, бу денгиз оқара бошлади; осмон мовийлашмоқда, айрим соялар йўқолди, қош қорая бошлади. Энди қишлоққа, тунайдиган уйингизга қайтишингиз керак. Сиз милтиқни елкага осиб, чарчаганингизга қарамай, жадал жўнайсиз... Бу орада кечаси бўлиб қолади: йигирма қадам нарини кўриб бўлмайди; итлар қоп-қоронғида аранг оқариб кўринади. Ҳув анови қора буталар устида осмоннинг чети сал ёриша бошлади... Нима бу? Ёнғин-

ми?... Йўқ, ой чиқяпти. Ҳув ана пасида, ўнг томонда қишлоқнинг чироқлари милтилламоқда... Мана, охири, уйингизга ҳам келдингиз. Сиз дарчадан оқ дастурхон ёзинглик столни, ёниб турган шамни кўрасиз, кечки овқат...

Ё бўлмаса, пойга аравани қўшириб, булдуриқ овлагани ўрмонга жўнайсиз. Икки томонида қалин ва баланд жавдар ўсиб турган тор йўлдан пойга аравада бориш жуда роҳат! Бошоқлар аста юзингизга урилади, бўтакўзлар оёқларингизга илашади, атрофда беданалар сайрайди, от эринибгина йўртиб боради. Ўрмонга ҳам етдингиз. Ҳамма ёқ соя-салқин ва жимжит. Тепангизда, баландда чиройли тоғ тераклари шивирламоқда; қайин дарахтларининг осилиб турган узун шохлари заиф шитирлайди; каттакон бир эман гўзал аргувон ёнида жангчидек адл турибди. Сиз ола-чалпоқ соя тушган кўкаламзор йўлчадан кетяпсиз; катта сариқ пашшалар заррин ҳавода муаллақ гувиллаб турибди, бирдан учиб кетади; майда чивинлар сояда йилтиллаб, офтобда қорамтир тусга кириб, фаввора уриб учиб юрмоқда: қушлар бепарвойи фалак сайрамоқда. Тоғ чумчугининг ширин овози маъсумона шодлик билан жарангламоқда: унинг овози марваридгулнинг ҳиди келаётган томонга йўналган. Яна кетаверсангиз, кетаверсангиз, ўрмон ичкарисига кириб қоласиз... Ўрмон ҳувиллаб ётади. Кўнгилга аллақандай осойишталик чўкади; теварак-атроф ҳам мудраб ётгандек жимжит. Ана, бирдан шамол туриб қолди, дарахтларнинг учи тўлқинлар сингари шовиллади. Ҳар жой-ҳар жойда ўтган йилги кул ранг япроқлар орасида баланд буталар ўсиб ётибди, телпакларини бошларига қўндириб якка-дука қўзиқоринлар турибди. Олдингиздан оқ қуён чиқиб қолади, қаттиқ вовиллаб итингиз уни қувлаб кетади...

Лойхўрақлар учиб келадиган кеч кузда худди шу ўрмон нақадар соз бўлади! Лойхўрақлар ўрмоннинг унча ичкарисига бўлмайди: уларни ўрмон четларидан қидириш керак. Шамол йўқ, офтоб ҳам, ёруғлик ҳам, соя ҳам, қимирлаган нарса ҳам, шовқин ҳам йўқ; мулоҳим ҳаводан вино ҳидига ўхшаш кузги ҳид келади, узоқдаги сан-сарик далалар тепасини юпқа туман қоп-

лаган. Дарахтларнинг яланғоч, кул ранг шохлари орасидан ҳаракатсиз осмон оқариб кўринади; арғувон дарахтларининг у ер-бу ерида олтиндай товланиб сўнгги япроқлар осилиб туради. Нам ер оёққа юмшоқ туюлади, кўкатларнинг баланд, қуруқ поялари қимирламайди: оқариб қолган кўкат устида узун мезонлар ялтираб ётади. Қўкрак эркин нафас олади, юрак орзикади. Ўрмон четидан юриб, итингиз орқасидан қараб борасиз, бу орада ўлик ва тирик қадрдон кишиларингиз, уларнинг сурати ҳаёлингизда гавдалана бошлайди, аллақачонлар унутилиб кетган таассуротлар бирдан ёдингизга тушади; ҳаёл осмонида қушдай парвоз қиласиз, ҳамма нарса яна аввалгидай бирма-бир кўз олдингиздан ўтади. Юрагингиз гоҳ тўсатдан дукиллаб уради, шиддат билан олға толпинади, гоҳ ўтмиш хотиралари қўйнига чўмиб кетади. Бутун ҳаётингиз, ўроғлиқ қогоз сингари, тез ва осон очилиб барала кўринади, бутун ўтмишингиз, ҳамма ҳис-туйғуларингиз, куч-қувватингиз, бутун қалбингиз ўз ихтиёрингизда бўлади. Сизга атрофдан ҳеч нарса халақит бермайди; на қўбн, на шамол, на шовқин...

Эргалаб изғирин бўладиган очик, лекин совуқроқ кун кун-чи!.. Бундай кунларда қайин, афсонавий дарахтдек, бошдан-оёқ ярқираб, оч мовий осмонда чиройли бўлиб туради, пастлаб чиққан қуёш иситмаса ҳам, лекин ёз вақтидагидан кўра ўткирроқ ялтирайди; кичкина тоғ теракзори, яланғочланиб қолганидан хурсанд бўлгандек, бошдан-оёгигача ярқираб туради, водийлар қўйнидаги қиров ҳамон оқариб кўринади, совуқ шамол эса ерга тўкилган ва қуриб, қовжираб қолган барглари аста учириб юради, дарёнинг ҳар ер-ҳар ерида ёйилиб сузиб юрган ғоз ва ўрдакларни бир маромда тебратиб ўйноқи тўлқинлар чопади: узоқдан ярмини толлар пана қилиб турган тегирмоннинг овози эшитилади ва тиниқ ҳавода ҳар хил рангда товланиб тегирмон устида калтарлар гир айланиб учади.

Овчилар ёзги туманли кунларни ёмон кўришади, лекин улар ҳам соз кунлар. Бундай кунларда қушларни отиб бўлмайди: қуш оёгингизнинг остигинасидан «пирр» этиб учади-да, шу ондаёқ сокин туманнинг оқини қўйини-

га кириб гойиб бўлади. Лекин теварак-атроф жимжит, ниҳоятда жимжит! Ҳамма нарса уйғонган, аммо ҳаммаси сукут қилади. Сиз дарахт олдидан ўтяписиз—у қимирламайди: ноз-карашма қилади. Ҳавони қоплаган юпқа буғ пардаси ўртасида узун, қора бир нарса кўринади. Сиз бу қора нарсани, яқиндаги ўрмон бўлса керак, деб ўйлайсиз: унинг олдига яқин борасиз — ўрмон деб ўйлаган нарсангиз марза устида баланд ўсим ётган эрман ўсимликлари бўлиб чиқади. Тепангиз ҳам, атрофингиз ҳам — ҳамма ёқ туман... Лекин шу орада сал шамол эсиб қолади, сийраклашаётган, юқорига кўтарилаётган туман ўртасидан оч-мовий осмоннинг бир парчаси аранг кўринади, сўнгра заррин нур туманни ёриб чиқади, бу нур селдай оқиб келиб, далаларга сочилади, ўрмонга бориб тақалади, мана, яна ҳамма ёқни туман қоплайди. Бу кураш узоқ давом этади; лекин, ёруғлик ахийри тантана қилиб, туманининг сўнгги тўлқинлари иссиққа тоб беролмай гоҳ пастлаб дастурхондай ёйилиб, гоҳ буралиб-буралиб, ёқимли суратда яшнаб турган баланд осмонда ном-нишонсиз йўқолганда кун ғоят ҳашаматли ва порлоқ бўлади...

Сиз ўзингизни ов ўнгидан келадиган бир жойга, чўлга чиқаётган киши деб фараз қилинг. Сиз ўн чақиримча жойга дала йўли билан борасиз, кейин, ахийри, катта йўлга чиқиб olasиз. Жуда кўп аравалар ёнидан, айвончаси тагида самовар шарақлаб қайнаб турган, дарвозалари ланг очиб қўйилган ва қудуқлари бўлган карвон саройчалар олдидан ўтасиз, бир қишлоқдан чиқиб иккинчи қишлоққа кирасиз, кўз илғамас далалардан юрасиз, яшил нашазорлар ёқалаб борасиз, узоқ йўл босасиз. Толдан толга ҳақкалар учиб ўтади, узун паншаха кўтарган хотинлар дала томон боришади; нимдош нанка чакмон кийган, елкасига халтача осиб олган бир ўткинчи ҳорғинлик билан қадам ташлаб кетмоқда; рўпарангиздан олтига катта, чарчаган от қўшиғлиқ оғир бир помешчик каретаси келмоқда. Карета деразачасидан ёстиқнинг бурчаги чиқиб турибди, карета орқасида чипта қоп устида қўлига чилвирини ушлаб малай якка кифт бўлиб ўтирибди, унинг қош-қовоқларигача лой сачраган. Мана уезд шаҳарчаси ва унинг қингир-қийшиқ ёғоч уйчалари, сон-саноксиз тахта деворлари, савдогарларга қарашли кимса-

сиз чингин иморатлар, чуқур жар устига солинган қадимги кўприк... Ундан кейин, ундан кейин!.. Чўл жойлар бошлади. Тепаликдан қарасангиз ажойиб манзара! Юқорисигача ҳайдаб экин экилган юмалоқ, паст тепаликлар тўлқиндай ёйилиб, тезда кўздан йироқлашади; буталар билан қопланган жарлар улар орасида илон изи бўлиб ётади; ҳар жой-ҳар жойда кичкина дарахтзорлар чўзинчоқ оролчаларга ўхшаб кўринади; қишлоқдан қишлоққа тор йўлчалар чўзилиб кетган; черковлар оқариб кўринмоқда, толзорлар орасида тўрт жойидан тўғон билан тўсилган сой ялтираб ётибди; далашиг узоқ бир ерида драхвалар¹ қаққайиб турибди; кичик бир кўл ёнида помещикка қарашли эски қўра ҳамда унинг хўжалик бинолари, мевазор боғи ва хирмони жойлашган. Лекин сиз йўлингизда яна давом этаверасиз. Тепаликлар борган сайин кичрайдн, деярли ҳеч қасрда дов-дарахт кўринмай қолади. Ниҳоят сиз бепоен чексиз чўлга чиқиб борасиз!..

Қиш кунн эса қалли қор устида қуён овлаш, совуқ ҳаводан нафас олиш, юмшоқ қорнинг жимирлаб ниҳоятда кучли йилтиллашидан кўзларнинг ихтиёрсиз суратда қамашиб кетини, қизгиш ўрмон тепасидаги осмоннинг яшил рангини томоша қилиш нақадар ёқимли!.. Навбаҳорнинг дастлабки кунлари-чи? Бундай кунларда теварак-атрофдаги ҳамма нарса ярқирайди, эрий бошлайди, эриган қорнинг вазмин буғидан офтобда исиган ернинг ҳиди келади, қори эриб юзи очилиб қолган ерларда қуёшнинг қийғоч нурлари остида бежавотирлик билан тўрғайлар сайрайди, жардан жарга шовиллаб ва гувиллаб ўйноқи йилғалар оқади...

Бироқ, энди бас қилайлик. Айтмоқчи, мен баҳор тўғрисида гапирётган эдим: баҳорда хайрлашиш осон бўлади, баҳорда бахтиёр кишиларнинг олисларга кетгуси келади... Хайр, китобхон, сизга доимо соғ-саломатлик, муваффақият тилайман.

¹ Драхва — куркага ўхшаш дала қуши.

ЭСЛАТМАЛАР

И. С. Тургеневнинг «Овчининг хотиралари»га кирган ҳикоя ва очерклари биринчи марта 1847 йили «Современник» журналида, яъни бу журнал Н. А. Некрасов билан В. Г. Белинский қўлига ўтиб, революцион демократлар органига айланган вақтдан босилиб чиқа бошлади.

Тургенев бу ҳикояларни 1846 йилдан бошлаб ёзишга киришган эди. «Современник»нинг 1847 йилги биринчи сонининг «Смесь» бўлимида «Хорь билан Калининч» босилди.

«Овчининг хотиралари»даги ҳикоя ва очеркларнинг плани ва составини И. С. Тургенев олдиндан белгиламаган. И. С. Тургенев «Адабий ва кундалик хотиралар»ида: «Мен «Современник»нинг биринчи сонидagi «Смесь» бўлимида босиб чиқаришга материал бўлмаган И. И. Панаевнинг илтимоси билангина унга «Хорь билан Калининч» номли очеркни қолдирдим. Бу очеркнинг муваффақияти мени бошқа очеркларни ёзишга рағбатлантирди»,— деб ёзган эди. («Овчининг хотираларидан» деган сўзларни ўша И. И. Панаев китобхонда ҳурмат ҳислари тугдириш учун ўйлаб топган ва қўшган эди.) Шуниси характерлики, «Современник» журналининг 1849 йилги иккинчи сонида босилган «Ўрмон ва чўл» очеркида авторнинг китобхонларга мурожаати ҳам бор, бу мурожаатдан унинг «Овчининг хотиралари»ни давом эттиришни ўйламаганлиги маълум бўлади: «Эҳтимол, менинг хотираларим китобхонни зериктириб қўйгандир: у ташвишланмаслиги лозим, чунки мен шу босиб чиқарилган парчалар билан кифояланншга ваъда бераман: лекин,

китобхон билан хайрлаша туриб, ов тўғрисида бир-икки оғиз гапирмай ўта олмайман». Аммо Тургенев «Овчининг хотиралари»ни ундан кейинги йилларда ҳам бир неча янги асарлар киритиб тўлатди.

1847 — 1851 йилларда И. С. Тургенев йигирма иккита очерк ва ҳикоя ёзди, ҳамда йигирма йилдан ортиқроқ вақтдан сўнг «Чертопановнинг ўлими» (1872), «Чўп-устихон» ва «Тақиллаяпти!» (1874) асарларини яратди. Кейинги икки очерк ҳақида И. С. Тургенев қуйидагиларни ёзган эди: «Овчининг хотиралари»даги икки очеркнинг («Чўп-устихон» ва «Тақиллаяпти!»нинг) хомаки қўлёзмасини 1874 йилда черновой қоғозларим орасидан топиб, ўша вақтдаёқ охиригача ёзиб тамомлаган эдим... Бу иккала очерк «Овчи хотиралари»нинг биринчи тўпламига киритилган эди, чунки улар у вақтда амал қилганим асосий ғояга бевосита алоқадор эмасди». Бу ўринда Тургенев «Овчининг хотиралари» номли кўпчилик ҳикоя ва очеркларнинг крепостнойликка қарши кескин тусда ёзилганини назарда тутди, бу ҳикоя ва очерклар помещикларнинг деҳқонларга кўрсатган жабр-зулмига қарши кураш рус ижтимоий ҳаётининг энг муҳим масаласи бўлган даврда яратилган эди.

Ёзувчи «Овчининг хотиралари»да кўзга тутган бир қанча ниятларини амалга оширишга муваффақ бўла олмади. И. С. Тургенев 1874 йил 13 январда Я. П. Полонскийга бундай деб ёзган эди: «Парчалардан ҳаммаси бўлиб йигирма иккитаси босилди, аммо тайёрлангани ўттизтача эди. Цензура рухсат бермаслиги хавфи борлигидан баъзи очерклар охиригача ёзилмай, чала қолди: баъзилари эса ўзимга унча ёқмаганлиги ёки кўнглимдагидек чиқмаганлиги учун чала қолди» (И. С. Тургенев, Асарлар тўплами, «Правда», Т. XI. М. 1949 й., 283 бет). Қайси «парчалар» чала қолганини авторнинг 25 октябрда (1872 йил 6 ноябрда) К. П. Анненковга ёзган бошқа бир хатидан билиш мумкин: «Босилмаган тўрттасидан иккитаси: «Рус немиси ва реформатори» билан «Ерхўр» эндигина ёзила бошлаган эди; иккитаси: «Белгилар» билан «Толесизлик» эса фақат хомаки ҳолда эди. Буларнинг аввалги иккитасини ўша вақтдаги ҳеч бир цензор рухсат бермаслигини билганимдан, кейинги иккитасини эса аҳамиятсиз бўлганлигидан қолдирдим» (Т. XI. М. 1949 й., 276 бет).

Н. А. Островская ўз мемуарларида И. С. Тургенев-

нинг «Ерхўр» очеркининг ғоявий мазмунига асос бўлиб хизмат қилган бир «чиннакам воқеа» тўғрисидаги ҳикоясини келтиради:

«Студентлик чоғимда (кўриб турибсизки, бу воқеа бундан жуда илгари бўлган) ёзда қишлоққа ов қилгани келдим. Овда мени қўшни мулкдаги хизматкорлардан бир чол бошлаб юрди. Бир куни биз ўрмонда юравериб чарчадик, дам олгани ўтирдик. Қарасам, чол ҳадеб атрофига кўз югуртириб, бош чайқаяпти. Ниҳоят, бу нарсани мени қизиқтирди. «Ҳа, нега унақа қилияпсан?» деб сўрадим. «Бу жойни танияпман» — деди у... Сўнгра, худди шу жойда бундан аллақачонлар илгари бир бариннинг қандай ўлдирилганини менга айтиб берди. Барин бераҳм одам бўлган экан. Деҳқонларга қараганда уй хизматкорлари у билан кўпроқ алоқада бўлганликларидан у айниқса шу хизматкорларини қон қақшатар, жонидан тўйдирар экан. Шунинг учун хизматкорлари тил бириктириб, уни кечаси уйидан бирон узоқ жойга олиб қочиб ўша ерда ўлдирмоқчи бўлишибди. Чол у вақтда ёш бола бўлган экан. У фитначиларнинг сўзларини тасодифан эшитиб қолибди-ю, ўша куни кечаси уларни пойлаб юрибди, уларнинг баринни, шовқин сола олмасин, деб жағини танғиб боғлаган ҳолда олиб чиқишганини кўрибди (бола буни орқада, четроқда кузатиб борган экан). Мужиклар ўрмонга етганларида бола буталар орасига бекиниб, нималар бўлганини кўриб турибди. Даҳшатли ишлар бўлибди, масалан, ошпаз бариннинг оғзига лой тиқиб (ўша куни ёмғир ёққан экан): «Пиширган овқатимни татиб кўр! — дебди» («Тургенев ҳикоялари тўплами», Т. I. 1915 й., 84—85 бетлар).

И. С. Тургенев «Овчининг хотиралари»га крепостной ҳаёт тўғрисидаги яна бир ҳикояни киритмоқчи бўлган эди: «Турмушдан олиб ёзилган яна бир воқеий ҳикоям бор эди, — лекин, тўғриси, унинг уддасидап чиқа олмадим. Кучим етмайдиган сюжет эди: бу сюжет фақат Шchedрин талантига мос келар эди. — Бир куни онамнинг пул қутиси йўқолиб қолди. Қоровулни, — ҳарбий хизматдан бўшаган солдатни ўғри деб гумон қилишди. Тергов бошлашни буюришди. Сўроқ икки қисмга бўлинган флигелда олиб борилди, флигелнинг бир қисмида ўз дори-дармонлари, ҳаб дори ва томизғи дорилари билан онам ўтирди, иккинчи қисмида амаким, қариндошлиги туфайли терговда қатнашган дворянлар оқсоқоли, даҳа пристави ва

Ўғрига панд-насиҳатлар қилиши лозим бўлган поп ўтириб, мажлис қилдилар. Мен ҳали ёш бола эдим. Бу терговда иштирок қилишни жуда хоҳлардим, лекин мени флигелдан ҳайдаб чиқаришларини билганимдан, қоронғи қазноқчага секингина кириб, ҳамма нарсани ўша ердан кўриб, эшитиб турдим. Энг олдин ўртага поп чиқди, томоқ қириб, панд-насиҳат қила бошлади. Кейин даҳа пристави оёғини тапиллатди ва бақирди. Флигелнинг қўшини қисмидан оҳ-воҳ қилган овозлар, чинқириб йиғлашлар эшитилди. Амаким ҳадеб онамнинг олдига бориб уни юпатар: «Soyez raisonnable, ménagez-vous pour vos enfants!»¹ деяр ва кейин қайтиб келиб, жиноятчига тарбияли дворянларнинг юқори услуби ва оҳангида яна насиҳат қила бошларди. Ўғри айбига иқроор бўлмади. Уйга, албатта, одамлар йиғилди. Тўпланганлар орасида аскарликдан бўшаган бир солдат бўлиб, ҳадеб илжайиб кўяр эди. Амаким унинг бу қилиғини охири пайқаб қолди. «Нега куляпсан? Нима, бирор нарсадан хабаринг борми?» — «Тақсир, агар менга беш сўм берсангиз, пулни топиб бераман». Даҳа пристави унга: «Ҳа! Сен муттаҳам унинг шериги чиқарсан!» деди. Лекин амаким бир нарсани сизди, — беш сўм берадиган бўлди. «Тақсир, унинг дегтяркасини титиб кўришни буюринг: бизнинг полкимизда пулни ҳамма деготь ичига яширади, — деди аскарликдан бўшаб келган ҳалиги солдат. У шу сўзларни айтиши билан ўғри дарров тиз чўкиб, ялина бошладди» (ўш а ж о й д а, 85 бет).

Икки крепостник-помешчик тўғрисидаги «Рус неми-си ва реформатори» деган ўткир ҳажвий ҳикоя цензура шароитлари туфайли ёзилмай чала қолди.

«Овчининг хотиралари»га кирган дастлабки тема-лардан баъзилари автор томонидан бошқа асарларда фойдаланилди. Масалан, ёзилмоқчи бўлинган «Марзалаш» очерки темасидан Тургенев «Саркорникидаги но-нушта» комедиясида қисман фойдаланган. Ёзувчи ўзининг айрим тема ва режаларини бадий жиҳатдан тасвирлаш процессида битта асар қилиб бирлаштирган. Масалан, «Туман», «Стёпушка» ва «Екатерина замони-нинг одами» деган мустақил очерклар плани асосида «Малина суви» ҳикояси ёзилган.

¹ Кўп куяверманг, болаларингизнинг бахти учун ўзингизга раҳмингиз келсин. (Франц.)

Иш жараёнида баъзи бир ҳикоя ва очеркларнинг сарлавҳаси ҳам ўзгартирилган: «Лебедянь»нинг дастлабки номи «Ярмарка» эди, «Обед» ҳикояси кейинча «Шшигра уездининг Гамлети» деб аталди. В. Г. Белинский юксак баҳо берган «Русак» қайси ҳикояга сарлавҳа қилиб олингани масаласи гоёг қизиқарлидир. В. Г. Белинский 1847 йил 19 февралда (3 мартда) И. С. Тургеневга ёзган хатида бундай деган эди: «Сизнинг «Русак» гарчи «Хорь билан Калитнич»дан анча бўш бўлса ҳам, гоёг яхши, ҳайрон қоларли асар... «Русак» ҳаммага жуда ёқадир... «Хорь»гина эмас, балки «Русак» ҳам Сизнинг келажакда ажойиб ёзувчи бўлишингиздан дарак беради». (В. Г. Белинский, Хатлар, III т, СПб, 1914, 180 бет). Тадқиқотчилар, «Петр Петрович Каратаев» ҳикоясининг дастлабки номи «Русак» бўлган, деб тахмин қиладилар.

1947—1851 йилларда «Современник»да босилган «Овчининг хотиралари»га кирган очерк ва ҳикояларини кейинчалик И. С. Тургенев бир китобга тўплади ва 1852 йилда улар айрим китоб ҳолида нашр этилди. «Икки помешчик»— очерки биринчи марта шу китобда босилди. Бу китобда ҳикоя ва очерклар журналдагидан бирмунча бошқачароқ тартибда жойлаштирилди, кейин сира ўзгартирилмади.

«Овчининг хотиралари» китобининг крепостнойликка қарши мазмун билан суғорилганлиги ҳукуматнинг юқори доираларида кескин норозилик тугдирди. И. С. Тургенев ҳикояларининг биринчи айрим нашри майдонга чиқиши муносабати билан, маориф ва маданият ваъзларининг фаолияти тўғрисида махсус текшириш ўтказди. Цензорлардан бири И. С. Тургенев ҳикояларининг бу айрим нашри ҳақида юборган маълумотида қуйидагиларни ёзган эди: «Жаноб Тургенев китобининг фойдасидан кўра зарари кўпроқ... Масалан, саводли халқимизга... авторнинг ҳамқўраларимизни ва деҳқонларимизни бадийлаштириб уларни табиркор, бошқарувчилик қобилияти кучли, мулоҳазали, идеалист, романтик, хушчақчақ ва хаёлпараст кишилар деб айтиши (ҳайронман, у бундайларни қаердан топдйкин!), деҳқонларни мазлум қилиб кўрсатиши, авторнинг помешчикларни ҳаддан ташқари масхаралаб, уларни одоб-ахлоқ ва қонунга хилоф ҳаракатлар қилувчи, ўтакетган қўрс ва аҳмоқ одамлар қилиб тасвирлаши, қишлоқ руҳонийларини помеш-

чиқларнинг лаганбардори деб кўрсатиши, уезд полиция бошлиғи ва бошқа амалдорларнинг порахўрлигини фош қилиши ёки ниҳоят, деҳқон озодликда эркинроқ, яхшироқ яшайди дейиши фойдалими?» (Ю. Г. Оксман, И. С. Тургенев. Одесса, 1921, 19 бет).

«Овчининг хотиралари»ни нашр қилишга рухсат берган цензор Николай I нинг буйруғи билан маънабидан бўшатилади. Н. В. Гоголь ҳақида мақола ёзган И. С. Тургенев қамоққа олиниб, кейин Орёл губернасининг Спасское-Лутовиново қишлоғига сургун қилинди. Аммо бу қамоқ ва сургуннинг асосий сабаби «Овчининг хотиралари» бўлганини Тургеневнинг ўзи қуйидагича ёзади:

«Гоголь ҳақида мақола ёзганим учун (ҳақиқатда эса «Овчининг хотиралари» учун) 1852 йилда қишлоққа жўнатиладим ва у ерда икки йил турдим» («И. С. Тургенев хатларининг биринчи тўплами», СПб, 1884, 155—156 бетлар).

«Овчининг хотиралари» цензура сабаблари билан анча вақтгача иккинчи марта нашр қилинмай турди. «Бу китоб шу билан эътиборни ўзига тортдики, унинг баъзи жойларида деҳқонларнинг турмушини яхшилаш орзуси ифодалангандек кўринар эди, шу сабабли унинг иккинчи наشري вақтинча тўхтатиб қўйилган эди»,— деб ёзганди китобнинг иккинчи нашрига рухсат олиш ҳаракатида юрган И. А. Гончаров. 1856 йилда И. С. Тургеневнинг уч томлик «Повесть ва ҳикоялари» босилиб чиқди, лекин буларда «Овчининг хотиралари» йўқ эди.

Фақат уч йилдан кейингина Н. А. Добролюбов 1859 йилда ёзган мақоласида «Современник» ўқувчиларига қуйидагиларни хабар қилди: «Сабрли рус китобхоналари «Овчининг хотиралари» яна қачон нашр қилинарин деб бир неча йилдан бери ғоят чидамсизлик билан кутиб юрадилар, ҳозир И. С. Тургеневнинг шу китоби нашрга тайёрланмоқда. Бу хушхабар тахминий бўлмай, чинакамдир: биз «Овчининг хотиралари» нинг цензор томонидан янги нашр учун маъқулланган нусхасини ўз кўзимиз билан кўрдик. Икки ойлардан кейин бу китоб босилиб чиқади». (Н. А. Добролюбов, II т. 1935, 463 бет).

Самодержавие тузумининг бутунлай чириганлигини ошкор қилиб қўйган 1855—1856 йилги урушда подшо қўшинлари енгилганидан кейин ҳукумат мамлакатдаги кенг демократик ҳаракатнинг тазйиқи остида бирмунча

ён беришга мажбур бўлди, шунинг учун қаттиқ цензура бир оз юмшатилади. 1859 йилда «Овчининг хотиралари» иккинчи марта алоҳида нашр этилди.

Асарларнинг 1860 йилги нашри вақтида И. С. Тургенев ўз китобига «Булбуллар ҳақида» ва «Полесьега саёҳат» очеркларини киритди. («Асарлар», Н. А. Основский нашриёти, I т.). Аммо асарларининг кейинги — 1865 йилги нашрига («Асарлар», ака-ука Салаевлар нашриёти, I т. Карлсруэ) ва 1869 йилги нашрига («Асарлар», ака-ука Салаевлар нашриёти, I қисм, М.) ҳамда «Асарлар»нинг 1874 йили нашр этилган I томига — «Овчининг хотиралари»даги очеркларни автор узил-кесил белгилаб олган вақтдаги томга юқоридаги икки очерк кирмади; асарларининг 1874 йилги нашри «Чертопхановнинг ўлими», «Чўп-устихон» ва «Тақиллаяпти!» номли янги очерклар билан тўлатилди. «Овчининг хотиралари»нинг автор ҳаёт вақтидаги 1880 йилги кейинги нашри, шунингдек 1883 йилги нашри шу составда чиқди (1880 йили икки марта нашр қилинди: (айрим I-стереотип нашри ва Салаевлар нашри: «И. С. Тургенев асарлари», II т.).

Кўпчилик ҳикояларнинг журналда биринчи марта босилган тексти цензура томонидан анча бузилган эди. Реакция энг кучайган 1849 йилда босилган «Шчигра уездининг Гамлети», «Чертопханов билан Недопюскин» каби ҳикоялар цензура зўравонлигидан айниқса кўп зарар кўрган эди. Ҳикояларнинг цензура томонидан ўчириб ташланган ва қисқартирилган кўпгина жойларини Тургенев 1852 йилги нашрида яна тиклади, ҳикоя текстларининг ўзини эса услуб жиҳатидан тузатди ва бирмунча тўлдирди. Текст устида олиб борилган асосий иш китобнинг биринчи айрим нашрини тайёрлаш вақтидаёқ бажариб бўлинган эди. Бироқ, И. С. Тургенев ўз ҳикояларининг тили ва услубини такомиллаштиришни китобнинг сўнгги нашрларида ҳам давом эттирди.

Автор нутқида содда тил элементлари аста-секин йўқолиб борди, унинг асарларидаги персонажлар тилида диалектизмлар бутунлай қолмади. Ёзувчи қайтариқларни мумкин қадар ишлатмасликка ҳаракат қилди. Масалан, «Петр Петрович Каратаев» ҳикояси қаҳрамони ўзи ҳақида гапириб: «*Мени қуённи қувлагандай қувлайвериб*, мадоримни қуриштиди», — дейди. Китобнинг 1880 йилги алоҳида нашрида автор бу жумлани: «*Ҳар ёққа судрайвериб*, мадоримни қуриштиди», деб ўзгартирди, чунки

худди шундай ўхшатиш «Чертопханов билан Недоноскин» ҳикоясидаги «Тақдир уни қуённи қувлагандай қувлайвериб, мадорини қуритган эди» деган жумлада ҳам бор эди. «Шчигра уездининг Гамлети»да Тургенев аввал персонажлардан бирини — калтафаҳм ва дангаса Войнищинни «чала мулло студент» деб атайди, «Ўлим» ҳикоясида эса «чала мулло студент» деб разночинец Авенир Сорокоумов аталган. Қитобнинг 1852 йилги нашридан бошлаб Войнищин «чала мулло ёш йигит» деб таърифланади («Современник»да бундай жумла бутунлай йўқ).

Асар қаҳрамонларининг нутқи тобора аниқ ва равшан форма олади. Масалан, «Татьяна Борисовна ва унинг жияни» ҳикоясида (1852 йилги нашрида) жаноб Беневоленский: «Санъатга ўзингизда, чунончи, майл ва қобилият ҳис қиласизми?» дейди. Кейинги нашрларда Тургенев бу жумлани: «Санъатга ўзингизда буюк майл ва қобилият ҳис қиласизми?» тарзида ўзгартиради ва шу билан, санъатни заррача ҳам тушулмагани ҳолда «санъатга оташни муҳаббати» борлигини таъво қилувчи бу ўтакетган нодон, қовоқбош петербурглик амалдорнинг руҳий кўтаринкилик билан сўзлашга ёлгондан ҳаракат қилишини яққол кўрсатиб беради.

Тургенев «Овчининг хотиралари» тилни ва услубини такомиллаштиришнинг китобнинг 1880 ва 1883 йилги нашрлари вақтида ҳам давом эттирди.

«Овчининг хотиралари» китобхоналарга жуда манзур бўлди, революцион-демократ танқидчилар уни рус реалистик адабиётидаги янги ва катта ҳодиса деб юксак даражада баҳоладилар. Бу китобдаги ҳикоя ва очерклар «Современник»да биринчи марта босилган йилиёқ, Н. А. Некрасов уларни алоҳида китоб қилиб босиб чиқармоқчи бўлди. У 1847 йил 28 октябрда И. С. Тургеневга ёзган хатида бундай деган эди: «Мен «Рус ёзувчиларининг романлари, повестлари, хотиралари ва саёҳатлари кутубхонаси» нашр қилишни истайман ва яқин кунларда нашр этишни бошлайман,— аввал «Қим айбдор?»ни, кейин «Оддий воқеа»ни нашр қиламан, сўнггра эса «Овчининг хотиралари»ни нашр этиш ниятидаман... Сизнинг ҳикояларингиз шу қадар яхши ва шу қадар жозибадорки, улар журнал саҳифасида қолиб кетмаслиги керак». (Н. А. Некрасов, Асарлари ва хатларининг мукаммал тўплами, Х т., М. 1950, 84 бет).

Некрасов «Овчининг хотиралари»нинг кенг китобхонлар оммасида гоят катта таассурот қолдирганлигига, бу ҳаққоний ҳикояларда Тургенев таланти ўзининг бутун кучи билан намён бўлганини сабаб қилиб кўрсатди. «Сизнинг ҳикояларингиз,— деб ёзган эди у, 1847 йил 24 июнда И. С. Тургеневга,— яна ҳам кўпроқ даражада Москвада муваффақият қозонди. — Сизга таниш ҳамма москваликлар ҳикояларингиздан жуда мамнунлар ва уларни Москва жамоатчилиги хурсандлик билан тилга олаётганини айтмоқдалар. Бу ҳикояларингиз Герцен ва Гончаров романларидек¹ катта таассурот қолдирди десам, асло муболага қилмаган бўламан... Менимча, шуниси кифоя! Чиндан ҳам, бу *Сиз шуғулландиган иш* (курсив меники.— А. Б.) Белинский Сизнинг яна бир ҳикоя ёзганингизни айтди², агар яқин орада бошқа ҳикоя ёзмоқчи бўлмасангиз, лоақал шу ҳикоянгизни юборинг, бу ҳикоя бизга кузда жуда қўл келади; ҳикояларингизни «Современник»да яна чиқармискин деб биздан ҳамisha сўрашгани сўрашган. Мана, ишлар шунақа жўнашиб кетяпти!» (Т.Х. 70—71 бетлар).

«Овчи хотиралари»нинг Тургеневдаги ёзувчилик талантини белгилаб берувчи аҳамияти борлиги ҳақидаги фикрини Н. А. Некрасов бошқа бир хатида ҳам айтади: «*Шундай жуда яхши йўлга қадам қўйганингиз учун* Сиздан ва «Современник»дан хурсандман» (Т.Х. 93 бет.) (Курсив меники — А. Б.).

Революцион-демократик танқиднинг диққатини аввало шу нарса ўзига жалб этдики, Тургенев «Овчининг хотиралар»да деҳқонлар темасини янгичасига ёритди, «халқ ичига ўздан илгарчи ҳеч ким бормаган томондан кириб борди» (В. Г. Б е л и н с к и й, Т. XI. 138 бет). Ҳақхуққисиз, муҳтожлик панжасида эзилган крепостной деҳқоннинг бой ички дунёсини, ақлини, маънавий гўзаллигини рус адабиётида биринчи марта Тургенев ниҳоятда кучли бадний тасвир воситалари билан ҳар томонлама кўрсатиб берди. И. С. Тургеневнинг халққа бўлган қараши, муносабати унинг босилиб чиққан ҳикояларининг биринчиси бўлмиш «Хорь билан Калинин»даёқ тамомила

¹ А. Н. Герценнинг «Ким айбдор?» романи ва И. А. Гончаровнинг «Оддий воқеа» романи.

² 1847 йилининг июлида Зальцбруннда Тургенев «Бурмистр» ва «Қонтора»ни ёзиб тамомлаган эди.

очиқ кўринди. В. Г. Белинский бу ҳикояни «ниҳоятда ажойиб асар» деб атади (Хатлар, Т. III, 207 бет). «Хорь билан Калинин»нинг қандай асар эканини ўзингиз ҳам билмайсиз»,— деб ёзганди у Тургеневга. «Хорни эътиборга олганда,— дейди у ўша хатида,— сиз катта муваффақиятларга эришасиз» (Хатлар, Т. III, 207 бет.)

В. Г. Белинский «Хорь билан Калинин»ни «Овчининг хотиралари»даги «Бурмистр», «Ҳамқўра Овсяников» ва «Контора» сингари энг яхши ҳикоялардан бири деб ҳисоблади. «Хорь билан Калинин» ҳикоясининг бош қаҳрамонлари ҳақида у бундай ёзган эди: «Амалий фикр мулоҳаза ва лекин ўткир ҳамда равшан ақл эгаси бўлган, «хотинлар»ни жуда ёмон кўрувчи ҳамда озодалик ва тартибни унча ёқтирмовчи Хорь — ниҳоятда ноқулай шароитда ҳам ўзига муҳим мавқе ярата олган рус мужигининг типидир. Калинин эса рус мужигининг янада янги ва мукаммал типидир; бу — оддий халқ ичидаги поэтик натурадир» Т. XI, 138 бет)

В. Г. Белинскийнинг «Овчининг хотиралари»нинг новаторлик характери ҳақидаги фикрларига А. И. Герцен ҳам қўшилган эди. «Хорь билан Калинин»да, — деб ёзганди «Ўтмиш ва ҳаётлар» мемуарининг аълои, И. С. Тургенев «икки камбағал деҳқонни тасвирлади. Уларнинг бирини, ҳазил тариқасида албатта, Гёте характерида, иккинчисини Шиллер характерида кўрсатди. Аммо Тургенев помешчик кўрасини ва бурмистр чердагини яқинроқдан кўра бошлаганидан кейин у ўз темаси билан тобора жиддийроқ шугулланди. Ҳазилни тамоман бир чеккага йиғиштириб қўйди ва шоир бизга рус деҳқонларининг иккита ҳар хил, жиддий, поэтик типини яратиб берди. Бехосдан бу ҳикояни ўқиган халойиқ жуда хурсанд бўлди. Санъаткор «Овчининг хотиралари»даги иккинчи ҳикояси («Петр Петрович Каратаев» — А. Б.) билан майдонга чиқди. Бу ҳикоя жуда яхши эди, иш ана шундай давом этди...» (А. И. Герцен, IX т. 1919, 98—99 бетлар).

В. Г. Белинский сингари А. И. Герцен ҳам «Овчининг хотиралари»нинг танқидий, фош қилувчи асосига юқори баҳо берди. У, 1864 йилда «Колокол»да бундай ёзган эди: Тургенев очерклари «крепостной деҳқонлар ҳаётидан олинган, крепостнойликка қарши қаратилган шеърӣ айбнома бўлиб, ғоят катта фойда келтирди» (А. И. Герцен, Танланган асарлар, Гихл., М., 1937, 439 бет). «Сиз-

нинг «Овчининг хотиралари» китобингиздан кейин ҳеч бир китоб мени бунчалик хурсанд қилмаганди, деган эди Чернишевский 1857 йилда Некрасовнинг шеърлари ҳақида Тургеневга (Н. Г. Чернишевский, Асарларининг тўла тўплами, XIV т., М, 1949, 35 бет.) — «Овчининг хотиралари», «Муму», «Рудин», «Икки дўст, Қарвон сарой» ва бошқа асарлар авторига қарши тиф кўтарган киши шахсан Россиядаги ҳар бир виждонли кишини ҳақорат қилган бўлади» (Т XIV, 334 бет)

Илгор рус танқидчилари ва рус ёзувчилари И. С. Тургеневнинг бадний приёмлари нҳоятда ўзига хослигини, Тургенев талантининг кучини таъкидлаб ўтганлар. «Тургенев,— деб ёзганди А. И. Герцен,— ҳеч қачон бўрттириб тасвирламайди, ҳаддан ташқари кучли ибораларни ҳеч вақт ишлатмайди. Аксинча, у жуда силлиқ ва равон ҳикоя қилади, доим фақат гўзал услубда ёзади, бу услуб крепостнойчилик шонрона тарзда қоралаб ёзилган шу асардан олинадиган таассуротни гоёт кучайтиради» (А. И. Герцен, Т IX, 99 бет). А. И. Герцен «Овчининг хотиралари»ни «Тургеневнинг шоҳ асари» деб атаган эди.

И. А. Гончаровнинг сўзи билан айтганда: «Овчининг хотиралари» крепостной ҳаётдан олиб ёзилган бир қанча жонли миниатюралардир... гоёт самимийлик ва чин реал ҳақиқат билан тўлиб-тошган пафос, ёқимли очерклардир» (И. А. Гончаров, Асарлар тўплами, «Правда» нашри М., 1952, VIII т., 172—173 бетлар).

Либерал ва реакцион лагеръ танқидчилари «Овчининг хотиралари»нинг моҳияти крепостникликка қарши қаратилганлигини йўққа чиқаришга, бу китобнинг ижтимоий ва адабий аҳамиятини пасайтириб кўрсатишга уриндилар. «Соф санъат» назарияси тарафдори А. В. Дружинин И. С. Тургеневни фақатгина табиат ва шахсий кайфиятлар куйчиси деб ҳисоблади. Тургеневнинг «Овчининг хотиралари» ва бошқа ҳикоя ҳамда повестларидаги образларни таҳлил қилиб, у «жамиятда йўлдан адашганларни жазоловчилар»га, «Гоголь ишини давом эттирувчилар»га Тургеневнинг алоқаси йўқ, деб исбот қилишга уринди («Библиотека для чтения». 1857, №2, 23 бет).

Турли мафкуравий қарашларнинг «Овчининг хотиралари»га баҳо беришдаги кураши И. С. Тургеневнинг бутун ижодий фаолияти давомида ҳеч тўхтамади. Либерал-буржуа ва реакцион танқидчилар Тургеневга қаттиқ

хужум қилиб турган 80-йилларда М. Е. Салтиков-Шчедрин В. Г. Белинскийнинг революцион-демократик танқид традициясини давом эттириб, рус адабиётининг тараққиёти тарихида ва Россиянинг ижтимоий ҳаётида «Овчининг хотиралари» прогрессив роль ўйнашини алоҳида уқтириб ўтди. «Тургенев рус халқига нима хизмат кўрсатди?» деган саволга М. Е. Салтиков-Шедрин қуйидаги жавобни берди: «Шубҳасизки, ҳам бавосита ва ҳам бевосита жуда кўп хизматлар қилди. Бавосита — ўзининг жамулжам бутун адабий фаолияти билан хизмат қилиб, рус зиёлиларининг ахлоқий ва ақлий савиясини хийла юксалтирди: бевосита — «Овчининг хотиралари» билан хизмат қилди, бу асар халқ ва унинг эҳтиёжларини ўзига мавзу қилиб олган бутун бир адабиётга асос яратди» (Асарларнинг тўла тўплами, XV т., 1940, 612—613 бетлар).

Қўлгина катта реалист ёзувчилар — Н. А. Некрасов, Л. Н. Толстой, В. Г. Көрленко ўзларида бу ҳикояларнинг таъсирини сезганлар.

Л. Н. Толстой ёшлик чоғларида ўзида «Овчининг хотиралари» билан бирга Д. В. Григоровичнинг биринчи повестлари «унутилмас таассурот қолдирганини» ёзган эди. Уни, яъни ўша вақтда «ўн олти яшар бўлган болани» рус деҳқонини «масхараламай ва воқеани жонлантиришни мақсад қилиб олмай тасвирлаш мумкинлиги ва кераклигини эмас, балки муҳаббат билан, ҳатто ҳурмат ва ҳаттоки юракдан ачиниб тасвирлаш мумкинлиги ва керак эканлигининг кашф қилинганлиги ҳайратда қолдирган эди» (т. 66. 409 бет).

«Халқ характерлари»ни (Н. А. Некрасов) яратишда Тургенев Толстойдан аввалги энг машҳур ёзувчилардан биридир. Замондошлар «Овчининг хотиралари» билан Л. Н. Толстойнинг халқ ҳаётидан олиб ёзган ҳикоялари бадийий приём жиҳатидан ҳатто бирмунча ўхшаш эканлигини таъкидлаганлар. Н. А. Некрасов 1855 йил 18 августда Тургеневга бундай ёзган эди: «Современник»нинг IX сонидида бир юнкернинг сенга бағишланган «Рубка лесу» («Дарахт кесиш») сарлавҳали ҳикояси босилади. Бунинг нима эканлигини биласанми? Бу турли тип солдатлар (ва қисман офицерлар) ҳаётидан олиб ёзилган очерклардир, яъни рус адабиётида ҳозиргача кўрилмаган нарсалардир. Жуда яхши! Бу очеркларнинг формаси, бадийий тасвир воситалари худди сеникига ўхшайди, уларда «Овчининг хотиралари»ни эслатувчи баъзи иб-

ратар, ўхшатишлар ҳам бор — очерклардаги бир офицер эса ҳарбий кийимдаги Шчигра уезди Гамлетининг ўзгираси! Лекин бу ўхшашликлар ташқи хусусиятларинигина ўзида акс эттирувчи тақлидчиликдан жуда узоқ» (Т. Х, 236 бет).

В. Г. Короленко ўзи учун И. С. Тургеневнинг «буюк аҳамияти» бўлганини ёзган эди. Ёзувчининг туғилганига юз йил тўлиши муносабати билан В. Г. Короленко Полтавада нутқ сўзлади. «Овчининг хотиралари»,— деган эди у,— ҳаётга «олий принциплар» киритувчи «ибратли китоблар»дан бири ва Тургенев эса «кундалик оддий ҳаётни юқори даражага кўтариш мақсади билан унинг энг қуйи қатламларига туша олган улуғ ёзувчиларимиздан биридир...

Тургенев ўз хотираларини крепостной ҳуқуқ даврида ёзган эди. Гимназияда ўқиб турган вақтимда крепостной ҳуқуқ бекор қилинган бўлса ҳам, лекин ҳаётда унинг қолдиқлари ҳали жуда кўп эди, ўша замон кишилари биз учун унинг жонли гувоҳи эдилар. Тургенев иккаламиз бир-биримиз билан ёш бир она тили ўқитувчиси орқали танишдик... Бир кун бу ёш ўқитувчи дарсни тушунтириб бўлганидан кейин «бошқа китобни очиб, икки помешчик ҳақидаги оддий, ҳеч қандай «интригасиз» бир ҳикояни ўқий бошлади. «Тургеневнинг помешчик Стегунов томонидан деҳқонларга қилинган жабр-зулм ҳақидаги гаплари ўз замонасида «кундалик оддий бир ҳодиса эди». «Ҳақиқатни Тургеневдан кўра камроқ сезадиган одам бу ҳодисани даҳшатли қилиб тасвирлаши турган гап эди ва унинг бу ёзган нарсаси ёлғон бўлган бўлар эди. Қуллик даҳшати яхши фазилат эгаси бўлган қулларнинг ёвуз қулдорлар панжасига тушиб қолганида эмас эди. Бу тузумнинг қабиҳлиги шундаки, бу ишлар гўллик билан қилинади, бу муомалани гўл одамлар бошқа гўл одамларга қарата қиладилар: шу очерк давомида Тургенев жазоланган буфетчини қишлоқдан кета туриб, қандай учратганини ҳикоя қилади: «У сени нима учун калтаклатди?— деб сўрайди автор ундан.— Қилмишимга яраша, отахон, қилмишимга яраша. Бизнинг барин яхши одам. Бунақа барин бутун губернада ҳам топилмайди!»

Шундай қилиб, буфетчи помешчик зулмидан зорланувчи шикоятчи эмас. Ҳар иккала томон ҳам гўё ўз аҳволдан рози. Помешчик виждоний азоб чекмайди: у бу

инларининг тўғрилигига қатъий ишонган: «Барин баринлигида турсин, мужик мужиклигини қилсин!» дейди у ишонч билан. Жазоланган қул ҳам шундай ўйласа керак. Санъаткор эса бу ҳодисани кўради-да, уни худди бўлгандек қилиб содда тилда ҳаққоний ҳикоя қилиб беради, холос. Лекин санъаткорнинг қалбида энди халқ ҳақида олий тасаввур бор. Модомики, шикоят қилувчи томон йўқ экан, ҳукм қўлининг мавқеига ҳам ва қулдорнинг мавқеига ҳам рози бўла олмайдиган инсон ҳақидаги юксак тасаввур асосида чиқарилади. Мана шунинг учун ҳам санъаткор воқеани қандай юз берган бўлса, худди ўшандай баён қилиб уни бўрттириб кўрсатмай, китобхонни бутун тузум ҳақида маълум бир ҳукмга, узил-кесил ва қатъий ҳукмга олиб келади.

«Овчининг хотиралари»ни ўқисак, кўз олдимиздан бир қанча худди шундай манзаралар ўтади. У ерда гўнг титиб турган товуклар ҳам, думи билан пашша қўриётган отлар ҳам, «Федор тўғрисида фармойиш бериш керак» деб совуққонлик билан буйруқ берган хушқилиқ Пеночкин ҳам («Бурмистр» ҳикоясида) хотинини чўри қизни «жон-дили билан яхши кўргани» сабабли, шу қадар яхши кўргани сабабли унинг эрга чиқишига рухсат бермади, аммо чўри қиз бу яхшиликни билмай, ўзини ҳалок этди, кўрнамаклик қилди». — деб астойдил ишонган жаноб Зверков ҳам («Ермолай ва тегирмончининг хотини») бор. Булар ҳаммаси ўша давр ҳаётида тўлиб-тошиб ётган одатдаги воқеалар ва одатдаги кишилар эди, даҳшат худди мана шу оддийликда эди... Одат тусига кириб қолган даҳшатни, кўникиб қолган ноҳақликни ҳам, у замондан бутун бир кишининг умрича узоқликда турган бизлар учун ҳозир очиқ-равшан ва шубҳасиз бўлган янги ҳақиқатни ҳам шахсан жуда яхши англаб олмоқ ва бошқаларга ғоят сезиларли қилиб кўрсатиб бермоқ учун буюк талант куч бўлиши керак эди».

В. Г. Короленко «бу оддий ҳақиқатнинг бутун бир кишилар авлодига кўрсатган» буюк таъсирини уқтириб ўтиш билан бирга, Тургеневнинг XIX аср иккинчи ярмидаги рус озодлик ҳаракатида ўйнаган ролини ҳам баён қилиб берди.

Сарқитлари 1861 йилдан кейин узоқ вақт сақланиб турган қуллик шармандалигига ва қулдорлик шармандалигига қарши кураш «реформадан сўнгги бутун рус адабиётининг иши эди, лекин бу адабий муҳитда ҳақиқий

санъаткорга хос зўр куч ва ишонч билан бу соҳада биринчи бўлиб кураш олиб борганлардан бири Иван Сергеевич Тургенев бўлди. Чин маънодаги адабиётнинг нима эканлигини И. С. Тургенев мисолида жуда очиқ кўриш мумкин. Адабиёт — ҳатто соф бадий формаларда ҳам, воқеаларни жозибали суратда бир-бирига ямаб ёки чиройли жумлалар тузиб ҳаёлни қитиқлашгина эмас, эрмакки-на эмас, кўнгил хуши бир нарсагина эмас. Адабиётнинг гўзаллиги — чинлигида, унинг асосий аҳамияти — ҳозирги замондан юксак турувчи ва ҳозирги замон ҳақида беғараз ва холисона, ҳаётий ҳақиқат кучи билангина ҳукм юритувчи ростгўйлигидадир».

В. Г. Короленко ўз нутқида «Овчининг хотиралари» оламшумул аҳамиятга эга эканлигини айтган эди: «Тургенев асарлари ҳамма тилларга таржима қилинган, ҳозир «Овчининг хотиралари»ни ўзининг крепостной ҳуқуқ шароитида яшаган вақтларини аллақачон унутиб юборган европаликлар ўқимоқда. Бу — буюк талантнинг кучидир. Тургенев ўз замонасидаги мамлакатининг ҳаётини қаламга олиб, барча замонлар ва халқлар учун ибрат бўладиган ёрқин, сўнмас образлар яратди. Мен Сербияда бўлганман, болгарларни ва юго-славянларни учратганман, Тургеневни ҳамма жойда биздагидан кам севишмайди ва кам билишмайди. Славянлар Тургенев асарларининг русча нашрларини ҳам, таржималарини ҳам ўқийдилар, уни Россиядагидан кам ўрганмайдилар» (В. Г. Короленко, Тургенев ва «Овчининг хотиралари». В. И. Ленин номидаги давлат кутубхонасининг қўлёзмалар бўлими).

Тургеневнинг «Овчининг хотиралари» рус классик адабиёти хазинасига рус халқи ҳақида ёзилган, крепостной ҳуқуққа қарши курашда катта роль ўйнаган ёрқин бадий асар сифатида кирди.

«Овчининг хотиралари»нинг майдонга чиқиши «ўша вақтдаги шароитда, — деб ёзган эди М. И. Калинин, — сиёсий таъсир кўрсатди: крепостникларни ғазаблантирди, прогрессив кучларни руҳлантирди ва мустаҳкамлади».

МУНДАРИЖА

Хорь билан Калишч	13
Ермолай ва тегирмончининг хотини	27
Малина суви	41
Уезд врач	52
Қўшним Радилон	63
Ҳамқўра Овсяников	72
Пыгов	93
Беж ўтлоғи	106
Красивая Мечлик Қасьян	129
Бурмистр	150
Контора	167
Бирюк	187
Икки помещчик	197
Лебедянь	208
Татьяна Борисовна билан унинг жияни	222
Ўлим	236
Ашулачилар	256
Петр Петрович Қаратаев	272
Учрашув	290
Шчигра уездининг Гамлети	301
Чертопханов билан Недопюскин	329
Чертопхановнинг ўлими	350
Чўп-устихон	389
Тақиллаяпти	405
Ўрмон ва чўл	420
Эслатмалар	429

На узбекском языке

Иван Сергеевич Тургенев

ИЗБРАННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ

ТОМ I

Перевод с издания Гослитиздата, 1953 год.

Редактор *М. Мирзоев*
Муқова ва титул *П. Халипиники*
Расмлар редактори *Н. Калентьев*
Техн. редактор *Л. Ильина*
Корректор *М. Жўраева*

Босмаҳонага берилди 30/III 1967 й. Босишга
рухсат этилди. 27/X 1967 й. Формати
84×108¹/₃₂. Босма л. 14,0 Шартли босма л.
23,52 Нашр. л. 23,63+0,37 (5 вкл.)

Тиражи 10000. Ғафур Ғулом номидаги
бадний адабиёт нашриёти. Тошкент. Навоий
кўчаси, 30. Шартнома № 193—66.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мат-
буот Давлат комитетининг 3-босмаҳонасида
Кам. № 2. қўроғга босилди. Тошкент, На-
воий кўчаси, 30. Заказ № 331. Баҳоси 1 с. 2т.